ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҒЫЛЫМ ЖӘНЕ ЖОҒАРЫ БІЛІМ МИНИСТРЛІГІ
МИНИСТЕРСТВО НАУКИ И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
MINISTRY OF EDUCATION AND SCIENCE OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN

ЖҰМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТІ
ЖУМАБЕК АХМЕТУЛИ ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ЖУМАБЕК АХМЕТУЛЫ ТАШЕНЕВА
TASHENEV UNIVERSITY

Көрнекті мемлекет қайраткері, данқты қолбасшы, ұлы ғұлама, ақын, тарихшы
Захириддин Мұхаммед Бабырдың 540 жылдығына

«ЗАХИРИДДИН МҰХАММЕД БАБЫРДЫҢ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ ӘЛЕМ МӘДЕНИЕТІ»

халықаралық ғылыми-практикалық конференция материалдары
24-25 ақпан, 2023ж.

«ТВОРЧЕСТВО ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА И МИРОВАЯ КУЛЬТУРА»

материалы международной научно-практической конференции
24-25 февраля 2023г.

«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ»

халқаро илмий-амалий конференция материаллари
24-25 февраль, 2023ж.

«CREATIVITY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR AND WORLD CULTURE»

materials of the international scientific-practical conference

February 24-25, 2023

February 24-25, 2023 year, Shymkent

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҒЫЛЫМ ЖӘНЕ ЖОҒАРЫ БІЛІМ МИНИСТРЛІГІ
МИНИСТЕРСТВО НАУКИ И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
MINISTRY OF EDUCATION AND SCIENCE OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN

ЖҰМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТІ
ЖУМАБЕК АХМЕТУЛИ ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ЖУМАБЕК АХМЕТУЛЫ ТАШЕНЕВА
TASHENEV UNIVERSITY

«ЗАХИРИДДИН МҰХАММЕД БАБУРДЫҢ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ ӘЛЕМ МӘДЕНИЕТІ»

тақырыбындағы халықаралық ғылыми-практикалық конференция материалдары
24-25 ақпан, 2023ж.

1-том

«ТВОРЧЕСТВО ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА И МИРОВАЯ КУЛЬТУРА»

материалы международной научно-практической конференции
24-25 февраля 2023г.

1-том

«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ»

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари
24-25 февраль, 2023ж.

1-том

«CREATIVITY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR AND WORLD CULTURE»

Collection of materials the international scientific and practical conferences
February 24-25, 2023 y.

ISBN 978-9965-899-95-9
9 789965 899959

Шымкент, 2023

УДК 37:001:80
ББК 74.58
З-30

Ұйымдастыру комитетінің төрағасы

Байболов Қанат Сейтжанұлы - Жұмабек Тәшенев атындағы университет ректоры, техникағылымдарының кандидаты, доцент

Қоғамдық кеңес: И.Хашимжанов, С.Ниязходжаев, М.Ҳожиматов, А.Фатхуллаев, О.Аяшев, Ш.Тохтасимов, Ш.Арзымбетова, Ш.Нaралиева, Х.Хамроева, Шаменаз Бано, А.Сатвалдиев, А.Аллаяров.

Редакциялық алқа: Р.Сайфуллаева, Эркан Алкайя, Ш.Искандарова, Ё.Саидов, М.Гафуров, Ж.Ганиев, У.Журакулов, Д.Хусаинов, М.Мамажонов, Р.Шарипов, Н.Касимов, М.Касимова, Б.Файзуллоев, Г.Тавалдиева, С.Ганиев, Н.Кулдашев, Б.Абдиримов, Н.Корганбаева, Ж.Н.Ботабаева, М.Байбекова, М.Исламова, Ж.Абдуллаева.

«Захириддин Мұхаммед Бабурдың шығармашылығы және әлем мәдениеті»=тақырыбындағы халықаралық ғылыми-тәжірибелік конференция жинағы = «Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва жаҳон маданияти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция тўплами = Сборник материалов международной научно-практической конференции «Творчество Захириддина Мухаммада Бабура и мировая культура» = Collection of materials the international scientific and practical conferences «Creativity of Zahiriddin Muhammad Babur and world culture» /жалпы ред.басқарған Ш.Д.Нaралиева. – Шымкент: Жұмабек Тәшенев атындағы университеті, 2023. – 607 б., 1-том.

ISBN 978-9965-899-95-9

Жинақта Захириддин Мұхаммед Бабурдың ғылыми-әдеби мұрасы мен жалпыадамзаттық құндылықтары; мемлекеттік саясаттағы толеранттылық пен мейірімділік ұстанымдары; шығармаларының дереккөздері мен мәтіндік зерттеулері; «Бабурнама» – дүниежүзілік әдебиет пен деректанудағы маңызды және бірегей ескерткіш ретінде; Захириддин Мұхаммед Бабур шығармаларын шетел тілдеріне аудару және шетелде оқу; Захириддин Мұхаммед Бабурдың әдебиет пен тіл білімі туралы көзқарастары; Захириддин Мұхаммед Бабур шығармашылығы және әдеби ықпал ету мәселелері; сонымен қатар, әдебиеттану және тіл білімі секциясы; тарих, педагогика, руханияттану, мәдениеттану және өнертану мәселелері бағыттары бойынша мақалалар берілген.

В сборник вошли статьи о научно-литературном наследии и общечеловеческих ценностях в произведениях Захириддина Мухаммада Бабура; об источниках и текстологии его произведений; о «Бабурнаме» как важный и уникальный памятник мировой литературы и науки; переводе произведений Захириддина Мухаммеда Бабура на иностранные языки и изучение за границей; проблемах преподавания произведений Захириддина Мухаммеда Бабура в системе образования; взгляды Захириддина Мухаммада Бабура на литературу и языкознание; творчество Захириддина Мухаммеда Бабура и вопросы литературного влияния; также, раздел литературы и языкознания; представлены статьи по истории, педагогике, духовности, культурологии и искусствоведению.

Берілген мақалалардың сапасы мен мазмұнына авторлардың өздері жауапты.

Берилган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъул ва жавобгардир.

Авторы сами несут ответственность за качество и содержание статей.

УДК 37:001:80
ББК 74.58

ISBN 978-9965-899-95-9

© Жұмабек Тәшенев атындағы универститеті, 2023

ҚАЙЫРЛЫ КҮН, ҚҰРМЕТТІ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТЫСУШЫЛАРЫ!

«Захириддин Мұхаммед Бабырдың шығармашылығы және әлем мәдениеті» тақырыбындағы халықаралық ғылыми-практикалық конференциясының қатысушыларына жолдаған ыстық ықыласымды қабыл алыңыздар!

Қазақстан Республикасы өзбек этномәдени бірлестіктері «Дустлик» қауымдастығының бастамасы және Қазақстан халқы Ассамблеясының қолдауымен өткізіліп отырған осы игі іс-шара түркі тілдес халықтардың арасындағы достық, мәдени-ағарту, ғылыми, тәжірибелік қарым-қатынастарының артуына өз үлесін қосады, деген сенімдемін.

Осы конференция Қазақстан халқы Ассамблеясы мен Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетінің жанындағы Халықаралық қатынастар және шет елдермен достық байланыстар комитеті арасындағы ынтымақтастық туралы меморандумында көзделген екі бауырлас халық арасындағы тату көршілік қарым-қатынасты дамыту, тарихи тұлғалардың, ақын-жазушылардың мерейлі даталарын бірлесе атап өту мақсатында ұйымдастырылып отыр.

Туғанына 540 жыл толған, аты аңызға айналған ұлы қолбасшы, реформатор-билеуші – Захириддин Мұхаммед Бабырдың мұрасы мен ұстанған әділетті жолы Орта Азия халықтары үшін үлгі болып қалары сөзсіз.

Мұхаммед Бабырдың «Бабурнаме» еңбегі – түрік тіліндегі шығармалардың қайталанбас үлгісі ғана емес, халық тілінде кемел жүйемен жазылған көлемді шығарма, халқымыздың рухани қазынасының бірі.

Сұлтан Бейбарыс бабамыз сияқты тағдыр жолымен жырақ кетіп, жат елде өз билігін орнатқан даңқты көсем һәм дарынды қолбасшымен бүкіл түркі халықтары мақтануға тиіс.

Алыс түбекте жатқан үнді әлемін билеп, осынау көне өркениетті қайта түлетіп, тұтастай бір династияның іргесін қалаған Захириддин Бабырдың бай тарихи жолын бүгінгі ұрпақ есте ұстағаны – нұр үстіне нұр!

Құрметті жиын қатысушылары мен қонақтары!

Бүкіл ұйымдастырушыларға алғысымды білдіре отырып, баршаңызды келе жатқан Алғыс айту күні мерекесімен құттықтаймын және халықаралық ғылыми-практикалық конференциясының жұмысына сәттілік тілеймін!

Құрметпен, Марат Алмасұлы Әзілханов
Қазақстан халқы Ассамблеясы Төрағасының орынбасары


Admin
ОСШЗ Сухраб
Uzoq Jo'raqulov



Икрам Акрамович Хашимжанов



"ЗАХИРИДДИН МҰХАММЕД БАБЫРДЫҢ
ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ ӘЛЕМ МӘДЕНИЕТІ"
«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ
ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ»


ШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ ӘЛЕМ МӘДЕНИЕТІ
ғы халықаралық ғылыми-практикалық конференция
ДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ
А ЖАҲОН МАДАНИЯТИ»
идаги халқаро илмий-амалий конференция

"ЗАХИРИДДИН МУХАММЕД БАБЫРДЫҢ
ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ ӘЛЕМ МӘДЕНИЕТІ"
«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ
ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ»

Ассалому алайкум, ҳурматли тадбир иштирокчилари!
Муҳтарам меҳмонлар!

Сиз, азизларни "Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва жаҳон маданияти" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Раҳбариятига, Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари Марат Алмазович Азилхановга, Чимкент шаҳри ҳокими Мура́т Дуйсенбе́к ули Айте́новга, Қозоғистон ўзбек этномаданий бирлашмаларининг "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Икром Акромович Хошимжоновга, Жумабек Ташенов номидаги университет вице-президенти Уналбай Аяшевга, "Дарин" давлат мукофати лауреати Бойғали Есеналиевга, Халқаро Амир Темур жамоат фонди раиси Мухаммад Алига ва Қозоғистон ўзбеклари "Дўстлик" ҳамжамияти кенгаши аъзоларига ушбу конференцияни уюштиришда қўшган катта ҳиссалари учун шунингдек, ушбу тадбирда иштирок этаётган Ўзбекистон Давлат хореография академияси ректори, профессор Шухрат Махмудович Тохтасимовга, Қозоғистон ҳалқи Ассамблеяси "Дўстлик элчиси " унвони Ҳулкар Хамидуллаевна Хамроевага, ушбу тадбир ташкилотчиси ва модератори Шаҳло Нaралиева ҳамда барча қатнашчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳурматли, конференция иштирокчилари!

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари хурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев ва Қосим Жомарт Кемелович Токаев ўртасидаги очиқ ва ишончли муносабатлар икки биродар давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга асос бўлмоқда.

Шу ўринда, 2022 йил 21-22 декабрида Қозоғистон Президенти хурматли Қасим-Жомарт Кемелович Тоқаевнинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи икки биродар халқлари тарихининг олтин саҳифаси бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Ушбу ташриф чоғида энг муҳим ҳужжат "Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлар тўғрисида"ги Шартнома имзоланди.

Бу тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат Қозоғистон билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидан бири эканини яққол намоён этади.

Давлат раҳбарларининг мулоқотида иқтисодий ҳамкорлик қаторида ҳамиша илм-фан, таълим, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга интилиш қатъий таъкидлаб келинади.

Шу қаторда, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро хурмат, ишонч ва очиқлик тамойилларига асосланган мустаҳкам тарихий ришталарга, кўп асрлик қардошлик ришталарига таянган ҳолда, нафақат ўз халқлари, балки бутун Марказий Осиё халқларининг фаровонлиги йўлида муваффақиятли ва самарали ҳамкорликни давом этиради.

Давлатларимиз раҳбарлари томонидан буюк аждодларимиз ҳаёти, ёш авлодимиз интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, фарзандларимизни шу асосда Янги Ўзбекистон ва одил Қозоғистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги таъсирини инобатга олиб, уларнинг илмий ва ижодий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш белгиланган.

Жумладан, Ал Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур ва Абайларнинг таваллуд кунларини кенг нишонлаш ҳамда қолдирган меросини на фақат мамлакатларимизда балки бутун дунёда кенг тарғиб этиш бўйича қарорлар қабул қилинган.

Мисол тариқасида, хар йили Ўзбекистонда қозоқ миллатининг ёрқин намояндаси Абай Кунанбаев, Қозоғистонда Алишер Навоийнинг тavваллуд куни ва уларнинг қолдирган бой маданий меросига бағишланган илмий анжуманлар кенг нишонланиб келинади.

Бугун буюк давлат арбоби, мутафаккир, улуғ аллома, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги муносабати билан "Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва жаҳон маданияти" халқаро анжумани ўтказилмоқда.

Захириддин Мухаммед Бабыр қырық жети жылдық ұмиринде мол адеби жане ғылыми мура қалдырды.

Дүниежүзіне танылған атақты “Бабырнама” оның қаламына, тамаша лирикалық пайымдарына, мұсылмандық фиқһ, поэтика, музыка, әскери істерге қатысты трактаттарына, сондай-ақ “Хатти Бабуридің” арнайы әліпбиіне жатады.

2023 йилда буюк аллома таваллудининг 540 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қарори билан 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари талабалари учун тарих ва география йўналишларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги давлат стипендияси таъсис этилди.

Бобур Мирзонинг туғилиб ўсган юрти – Андижон шаҳрида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг тасарруфидаги "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейи фаолият кўрсатаётгани, "Бобур энциклопедияси", "Бобур куллиёти", "Бабур. Бабуриды. Библиография" деб номланган салмоқли асарларнинг нашрдан чиқарилгани, "Бобур ва дунё" журналининг ташкил қилингани маданий ҳаётимизда катта воқеа сифатида эътироф этилди.

Ҳурматли дўстлар ва азиз меҳмонлар, қаттий ишонтириб айтаманки, бугунги юқори савияда ўтаётган тадбир, шубҳасиз, қардош миллатлар дўстлиги ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой меросини жахон хамжамиятида кенг тарғиб қилишда ўзининг ўчмас изини қолдиради.

Эътиборингиз учун катта раҳмат!

Саидикром Пархатович Ниязходжаев
Ўзбекистон Республикасининг
Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси

Ассалому алайкум, шоҳларнинг шоири, шоирларнинг шоҳи бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг 540 йиллиги муносабати билан ўтаётган халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари!

Ҳурматли конференция иштирокчилари, Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида, яъни 2018 йилнинг 27 июнь куни Астана шаҳрида ҚХА ва ўша пайтдаги ЎР Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси орасидаги ҳамкорлик Меморандуми қабул қилинди. Меморандумнинг асосий мавзуси икки қардош халқлар орасидаги яхши қўшничилик муносабатларни ривожлантириш, тарихий шахслар, шоир-ёзувчиларнинг таваллуд айёмларини ҳамкорликда, биргаликда ўтказишдан иборат эди.

Мана бугунги Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг 540 йиллиги муносабати билан ўтаётган халқаро анжуман мазкур Меморандум бандларининг хаётга татбиқ этилаётганлигидан далолатдир!

Жорий йилнинг май ойида ҚХА раиси ўринбосари раҳбарлигида бир гуруҳ делегация Тошкент шаҳрида Меморандумни пролонгация, яъни муддатини яна беш йилга чўзиш борасида ўтадиган ҳам тарихий, ҳам сиёсий учрашувга бориш учун тайёргарлик ишларини кўрмоқда.

Мазкур халқаро анжуман ҚХА ҳамда Ўзбекистон Республикаси спорт ва туризм Вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ҳамкорлигида, шунингдек ўзларингиз кўриб турганларингиздек, Чимкентдаги Жумабек Ташенев номидаги университет ва бир неча давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ОТМнинг қўллови билан ўтмоқда. Анжуманимизга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ниязходжаев Саидикром Пархатович, Бош консул Фатхуллаев Аброр Жахангирович, Ўзбекистон Республикасининг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Навоий вилоятларидан, Тожикистондан юзма-юз ҳамда масофадан Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан ҳам олимлар иштирок этмоқдалар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср ва Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, буюк ўзбек шоири, мутафаккир, тарихшунос, шунингдек, олим бўлиши билан бирга, йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. У Бобурийлар сулоласи ва салтанатининг асосчиси. Тарихни шунчалик чигаллашиб кетганлигини қарангки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни забт этгандан сўнг, бўласи Муҳаммад Ҳайдар Дулатини (Дуғлоти) Кашмир шаҳрига ҳоким этиб тайинлайди. (1499 й. 8 август куни Тошкент шаҳрида туғилган -1551 йил Кашмирда вафот этган). Муҳаммад Ҳайдар Дулати ҳам тарихчи ва адабиётшунос қозоқ хонлари ва билеушилари тарихининг муаллифи. Унинг форс тилида ёзган "Тарихи Рашиди" китобида қозоқ хонлигининг вужудга келиши, яъни Жонибек билан Керей хонлигининг қурилиш жараёнлари яққол ёритиб берилган.

Чимкент шаҳар ўзбек драма театри жамоаси "Дарин" давлат мукофоти лауреати, драматург, киноактёр Байғали Есеналиевнинг "Муҳаммад Ҳайдар Дулати" драмасини саҳналаштирган.

Ҳурматли халқаро анжуман иштирокчилари, анжуман спикерларининг сермазмун маърузаларини мароқ билан тинглаб, анжуманни юқори савияда ўтишига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Зеро, шундай экан, Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти номидан анжуман ишига омад тилайман!

И.Ҳошимжонов

ҚР ЎЭМБ «Дўстлик» ҳамжамият раиси

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МИРЗОНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Минҳожиддин Мирзо Ҳожиматов,
Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация. Мазкур мақолада атоқли давлат арбоби, мутафаккир шоир ва қомусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий-маърифий қарашлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: маънавий қудрат, миллий ўзлик, тарихий тафаккур, маърифий тарбия, қадрият, маданий анъаналар, ворисийлик.

Аннотация. Бұл мақалада белгілі мемлекет қайраткері, ойшыл ақын, энциклопедист Захириддин Мұхаммед Бабырдың рухани-ағартушылық көзқарастары қарастырылады.

Тірек сөздер: рухани қуат, ұлттық болмыс, тарихи пікірлеу, ағартушылық тәрбие, құндылық, мәдени дәстүр, мұра.

Аннотация. В данной статье рассматриваются духовно-просветительские взгляды известного государственного деятеля, поэта-мыслителя и энциклопедиста Захириддина Мухаммада Бабура.

Ключевые слова: духовная сила, национальное самосознание, историческое мышление, педагогическое воспитание, ценность, культурные традиции, наследие.

Улуғ аждодларимизнинг комиллик тамойиллари, турмуш тарзи, маънавий-руҳий кечинмалари, мақсад ва армонлари, ғалаба ва таназзуллари силсиласида биз ватанимиз ўтмишининг энг ёрқин, холис манзараларини кўрамиз. Буюк шоҳ ва мутафаккир шоир, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлатчилик сиёсатини, ҳаёти ва фаолиятини, асарларини, улкан шахс сифатидаги маънавий-маърифий фазилатларини ўрганиш орқали ўша давр тарихий тафаккур ва тарих фалсафасининг ноёб қадрияти, бетакрор сабоқлари билан юзма-юз келамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавиятдир”, деган сўзларининг замирида ўсиб келаётган ёш авлоднинг камолоти учун муҳим бўлган маънавий-маърифий, ахлоқий тарбиянинг барча тамойиллари мужассам. Дарҳақиқат, маънавий ислоҳотлар ҳаёт эҳтиёжи сифатида кундан - кун теранлашиб, даврнинг энг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Ҳамма замонларда ҳам жамиятда юксак инсонийлик бардавомлиги учун маънавий-ахлоқий фазилатлар ўта муҳим аҳамият касб этган. Ҳазрат Алишер Навоий элнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари моддийлик олдида қанчалар юксак туришини алоҳида таъкидлайди:

Гар йўқдир адаб не суд олтин унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

Бобур Мирзонинг “Мубаййин” китоби хотимасида маънавий бойлик ҳақида шундай фикр билдиради: “Эй Бобур, бу китоб таснифида агарчи ранж чеккан бўлсам-да, қўлимга шундай бир ганж-хазина кирдики, ҳар қандай ганж

харж этиш билан камайиб боради, аммо бу маънавий ганж – бу илм хазинаси харж этган сари тобора ортиб боради”. Ҳиндистонга юриш қилган аксарият подшоҳ-ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, Бобуршоҳгина бу юртни вайрон этмади, бойликларини талон-тарож қилмади, ўша жойни ўз юртидек обод этди, муҳташам ҳинд маданиятини юксак мусулмон маданияти билан бойитди.

Унинг: Бекайдмен-у, харобу сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен, –

деган сўзлари нафақат сафдошларию ҳинд халқи олдидаги, балки виждони, иймони, тарих олдидаги ўз қалби, муроди, масъулиятининг эътирофидир. Зеро, Бобурнинг нияти бошданоқ пок, эзгу ва хайрли эди. У юртларни талаш, вайрон этиш, нафси амморанинг қутқуларини бажо этиш учун эмас, ободлик, илму маърифат, маданият элтиш учун забт этарди.

Эй ел, бориб ахбобга номимни дегил,
Кимки мени билса бу паёмимни дегил,
Мендин демагил гар унутилғон бўлсам,
Кимки мени билса, бу саломимни дегил.

Миллий ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Ҳар гал буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, дилбар шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур китобини варақлаганда унинг боқий ғазалу сўзларидан мангу соғинч ва саломларини юракдан ҳис қиламиз.

Ҳазрати Бобур адолати саховатига, ҳақиқати тариқатига, заковати назокатига, муҳаббати шижоатига уйғун, нафақат бошқа тарихий шахслар, балки ўзи ҳақида ҳам сўз айтишда ҳақиқат ва ростлик мақомидан зинҳор чекинмаган, “Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди” деган сўзни мардона айта олган чинакам комил қалб соҳиби эди. Алишер Навоийдан кейин Бобур маънавияти, ахлоқи, одамийлиги яна бир улуғ дорилфунундир. Таъбир жоиз бўлса, Бобур ҳаёти давомида икки буюк салтанат тузди: бири давлат салтанати бўлса, иккинчиси илму маърифат, назму наср салтанатидир. Бобурнинг биринчи йўналишдаги зафарли юриши инсоният тарихида алоҳида ўрин тутган бобурийлар қисмати билан хотималанган бўлса, иккинчи юриши ҳамон давом этаётир, янги-янги элларни, дилларни забт этаётир. Бу маънавий фазилатлар, одамийлик юришидир.

Бу ҳақда ўз даврида ***Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рошидий» асарида*** «…У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди» деб ёзса, Жаваҳарлаъл Неру: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди», дея эътироф этган эди. ***Инглиз тарихчиси Эдуард Холден эса*** *«Бобурнинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган эди”*, деб ёзади. *Бошқа подшоҳлардан фарқли ўлароқ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида бундай меҳр ва эътироф ила битилган юзлаб фикрларни келтириш мумкин.*

Сабаби, у салтанатни идора этишда, аввало, халқ хоҳиш-иродасини инобатга олар, эл-юртнинг манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Маданият,

маънавият, яратувчанлик Бобур давлатининг устувор йўналишлари эди. У давлатчиликда буюк Амир Темурнинг давлатни бошқариш сиёсатидан нафақат одиллик ила фойдаланди, балки турфа дин ва эътиқодли, турфа тил ва урф-одатли, мухтасар айтганда, кўпмиллатли Ҳиндистон тимсолида халқларни адолат ила бирлаштириб бошқариш маданиятини яратди.

Илм-фан ривожига давлат аҳамиятига молик иш сифатида қаради. У саройлар, қасрлар қурдирди, боғлар бунёд этди. Шаҳарларни обод этиш, савдо-сотиқни тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар ятатиш ишларига раҳнамолик қилди. Бу фазилатлар унинг авлодларига ҳам мерос сифатида ўтди: ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурилиши унинг ўғиллари ва авлодлари ҳукмронлиги даврида ҳам давом этди. Бобурийлар даврида яратилган буюк маданий мерос нафақат ҳинду ўзбек халқлари, балки инсониятнинг бебаҳо маданий-маънавий мулкига айланди.

Адолат, халқпарварлик, бағрикенглик ҳақида сўз кетганда, диний ва этник низолар авж олган бугунги дунёда Бобуршоҳнинг барча давлатлар учун ибрат бўлгулик иккита муҳим фармонига тўхталмоқ жоиз: биринчиси, давлат бошқарувида фуқароларни ҳинду мусулмон деб ажратмай, қайси эътиқод ва миллатга мансублигидан қатъий назар, тамға солиғидан озод этилиши бўлса; иккинчиси, бутун салтанатда шароб ичилишини қатъиян ман этгани билан боғлиқ фармонларидир.

“Бобурнома”нинг охирги саҳифасида бу асарни кўчирган номаълум котиб асар муаллифига шундай холисона баҳо бериб кетади: “ Ул подишоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан туганмагай. Лекин, мужаммал буким, секкиз сифати анинг зотига мутассил эди: бириси буким, нажҳати баланд этди, иккимчиси, ҳиммати аржуманд эди, учумчиси, вилоят олмоқ, тўртумчиси вилоят сахламоғ, бешимчиси маъмурлиғ, олтимчиси рафоҳият нияти Тенгри таоло бандалариға, еттимчиси, черикни кўнгли қўлға олмоқ, секкизимчиси адолат қилмоқ”.

Ўзбекистон раҳбари яқинда бўлиб ўтган йиғилишда қалбларни уйғотувчи бир фикрни айтдилар: “Биз эргашган эмас, эргаштирган халқнинг авлодларимиз”. Бу эргаштиришга муносиблик замирида, аввало, илму маърифат, гўзал ахлоқ, адолат, халпарварлик, одамийликда собитлик туради. Эзгулик йўлида дунё жаҳолатга эмас, маърифатга эргашади. Дунё разолатга эмас, адолатга эргашади. Дунё адовату нафратга эмас, меҳру муҳаббатга эргашади.

Мутафаккир шоирнинг маънавий-ахлоқий фазилатларининг гултожи эзгулик эди. Бу эзгулик нури унинг китобу девонларида, қурдирган иншоотларида, бобурийлар қалбига эккан мунаввар бунёдкорлик руҳида кўринади. Ана шу маънода биз дунёда тенгсиз бўлган Тожмаҳал обидасининг маҳобатида, боқий гўзаллигида Бобуру бобурийларнинг буюк қалбини кўрамиз.

Бобур Мирзо шуҳратининг сири нимада эди? Ҳазрат Алишер Навоий “Қуёшлиғ истасанг касб камол эт...” дегандай, у ҳамиша меҳр топмай, кўрсатган меҳрига жавобий муносабат кутмай, барчага меҳр тарқатди. Бағрикенглик, яхшилиқ ва адолат унинг дастуриламали бўлди. Бугун нафақат туркийу ҳинд халқлари, балки дунё меҳр билан Бобур Мирзони ёд этмоқда. Бу меҳрнинг қайтиши Бобур Мирзога меҳр қўйган барча ихлосмандларга муборак бўлсин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.ЎзА, 2023 йил, 25 январь.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти.,2021.
3. Бобур З.М. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси.Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2017.
5. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. М.: “Наука”, 1977.
6.Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. Т.: “Шарқ”, 2010.
7.Берк С. М. Акбар – Бобурийларнинг энг буюги. Т.: “Мумтоз сўз”, 2009.
8.Машрабов З. Древний и средневековый Андижан. Т.: «Шарк»,2011.

ЗАХИРИДДИН МҰХАММЕД БАБЫР МЕН МҰХАММЕД ХАЙДАР ДУЛАТИ

Армысыздыр, аса қадірлі түбі бір түркі тектес зиялы қауым, құрметті қонақтар!

Бүкіл түркі елдері арасында көрнекті мемлекет қайраткері, даңқты қолбасшы, сонымен бірге, ғажайып өлең-жырлар жазып қалдырған лирик ақын, дарынды жазушы, ғұлама-ғалым, атақты тарихшы Захириддин Бабырдың 540 жылдығына арналған **«Захириддин Бабыр шығармашылығы және әлем мәдениеті»** тақырыбындағы ғылыми-практикалық **конференцияға** қош келдіңіздер!

Захириддин Мұхаммед Бабыр 1483 жылы 14 ақпанда Әндижан қаласында туылған. Бабырдың әкесі Омар Шейх – әйгілі Әмір Темірдің немересі, Ферғана әмірі еді. Шешесі – шағатай әулетінен шыққан Жүніс ханның екінші қызы – Құтлық Нигяр ханым болған. Ал кенже қызы Хуб Нигар ханым – қазақтың тұңғыш тарихшысы Мұхаммед Хайдар Дулатидің анасы екені мәлім. Демек, Бабыр мен Мұхаммед Хайдар Дулати бөле болып келеді. Мұхаммед Хайдар Дулати – қазақтың есімі әлемге мәшһүр тұңғыш тарихшы ғалымы, кемеңгер ойшылы, аса дарынды қаламгері, әдебиет зерттеушісі, этнограф, дарынды қолбасшысы.

Апалы-сіңілі екі анадан туған қос алыптың өмірінде, тағдыр-талайында да ұқсастық көп. Екеуінің де тепеpíш көрген ортақ дұшпаны Мұхаммед Шайбани (Шаһибек) болса. Анасынан екі жаста, әкеден сегіз жаста айырылып, панасыз қалған Мұхаммед Хайдардың сонау Қабулге барып, бөле ағасынан қамқорлық көруі ұлы жүректің мейірбандығын танытса керек. Хайдар Дулати өз заманы үшін жан-жақты, әрі аса терең білім алған ғұлама жан. Тарих ғылымы, поэзия,

музыка, сәулет өнері, зергерлік салалары бойынша оған дәріс берген ұлы Бабыр, Сұлтан Саид хан сияқты орта ғасырдың аса көрнекті ғұламаларын өз шығармаларында аса құрметпен атап отырады.

Бабыр түркі тілдерімен қатар араб және парсы тілдерін жете меңгеріп, Шығыстың классикалық поэзиясынан еркін сусындаған, тарих, философия, табиғаттану ғылымдары бойынша, сондай-ақ сәулетшілік (архитектура) және соғыс өнері бойынша өз заманына лайық едәуір білім алған жан. Ержүрек батырлығы үшін оны бала кезден-ақ **Бабыр (арабша бабур -- арыстан деген сөз)** деп атап кеткен. Ең қызығы Мұхаммед Хайдар есімі де арыстанмен байланысты. (Хайдар) сөзі де арыстан емес пе? Әкесі қайтыс болғаннан кейін он екі жасар Бабыр Ферғана уәлаятының әмірі болып, таққа отырды. Бұл – қылыштың күшімен Әмір Темір құрған мемлекеттің іштей әбден ыдырап, әмірші ұрпақтарының билік ушін күнде өзара қырық пышақ болып соғысып жатқан кезі еді.

Бабыр кезінде есімі әлемге әйгілі, дарынды қолбасшы, жаужүрек батыр болған адам. Бүл жөнінде XIX ғасырдың белгілі шығыстанушы ғалымы Н. И. Веселовский мынадай пікір айтқан: «Бабыр батырлығының шегі жоқ деуге болады. Оның бүкіл ғумыры батырлықтың үлгісі секілді. Тіпті ол Шайбанидін он бес мын әскері тұрған Самарканды өзінің небәрі екі жүз кісілік отрядымен жаулап алуға тәуекел жасады ғой. Тек тәуекел жасап қана қойған жоқ, жауды шынында да қаладан қуып шықты. Бабыр империясының пайда болуын айтсаңызшы! Бабыр Ибрагим Лодидің қолынан құдіретті Үндістанды түкке турғысыз қарудың жәрдемімен тартып алған».

Осы бір жерде қос арыстың тағы бір ұқсастығын елеусіз қалдыру қиянат болар еді. Кашмир патшалығын Шершах жіберген он мыңнан аса әскерді жергілікті халык пен өзінін азғана әскерімен тас-талқан етіп жеңіп өз билігіне алған Мұхаммед Хайдардың ерлігі де, қолбасшылық дарыны да осымен сабақтасып жатыр емес пе? Мұхаммед Хайдардың өзінің ұстазына деген құрметі мен үлгі тутуы қай ісінен де көрініс тауып отырады.

Үндістанды құрушы ұлттык басшы ретінде тарихқа енген мемлекет қайраткері, жалынды публицист Жаваһарлал Неру өзінің әйгілі «Индияны ашу» деген кітабында Бабырды «жылы жүзді, батыл, іскер жан, өнер, әдебиетті бағалай білген қайраткер» ретінде сипаттап, ол туралы зор құрметпен сөйлейді. Ол Бабыр билеген дәуір жөнінде айта келіп, «бұл кезде Индияда үлкен игілікті өзгерістер өмірге келді. Жаңа бір леп есіп, мүның өзі өнер, сәулет, тағы басқа мәдениет салаларын құлпыртып, жақсартып жіберген еді» деп жазады.

Қазақ пен өзбек халықтары – бауырлас халықтар емес, олар бір халық, бір ұлт. Жай ғана, бір халықтың жартысы көшпенді өмір салтын ұстанған, жартысы отырықшы өмір салтын ұстанған. Қазақтың да, өзбектің де сүйегін құрап отырған бөліктер біреу – өзіміздің қоңырат-найман, арғын-кыпшақ, қаңлы, жалайырлар, алшын, сіргелілер екенін кереміз.

Біз бұл байланыстарды Тәуелсіздік жылдары сақтап қана қоймай, мемлекеттерімізді жақындастыра тустік. Бул орайда, тарихтын қалдырған тағлымы жетерлік, оны зерттеп, жақсысын арттырып, ынтымақ пен бірлік құралы етудің маңызы зор. Мақсат – осы қарым-қатынастарды, өзара сенімді нығайтып, келесі ұрпакка мирас етіп қалдыру.

Ал, халықтар арасындағы достық біреудің қалауымен емес, өмірлік қажеттіліктен туындайды. Әр ұлттың көршілес ұлттармен тату-тәтті өмір суруі – әрі ұлттық, әрі жалпыадамзаттық құндылық.

Жаратушының өзі бізге – қазақ пен өзбек халқына көрші болу деген баға жетпес сый берді. «Аула алма, көрші ал!» деп дана бабаларымыз бекер айтпаған. Ежелден бір топырақтың үстінде, бір күннің астында, бір өзеннің суын ішіп келеміз. Біздің тамырымыз бір!

2018 жылы Қазақстанда Өзбекстан жылы және 2019 жылы Өзбекстанда Қазақстан жылы деп белгіленгені – біздің ортақ тарихымыз бен ата-бабаларымыздың ежелден келе жатқан бай мәдени мұрасымен дәлелденген халықтарымыз арасындағы бауырластық байланыстардың жарқын көрінісі, «ауылы аралас, қойы қоралас!» деп бекер айтпаған.

Ортағасырлық бірқатар түркі, парсы тіліндегі жазбаларда «өзбек-қазақ» атауы бір ұғымда қолданылған. Себебі, оның жазбагерлері езбек пен қазақты бір-бірінен ажыратып жатпаған.

Мұстафа Шоқайдың арғы атасы мен «Қыз Жібек» фильмінің режиссері Сұлтан Қожықовтың татегі қоқандық қыпшақтардан екені мәлім.

Қазак пен өзбек достығы қазіргідей емес, тығыз ағайындық қарым-қатынаста болса, екі мемлекеттің ғана емес, Алты Алашты ұран еткен тұтастай түркі елдерінің мерейі әлдеқайда үстем алатыны сөзсіз.

Шымкент қалалық өзбек театрында 2015 жылы «Мұхаммед Хайдар Дулат» пьесам бойынша спектаклім қойылды. Ол қойылымның өз кезегінде өзбек-қазақ бауырластық сезімін сіңірген еңбегі зор болды. Мыңдаған көрерменнің алғысына бөленген «Ана жүрегі» қойылымы үшін осы ұжымына шексіз ризашылық білдіремін.

Байғали Есенәлиев
Қазақстан Республикасының еңбек сіңірген қайраткері,
«Дарын» мемлекеттік Жастар одағы сыйлығының лауреаты,
актер, әнші, драматург

“БОБУРНОМА”ГА БИР НАЗАР

Эссе

1.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 2023 йил 23 январда эълон қилинган қарори халқимизнинг тарихидаги, маданий ҳаётидаги улкан ҳодисалардан бири бўлди, десак янглишмаймиз. Бу каттадан-кичик - халқимизни беҳад хурсанд қилди, кўнгилларни миннатдорлик ва шукроналик туйғуси билан тўлдирди. Жуда теран мазмунли, кенг қамровли қарор! Қарорда белгиланган тадбирлар, амалга оширилажак қутлуғ ишлар буюк тарихимизни янада ёрқинлаштиради, яқинлаштиради, мустақиллигимизни мустаҳкамлайди, муҳтарам Президентимиз атрофида жипслашиб, дадил олға қадамлар ташлашимизга имконлар яратади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросини ўрганилиши, Бобур асарлари луғати, Бобур девонининг мукаммал нашрини амалга оширилиши, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги давлат стипендияси таъсис этилиши, “Бобур асарларининг билимдонлари” танлови уюштирилиши ва, айниқса, “Бобурни англаш” мавзусида иншолар танловини ўтказилиши шоёни диққат ҳодисалардандир.

Толмас табиатшунос олим, тарихимиз жонкуяри Зокиржон Машрабов бошқараётган Халқаро Бобур жамоат фонди Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий-ижодий меросини ўрганиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда, анжуманлар ўтказмоқда, халқаро экспедициялар уюштирмоқда. Ўзим ҳам уларнинг бирида қатнашганман.

Эсимда, йигирма йиллар аввал Америкага сафарим пайтида, Вашингтон унивеситети профессорлари билан бир ҳинд ресторанига кирдик. Мени ресторан бошлиғига таништиришиб: “Бу киши Ўзбекистондан”, дейишди. Бошлиқ: “Пакистан?..” деб сўради. “Ю нау Бабуршах?”(Бобуршоҳни биласизми?) – сўрадим ундан ўзим гапга аралашиб. “О. йес, йес!...”(“Ҳа... ҳа! Биламан!”) – бошлиқнинг чеҳраси ёришиб кетди... “Камина Бобур туғилган ердан йигирма километр берироқда туғилганман...” – тушунтирдим мен. У дарҳол эҳтиром ила мен билан кўришди. Бобур Мирзо шундай, бизларни оламга танитиб юрадиган буюк сиймодир.

1983 йилда Бобур Мирзо таваллудига 500 йил тўлди. Аммо... Шунда мен Ғафур Ғулом номидаги нашриёт бош муҳаррири эдим. Бобур ғазалларини рус тилида минг нусхада гугуртдан каттароқ шаклда совғабоп қилиб (бундай миниатюра китоб қўлда тайёрланади) нашр этмоқчи бўлдик. Биринчи нусха босилиб чиқди... Унга ўша пайтги тартиб бўйича “Ўзлит” деган идора бошлиғи имзо чекиб рухсат бериши керак эди. Ўзлит бошлиғи... рухсат бермади. Китобнинг биринчи саҳифасида бир бетгина шоир ҳақида кириш сўзи бўлиб, унда: “Бабур – государственный деятель и поэт” сўзлари ёзилган экан. Шу сўзларни ўзгартиришимизни талаб қилиб туриб олишди. Биз, китоб босилиб бўлган, бу ерда тарихга хилоф маълумот йўқ, ахир Бобур давлат тузган арбоб-ку, деганимизга ҳам қулоқ солишмади. Ўша варақ китобдан йиртиб олинди, юқоридаги сўзлар “поэт и воин”га алмаштирилди ва янги варақ ёпиштириб чиқилди...

Бобур таваллудининг 500 йиллигига бағишланган мажлис Фанлар академиясининг кичик бир хонасида ўтказилди ўшанда ...

2.

Фавқулодда буюк истеъдод учқунлари болалигиданоқ намоён бўлган болалар ҳақида “вундеркинд” (немисчадан – “ғаройиб бола”) деган атама кенг тарқалган. Масалан, Навоий тўрт ёшида Қосим Анворийнинг мураккаб форсий шеърини ёд олиб даврада ўқиб берган ва ҳаммани ҳайратда қолдирган, ўзи шеърлар ёза бошлаган, композитор Моцарт эса беш ёшида мусиқа ёзишни ўрганган, ижод этган эди.

1493 йилдан то 1529 йилгача(орада ўн бир йиллик воқеалар – сукут) йигирма беш йиллик воқеаларни ўзида жамлаган залворли “Бобурнома” асарини ёзишга киришганда Бобур Мирзо ўн бир ёшда эди. Асарда воқеалар айнан шу ёшдан бошланган. Бу бўлажак умр китоби эди. Асар равиши ҳақида

"Бобурнома"да шундай дейилади: *"Чун бу тарихда андоқ илтизом(мажбурият) қилилибтуркИм, -ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеъини таҳрир этилгай..."* Бобур Мирзо ўз сўзларига қатъий амал қилади.

Чарақлаб турган қуёшга тикилганда ловуллаган покиза ёғдулар тўлқинидан ҳайратга тушган киши нима дейишини билмай лол қолади. Бобур Мирзо ижоди ҳам шундоқ. "Бобурнома"нинг қулочи кенг, уфқи бесарҳад, мазмуни теран, маънолар олами оламга сиғмайди.

Дунё адабиётида ўхшаш китоблар бор. Чунончи, Рим императори Гай Юлий Цезарнинг "Галлия жанглари ёзмалари", "Фуқаролар уруши" китоблари, йўқ, у китоблар ўз номи билан жанг, уруш ҳақида. Плано Карпини, Марко Поло, Ибн Баттута, Клавихо китоблари саёҳат ҳақида бўлиб, жуда қимматбаҳо маълумотларга эгадир.

Лекин "Бобурнома" мутлақо ўзгача, монанди йўқ, нодир асар. Унинг жанри ҳақида ўйлаб қоламан. Асарнинг жанрини қандай белгилаш керак? Сафарнома, жангнома, хотиранома, саёҳатнома... Балки биографик роман дейиш ўринлидир, ёки сиёсий роман, ҳужжатли роман, маърифий роман, тарихий роман... Носириддин Рабғўзийнинг "Қисас ул-анбиё" асари (1310) билан "Бобурнома" ўзбек насрининг ёрқин намуналари ҳисобланади. Машҳур шарқшунос В. В. Бартольд ўзининг "Мусулмонлик маданияти тарихи" асарида "Бобурнома"га юксак баҳо бериб, асар фақат сиёсий курашлар ҳужжатигина бўлиб қолмай, XV асрдаёқ ҳаққоний равишда туркий насрнинг мумтоз реалистик намунаси сифатида танилган ёдгорликдир, дегани бежиз эмас.

Шуни айтмоқ жоизки, "Бобурнома"да юқоридаги барча жанрларнинг унсурлари мужассамдир. Унда юрт, мамлакат, эл-халқ, тил, инсонлар, табиат, тоғлар, дарёлар, денгизлар, фасллар, этник қатламлар, қавмлар, наботот олами, гуллар, қуш ва ҳайвонлар, баҳайбат филлар, тўбичоқ отлар ва ҳоказолар ҳақида сўз боради. Сўз борганда ҳам, шунчаки санаб, эслаб кетилмайди, балки қилни қирқ ёриб, деганларидай, "деталнинг ичига кирилади", синчковлик билан уларнинг батафсил таърифи келтирилади. Чунончи, товус рангларининг қандай алмашиниши, гуллар ғунчалари ва япроқлари нозиклиги, қандай бўй таратиши, Ҳиндистонда фасллар тўртта эмас, учта бўлиши, кунларнинг номлари – бари-барининг тасвири, ифодаси жозибали...

"Бобурнома", содда тил билан айтганда, наботот ва ҳайвонот оламини бир илмий марказ ўрганган даражасида тасвир этилган қомусий асардир. Мен қадимги ҳинд эпоси "Рамаяна"ни таржима қилганимда, "нон дарахти" сўзларига дуч келдим. Русчада "хлебное дерево" дейилган. Бу сўзнинг асил ҳиндча номи бўлиши керак, деб ўйладим ва "Бобурнома"га мурожаат қилдим. Бор экан! Бобур Мирзо ишлатган эканлар! Унинг номи "кадҳал" экан. "Бобурнома"да ўқиймиз: *" Кадҳал... мазаси дил очур чучукдур, ичида фундукдек-фундукдек доналари бор. Хурмога филжумла шабоҳати(ўхшашлиги) бор. ... Бу доналарнинг хурмодин юмшокрок, гўшти бор, ани ейдурлар..."*

Таржимада мен "кадҳал" сўзини ишлатгандим.

Бобур Мирзо ўз асарида асосий диққатни инсонларга, унинг ҳаётига ва шахсиятига қаратади, уларнинг ҳаётидан ҳикоя қилади, ёрқин образларини чизиб беради, қизиқарли воқеаларни тасвирлайди. Китоб ёзиш

санъати, рақибларни ҳақорат қилмай тасвирлаш, ҳар мавзуга юксак одоб доирасида ёндошишни устоздан ўрганмоқ керак. Унинг сўзларида кўп маъно бор. Образ яратишда, характерни очиб беришда жуда моҳир, кам сўз билан кўп нарсани англата оладиган улуғ устоз мақомидадурлар. Асардан олинган ушбу сўз-ибораларга эътибор беринг:

Бир саркарда ҳақида:

"Ёй отади... Етти отнинг биридан иккинчисига сакраб ўта олади."

Тонгнинг чиройи таърифи:

"Тонг бошида эл чучук уйкуда эрдиким..." Жуда нафис.

"...забунгина оти бор..." – бу, яна бир саркарда ҳақида. Битта "забунгина" сўзи, отни эмас, балки уни миниб турган саркарда ҳақида тўлиқ тасаввур бериб турибди.

Ўқувчи тан берадиган жиҳатларидан бири – улуғ адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодда, тасвирда ҳалоллигидир. Унда, у одам дўст эди ёки буниси душман эди, деган қараш йўқ, юз-хотирга бориб ўтирмайди, у ростини ёзади. Ҳаётда учрайдиган хурсандчиликларни ҳам инсоф билан ёритади, қирғинбарот жангларни, гоҳи юз берадиган қатли омларни ҳам таърифлашдан қочмайди. Шундай ҳолларда ноқулайлик сезиб: *"Ўқувчи маъзур тутсун, эшитгувчи тааррyз мақомидин ўтсун..."* – яъни қаршилик қилмасун, қабул қилсун, – деган маънода узр сўраб қўяди. Бу ҳам ўрганилиши лозим бўлган адибнинг юксак одобидан далолатдир.

Бирор тарихий шахс таърифи келтирилар экан, унинг туғилиши ва насаби, шакл ва шамойили, ахлоқ ва атвори, жанг ва урушлари, вилояти, фарзандлари, аҳли аёли - хотин ва канизаклари, амирлари ҳақида ҳам аниқ маълумотларни ўқиймиз ва уларда муаллифнинг буюк адиб салоҳияти ва ўткир нигоҳи яққол намоён бўлади.

Мана, Султон Абусаид мирзо ўғли Султон Аҳмад мирзони таърифлар экан, танбал киши эди, ... ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди, шаҳрда улғайиб эди, турк ва содда эди... дейди. Султон Маҳмуд мирзо ҳақида эса, танбал, синчисизроқ киши эди... улуғ хотуни Мир Бузург Тирмизийнинг қизи Хонзодабегим эди. Мирзо бисёр севар эди…- деб ёзади.

Ҳайвонларнинг ҳатто териси ва ранги, туки бор-йўқлиги, оқ-қоралиги, қаерларда бўлиши ҳам улуғ адибнинг назаридан четда қолмайди.

Бобур Мирзо тинимсиз сафарлар, бесаранжомликларда, турли шароитларда яшаб ижод қилди. У пайтларда бизнинг тушунчамиздаги "ижод уйлари" йўқ эди. У Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг "Волидия" рисоласини ўзбек тилига ўгирди. Йигирма олти ёшида девон тузди. Ғазаллар ёзди, "Мубаййин"ни битди. "Хатти Бобурий"ни кашф этди. Лекин асосий ижоди – "Бобурнома" эди. Бобур Мирзо ҳам ҳар куни таассуротларини оҳорини кеткизмай саҳфага туширишга тиришарди.

Ҳиндистонда баъзан кунига ўн-ўн беш йигирма қатла ёмғир ёғарди. Селлар келар, ҳеч сув йўқ ерларда дарёлар пайдо бўларди. "Бобурнома"да ёзилишича, шундай кунларнинг бирида оқшом чоғи, Бобур Мирзо чодирда ўтириб китобат(кўчириш, ижод...) билан шуғулланарди. Бир пайт ёмғир шариллаб қўйиб юборди, чодир қулаб тушди, китоб, қоғаз ва ажзони йиғиштургунча ҳам фурсат бўлмади, бари сувда қолди. Авайлаб йиғиштириб олдилар. Қоғозларни

гиламчаларга ўраб сақланди. Ниҳоят ёмғир тингандан сўнг, машаққат билан ўт ёқдилар. Шам ёруғида эрталабгача қоғоз ва варақларни қуритиб чиқдилар.

3.

Султон Ҳусайн мирзо ўғиллари орасидаги ноиноқлик авж олгани, бахамжиҳатлик йўқлиги Бобур Мирзони жуда афсуслантирарди: *“Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон подшоҳ, тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойга кечалик фурсат қолиб, отасидин иймaнмай, Тенгридин кўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди. Муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай...”*

Бобур Мирзо ўзи ҳам нафақат инсон, балки салтанат учун ҳам офат бўлган ичкилик балосидан воз кечиш ҳақида қайғура бошлайди. 1519-1520 йил воқеалари саҳифаларида шундай сўзларни ўқиймиз:

*“...Чун бу дағдаға(*яъни майга иштиёқ*) бор эдиким, қирқ ёшқа тоиб(тавба қилгувчи) бўлғаймен, қирқ ёшқа озроқ қолиб эди, ифрот била (*ҳаддан ошиб*) ичилур эди...”*

Бобур Мирзо ичкиликдан бош тортиб тавбага юз буради:

“*...Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,*
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.
Олтуну нуқра суроҳию аёқ,
Мажлис олоти тамомин ул чоқ,
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум...”

Барча синдирилган олтун-кумуш май ва бошқа идишларни муносибу мустаҳиқларга ва дарвешларға улашдилар. ...Ўша кечаси ва эрта тонгда беклар, ичкилар, сипоҳийлар ва сипоҳий бўлмаганлардан уч юзга яқин киши ҳам келиб подшога тавба қилганини билдирдилар. Ҳамма чоғир тўкиб ташланди, қолганларига эса туз солиб, сирка қилиш буюрилди...

1506-1507 йиллар воқеаларида келтирилишича, Бобур Мирзо Кобул атрофларига сайрга чиқади. *“Чоштуба дашти ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур,* - деб ёзади у. - *Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хейли яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, бир қатла лола анвоини буюрдумким санадилар, ўттуз тўрт навъ лола чиқти... Нечукким, бу ерларнинг таърифида бир байте айтилиб эди:*

Сабзаву гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хосса *бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.*

Ушбу сайрдан келганда бу газални тугаттим:

Менинг кўнглумки гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ кондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоги не имкондур...”

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темурий ота-боболари ер-мулкини(яъни Ватанини) ҳозирча қайта қўлга киритишнинг иложи йўқлигига амин бўлгач, Кобулга қайтиб келади.

1504 йилда Кобул вилояти мусаххар бўлгандан буён Ҳиндустонга юриш ҳаваси кўнгилга тинчлик бермасди. Бобур Мирзо катта давлат арбоби ва моҳир стратег сифатида буни чуқур ҳис этарди. Лекин, гоҳи бекларнинг суст

раъйлигидан, гоҳи оға-инининг нохайрихоҳлигидан Ҳиндустон юриши муяссар бўлмай келарди.

Милодий 1525 йилда Ҳиндистон тупроғига қадам қўйилди... 1526 йилда Ганг дарёсидан Амударёгача бўлган ерларни бирлаштирган улкан салтанатни вужудга келтирган Бобур Мирзо, албатта, бу ўлка ҳақида кўп эшитган, ўқиган эди. Уни аждодлар мулки деб ҳисобларди.

Шоҳона дидли, нозик кўнгилли, гўзалликлар ошиғи бўлган дилбар шахс, буюк Темурийлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дастлабки таассуроти лекин хийла ёқимсиз эди. “Бобурнома”да ўқиймиз: *“Ҳиндустон кам латофат ер воқе бўлубтур. Элида ҳусн йўқ... карам ва мурувват йўқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом... йўқ ва яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шамъ йўқ ва машъал йўқ, шамъдон йўқ...”*

Бобур Мирзонинг она юрти қандай эди? Ҳай-ҳай!.. Сувлар шарқираб оқиб ётади, нозу ишвалар билан тонглар отади...чаманлар яшнаган, боғларда узумлар сарғайиб кўзни қувнатади, қовунлар пайкалларда пишиб ётади. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмок расм эмас...

Бобур Мирзо Ҳиндустоннинг оқар сувлари йўқлигини яхши биларди. Лекин ҳар ерда чархлар ясаб, окар сувлар қилиб, тархлик ва сиёқ ерларни чаманга айлантирса бўлишига имон келтирди. Аграда, Жуун сувидан ўтиб, Андижон боғларини эсга олиб, боғ учун ер изладилар. Аввало катта қудуқ қазилди, ҳаммомга ҳам шундан сув олинди. Саккиз қиррали ҳовуз бўйига дарахтлар экилди. “Хилватхона” боғчаси барпо этилди, уйлар қурилди... Ҳар хонада гуллар, настаринлар бўй таратарди...

Агра ва Деҳли шаҳарлари атрофлари ободонлашиб, ёқимли манзаралар пайдо қилди. Жамна дарёси соҳилларида саройлар, қасрлар, ҳаммомлар қурилди, боглар яшнади.

Бундай қурилишлар авлодлар томонидан ҳам давом этдирилди. Бунинг ёрқин мисоли ўзи ҳам, исми ҳам ҳар бир ўзбекнинг юрагидан мангулик жой олган, орзиқтирадиган, дунёни ҳайратга солган тош достон Тожмаҳалдир.

1526-1527 йиллар воқеаларида қабиҳ душманлар Бобур Мирзо таомига заҳар солишади, ҳамма ташвишга тушиб, бесаранжомликлардан юртда ҳаловат йўқолади... Бобур Мирзо Оллоҳ шифо бериб соғайганидан сўнг, теран мулоҳазалар юритиб, инсон учун жоннинг, демак ҳаётнинг мунчалар азиз эканини кашф этиб(!), умрнинг бебаҳолигини англайди, Тангри таолонинг иноят кўргизиб, унга “янги бошдин жон бағишлагани”дан беадад миннатдор бўлади ва шукрини не тил била қилғаймен, дейди ва ёзади: *“Хотирларга тараддуд кечмағай деб, ҳар не воқиъ бўлғонни шарҳи ва басти била битидим...”*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзганди: *“Аҳмад Юсуфбек(*яқинларидан бири*) ҳар замон айтадуркум, яланғоч мундоқ кириб борасиз(жанг майдонига), икки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздин ўтти... Мен дедимким, сиз мардона бўлунг, менинг бошимдин мундоқлар хейли ўтубтур...”*

Ҳа, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг азиз бошидан кўп савдолар ўтди... Лекин у чинакам йўлбарслигини намоён этиб, асрлар оша шундай ёруғ кунларга етиб келди. Биз аждодимизни шоир, гўзал ғазаллар соҳиби деб атаймиз. Лекин

ул зот биринчи галда **буюк адиб,** ёзувчи эди. Биз Бобур ҳақида қалам тебратганда, уни “улуғ ёзувчи, шоир ва зукко олим ” деб ёзмоғимиз лозим. Зеро, бундай аташга “Бобурнома” бизга тўлиқ ҳуқуқ беради! Ул зотга шон-шарафлар бўлсин, деймиз.

Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб, ёд *қилгасен ўзумни...*

– деб башорат қилган эди Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Сўз ўлмайди!

“Бобурнома” улуғ адибнинг, ҳар бир ўзбекнинг жаҳонга айтилган порлоқ сўзидир! У мангу жаранглаб тураверади.

Муҳаммад Али
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

«АТ ЖАЛЫНДАҒЫ ӨРКЕНИЕТ» ЖӘНЕ БАБЫР ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ

Армысыздыр, аса қадірлі түбі бір түркі тектес туысқандар! Ділі бір, діні бір, тілі бір бауырлар, зиялы қауым, құрметті қонақтар!

Көрнекті мемлекет қайраткері, даңқты қолбасшы, ғажайып өлең-жырлар жазып қалдырған лирик ақын, дарынды жазушы, ғұлама-ғалым, атақты тарихшы Захириддин Бабырдың 540 жылдығына арналған **«Захириддин Бабыр шығармашылығы және әлем мәдениеті»** тақырыбындағы ғылыми-практикалық **конференцияға** қош келдіңіздер!

«Ұлы дала... Мұнда қаншама өркенитеттер қалыптасып, жанып-сөнді. Мұнда еңсе көтерген небір алып империялар жер жүзінен ғайып болды... Сол тұңғиықтан ата-бабаларымыздың аса құнды мұралары бізге жетті. Біз оларды домбыраның күмбірінен, ән мен жырдың әуенінен түйіндеп, тастан түйін түйген зергерлер мен шеберлердің қолынан танимыз, өскелең өнер үлгілерінен көреміз».

Сонау... таңбалы тастарда қадым замандарымыздың түрлі тарихи кезеңдердегі өмірі, тұрмыс-тіршілігі, әдет-ғұрпы, салт-санасы, діні мен ділі, көркемдік талғамы туралы қыруар мәліметтер сақталған.

Дәуір шындығын, заман ақиқатын қалпына келтіріп жатқан тәуелсіздік кезеңінде бізге көненің көзіндей болып ғасырлар қойнауынан жеткен рухани мұраларды, соның ішінде бертін келе қазақ халқын құраған ру-тайпалардың ежелгі әдеби-жәдігерліктерін тереңірек танып-білудің мүмкіндігін тудырып отырған бүгінгі конференцияға алғысымыз шексіз!

Қазақ әдебиетінің тарихы өте ерте дәуірлерден бастау алады. Алайда қазақтар халық ретінде тек XҮ ғасырдан хандық құрды деп жүрміз. Ендеше XҮ ғасырдан арғы жердегі материалдық, рухани мұраның бәрі қазақ үшін жат болғаны ма? Әрине, олай емес.

Қазақ халқының құрылуына негіз болған этникалық процестер - ру-тайпалар – өзбек, қырғыз, әзірбайжан, түрікмен, ұйғыр, қарақалпақ, хақас, башқұрт, татар көне замандардан-ақ қазіргі Қазақстанды, Орта Азияны, Оңтүстір Сібірді,. Орталық Азияны, Еділ бойы мен Каспий жағалауларын мекен етті.

Демек, қазіргі түркі тілдес халықтардың экономикалық, әлеуметтік, мәдени өмірі ежелден-ақ бір-бірімен өзара тығыз байланыста болды. Сондықтан түркі тілдес халықтардың әдебиет тарихын да бүкіл тұтасымен алып, қоғамдық, саяси, мәдени, рухани өмірдің барлық құбылыстарын өзара байланысты түрде танып-білу керек. Сонда ғана біз қазақ халқының ежелгі әдебиетіне азды-көпті қатысы бар көне заманның көркем сөз туындыларын ғылыми тұрғыдан дұрыс бағалай аламыз.

Захириддин Бабыр кім? Ат жалында жүріп өркениетті жасаған тұлға. Ол – көрнекті мемлекет қайраткері, даңқты қолбасшы, сонымен бірге, ғажайып өлең-жырлар жазып қалдырған лирик ақын, дарынды жазушы, ғұлама-ғалым, атақты тарихшы.

Жастайынан өнерге, білімге құштар болған Бабыр түркі тілдерімен қатар араб және парсы тілдерін жете меңгеріп, Шығыстың классикалық поэзиясынан еркін сусындаған, тарих, философия, табиғаттану ғылымдары бойынша, сондай-ақ сәулетшілік (архитектура) және соғыс өнері бойынша өз заманына лайықты едәуір білім алған жан. Ержүрек батырлығы үшін оны бала кезден-ақ Бабыр (арабша бабур арыстан деген сөз) деп атап кеткен.

Бабырдың мақсаты – Амудария мен Сырдария аралығында, яғни Мауараннахрда бір орталыққа бағынатын қуатты мемлекет құру болды. Сол арманына жету үшін ол көп жылдар бойы әрекет жасап, талай суық жорықтарға аттанады. Дегенмен, Шайбани хан бастаған ру-тайпалардың тегеуірініне төтеп бере алмаған Бабыр өзіне сенімді бір топ нөкерлерімен Ауғанстанға келеді. Сосын, одан әрі Үндістанға қарай бет алады. 1525 жылы ол Дели сұлтаны Ибрагим Лодидің әскерін жеңеді. Сөйтіп, Бабыр Үндістан билеушісі болады. Үш жүз жыл бойы, яғни XIX ғасырдың бас кезіне дейін (Индияны ағылшындар жаулап алғанға дейін) өмір сүріп келген Ұлы Моғол империясының (1526-1858) негізін қалаған мемлекет қайраткері ретінде Бабырдың есімі тарихтан жақсы мәлім.

Үндістанның қоғамдық-саяси және экономикалық, мәдени өмірінде, өркендеп өсуінде үлкен рөл атқарады. Бір орталыққа бағынатын мемлекет құрылған соң ғана үнді елінде ғасырлар бойы тынбай жүргізіліп, еңбекші халықтың қанын аяусыз төгіп келген жергілікті феодалдардың өзара бақталас соғыстары тоқтатылды. Халық бейбіт еңбекке көшті. Жаңадан көптеген үлкен каналдар қазылып, шөлді жерлерге су шығарылды. Егіншілік мықтап дамыды. Бабырдың әмірімен жаңа қалалар, ғылым және мәдениет орталықтары салынды, өркениет дамыды.

Жаңа Үндістанды құрушы ұлттық басшы ретінде тарихқа енген мемлекет қайраткері, жалынды публицист **Джавахарлал Неру** өзінің әйгілі **«Индияны**

ашу» деген кітабында Бабырды **«жылы жүзді, батыл, іскер жан, өнер мен әдебиетті бағалай білген қайраткер»** ретінде сипаттап, ол туралы зор құрметпен сөйлейді. Ол Бабыр билеген дәуір жөнінде айта келіп, **«бұл кезде Индияда үлкен игілікті өзгерістер өмірге келді. Жаңа бір леп есіп, мұның өзі өнер, сәулет, тағы басқа мәдениет салаларын құлпыртып, жақсартып жіберген еді»** деп жазады.

«Бабырнаме» – тарихи тақырыпқа жазылған көркем шежіре, ол - энциклопедиялық шығарма. Мұнда тарихи оқиғалармен бірге, табиғаттану, география, топография, әдебиеттану, тіл білімі, этнография, тағы басқа ғылым салаларына қытысты өте бағалы мәліметтер жинақталған.

Орта ғасырдың соңғы дәуірінде туындаған барлық көркем жазба шежірелерді жеке-жеке салыстырып, олардың мағыналық, құрылымдық жүйесіндегі өзара ұқсастығы мен айырмашылықтарына қарай **«автобиографиялық - мемуарлық, компилятивті - нарративті, панегирикалық, агиографиялық»** деп, төрт түрге жіктеуге болады.

Автобиографиялық-мемуарлық шығармаларға **«Бабырнама», «Бадаи ал-вакаи», Тарих-и Рашиди»** атты және т.б. туындыларды жатқызуға болады.

Компилятивті-нарративті сипаттағы шежірелерде авторлар өзі өмір сүрген кезеңдегі белді оқиғаларды жазуда оған өзі тікелей куәгер болмаған жағдайда, естігендерінен қалам тербейді. Олар өз дәуірінен әлдеқайда бұрын болған тарихты жазу үшін көп жағдайда ұрпақтан-ұрпаққа ауызша таралып келе жатқан тарихнамалық деректерге, кейде солардың ішіндегі аңызға айналып кеткен жайттарға да жүгініп жатады. Осындай жазбаларға **«Қыпшақ тарихы», «Зубдат ал-асар, «Тарих-и Хабиб ассийар», «Тарих-и Абул Хайрхани»** атты және т.б. еңбектерді жатқызуға болады.

Панегирикалық сипат Шыңғыс хан билік еткен заманнан бастап, әсіресе XV-XVII ғасырлардағы жазбаларда басымырақ. Осы ғасырлардағы ортаазиялық жазбаларда Әбілхайыр, Абдулла, Шайбани хандарды жер-көкке сыйғызбай мадақтауды үрдіске айналдырды. Авторлардың кейбірі туындысын хандардың бұйрығы бойынша жазып отырғандықтан, оларға жағыну мақсатында әсірелесе, кейбірі асыра сілтеу шығармамыздың көркемдігін арттырады деп түсінді. Панегирикалық сипаттағы туындылардың қатарына **«Фатх-нама», «Шараф-наме-ий шахи», «Зафар-наме-йи Мукими», «Шайбанинама», «Шежірелер жинағы»** және тағы басқа жәдігерліктерді жатқызуға болады. Қадырғали Жалайырдың **«Шежірелер жинағының»:** «Барлық христиандардың патшасы жоғары мәртебелі Борис Федорович ұлы бек, ақ хан Сіз! Барлық құрметке, мақтауға лайықсыз!.. Жеті ықылым дүниенің билігін алған хансыз! Сіз айналаңызда алты хан, төңірегіңізде төрт хан, дүниенің төрт бұрышын билеген хансыз!» деп басталуы да шежіренің нағыз панегерикалық сипатын танытады.

Қазақ хандығы тұсындағы жазбалардың ішінде **агиографиялық сипаттағы** мұралардың да өзіндік ерекшелігі, белгілі бір шарттылықтағы өз ұстанымы болды. Дегенмен, бұл кезеңде дүниеге келген агиографиялық шығармалар белгілі бір тұлғаның іс-әрекеттері төңірегінде баяндалып отырды. Олардың қатарына **«Хидайатнама», «Исламнама», «Джалис-и Муштакин»,** т.б. діни топтардың жетекшілеріне арнап жазылған туындыларды жатқызуға болады. Аталған туындылардың барлығы саяси-идеологиялық үгіт-насихат

жүргізуді мақсат тұтты. Оған исламдық тамырлардың Орта Азияға тереңдеп тарауы ықпал еткені белгілі. Сондықтан бұл жазбаларды кейіннен жалғасын тапқан діни ағартушылық бағыттың бастамасы деуге негіз бар.

Қорыта айтқанда, автобиографиялық-мемуарлық, компилятивтік-нарративті, панегирикалық, агиографиялық сипаттағы жазбалардың көркем әдебиетте белгілі бір бағыттардың, жанрлар мен көркемдік әдіс-тәсілдердің қалыптасуына зор әсер еткендігі айқын.

Ал Бабыр өз еңбегінде өзі болған, соғысқан жерлердегі таулар мен кең жазира далаларды, сан қилы өсімдіктер мен хайуанаттарды, түрлі халықтардың әдет-ғұрпы, тілі, әдебиеті мен өнері, кейбір сөздердің этимологиясы жайлы нағыз ғалымға тән дәлдікпен, әрі үшқыр қиялды жазушыға ғана тән шеберлікпен бейнелеп жазады.

Бұдан бес жүз жылдай бұрын қай жерде қандай өсімдіктер өскенін, қай елде қандай жан-жануарлар тіршілік еткенін, қай жерде көл, қай тұста шөл болғанын, қайсы өзен қайсы теңізге құйғанын білу – бүгінгі ғылымның табиғаттану салаларын (география, ботаника, зоология, т. б.) дамыта түсу үшін аса қажетті баға жетпес материал екенін бүгінгі ғылыми-зерттеу көрсетіп отыр. Мәселен, Бабырдың кезінде Сырдария өзені қазіргідей Арал теңізіне құймаған екен. «Сейхун өзені Түркістаннан едәуір төменірек жерде, ешқандай өзенге қосылмай, түгелдей құмға сіңіп таусылады». Демек, Сырдария кейінгі кезде ғана ағыс бағытын өзгертіп, Аралға құятын болған. География ғылымының ежелгі тарихын зерттеушілер үшін бұл мәліметтің маңызы зор.

«Бабыр-наме» – тарихи, ғылыми еңбек қана емес, сонымен бірге түркі (шағатай) тілінің мол мүмкіндіктерін зор шеберлікпен пайдалана отырып жазылған көркем туынды.

Рас, бұл прозалық шығарманың негізі объектісі тарихи оқиғалар болып келеді. Әйтсе де автор сол тарихи оқиғаларды баяндап шығумен шектеліп қалмайды. Ол көркем шығармаға тән метафора, теңеу, метатеза, эпитет, гипербола, т.б. көріктеу құралдарын «Бабыр-намеде» зор білгірлікпен қолданғаны еріксіз назар аударады.

«Бабыр-намеде» түркі тілдес халықтардың ертегі-аңыздары, мақал-мәтелдері, фразеологиялық сөз тіркестері, айшықты теңеу сөздері жиі ұшырайды. Бабыр өз дәуірінің әдеби тілі шағатай тілін осы шығармасында мейлінше ажарлап, құбылтып, айшықтап қолданады. Бұл сөзімізге «Бабыр-наменің» кез келген бетін ашып жіберіп, дәлел келтіруге болады. «Бабыр-наме» авторы бейнелі көркем сөздер мен тарихи оқиғалардың жанды суретін жасап шыққан дарынды суретші екені даусыз. Ол, әсіресе, өзі тікелей қатысқан қан майдан, қырғын соғыстарды бейнелеп жазуға шебер.

Жазушы ерлікті, батылдықты көкке көтере мадақтайды. Ал, қоян жүрек қорқақтықты, опасыздықты жер-жебіріне жеткізе әшкерелейді. Ең бастысы — патша тағына таласып, өзара қырық пышақ болып қырқысып жатқан соғыстардың адам табиғатына жат, жиркенішті жақтарын оқушысына егжей-тегжейлі, зор білгірлікпен суреттеп көрсетеді.

Бабырдың ғажайып лирикалық өлең жырлары да, ғылыми тұрғыдан аса күнды «Аруз жөніндегі трактаты» да, энциклопедиялық туындысы «Бабыр-наме» де сан ғасырлық уақыт сынынан сүрінбей өтіп, қазіргі түркі тілдес

халықтардың әдебиет, мәдениет тарихына ортақ қазына, асыл мұра болып қосылады.

Бабыр – қаламы жүйрік ақын. Оның шығармашылығында еріксіз жат өлкеге кетуге мәжбүр болып, туған жерін, өскен елін сағынған өзекті пенденің шынайы сыры жиі кездеседі:

Не ойлайды адам қасіретті сәттерде,
Шаттана алмас жүрек шіркін жат елде.
Жат елде мен шаттануды білмедім,
Еш нәрсеге мәз-мәйрам боп күлмедім.

Бабыр және қазақ әдебиеті туралы не айтуға болады

Ұлы дана, ойшыл, кемеңгер **Абайдың** өзі:
Фзули, Шәмси, Сәйхали,
Науаи, Сағди, Фирдоуси,
Хожа, Хафиз – бу хәммаси,
Мәдәт бер, я, шағири фәрияд, – деп Шығыс ғұламаларынан медет сұраған. «Ғылымды іздеп, Дүниені көздеп, Екі жаққа үңілдім», – дейді данышпан. Абай да, Абай жолын ұстанған, жалғастырған Шәкәрім де екі жаққа бірдей назар салады, әлемдік сөз өнерін танып-білуге, оның бар жақсысын бойға сіңіруге, ел игілігіне айналдыруға күш салады. Кейін «Шығысым Батыс болып кетті» деп, бір Шығыспен тоқтап қалмай Еуропа әдебиетіне, оның ішінде әсіресе орыс әдебиетіне айрықша ден қояды. Тек көркемдік танымда ғана емес, қоғамдық танымда да, өмірдің, тіршіліктің барлық саласында орыс білімпаздарының жолын ұстанады.

Абай өзінің «**Біраз сөз қазақтың түбі қайдан шыққаны туралы»** деген қара сөзбен жазылған еңбегінде: **«Белгілі Бабыр патшаның шешесімен бір туысқан екі бауыры болған.** Үлкені Ташкентте хан болып, кішісі қазақты билеген. Бұлар Шағатай нәсілінен Жүніс ханның балалары болған. Сол қазақты билегеннің аты Ахмет екен. Сол аз уақытында аттанысқа жарарлық қазақтан үш жүз әскер шығарып, үш жүз басыға билетіпті. Әр жүздің халқы ынтымағымен бір туысқанға есеп болыпты. Қазақтың «Үш жүздің баласы» дейтұғыны – сол. Ахмет хан қалмақты көп шауыпты, көп қырыпты. Қалмақ рақымсыздығына қарай «мынау бір алаша болды ғой» депті, жан алушы болды дегеннің орнына. Сондықтан ол кісі Алаша хан атаныпты. „Бабыр-намеде» солай жазылған» дейді (103, 222—223).

Шәкәрім де «Оятқан мені ерте Шығыс жыры», – деп, «Жасымнан жетік білдім түрік тілін», – деп, өзінің төл әдебиеттен тысқарғы ең алғашқы өнеге мектебін нақты атаған, классикалық тәжік-парсы поэзиясын да, тамырлас, туыстас халықтарға тегіс тиесілі ортағасырлық түркі әдебиетін де терең таныған ақынның айрықша қадір тұтқан шайырлары Хожа Хафиз, Физули мен Науаи болатын. Шәкәрімнің Фердауси мен Сағдиді де, Хожа Ахмет Иасауи мен Софы Аллаярды да жақсы білгені күмәнсіз. Осы жұлдыздай жыпырлаған көп ақын ішінде Шәкәрім әсіресе Хафизді жанына жақын тұтады. Германиядағы Гетені де, Россиядағы Пушкинді де баураған, жаңа дәуірдегі Еуропа поэзиясына үлкен ықпал жасаған Хожа Хафизді Шәкәрім өзінің ең ұлағатты ұстаздарының бірі санайды. Үнемі сырласып, мұңдасып отырады. Тіпті өмірінің ең соңғы күндерінде де Хожа Хафизді аузына алады, оны түсінде көргенін айтып, бұл –

дәм-тұздың таусылғаны, фәнилік жарықтан бақилық даңққа өтудің белгісі деп біледі (Баласы Ахаттың естелігінде).

Қазақ халқының азаматтық тарихына тікелей қатысты «Бабыр-намедегі» қызықты мәліметтерге, әсіресе төрт жүз мың нөкері болған қазақ ханы Арслан (Арыстан) жөніндегі деректерге кезінде **Шоқан Уәлиханов** ерекше назар аударып, бұл шығарманы осы тұрғыдан аса жоғары бағалағаны мәлім.

Ал, енді **Мұхтар Әуезовтің** атақты **«Абай жолы»** эпопеясында: **«Абай… кейде Бабыр, Науаи, Аллаяр сияқтыларды оқып-оқып кеп, өзі де қағаз, қарындаш алып, соларша бірдемелер жазып кетеді».**

Мұның сыры неде?

Б і р і н ш і д е н, «Бабыр-наме» – қазақ қауымының тарихына, рухани өміріне тікелей қатысы бар, қазақ еліне өте жақын туынды.

Е к і н ш і д е н, «Бабыр-наме» кезінде Орта Азия түріктерінің әдеби тілі болған шағатай тілінде жазылғаны.

Бұрын қазақ даласындағы мектеп-медреселерде оқитын шәкірттер алдымен осы шағатай тілін үйрену арқылы Шығыс классикалық поэзиясының алтын қазынасымен танысуға әрекет жасап отырған. Басқаша айтсақ, шағатай тілін оқып-үйрену – араб және парсы тілдерін меңгерудегі алғышарт, алғашқы басқыш саналған. Міне, сондықтан да қазақтың азды-көпті оқыған азаматтарының бәрі дерлік кезінде «Бабыр-намемен» жақсы та- ныс болған.

Біз «Бабыр-наме» шағатай тілінде жазылған деп жүрміз. Ол қандай тіл? Сол жөнінде бірер сөз айта кетейік.

Тіл тарихын зерттеген көрнекті ғалымдардың көпшілігі (А.Вамбери, А.Н.Самойлович, Ә.Н.Нәжіп, т. б.) шағатай тілін – Орта Азия мен оған көршілес аймақтарда XI–XVI ғасырларда қалыптасып, дамыған **түркі жазба әдеби тілі** деп біледі. Сонымен «Бабыр-наме» кітабы бір кезде қазақтардың да ата-бабаларына ортақ болған орта азиялық әдеби тілде (түркі немесе шағатай тілінде) жазылғаны анық.

Захраддин Бабырдың өмірі мен оның әйгілі шығармасы «Бабырнама» – жеті ғасыр бойына әлемдік зерттеушілердің қызығушылығын тудырып келе жатқан ғылыми нысан. Қазақ әдебиеттанушы, тарихшы ғалымдары да бұл бағытта біраз жұмыстар атқарды. Жоғарыда айтқан Қазақ әдебиеті тарихының Ежелгі дәуір әдебиеті кезеңіне енгізілді.

Захириддин Бабыр – ат жалында жүріп өркениетті жасаған тұлға**.**

Ләззат Абенова
Ж.Тәшенев атындағы
университеттің Ғалым хатшысы,
филология ғылымдарының кандидаты,
қауымдастырылған профессор

“БОБУРНОМА”ДА ЛЎЛИЛАР РАҚСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Шухрат Тохтасимов,
Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори, профессор

Аннотация: Бұл мақалада «Бобурномада» айтылған сыған биінің көркемдік-эстетикалық-этнографиялық қырлары қарастырылады.

Түйін сөздер: Үндістан, сыған, балалар, ұлттық құндылық, тарих, би, білім.

Аннотация: В данной статье исследуются художественно-эстетические и этнографические аспекты цыганского танца, упомянутого в «Баурнаме».

Ключевые слова: Индия, цыгане, дети, национальная ценность, история, танец, воспитание.

Мутафаккир шоир, буюк шоҳ ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ватанпарварликни, ҳақиқат ва ҳалолликни, бағрикенгликни, илм ва ижод қилиш заруратини умрининг моҳияти деб билган ҳақиқий аллома, атоқли давлат арбоби эди. Зеро, “Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишнинг янги босқичига — Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда”[1].

Қалб ва руҳиятнинг моҳир мусаввири, қомусий олим ва санъатшунос сифатида инсонга хос жамики гўзаллик, нафис ҳис-туйғулар улуғ шоир эътиборидан четда қолмайди. Машҳур “Бобурнома” асарида шундай лавҳага дуч келамиз:

“Ош тортилғондин сўнг фармон бўлдиким, Ҳиндустонни бозигарлари келиб, ўюнларини кўрсатгайлар. Лўлилар келиб, ишларини кўрсаттилар. Ҳиндустон лўлилари баъзи ишларе кўрсатурларким, ул вилоятларнинг лўлиларидин кўрулмайдур эди. Ул жумладин бири будурким, етти ҳалқани пешонасига ва икки тизига таъбия қилиб, яна тўрт ҳалқани икки илик бармоғи била ва иккини икки оёғи бармоғи била тез ва бедаранг эврадур. Яна бири буким, рафтори товус йўсунлуқ бир илигини ерга қўюб, бир илиги ва икки оёғи била уч ҳалқани тез ва бедаранг эврадур. Яна бири буким, ул вилоят лўлилари икки йиғочни оёғлариға боғлаб “пойи чўбин” қилиб, йўл юрурлар. Ҳиндустон лўлилари бир йиғоч била “пойи чўбин” қилиб, йўл юруйдурлар, оёғлариға ҳам боғламайдурлар. Яна бири буким, икки лўли бир-бирини тутушиб, ул

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори. ЎзА, 2023 йил, 25 январь.

вилоятларда икки турлук муаллақ борурлар. Ҳиндустон лўлилари бир-бирларини тутушиб, уч, тўрт, турлук муаллақ борадурлар. Яна бири буким, олти-етти қари йиғочнинг тубини бир лўли белига қўюб, йиғочни тик тутуб турадур, яна бир лўли бу йиғочқа чиқиб, йиғоч устида ўюнлар ўйнайдур. Яна бири буким, бир кичик лўли яна бир улуғ лўлининг бошига чиқиб, тик турадур,қуйиға лўли ул сари, бул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида типтик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур. Қалин мотулар ҳам келиб, раққослик қилдилар.”[2]

Шарқ алломалри мусиқа ва рақсни инсон руҳиятини поклайдиган, маънавиятини юксалтирадиган омил сифатида тушунганлар. Улуғ шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур “кичик лўли” деганда лўли болани назарда тутгани аниқ.

Худди ўзбек болалар рақслари каби лўли халқ болалар рақслари ҳам миллий колорити, соф халқона ижро услублари, жўшқин ҳаракатлари томошабинларни ҳайратга солади. Ўзининг энг қадимий миллий чизгиларини сақлаб қолган лўли рақслари эркин ва ҳар хил ҳаракатларга асосланган. Умуман олганда лўлилар рақсларини учга бўлиш мумкин. Саҳна рақси, кўча томошалари ва оммавий байрамлар.

Кўча томошалари саҳна рақсига ўхшаб кетса-да лекин ҳаракатларнинг ўта эркинлиги ва табиийлиги билан ундан фарқ қиладир. Унда томошабинларнинг сони, рақсга муносабати ҳисобга олинади. Одатда лўлиларнинг кўча рақсларида композиция устувор қилади. Ҳаракатлар диномикасининг секин ҳаракатдан бошланиб кутилмаганда шиддатли тус олиши. Асосий эътибор мураккаб оёқ ҳаракатларига қаратилади. Ўғил болалар рақсларининг характерли томони бир хил ритмда бўлсада, ҳаракатларнинг ўта тезкори. Қиз болалар рақсида қомат ва елка ҳаракатлари, бармоқлар муҳим аҳамият касб этади. XX аср ўрталарида Россияда Ляля Чёрная, Владислав Николский, Земфера Жемчужная, Ганга Баталова каби раққос ва раққосалар болалар рақсини ҳам ижро этганлар. Хусусан, Россиянинг Москва шаҳрида “Ромэн” лўлилар театри ташкил қилинган. Театр қошидаги болалар гуруҳи билан уша даварнинг машҳур санъаткорлари шуғулланган. Лўли рақслари ўта романтиклиги ва таъсирчанлиги билан фарқ қилади.

“Ромэн” Москва мусиқали ва драма театри 1931 йилда Иван ва Георгий Лебедевлар томонидан асос солинган. Театрнинг биринчи асарининг режиссёри Мосес Голдблат эди. Театр давлат бюджети маданият муассасаси мақомига эга

[2]Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990. -Б.324.

бўлган. Унинг репертуарида машҳур адабий асарларнинг асарлари намойиш этилган.

"Лўлилар" (1936), "Лўли"(1962), "Мен лўлиман" (1966), "Қайноқ қон" (1962), "Лўли қиз" (1942) спектаклларида рақслар қўйилган. Либосларнинг ёрқинлиги айниқса рангларнинг контрасти билан ажралиб туради. Одатда лўли рақсларининг бир неча вариантлари бўлади. Қиз болалар рақсида узун этакларни хилпиратиш, елкаларни ўта жўшқинлик билан титиратиш. Ўғил болалар рақсида оёқ асосан бир жойда туради билинар билинмас олдинга ва ёнга ҳаракатланганда қомат қимирламайди. Ўғил болалар рақсида пошналар билан ритм бериш, кафтларни бир-бирига белга ва тиззага уруш. Асосан якка рақсларда намоён бўлади.

Тарихчи лўлишунос Е.Ж.Фицовски тўғри таъкидлаганидек, "Лўли" рақсларида кафтлар, бармоқлар, товон ва елка ҳаракатлари устуворлик қилади.[3]

"Яна бири буким, бир кичик лўли яна бир улуғ лўлининг бошига чиқиб, тик турадур, қуйиға лўли ул сари, бул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида типтик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур – назаримизда кичик лўли дейилганда бола назарда тутиляпти. Кичик лўли улуғ лўлининг боши устида типтик тебранмай туриб ишлар кўрсатадур", яъни, мазкур ижро услублари замонавий лўли болалар рақсида ҳам сақланиб қолган. Мутахассисларнинг фикрича, "лўли болалар рақслари ўта жўшқинлиги, либос ва безаклари рангларининг ёрқинлиги, ҳаракатларнинг тезкорлиги, сирли жозибаси билан томошабинни ўзига ром этади"[4].

"Бири будурким, етти ҳалқани пешонасига ва икки тизига таъбия қилиб, яна тўрт ҳалқани икки илик бармоғи била ва иккини икки оёғи бармоғи била тез ва бедаранг эвурадур. "Бобурнома"даги мазкур маълумотдан кўринадики XV аср охири XVI аср боши Ҳиндистон лўлилари рақсларида предметли рақслар ниҳоятла урф бўлган.

Ҳамма замонларда болалар рақсларининг таъсирчанлик қудрати яхшилик ва ҳаётсеварликка чорлашида, дўстлик ва қардошликка ундашида, кичкинтойлар қалбида эстетик завқ уйғотишида яққол намоён бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий санъатимизга муҳаббат руҳида улғайтириш, рақс таълимини юқори босқичга чиқариш давр талабига айланди. Маданий анъаналар ва халқ

[3] Фицовски Е.Ж. К вопросу об изучении "Цыганшины". "Советская музқыка", 1934. № 12 стр. 37.
[4]Штейнпресс Б К истории "цыганского пения" в России. Москва.: "Культура", 1934. -с.54.

ижодиёти намуналари инсонларнинг миллий ўзлигини шакллантирувчи бирламчи омилдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида лўли рақслари ҳақида берган муҳим маълумотларига таяниб, келажакда ўзбек ва лўли болалар рақсларининг бадиий – эстетик, лингвокультурологик хусусиятларини, ўхшаш ва фарқли томонларини қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори. ЎзА, 2023 йил, 25 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. ЎзА, 2020й., 4 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. ЎзА, 2020й., 4 февраль.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: "Юлдузча" нашриёти, 1990.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 7-ж. Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат нашриёти., 2004.
6. Вашкевич Н.Н. История хореографии всех веков и народов.М.: "Ленанд", 2017. 82 с.
7. Фицовски Е. К вопросу об изучении "Цыганшины". "Советская музқыка", 1934. № 12.
8. Штейнпресс Б К истории "цыганского пения" в России. Москва.: "Культура", 1934.

"БОБУРНОМА"ДА РАҚС САНЪАТИ ТАЛҚИНИ

Ҳулкар Ҳамроева,
Ўзбекистон давлат хореография
академияси доценти, филология
фанлари доктори (DSc)

Аннотация: Машҳур давлат арбоби, мутафаккир шоир ва буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ юксак салоҳият ва серқирра истеъдод соҳиби эди. Мазкур мақолада улуғ адибнинг рақс санъати ҳақидаги фикрлари тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар: тарихий мерос, "Бобурнома", лўлилар, маданий анъана, ўюн, бозигар, санъат, Ҳиндустон, рақс.

Аннотация: Белгілі мемлекет қайраткері, ойшыл ақын және ұлы қолбасшы Захириддин Мұхаммед Бабыршах биік әлеует пен тамаша талант иесі болды. Бұл мақалада ұлы жазушының би өнері туралы ойлары зерделенді.

Түйін сөздер: тарихи мұра, «Бабырнама», сығандар, мәдени дәстүр, ойын, бозығар, өнер, үндістан, би.

Аннотация: Захириддин Мухаммад Бабуршах, известный государственный деятель, мыслитель, поэт, великий полководец, был обладателем высокого потенциала и яркого таланта. В данной статье были изучены мысли великого писателя об искусстве танца.

Ключевые слова: историческое наследие, «бобурнома», цыгане, культурная традиция, игра, бозигар, искусство, Индия, танец.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорида тўғри таъкидланганидек, “Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Унинг беқиёс илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга” [5].

Бобур Мирзонинг сўз санъати, баён услуби фавқулодда гўзал ва мукаммал эди, у ҳар бир ҳодисани тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда, аналитик таҳлил услуби орқали тадқиқ этади. Улуғ адиб асарларидаги рақс санъати талқини биринчи марта жиддий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмоқда. Мутахассисларнинг эътиборидан бироз четда қолган мазкур мавзу улуғ шоҳ ва шоир Бобур Мирзо иқтидорининг нозик жиҳатларидан бирини, янги қиррасини, рақс санъати тарихи учун муҳим аҳамиятга эга янгича талқинни кашф этади, деган фикрдамиз. Зеро, машҳур инглиз муаррихи ва “Бобурнома” таржимони Уильям Эрскин шундай деган эди: “У яратган куй ва қўшиқлар жуда ёқимли оҳангда бўлиб, унинг вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмади” [6].

Хоразм сеҳрли сувор처ларининг машҳур ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбоновнинг фикрича, “Рақс жуда қадимий санъат бўлиб, ҳали одамзоднинг тили шаклланмасдан олдин дунёга келган санъатдир. ... Рақс санъатини томоша қилиб, унинг маъносини тушунадиган инсоннинг савияси эса куй тинглай оладиган инсонникидан ўн баробар устундир”. [7]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзони Ҳиндистондаги кўчманчи лўлиларнинг рақс ҳаракатлари, ижро усуллари ҳайратга солган. Муаллиф ҳинд лўлиларининг “ўюн”ларини таърифлар экан, унда шоирнинг юксак эстетик қарашлари, синчковлиги ниҳоятда ёрқин намоён бўлади. Китобхон мутолаа жараёнида лўлилар “ўюн”ининг энг кичик деталлари ҳам муаллифнинг ўткир нигоҳидан четда қолмаганлигини ҳис этади.

Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.
Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори. ЎзА, 2023 йил, 25 январь.
[6] Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1995. -Б.105.
[7] Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома 1. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи 2011. -Б.32.

Айш билан ўзни овутмоқ керак.

Шаҳзода Ҳумоюнга "Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлук рост келмас" [8], деб мактуб ёзган, кўнгли "ёлғузлук" тилаган изтиробли кунларининг бирида зиёфатдан сўнг лўлилар "ўюн"ини кўрган буюк шоҳ ва шоир қайсидир маънода "ўзни овутмоқ" истагандир.

Лўлилар рақсининг нозик эстетик жиҳатлари, ўзига хос ижро усуллари энг кичик тафсилотларигача Бобуршоҳ назаридан четда қолмайди. Уларни тасвирлаш худди томоша қилиш каби муаллифга завқ ва яхши кайфият бағишлайди. "Ўюн"нинг ифода усулларини шу қадар аниқ ва равшан чизадики, ўша давр рақс санъати ҳақидаги бу каби муҳим маълумотлар бошқа бирон бир тарихий асарда учрамайди.

"Ош тортилғондин сўнг фармон бўлдиким, Ҳиндустонни бозигарлари келиб, ўюнларини кўрсатгайлар", деб бошланадиган лавҳадаги рақс чизмасида болалар иштирокига ҳам эътибор берилади: "Яна бири буким, бир кичик лўли яна бир улуғ лўлининг бошига чиқиб, тик турадур,куйиға лўли ул сари, бул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида типтик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур. Қалин мотулар ҳам келиб, раққослик қилдилар."[9]

Санъатшунос сифатида Бобур Мирзонинг чизгилари, мушоҳадалари ва қиёслари аниқ, мулоҳазалари бугунги тадқиқотчиларни ҳам ўйга толдиради. Бозигар – моҳир ўйинчи, раққос, раққоса маъноларини англатишини[10] эътиборга олсак, муаллиф синоним сифатида "раққос" сўзини қўллайди, Ҳиндустон лўлилари билан вилоятдан келган лўлиларнинг "ўюн"ларида фарқ борлигини таъкидлайди. "вилоят лўлилари икки йиғочни оёғларига боғлаб "пойи чўбин"қилиб, йўл юрурлар. Ҳиндустон лўлилари бир йиғоч била "пойи чўбин" қилиб, йўл юруйдурлар, оёғлариға ҳам боғламайдурлар".

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ёзилишича, "Ўрта Осиё лўлиларининг айрим гуруҳлари жўги (ҳиндча камбағал, қашшоқ) ҳиндистоний, бўлўжий деб аталиши ҳам лўлиларнинг асл ватани Ҳиндистон бўлганлигини тасдиқлайди"[11]. Демак, Бобур Мирзонинг "Ҳиндустон лўлилари" деб таъкидлаши ҳам ўзининг тарихий асосига эга.

Муаллиф кўз олдида рўй бераётган жўшқин оламдан ҳайратланади, завқланади, таъсирланади. Рақс ҳаракатларининг дақиқа сайин ўзгариб, турланиб, тусланиб турадиган ҳолатларини синчков, таъсирчан томошабин руҳияти билан уйғунликда тасвирлайди. Маданий анъаналар бир - бирига муштарак тарзда ривожланади. Муаллифнинг юқоридаги шарҳида Ҳиндистон лўлилари ва бозигарларининг "ўюн" ва рақслари, уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари ҳақида мулоҳаза юритилган. Бу фикрлар тарихий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Санъат оламида қиёсий таҳлилдан кўра, ҳиссий қабул қилиш устуворлик касб этади. Хусусан, рақс санъати инсоният бошқа бирон йўл билан тасвирлай

---

[8]Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: "Юлдузча" нашриёти, 1990. -Б.321.

[9]Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: "Юлдузча" нашриёти, 1990. -Б.324.

[10] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. -Б.298.

[11] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 5-жилд., Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003. -Б. 339.

олмаган нарсани ифодалаш имконияти билан ажралиб туради. Бобур Мирзонинг ижодий хаёлот қуввати ҳайратланарли даражада юксак эди. У нафис ва жўшқин ҳаракатлар қаърида кўзга кўринмас нафосат оламининг мукаммал тўкислигини ҳис қилади. Масалан, фавқулодда истеъдод соҳиби бўлмиш замондоши Сайид Бадр исмли кишининг рақси ҳақида муносабат билдирар экан, унинг ўзига хос устунлигини алоҳида таъкидлайди. “Яна Сайид Бадр эди. Бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот киши эди. Ажаб соҳиб усул киши эди. Ғариб хўб рақс қилур эди. Ғайри муқаррар рақс қилур эди. Ғолибо ул рақс анинг ихтироидур. Ҳамиша Мирзо мулозаматида бўлур эди.”[12] Муаллиф Сайид Бадр рақсининг бир қараганда унчалик кўзга ташланмайдиган ички жозибасига эътибор қаратади, бу “ғайри муқаррар рақс” муаллифга ўзгача завқ-шавқ бағишлаганлигини сезиш мумкин.

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул тўғри таъкидлаганидек, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиётига ҳар қанча ҳавас қилса, ундан ҳар қанча сабоқ олса арзийди. Бобур ҳаётда қандай бўлган бўлса, ёзган асарларида ҳам шундай: мард, ростгўй, табиийликни ниҳоятда қадрловчи, самимий, таваккул ва завқ соҳибидир. Бобурнинг шахсияти шу даражада очиқ ва қудратлики, сунъийлик, зоҳирий чиройбозлик ёки ёлғон унинг яқинига ҳам йўлай олмайди”[13]. Англаймизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг салоҳияти, заковати ва тафаккур олами шунчалик юксак ва кўлами кенгки,унинг даражаси ва сарҳадларини белгилаш мумкин эмас.

Лўлилар рақсининг тасвирий ифодаси, Сайид Бадр рақсидаги “ихтиро”нинг ижродан фарқини ажратиш Бобуршоҳнинг алоҳида “завқ соҳиби” эканлигини англатади. Қуйидаги рубоий ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Идрокинггу табъу ҳушунгга банда бўлай,
Овозу усулу жўшунгга банда бўлай.
Тақсим қилурда нақшларға абёт,
Таъриб била ўқушунгга банда бўлай. [14]

Икки жилдлик «Тожик тили луғати»да *усул* сўзининг маъноларидан бири ***рақс*** (*ҳаракати мавзуни хушоянда, рақс)* [15] эканлиги айтилган. Демак, улуғ шоирнинг рақс санъатига қарашлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши замонавий санъатшуносликнинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳаётининг асосий қисми шиддатли жанглар ва муҳорабаларда, сиёсий низолар, ички зиддиятлар тўфонида, таҳликаларда ўтган Бобуршоҳнинг ниҳоятда синчковлик ила лўлилар рақсини шарҳлаши унинг ўта нозик дидидан, санъатни ҳис қилиш идрокидан, юксак салоҳиятли қомусий олим бўлганлигидан дарак беради. Улуғ шоирнинг нозик кузатувлари, бетакрор, фалсафий талқини орқали биз рақс санъати тарихининг ҳали ўрганилмаган қирралари ҳақида маълумотга эга бўламиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ асарларидаги санъатга оид терминлар таҳлили ва тадқиқи шоир ижодининг мухлислари,

---

[12] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990. -Б.156.
[13] Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007. -Б. 163.
[14] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007. –Б. 208.
[15] Фарҳанги забони точики. 2-чилд. М.: “Советская энциклопедия”, 1969. –Б. 397.

тадқиқотчи олимлар ва ёш авлоднинг кўҳна маданиятимизга бўлган қизиқиши ва ҳурматини янада ошириши табиий.

Жаҳон тамаддуни тараққиётига, умумбашарий қадриятлар силсиласига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган бетакрор "Бобурнома" XV – XVI аср тарихи, маданияти, археологияси, шаҳарсозлиги, илм – фани ва адабиёти, турли халқлар урф – одати, удумлари билан бир қаторда лўлилар рақси ҳақида ўта ноёб маълумот берувчи нодир манба сифатида ғоят қимматлидир. Санъатшунос тадқиқотчиларимиз томонидан бу асар қиёсий таҳлиллар асосида янада чуқур тадқиқ этилади, деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори. ЎзА, 2023 йил, 25 январь.
2. Президент Ш.Мирзиёевнинг А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташрифи. ЎзА, 2020 йил 20 май.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент.: "Юлдузча", 1990.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент.: "Шарқ" нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2017,
6. Штейнпресс Б. К истории "цыганского пения" в России. Москва.: "Культура", 1934.
7. Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. Т.: "Чўлпон" нашриёти, 1995.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 - ж. Тошкент.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 - ж. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005.
10. Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома 1. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2011.
11. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Т.: "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007.
12. Фарҳанги забони точики. 2-чилд. М.: "Советская энциклопедия", 1969.

ПЕДАГОГИК БОБУРШУНОСЛИК: МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

Неъматжон Шадиметович Алметов,
М.Авезов номли Жанубий Қозоғистон университетининг профессори, педагогика фанлари доктори, Қозоғистон Республикаси, Шимкент шаҳри

Түйін: Мақалада Шығыстың Ұлы Ғұламасы, өзбек әдебиетінің көрнекті өкілдерінің бірі Захириддин Мұхамед Бабур шығармашылығын педагогикалық тұрғыдан зерттеудің әдіснамалық мәселелері қарастырылған. Бабурдың шығармашылық мұрасы көпқырлы, ғылымның әртүрлі салалары үшін дереккөз болуына байланысты оны зерттеудің кешенді сипатқа ие болуы маңыздылығы атап көрсетілген. Педагогика тарихында Бабур шығармашылығы жан-жақты

зерттелмеген, тың мәселе болып қалуда. Сондықтан, педагогикалық бабуртанудың әдіснамалық тәсілдерін анықтау, зерттеу бағыттарын нақтылау әдіснамалық, теориялық әрі қазіргі заманғы білім беру саласы үшін қолданбалы маңызға ие.

Кілт сөздер: Захириддин Мұхамед Бабур, педагогика тарихы, педагогикалық бабуртану, педагогиканың әдіснамасы, әдіснамалық тұғырлар, педагогикалық бабуртанудың зерттеу бағыттары.

Аннотация: В статье рассматриваются методологические проблемы исследования творчества Великого мыслителя Востока, одного из видных представителей узбекской литературы Захириддина Мухаммеда Бабура. Отмечается многогранный характер творческого наследия Бабура, которое, будучи источником для поиска для разных отраслей науки, требует комплексного подхода к его изучению. В истории педагогики творческое наследие Бабура до сих пор остается мало изученным. Поэтому важно определение методологических подходов и направлений исследований педагогического бабуроведения, что имеет важное методологическое, теоретическое и прикладное для современной образовательной практики значение.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммед Бабур, история педагогики, педагогическое бабуроведение, методология педагогики, методологические подходы, направления исследования педагогического бабуроведения.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизга қолдирган бой меросини комплекс равишда ўрганиш орқали буюк аждодимизнинг ижодини, унинг илғор фикрларини ҳар томонлама, атрофлича билишимиз мумкин.

Бобур мероси турли фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқотлар учун муҳим ва битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилади. Баъзи фан соҳаларида Бобур ижодий меросини ўрганиш борасида катта қадамлар ташланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, адабиётшунослар, тилшунослар ва тарихчилар Бобур меросига оид тадқиқотлар соҳасида пешқадам эканлигини тан олиш керак. Ҳозирги кунда бошқа фан соҳаларида ҳам Бобур меросининг замонавий илмий тафаккур учун янги томонлари очилмоқда (масалан, география, социология, хореография ва б.).

Педагогика соҳаси ҳам улар қаторидан жой олиши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бобур ижодига эътибор тобора кучаётган, кенг зиёлиларгина эмас, халқ оммаси, айниқса ёшларнинг мутафаккир ижодига қизиқишининг кучайиши педагогика тарихида янги йўналиш – *педагогик бобуршуносликни* ривожлантиришни тақозо этади.

Бобур меросини ўрганишда педагогика фанининг ҳам ўз ўрни, тадқиқот йўналишлари ва, албатта, ҳиссаси бўлиши керак. Бобур меросининг маърифатпарварлик моҳияти аллақачон эътироф этилган. Аммо негадир бу масала педагогика тарихида эпизодик турда ифода этилган, системали ўрганилмаган. Педагогик бобуршуносликнинг ривожланмай келганлигини ҳозирги баъзи бир адабиётшунослар каби фақат Шўро идеологияси билан боғлаш тўғри бўлмас. Биринчи навбатда, Бобур педагогикасини ўрганишнинг

туб моҳияти ва аҳамияти, методологик принциплари аниқланмай, тадқиқотлар юзаки натижалар беришига аҳамият беришимиз зарур.

З.М.Бобурнинг Марказий Осиё халқларининг педагогик маданияти ривожланишидаги ўрни ва ролини алоҳида таъкидлаш лозим. «Бобурнома» асари, Бобур ғазаллари чуқур педагогик маъно ва мазмун касб этиши, шубҳасиз. Масала Бобурнинг педагогик қарашларини атрофлича ва чуқур ўрганишда. Бу йўналишда ҳам педагогика тарихида бироз натижали уринишлар бўлган.

Шарқ ва ўзбек мутафаккирларининг педагогик қарашлари 1980-йилларда рус тилида нашр қилинган «Антология педагогической мысли Узбекской ССР», 1990-йилларда нашр этилган «Ўзбек педагогикаси антологияси» китобларида кенг ёритилган. Антологияда нимагадир Бобур ижоди тузувчилар назаридан четда қолган [1]. Аммо постсовет даврида педагогика илмида бу «бўшлиқни» тўлдиришга фойдали уринишлар оз эмас. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, Бобур мероси нафақат маърифий, балки педагогик жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо қилади.

Бобурнинг педагогик меросини ўрганиш, аввало, унинг методологиясини (билиш усулларини) ишлаб чиқишни, унинг мукаммал бўлишини талаб қилади.

Бобурнинг бизга қолдирган меросида педагогиканинг қандай масалалари ва қанчалик ўз ифодасини топган? Тадқиқот методлари ва тамойиллари Бобур педагогикасини ёритиб беришга қанчалик имкон беради?

Олимларнинг муаммони ёритишга ёндашуви алоҳида қизиқиш уйғотади.

Анъанавий ёндашувга мувофиқ Бобурнинг асарларидаги педагогиканинг асосий масалалари – тарбиянинг моҳияти, тарбия мақсади, вазифалари ва йўналишлари, тарбия мазмуни, методлари, таълим жараёни, ўқитувчи шахси, мактаб муаммоси ва б. қанчалик акс этилганлигига эътибор қаратилади. Бу схема бошқа мутафаккирлар педагогик қарашларини ўрганишда ҳам қўлланилган.

Бундай методологик ёндашув – Иттифоқ давридан келаётган, тарихий-педагогик тадқиқотларда ҳозир ҳам қўлланиладиган анъанавий ёндашув.

Анъанавий ёндашувлар асосидаги ўрганилган Бобур меросига оид илмий манбаларнинг аҳамиятини тан олган ҳолда, ундаги камчиликларни ҳам атаб ўтиш зарур. Бундай методологик ёндашув ифодаланиши ҳар хил, аммо моҳияти деярли бир хил педагогик қарашлар кўринишидаги илмий хулосалар чиқаришга олиб келади. Бобур кўпроқ маърифатчи сифатида таърифланган, унинг фалсафий, этикавий кўзқарашлари ва педагогик фикрларини фарқлаш қийин.

Бобур меросининг педагогик салоҳияти кўпроқ ташқи томондан ўрганилади. «Педагогика тиғлари» унинг ижоди намуналарига чуқурроқ бота олмайди.

Масалан, Бобур ёки Махтумқулининг шеърлари ҳар турлигини айтмаса, уларнинг педагогик ғояларида деярли фарқ йўқдай хулосалар чиқарилади. Бу эса педагогик тадқиқотнинг ҳам назарий, ҳам амалий қийматини анча камайтиради.

Бизнинг фикрларимиз, албатта, Улуғ Бобурдан улуғ педагог чиқариш масаласини қўйишни билдирмайди. Аммо Бобур айни педагогика масалаларини четлаб ўтмаганлигига диққатни жамлаймиз.

Демак, замонавий методология Бобур меросининг педагогик салоҳиятини шундай ўрганишни тақозо этадики, бунда Бобурнинг маърифий-педагогик қарашларининг ўзига хос жиҳатларини очиш, у ўз замонасининг таълимий-тарбиявий муаммоларини қандай тасаввур этганлиги, уларни ечишнинг қандай йўлларини тавсия этганлиги, педагогик характердаги муаммолар истиқболларини қандай кўра олганлигини аниқлашга имкон бериши керак.

Албатта, Бобур меросининг педагогик ўзига хос, оригинал томонларини ёритиб бериш учун нималар қилиш керак?

Бобур асарларида замонавий педагогиканинг қандай муаммолари кўриниш топган? Улар қай даражада, нималарда акс этганлигига эътиборни қаратиш.

Бобур педагогик қарашларининг педагогика ва мактаб тарихидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш.

Бобур меросини янги педагогик парадигмалар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш (когнитив, гуманистик/шахсга йўналтирилган, фаолият, аксиологик, компетентлилик, технократик ва б.). Бу бизга Бобур ижодининг педагогикага оид тамомила янги жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

Бобур ижодининг ҳозирги замон таълимий ва тарбиявий муаммоларини ечишдаги имкониятлари.

Хуллас, педагогик бобуршунослик педагогика тарихининг замонавий методологик принциплари ва тадқиқот методларидан фойдаланиш, айни чоғда замонавий педагогик назария ҳамда ҳозирги таълим ва тарбия амалиёти учун муҳим амалий вазифалар нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Антология педагогической мысли Узбекской ССР/ Сост. С.Р.Раджабов, К.Х.Хашимов,
2.К.М.Муминходжаев, С.К.Каримова.- М.: Педагогика, 1986.-320 с.
3.Ўзбек педагогикаси антологияси.- 2 жилдли.-Тошкент, 1996.
4.Голосова С.В., Федроенко Л.П. Основные парадигмы современной педагогической науки //Концепт, 2016.-№ 3.

АДАБИЁТ ДАРСИДА “БОБУРНОМА” ВА “ЮЗ ОҲ, ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР...” ДОСТОНИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

(*Қозоғистонда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 9 - синф “Ўзбек адабиёти” дарслиги мисолида*)

Ҳулкар Ҳамроева,
Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти,
филология фанлари доктори (DSc)
Шаҳло Нaралиева,
Қозоғистон Республикаси Жумабек Ташенев номли университет
Халқаро муносабатлар департаменти директори,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Бұл мақалада Қазақстандағы оқыту өзбек тілінде жүргізілетін жалпы білім беретін мектептерде белгілі мемлекет қайраткері және ойшыл ақын, ұлы қолбасшы және тарихшы ғалым Захириддин Мұхаммед Бабырдың «Бабырномасы» мен Өзбекстанның халық ақыны Сирожиддин Сайидтің «Юз оҳ, Захириддин Мұхаммед Бабыр» атты дастанын салыстырмалы зерттеп үйрену мәселелері қарастырылған.

Кілт сөздер: «Бобурнома», ел-жұрт, Самарқан, рубаи, дастан, көркем ой, шығармашылық қабілет.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы сравнительного изучения «Бабурномы» известного государственного деятеля и мыслителя поэта, великого полководца и ученого-историка Захириддина Мухаммада Бабура в общеобразовательных школах Казахстана с узбекским языком обучения с поэмой «Юз ох, Захириддин Мухаммад Бабур» народного поэта Узбекистана Сироджиддина Саййида.

Ключевые слова: «Бобурнома», родной край, Самарканд, рубаи, эпос, художественное мышление, творческие способности.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 5-синф ва 9-синф “Ўзбек адабиёти”[16] дарслигига Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо асарларидан намуналар киритилган. 5-синф ўқувчилари улуғ шоирнинг дунёга машҳур рубоийлари билан танишсалар, 9- синф дарслигидан[17] ўрин олган “Бобурнома” асаридан парча орқали унинг бадиий-руҳий оламига янада яқинлашадилар.

Замонавий адабий-лисоний таълим тобора юқори технологик даражага кўтарилиб бормокда. Адабиёт ўқитиш методикасида ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда янги-янги педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш яхши самара беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларда янги фикр уйғотиш мақсадида инновацион усуллар устида изланади. Ноанъанавий дарснинг умумий

---

[16]Ш.Нaралиева, Б.Турдикулов, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 5 –синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2017.

[17]Ш.Нaралиева, Н.Корганбаева. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 9 –синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы:“Жазушы” нашриёти, 2019. –Б. 103–120.

ташкилий тузилишини “Бобурнома” ва Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достонининг қиёсий таҳлилига мослаштиради.



Адабиётшунос олим С.Аҳмедовнинг фикрича, “Лирика ижодкор қалби оний бир тезликда ҳис этган сезгининг, мавжуд муҳитга эстетик муносабатнинг мевасидир. Шоир ташқи оламдан таассуротлари натижасида вужудга келган фикрини ҳис-туйғуларга ўраб яна юзага чиқаради, китобхонда фикр туғилишига сабаб бўлади” [18]. Достонни катта қизиқиш билан мутолаа қилган ўқувчилар ўз эътиборларини ифода услубига қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг бадиий тафаккури, ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилади. Бу жараёнда ўқитувчининг таъсир доираси ва фаолият майдони ҳам кенгаяди. Зеро, Сирожиддин Саййид “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” номли достони буюк “Бобурнома”нинг жаҳон адабиётидаги биринчи назмий талқини сифатида ўқувчиларни ниҳоятда қизиқтириши табиий:

“Бобурнома”, “Бобурнома” –
Шоҳ шоирдан авлодларга
Мангу ўлмас Қадрнома.
Бунда кўнгил лоласидир,
Бунда умр ноласидир,
Дарду ғам мақоласидир,
Ҳар бир нома – Тақдирнома.
Бобур чеккан изтироблар,
Ранжу заҳмат ҳам азоблар,
Буюк ҳижронидан боблар,
“Бобурнома” – Жабрнома[19].

Достонни ўқиган сари, сатрлардаги самимият, дард ва кўнгил изҳори ўқувчини сеҳрлайди, уларда Мирзо Бобур чеккан изтироблар ҳис қилиш истаги кучайиб бораверади. Буюк шоир кўнглининг тақдир чизиқларига ёйилиб кетган нолалари уларни мулоҳазага чорлайди.

Дарсликда “Бобурнома” мутолааси “Алишер Навоий таърифи”[20] сарлавҳали бўлим билан очилади. Ўқитувчи Бобур Мирзонинг “Алишербек назири йўқ киши эрди.Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон

---

[18]Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1986. –Б. 8.

[19]Саййид С. Асарлар 3 –ж. Тошкент: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019. –Б. 169.

[20]Ш.Наралиева, Н.Корганбаева. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 9 –синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2019. –Б. 104.

эмас", деган фикрларини ўқувчилар билан бирга таҳлил қилар экан, уларнинг эътиборини Сирожиддин Саййиднинг достонидаги "Алишербекнинг уйларида" номли фаслга тортади:

Бу уйларда иқомат айлагандир назм офтоби,
Бутун олам юзини шеъри бирлан офтоб айлаб.
Ётибман, эй Алишербекни кўрган синчу айвонлар,
Алишербекни ёд айлаб, ўзумни сарҳисоб айлаб.
Кетибдур мангу уйқуга дебон ўтмангки, шоҳ Бобур
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб[21].



Дарсликдаги парчанинг мазмуни достондаги туғёнлар билан қиёсланади. Бугунги кунда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг Ватан тарихи ва кўҳна қадриятларимизни тараннум этувчи шеър ва достонлари Марказий Осиёда катта шуҳрат қозонмоқда. Унинг асарлари замиридаги фалсафий теранлик, миллий ўзлик туйғуси ўқувчиларни ҳаёт синовларига бардош бера олувчи, машаққатларни енгиб ўтишга қодир, ҳар томонлама баркамол, ривожланган етук шахс сифатида шаклланишига ижобий таъсир ўтказади.

Равон тилда ёзилган мазкур достон "Бобурнома"нинг моҳиятини, улуғ шоҳ ва шоир, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур руҳий дунёсини, фалсафий қарашларини ҳозирги замон ўқувчиси томонидан идрок этилишини осонлаштиради. Сирожиддин Саййид воқеа ва ҳодисалар динамикасини Бобур Мирзо нигоҳи билан кузатишга интилади, хулоса чиқаришни китобхоннинг ўзига ҳавола этади. Достон чуқур тарихий ва ва ҳаётий асосга эга бадиий талқин сифатида ўқувчини ўзига ром этади, уни Бобур Мирзо фалсафий оламига янада яқинлаштиради.

Мутафаккир шоир ва буюк давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 47 йиллик ҳаёти асосан мушкулотлар, сиёсий ва шахсий фожиалар гирдобида ўтди. "Бобурнома" бебаҳо мемуар асар, шунинг баробарида кўнгли ёлғизликни, илҳомни тилаган шоирнинг, мустаҳкам иродали, жасоратли саркарданинг изтиробли битиклари, қалб иқрорномасидир. Сирожиддин Саййид Бобур Мирзонинг шахс – шоир – шоҳ сифатидаги қиёфасини мукаммаллаштиришда шу иқрорномага таянади:

Бунча узун оҳ тортдингиз, оҳ Бобур,
Муттаҳамлар дунёсида, шоҳ Бобур.
Андижону Ҳинду – етти иқлимда
Топилмади Сизга бир додхоҳ, Бобур.
Оллоҳимнинг даргоҳлари кенг, лекин

[21]Саййид С. Асарлар 3 –ж. Тошкент.: "Шарқ" нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019. –Б. 208.

Сиғдирмади Сизни бу даргоҳ, Бобур.

7

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483-1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ ва шоир сифатида туркий халқлар маданияти тарихида ҳам, жаҳон тарихи тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Унинг отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурга ўғли Мироншоҳдан тарқаган эвара эди. Онаси – Қутлуғ Нигорхоним эса Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлиб, ўн иккинчи аждоди Чингизхонга бориб тақаларди. Бобур Умаршайхнинг тўнғич ўғли эди. 1483 йилнинг 14 февралида туғилганди. Унга Заҳириддин Муҳаммад деб от қўйишганди. Кейинроқ, Бобур сўзидан у ҳам исм, ҳам тахаллус сифатида фойдаланадиган бўлди.

Умаршайх Мирзо (1455–1494) Фарғона вилоятининг ҳокими бўлиб, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Ахси шаҳрини пойтахт деб тайин этганди. 1494 йилда Қутлуғ Нигорхонимнинг акаси Султон Маҳмудхон ва Умаршайх Мирзонинг оғаси Самарканд подшоси – Султон Аҳмад Мирзо бирлашиб, Фарғонага босқин ясайдилар. Ана шундай таҳликали кунларда Ахси қўрғонида яшаётган Умаршайх Мирзо жар ўпирилиб кетиб, бутун хобхона-ю[1] хосхонаси[2] билан тупроқ тагида қолиб ҳалок бўлади.

Отаси ҳалок бўлган таҳликали кунларда Бобур ўн икки яшар ўсмир эди. Ўша давр одатига кўра, ҳокимлик унга ўтди ва у шошилинч Андижонга бориб, юрт ҳимоясини уюштирди. Бола ҳукмдорнинг биринчи ҳарбий юриши омадли бўлиб, унга қарши босқин ясаган амакиси вафот этади, тоғаси эса жиянининг қаршилигини енголмай, Тошкентга қайтиб кетади.

Бобурга бахт ҳамиша ҳам кулавермайди. Аммо жисмонан ғоят бақувват, ўта иродали, тадбиркор, ҳамда улкан истеъдодга эга Бобур тақдирдан марҳамат кутиб ўтирмайди. Қонуний ҳокимиятни олиш, туркий ватанни бирлаштириш, уни босқинлардан сақлаш йўлида ҳаракат қилаверади. Самарқанд, Фарғона, Андижон, Ўш ва бошқа шаҳарлар учун қилинган саноқсиз жангларда енгилаверган Бобур Мирзо юртдан ташқарига юриш қилиб, аввал Кобулни, сўнг Ҳиндистонни босиб олади. 1526 йилда Бобур 12 минг аскари билан Ҳинд султони Иброҳим Лўдининг 100 минглик қўшинини енгиб, Ҳиндистонда Буюк темурийлар салтанатига асос солади. Бу салтанат уч юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Ҳиндистонни бошқарди. Бобурнинг умри ўта нотинч, саргардонликда ўтишига қарамай, ижод билан шуғулланади. Қалби ижодкорлик ва бунёдкорлик билан тўла шоир ўзбек тилида гўзал шеърлар яратди, девон тартиб берди. Мусиқа билан шуғулланиб, «Чоргоҳ» мақомига «савтлар» битди, янги ёзув – «Хатти Бобурий»ни кашф этди. Етук олим сифатида аруз назариясига оид «Мухтасар» рисоласини ёзди, шунингдек, «Мубаййин», «Ҳарфиши», «Мусиқа илми» каби асарлар яратди. Таржимонлик билан ҳам шуғулланиб, Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» асарини туркий тилга ағдарди. Шоҳ шоир лирикаси ўзининг ранг-баранглиги, фалсафий теранлиги, бадиий етуклиги, тилининг соддалиги, ифоданинг равонлиги, халқчиллиги билан ажралиб туради.

Бобур буюк саркарда, адолатли шоҳ, улкан салтанат асосчиси сифатида ҳам тарихда қолади. Лекин унинг бадиий даҳоси барча истеъдодларидан устун эди. Унинг дилбар ғазаллари, ғамгин рубоийлари ҳанузгача ўқувчиларнинг дилларини қитиқлайди, руҳиятларига таъсир кўрсатади. Шу боис шоҳ шоирнинг битганлари неча асрлардан буён авлодларни қизиқтириб, уларнинг муҳаббатини қозониб келмоқда.

Бобур ижодида «Бобурнома» асари алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Мирзо Бобур ўз кўзи билан кўрган, эшитган ва гувоҳи бўлган воқеалар тасвирини ғоят холис, мардона ва таъсирли тасвирлайдики, бу хилдага ижодий тантилик илмда ҳам, бадииятда ҳам ҳанузгача кам учрайди. «Бобурнома» дунёнинг жуда кўп тилларига таржима этилган.

БОБУРНОМА

(Мемуар асар)

Алишер Навоий таърифи

Яна Алишербек Навоий эди, (Ҳусайн Бойқаронинг) беги эмас эди, балки мусоҳиби[1] эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр

[1] Хобхона – ётоқхон.
[2] Хосхона – давлат ишлари қилинмайдиган, ҳукмдорнинг шахсий хонаси.

[1] Мусоҳиб – суҳбатдош.

60

61

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов тўғри таъкидлаганидек, “Шеърларнинг умумбашарий ҳисларига тўлалиги, туйғуларнинг тиниқлиги, фикрларнинг теранлиги ва кутилмаганлиги, поэтик образларининг маънодорлиги, янгилиги Сирожиддин шеърларига алоҳида жозиба бағишлайди”[22]. Сирожиддин Саййид “алоҳида жозиба” ва фавқулодда рангин миллий бўёқлар билан Мирзо Бобур сиғмаган даргоҳларни, унинг шахсий, шоирлик ва шоҳлик тақдирини тарих воқеалари билан қиёслайди:

Умри отда ўтган буюк мусофир,
Давлат надир асли, надир жоҳ, Бобур?
Шоирлиги шоҳлигидан улуғроқ,
Шоҳлиги ҳам шеъридай огоҳ, Бобур.

Шоҳ ва шоирнинг буюк иқрорлари, холислиги, тўғрисўзлиги, чексиз ғайрати, Соҳибқирон бобоси Амир Темурнинг марказлашган салтанатини қайта тиклашдек олий мақсадига содиқлиги, уни амалга ошириш йўлида ҳар қандай машаққатни енгишга, ҳатто хиёнатни кечиришга тайёрлиги, шундай қудратли саркарданинг таъсирчан шоир қалбининг оҳлари, туғилган юрти Андижонни соғиниб изтироб чекиши ўқувчини ҳайратга солади. “Бобурнома”да муаллиф воқеаларни шунчаки баён қилмайди, улардан сабоқ чиқаришга интилади ва ўқувчини ҳам шунга даъват қилади. Энг муҳими, бу даъватда ҳеч қандай мажбурият йўқ. *Шоирлиги шоҳлигидан улуғроқ, Шоҳлиги ҳам шеъридай огоҳ, Бобур* сатрлари виждон қўнғироғидек янграйди. Ўқувчи “Бобурнома”даги ватанпарварлик, бағрикенглик ғояси бугунги кунда ҳам инсониятни огоҳликка чорлаб турганига ишонади.

Бу услуб Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди, ҳаёти ва сиёсий фаолиятини ўрганиш жараёнининг қизиқарли ва ранг-баранг бўлишини таъминлайди, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини, интеллектуал фаоллигини, бинобарин,

[22]Шарафиддинов О. Шоирликнинг оғир юки. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1982 йил, 29 октябрь.

дарснинг самарадорлигини оширади, унинг шахсий, шоирлик ва шоҳлик тақдирини тарих воқеалари билан қиёслайди.

Дарснинг бундай ноанъанавий шакли ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида эркинлик муҳитини яратади, ўқувчиларнинг улуғ шоҳ ва шоир ижодига бўлган қизиқишини, муҳаббатини кучайтиради. Ўтмишга муҳаббат, улуғ аждодларга садоқат – ҳар бир инсоннинг ватанпарварлик ва фарзандлик бурчи. Зеро, тарихга муносабатда инсон қалбидаги миллий ўзлик туйғуси янада яққолроқ кўзга ташланади. Достон замирида табаррук Мовароуннаҳр юртининг буюк давлат арбоби, мутафаккир шоир, улуғ саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари билан боғлиқ тарихи, муқаддас туркий тилга садоқат, аллома аждодларга муҳаббат асносида туйғу ва тафаккурнинг нурафшон уйғунлиги мужассам.

Сирожиддин Саййиднинг "Дунёда Ватандан ҳам юксакроқ мавзу, муқаддас ва шарафлироқ ғоя бўлмаса керак. Ҳамма гап шу муқаддас мавзуни қандай ёзишда, қай йўсинда тараннум этиб, қай тарзда кенг китобхонлар оммасига етказа билишда деб ўйлайман"[23], деган фикрида ижодининг бош ғояси мужассамдир. "Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур" достонини ҳам Ватан ўтмишининг яна бир мукаммал бадиий харитаси дейиш мумкин.

Энг қадим замонларда ҳам Мовароуннаҳр дунё йўлларини туташтирувчи,


экандур. Билмон, не жарима[1] била Султон Абусаид Мирзо Ҳирийдин[2] ихрож[3] қилди. Самарқандга борди, неча йил- ким Самарқадда эди. Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси[4] эди. Алишербекнинг мизожи[5] нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғururидин[6] тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий[7] экандур. Самарқандга эканда ҳам ушмундоқ нозукмизож экандур.

Алишербек назири[8] йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур[9], беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур, «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавоид ул-кибар» отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти[10] борким, бу мазкур бўлғонларга боқа[11] пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини[12] Мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосили калом[13], ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирубтур. Яна «Мезон ул-авзон» отлиқ аруз битибтур, бисёр мадхул[14] дур. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат[15] қилибтур. Баъзи буҳурнинг авзонида[16] ҳам янгилибтур, арузға мутаважжиҳ[17] бўлғон кишига маълум бўлғусидур. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда

[1] Не жарима – қандай гуноҳ.
[2] Ҳирий – Ҳирот.
[3] Ихрож – сургун, бадарға.
[4] Муқаввийси – мададкори.
[5] Мизож – кишининг ўзига хос табиати.
[6] Давлатининг ғururидин – бойлиги билан ғururланишдан.
[7] Жибиллий – табиий, туғма.
[8] Назири – тенги, ўхшаши.
[9] Олти масавий китоб назм қилибтур – шеърий йўл билан олти достон ёзган.
[10] Мусаннафоти – асарлари.
[11] Мазкур бўлғонларга боқа – тилга олинганларга қараганда.
[12] Иншо – хат, мактуб.
[13] Ҳосили калом – хуллас калом, сўзнинг қисқаси.
[14] Мадхулдар – хатоли, нуқсонли.
[15] Ғалат – хато.
[16] Буҳурнинг авзонида – адабий атама, баҳрларнинг вазнлари.
[17] Мутаважжиҳ бўлғон – эътибор берган.

62

«Фоний» тахаллус қилибтур, баъзи абёти[1] ёмон эмастур, вале аксар суст ва фурўдтур[2]. Яна мусиқийда яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари[3] бордур.

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад[4] эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти[5] била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг сайъ ва эҳтимоми[6] била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким[7] ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарида[8] ўткарди. Авойил[9] муҳрдор эди, авосит[10] бек бўлуб, неча маҳал Астроботга ҳукумат қилди, авохир[11] сипоҳиликни тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий[12] маблағлар пешкаш қилур эди. Султон Ҳусайн Мирзо Астробод черикидин янғонда[13] истиқболга келди, мирзо била кўрушуб кўпқунча[14] бир ҳолате бўлди, қўполмади, кўтариб элттилар. Табиблар асло ташхис қила алмадилар. Тонгласига-ўқ[15] тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби ҳол[16] воқеъ бўлубтур:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас[17],
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар.

[1] Абёти – байтлари.
[2] Фурўд – заиф, паст.
[3] Пешрав – кўйнинг бошланиши, ашула олдидан чалинадиган мусиқа.
[4] Саромад – мумтоз, илғор.
[5] Тақвият –ёрдам, қўллаб-қувватлаш.
[6] Эҳтимом – ғамхўрлик.
[7] Бинойи хайр – яхши иморатлар. «Шундай яхшиликлар қилдики» маъносида.
[8] Тавре фард ва жарида – танҳо, сўққабош.
[9] Авойил – авваллари7
[10] Авосит – ўрталарида.
[11] Авохир – охирида.
[12] Куллий –кўп, катта, ҳамма.
[13] Янғонда – қайтганда.
[14] Кўпқунча – тургунча.
[15] Тонгласига ўқ-роса тонгда, тонгдаёқ.
[16] Ҳасби ҳол –ўз ҳолининг баёни.
[17] Мараз чу зоҳир эмас – нималиги аниқланмаган касаллик.

63

карвонларни кутгувчи, кузатгувчи манзил, элларни бирлаштиргувчи муқаддас макон бўлган. Ота макон – шоир ижодида туғёнга айланади. Сирожиддин Саййид буюк мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Не хуш бўлғайки, бир кун..." деб бошлангувчи машҳур ғазалига боғлаган мухаммасида шоҳ ва ва шоирнинг қон силқиб турган қалбидаги изтиробни шундай ифодалайди:

Кишидин кўрмадим, ё ёрдин кўргумми одамлиғ?
Юрагим лола янглиғ қонлиғу ранглиғ, кўзим намлиғ,

[23]Саййид С. Элдошларим, дилдошларим. Тошкент.: "Адабиёт"нашриёти, 2021. Б.-217.

Бу оламда бирор он кўрмадим мен хотири жамлиғ -

Муаллиф “бир он кўрмаган хотири жамлиғ” билан қоғозга туширган “Бобурнома”нинг сиру синоатларга тўла 22 фасллик “вақое”си 138 саҳифадан иборат достонга айланади. Тарих ва келажак дарёларининг тўлқинлари бир-бирига занжир ҳалқаларидек боғланиб, мавжланади. Ҳалқаларнинг узилмаслиги, доимо мустаҳкам бўлишида асосий масъулият ёшлар зиммасига тушади. Биз буюк аждодлардан мерос бебаҳо хазинанинг вориси сифатида миллий қадриятларимизни, бетакрор анъаналаримизни асраб-авайлашимиз, уларнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш учун тинимсиз изланишимиз керак. Ўсиб келаётган ёш авлод “Бобурнома”ни ўрганиш орқали эл танийди, миллий ва умуминсоний қадриятлар, бағрикенглик илмидан сабоқ олади. Маълумки, тарихий хотиранинг шаклланишида тил ва адабиёт билан бирга миллий қадриятлар, ахлоқий тарбия ҳам фаол иштирок этади. Муаллиф улуғ аждоди, шоҳ ва шоир Бобур Мирзо билан бирга изтироб чекади, достоннинг таъсирчан кўнгил битиклари ҳам айнан “Бобурнома” билан ҳамоҳанг ўтли сатрларда бўй кўрсатади:



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	1. Бобур тасвирига кўра Навоий фаолиятига хос жиҳатларни **«Кластер»** усули бўйича ёритиб беринг. 2. Буюк бобомиз ҳақидаги Бобурнинг қайси фикрлари цитатага айланган? 3. ***«Муаммоли вазият»***: муаллифнинг Навоий ижодини танқид қилиши буюк бобомиз ҳақидаги фикрларингизни ўзгартирдими?
Таҳлил ва талқин	1. Навоий ҳақида асардаги маълумот билан қуйи синфда ўрганган маълумотлар орасидаги фарқни изоҳланг. ***«Инсерт»*** усули орқали ҳақида фикрингизни изоҳланг. *«V» – биламан* *«+» – билмайман* *«–» – янги ахборот* *«?» – тушунмадим* 2. ***«Ягона давра»*** (давра суҳбати) усули орқали парча мазмунини таҳлил қилинг.
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	1. Бобур таърифига асосланиб, Навоийнинг маънавий портретини чизинг (сўз орқали). 2. Бобур ролига кириб Навоийга мактуб ёзинг (эркин мавзуда).

64

8

Ҳусайн Бойқаро таърифи

Шакл ва шамойили: қийиқ кўзлук, шер андом бўйлуқ киши эди, Белидин қуйи инчка эди. Бовужудким, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллиқ бўлуб эди, хушранг қизил яшил абришимни кияр эди. Қора кўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ, Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ёмон чирмон чирмаб, қарқаро ўтағаси санчиб, намозға борур эди.

Ахлоқ ва атвори; Аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ имомни[1] хутбада ўқутғай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ ишкучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди. Мафосил заҳмати[2] жиҳатидин намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф[3] ва хуш хулқ киши эди, Хулқи бир нима гузаророк[4] воқиъ бўлуб эди, сўзи ҳам хулқадек эди. Баъзи муомалотта[5] шаръни[6] бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқлариға топшуруб, дорулқазоға[7] йиборди.

Аввал тахт олғон маҳалда олти етти йил тоиб[8] эди. Андин сўнгра ичкуга тушти, қирқ йилға ёвуқким Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий[9] қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳиға ва шаҳриға бу ҳол эди, Ифрот била[10] айш ва фисқ[11] қилурлар эди.

Шужоъ[12] ва мардона киши эди, Борлар[13] ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада бордар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзога қилич чопмиш бўлғай. Табъи назми бор

[1] Дувоздаҳ имомни – ўн икки имомни. «Шиа мазҳабига ўтмоқчи эди» дейилмоқда.
[2] Мафосил заҳмати – бўғин оғриғи.
[3] Ҳарраоф – улфат.
[4] Гузаророк – беқарорроқ, тайинсизроқ.
[5] Муамолотта – муомалада.
[6] Шаръни – шаръий қоидаларни.
[7] Дорулқазоға – қози уйи, қозихонага.
[8] Тоиб – тавба қилувчи. Бу ерда «ичмайдиган» маъносида.
[9] Сабуҳий – бошоғриғини қолдириш учун эрталабдан ичиш.
[10] Ифрот билан – ҳаддан ошиқ, керагидан ортиқ.
[11] Фисқ – гуноҳ ишлар, бузуқлик, ахлоқсизлик.
[12] Шужоъ шижоатли, ботир.
[13] Борлар – неча бор.

65

Шоир янгидан бунёд бўлаётган миллат тарихининг гувоҳи сифатида ўтмиш билан сирлашади, диллашади, тиллашади. Ўтли туғёнларини достонга гўзал бадиий топилмалар, Бобур Мирзо руҳониятидек юксак, руҳиятидек беғубор, юртга соғинчидек ҳароратли ташбеҳлар, тимсоллар воситасида достонга муҳрлайди. Сатрлардаги ҳарорат ўқувчи қалбига кўчади: она юртни севишга, улуғ аждодлардан мерос табаррук тупроқни, қадим илдизларни қадрлашга даъват қилади.

Инсон қалби ҳамиша муҳаббатга ташна яшайди. Уни маънавий камолот ва жасорат йўлига чорлагувчи энг қудратли куч – Ватан ишқидир. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётга муносабати, дунёқараши ҳам уларнинг навқирон қалби

билан бирга улғайиб оламнинг сиру-асрорларини, тилсимларини айнан “Бобурнома” билан қиёслаб, англашга уринадилар.

Уйга вазифа қилиб достонни тўлиқ ўқиш ва “Бобурнома” билан қиёслаб эссе ёзиш топширилади. Аслида бу топшириқ ўқувчи билим даражасини ошириш, мустаҳкамлаш баробарида уларга ватан ишқи билан уйғунлашган сўз илоҳиётини англаш қобилиятини, эркин фикрлаш, ўқиш ва уқиш саодатини сингдиради. Бундай ёндашув ўқувчида ижодий тафаккур фаолиятига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш воситаси ҳамдир. Ўтмишнинг катта-кичик ҳақиқатлари, башарият тараққиёти ва таназзули ҳам шу ишқ билан ўлчанади. Бу ишқ қақраб ётган кўнгилларни бўстон, бир-биридан олис мамлакатларни дўст қилишга қодир. Унинг “Бобурнома”дек ноёб ва нодир асарга, “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” каби достонларга кўчган қудрати ва ҳарорати бугуннинг ёшларини ҳам таъсирлантириш қудратига эга.

Дарсликда ҳар бир бўлим якунида “Тушуниш ва саволларга жавоб бериш”, “Таҳлил ва талқин”, “Баҳолаш ва қиёсий таҳлил” каби кўникмалар доирасида топшириқлар берилган. Ўқувчилар “Тушуниш ва саволларга жавоб бериш” кўникмасидаги қуйидаги топшириқларни бажаришади:

1. Бобур тасвирига кўра Навоий фаолиятига хос жиҳатларни “Кластер” усули бўйича ёритиб беринг.

2. Буюк бобомиз ҳақидаги Бобурнинг қайси фикрлари цитатага айланган?

3. “Муаммоли вазият”: муаллифнинг Навоий ижодини танқид қилиши буюк бобомиз ҳақидаги фикрларингизни ўзгартирдими? - каби савол ва топшириқлар кўмагида ўқувчилар асар моҳиятини янада чуқурроқ тушунишга уринадилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини диққат билан кузатиб боради, йўналтирувчи фикрлар билан уларнинг мулоҳазаларига аниқлик киритиб боради, мавзуга янгича ёндашганларни рағбатлантиради. Айниқса, “Баҳолаш ва қиёсий таҳлил” бандидаги қуйидаги топшириқлар ўқувчиларнинг қизиқишини оширади:

1. Бобур таърифига асосланиб, Навоийнинг маънавий портретини чизинг (тавсиф).

2. Бобур ролига кириб Навоийга мактуб ёзинг (эркин мавзуда).

Бу топшириқлар ўқувчини фикрлашга ундайди. Жавоб излаш жараёнида улар ўтмиш билан сирлашишни, чин ҳиссиётлар оламида яшашни, сўз жозибасидан завқланишни ўрганадилар. Худди “Бобурнома”дан берилган парчалар каби, “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достонини ҳам китобхонлар катта қизиқиш билан ўқийдилар. Шаклдаги ранг-баранглик, сатрлар замиридаги тагдор ғоявийлик, ҳаётийлик, миллий ўзлик каби қадриятлар, ҳавасни келтирадиган ташбеҳлар, шавқ ва ҳайрат уйғотадиган халқчиллик ўқувчини ҳам завқлантиради, ҳам унинг онгу шуурида ифтихор туйғуларини шакллантиради. Темурийзода Бобурийларнинг буюк қудратини, улар шону шавкатга буркаган миллат тарихини, асрлардан асрларга безавол ўтиб келаётган бетакрор қадриятларини халқона оҳангларда тараннум этади. Бу каби таъсирчан сатрларни қиёсий таҳлил этиш ўқувчиларнинг руҳан ва маънан юксалишига сабаб бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достонини қиёсий ўрганиш орқали ҳам ўқувчининг луғат

бойлиги ошади, ҳам унинг дунёқарашида ўзаро билимлар, ғоялар, фикрлар алмашиш жараёни рўй беради. Достон моҳиятини англаш орқали ватан тарихи ҳақида янги билимлар олиш, уни ўзлаштиришга ҳавас ортади. Унинг замиридаги миллий ғурур ва ватанпарварлик ғояси ўқувчилар ҳиссиётларини тарбиялаши ва бола кўнглидаги юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини ёрқин акс эттириши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу усул ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Адабиёт дарсларида педагогик технология элементлари қўлланган ноанъанавий методлардан фойдаланиш ўқув материалининг ўқувчилар томонидан тез ва сифатли идрок этилишига кўмаклашиб, уларнинг тахайюл олами, бадиий тафаккурини ривожлантиради ва уларда ватан тарихига, “Бобурнома” каби буюк тарихий обидаларга, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётига, хусусан, Ўзбекистон халқ шоири, таниқли адиб ва таржимон Сирожиддин Саййиднинг фалсафий теран, чин ватаний шеъру достонларига катта қизиқиш ва муҳаббат уйғотади. Зеро, истиқлол бахш этган озод руҳ Сирожиддин Саййиднинг шеъру достонларига ўзгача сурур бағишлайди. У бугуннинг ўқувчисини “Бобурнома” руҳиятига яқинлаштириш учун она тилининг ички имкониятларидан, барча тасвирий воситаларидан заргарона маҳорат билан фойдаланади ҳамда поэтик лексикага хос янги ифодалар яратади. Шоир танлаган бадиий тимсоллар, янги иборалар, ташбеҳлар ўқувчи учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятининг, барча замонларнинг шоҳ асари “Бобурнома”нинг янги қирраларини кашф қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шарафиддинов О. Шоирликнинг оғир юки. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1982 йил, 29 октябрь.
2. Ш.Наралиева, Б.Турдикулов, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2017.
3. Ш.Наралиева, Н.Корганбаева. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 9 –синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2019.
4. Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1986.
5. Саййид С. Асарлар. 3 –ж. Тошкент.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019.
6. Саййид С. Матонат. Тошкент.: “Машҳур-Пресс”, 2018.

ТВОРЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ ВЕЛИКОГО ПОЭТА И ИЗВЕСТНОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ДЕЯТЕЛЯ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА

Хулкар Хамроева,
доктор филологических наук (DSc), доцент
Государственной академии хореографии Узбекистана
Шахло Нералиева,
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам,
старший преподаватель университета имени Ж. Ташенева
Салимжон Ганиев,
доктор философии (PhD) по филологическим наукам,
старший преподаватель университета имени Ж. Ташенева

Аннотация. Атоқли давлат арбоби, мутафаккир шоир ва буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ юксак салоҳият ва ёрқин истеъдод соҳиби эди. Мазкур мақолада улуғ адибнинг сўзнинг тарбиявий маъноси, бадиияти ҳақидаги фикрлари ўрганилди.

Таянч сўзлар: “Бобурнома”, маданий анъана, рубоий, сўз санъати, қадрият, ижодий мерос.

Аннотация. Белгілі мемлекет қайраткері, ойшыл ақын және ұлы қолбасшы Захириддин Мұхаммед Бабыршах биік әлеует пен тамаша талант иесі болды. Бұл мақалада ұлы жазушының сөздің тәрбиелік мәні мен көркемдігі туралы ойлары зерделенді.

Тірек сөздер: «Бобурнама», мәдени дәстүр, рубай, сөз өнері, құндылық, шығармашылық мұра.

Как сказано в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании 540-летия со дня рождения великого поэта и ученого, известного государственного деятеля Захириддина Мухаммада Бабура», «Один из уникальных деятелей, оставивший неизгладимый след в мировой истории Захириддин Мухаммад Бабур – великий поэт, общественный деятель, государственный деятель и искусный полководец, известен и знаменит во всем мире. Его несравненное научное и творческое наследие занимает особое место не только в формировании нашей национальной культуры и литературно-эстетического мышления нашего народа, но и в истории мировой литературы, науки и государственного строительства»[24].

[24] Постановление Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании 540-летия со дня рождения великого поэта и ученого, известного государственного деятеля Захириддина Мухаммада Бабура». УзА, 25 января 2023 г.

Искусство слова, манера повествования Бабура Мирзы были необычайно красивы и совершенны, каждое событие он исследует в связи с исторической действительностью методом аналитики. Интерпретация искусства танца в произведениях великого писателя впервые изучается как предмет серьезного исследования. Мы думаем, что эта тема, немного обойденная вниманием специалистов, раскроет одну из тонких сторон таланта великого царя и поэта Бабура Мирзы, новую грань, новую интерпретацию, важную для истории танцевального искусства. Ведь известный английский историк и переводчик «Бобурномы» Уильям Эрскин сказал: «Сочиненные им мелодии и песни были очень приятны и не сходили с уст людей даже после его смерти»[25].

История жизни, политическая деятельность, необычайно красивое художественное мышление, процесс чествования выдающегося государственного деятеля, его исторические заслуги в развитии мировой культуры, высокая духовность, научный потенциал и патриотическое мужество поэта-мыслителя Захириддина Мухаммада Бабура, великого полководца, живущего и сегодня спустя почти шесть столетий, удивляет мир. Его газели и рубаи, научные и художественные произведения отличаются способностью укрощать сердце и разум человечества.

Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.
Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,
Айш билан ўзни овутмоқ керак.
Дав клумбе наслаждения воду,
Ростки печали должны быть высушены.
Не волнуйся обо всём, горя много,
Необходимо забавлять себя удовольствием. (перевод наш)

«Нет королевских правил. Одиночество не сбывается при царствовании»[26], — пишет он в письме своему сыну, принцу Хумаюну. И в один из своих тоскливых дней, желая «уединения», великий царь и поэт, видевший «ўюн» цыган после пира, захотел в каком-то смысле "побаловать себя". Тонкие эстетические аспекты цыганского танца, уникальная техника исполнения, вплоть до мельчайших деталей, не ускользают от внимания Бабуршаха. Их изображение доставляет автору удовольствие и хорошее настроение, как и их просмотр. В нем так ясно и чётко описываются выразительные приемы «ўюн», что столь важных сведений о танцевальном искусстве того времени нет ни в одном другом историческом произведении.

В качестве искусствоведов рисунки, наблюдения и сравнения Бабура Мирзы понятны, а его комментарии заставляют задуматься даже современных исследователей. Учитывая, что Бозигар означает искусный игрок, танцор[27], автор использует слово «танцор» как синоним, и подчеркивает, что существует разница в «ўюн» цыган Индии и цыган из региона. «Цыгане района привязывают к ногам две деревяшки и ходят как «деревянная нога». «Цыгане Индии ходят с

[25] Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1995. -Б.105.
[26] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990. -Б.321.
[27] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. -Б.298.

одной деревяшкой как «деревянная нога» и не привязывают её к ногам». Захириддин Мухаммад Бабур Мирза был очарован танцевальными движениями и исполнительскими приемами кочевых цыган в Индии. При описании автором «ўюн» (игр) индийских цыган ярко проявляются высокие эстетические взгляды и основательность поэта. В процессе чтения читатель чувствует, что даже мельчайшие подробности цыганской «ўюн» не ускользнули от острого взгляда автора. Автор удивлен, восхищен и умилен живым миром, разворачивающимся перед его глазами. Он описывает обстоятельства танцевальных движений, которые ежеминутно меняются, поворачиваются и затухают, в гармонии с психикой внимательной, впечатлительной публики. Культурные традиции развиваются взаимно. В приведенном выше обзоре автора рассматриваются «ўюн» и танцы индийских цыган и бозигар, их сходства и различия. Эти идеи важны как исторический источник.

В мире искусства эмоциональное восприятие имеет приоритет над сравнительным анализом. В частности, искусство танца отличается способностью выражать то, что человечество не способно описать никаким другим способом. Сила творческого воображения Бабура Мирзы была поразительно высока. Он чувствует совершенный поток невидимого мира элегантности среди живых движений.

Как справедливо заметил известный литературовед, профессор Ибрагим Хаккул: «Можно сколько угодно восхищаться искусством Захириддина Бабура, и стоит учиться у него как можно большему. Каким был Бабур в жизни, таким он и в своих сочинениях: смелый, честный, чрезвычайно ценящий природу, искренний, уверенный в себе и обладатель удовольствий. Личность Бабура настолько открыта и сильна, что искусственность, наигранная красота или ложь не могут приблизиться к нему»[28]. Мы понимаем, что потенциал, интеллект и мир мысли Захириддина Мухаммад Бабура Мирзы настолько высоки и широки, что невозможно определить его уровень и границы. Следующие рубаи также подтверждают наше мнение:

Идрокингу табъу ҳушунгга банда бўлай,
Овозу усулу жўшунгга банда бўлай.
Тақсим қилурда нақшларға абёт,
Таъриб била ўқушунгга банда бўлай. [29]

В двухтомном «Словаре таджикского языка» одним из значений слова «усул» назван танец (когда движение приятно субъекту, танец)[30]. Поэтому изучение взглядов великого поэта на танцевальное искусство как на отдельный объект исследования является одним из актуальных вопросов современного искусствознания.

[28] Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007. -Б. 163.
[29] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007. –Б. 208.
[30] Фарҳанги забони точики. 2-чилд. М.: “Советская энциклопедия”, 1969. –Б. 397.

Большая часть его жизни прошла в ожесточенных битвах и войнах, в буре политических распрей, внутренних противоречий, в опасностях. Чрезвычайно бережная интерпретация Бабуршахом цыганского танца свидетельствует о том, что он был весьма способным энциклопедистом, с очень чутким вкусом и восприятие искусства. Через тонкие наблюдения, своеобразную, философскую интерпретацию великого поэта мы получаем сведения о еще неисследованных аспектах истории танцевального искусства. Вполне естественно, что анализ и исследование терминов, связанных с искусством, в творчестве Захириддина Мухаммада Бабуршаха еще больше повысит интерес и уважение к нашей древней культуре среди поклонников творчества поэта, ученых-исследователей и подрастающего поколения.

Уникальная «Бобурнома», является чрезвычайно ценным источником как редкий ресурс, внесший весомый вклад в развитие мировой цивилизации и цепи общечеловеческих ценностей, предоставляет исключительно уникальные сведения об истории, культуре, археологии, урбанистике, науке и литературе XV–XVI веков, а также обычаи и традиции разных народов, кроме того цыганского танца. Полагаем, что эта работа будет дополнительно изучена на основе сравнительного анализа нашими искусствоведами.

Использованная литература:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании 540-летия со дня рождения великого поэта и ученого, известного государственного деятеля Захириддина Мухаммада Бабура». УзА, 25 января 2023 г.

2. Посещение Президентом Ш.Мирзиёевым Аллеи писателей, созданной в Национальном парке Узбекистана имени А.Навои. УзА. 20 мая 2020 г.

3. Захириддин Мухаммад Бабур. Бобурнома. Ташкент.: «Юлдузча», 1990.

4. Захириддин Мухаммад Бабур. Сочининг савдоси тушти. Т.: Главная редакция издательско-полиграфического акционерного общества «Шарк», 2007.

5. Энциклопедия Захириддина Мухаммада Бабура. Ташкент.: Главная редакция издательско-полиграфического акционерного общества «Шарк», 2017.

6. Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. Т.: Издательство «Чўлпон», 1995.

7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 - ж. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ГНИЗ, 2005.

8. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Т.: Главная редакция издательско-полиграфического акционерного общества «Шарк», 2007.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Файзуллоев Бахтиёр Бобожонович,
академик Бобожон Ғафуров номидаги ДТМ
Хўжанд ДУ доценти , филология фанлари номзоди,
З.М.Бобур номли халқаро жамоат фондининг Тожикистон бўлими раҳбарии
Тел: (+992) 92703 66 61, Эл.почта: b.fayz.1961@mail.ru

Резюме: В статье рассмотрены некоторые вопросы, связанные с изучением теоритических взглядов З.М. Бобура.

Ключевые слова и выражения: литературовед, текстолог, образование, программа, конверсия, композиция, традиция, талант, газель, татаббу, размер, рифма, редиф.

Resume: The article analyzes some issues related to the study of Z.M. Bobur's theoretical views have been discussed.

Key words and phrases: literary critic, textologist ,education, program, conversion, composition, tradition, skill, ghazal, tatabbu, vazn, rhyme, radif.

Халқимиз Амир Алишер Навоий даҳоси билан қанчалик фахрланса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳам шу қадар ифтихор қилади. Бобурнинг буюк саркарда, мумтоз сўз устаси, адабиётшунос, фиқҳ илми билимдони, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони, хуллас жуда кўплаб фанлар бўйича қомусий билим эгаси эканлиги доир «кўп ва хўб» ишлар амалга оширилган бўлиб, унинг мероси ҳозирга қадар дунё олимларини ўзига мафтун этиб келмоқда. Тожикистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ўрта умумтаълм мактабларида шунингдек, олий ўқув юртларида З.М. Бобур ҳаёти ва ижодидан намуналар дастур доирасида ўрганиб келинмоқда.

Ўтмишдаги мумтоз шоирлар бадиий тафаккур эгаси бўлиш билан бирга илмий тафаккурда ҳам камолотга эриша олган. Жумладан, адабиёт илмига доир асарлар яратиш ўзига хос ижодий анъаналардан бири саналган. Муҳими шундаки, шоҳдан дарвешга қадар шеъриятга, умуман олганда, сўзга ихлос билан қараган ва шеър илмидан ҳам мукаммал даражада маълумотга эга бўлиш зарурий ҳол бўлган.

Адабиёт илмига доир амалга оширилган ишларга Бобур ижодини ҳам далил сифатида кўрсатиш мумкин. Агар «Бобурнома»га назар ташланса, унда элликка яқин шоирлар номининг келтирилиши шунчаки қайдлардан иборат бўлмасдан, уларнинг ижодига мазкур қомусий манбада ўрни-ўрнида олимона баҳо берилганки, бу муҳим илмий қиммат касб этади. Бобур кўпинча ўзининг назарий қарашларини асослашда форс-тожик шоирлари меросига ҳам ўрни - ўрнида мурожаат этганки, бу қомусий асарнинг бадиий - эстетик қиммати ҳамда таъсирчанлигини ошириб, уни қизиқарли ва ўқишли бўлишини таъминлаган. З.М. Бобур ижодни ўрганиш жараёнида юқоридаги масалага ҳам эътибор қаратиш бугунги адабий таълимдаги муҳим масалалардан биридир.

Таниқли матншунос олим Ваҳоб Раҳмонов кўп йиллар давомида Бобур меросини тадқиқ этиб келаётган заҳматкаш устозлардан биридир. Олимнинг

бевосита саъй ҳаракати билан «Бобурнома»нинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдилини яратилиши мумтоз адабиётни англаш йўлидаги амалий ишлардан яна бири бўлди.[31] Табдилдаги сўзбошида Бобурнинг адабиётшунослик фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, унинг бу борада ўта талабчанлиги, шунингдек, анча жиддий ва қаттиққўл эканлиги таъкидланган.

Ўзбек адабиётига араб адабиётидан кириб келган аруз шеърий тизимига Алишер Навоий алоҳида эътибор қаратиб, арузни «*шариф фан*» дея баҳолайди. Муҳими шундаки, ўзининг барча асарларини шу шеърий тизим қолиплари асосида яратиб, ўзбек тилининг ҳам катта имкониятларга эга эканлигини яна бир карра амалий жиҳатдан исботлаган мутафаккир шоир буишидан фахрланиб шундай ёзади:

Олибмен тахти формонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон [32]
ёки
Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам [33]

Алишер Навоий аруз шеърий тизимига доир «Мезон-ул авзон» («Вазнлар ўлчови») асарни яратиши билан ўзбек тилида ижод қилувчи шоирлар мушкулини осон қилди [34]. Бобур эса бу анъанани «Мухтасар» асарида давом эттириб, ўзбек арузшунослиги мундарижасини янада мукаммаллаштирди.

Бобурнинг бадииятга доир қарашларини янада аниқроқ тасаввур этиш учун уни Алишер Навоийнинг назарий қарашлари билан қиёсий йўсинда ўрганиш янги илмий хулосаларни юзага келтиради. Навоий етук адабиётшунос сифатида шоирлар асарларига баҳо берганда ўзига хос мезонл ҳамда ўлчовлар билан ёндашганлигини биргина Атоий ижодига берган баҳоси мисолида ҳам кузатиш мақсадга мувофиқ. Унда Атоийнинг Балх шаҳрида яшаб ижод этгани, Исмоил ота авлодига мансублиги, дарвешваш (хоксор, фақир, художўй) ҳамда хушхулқ (феъл-атвори яхши), мунбасит (очиқ чеҳрали) киши эканлигини эҳтиром билан тилга олиб, шоир фақат ўзбек тилида асарлар ёзганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ва ниҳоят, «Ул санамки…» деб бошланувчи ғазалидан бир байт келтиради-да, унга «*қофиясида айбғинаси бор*» дея муносабат билдиради [35]. Дарҳақиқат, байтда оҳангдошлик қофиядош сўзлар ўзагидаги равий ҳарфларнинг бир хил эмаслиги туфайли қофияда «*айбғина*» юзага келганлигини Навоий зукколик билан қайд этган.

Бобурнинг адабий назарий қарашлари ҳам ўзига хос илмий қимматга эга. У 12 ёшида подшоҳлик тахтига ўтиради. Умрининг катта қисмини жангу жадаллар билан ўтказди.Тарихда моҳир саркарда сифатида ном қолдирди. Шу жиҳатдан унинг адабий - назарий қарашларида ҳам шоҳлик мавқеъининг бевосита таъсири бўлиши табиий эди.

Қуйидаги қиёсда бу янада аниқроқ намоён бўлади. Алишер Навоий «Мажолис-ун нафоис» асарида кўплаб шоирлар қаторида замондоши Ҳилолийга

Бобур З.М. Бобурнома. – (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаевалар табдили) – Тошкент: «Ўқитувчи»,2008. 287- б.

2. Навоий А. МАТ (Мукаммал асарлар тўплами) 20 томлик, 8 том. -Тошкент: Фан, 1991. 475- б.

3. Навоий А. МАТ, 20 томлик, 12-том. – Тошкент: Фан, 1996. – 29- б.

4. Навоий А. МАТ, 20 томлик, 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – 43-95- б.

5. Навоий А. МАТ, 20 томлик, 13-том. – Тошкент: Фан, 1997. -63- б.

тўхталиб: « *Мавлоно Ҳилолий турк элидиндур… ҳофизаси яхшидир. Истеъдоди ҳам ҳофизасича бордир…*», дея унинг шоирона иқтидорига алоҳида баҳо берган [36].

Орадан йигирма йил ўтгач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: «Яна Ҳилолий эди… Ғазаллари текис, ажойиб… Жуда кучли ҳофизаси бор эмиш: ўттиз қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Дейдиларки, «Хамса»нинг аксар байтлари ёдида бор…»[37]. Бобур фикрларини давом эттириб, Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Дарвеш» асарига эътибор қаратиб, унинг композицияси бўш эканлигини кўрсатиб берадики, бу унинг муҳим илмий хулосалардан бири дейиш мумкин.

Ҳатто образлар мантиғи масаласида ҳам Ҳилолийни аяб ўтирмасдан қаттиқ танқид қилади. Матн табдили*:* «Бир достони бор, ҳафиф баҳрида, «Шоҳ ва Дарвеш» номли. Гарчи баъзи байтлари жуда ажойиб чиққан бўлса-да, лекин достоннинг мазмуни ва устухонбандлиги (композицияси) жуда бўш ва харобдур…» деган хулосага келади. Бу ўринда Бобур Шарқ этикасига таяниб фикр юритиб, эркаклар ўртасидаги ошиқ-маъшуқликни қоралайдики, унинг бу хулосаси мантиқан асосли ва тўғридир. Бу ҳол Бобурнинг қаттиққўл олим дейишга яна бир асос бўлади. Бундай характерли далиллар қомусий асар бўлган «Бобурнома»да мисоллар талайгина.

Амир Шайхим Суҳайлий (Шайхимбек) ҳақидаги фикрлари эса бугунги кунда ҳам ўз илмий қимматини йўқотгани йўқ. Унда шеърий санъатлардан фойдаланишда ҳамда шеърий матнларни ўқишда мавжуд меъёрни сақлашга жиддий эътибор қаратилган. Шуниси характерлики, шеърий санъатлардан фойдаланишда Бобурнинг ўзи намуна бўларли даражада эканлигини табдил нашридан жой олган қуйидаги шеърий матн мисолида талаба ёки ўқувчиларга етказилиши дарс самарадорлигини таъминлайди. Аслида Бобур ижодида ҳам бадиий санъатлардан фойдаланиш шунчаки мақсад бўлмасдан, балки бадиийликни юзага келтирувчи восита эканлиги таъкидланиши лозим.

Тил анинг ҳамдида қосирдур, бил,
Бил, анинг ҳамдида қосирдур тил.

Байтдаги «тил» ва «бил» сўзларининг ўзаро ўрин алмашиб такрорланиши эвазига *тарди акс* бадиий санъати юзага келган. Байтни бошлаб берган «тил» сўзи байтнинг охирида яна такрор келиши эса *тасдир*_санъатининг ўзига хос кўрсаткичидир. Юқоридаги матнга яна жиддийроқ эътибор қаратилса, биринчи мисра «бил» сўзи билан тугаб, иккинчи мисра айнан шу сўз билан бошланган. Бу эса, такрор (такрир) бадиий санъатининг *тасбе* деб аталувчи намунаси саналади. Яна ҳар икки мисрада ҳам «*анинг ҳамдида қосирдур*» бирикмасининг қофия сўзларидан олдин келиши ҳисобига *ҳожиб* бадиий санъати юзага келганки, бу бадиий топилма ҳам ўқувчиларга ўзгача эстетик завқ беради.

«Тил» ва «бил» сўзларининг байт бошида ўзаро оҳангдошлиги *музораа* санъатининг «хизмати» ҳисобланади. Шоир биргина байтда сўзларни шунчаки такрор қилмайди, балки шоирона маҳоратини ишга солиб, яъни тил Аллоҳ ҳамдида (мақтовида) шунчаки бир восита эканлиги, айни чоғда қосирлиги -

---

6. Қаранг: Ўша манба. – 86-б.
7. Бобур З. М. Бобурнома. – (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Кароммат Муллахўжаевалар табдили) – Тошкент: «Ўқитувчи», 2008. 140- б.

тегишли мақтовга яроқсиз ҳамда ожиз эканлиги шоирона асосланганлигини мазкур байт мисолида тушунтирилиши дарс иштирокчиларида шоир бадиий маҳоратига доир назарий билимларини янада кенгайтириши, шубҳасиз.

Байтдаги *тил, ҳамд, қосир* сўзларининг ўзаро дахлдорлиги эвазига *таносиб* бадиий санъат юзага келганига ҳам эътибор қаратилади. Яна ажойиби шундаки, байтдаги барча сўзларнинг остин ва устун ҳолатда келиб, оҳангдошликни юзага келтириши *тарсеъ* шеърий санъатининг хизмати эканлигига тўхталиб, у байтнинг таъсирчан бўлиши билан бирга маънонинг кучайишига хизмат қилганлигига эътибор қаратиш лозим. Шу ўринда бадиийлик илмнинг билимдони Ё.Исҳоқовнинг *«...тарсеъ оддий сўз ўйини эмас, балки фикр билан ифоданинг муайян пайтда мувозанат ҳосил қилиши натижасида юзага келадиган поэтик усул бўлиб, шеърнинг, умуман тасвирнинг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини орттиришга ёрдам беради»,*- деган фикрини ҳам эслатиб ўтиш фойдалидир[38].

Ўрни келганда таъкидлаш зарурки, Бобурнинг назарий қарашларида мулоҳазаталаб ўринлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, «Бобурнома»да Навоий ҳақида анчагина маълумотлар берилган бўлиб, уларда мутафаккир шоир-нинг номи эҳтиром билан тилга олинган. Аммо биргина ўринда қуйидаги фикрга ҳам дуч келамизки, бу китобхонни жиддийроқ мушоҳадага ундайди. Бобур ёзади: «Форсий назмда «Фоний» тахаллусини қўллаган. Баъзи байтлари ёмон эмасдур. Бироқ аксари суст ва бўштобдир…»[39] .

Навоий (Фоний) нинг форсийда ёзилган шеърлари ҳақиқатдан ҳам «суст ва фуруд (бўштоб)» ми? Бобур нима учун бундай қатъий хулосага келган? Бобур қарашларини инкор этувчи далиллар мавжудми?- деган саволлар пайдо бўлиши, табиий.

Бобурнинг юқоридаги фикри бирор далил билан кўрсатилган эмас, албатта. Одатда ҳар қандай илмий хулосанинг қанчалик тўғри ва асосли эканлиги мисоллар асосида исботланиши тажрибадан яхши маълум. Бу- биринчидан. Иккинчидан, мутафаккир шоирнинг форсий назмиёти ҳақидаги юқорида келтирилган кўчирма шунчаки маълумот эканлигини назардан қочирмаслик даркор.

Учинчидан, мумтоз адабиётда «Фоний» тахаллуси билан бошқа шоирлар ҳам ижод қилганлигини эътиборга олинса, Бобур уларнинг асарларини Навоий (Фоний)га нисбат берган бўлиши ҳам мумкин деган қарашлар ҳам мавжуд. Тўртинчидан, Бобур умрининг асосий қисмини жангу жадалларда ўтказди. Асосан, туркий тилда сўзлашувчи халқлар билан бирга эканлигини эътиборга олсак, Навоий эса улкан ҳудудни ўз тассарруфига олган Хуросон давлатда яшаб, у ердаги мавжуд адабий муҳитга карвонбошилик ҳам қилди.

Манбалардан маълумки, Алишер жуда ёшлигидан форсий шеърият муҳитида вояга етиб, бу шеърият билан яқиндан ошно бўлиб, устоз шоирларнинг кўплаб байтларини ёд олганлиги манбаларда зикр этилган. Илк ижодини ҳам айнан шу тилда бошлаган эди. Ижодининг камолот палласида эса форсийзабон салафларига издошлик қилиб, форсий тилда гўзал ва бетакрор татаббу асарлари

---

8. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O'ZBEKISTON », 2014. -320- б.
9. Бобур З. М. Ўша манба. -133-б.

билан, зуллисонайнлик анъанасини юксак чўққига кўтариб, ўзбек мумтоз адабиётида биринчи бўлиб, татаббунависликни адабий йўналиш даражасига кўтара олди.

Бешинчидан, Навоий (Фоний) нинг форс-тожик тилидаги асарлари ҳам юксак маҳорат билан яратилганлигини унинг қуйидаги байти слайд воситасида талабаларга кўрсатилиб, таҳлил қилинса, масалани янада тўғри ва мукаммал англашга ёрдам бериши, шубҳасиз.

Нигори турки тоҷикам кунад сад хона вайрона
Бад-он миҷгони тоҷиконаву чашмони туркона [40] .

Мазмуни: Менинг гўзал тожик нигорим тожикларникига хос киприклари ва туркларникига ўхшаш кўзлари билан юзларча (қалб уйи) уйини вайрон қилади.

Юқоридаги матлаъ билан бошланган ғазал устоз Абдураҳмон Жомийнинг ғазалига татаббу (жавобия) сифатида яратилган. Мутафаккир шоирнинг маҳорати шундаки, байтдаги «турки тоҷикам» бирикмаси турк ва тожигим эмас, балки тожик гўзалим маъносида ишлатилган бўлса, иккинчи мисрада такрорланган тожик ва турк сўзлари эса миллат, халқ маъносида келганлигига эътибор қаратиш жоиз. Демак, «турк» сўзи биринчи мисрада «гўзал» маъносида келган бўлса, иккинчи мисрада эса, миллат, халқ маъносини ифодалаб, *тажнис б*адиий санъатининг ўзига хос бетакрор кўрсаткичи эканлиги маълум бўлади. Ёки бир халқни киприкка, иккинчисини эса кўзга нисбат берилиши *ташбеҳ* (ўхшатиш) бадиий санъатининг гўзал намунаси ҳисобланади. Навоий қўллаган *ташбеҳ* шунчаки бир воситасигина бўлиб қолмасдан, балки рамзий образлар ёрдамида асосланиб, икки халқнинг эт билан тирноқ каби бир-бирига яқинлиги кўз ва киприк мисолида бадиий далилланганки, бу мантиқан ҳам тўғридир. «*Гўзал тожик нигорим*» (нигори турки тоҷикам) бирикмасидаги «*гўзал*» сўзи сифатловчи вазифасида мисрага зеб берган. Бадиият илмида бордию шеър матнида ибора келтирилган бўлса, бу *таъбир* санъатининг юзага келиши ҳам ўқитувчи эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Байтдаги «*сад хона вайрона*» мазкур санъатнинг кўрсаткичи саналади. Шоир асосий эътиборни лирик қаҳрамонга, яъни «*нигорим*» га қаратганини эътиборга олсак, бу *истиора* санъатининг ўзига хос намунаси эканлиги маълум бўлади. Шу биргина далилнинг ўзиёқ Навоий (Фоний) нинг беназир зуллисонайн ижодкор сифатида тожик тилида ҳам гўзал асарлар ярата олганлигини намойиш қилиб турибди.

Бундан ташқари, ушбу татаббу ғазал устоз Жомийнинг асари каби арузнинг ўйноқи вазнларидан бири - ҳазажи мусамман солим **(** *мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун* **V - - -, V - - - , V - - -, V - - -)** вазнида яратилган бўлиб, бу шоирнинг аруз илмидан ҳам чуқур билимга эга эканлигини яна бир бор намойиш қила олганки, буни олтинчи далил дейиш мумкин.

Ва, ниҳоят, еттинчидан, Бобур фикрларининг инкор этувчи ишончли манба Навоийнинг икки тил қиёсига бағишланган «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида қуйидагича қайд этган эди: «Форсий тилларни етарли даражада эгаллаш ва уларни чуқур текшириб чиқишда мендан кўпроқ иш қилган киши йўқдур…»[41].

---

10. Навоий А. «Девони Фоний»дан. Форс тилидан Ҳабибулло Саид Ғани таржимаси. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006.- 8-9- б.
11. Навоий А. МАТ, 20 томлик, 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. -7-40-б.

Юқоридаги фикрларга таяниб, З. М. Бобурнинг бадиият илмига доир назарий қарашларини ҳамда форс-тожик адабиётига муносабати масалаларини ўрта мактаб ва олийгоҳларда ўрганиб бориш адабий таълим тизимидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса Бобур асарларини тўла идрок этишга яқиндан ёрдам бериш билан бирга, унинг адабий-эстетик қарашларини янада мукаммалроқ англаш учун имконият пайдо бўлади. Энг асосийси, ўқувчиларда бадиият илмига доир адабий-назарий тушунчалар янада мукаммаллик касб этиб борадики, бу замонавий адабий таълимдаги муҳим вазифалардан бир ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек адабиёт ўқитиш дастури // «Устоз» газетаси, 2012 йил, № 9-10
2. Навоий А. МАТ 20 томлик. Т.8. - Тошкент: Фан, 1991. -544 б.
3. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 12. – Тошкент: Фан, 1996. -327 б.
4. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 13. – Тошкент: Фан, 1997. -284 б.
5. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 16 – Тошкент: Фан, 2000. -336 б.
6. Навоий А. «Девони Фоний» дан. Форс тилидан Ҳабибулло
7. Саид Ғани таржималари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006.-125 б.
8. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960.- 513 б.
9. Бобур З.М. Бобурнома. – (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва
10. Каромат Муллахўжаевалар табдили) – Тошкент: «Ўқитувчи»,2008. 288 б.
11. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O'ZBEKISTON »,2014.-320 б.
12. Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2008.- 426 б.
13. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: « SHARQ », 2020. -240 б.

БУЮК ШОҲ ВА ШОИР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК СИЁСАТИДА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ

Жаҳонгир Ҳакимжонович Ғаниев,
Ўзбекистон давлат хореография академияси ўқув ишлари бўйича проректори, тарих фанлари номзоди, доцент

Аннотация. Бұл мақалада ұлы ғұлама Захириддин Мұхаммед Бабырдың мемлекеттік саясатында маңызды болған толеранттылық пен мейірімділік қағидалары қарастырылады.

Кілт сөздер: «Бобурнома», толеранттылық, рухани тәрбие, құндылық, мейірімділік, тарихи жады.

Аннотация. В данной статье рассматриваются принципы толерантности и доброжелательности, имевшие важное значение в государственной политике великого ученого Захириддина Мухаммада Бабура.

Ключевые слова: «Бобурнома», толерантность, духовное воспитание, ценность, доброта, историческая память.

Машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида тахтга ўтирганидан бошлаб, Соҳибқирон бобоси Амир Темур салтанатини бутун сақлашни, темурийзодалар орасидаги нифоқ ва низоларни бартараф этиб, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тотувлик ришталарини мустаҳкамлашни ўз олдига олий мақсад қилиб қўяди. Мовароуннаҳр яхлитлиги, Самарқанднинг пойтахт сифатидаги оламшумул шуҳратини тиклаш унинг энг буюк орзуси эди. Ҳам улуғ ҳукмдор, ҳам мутафаккир шоир бўлган Мирзо Бобур ўз асарларида салтанат бошқаруви ҳамда давлатнинг ички тузилишига, юртни бошқараётган турли тоифага мансуб шахсларга, уларнинг фаолиятига батафсил баҳо берган.

Умуминсоний қадриятлар силсиласида бағрикенглик энг олижаноб фазилатлар мажмуаси сифатида олий мақомга эгадир. Улуғ саркарда, бетакрор шоир Мирзо Бобурнинг “Бобурнома” асарини, фалсафий теран ғазал ва рубоийларини ўқиб, унинг нақадар бағрикенг, мурувватли, улкан шахс бўлганлигини ҳис қиламиз. Зеро, бағрикенглик, беғараз меҳр-муҳаббат ўзбек халқи маънавияти, миллий қадриятлари ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Таниқли файласуф олим Қ.Назаров таҳрири остида нашр қилинган “Маънавият” луғатида “Бағрикенглик» термини қуйидагича шарҳланган: **“Бағрикенглик** (толерантлик) – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенгфеълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча. Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-кўйда бунга риоя этишни билдиради. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади ”[42]

“Бобурнома”да ёзилишича, турли давлатлардан келган элчиларга илтифотда ҳам Бобур Мирзонинг бағрикенглиги ва мурувватини кўриш мумкин: “Улуғ ош тортилғондин кейин, Хожа Абдушшаҳид била Хожа Калонға ўрмак абралиқ қиш жуббалар муносиб хилъатлар била кийдурулди. Мулло Фарруҳ ва Ҳофиз болиқ била келганларига чакманлар кийдурулди. Кўчумхоннинг элчисига ва Ҳасан Чалабийнинг инисига ҳам қумош болиқ, тугмалик қиш жуббалар фарохўрий хилъатлар иноят бўлди. Абусаид султоннинг ва Меҳрибон хонимнинг ва ўғлининг Пўлод султоннинг элчиларига ва Шоҳ Ҳасаннинг элчисига тугмалик чакманлар, кумош тўнлар инъом бўлди. Икки хожага ва икки улуғ элчигаким, Кўчумхоннинг навкари ва Ҳасан Чалабийнинг иниси бўлғай, кумуш тоши била олтун ва олтун тоши била кумуш тортилиб, инъом бўлди”[43].

Янги Ўзбекистонда Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мир Алишер Навоий ҳазратлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ каби жасоратли, матонатли, ўзларининг ноёб салоҳиятлари билан дунёни ҳайратга солган алломаларимизга муносиб авлодни вояга етказиш давлат

---

[42] Маънавият. Асосий тушунчалар луғати.Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти.,2021. - Б. 74 -75.

[43]Бобур З.М. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990 -Б.323.

сиёсати даражасига кўтарилди. Бугуннинг ёшлари қалбида уйғонган боболардан мерос юксак маънавият, иқтидор ва истеъдод булоқлари улкан уммонларга айланмоқда. Биринчи ва иккинчи Уйғониш давридаги улкан кашфиётлари билан дунёни ҳайратга солган мутафаккир боболаримиз бизнинг ифтихоримиздир.

Ҳамма замонларда ҳам мамлакатларнинг келажаги тинчлик ва бағрикенглик, маданиятлараро уйғунлик ва миллатлараро тотувлик каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир миллатнинг қадриятларини асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодга тинчлик ва бағрикенгликнинг улуғ неъмат экани, унинг қадрига етиш, жамият тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларга қарши курашиш тўғрисида зарур маълумотларни бериш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Профессор С.Отамуродовнинг фикрича, “Бугунги кунда миллий маънавиятни асрашнинг муҳим омили сифатида аждодлардан қолган маънавий меросни чуқур ўзлаштириш, уларни оммалаштириш, айниқса, ёшлар онги ва дунёқарашларининг таркибий қисмига айлантиришга эришиш зарур, деган қарашлар мавжуд. Улар ҳақиқатан ҳам, миллат маънавиятининг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади. Уларнинг ўрнини бошқа биронта омил боса олмайди. Чунки, миллат чинор бўлса, унинг илдизи, таянчи, унинг қаддини ушлаб турадиган ва вояга етказадиган, ҳар қандай хавф-хатардан огоҳ қиладиган қудратли манба – унинг мероси ва тарихий хотираси ҳисобланади ” [44].

Мирзо Бобур буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг вориси сифатида, бобосидан мерос салтанатни тиклашга интилди, улкан давлатни бошқарар экан, мурувват ва саховатга, бағрикенгликка алоҳида эътибор қаратди. Унинг олий мақсад йўлидаги интилиш ва иродаси, инсоний фазилатлари адабий иқтидори билан бир қаторда ҳукмдорлик ва саркардалик истеъдодида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Ўзидан кейинги авлодларга ибрат бўларли ёруғ из қолдирди.

Тажрибали саркарда сифатида лашкарлари, бек ва аъёнларининг таркибини турли жой, ўлка, миллат ва элатларнинг вакиллари ташкил этган. Бобуршоҳ уларнинг барчасига имкон қадар бир хил муомалада бўлганлиги, миллати, тили, эътиқодидан қатъи назар бир хил даражада инъом, мукофотлар улашгани, ҳатто душманининг онаси – Иброҳим Лўдийнинг волидасига ўз саройидан жой бергани кўпчиликни ҳайратга солган.

Бағрикенглик, мурувват ва саховат ғояси – турли миллат ва элатлар вакилларининг бир замин, бир ватанда олижаноб ғоя ҳамда ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Навқирон авлод буюк саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодларимиздан мерос бағрикенглик, меҳр-мурувват сингари энг ноёб қадриятларимизни турли аспектларда ўрганишлари, инновацион ғоялар асосида изланишлар олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

---

[44] Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти.,2015. -Б. 313.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.ЎзА, 2023 йил, 25 январь.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти., 2021.
3. Бобур З.М. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990.
4. Маънавият. Асосий тушунчалар луғати.Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти.,2021.
5. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти., 2015.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДА МУСИҚИЙ ТЕРМИНЛАР

Мирмуҳсин Гапуров,
Ўзбекистон давлат хореография
академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, профессор

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабыр шығармаларында қолданылған музыка теориясы мен музыкалық терминдер туралы ойлар зерттеледі.

Негізгі сөздер: «Бобурнома», музыка, дәстүр, өнер, гижжак, сыбызғы, өрнек, ән.

Аннотация. В данной статье исследуются размышления о теории музыки и музыкальных терминах, используемых в творчестве Захириддина Мухаммада Бабура.

Ключевые слова: «Бобурнома», музыка, традиция, искусство, гижжак, флейта, узор, песня.

Энг қадим замонлардан бошлаб инсоннинг диди, бадиий-эстетик муносабатлари, дунёқараши асосан мусиқа таъсирида шаклланади. Шунингдек, миллий оҳангларда халқнинг ички қиёфаси, маданий анъаналари, маънавий-маърифий қарашлари, интилишлари ҳамда орзу-армонлари акс этади ҳамда жамиятнинг умумий савиясини белгилаб беради. Шарқнинг буюк алломалари мусиқанинг инсон руҳиятига таъсирини, унинг турли ҳиссиётлар уйғота олиш хусусиятларини мукаммал ўрганганлар ва таҳлил қилганлар. Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Умар Ҳайём, Маҳмуд Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк мутафаккирлар ўз асарларида мазкур масалаларни фалсафий ва психологик аспектда кенг ёритганлар.

Атоқли давлат арбоби, буюк саркарда, дилбар шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида мусиқага оид фикрлар ва мусиқий терминлар салмоқли ўрин

эгаллайди. Олимларнинг фикрича, “Унинг мусиқа санъати ва ҳарб ишларига доир рисолалари ҳам бўлиб, улар ҳозиргача топилмаган” [45].

Буюк шоир, улуғ саркарда ва бетакрор шоир сифатида Бобур Мирзонинг мукаммал шахсияти ҳамда маданий мероси бутун дунё аҳлини доимо қизиқтириб келган. Унинг асарларида устозларига эҳтиром, меҳр мурувват, бағрикенглик ва самимият устуворлик қилади.

Бобуршоҳ улуғ мутафаккир Навоий ҳазратларига юксак баҳо беради ва Алишербекнинг ўз даврининг энг машҳур созандалари Устоз Қулмуҳаммад, Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удий каби “аҳли фазл ва аҳли ҳунарға” мураббий эканлигини айтиб, улуғ шоир истеъдодининг яна бир қиррасини алоҳида таъкидлайди: “Яна мусиқида яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур.” [46] “Нақш”нинг яна бир маъноси куй, ашула[47] эканлигини эътиборга олсак, Ҳазрат Навоийнинг мусиқа басталаш даражасидаги етук бастакор бўлганликларини англаймиз.

Таниқли олим О. Жўрабоевнинг фикрича, “Бобур Мирзо санъатни жуда яхши тушунган ва ўзи ҳам машғул бўлган ва ҳаттоки мусиқа басталаганига оид далиллар бор. Мисол учун “Бобурнома”нинг ҳижрий 926 (милодий 1519-1520) йилга доир саҳифаларида бир мухаммасга “Чоргоҳ” савтини (куйини) боғлаганини ёзади. Яна айтади, “Неча маҳал эди, мундоқ нималарга машғуллуқ қилмайдур эдим. Манга ҳам дағдаға бўлдиким, бир нима боғлағаймен...” маълум бўладики, Бобур бир неча вақт шеърга мусиқа басталаш билан шуғулланган” [48].

Ҳар бир адиб ўзи яшаб турган даврдаги қадриятлар мажмуасига ижодий ёндашади. Мирзо Бобур ҳиротлик шоир Биноийнинг шахси ва ижоди ҳақида сўз юритиб, ёш ижодкорларга ибрат бўларли тарбиявий жиҳатларга ҳам тўхталади. Шоир Биноийнинг мусиқадан бехабарлигини ҳазрат Навоий танқид қилганларини, танбеҳдан тўғри хулоса чиқарган Биноий бир қиш машқ қилиб, мусиқани савт ва нақш боғлайдиган даражада ўрганганини айтади: ”Алишербек таажжуб қилиб, таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, нуҳрангга мавсум. Бу тўққиз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлоси росттадур.” [49]

Мирзо Бобур “Бобурнома”нинг кейинги саҳифаларида Қул Муҳаммад Удий, Шайхий Нойи, Шоҳқулий ғижжакий, Ҳусайн Удий каби ўша даврнинг моҳир созандалари ҳақида тўхталиб, Бадиуззамон Мирзо саройидаги бир воқеани баён қилар экан, бу баёнда унинг зукко нигоҳини, эстетик қарашларини, мусиқа илмидаги идрокини ҳис қиламиз:” Яна Шайхий Нойи эди, удни ва ғижжакни ҳам хўб чолур экандур. Ўн икки-ўн уч ёшидин бери найни хўб чолур экандур. Бир навбат Бадиуззамон Мирзонинг суҳбатида бир ишни найдин хўб чиқарур, Қул Муҳаммад ғижжакта ул ишни чиқара олмас. Дерким, ғижжак ноқис создур. Шайхий филҳол Қул Муҳаммаднинг илигидин ғижжакни олиб, ул ишни ғижжакта хўб ва покиза чолур. Шайхийдин яна бир нима ривоят қилдилар: Нағамотқа андоқ мустаҳзар экандурким, ҳар нағмаким, эшитса, дер экандурким,

---

[45] Очилов Э. Бетакрор шахсият, самимий шеърият. Сўз боши Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007.–Б. 5..
[46]Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990. -Б.154.
[47]Акбаров И. Музика луғати. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти,1986. - Б.128.
[48]Жўрабоев О. Бобур лирикасида мусиқа ва тасвир. Т.: “Бобур ва дунё” ж., 2018й, № 4. -Б.35.
[49]Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990. - Б.162.

фалонининг фалон пардаси мунга оҳангдур, вале хейли иш боғламайдур. Бир-икки нақш андин дерлар.”[50] Муаллиф воқеани шунчаки баён этмайди, балки вазиятни таҳлил қилади, мусиқашунос сифатида муносабат билдиради.

Мавжуд луғатларимизда *най*га шундай изоҳ берилган:

Най { *ф.*}**1** Узун, ичи тешик нарса, ингичка труба. *Шиша най. Қамиш най*.

2 Турли нарса, асбобларнинг шу шаклдаги қисми.

3 Олтита тешигини бармоқлар билан бекитиб-очиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби;[51]

Маълумки, XIV – XVI асрларда Шарқда бастакорлик санъати ниҳоятда ривожланади. Шайхий Нойи, Қул Муҳаммад каби машҳур созанда, хонанда ҳамда моҳир бастакорлар етишиб чиққан. Мусиқанинг уд, ғижжак, най сингари барча турларида кўплаб кашфиётлар яратилган. Қуйидаги рубоий орқали ҳам Мирзо Бобурнинг мусиқа санъатига қай даражада эътиборли бўлганлигини англаш мумкин:

Гар Руҳдам, этса эрди оҳанги нағам,
Мажлисда не ҳузн қолур эрди, не ғам.
То борғали Руҳдам бизинг мажлисдин,
Мажлис элига не руҳ қолди-ю не дам.[52]

Рубоийда қўлланган мусиқий терминларни изоҳлашга ҳаракат қиламиз:
Руҳдам – созанда, мусиқачи маъноларини билдиради[53].

Нағма – 1 эск. Куй, оҳанг, наво; мусиқа товуши.

2 Лабда юрғизиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. [54]

Улуғ шоир тўғри таъкидлаганидек, мусиқа инсоннинг ғамларини, ғуборларини аритади. Инсоннинг қадр-қимматини, ақл-заковатини, яратувчанлик фаолиятини юксалтиради, фикрини теранлаштиради, тафаккурини ўткирлаштиради, эзгу амалларга илҳомлантиради. Мусиқанинг эстетик феномен сифатида ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Маънавий камолотга эришган инсон қаршисида ҳар қандай тўсиқлар чекинади. Бунинг учун инсон энг яхши, олижаноб фазилатларни ўзида тарбиялаб бормоғи зарур. Яхши фазилатларни тарбиялаш эса ўз-ўзини англашдан бошланади. Инсоннинг ҳақиқий комилликка эришувида, олам ва жамият ўртасидаги муносабатларининг мустаҳкамланишида адабиёт ва санъат, хусусан, мусиқий идрок беқиёс тарбиявий кудрат касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мусиқа назарияси ва амалиётининг энг нозик жиҳатларини ҳам чуқур билган. Мусиқа ва шеъриятнинг, хусусан, аруз вазнининг назарий асослари бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Аруз санъати мураккаб илмлардан бири бўлиб, ижодкордаги эстетик ҳиссиётни шакллантиришда мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Улуғ шоирнинг *савт, нақш, пешрав, тарона, нағма* каби мусиқий

---

[50]Ўша манба, -Б.164.
[51] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 12-13.
[52] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007. –Б. 179.
[53] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007. –Б. 179.
[54] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 30.

терминларни маҳорат билан қўллаганлиги унинг ижро услубларидан, чолғу асбобларидан, ҳатто бастакорлик санъатидан яхши хабардор эканлигини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25- сон.
2. Мирзиёев Ш. Ёшлар - бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2018.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1990.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007.
5. Акбаров И. Музика луғати. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти,1986.
6. Кароматов Ф. Ўзбек халқ мусиқа мероси. 2 –китоб. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
7. Жўрабоев О. Бобур лирикасида мусиқа ва тасвир. Т.: “Бобур ва дунё” ж., 2018й, № 4.
8. Очилов Э. Бетакрор шахсият, самимий шеърият. Сўз боши Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007.
9. Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома 1. Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.

БОБУРНИНГ ЁЗУВ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Саидов Ёқуб Сиддиқович
Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори,
jadid@mail.ru

Аннотация. Мақалада Бабырдың араб әліпбиіне негізделген ескі өзбек жазуын реформалаудағы қызметі мен көзқарастары түсіндіріліп, «Хатти Бабурий» трактатының жазылуының әлеуметтік және тәрбиелік себептері айқындалып, оның ғылыми-тарихи маңыздылығы ашылып, оның атқарған қызметі айқындалады, жазушыдың жазудың дамуындағы орны белгіленеді.

Негізгі сөздер: жазу, дыбыс, әріп, әліпби, реформа, әріп түрі, араб алфавиті, ескі өзбек жазуы.

Аннотация. В статье осмысливаются деятельность и взгляды Бабура на реформирование древнеузбекской письменности на основе арабского алфавита, определяются исторические причины написания трактата «Хатти Бабурий», раскрывается его научная и историческая значимость, а также роль писателя в развитии письма определяется частично.

Ключевые слова: письмо, звук, буква, алфавит, реформа, тип письма, арабский алфавит, староузбекское письмо.

Истеъдодли шоир, қонуншунос, адабиётшунос, санъатшунос, тарихчи, этнограф, тилшунос Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон ижтимоий онги, бадиий тафаккури, фани, маданияти ва адабиёти тараққиётида алоҳида ўринга эга, дунё аҳли орасида ўзининг ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган «Бобурнома» асари, нафис ғазал ва рубоийлари, аруз, ҳарб иши, ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига доир рисолалари билан маълум ва машҳур адиблардан биридир. Шунингдек, у янги ёзув асосчиси ҳамдир. Аёнки, ислом дини билан бирга туркий халқлар ҳаётига араб ёзуви ҳам кириб келди ва бу ўлкада шу пайтгача мавжуд бўлган барча хат турларининг ўрнини деярли эгаллади. Мазкур хат тури ўзининг тараққиёт босқичларида айрим ўзгаришларга учради. Маҳаллий аҳолининг маърифий эҳтиёжи сабаб араб ёзуви соддалаштиришга ҳаракат қилинди. Шундай хат турларидан бири *настаълиқ* (ёки хатт-ут-таълиқ) бўлиб, у форс мамлакатлари ҳудудларида кенг тарқалди. Шу сабабли уни *форсий хати* деб ҳам аташади. Мазкур ёзувнинг асосчиси Хожа Мир Али Табризий (1330-1405) бўлиб, у “Қиблат ул-куттоб” (“Котибларнинг пешвоси”) унвони билан шарафланган. Араб ёзуви асосида бундан ташқари “насхи бухорий” (асосчиси Мир Убайд Бухорий), “Мавлавий Соқий” (асосчиси Мавлавий Соқий). “нохун хати” (асосчиси Низомиддин Бухорий) каби хат турлари ҳам қўлланишда бўлган [1, 4].

Ўзбек тили тарихида ўн икки асрдан ортиқроқ даврда амалда бўлган араб ёзувини ўзгартириш, ислоҳ этиш ҳаракати кўлами кенг эмас. Айрим зиёли ва гуруҳларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатинигина алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин, холос. Бундай ҳаракатнинг дастлабки ёрқин намунаси сифатида Маҳмуд Кошғарийнинг фаолиятини мисол тарзида айтса бўлади. У “Девону луғотит турк” (XI) асарида араб алифбосига асосланган туркий ёзув хусусиятлари бўйича мантиқли фикр билдириб, биринчилардан бўлиб товуш ва ҳарф муносабатини аниқлади, туркий тилларда жорий этилган араб алифбосидаги ҳарфий белгилар сони ушбу тилларнинг барча табиий талаффуз хусусиятларини тўлиқ ифодалай олмаслигига доир ўринли қарашларини илгари сурди, араб алифбоси тизимига яна еттита шаклий белгини қўшиш кераклиги бўйича мантиқли тавсияни берди [4, 8].

Туркийлар қўллаган араб ёзувини ислоҳи бўйича энг жиддий ва аҳамиятли ҳаракатни Заҳириддин Муҳаммад Бобур амалга оширди, десак хато қилмаган бўламиз. Бобур табиатан ҳаётда ҳар томонлама ижодкор бўлган, буни унинг “Бобурнома” асари аниқ далиллайди. У умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай оғир шароит ва қийин вазиятларда ҳам ижод этишдан тўхтатмади. Шу учун ундан ҳар жиҳатдан муҳим, бой ва аҳамиятли илмий-адабий мерос қолди. Шундай асарларидан бири “Хатти Бобурий” рисоласидир. Тарихий-адабий манбаларда қайд этилишича, ушбу асар тахминан 1504 йилларда, Бобурнинг йигирма ёшларида Қобулда бўлиб турган вақтида ёзилган. “Хатти Бобурий” ёзуви “сиғноқий” ёзуви деб ҳам номланган. Шоир буни машҳур ғазалларидан бирида қуйидагича ифода этади:

Турклар хатти насибинг бўлмаса не тонг Бобур,
Бобурий хатти эмасдур, хатти *Сиғноқий*дур.

Байтда келтирилган Сиғноқ қадимий туркий шаҳарлардан бири бўлиб, у Сирдарё бўйидаги Талас водийси ҳудуди таркибида бўлган. Бобур қадимги

туркий алифбо ва уйғур ёзувидан хабардор бўлган, уларнинг маъқул жойларини ўз алифбосига киритган [8, 218].

“Хатти Бобурий” хорижий ва ўзбек олимлари томонидан қисман ўрганилган[6]. Бу борада ўзбек олимларидан С.Азимжонова ва И.Низомиддиновлар кабиларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Улар ўтган асрнинг 50-60 йилларида мазкур рисола бўйича жиддий изланишларни амалга оширишди. Маълумки, ЮНЕСКО қарори билан 1983 йилда Бобур таваллудининг 500 йиллиги жаҳон бўйича кенг нишонланди, асарлари турли тилларга таржима қилинди, унинг ҳаёти ва асарлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Франциянинг Париж шаҳрида “Бобурнома” асарининг янги французча таржимаси “Бобур китоби” номи билан чоп этилди. Таржимани машҳур туркшунос Жан Луи Бакке Грамон амалга оширди. 1985 йил мазкур таржима баъзи тузатишлар, янги илмий манбалар ва кўп сонли миниатюра безаклари билан назарда тутилган тилда қайта нашр этилди. Шунингдек, янги нашрга бир қатор иловалар ҳам киритилди. Иловаларда Бобур аждодларининг шажараси, “Хатти Бобурий” ҳақидаги мақола, шу асарнинг қўлёзмаси фотофаксимилеси акс эттирилди [7].

Аёнки, Бобур имло масалаларига, айниқса, арабча сўзларнинг ёзилиши меъёрларига алоҳида эътибор қаратган. Унинг бу борадаги сайъ-ҳаракатлари ўғли Хумоюнга ёзган мактубида яққол намоён бўлганлигини кузатиш мумкин. Адиб бу мактубида дастлаб тил ва тафаккур масаласига, уларнинг ўзаро муносабати ва алоқадорлигига диққат қаратади, фикрлаши юқори даражада бўлган шахснинг хати ҳам чиройли ва саводли бўлишини айтиб ўтади. Сўнгра сўзларни ёзувда тўғри ифода этишни, исмлар имлоси ва маъносига эътиборли бўлиш кераклигини, имло меъёрларига тўлиқ амал қилишликни, ёзувни, албатта, ҳуснихатда битишликни, бундай ёзувлар жамият ҳаётида катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлайди.

Бобур ўғлининг хатидаги камчиликларни кўрсатиб, уни хатосиз ёзишга ундайди. Адибнинг фикрича, муаллифнинг хати саводли ва мазмунли ёзилиши, услубига кўра равон, очиқ ва содда бўлиши керак. У бу хусусда қуйидагиларни ёзади: “Хат битурда такаллуф қилай дейсен, ул жиҳатдин муғлақ бўладир. Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ҳам ўқуғучиға”. Бобур араб ёзувининг ифода имкониятлари ва шаклий тузилишига доир хусусиятларни, фойдали, аҳамиятли, қулай томонларини ва айни пайтда камчиликларини ҳам пухта билган [5, 161]. Шунга кўра у араб ёзувини соддалаштириш ва осонлаштириш, бу ёзувда битилган муайян сўзни ҳар хил ёзиш ва ўқишдаги қийинчилик ҳамда ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида назарда тутилган ёзув турини ишлаб чиқди. “Бобурнома” асарида ўзининг янги ёзувини яратганлигини эслатиб ўтади: “Ушбу маҳалларда (1504 йилларда — Ё.С.) бобурий хатини ихтиро қилдим” [3, 421].

Адиб ушбу рисоласида араб алифбосини туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили хусусиятларидан келиб чиқиб, уни бирмунча соддалаштиришга ҳаракат қилади. Адиб кишилар ўртасидаги мулоқат, билим ва оғзаки ижод намуналарини келажак авлодга етказиш учун ёзув муҳим аҳамиятга эгалигини яхши англаган. Маълумки, тилнинг ўзаро алоқа, эстетик, дунёни билиш, кишилик жамияти томонидан эгалланган тажриба-билимларни сақлаш ва авлодларга етказиш каби

вазифалари ёзув воситасида амалга оширилади. Адибнинг ёзув ислоҳи бўйича ҳаракатларини ўрганиб туриб, у алифбодаги бир ҳарф муайян бир товушни ифодалаши, бир товуш муайян бир ҳарф билан ифодаланиши лозимлигини чуқур англаган, деган хулосавий фикрга келиш мумкин.

Бобур мазкур хат турида араб ёзувини туркий тилларнинг талаффуз хусусиятларига янада мослаштириш учун араб алифбосига турли ўзгартиришлар киритиб, уни ислоҳ этди, бир неча асрлар давомида фойдаланиб келинган ёзувда туркий тили товуш қурилишини тўлароқ ифодалаш, унга мослаштириш мақсадида бир қатор ҳарфий ўзгартиришлар киритди, араб алифбосини бирмунча соддалаштиришга ҳаракат қилди. Бобурнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида унинг истеъдодли каллиграф, ҳусниҳат қоидаларига тўлиқ риоя этиб, чиройли ёзув соҳиби, хаттот эканлигига амин бўлиш мумкин. Бобур, айтилганидек, араб алифбосининг ёзилиши ва ўқилишида мураккабликлар мавжудлиги боис нисбатан янги алифбо — «Хатти Бобурий»ни ихтиро этди, уни халқ орасида кенг жорийланиши учун курашди, кенг оммалаштириш учун зарурий ҳаракатларни амалга оширди.

Илмий манбаларда келтирилишича, Бобур Ҳиндистондаги ҳукмронлик даврида ушбу хат туридан фойдаланиб, турли мактублар ва мусҳаф ёзади. У Қуръони каримнинг икки нусхасини “Хатти Бобурий”да кўчиртириб, улардан бирини Маккага, иккинчисини эса Теҳронга юборади. Бу нусхалар фанда «Мусҳафи Бобурий» деб аталади. Унинг қўлёзмаларидан бири Эроннинг Машҳад шаҳридаги “Остони қудси Ризовий” кутубхонасида сақланади. “Бобур халқаро фонди” томонидан 2004 йилда “Мусҳафи Бобурий” фото нусхаси Ўзбекистонга олиб келинди. Ушбу фотонусха ҳозирда Андижоннинг “Бобур ва Жаҳон маданияти” музейида сақланади. Маълумки, *мусҳаф* сўзи арабча бўлиб, *саҳифаланган* деган луғавий маънони ифодалайди. Халифа Усмон ибн Аффон даврида кўчирилган Қуръон нусхалари шу ном билан аталган. Кейинчалик китоб шаклидаги Қуръоннинг ҳар бир нусхаси *мусҳаф* деб номланган.

Бобур ҳиротлик машҳур уламолардан Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Мирюсуфларга “Хатти Бобурий” алифбосини ўргатади. Ўғиллари, жумладан, Комрон Мирзо ва Ҳиндол Мирзоларни мазкур ёзувда мактублар битишга ундайди. Бироқ адибнинг ижтимоий-маданий, маърифий тараққиётда муайян даражада восита бўлувчи бу аҳамиятли янгилиги ўша даврда, айрим кишиларни эътиборга олмаганда, кўпчилик томонидан эътироф этилмади ва қўллаб-қувватланмади. Бобур бу хат турини, юқорида айтилганидек, араб алифбоси асосида тузган. Унинг алифбоси йигирма саккиз ҳарфдан иборат тарзида шакллантирилган. “Хатти Бобурий”нинг араб алифбоси билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Адиб ўз алифбосини араб алифбосидаги зеру забарлардан холи қилди, айни вақтда, араб алифбосига кейинчалик киритилган тўртта форсча ҳарфларни ундан чиқариб ташлади [2, 31].

Ўхшаш жиҳатлари шундаки, “Хатти Бобурий”да араб алифбосидаги айрим ҳарфлар айнан қабул қилинган. Бундай ҳарфлар жумласига *алиф, йо*, сўз ўртасидаги *бе* кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Фарқли жиҳатлари эса қуйидагилардан иборат: 1) тўлиқ ўзгартирилган ҳарфлар (*коф, нун, вов, фе, син, шин* каби ҳарфлар); 2) айрим жиҳати ўзгартирилган ҳарфлар (*бе, жим, хе, то, зо*

каби ҳарфлар); 3) қисман ўзгартирилган ҳарфлар (*мим, ҳе, дол, айн* каби ҳарфлар).

Бобур бирор ўринда мазкур хат турини қайси мақсадда кашф этганлигини ёзмаган. Назаримизда, у ушбу хат турини шакллантиришда ўз олдига асосий мақсад сифатида қуйидагиларни белгилаган бўлиши мумкин:

1) халқнинг саводлилик даражасини ошириш мақсадида араб алифбосини ислоҳ этган;

2) араб алифбосини туркий тилларнинг талаффуз меъёрларига мослаштириш мақсадида уни ўзгартирган;

3) энг муҳими, туркий халқларнинг маданияти ва маърифати тараққиёти учун мазкур хат турини яратган.

Бобур амалда бўлган араб алифбосида хат-савод чиқариш қийинлиги ва жуда кўп вақт ҳамда меҳнатни талаб этишини эътиборга олиб, аҳолининг саводини осонроқ ва тез фурсатда чиқариш, ўқиш ва ёзишни қулайлаштириш, туркий тилларга хос хусусиятларни ёзувда муайян даражада акс эттириш, ушбу тилларнинг талаффуз табиатига мослаштириш мақсадида бу ёзувни яратган, десак хато қилмаган бўламиз. Адиб яшаган ижтимоий-сиёсий даврда неча асрлардан бери муқаддас Қуръон ёзуви сифатида амалда бўлган алифбони ислоҳ этиш, ўзгартириш ва янгилашга ҳаракат қилиш билим, истеъдод, топқирликни талаб этиши билан бирга, айни пайтда, энг муҳими, маданий-маърифий жасоратни ҳам талаб қилади.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бобур ўзбек халқи учун ўзлаштириш осон ва қулай бўлган, туркий тилларнинг ўзига хос товуш тизими хусусиятлари эътиборга олинган араб алифбоси негизида махсус хат турини яратиб, ўзбек тилшунослиги тарихида ўчмас из қолдирди. Адибнинг бу хат тури билан боғлиқ илмий қарашлари ва амалий фаолиятини чуқур ўрганиш, унинг илмий-тарихий аҳамиятини очиб бериш, тадқиқот натижалари билан жаҳон илм аҳлини хабардор этиш мазкур фаннинг долзарб масалалари сирасига киради, десак хато қилмаган бўламиз. Бундай ишни амалга ошириш орқалигина Бобурнинг ёзувлар тарихидаги ўрнини тўғри белгилаш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Ҳуснихат дурдоналари. –Тошкент: Мовароуннахр. 2008.
2. Азимжонова С. Бобурнинг ҳинд девони. –Тошкент: Фан, 1966.
3. Бобир. Бобурнома. –Тошкент: Фан, 1960.
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (таржимон С.М. Муталлибов). I-III. –Т.: Фан, 1960-1963. -Т. I. 1960. -499 б.
5. Саидов Ё. Ўзбек адабий тили тарихи. Дарслик. –Бухоро: Дурдона, 2021. -376 б.
6. Султонов Ў. Хатти Бобурий // Мозийдан садо. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
7. Холбеков М. Бобур ва “Бобурнома” француз шарқшунослиги саҳифаларида // Жаҳон адабиёти. –Тошкент: 2017. -№ 2. –Б. 35-46.
8. Қодиров П. Тил ва эл. –Тошкент: Маънавият, 2010. -294 б.

БОБУРНИНГ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТИ

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич,
Ўзбекистон, Наманган давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори
onomastika66@mail.ru

Аннотация. Мақалада Захирридин Мұхаммед Бабыр жасаған әліпби және оның рухани-ағартушылық мәні зерттеледі.

Тірек сөздер: жазу, әліпби, дыбыс, әріп, араб жазуы, араб алфавиті, таңба әріп.

Аннотация. В статье рассматривается алфавит, созданный Захирридином Мухаммадом Бабуром, и его духовно-просветительское значение.

Ключевые слова: письмо, алфавит, звук, письмо, арабское письмо, арабский алфавит, знаковое письмо.

Тарихни кузатсангиз, ҳар бир даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий, маънавий соҳада долзарб муаммолари бўлади. Даврнинг фидойи, зукко, маърифатпарвар донишларию даҳолари ана шу муаммоларни ечимини топишга интилганлар ва ҳал қилганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятида ҳам бу ёрқин кузатилади. Биз алломанинг биргина маънавий жасорати хусусидагина фикр юритмоқчимиз.

“Ёзув – илмнинг ярми” деган ҳикмат бор. Бу ҳикматда, албатта, пурмаъно ҳақиқат мужассам. Адабий тилда равон, аниқ, тушунарли, мазмунли, жўяли сўзлай ва чиройли ҳуснихат билан имло хатоларисиз ёза оладиган кишигина саводли ҳисобланади. Ёзув инсон маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ўз ёзувига эга бўлган халқгина маданиятли ҳисобланади. Шу боис ўзбек халқи тарихида ҳам ёзувимизни тил товуш тизимига мувофиқлаштириш ҳамда ёзилиш имкониятлари нуқтаи назаридан такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинган. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фаолияти ҳам таҳсинга лойиқдир.

Бобур 1504 йилда 22 ёшида “Хатти Бобурий” номли алифбо яратади. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи шундай ёзади: “*Ушбу маҳалларда Бобурий хаттини ихтироъ қилдим”*, – деб ёзади.

“Хатти Бобурий” араб алифбоси асосида яратилган бўлиб, 29 ҳарфдан иборат. “Хатти Бобурий” манбаларда “Бобур хати” деб ҳам юритилади.

Бу хат – алифбо ҳақида сўз юритган Бобур ўзининг бир ғазалида шундай ёзади:

Турклар хатти насибинг бўлмаса не тонг Бобур,
Бобурий хатти эмасдур, хатти Сиғноқийдурур.

Сиғноқ – Сирдарё бўйидаги қадимий туркий шаҳар. Бу дарё бўйидан топилган қадимги туркий ёзув намуналари китобида келтирилган [1].

Байтда Бобурий хати – алифбосининг асослари – манбаларидан сўз юритилгандай туюлади, яъни Бобурий хатти туркий ёзувлар (руний, уйғур)га ўхшамаса-да, аммо у сиғноқий хатга ўхшашдир, деган маъно англашилади.

Сиғноқ шаҳридан кўплаб олиму фозил кишилар етишиб чиққанлар. Аммо бу ерда яратилган хат-алифбо – сиғноқий хат ҳақида ҳозирча аниқ бир маълумот учраганича йўқ. Бу хат эса Бобурга маълум бўлган кўринади.

“Бобурнома”даги қайдлардан англашиладики, “Хатти Бобурий” Бобур ва фарзандлари, яқинлари орасида ўзаро ёзишмаларда кенг фойдаланилган. Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгандан сўнг Қандаҳорда турган Комрон ва Бадахшонда турган Ҳиндолга “Хатти Бобурий” алифбосида мактублар жўнатган. Аллома “Бобурнома”да 1528 йил воқеаларини баён этар экан, ўғилларига бошқа совға инъомлар қатори “Бобурий хати”да ёзилган шеърлар ва хатлар жўнатганлигини қайд этади: *“Мулло Биҳиштийдин Ҳиндолға мурассаъ камар ва ханжар ва мурассаъ давот ва садафкорлиқ сандали ва кийган нимча ва тагбанд ва “Бобурий хати”нинг муфрадотини йиборилди. Яна “Бобурий хати” била битилган қитъалар йиборилди”.*

Ёки: *“Мирзобек тағойидан ҳам Комронға таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон ашъор “Бобурий хати” била битилган сархатлар йиборилди”.*

Ўзбекистонда “Хатти Бобурий” ҳақида илк маълумотни бобуршунос Сабоҳат Азимжонова 1958 йилда Бобур туғилганига 475 йил тўлиши муносабати Андижонда ўтказилган илмий анжуманда берган ва “Хатти Бобурий” ҳақида махсус маъруза қилган ва Ҳамид Сулаймон томонидан катта ҳажмдаги қоғозга кўчирилган бобурий хатини намойиш этган эди.

“Хатти Бобурий” ўзбек тилшунослигида мукаммал тадқиқ этилгани йўқ. Шундай бўлса-да, “Хатти Бобурий”га доир Афғонистон, Эрон, Туркия ва Ҳиндистон олимларнинг илмий тадқиқотлари кузатилади.

Манбашунос Муҳаммадҳалим Ёркин “Бобурий хат” бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Олимнинг бир неча мақолалари нашр этилган[2; 3].

Маълумки, Бобур замонида араб ёзуви, аниқроғи, араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви амалда фаол қўлланарди. Лакҳнавий-Ҳасанийнинг ёзишича, Бобур ўзи яратган алифбони амалга киритиш учун унда Қуръони каримни кўчиртириб, Маккаи мукаррамага – муқаддас Каъбатуллоҳ маъмурларига юборган.

Покистонлик адиба Муҳиббул Ҳасан “Бобур” рисоласида Бобур соғлиги ёмонлашган бир пайтда устозининг тавсияси билан “Қуръон”ни “Хатти Бобурий”да кўчириб чоп қилганини ва шифо топганлигини ёзади.

Айрим манбаларда қайд этилишича, Қуръон икки нусхада кўчир-тирилган, бир нусхаси Маккага, иккинчиси Теҳронга жўнатилган.

Муҳаммад Ҳалим Ёрқиннинг қайд этишича, “Хатти Бобурий”, яъни “Бобурий хат” бўйича икки манба маълум. Биринчиси, ҳижрий 1055 (милодий 1651) йилда Балхда аштархонийлар ҳукмронлиги замонида Муҳаммад Тоҳир ибн Қосимнинг “Ажойибу-т-табоқат” асарида “Бобурий хат” ҳарфлари берилган. Иккинчиси, Эроннинг Машҳад шаҳридаги Остони қудси разавий кутубхонасида 50-рақам билан сақланаётган Қуръон (Мусҳаф).

Эронлик Аҳмад Гулчини Маоний бу Қуръон (Мусҳаф)ни кўриб, “Бобурий хат”да ёзилганлигини айтади. Шундан сўнг мазкур Қуръон “Мусҳафи Бобурий” деб аталмоқда.

“Ал-Мусҳафин Бобурия”, яъни “Мусҳафи Бобурий” (“Бобурий хатида кўчирилган “Қуръон”)нинг қўлёзмаси нусхаси 2005 йилда Бобур жамоа

фондининг экспедицияси жараёнида З.Машрабов томонидан Ўзбекистонга олиб келинган бўлиб, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида сақланмоқда.

Ҳалим Ёрқин юқоридаги икки манбада белгилар, яъни ҳарфлар 29 та эканлигини кўрсатади. Бу фикрни бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонованинг Бобурнинг ҳинд девонидаги кириш сўзида алифбо хусусидаги қуйидаги фикрлари тасдиқлайди: “Хатти Бобурий” 28 та араб алифбосига асосланган янги алифбодир. Бобур ўз алифбосини араб алифбосидаги зеру забарлардан ҳоли қилди, айни вақтда, араб алифбосига кейинчалик киритилган тўртта форсча ҳарфларни ундан чиқариб ташлади”.

“Хатти Бобурий”нинг кашф қилинишини олимлар турлича талқин қиладилар. Аҳмад Гулчини Маонийнинг фикрича, Бобур бу хатни тафанун, яъни шунчаки санъат ва янгиликка бўлган завқ-шавқни қондириш юзасидан ихтиро қилган.

Афғонистонлик Абдулҳай Ҳабибий: “Бобурнинг ушбу хатни ихтиро қилишдан мақсади фақат арабча матнлар ва Қуръонни ёзишдир”, – деб ёзади.

Жавоҳарлаъл Неру эса уни араб алифбоси ўрнида ихтиро қилинган хат деб изоҳлайди. Неъмат Жабборовнинг фикрича, Бобурнинг бу ихтиродан икки мақсади бўлган: бири – “уйғур ёзуви деб аталувчи туркий хат турини қайта тиклаш ва такомиллаштириш” ва иккинчиси – “ҳиндларнинг сеҳргарлик талабларига мос келувчи хат турини яратиш”.

“Абушқа” луғатида: “Сиғноқ бир навъ хатдир, чиғатойда хати Бобурий у ғайри кибики, Бобур Мирзо ашъоринда келур”. Шайх Сулаймон “Луғати чиғатой ва туркий усмоний” луғатида бу хатни “Бобурнинг нафис хати” деб баҳолайди.

Муҳаммадҳалим Ёрқин “Абушқа” ва Шайх Сулаймоннинг “Луғати чиғатой ва туркий усмоний” луғатидаги изоҳлар таҳлили асосида “Хатти Бобурий” ва “Сиғноқий хат” айнан бир хат тури эмас деган хулосага келади. П.Қодировнинг фикрича ҳам, улар бошқа-бошқа хатлар бўлиб, уларни қиёсий ўрганиш навбатдаги вазифалардан биридир.

Бобур араб алифбосини осонлаштириш, мукаммалаштирш мақсадида мазкур алифбони яратган.

“Бобурнома”да айтилишича, Бобур Хуросонга ташриф буюрганда Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Мирюсуф каби ҳиротлик машҳур уламолар ундан “Хатти Бобурий” алифбосини ўрганишган.

Қози Ихтиёриддин Ҳасан Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайин мирзонинг вазирларидан бири ва қози. Бобур Хуросонга ташриф буюрганида Мурғоб ва Ҳиротда бир неча марта учрашган. Бобурнинг ёзишича, шундай учрашувлардан бирида “Хатти Бобурий” ҳақида сўз кетади ва Қози Ихтиёриддин Бобурдан янги алифбодан ҳарфлар ёзиб кўрсатишни илтимос қилган. Осонлик билан бу алифбони ўрганиб олган Қози Ихтиёриддин ўша мажлиснинг ўзида бир неча сўзларни битган: *“Мурғобта мирзолар билан мулоқот қилганда, Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Мир Юсуф била келиб мени кўрдилар, Бобурий хаттидин сўз чиқди, муфрадот (ҳарфлар)ни тилади, битидим. Ўшал мажлисда муфрадотни ўқиб қавоидини битиб, нималар битиди.”*

Демак, Бобур яратган алифбони ўрганиш ва ўзлаштириш анча осон бўлганидан бўлса керак, ўша даврда анча шов-шувга сабаб бўлган. Аммо кейинчалик, ҳатто, Акбаршоҳ замонидаёқ бу хат унутилган кўринади. Шундай

бўлса-да, “Хатти Бобурий”нинг аҳамият ҳақида сўз юритган Ҳиндистоннинг машҳур давлат ва жамоат арбоби Жавоҳирлаъл Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида шундай ёзади: “Бобур мард ва янгилик изловчи киши эди. Шунинг учун замондошларига араб алифбоси ўрнига янги алифбони тақдим этди. Ўрта асрлар шароитида бу иш ниҳоятда дадил ва илғор бир қадам эди”.

Тилшунос И.В.Стеблева “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шоир, адиб, олим” номли китобида алифбо хусусида қуйидагиларни ёзади: “Бобурнома”да “Хатти Бобурий” қаламга олинган ўринда унинг қайси мақсадда кашф этилгани ёзилмаган бўлса ҳам, тахмин қилиш мумкинки, Бобур араб алифбосининг туркий тил талабларига жавоб бермайдиган ўринлари борлигини англаган. Бобурнинг араб алифбоси ўрнига ўз халқининг маданий тараққиётига мос келадиган янги алифбо яратишга интилиши унинг юксак филологик маърифатидан ва илм соҳасидаги жасоратидан далолат беради”.

Албатта, бу фикрларда асос бор. Бобур араб ёзувида савод чиқарган ва умри бўйи шу ёзувда икки-уч тилда матн битган, бу ёзувнинг ифода имкониятлари ҳамда уни ўзлаштириш усулларини яхши билган.

Бобур замонида ёзувни янгилаш ёки янги алифбони жорий этишга уриниш осон эмасди. Араб ёзувининг имкониятларини яхши билган маърифатпарвар ва фидоий Бобур маънавий жасорат кўрсатиб, туркий тилнинг товуш тизимини тўлиқ ифода этадиган янги алифбо яратиш зарур деган хулосага келган. Шунинг учун у бу ёзувни янада мукаммаллаштириш, ўрганиш ва қўлланишини осонлаштириш, сўзларни ҳар хил ўқилиш каби нуқсонларни бартараф этиш мақсадида янги алифбони кашф этган.

Араб алифбоси форс тилининг фонетик тизими хусусиятларини тўлиқ акс эттира олмагани боис бундан минг йиллар олдин араб алифбосига тўртта ҳарф киритилган эди. Бобур янги алифбо яратишда мана шу тажрибаларни ҳам инобатга олади ҳамда туркий халқларнинг қадимий алифболарини ҳам ўрганиш асосида ўз алифбосини яратади.

Машҳур адиб Пиримқул Қодиров талқинича, “Хатти Бобурий” Алишер Навоий шакллантирган ўзбек адабий тилининг ривожини янги тараққиёт босқичига кўтариш мақсадида яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.-Л., 1951.

2. Муҳаммадҳалим Ёрқин. Бобурий хат” нима мақсадда ихтиро қилинган? //Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – № 2. – Б.79-80.

3. Муҳаммадҳалим Ёрқин. Бобурнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни // Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – Б. 113-114.

БОБУР ҲАРБИЙ МАҲОРАТИНИНГ ҚАНДАҲОР ЖАНГИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, ф.ф.д. e-mail: h_ dadaboyev@ mail.ru

Аннотация: В статье на примере Кандагарского сражения (1507-1508) рассмотрено полководческое мастерство Захираддина Мухаммада Бабура, основателя династии Великих Бабуридов в Индии.

Ключевые слова: аргуны, войско, авангард, правый фланг, центр, разведка, атака, поражение.

Буюк ипак йўлининг устида жойлашган, Бобур таъбирича, Ҳиндистон билан Хуросонга восита Қандаҳор Ғазни вилоятининг йирик шаҳарларидан бири саналган. Амир Темур ҳукмронлиги давридан то 1855 йил, яъни Афғонистон таркибига киргунга қадар ушбу шаҳар Темурийлар қўл остида бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо вафотидан кейин Хуросон ерлари яшин тезлигида Шайбонийхон томонидан эгалланганига тарих шоҳид. Машҳаднинг Темур Султон ҳамда Убайдуллоҳ Султон бошлиқ чериг томонидан забт этилиши ҳамда Султон Ҳусай мирзонинг икки ўғли - Абулмуҳсин ва Кепак мирзоларнинг ваҳшийларча қатл этилиб, бошлари шу кезларда Пули Солорда тўхтаган Шайбонийхонга юборилиши айни пайтда Қандаҳорни Муҳаммад Масъум мирзо номидан бошқараётган Шоҳбек (Шоҳ Шужоъ деб ҳам аталган) ва иниси Муқим арғунни кучли ваҳима ҳамда қўрқувга туширган. Яқинлашаётган улкан хавфни бартараф этиш мақсадида оға-ини арғунлар Бобур мирзога элчилар орқали номалар жўнатиб, бириккан ҳолда ёвуз ғанимга қарши курашишни илтимос қилишган. Бобур беклари ва мулозимларини ҳарбий йиғин-машваратга тўплаб, арғунлар билан иттифоқда Хуросонга юриш қилишни режалаштирган ва машваратда қабул қилинган қарорга мувофиқ Қандаҳор томон йўл олган. Калотга етган Бобур Шоҳбек ва Муқимга: *Сизларнинг сўзунгиз била келдук,*

Не таврким салоҳи давлат бўлса !ўзбакдак ёт ёғи Хуросонни олди, келинг сизларнинг иттифоқ ва савобдийдингиз била қарор берали (БН,271) мазмунида мактуб йўллаган. Бироқ ака-ука арғунлар олдинги сўзларидан воз кечиб, Бобурга қўпол ва дағал жавоблар қайтариб, душманлик қўчасини танлашган. Оқибатда, ҳижрий 913 йили (1507-1508) Қандаҳор яқинидаги Халишак мавзесида Бобур ҳамда Ҳусайн Бойқаро қўшинида номдор амир даражасига кўтарилган, 1507 йилда Ҳирот яқинидаги Қораработ номли жойда Шайбонийхон билан кечган жангда ҳалок бўлган Зуннун арғуннинг фарзандлари чериги ўртасида тўқнашув юз берган. Калот ва Қандаҳор оралиғида, Қандаҳорнинг шимоли-шарқида жойлашган Шаҳри Сафо мавзесидан кўчган Бобур кечувлардан бири олдида тўхтагач, арғунлар билан яна бир карра сўзлашишга қарор қилган. Аммо арғунлар келишиш ва ҳамжиҳатликдан қийиқлику ўжарликни устун билишган. Бобур ҳузуридаги аркони давлат Қандаҳор сари оқаётган дарёларнинг бошланишида жойлашган Бобо Ҳасан Абдол шаҳри ва Халишак мавзеси томон ўтиб, Қандаҳорга кираётган сувнинг йўлини тўсиш маслаҳатини беришган. Ушбу маслаҳатга кўра, Бобур қўшини тонгда жибаланиб, *ясол*-жанговар тартиб ясаб, Халишак томон ҳаракат қилган. Шоҳбек ва Муқим ҳам Қандаҳор тоғи этагида чодирлар тикиб, Бобурга қарши жанг қилиш тараддудида турган. Ушбу манзил қалин маҳаллалар ва дархтзор оралиғида жойлашгани боис бу ерда жангга кириш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилгач, Бобур аскарларини Халашакнинг олд томонидан оқиб ўтувчи дарёнинг Қандаҳор тарафидаги ўлангни *юрт*-лашкаргоҳ сифатида танлаган ва

шу жойда тушган. Олдинги юришлар, чунончи, Калот сафарида қатнашган икки минг аскар очлик ҳамда танқисликдан қийиналгани сабабли унинг сал кам ярми Халишакка келгач, қўй, қорамол, сомон топиш илинжида мавзенинг турли қишлоқларига тарқаб кетган эди. Айни шу чоғда *қоровул*-айғоқчи гуруҳ вакили Шерқули илдам келиб, арғунларнинг қўшини етишганидан хабар берган.

Бобур озиқ-овқат, ем-хашак излашга кетган жангчиларини тўплашнинг имкони йўқлигини пайқаган ва қошидаги мингта аскарига бош бўлиб, оға-ини арғунларнинг тахминан беш минг кишилик лашкарига қарши жангга отланган. Бобур ёзади: *Бу арғунларнинг қаросини олти-етти минг ченарлар эди, тўрт-беш минг яроғлиқ кишисида худ ҳеч сўз йўқ эди* (БН,275). Жангчиларининг душманига нисбатан тўрт-беш баробар озлигига қарамай, Бобур черигини илгари кўрилмаган тартиб ва интизом билан жанг майдонида жойлаштирган. Бобурнинг содиқ навкарлари ва қўлидан иш келадиган йигитларидан тузилган *хосса тобин*- хос гуруҳ ўнлик ва элликликларга бўлиниб, уларга *ўн улуғи* ва *эллик улуғлари* тайинланган. Мазкур бўлинмлар ўзлари учун ўнг қўл ва сўз қўлдан ажратилган ўрин-*бўлжар*ларини эгаллаб, олдиларига қўйилган вазифани бажаришга тайёр туришган.

Бобур Қандаҳор муҳорбасида минг кишилик черигини маъракагоҳда бутунлай янги тартибда жойлаштиришга муваффақ бўлган. Кузатишлар Бобур қўшини ясолининг ўн икки бўлакдан иборат бўлганлиги, уларни аташда эски ўзбек адабий тили манбаларида қайд этилган сўз ҳамда истилоҳлардан истифода этилганини кўрсатади. “Бобурнома”да битилишича, *баронғор, жавонғор, ўнг қўл, сўл қўл, ўнг ён, сўл ён, ўнг ва сўл* қисмлари уларнинг аввалдан белгиланган бўлжорларида ўрнашиши учун жавобгар шахс-*тавочи* назоратида жанггоҳга қадам қўйган. Юзаки қараганда, юқорида қайд этилган сўзлар гўё маънодошларга ўхшайди. Аслида, Бобур ҳар бир сўзга алоҳида маъно юклаб, уларни истилоҳ даражасига кўтарган. XIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан, ўзбек тилига мўғул тилидан кириб келган *жавонғор (жуванғор)* истилоҳи қатори *баронғор (буронғор*)нинг ўзбекча *ўнг қўл* ва *ўнг ён* сингари айни маънони ифодалаши, лекин тилнинг ички имкониятларини ҳисобга олиб, уларни фарқли маъноларда қўллаганини Бобур шундай изоҳлайди: *Агарчи баронғор ва ўнг қўл ва ўнг ён бир маъниси бор, вале алфоз тағйири била ташхис мухталиф маонийға мен итлоқ қилдим* (БН,272).

Бобур арабча *маймана* ва *майсара* истилоҳларига мўғулча *баронғор* ҳамда *жавонғо*р ўзлашмаларининг маъно жиҳатдан мос тушиши, арабча *қалб* ва мўғулча *ғўл (қўл* – қўшин маркази) деб номланувчи қисмнинг булар билан узвий боғланган бўдса-да, алоҳида бўлак эканлиги, унинг ямин ва ясорини *ўнг қўл* ҳамда *сўл қўл,* деб номлаганини урғулайди: *Нечукким, маймана ва майсараким, баронғор ва жавонғор дерлар. Ясолда қалбнингким, ғўл дерлар, дохили эмас. Мунда бу навъ ясолни сарофате била баронғор ва жавонғор дейилди. Яна ғўлким, бошқа ясолдур, мунинг ямин ва ясорини имтиёз*(фарқлаш Ҳ.Д.) *учун ўнг қўл, сўл қўл битилди* (БН,272-273). Ғўл-марказдан жой олган хосса тобин ҳам икки бўлакдан иборат бўлиб, ямини *ўнг ён*, ясори *сўл ён* истилоҳлари ёрдамида ифодаланган. Хосса тобинга, шунингдек, асл туркий *бўй* сўзи билан аталган бўлинма ҳам тегишли саналган. Бобур туркийлар *бўй* деганда “озод, якка, ёлғиз” ни назарда тутишлари, аммо бу ўринда лексема “яқин, қариндош, уруғдош” маъносида қўлланганини алоҳида таъкидлаган. Яъни *бўй* яқин кишилардан ташкил қилинган бўлинма ғисобланиб, у қадимги туркий тилда “халқ, омма” маъносини англатган *бўд* истилоғининг ўзбекча шаклидир. Арғунлар билан тўқнаш келган Бобур қўшини ясолини чизмада тубандагича тасвирлаш мумкин:

иравул

жавонғор **баронғор**

сўл қўл	**ғўл**	**ўнг қўл**
сўл ён	**хосса тобин**	**ўнг ён**
сўл	**бўй**	**ўнг**

Хўш, Бобур ушбу қисмларга кимларни масъул этиб, тайинлаган эди. Ушбу саволга "Бобурнома"да тўлиқ жавбь бор.

Мирзохон (Бобурнинг амакиваччаси), Ширим тағойи, Ёрак тағойи оға-инилари билан, Чалма мўғул, Айюббек, Муҳаммадбек, Иброҳимбек, Али Саййид мўғул аскарлари ҳамкорлигида, Султонқули чухра, Худобахш ва Абулҳасан оға-инилари билан бирга баронғордан ўрин олган.

Жавонғорда Абдураззоқ мирзо (Бобурнинг амакиваччаси), Қосимбек қавчин, Тангриберди, Қанбарали, Аҳмад Элчи бўға, Ғўри барлос, Саййид Ҳусайн Акбар ва Миршоҳ қавчин туришган.

Иравул(илғор, авонғор)га Носир мирзо (Бобурнинг укаси), Саййидқосим эшик оқо, Муҳибали қурчи, Бобо ўғли Алловерди туркман, Шерқули қоровул мўғул оға-иниси билан ва Муҳаммадали белгиланган.

Бобур қўмондонлигидаги ғўл-марказнинг ўнг қўлига Қосим кўкалтош, Хусрав кўкалтош, Султон Муҳаммад дўлдай, Шоҳмаҳмуд парвоначи, Қулбоязид баковул, Камол шарбатчи, сўл қўлига Хожа Муҳаммадали, Дўст Носир, Мирим Носир, Бобо Шерзод, Хониқули, Вали хазиначи, Қутлуққадам қоровул, Мақсуд сувчи ва Бобошайх тайинланган. Бобурнинг эътирофича, ғўл бутунлай ҳануз беклик мартабасига эга бўлмаган ичкилардан тузилган, унга улуғ беклардан ҳеч киши жалб этилмаган.

Шербек, Хотам қурбеги, Кепак, Қулбобо, Абулҳасан қурчи, мўғуллардан Урусали Саййид, Дарвишали Саййид, Хушкелди Чалма, Дўсткелди Чалма тоғчи, Амачи Минди, туркманлардан Мансур ва Рустамали ака-укаси билан, Шоҳназар ҳамда Суюндук бўйдан ўрин олишган.

Ғаним лашкари икки қисмга бўлинган ҳолда жангга кирган. Шоҳбек қўмондонлигидаги аскарлар Бобурнинг баронғор ва марказ қисмларига рўпара бўлган. Сон жиҳатдан оғаси лашкаридан бироз кам жангчиларга бошчилик қилаётган Муқим Бобурнинг жавонғорига қараб юрган ва Қосимбек қавчин ҳамда юқорида номлари тилга олинган кишиларга кучли зарба берган. Қийин авҳволга тушиб қолган Қосимбек бир неча бор Бобурдан кўмак юборишини илтимос қилган. Аммо Бобур раҳбарлигидаги ғўл ҳам ёвнинг шиддатли ҳамлаларини мушкуллик билан қайтараётгани боис жавонғорга ёрдам беришнинг иложи топилмаган. Ҳар икки томон бир-бирига ёйдан ўқ отишга киришиши билан ёғининг бир гуруҳ аскарлари Бобур иравулини яксон қилиб, ғўлга яқинлашган ва унга хавф солган. Бостириб келаётган душманнинг шашти Бобур ўқчилари томонидан отилган ўқ ёмғири остида бироз сўнган. Жанг авжига чиққак паллада Пирибек туркман тўрт-беш оға-иниси ҳамроҳлигида арғунлардан юз ўгириб, Бобурга қўшилган. Шундай бўлса-да, Шоҳбек бошлиқ ғаним Бобур баронғорини босиб, уни Бобо Ҳасан Абдол шаҳридан куйироқдаги кент ва чуқур ариққача чекинтиришга эришган. Қандаҳор ва унинг кентлари томон оқадиган уч-тўрт ариқ Бобур жавонғори ва Муқим кишилари орасида ўзига хос тўсиқ вазифасини ўтаган. Бобур жавонғори душманидан анчагина оз бўлишига қарамай, уни қочириб, Мурғон тоғининг тумшиғи томон ўтишга муваффақ бўлган. Кўли баландга етган Бобур аскарлари ёппасига душманни қириш, қочганларни таъқиб этишга киришган. Марказ катта талофатга учраган бўлса ҳам Бобур Яратганга таваккал қилиб, ноғораларни қоқиб, тирик қолган ўн бир кишиси билан ҳамон савашаётган Муқим сари от сурган. Бобур бошлиқ аскарларнинг қаттиқ босимига дош беролмаган арғунларнинг маъракагоҳдан юз ўгиришдан бошқа чораси қолмаган. Мағлубиятга учраган Шоҳбек Қандаҳор яқинидаги Шол мавзесига, Муқим эса

Сеистондаги Замини Довар шаҳри томон қочишга мажбур бўлган. Арғунлардан олинга катта миқдордаги ўлжани Бобур аскарлари ва бекларига улашган.

Хуллас, Қандаҳор жангида қўлланган ва миқдор жиҳатдан бир неча баравар ортиқ ғаним устидан зафар қучишга олиб келган тактик усул моҳир саркарда сифатида шаклланган Бобурнинг кўпдан-кўп жану жадаллар, хусусан, Ҳиндистон фатҳи учун кечган муҳорабаларда ўта қўл келганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома.-Тошкент,1960.
2. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати.-Тошкент,2003.
3. Дадабоев Ҳ., Ҳамидов Ё. Ўзбек ҳарбий терминологияси-Тошкент: Саҳҳоф, 2021.

“БОБУРНОМА”ДА МУАЛЛИФ ПСИХОБИОГРАФИЯСИ

Узоқ Жўрақулов,
филология фанлари доктори,
ТошДЎТАУ профессори
(Ўзбекистон. Тел.: +998985103967)

Аннотация: Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың «Бабурнома» еңбегі қарастырылады. Бабырдың патша және ақын ретінде қалыптасуы, оның билік құрған кезеңіндегі трагедиялық жағдайлары, болмысы, отбасылық ортасы, өмірбаяны психологиялық тұрғыдан зерттеледі.

Түйін сөздер: “Бабырнама”, әңгіме, өмірбаян, психобиография, рубаи, өлең, шумақ, портрет, кейіпкер, образ, өрнек, стиль.

Аннотация: В данной статье рассматривается произведение «Бабурнома» Захириддина Мухаммеда Бабыра. С психологической точки зрения исследуется становление Бабура как царя и поэта, трагические обстоятельства его правления, личность, семейное окружение, биография.

Ключевые слова: “Бабырнама”, повесть, биография, психобиография, рубаи, поэма, куплет, портрет, характер, образ, экспрессия, стиль.

Тарихни сабоқ учун ўрганадилар. Бу гапда ёлғон йўқ. Аммо тарих ҳақиқати икки тиғли, учи ҳеч нарсага тегиб қайтмайдиган, мудом тўғрига ҳаракатланувчи, вақт қанотида кун кечирадиган Оллоҳнинг мўъжизаси, мажозан Ҳазрати Али (р.а.) зулфиқорларига ўхшайди. Шу келбати билан тарихий вақт башар учун фойдали, айни пайтда, хавфли ҳам бўлиши мумкин.

Тарихнинг фойдаси ҳақида Бобур мирзо мисолида тўхталишга ҳали улгурамиз. Чунки мақоламиз Бобур ва унинг башарга берган тарихий сабоқлари ҳақида. Бобур масаласига ўтишдан олдин, ўқувчини бир оз ҳайрон қолдирган, кўнглида савол туғдирган – тарихий ҳақиқатнинг хавфи, аниқроғи, хавфли сабоғи ҳақида қисқа сўз.

Тарихнинг башарият учун хавфли сабоқлари жуда кўп. Бунинг энг йириги Яратганни унутиш, жоҳилият, кўпхудолилик бўлса, энг кичиги кўр-кўрона тақлиддир (аслида бу ҳам кичик эмас!). Тарихнинг шу икки хавфи – кабира ва

сағира – орасидаги хавфларнинг эса санаб саноғига етиб бўлмайди. Ватан, миллат, оила, тил, дўстга хиёнат дейсизми, кибр, қўрқоқлик, ношукурлик орқасидан келадиган оқибатлар дейсизми, очкўзлик, бефаросатлик, ҳаёсизлик дейсизми ва ҳ.к... Тарихда бўлиб ўтган ва оғиздан оғизга ёки қоғоздан қоғозга кўчиб юрадиган бу каби хавфли тарих ҳақиқатлари, башар вакилининг хатолари ўзининг бошланган нуктасидан эътиборан хавф машинаси вазифасини бажариб келади. Илк қадамидан бошлаб, Одам болаларининг йўлдан озиши, "Ўтмишда бўлган экан", дея нафсига таскин беришига сабаб бўлувчи оғу воситага айланади.

Ёзганларимизни шу жойигача ўқишга ўзида куч ва сабр топган ўқувчида яна бир қатъий эътироз туғилиши табиий: "Банда борки, хатокор. Дунёда яшаб хато қилмаган одам бор эканми?" дегандек. Агар ўқувчи юрагида шу савол туғилган бўлса, у ўзига ҳам, атрофидагиларга ҳам лоқайд эмас, бу биринчидан; иккинчидан, шу саволнинг туғилгани бизга Бобур мирзо сабоқлари ҳақида фикр айтиш ҳуқуқини беради. Учинчидан, хатолар сабоғининг нақадар улкан ҳикматга эгалиги, хатонинг ҳикматга айланиши учун хатокор банданинг ўзи бош воситалигига далил бўлади. Яъни майда одамнинг (уни тарих улкан одам қилиб кўрсатиши эҳтимол) хатолари одамизотни йўлдан оздирса, Оллоҳ севган, ёрлақаган одамнинг хатоси башар учун ибрат ва ҳикматга айланади.

Алқисса, ўз хатосини англаган, англаш баробарида ундан қайтиб, чин тавба қилган банданинг хатолари башар фойдасига ишлайдики, Бобур мирзога оид хато сабоғининг табиати шундай. Бошқача бўлганида бугун биз бу ҳақда гап очиб ўтирмас эдик. Ва шу жойда бундай одамлар Бобургача кечган тарихда ҳам кўп ўтгани, айнан шулар башар маърифатининг юксалиши учун восита бўлганини ҳам қўшиб қўйиш ортиқчалик қилмас.

Бобур ҳақидаги бу хулоса осмондан олинаётгани йўқ. Бобур ўз қўли билан Оллоҳ гувоҳлигида битган "Бобурнома"дан олиняпти. Муаллиф бу китобининг қанадай дунёга келганию нима ҳақдалиги, бир сўз билан, "Бобурнома" ҳақиқатини қуйидагича ифодалайди:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу "Вақойиъ"ни уқур, билғайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум...

Бобур мирзо, Навоий ҳазратлари айтмиш "тузлик йўлини тутган", ноёб одам эди. Бугун "Бобурнома" ўлароқ дунёга маълуму машҳур мазкур китоб саҳифаларида у битмиш ҳақиқатларга эса шубҳа йўқ. Айни пайтда, у босиб ўтган ҳар қадамдан ақл эгалари ҳикмат топадилар. Зотан, муаллифнинг нияти ҳам шу бўлган.

Бобур мирзо ўз ғалабалари, қилган савоб ишлари, кўнглидан кечирган эзгу ниятлари ҳақида холис ёзгани каби, хатою маъсиятларини ҳам ҳеч кимдан яшириб ўтирмайди.

Дастлаб ўзбекман деганнинг ҳаммаси ёддан биладиган бир тўртлик ҳақида:

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўюб, Ҳинд сори юзландум,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди...

Бобур мирзо Соҳибқирон Темур тузган салтанат фатаротга юз бураётган, унинг ҳукмдор авлодлари таҳликалар ичида кун кечираётган мураккаб бир замонда тахтга ўтирди. Толеъ йўқлиги шунда эдики, ҳали болалик шодлигидан бошқага масъул бўлмаган ёшида отасидан жудо бўлди. Ҳар қандай метин иродага бундай улуғ жудолик юкини кўтариш оғирлик қилади. Бундай жудоликка матонат билан бардош бера олган ҳар қандай иродага тасанно десак арзийди. Бобур мирзо умумбашарий турмуш йўлидаги бундай ғаройиб синовни камолга етган эр киши каби қабул қилди. Кўнгли тубидан келаётган ўкирик, кўзларидан оқиши лозим бўлган аччиқ жолалар шодасини ичига ютди. “Иҳ” деган товуш чиқармади. “Бобурнома”да етим бола (ҳа, Бобур ҳали балоғатга етмаган 12 ёшида отасидан ажради. Шаръан болиғлик мақомига чиқмаган ҳар қандай ўспирин етим саналади) изтиробини акс эттирадиган бирор сатрга дуч келмаймиз. Бобур отаси ўлимини қисмат ёзуғи дея қабул қилади. Бу “ғаройиб воқиъа”ни аниқ ва лўнда тасвирлайди: “Ушбу тарихда душанба куни, рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўққуз ёшар эди”[55].

Оллоҳ одил Зот. Ҳеч бир бандасини тоқатидан ташқари синовга солмайди. Яратган бандасининг куч ва иродаси қайси чегарагача етишини яхши билади. Ўз синовларидан севган бандалари устига оғирроқларини юклайди. Бобур ҳам Оллоҳнинг севган бандаси эди. Валлоҳу аълам, шу боисдир Оллоҳ уни фақат жудолик, етимлик синови билан чекламади. Мурғак елкасига юрт синовини ҳам қўшиб юклади. Умаршайх мирзо қазо қилган тарихда юрт нотинч, ўзаро урушлар авжига чиққан, мамлакат таҳликали бир вазиятда турган пайтлар эди. Шу вазиятда 12 ёшли ўспирин бошига ҳукмдорлик савдоси ҳам тушди. Ўз “Вақойиъ”ида Бобур буни “Тенгри таолонинг инояти”[56] деб ёзадики, чин мўъмин Оллоҳ берган ҳар бир синовни шубҳасиз неъмат дея қабул қилади. Қисматга розилик – таслимият мақомида собит туради.

Энди рубоийнинг иккинчи мисрасига ўтамиз. Хўш, иккинчи мисрада келган “хатолиғ” нимада эди? Унинг омиллари қаерда?

Албатта, “хатолиғ”нинг бош омили 12 ёшар боланинг ҳукмдорлик тахтига ўтириши билан боғлиқ эди. Рубоийнинг учинчи мисрасидан Бобурнинг “Ҳинд сори” юзланишига бош сабаб салтанат ишларида тажрибасизлиги, ёшлиги орқасидан келиб чиққан хатолар экани маълум бўлади (Буни Бобурнинг ўзи “бетажрибалиқ” лафзи билан кўп бор такрорлайди.). Аслида у ҳижратни ният ҳам, мақсад ҳам қилмаган эди. У отасидан деярли пораканда ҳолатдан қолган мамлакатни мустаҳкамламоқ, салтанант ва юртни узоқ вақтлар бобоси Амир Темурга хос адолат тузугига кўра бошқармоққа бел боғлаган эди. Аммо бу ниятни уддалаш учун ўсмирга хос шижоат, мушоҳада камлик қилди. Бобур тахтга ўтирган кунидан бошлаб тушган вазиятни ўнглаш учун, эҳтимол, ҳар қандай донишманд бош ҳам гангиб қолиши тайин эди. Шу сабабмикан дастлаб Бобур на бутун Мовороуннахр ва на Хуросон бўйлаб сочилиб ётган ҳукмдор қондошларининг, на халқнинг, на оқибат ўлароқ Ҳақнинг қўлловига етишолмади. Бобоси Юнусхон унинг таклиф ва ташаббусини қабул қилишдан

---

[55] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 202. – Б. 37.
[56] Шу асар. – Б. 14.

бўйин товлади. Тоға қавми азалдан Умаршайх мирзо салтанатига кўз тиккан эди. Улардан мадад кутишдан маъни йўқ эди: “Охир мундоқ саргардонлиқтин ва бу навъ бехонумонлиқтин жонға еттим. Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши”, дея хотирлайди бу кунларини Бобур[57].

Шундай танг вазиятлардан бирида Бобур учун асли шиъа бўлган, сунний ўлкаларга ғаюр кўзи билан қараб юрадиган, нияти бузуқ Шоҳ Исмоилга ёрдам сўраб, қўл бериш сўнгги чора бўлиб туюлдики, кейинчалик, гарчи ўзи очиқ эътироф этмаса ҳам, бу ишидан бир умр пушаймон чекиб ўтди. Бу пушаймонлик остида салтанитдан ажралиш, ҳатто Ватанжудолик қайғусидан ҳам кўра Самарқанд атрофи ва Насаф аҳолисининг ғарот қилиниши изтироби турарди. Бегуноҳ тўкилган қон, ота-боболари мазҳаби, тўғри йўлидан тойилиш изтиробини Бобур мирзо вақт ўтиб, “юзқаролиғ” сўзида ифода этди. Рубоийни юракдан ҳис этиб ўқиган ҳар бир банда инсон ҳаёт-мамоти билан боғлиқ ҳар қандай “хатолиқ”нинг оқибат ўлароқ “юзқаролиқ”қа олиб боришини англайди. Ўзга юрт, устига устак куффор дунёсини тиз чўктирган, кўп асрлик салтанат тузган, дунёда шон-шуҳрат топган Бобур мирзонинг бундай имтиёзга берган баҳою мезони ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Ярим дунёни эгаллаб, тарихдаги туркий салтанатлар саноғи ва салмоғини яна биттага оширган Соҳибқирон Амир Темур, оламни илм чироғию адолат машъали билан ёритган мирзо Улуғбек ҳазратдан кейин бу сулола йўл қўйган энг катта икки хато чоғир, орзу-ҳавасга берилиш бўлди. Ўша машҳур шоҳ ва шоир султон Ҳусайн, унинг ўғиллари, улардан ўтиб Бобурнинг отаси Умаршайхгача бу иллатдан ҳоли шоҳу шаҳзода йўқ эди ҳисоб. Оқибат шундай буюк салтанат йўқликка юз тутди. Бобур бошига тушган кўп кулфату фожиаларнинг ҳам илдизи шу ерда эди. Дарё ортига ўтиб, Ҳиндикушни ошган Бобур то Ҳинд рожаларидан талофат ва заҳмати ҳаддидан ошмагунча чоғир балосига банди эди. Шароб ичмаган, маъжун емаган куни камдан кам эди унинг. Бобур бу ҳолатни “чоғир мажлиси бўлди”, “маъжун ейилди”, дея кунма кун ёзадики, ўйлаб қоласан: “Нима зарурати бор экан? Мусулмон одам ўз айбини яшириши керак эмасми?” Шунда овозингизни Бобур мирзонинг мунгга тўла, салмоқдор овози қаршилагандек бўлади: “Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен...”[58].

Бобурнинг чоғир ичши, маъжун ейишини яқин аждодлари-ю қондошларига тақлид деб айтсак, гарчи Бобур илк чоғирни султон Ҳусан ўғиллари ҳузурида ичиб бошлаган бўлсада, камида бефаросатлик бўлади. У буюк одам эди, бировга тақлид қилмасди. Унинг бир умр эгарда кечган ҳаёти, жанговор турмуш тарзи, нотинч муҳити, табиат инжиқликлари – аёз, бўрон, иссиқ, чанг-ғубор, табиий муҳит ўзгаришлари – шундай кун тартиби билан яшашга мажбур этди дегудек бўлсак, Бобурни оқлаган бўламиз. Аммо Бобур бундай сохта шафқату оқловларга муҳтож эмас. Муҳтож бўлганида нима сабабдан ичгарию, маъжун еганини ёзган ёки умуман бу айбини яширган бўларди. Демак, яширмаган, сабабу баҳона қидирмаган экан, бунинг бир ҳикмати бор ва биз буни “Бобурнома”дан топамиз.

---

[57] Шу асар. Б. 89.
[58] Шу асар. – Б. 151.

Бобур ўз юртида иззату ҳаловат топмай, 300 дан ошиқроқ одами билан Хуросон азиматини қилди. Бу санада у бор-йўғи 23 ёшар ўспирин эди. Султон Ҳусайн ва унинг ўғиллари, Хусравшоҳлар уни қўлламадилар ёки қўллашдан ўзларини олиб қочдилар. Аммо Бобурга Оллоҳ музаффарият берди. Кобул ва Ғазна Бобур қўшинига бежанг таслим бўлди: “Раббиулаввал ойининг авохирида Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг ва жидол муяссар ва мухассар қилди”[59].

Бобур май мажлисларига Кобулни олгандан кейин берилди. Гоҳ ғалаба, гоҳ ов ва яна кўп майда сабаблар билан май мажлислари уюштирди. Боғда, йўлда, кемада чоғир ичди, маъжун еди. Ҳатто баъзи май мажлисларидан ўзини билмайдиган ҳолда маст бўлгани, саройга оти олиб келгани ҳақида ёзади.

Ҳиндистон фатҳи даврида Бобур асосан ҳинд кофирлари билан жанг қилди. Асли туркий, мусулмон бўлган вилоят, шаҳару ўлкаларни ғарот қилмади. Аксинча уларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришга уринди. Бобурнинг чоғир ичишдан тавба қилишига ҳам кофир Рана Сангаа билан бўлган жангдаги вазият сабаб бўлди. Сон жиҳатидан кўп, яхши қуролланган, қолаврса, ўз юртида жанг қилаётган кофир ҳинд рожасининг ваҳми қўшинни тушкун ҳолатга солади. Бу ҳам етмагандек Муҳаммад Шариф сингари шумнафас мунажжимлар қўшин илғорлари ва аскарлари юрагига ортиқча ваҳима уйғотадилар. Бобур бу вазиятни шундай тасвирлайди: “Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди”[60]. Аммо Бобур иймони бутун муслим, истеъдодли қўшинбоши ўлароқ ўзини йўқотмади. Қўшин кўнглини кўтариш, кофирга қарши жангга руҳлантириш йўлларини излади. Излаганда ҳам мўъмин банда йўлини тутди. Мағлубият ва тушкунлик сабабини вазияту қўшин руҳиятидан эмас, ўзидан, ўз эътиқоди, амалларидан топди. Қилаётган баъзи номашруъ ишлари шундай оқибатга олиб келаётгани ҳақида фикр қилди. Нажот фақат тавбада эканига иймон келтирди. “Душанба куни, жумодуил аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримға еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикобидин алладдавом кўнглумда ғубор эди, дедимким эй нафс:

Чанд боши зи маосй мазакаш,
Тавба ҳам бемаза нест бачаш.
Неча исён била олдудалиғинг,
Неча ҳирмон аро осудалиғинг.
Неча нафсингға бўлурсан тобиъ,
Неча умрунгни қилурсан зойиъ.
Нияти ғазв илаким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунгга кўрубсен
Кимки ўлмак ўзиға жазм этар
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар.
Дур этар жумла маноҳидин ўзин,
Аритур барча гуноҳдин ўзин.
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.

---

[59] Шу асар. – Б. 107.
[60] Шу асар. – Б. 221.

Олтуну нуқра суроҳию оёқ,
Мажлис олоти тамомин ул чоқ.
Ҳозир айлаб борин синдурдим,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдим"[61].

"Бобурнома"да келган ушбу сатрларда Бобур тавбасининг сабаблари, руҳоният даражаси, тавба қилувчи ва ўқувчига фойдаси тўла акс этган. Бунда муаллиф ўз нафсини маломат қилади, унга қарата ўткир кинояга йўғрилган сўзлар айтади. "Эй нафс,-дейди Бобур,-қачонгача гуноҳдан завқ оласан. Тавба шаробидан ҳам ичиб кўргин. У ҳам бемаза эмас. Исён ботқоғида шунча ғарқ бўлганинг етар. Ўлим ҳақ. Ўлмоқ эса ҳар банда бошида бор. Шундай экан, эй нафс, ўлмасингдан бурун ўзингни тузат!"

Бобур кўнглининг асли мўъминлигини шундан ҳам билса бўладики, у чоғир мажлисларида пешқадам бўлган пайтларида ҳам кўнгли тубини хижолат, Оллоҳдан қўрқув ҳеч қачон тарк этмаган. Мана шу ботиний ҳолат, "тавба дағдағаси" билан изтиробда яшаш Бобурни охир-оқибатда чин тавбага олиб келди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, гуноҳ ишлар устида турган банда кўнглида пушаймонлик туйғуси мавжуд экан, ҳали ундан умид бор. Энг ёмони, гуноҳу маъсиятга ботинан рози бўлиш, гуноҳ кирини ҳис этишдек неъматдан бебаҳра қолишдир.

Бандамиз, ҳеч биримиз Бобур тушган ҳолату вазиятлардан ҳоли бўлолмаймиз. Бобур мирзонинг ўз хатолари билан бизга берган буюк сабоғи шуки, тавба қилишга доимо шошилайлик, ажал етмасидан тавба қилишга улгуриб қолайлик.

Адабиёт:

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 202. – Б. 37.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MUALLIFLIK KORPUSINI YARATISH – DAVR TALABI

Abjalova Manzura Abdurashetovna,
filologiya fanlari doktori (DSc),
Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti dotsenti
E-pochta: **abjalova.manzura@gmail.com**, ***ORCID:*** **0000-0002-1927-2669**

Annotatsiya. Mualliflik korpusi muayyan muallifning ijod matnlarini qamrab olgan, uning yozish uslubi, asarlaridagi til va matn xususiyatlari grammatik, semantik hamda stilistik teglangan elektron tizim sanaladi. Bunday korpus muayyan ijodkor ijodini chuqurroq anglash, uning matnlari ustida tadqiqot o'tkazish, ijodkor mahorati va yozish uslubini tadqiq etish, ijodkor yashagan davr tilini tushunishda muhim elektron tizim hisoblanadi. Shu nuqtayi nazardan Zahiriddin Muhammad Bobur mualliflik korpusini yaratish dolzarb masala hisoblanadi. Yetuk ijodkorlarning asarlari jamlangan bunday korpuslar ta'lim jarayonida tarixiy, tarbiyaviy, ta'limiy, ijtimoiy,

[61] Шу асар. – Б. 221.

ma’naviy ahamiyat kasb etishi bilan qimmatli sanaladi. Mazkur maqolada mualliflik korpuslarining imkoniyatlari va dolzarbligi xususida so‘z yuritildi.

Kalit so‘zlar: Zahiriddin Muhammad Bobur, mualliflik korpusi, semantik teg, semantik baza, ta’lim jarayoni

Abstract. The author's corpus is an electronic system covering the creative texts of a particular author, with grammatical, semantic and stylistic tags of his writing style, language and features of the text in his works. Such a corpus is an important electronic system for a deeper understanding of the creativity of a particular Creator, the study of his texts, the study of the skill and style of writing of the creator, understanding the language of the era in which the creator lived. In this regard, the creation of the author's corpus of Zakhiriddin Mukhammad Babur is an urgent issue. Such buildings, in which the works of mature creators are concentrated, are considered valuable due to their historical, educational, social, spiritual significance in the educational process. In this article, the possibilities and relevance of author's corpora were considered.

Keywords: Zakhiriddin Mukhammad Babur, author's Corpus, semantic tag, semantic base, educational process.

Аннотация. Авторский корпус – это электронная система, охватывающая творческие тексты конкретного автора, с грамматическими, семантическими и стилистическими тегами его стиля письма, языка и особенностей текста в его произведениях. Такой корпус является важной электронной системой для более глубокого понимания творчества конкретного Творца, исследования его текстов, изучения мастерства и стиля письма создателя, понимания языка той эпохи, в которой жил создатель. В связи с этим актуальным вопросом является создание авторского корпуса Захириддина Мухаммада Бабура. Такие корпуса, в которых концентрируются произведения зрелых творцов, считаются ценными в связи с их исторической, воспитательной, социальной, духовной значимостью в образовательном процессе. В данной статье были рассмотрены возможности и актуальность авторских корпусов.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, авторский корпус, семантический тег, семантическая база, образовательный процесс.

Til korpusi – elektron holda saqlanadigan ma’lum til birliklari majmuasi bo‘lib, tilshunoslar uchun turli muammolarni hal etish manbasi, foydalanuvchilar uchun esa lingvodidaktik va ta’limiy ahamiyatga ega tizim sanaladi. Til korpuslarining obyekti tabiiy tildagi matnlar, predmeti esa til korpuslari hisoblanadi. Korpusda maxsus qidiruv tizimi (korpus menejeri)ning mavjudligi, matnlardagi leksik birliklarning grammatik va semantik izohlanishi uning boshqa tur filologik tizimlardan farqli jihati, hatto ustunligini namoyon etadi.

Korpusni yaratishga bo‘lgan amaliy harakatlar XX asrning 60-yillaridan boshlangan bo‘lib, bugungi kunda butun jahonda katta qiziqish uyg‘otayotgan va shiddat bilan jadallashib, rivojlanib borayotgan ham ilmiy, ham amaliy jarayon hisoblanadi. Korpus noma’lum so‘z va so‘z birikmalarini tez va qulay topish imkonini beradi hamda so‘zning grammatik xususiyatlarini tekshirish va aniqlashga imkoniyat yaratadi. Til birliklarining saqlanishiga qarab maxsus dasturlar yordamida muayyan so‘z yoki so‘z birikmalari uchun darhol uning qo‘llanishi bo‘yicha misollar massivi, imlo bo‘yicha variantlari, sinonimik qatorlarini aniqlash mumkin. Aynan ushbu

imkoniyat Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat oʻzbek tili va adabiyoti universiteti mutaxassislari jamoasi tomonidan yaratilgan oʻzbek tilining taʼlimiy korpusida mavjud boʻlib[62], mazkur korpus taʼlim jarayoni samaradorligini oshirishga, oʻquvchilarning bilim, koʻnikma va malakalarini rivojlantirishga, foydalanuvchining soʻz boyligi va semantik mushohadasini boyitishga xizmat qiladi. Korpus imkoniyatlaridan leksikografik amaliyot, tarjimashunoslik, lingvodidaktika, terminologiya va nutqiy kompetensiyani rivojlantirishda foydalanilmoqda[63].

Korpuslar umumiyligiga koʻra umumiy va yakka muallifli boʻladi. Umumiy korpuslar muayyan tilning bir yoki bir necha masalalari boʻyicha yaratiladi. Unda matnlarning grammatik yoxud semantik teglari berilishi, parallel tarjimasi taqdim etilishi, matnlar manbasi haqida metamaʼlumotlar koʻrsatilishi mumkin. Yakka muallifli korpuslarda, asosan, muayyan ijodkorga mansub materiallar qamrab olinadi va ular mualliflik korpuslari hisoblanadi.

Mualliflik korpuslari muayyan bir muallif tili, yozish uslubi, asarlaridagi til, matn xususiyatlari haqida maʼlumot beruvchi tizim sanaladi. Jahon tilshunosligida hozirgi kunga qadar mualliflik korpuslarini yaratish borasidagi tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Xususan, 1956-1961-yillarda Pushkin tilining lugʻati, shuningdek, alohida asarlarning lugʻatlari, masalan, 1978-yilda Lev Tolstoyning “Urush va tinchlik”[64] romanining chastotali lugʻati nashr etildi. Ushbu tadqiqot yoʻnalishi, shubhasiz, dolzarb hisoblanib, hozirgi kunda lingvistika sohasidagi tadqiqotchilar va yozuvchilarning zamonaviy mualliflik korpuslarini yaratish borasidagi masalasiga eʼtiborlarini tobora koʻproq jalb qilmoqda.

Umuman, mualliflik korpuslarini yaratish asosi mualliflik lugʻatlarining tuzilishi bilan bogʻliq va mualliflik korpusini yaratish ishlari shakllanishi oʻz tendensiyasiga ega. Dastavval, mualliflik lugʻatlari yaratilgan, ayrim adiblarning ijod namunalarida qoʻllangan soʻzlar yoki mualliflik iboralari boʻyicha ham maxsus lugʻatlar tuzilgan. Lugʻat yaratish oʻta mashaqqatli ish. Minglab kartoteka (kartochka)lar bilan ishlash talab qilinadi. Mana shu mashaqqatli jarayonda korpus benazir yordamchi vosita hisoblanadi. Aynan shuning uchun ham til korpuslari yaratilgan. Unda muayyan soʻz qidiruv satriga yozilishi bilan bir necha soniyada oʻsha soʻz qatnashgan kontekstlar manbasiga havola bilan (konkordans) beriladi. Muayyan ijodkorga mansub asarlardan iboralarni jamlash ham mumkin. Bu imkoniyatni yanayam optimallashtirish uchun mualliflik korpuslari yaratilsa maqsadga muvofiq.

Mualliflik korpuslarining yuzaga kelish omillari qanday va ularning bazasiga kiritiladigan matnlarga qanday talablar qoʻyiladi? Taʼkidlanganidek, milliy korpus tilning barcha imkoniyatlarini namoyon etuvchi matnlar majmui hisoblanadi, shu bois u umumlingvistik tizim sanaladi. Mualliflik korpuslari esa muayyan ijodkor asarlari matnlarini oʻzida jamlashi bilan xarakterlanadi.

Mumtoz adiblar asarlarini oʻrganish, adib shaxsiga oid maʼlumotlar va yozish uslubini raqamlashtirish natijasida muallifi nomaʼlum asarlarning muallifini topish, muayyan mashhur ijodkorlar ijodini keng targʻib etish va ularning asarlaridan

[62] http://uzschoolcorpara.uz/
[63] Abjalova M. Korpus lingvistikasi. [Matn]: uslubiy qoʻllanma / M.A. Abjalova. – Toshkent: Bookmany print, 2022. – B. 69-72.
[64] Национальный корпус русского языка (Rus tilining milliy korpusi). Электрон ресурс: http://www.ruscorpora.ru/search (murojaat vaqti 15.03.2022).

tadqiqotlar jarayonida foydalanish, asosan, qo‘l mehnatiga asoslangan kartotekalash jarayonidan voz kechib, asarlardan leksik birliklarga misollar massivini topish maqsadida mualliflik korpuslari yuzaga kelgan. Aniqroq aytganda, axborot texnologiyalarining rivojlanishi bilan yirik hajmdagi materiallar bilan ishlash imkoniyati oshganligi sababli mualliflik korpuslari ham vujudga keldi.

Muayyan adib qalamiga mansub asarlar korpusi quyidagi imkoniyatlarni beradi:

1) ijodkor uslubi va uning so‘z qo‘llash mahoratini o‘rganish;
2) adib ijodini lingvopoetik tahlil qilish;
3) ijodkor qo‘llagan turg‘un birikmalarni (iboralar) tahlil qilish;
4) asar badiiyligini oshirishda keng foydalanilgan she’riy san’at turlarini tahlil etish;
5) lirik turdagi janrlar qatoriga yashiringan xalq og‘zaki ijodi namunalari (maqol, topishmoq)ni aniqlash;
6) ijodkor asarlarini auditoriya yoshiga mos ravishda taqsimlash;
7) asar matni tipi (masalan, g‘azalning orifona, oshiqona, rindona tiplari)ni farqlay olish;
8) izohtalab so‘zlarning izohini, matnning g‘oyasi va mazmunini korpusdagi semantik izohga tayanib teran anglash;
9) raqamli texnologiyadan keng foydalangan holda axborot olishni tezlashtirish kabi bir qator qulay imkoniyatlarni beradi.

Ushbu imkoniyatlarga ega bo‘lgan mualliflik korpuslarini amalda foydalanuvchilar uchun qulay tarzda va ko‘rkam dizaynda yaratib taqdim etish ishlarini turkiy adabiyot dahosi, butun olamning betakror namoyondasi Alisher Navoiy mualliflik korpusini yaratish bilan boshladik[65]. 8 rukndan iborat ushbu korpus Navoiyning “Badoye ul-vasat” devonidagi janrlarning semantik teglanishi natijasida[66] yaratildi[67].

O‘zbek mumtoz adabiyotining yirik vakillaridan Zahiriddin Muhammad Bobur qalamiga mansub barcha asarlari grammatik va semantik semantik teglanib, uning mualliflik korpusini yaratish dolzarb masala hisoblanadi.

Atoqli adibning turli janrlardagi asarlari bo‘lib, ularning barchasida bugungi kun o‘quvchisi, ya’ni foydalanuvchiga tushunarsiz bo‘lgan izohtalab so‘zlar mavjud. Bu holat o‘quvchini muntazam ravishda Bobur ijodi bilan mashg‘ul bo‘lishga to‘sqinlik qiladi. Bobur ijodini tushunish uchun undagi izohtalab so‘zlar semantikasini ayni kontekstda aniqlash joizligi bois o‘quvchi Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarining izohli lug‘atlari va qo‘shimcha tarzda boshqa lug‘atlarga ham murojaat qilishiga majbur bo‘ladi. Bir necha bosqichli bu jarayon esa o‘quvchidan sabr va matonatni talab etadi. Afsuski, shu mashaqqatlar o‘quvchini mumtoz adabiyotlarni o‘qimay qo‘yishga olib kelmoqda. Zahiriddin Muhammad Bobur korpusida asardagi izohtalab so‘zga o‘z

---

[65] Abjalova M., Gulomova N. Author’s Corpus of Alisher Navoi and its Semantic Database. // IEEE – UBMK – 2022: 7th International Conference on Computer Science and Engineering. 24-26 September 2022. Istanbul – Turkey. – pp. 182-187. Impakt Factor 5.5

[66] G‘ulomova N. Alisher Navoiy mualliflik korpusi va uning semantik teglari bazasini yaratish (“Badoye’ ul-vasat” devoni asosida): Fil.f.f.d. diss. – Toshkent, 2023. – 191 b.; Abjalova M., G‘ulomova N., Rashidov H. Alisher Navoiy mualliflik korpusi uchun Navoiyning “Badoe’ ul-vasat” devonidagi g‘azallarning semantik bazasi. Guvohnoma № BGU 00583. – Toshkent, 2022. (mualliflik guvohnomasi).

[67] http://navoiykorpusi.uz/; Abjalova M., G‘ulomova N., Sadullayeva Sh. Alisher Navoiy mualliflik korpusi. Guvohnoma № DGU 18544. – Toshkent, 2022. (mualliflik guvohnomasi).

o‘rnida kontekstga muvofiq izoh berilishi va muayyan so‘zning asarlarda qo‘llanish ko‘lamini topish, uning statistikasi va qo‘llanilgan o‘rnini kuzatish imkonini beradi. Anglashilganidek, zamonaviy foydalanuvchi lug‘atlar bilan ishlash jarayonini boshidan o‘tkazmaydi, balki korpus yaratuvchilari tomonidan bazada semantik teglar yordamida shakllantirilgan tayyor izohlarni ko‘rib asar mazmunini anglab oladi. Aynan mana shu imkoniyatlar boshqa sayt yoki tizimlarda mavjud emas, faqatgina mualliflik korpuslaridagina bo‘ladi, xolos.

Zahiriddin Muhammad Bobur korpusini yaratish natijasida:

- Bobur shaxsini o‘rganish;
- shoir uslubini tadqiq etish;
- uning ijodini lingvopoetik tahlil qilish;
- ijodkorning so‘z qo‘llash imkoniyati va mahoratini tadqiq etish;
- mualliflik lug‘atlarini yaratish;
- mualliflik iboralarini jamlash;
- mualliflik parafraza, parema, hikmatlarini jamlash; tasviriy ifodalarning qo‘llanilish ko‘lamini ijodkor kontekstidan aniqlash mumkin bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, Zahiriddin Muhammad Bobur mualliflik korpusi yaratilishi bilan quyidagi imkoniyatlar yuzaga keladi:

Bobur MK ilmiy tadqiqot va ta’limiy jarayonni qulay imkoniyatlar bilan boyituvchi zamonaviy pedagogik texnologik vosita hisoblanib, Z.M.Bobur asarlarini qamrab olgan va shu muallifning yozish uslubi, so‘z boyligi, uning asarlarida qo‘llangan leksik birliklar haqida ma’lumot beruvchi innovatsion tizim hisoblanadi.

Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti va ijodi umumta’lim maktablarining barcha bosqichlarida o‘rganiladi. Shu bois Bobur mualliflik korpusidan dars jarayonlarida o‘qituvchi o‘quv mashg‘uloti uchun tez fursatda serqirra, mazmunli, ishonchli, o‘quv materialini tayyorlash imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Zahiriddin Muhammad Bobur mualliflik korpusida Bobur davri tilini tushunish, XV arsga oid mumtoz manbalarning kitobxonlarini oshirish maqsadida Z.M.Bobur asarlaridagi izohtalab so‘zlarning hozirgi o‘zbek adabiy tilidagi semantik izohini foydalanuvchilarga qulay tarzda taqdim etish maqsadida uning qalamiga mansub asarlarni grammatik va semantik teglash muhim ahamiyat kasb etadi.

Zahiriddin Muhammad Bobur mualliflik korpusi foydalanuvchiga mutafakkir qo‘llagan so‘z birliklarining barcha lingvistik xususiyatlari haqida aniq va to‘liq ma‘lumotni olishda xizmat qiladi. Osonlik bilan asarlarida uchragan izohtalab so‘zlarning izohini topib, asar mazmunini anglashga, tushunishga yordam beradi. Muayyan so‘z Zahiriddin Muhammad Bobur mualliflik korpusida qidiruvga berilganida uning Bobur asarlarida qo‘llanilish o‘rni, kontekstual ma’nosi, umumiy foydalanish statistikasi, so‘z qo‘llangan manba haqidagi metama’lumot taqdim etiladi. Bunday imkoniyat ilmiy tadqiqot va ta’lim jarayonining samaradorligini oshiradi.

Zahiriddin Muhammad Bobur mualliflik korpusining yaratilishi mumtoz asarlarda qo‘llanilgan so‘zlardan ta’lim tizimida samarali foydalanish, o‘zbek xalqining XV asrga oid milliy-adabiy merosini raqamli texnologiyaga kiritish, asrlar davomida yashab kelayotgan davlat tilining formal shaklini yaratish, lingvistik tarjimon va matnlarni tahlil qilish dasturlari, Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari parallel korpusini yaratish imkoniyatlari beradi.

Adabiyotlar:

1. Abjalova M. Korpus lingvistikasi. [Matn]: uslubiy qoʻllanma / M.A. Abjalova. – Toshkent: Bookmany print, 2022. – B. 69-72.
2. Abjalova M., Gulomova N. Author's Corpus of Alisher Navoi and its Semantic Database. // IEEE – UBMK – 2022: 7th International Conference on Computer Science and Engineering. 24-26 September 2022. Istanbul – Turkey. – pp. 182-187. Impakt Factor 5.5
3. Abjalova M., Gʻulomova N., Rashidov H. Alisher Navoiy mualliflik korpusi uchun Navoiyning "Badoe' ul-vasat" devonidagi gʻazallarning semantik bazasi. Guvohnoma № BGU 00583. – Toshkent, 2022. (mualliflik guvohnomasi).
4. Abjalova M., Gʻulomova N., Sadullayeva Sh. Alisher Navoiy mualliflik korpusi. Guvohnoma № DGU 18544. – Toshkent, 2022. (mualliflik guvohnomasi).
5. Gʻulomova N. Alisher Navoiy mualliflik korpusi va uning semantik teglari bazasini yaratish ("Badoye' ul-vasat" devoni asosida): Fil.f.f.d. diss. – Toshkent, 2023. – 191 b.
6. Национальный корпус русского языка (Rus tilining milliy korpusi). Электрон ресурс: http://www.ruscorpora.ru/search (murojaat vaqti 15.03.2022).
7. Захаров В., Богданова С. Корпусная лингвистика: учебник. 3-е изд., перераб. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2020. – 234 с.

"БОБУРНОМА"ДА КУРАШ ВА ЖИСМОНИЙ ЕТУКЛИК ҲАҚИДА

Сулаймонов Мўминжон Юсубжонович, ф. ф. н., НамДУ доценти,
тел: +998937052555, el-pochta: msulaymon62@mail.ru
Маҳбуба Исмоналиева Андижон ДУ таянч докторанти
+99899 407-60-81 ismonaliyevamahbuba94@gmail.com,
Холдорова Гулноза Ҳусниддиновна, Фарғона ДУ таянч докторанти,
тел: +998999780522, el-pochta: gulnozaholdorova7@gmail.com

Аннотация. Бұл мақалада Бабырдың күресті, палуандарды, дене шынықтыруды дәріптейтін «Бобурнама» зерттеледі. Атап айтқанда, оның әкесі және басқа Тимуридтер туралы бейнелер де талданған.

Тірек сөздер: күрес, балуан, пахлауан, өгіз, тамаша, жұдырық, жүзу.

Аннотация. В этой статье исследуется «Бобурнома» Бабура, которая прославляет борьбу, борцов, палуанов и физическую подготовку. В частности, были проанализированы также образы об его отце и других тимуридах.

Ключевые слова: борьба, борец, бык, отлично, кулак, плавание.

Ўзбекистон Президентининг улуғ ватандошимиз шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги Қарори, шубҳасиз, тарихий ҳужжат бўлди. Зеро, ҳозирга қадар бу буюк шахс ҳаёти ва фаолияти тўғрисида минглаб мақола, рисола ва монографиялар, илмий тадқиқотлар яратилган, айни кунларда ҳам тўхтовсиз ёзилмокда. Дунё зиёлилари, биринчи навбатда, тарих билан озгинагина алоқаси бор инсон, Бобур ҳақида ўқийди, ўрганади, имкони қадар бир фикр-мулоҳазасини билдиради. Бундай беқиёс қизиқишга сабаблар жуда кўп ва хилма-хил. Зеро, Бобурнинг жаҳон халқаларига қолдирган адабий-маънавий ва моддий меросини улкан уммонга қиёсласак, муболаға эмас. Бу меросдан ҳамма ўзига зарур ва керакли маълумотларни олгани, улардан унумли фойдалангани ҳам бор ҳақиқат. Дарҳақиқат, Бобур ва бобурийлар ҳақидаги библиографияни ўқисак, бу

фикларнинг нечоғи тўғрилигининг гувоҳи бўламиз. Гарчи шундай бўлса ҳам, ҳали ўрганишимиз ва тадқиқ этишимиз зарур бўлган масалалар борлиги аён бўлмоқда. Ана шундай долзарб масалалардан бири, бизнингча, "Бобурнома"да бир неча ўринларда таърифланган, тавсифланган ва, муболағасиз айтиш мумкинки, мароқ билан ўқиладиган жисмоний бақувват бўлиш тўғрисидаги фикрлардир.

Инсон улғайиб, маънан юксалиб боргани сари тана соғломлиги ҳам ҳаётнинг бирламчи омили эканлигига ишончи ортиб боради. Ажаб ҳолатки, ақл ўсгувчи, соғлик эса қайтгувчи мувозанатда бардавом туради. Шу сабабдан комиллик деганда ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамолликни тасаввур этишга одатланганмиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсини мана неча юз йиллардан сўнг ҳам бу мезоннинг асосий даъвогари сифатида қадрлаймиз. Аммо яқин ўтмишимизда туркий шоҳлар маишатпараст ва ёки ишратпараст тамғаси билан қораланиб, номларига қўшиб, уларнинг ижоди ҳам сургун қилингани бор ҳақиқат. Модомики, истиқлол ота-боболаримиз руҳини шод этмоққа имкон берган экан, аввало, уларнинг мунаввар сиймосида бир инсонни қалбдан ҳис этиш, сўнгра улардек бўлишга интилмоқ ҳам даркор.

Бугунги кунда дунёдаги якка кураш турлари ҳақида гапирганда, шубҳасиз, мусобақаларида янграётган "Ҳалол", "Ёнбош", "Чала" каби ўзбекча ҳайқириқларни ҳаяжонланиб кузатамиз. Ватанимиз номини дунёна таратаётган ўзбек курашини фахр-ғурур билан тилга оламиз. Инчунун, ўзбек курашининг тарихи жуда қадимий бўлиб, кўплаб тарихий манбаларда зикр этилганлиги ҳам бизни қувонтиради. Бобурнинг "Бобурнома" асарида ҳам кураш билан боғлиқ фикрлар мазкур мақоламизнинг мавзусини белгилайди.

Бобурнинг "дилбар шахс" эканлиги ҳақидаги фикрлар унинг латиф шеърияти ва маънавий оламига дахлдор мулоҳазалар ҳисобланади. "Бобурнома" эса қомусий асар сифатида кўплаб фан тармоқларига дахлдордир. Демоқчи бўлганимиз эса, юқорида таъкидлаганимиздек, Бобурнинг жисмонан баркамоллиги ҳамда унинг ҳаётий, ҳарбий фаолиятида катта аҳамият касб этган ўзбек миллий курашининг ўрни ҳақидадир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳали ёш йигитлик чоғларидаёқ жисмоний куч-қуввати билан донг таратади. Бу қувват эса фақатгина жисмонан юксалишига эмас, балки маънавий камолоти билан ҳамоҳанг кечади: "...қор кураб, ўзумға бир такия миқдори ер ясадим, қорни кўкусгача қоздим, ҳануз ерга етмайдур эди. Бир нима елга паноҳ бўлди, ўшанда ўқ ўлтурдим. Ҳар неча дедиларким, ҳаволға боринг, бормадим. Кўнгулга кечтиким, борча эл қорда ва чопкунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била, мунда борча улус ташвиш била машаққатта, мен мунда уйқу била фароғатта. Мурувватдин йироқ ва ҳамжиҳатликдан қироқ ишдир"[68]. Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Бобур сиймосида маънавий ва жисмоний баркамоллик мужассамлашган. Қордан уй ясаб, бу ғорда жон сақлаш, ўз роҳатидан воз кеча олиш учун жисмоний тайёргарликнинг ўзигина етарли эмас, бунинг учун инсон психологик жиҳатдан ҳам юқори қатъият ва чидам эгаси бўлиши лозимдир.

Бобур хотираномасининг бир ўрнида Ҳиндистонгача бўлган йўлдаги барча дарёларни сузиб ўтганлигини айтади (Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солиб

---

[68] З.М.Бобур. Бобурнома. – Ташкент: "Шарқ", 2002. – Б-149. Кейинги ўринларда ушбу манбадан олинган кўчирмалар қавс ичида берилади.

ўттим... Бори дарёларни ўзуб, кечиб эдим. Ганг дарёси қолиб эди...), баъзи манбаларда эса Бобурунинг паҳлавонсифат бўлиб улғайишида, шубҳасиз, отаси Умаршайх Мирзонинг таъсири беқиёс бўлган. Бобур отасининг жисмоний бақувватлиги ҳақида шундай ёзади: "...шужоъ ва мардона киши эди. Икки мартаба ўзи жамиъ йигитлардин ўзуб қилич тегурди..., бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқтур"(67-бет). Бу парча эса Бобурнинг жисмоний мардоналиги, аввало, унга ота мерос эканлигидан далолатдир. Умуман олганда, темурий шаҳзодаларнинг кўплари ўз даврининг куч-қувватда тенгсиз кишилари бўлиб етишганлар. Бу уларга соҳибқирон бобосидан қолган анъанадир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурда эса бу анъана илм ва маърифат, адабиёт билан уйғунлашди.

Мукаммал жанговар тайёргарликка интилган ҳар қандай қўмондон қўл остидаги сарбозлардан юқори жисмоний салоҳиятни талаб этиши, табиий ҳолат, албатта. Кураш эса қадим замонлардан бери осиё ҳалқлари орасида кучни синаш ва оширишда кенг қўлланилиб келинган. Бобур лашкарлари орасида ҳам кураш санъати доимий амалиётда бўлиб, "Бобурнома"нинг элликка яқин ўринида *полвон, паҳлавон, зўр, бўлка, кураш* тушунчаларининг учраши шундан далолат беради. Муаллиф полвон сўзининг ўзбек лаҳжаларида қўлланишига ҳам эътибор беради: "...ўзбак улусида бу элчи зўрға машҳур экандур. Ўзбак зўр кишини бўка дер эмиш. Жонибек деркимь: бўкамусен? Бўка бўлсанг, кел, курашалинг. Бу элчи ҳар неча музояка қилур, қўймас, курашурлар, Жонибек йиқар" (75-бет). *Бўка, зўр* тушунчалари *полвон* сўзининг XV-XVI асрлардадаги архаик варинтларидир. Туркий халқларнинг ҳарбий фаолиятида ўзбек курашининг ўз ўрни бор: Хоразм ўғлони Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326)нинг кураги ерга тегмаган курашчи-полвон бўлганлиги, ўзининг куч-қудрати билан Ҳиндистонда асир бўлиб қолган хоразмликларни қутқаргани ҳам миллий курашимизнинг тарихи анча қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади. Бобурнинг қўл остидаги аскарий йигитлар ҳам кундалик турмушларида доимий кураш тушишни одат қилганлар. "Бобурнома" асарида бу ҳолатни кўрсатувчи кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин: "Ошдин бурунроқ сочиқ киюрур асносида маст теваларни ва филларни ўтрудаги оролда урушқа солдилар... Булардан сўнг куштигирлар кушти тушдилар" (275-бет). Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тақдири ва жангу жадаллар билан кечган ҳаёти ўзи ва навкарларининг жисмоний куч-қувватини доимий ошириб боришни заруратга айлантирган. "Бобурнома"да бир даврада етти-саккиз рақибни йиқита оладиган кўплаб полвонларнинг номлари келтирилган, ана шулардан бири Дўст Ясин Хайрни муаллиф тез-тез тилга олади: "... кема била ул юзга ўтуб, куштгирларни куштига солдук. Дўст Ясин Хайрға буюрулдиким, паҳлавон Содиқ билан тутмай, ўзгалар билан миёнгирлик қилғай. Хилофи қоида буюрулдиким, аввал зўрроқларни миёнгирлик қилғай. Ясин Хайр саккиз киши билан яхши миёнгирлик қилди" (267-бет). Маълум бўляптики, кураш ана шу даврларда ҳам энг оммабоп спорт турларидан бири бўлиб, унинг ўз қоидалари ишлаб чиқилган. Бобур курашчи полвонларни ардоқлаган, ҳаттоки даврада мағлуб бўлганларини ҳам тақдирлашга амр қилган. Уларни бундай қўллаб-қувватлаш полвонларнинг кейинги муваффақиятлари учун хизмат қилган: "Содиқ яхши кушти тутти, хейли осон йиқти. Содиққа ўн минг танга ва эгарлик от ва бош-оёқ ва тугмали чакмон инъом бўлди. Бовужудким, Кулол

йиқилиб эди, маъюс қилмай, анга ҳам сару пой ва уч минг танга инъом бўлди" (281-бет). "Бобурнома"да кураш саҳналари ёритилган ўринлар талайгина, шулардан бири ўз кучини тўғри баҳолай олмаган полвон ҳолати ҳам эътиборни тортади: "Йигитлар бир пора шўхлук қилдилар, бир пора куштигирлик қилдилар. Соқи Муҳсин даъво қилдиким, тўрт-беш кишини миёнгирлик қилурмен. Бир киши била била тушти, йиқилаёзди. Иккинчиси Шодмон эди, Муҳсинни йиқти. Хижил ва мунфаил бўлди" (283-бет). Бу ерда *мунфаил* сўзи *уялмоқ, хижолат бўлмоқ* маъносини беради, яъни ўз кучига ортиқча баҳо берган полвонинг кураш майдонида уялиб қолганлиги тасвирланади. Бундай ҳолатлар кураш майдонларида тез-тез содир бўлади. Бугунги ўзбек насрида ҳам полвон образи талқин этилган асарларда ҳам мана шу каби саҳналар кўп учрайди. Бу, биринчидан, асарнинг дидактик аҳамиятини оширса, иккинчидан, Бобур ўзининг ҳар бир сарбози ҳаёти ва турмушига алоҳида эътибор билан қараганини кўрсатади.

Бугунги ўзбек миллий курашининг такомилида фақатгина давлат раҳбари эмас, ҳарбий қўмондон – лашкарбоши сифатида ҳам Бобурнинг хизматлари каттадир. Унинг ўзи ҳам доимо жисмоний баркамолликка интилган, бу ҳақида "Бобурнома"даги баъзи воқеалар киши ҳайратини оширади: "Ул мартабада совуқ эрдиким, ўшул икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидан ўлуб эди... Бир ариқ суйидаким, ёқалари қалин муз тўнгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувға кириб ғусл қилдим. Ўн олти қатла сувға чўмдим. Сувнинг совуқлиги хейли таъсир қилди" (12-бет). Агар бу жараённи бугунги кунимизга қиёсласак ҳам маълум бўладики, кўпларимиз қаҳратонда сувга шўнғишни танамизда тасаввур ҳам қилолмаймиз. Бобур эса бундай сувга ўн олти марта шўнғийди, шу ҳолатда ҳам хиёл совуқ ейди. Демак, Бобур жисмоний жиҳатдан ҳам мана шундай баркамолликка эришган ўрта асрларнинг афсонавий паҳлавонларидан бири эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бутун умри алғов-далғов жангу-жадаллар билан кечганини қарамай, у ҳаётини ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамолликда ўтказади. Ўзининг баъзи-бир ноҳақ ишларини тан олиб, бу ишлари учун авлодлар олдидаги андишаси, давлат бошқарувидаги адолати, гўзал адабий мероси уни юксак маънавиятини кўрсатса, Бобур ҳақидаги адабий хотиралар, "Бобурнома" ва бошқа асарлардаги тарихий фактлар унинг жисмоний куч-кувватда ҳам тенгсиз инсон бўлганлигидан далолат беради. Бобур сарбозларининг ҳарбий тайёргарлигига ҳам катта эътибор қаратган ва қўшин ичида доимий полвонлар курашини ўтказиб борган. Бу эса ўзбек курашининг XV-XVI асрларда ҳам энг фаол спорт турларидан бўлганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: "Шарқ", 2002.
2. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: "O`qituvchi", 2008.
3. Восифий, Маҳмуд. Бадоеъ ул вақоеъ. (Нодир воқеалар). – Тошкент: 1980.
4. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Тошкент: "Маънавият", 2002.
5. Сулаймонов.М. Хофиз Хоразми и шахматы. // – Тошкент: 2020. Содружтво языков – содружество культур. Международный сборник научных статей. Совместный проект

Наманганского государственного университета и Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцина. Первый выпуск. – Тошкент: Стр. 442-445
6. Quronov D. Adabiy nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018.
7. Қуронов Д ва б. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.

BÂBÜR DÎVÂNI'NDAKİ SOYUT ADLAR

Doç. Dr. Mehmet ÖZEREN
Fırat Üniversitesi, İnsani ve Sosyal Bilimler Fakültesi, Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Bölümü, Elazığ, mehmetozeren@firat.edu.tr, orcid.org/0000-0003-4386-8312
Fırat Üniversitesi-Elazığ/Türkiye

Özet. Adlar, kavramları karşılayan göstergelerdir. Kavramlar ise dış dünyada var olan ya da zihnimiz ile varlığını kabul ettiğimiz şeylerin zihindeki tasavvurudur. Zihnimizdeki bu kavramların birçoğunun dilde bir karşılığı vardır. Adlar içerisinde somut olanların dış dünyada varlığı bulunduğundan ifade edilmesi daha kolayken, soyut olanların varlığı zihnen kabul edildiğinden ifade edilmeleri zihinsel bir süreç gerektirmektedir. Bu nedenle bir dil içerisindeki soyut adların zenginliği dilin anlatım gücünü artırmaktadır. Bu çalışmada Bâbür'ün Dîvân'ındaki soyut adlar tespit edilerek eserdeki soyut anlatım gücü ortaya konmaya çalışılacaktır.

Anahtar Kelimeler: Bâbür, Dîvân, Soyut Adlar.

Түйін. Атаулар – ұғымдарға сәйкес келетін белгілер. Ал концепциялар сыртқы дүниеде бар немесе санамызбен қабылдайтын нәрселердің елестетуі болып табылады. Біздің санамыздағы бұл ұғымдардың көпшілігінің тілдегі баламасы бар. Зат есімдердің ішіндегі нақтылары сыртқы әлемде болғандықтан білдіру оңай болса, абстрактілілері психикалық процесті білдіруді талап етеді, өйткені олардың бар болуы ойша қабылданады. Сол себепті де тілдегі дерексіз атаулардың мол болуы тілдің экспрессивтік қуатын арттырады. Бұл зерттеуде Бабырдың диуанындағы дерексіз атаулар анықталып, шығармадағы дерексіз өрнек құдіреті ашылады.

Түйін сөздер: Бабыр, Диван, дерексіз есімдер.

Abstract. Nouns are signs that correspond to concepts. Concepts, on the other hand, are the imagination of things that exist in the external world or that we accept with our minds. Many of these concepts in our minds have a language equivalent. While the concrete ones among the nouns are easier to express because they exist in the outside world, the abstract ones require a mental process to be expressed since their existence is mentally accepted. For this reason, the richness of abstract names in a language increases the expressive power of the language. In this study, the abstract names in Bâbür's Dîvân will be determined and the power of abstract expression in the work will be tried to be revealed.

Keywords: Bâbür, Dîvân, Abstract Nouns.

1. Giriş

Soyut adlar, kavramsal olarak dış doğada var olmayan, beş duyu organıyla algılanamayan, düşünce yoluyla varlığı kabul edilen kavramları karşılayan adlardır. Dolayısıyla soyut adların varlığı, zihinsel bir süreç gerektirmektedir. Diller, bu tür kavramları somutlaştırarak, farklı sözcüklerle açıklayarak, sözcüklere mecaz anlamlar

yükleyerek tanımlamaya çalışmaktadır. Bu tür kavramların şöyle ya da böyle tanımlanması, varlığının tanınması ve bilinmesi, dilin kendi sözvarlığı içerisinde gerçekleştiğinde, dilin anlatım olanağı genişlemiş olacak ve o dil ile düşünme, sanat eserleri ortaya koymak mümkün olacaktır.

Bâbür Dîvânı, Babür'ün sanatsal yönünü şiir alanında ortaya çıkaran önemli bir eserdir. Zengin sözvarlığı içeren bu eserde farklı kökenden sözcüklerin bir arada kullanıldığı görülmektedir. Ancak bu sözcüklerin büyük çoğunluğu, eserin yazıldığı dönemden önce ve sonra, günümüze kadar yazılı ve sözlü dilimizde kullanılageldiği için dilimize mal olmuş sözcüklerdir. Dolayısıyla Bâbür Dîvânı'ndaki soyut adların ele alındığı bu çalışmada, dilimizin soyut kavramları karşılama gücüne değinilmiş olacaktır.

Bâbür Dîvânı'nda tespit edilen soyut adları köken ve içerik açısından değerlendirmek mümkündür:

2. Kökenlerine Göre Soyut Adlar

Soyut adlar Arapça, Farsça, Türkçe kökenli veya karışık yapıda oldukları tespit edilmiştir:

2.1. Arapça Kökenli Soyut Adlar

Dîvân'daki soyut adların çoğunlukla Arapça kökenli oldukları dikkati çekmektedir. Soyut adlardaki bu yoğunluğun nedeni aruz ölçüsüne uyma kaygısı ile sanatsal kaygıdan kaynaklı olabileceği değerlendirilmektedir. Dîvân'da kullanılan Arapça soyut adların günümüz çağdaş Türk lehçelerinde de çoğunlukla bilindiği ve kullanıldığı görülmektedir. Arapça kökenli soyut adlara şunlar örnek verilebilir:

'adâlet "adalet, doğruluk" (BD, 329)
'adâvet "düşmanlık" (BD, 329)
'aol "akıl" (BD, 331)
âl "hile" (BD, 331)
'amel "niyet" (BD, 332)
'azm "niyet, kasıt, karar" (BD, 336)
belâ "keder, musibet, afet" (BD, 340)
beşeriyyet "insanlık" (BD, 340)
bexâlet "cesaret, kahramanlık" (BD, 341)
câh "itibar" (BD, 347)
cehâlet "cahillik, bilmezlik" (BD, 348)
cennet "cennet" (BD, 349)
cûd "cömertlik, el açıklığı" (BD, 350)
cür'et "cesaret, atılganlık" (BD, 350)
dehr "dünya; zaman, devir" (BD, 353)
devlet "devlet; büyük mutluluk; zenginlik; baht, talih; mevki" (BD, 354)
devrân "dünya, felek; zaman, talih, kader" (BD, 354)
edeb "terbiye, naziklik, edep" (BD, 357)
efkâr "düşünceler" (BD, 357)
elem "ağrı, acı; keder, dert" (BD, 357)
fazl "fazilet, erdem, lütuf" (BD, 359)
firâk "ayrılık, ayrılma; sıkıntı, hüzün, keder" (BD, 360)
iam "tasa, kaygı, keder" (BD, 361)
iaraz "hedef, gaye, istek" (BD, 362)

hasret “hasret; üzüntü; keder” (BD, 367)
lâxır “zihin, fikir; keyif; gönül” (BD, 367)
heves “arzu, istek; gelip geçici istek” (BD, 369)
hüsn “güzellik, iyilik” (BD, 372)
ıztırab “acı, elem” (BD, 373)
oadr “değer, itibar; onur; şeref; meziyet; rütbe; derece” (BD, 381)
lutf “iyilik, ihsan, lütuf; hoşluk” (BD, 394)

2.2. Farsça Kökenli Soyut Adlar

Dîvân’daki Arapça kökenli soyut adlardan sonra Farsça kökenli soyut adlar yoğunluk olarak ikinci sıradadır. Bu da Babür’ün döneminde Farsçanın edebiyat dili olarak yaygın bir şekilde kullanılmasından, bilinmesinden kaynaklanmaktadır. Nitekim Dîvân’da kullanılan Farsça soyut adların günümüz çağdaş Türk lehçelerinde de çoğunlukla bilindiği ve kullanıldığı görülmektedir. Farsça kökenli soyut adlara şunlar örnek verilebilir:

ârmân “hasret, özleme; sıkıntı; üzülme; pişmanlık” (BD, 333)
ârzû “istek, arzu, heves” (BD, 333)
âsâyiş “rahat, huzur; güvenlik” (BD, 333)
balx “kader, baht, talih” (BD, 337)
bâk “korku, sakınma; kaygı” (BD, 337)
bâver “inanma, tasdik; sağlam, pek doğru” (BD, 339)
cân “can, ruh” (BD, 347)
dâd “adalet, doğruluk; ihsan, bağış; kısmet” (BD, 352)
derd “dert, keder, tasa, kaygı; acı, ağrı, sızı” (BD, 353)
efsûn “büyü, sihir” (BD, 357)
endîşe “düşünce; merak; kaygı, keder; şüphe; korku” (BD, 358)
endûh “gam, keder, tasa” (BD, 358)
firîb “hile, dek, oyun” (BD, 360)
lârlâr “sürekli istek; merak; üzüntü; dargınlık” (BD, 366)
ludâ “Tanrı, Allah” (BD, 371)
ludâvend “Tanrı, Allah; efendi, sahip, malik; hâkim, hükümdar” (BD, 371)
oâm “istek, arzu; lezzet; zevk” (BD, 382)
kîn ~ kîne “kin, gizli düşmanlık, garaz” (BD, 387)
müjde “müjde” (BD, 401)

2.3. Türkçe Kökenli Soyut Adlar

Bâbür Dîvânı’nda dikkati çeken önemli unsurlardan birisi Türkçe kökenli soyut adlardır. Bu soyut adlar Türkçenin anlatım gücünü ortaya koymakta, Türkçe sözcükler ile duyguların ifade edilebildiğini eserin yazıldığı döneme ve eserin okunduğu her döneme ispat etmektedir. Ayrıca soyut adların çoğunlukla Eski Türkçeden günümüze kadar korunduğu da görülmektedir. Dîvân’da tespit edilen Türkçe kökenli soyut adlar şunlardır:

2.3.1. Doğrudan soyut adlar:

Soyut kavramları dile getirmek için kullanılan ifadelerdir. Bunların bir kısmı insan ile ilgili kavramları karşılamak için kullanılmaktadır:

açıı “üzüntü, acı, keder, sızı” (BD, 329)
arılıo “arılık, temizlik; dürüstlük, saf, temiz; dürüst, içten” (BD, 333)
imgek “eziyet, sıkıntı, meşakkat, ıstırap” (BD, 376)

isen "esen, sağ" (BD, 377)
oatıo "katı, ser; acımasız, kaba" (BD, 383)
oayiu "tasa, keder, kaygı" (BD, 383)
kösül "gönül" (BD, 389)
körklük "güzel" (BD, 390)
oulluo "kulluk" (BD, 392)
osal "gaflet; ihmal; hafife alma" (BD, 408)
özlük "benlik" (BD, 410)
sai "sağ, sağlam; sağlıklı; akıllı, zeki, aklı başında" (BD, 415)
tilek "istek, dilek" (BD, 430)
tuooanlıi "kardeşlik" (BD, 432)
ün "ses; şöhret" (BD, 435)
yalşılıo ~ yalşılıi "güzellik, iyilik" (BD, 437)
yaliuzluo "yalnızlık" (BD, 438)
yigitlik "yiğitlik" (BD, 441)

Türkçe kökenli soyut adların bir kısmı ise insanı çevreleyen şeylerle ilgilidir. Bunlar da dolaylı yoldan insan ile ilişkilendirilebilir:

asıi "fayda, yarar" (BD, 333)
çai "zaman, çağ" (BD, 350)
oabu "fırsat, hedef" (BD, 380)
oarış "ilenç, beddua" (BD, 382)
kömek "yardım, inayet, himmet" (BD, 389)
ourun "vakit, zaman" (BD, 392)
sökünç "lânet" (BD, 420)
tas "şaşılacak, hayret, tuhaf" (BD, 426)
uçmao "uçma; cennet" (BD, 433)

2.3.2. Mental Fiillerden Türemiş Soyut Adlar

Zihinsel süreçler ile ilişkili fiillerden türetilerek oluşturulmuş soyut adlardır. Bu tür soyut adlar, Türkçenin soyut kavramları karşılamaya yönelik türetim gücünü ortaya koymaktadır:

bilig "bilgi; anlayış, anlama, kavrama, zekâ; öğüt" (BD, 343)
bilmek "bilme, biliş" (BD, 343)
bilmeklik "bilme, biliş" (BD, 343)
boşatmalıilıo "boşaltma; boş ve hiç etme; zayıflatma, kişiliksiz etme; -benliği- yok etme" (BD, 346)
buyrui "buyruk, emir, ferman; istek" (BD, 347)
çıoışmaolıo "başa çıkma, baş etme; uyuşma" (BD, 351)
çikmek "dayanma, katlanma" (BD, 352)
sivmek "sevme" (BD, 420)
sivmeslik "sevmeme" (BD, 420)
sivüklük "sevgi; sevilen, beğenilen; sevimli" (BD, 420)
sivünmek "sevinme" (BD, 420)
unutmao "unutma" (BD, 434)

2.4. Karışık Yapıdaki Soyut Adlar

Bâbür Dîvânı'nda farklı kökenli sözcüklerin ve eklerin bir araya gelmesiyle de soyut adlar türetilmiştir. Bunları şu şekilde sınıflandırmak mümkündür:

Farsça + Türkçe Kökenli Sözcük veya Eklerden Oluşan Soyut Adlar: Dîvân'da karışık yapıdaki soyut adlar daha çok bu özelliktedir: âsûde+lıi "rahatlık, dinçlik" (BD, 334), bîlod+luo "çılgınlık" (BD, 342), dost+luk "dostluk, gönülden arkadaşlık" (BD, 356), loş+başlıi "hoşgörürlük" (BD, 371), loş+lıi ~ loş+lui ~ loş+luo "hoşluk" (BD, 371), lurrem+lıi ~ lurrem+lıo "sevinç; sevinme; sevinçlilik" (BD, 372).

Arapça + Türkçe Kökenli Sözcük veya Eklerden Oluşan Soyut Adlar: iarîb+lıo "gariplik" (BD, 362).

Farsça + Arapça + Türkçe Kökenli Sözcük veya Eklerden Oluşan Soyut Adlar: bî+edeb+lıo "edepsizlik", bî+iam+lıi "gamsızlık" (BD, 341), bî+oayd+lıi "aldırmazlık" (BD, 342), bî+vefâ+lıi "vefasızlık" (BD, 344), loş+vaot+lıi "hali vakti yerinde olma; mutluluk" (BD, 371).

Farsça + Arapça Kökenli Sözcük veya Eklerden Oluşan Soyut Adlar: bî+iış "hilesiz, samimi, içten" (BD, 341)

3. Sonuç

Bâbür Dîvânı'nda soyut adlar sanatsal gayeye uygun olarak yoğun biçimde kullanılmıştır. Bu soyut adlar içerisinde dini kaynaklı olarak Arapça soyut adlar çoğunluğu oluşturmaktadır.

Dîvân'da kullanılan Arapça, Farsça ve Türkçe kökenli soyut adların günümüz çağdaş Türk lehçelerinde de çoğunlukla bilindiği ve kullanıldığı görülmektedir. Arapça ve Farsça soyut adların bir kısmı yüzyıllardır dilimizin içerisinde canlı olarak kullanılageldiği için artık Türkçeye mal olmuş adlardır.

Türkçe kökenli soyut adların yoğunluğu, soyut kavramları karşılamak için yapılan soyut ad türetmeleri Türkçenin gücünü ortaya koymaktadır.

Kaynaklar:

1.Yücel, B. (1995). *Bâbür Dîvânı*. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi. (**BD**)

2.Korkmaz, Z. (2014). *Türkiye Türkçesi Grameri Şekil Bilgisi*. Ankara: TDK Yayınları.

3.Şahin, S. (2012). *Türkmen Türkçesinde Mental Fiiller*. Gazi Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Basılmamış Doktora Tezi, Ankara.

4.Özeren, M. ve Alan, İ. (2018). Kırgız Türkçesinde Mental Fiiller. *Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi*, 61, 203-224.

ШАРҚ ВА ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОБУР ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

Насиров Азимидин Нормаматович,
Ўзбекистон, Самарқанд.
Самарқанд давлат университети
профессори, филология фанлари доктори
azmiddinnosirov@gmail.com

Жаҳон тарихчилари, файласуфлари, ижодкорлари Турон замини буюк алломаларнинг яратган асарлари билан жаҳоний шуҳрат топганлигини, дунё цивилизациясига бетакрор ҳисса қўшганлигини алоҳида қайд этмоқда. Бу ўлка буюк алломаларни, қомусий олимларни, адабиёт ва санъат тараққиётида бетакрор ўринга эга бўлган ўнлаб шахсларни тарбиялаб вояга етказган. Мустақиллик йилларига келиб ижтимоий ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар билан бир қаторда, барча жабҳаларда ислоҳатлар юксак даражада амалга

оширилмоқда. Тарихимизга, маънавий-меросимизга бўлган муносабатлар ҳам жиддий ўзгарди. Буюк тарихий шахслар, тарих саҳнасидаги ҳукмдорлар, маданий-маънавий меросимизнинг ёрқин намоёндаларини ҳаёти ва ижодини ҳаққоний ўрганиш ва таҳлил этиш анъаналари юзага чиқди

Адабиётшунос А.Насиров таъкидлаганидек: "Дарҳақиқат, янгича миллий тафаккур, реалистик тасвир ривожи ўтган аср бошларида шаклланиш жараёни кузатилса, аср сўнгига келиб жаҳон адабиётидаги анъаналар асосида шаклланиб ривожланиб бораётганлигини гувоҳи бўламиз" [1,14-бет]. Таъкидланганидек, ўзбек насрининг тараққиёти ўтган аср бошларида кузатилса-да, унинг ёрқин намунасини Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асари асосида юзага чиқарди.

Истеъдодли шоир Хуршид Даврон бир ўринда шундай ёзади: "Боболар тарихи улар қолдирган мерос қуёшга ўхшайди. Уларга пешвоз юрсанг, пешонанг ёруғ, йўлинг порлоқ, умринг ибратли, кўзларинг нурли бўлади. Агар улардан орқа ўгирсанг, фақат қора соянгни кўрасанг, холос". Ҳақли таъкидланганидек, буюк авлодларнинг қолдирган маънавий мероси, бугунги кунда ҳаётимизни нурафшон, қалбларимизни имон нури билан озиқлантирмоқда.

Шарқ мамлакатлари, қолаверса, дунё тарихида етакчи ўрин эгаллаган, буюк саркарда, истеъдодли сўз санъаткори, қатъий ирода эгаси, бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бу буюк сиймо ўз ҳаётини, тарихини, ҳаёт йўлини ҳаққоний тасвирлаб берган шоҳ ва шоирдир.

Бобур-шоир тарихнавис ёзувчи, ҳукумдор, саркарда, сайёҳ табиатшунос, арузшунос, этнография олим сифатида кўз ўнгимизда жонланади. Ҳиндистон тарихида ўчмас из қолдирган, жуда катта маданий меъросни вужудга келтирган З. М. Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида Жавоҳирлал Неру шундай ёзади: «Бобур дунёга маълум энг маданиятли ва энг дилбар кишилардан» бири деганда ўз давридаёқ мутлақо ҳақ гапни қайд этган эди [2, 86-бет]. Тарихда бирор ҳукмдор ўзга бир юртни ўз тасарруфига олиб, у ерда ҳукмронлик қилиб тарих саҳифаларида ижобий баҳоланмаган.

Чунки тарихга назар ташлар эканмиз, ўз халқига, миллатига, оиласига хиёнат қилган ва разолат топган шоҳлар жуда кўп бўлган. Қадимги Римдаги ҳукумдорларни кўз олдизга келтиринг, янада аниқроқ кўз ўнгизда жонланади. Ёки Мирзо Улуғбекни фожиали тақдирини, ёки Ҳусайн Бойқаронинг ва Мўмин Мирзоларнинг аччиқ қисмати бу тушунчаларни исботлайди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, буюк Рим лашкарбошиси, Римдаги қадий демократик республика тузумини империя тузумига айлантирган Юлий Цезар ҳақидаги юнон тарихчиси Плутарх (46-120)нинг "Қиёсий ҳаётномалар" асарида ҳам ана шундай аччиқ тарих ҳақиқати қайд этилган.

Аммо шоҳ ва шоир, Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида нафақат ҳинд тарихчилари, давлат ва сиёсат арбоблари, балки дунё тарихчилари ҳам юксак баҳо берганлигини алоҳида қайд этмоқ зарур.

Эрон адабиётининг йирик намояндаси, Амеркада таҳсил олган, Парижда яшаб қолган Ирож Аминий Бобурнинг Ҳиндистонда Панипат жанги олдидан аскарларига қарата айтган қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: "Ҳар кимса бу жаҳонга келаркан, охири йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлғиз

Оллоҳдир. Ҳаёт мажлисига кирган одамнинг ҳар бири охир-оқибат ажал қадаҳидан ичади ва тириклик манзилига келган ҳар бир киши охири дунё ғамхонасидан кечиб кетади. Ёмон номи билан тирик юргандан, яхши ном билан ўлган афзал. Танри таоло бундай саодатни бизга насиб қилибди ва бундай давлатни бизга яқин айлабди. Ўлган – шаҳид ва, ўлдирган – ғозий". Бу фикрлар замирида аччиқ ҳақиқат мавжуд, Ватандан йироқда, ортга қайтишга имкон йўқ бир ҳолати ўз ифодасини топган.

Ҳинд тарихчиси Л. П. Шарма 1988 йилда яратилган «Мўғиллар империяси» асарида шундай ёзади: «Бу сулола вакиллари (Бобурийлар назарда тутилмоқда) Ҳиндистонни узоқ давр мобайнида моҳирлик билан бошқариб турди. Мамлакатнинг жуда катта қисмида сиёсий бирликни сақлаб, бу улкан империянинг тинчликда гуллаб – яшнашини таъминлай олдилар. Бу сулола мамлакатга Бобурдан Аврангзебгача бўлган қобилиятли ҳукмдорларни кетма – кет етказиб бериб турди… Шунингдек, адабиёт ва тасвирий санъатнинг ҳар соҳада ўсиб ривожланишига раҳнамолик қилдилар».

Кўриниябдики, бу фикрларда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг етук инсоний фазилатлари юксак баҳоланишга асос бўлган. Шунинг учун ҳам Бобурнинг тарих саҳнасидаги фаолияти турли даврларда ҳам ижобий баҳоланганлиги бежиз эмас. Ана шундай буюк сиймо нафақат ҳукмдор, балки, ўз ҳаёт йўлининг мураккаб ва зиддиятларга бой бўлган истиробу қувончларини, мураккаб ва машаққатли турли хил юришларни, ботиний оламидаги қарама – қаршиликларни ҳаққоний акс эттирувчи «Бобурнома» номли асарининг муаллифидир.

Шунинг учун ҳам нафақат Шарқ олимлари, балки Ғарб, ҳатто Амерка ёижодкорлари ҳам Бобур ҳаёти, ижоди билан бежизга қизиқмаган. Масалан Рашбург Уильямснинг "Ўн олтинчи аср бунёдкори", Ҳарольд Лембнинг "Бобур - йўлбарс", Анна Флора Стилнинг "Тож кийган дарвеш", Абрахам Эралининг "Буюк бобубирийлар", Вильям Эрискиннинг "Бобур Ҳиндостнда" каби тарихий, бадиий-фалсафий асарлар яратилдики, буларнинг барчасида унинг буюк ҳукмдорлиги билан бир қаторда адолатли шоҳ ва ижодкор эканлигига урғу берилган. Бу талқинларнинг замирида Бобуршоҳнинг аччиқ, аммо мағрур ҳаёти мужассамлашганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Абул Фазл Байҳақий тарих ҳақида қайд қилганда: "Мен тарихнинг қоронғу бурчаклари ва тор кўчаларидаги чан-ғуборларни супуриб, уни ўз ҳолича тўлиқ акс эттиришни хоҳлайман, токи бўлган воқеалар яширин қолмасин" – деб ёзган эди. Биз юқорида қайд қилган бир қатор тарихчи. файласуфларнинг асарларида "бўлган воқеалар яширин қолмаслиги"га ҳаракат қилишган. Ёки М.Эдуард, Лейн Поул, Ф.Гренард, Ҳ.Вамбери, Ф.А.Стил, Б.Гаскони, Ж.Пол Роу, Фриц Вюрле, В.В.Бартольд, А.Семёнов, япон олими Комацу кабиларнинг тадқиқотларида ҳам шунга яқин қарашлар талқини етакчилик қилган.

Ҳинд тарихчиси Р.П.Трипатиннинг ёзишича: "Бобурнинг бобоси Темур тўғлоқлар сулоласига қандай хотима ясаган бўлса, бу жанг ҳам Лодийлар сулоласига шундай якун ясади". Бу тушунчалар ҳам бежиз эмас, чунки афғонларнинг "лўдий" қабиласидан чиққан Бахлулхон 1451 йили Деҳли султонлигида Лўдийлар сулоласига асос солган ва 145-1456 йилларда шу сулола

ҳукмуронлик қилган. Аммо 1526 йилда Бобур шу ерларда ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Бобур шоҳ тахт тепасига чиққан бир даврда ўзаро зиддиятлар жуда кучайган, тожу тахт курашлари авж олган бир давр эди. Қарама-қаршиликлар кескинлашган биндай даврда Бобур шоҳ ўзлигини ва ғуририни, темурийлар салтанатини сақлаб қолишга интилади. Шунинг учун ҳам ўз юртида амалга ошира олмаган бунёдкорлик ишларини ўзга юртларда юзага чиқарди, бу эса асрлар давомида эъзозланиши учун асос бўлмоқда.

Ўзида шоҳлик, шоирлик хислатларини мужассамлаштира олган, улкан қалб эгаси бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг асосий қисмини саргардонликда, жанг-у жадалларда ўтказганига қарамай, беқиёс даражадаги нодир адабий мерос қолдирган зотдир. Мирзо Бобур тарихда, нафақат, улуғ саркарда ва ҳукмдор, балки буюк шоир, таржимон сифатида ҳам ном қолдирган. Тарихда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳинд халқининг истеъдодли вакиллари томонидан етук инсоний фазилатларга эга шахс сифатида баҳоланган. Жавоҳарлал Неъру бу ҳақида сўз юритиб: “Бобур дилбар шахс, унданда Акбар дилбарроқ шахсдир”, - деб ёзади. Бобур ҳаёти давомида Ватанидан олисда, Ватан ҳажрида ҳаёт кечирганлиги боис, ижодининг аксарият қисмини Ватанга бўлган муҳаббати, Ватан соғинчи ифодаланган шеърлар ташкил етади. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ҳеч бир шоир, айтиш жоиз бўлса, ҳеч бир шоҳ Бобур каби Ватанига бўлган муҳаббатини бунчалар кўп, бунчалар гўзал куйлай олмаган. Ватан мавзуси, айниқса, Бобур рубоийларида етакчи мавзулардан бири ҳисобланади:

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳза-у бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Сизга маъкумки, Мирзо Бобур Ватанини тарк этгач, аввал Кобулда, сўнгра Ҳиндистонда ҳукмронлик қилади. Шоир шундай мамлакатнинг подшоҳи бўлса-да, анча вақтдан буён “ … диёрим йўқтур”, -дейди. Аммо “диёр” сўзидан олдин қўлланган “ёр” сўзи тушунчага аниқлик киритади. Яъни бу ўринда Бобур ёр дея Ватанини назарда тутади, бошқа бир юрт ҳукмдори бўлса-да, диёрим йўқ дейди, ўзга юртда ўзини мусофир эканлигини, бу юрт ҳеч қачон ўзиники бўлолмаслигини, шу сабабли ҳам беқарор бир ҳолатда эканлигини таъкидлайди. Бу ерга ўз ихтиёрим билан келган бўлсам-да, ўз хоҳиш, истагим, ниятим билан келмадим, яъни мажбурият мени бу ерга олиб келди, дейди. Шоҳлик таомилига кўра ўз ватанига қайтиш истаги бўлса-да, ижтимоий муҳит имкон бермаслигига урғу беради.

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобур илк мисраларда толеъсизлиги жонига кўп озор етказаётганлигидан, қандай иш қилмасин хато бўлиб чиқаётганлигидан нола қилади. Кейинги мисраларда мана шу толеъсизлиги туфайли ўз юртини тарк этишга мажбур бўлишини, Ҳиндистон томон йўналганлигини юзи қаролиқ, хатолиғ эканлигини,

зеро, ўз Ватанидан кетиб, ўзга юртдан бахт излаганлиги учун ҳам юзи қаролиғ дея, таъкидлаган. Бобурнинг Ватанига бўлган муҳаббатининг чексиз эканлигини кузатамиз. Бобур ижодида, айниқса, рубоийларида Ватан, Ватанга бўлган муҳаббатни куйлаш катта ўрин эгаллайди.

Шоир лирикаси турфа хил мавзуларда яратилган бўлса-да, ҳасби-ҳол хусусияти билан бир қаторда, қайд қилинганидек, Ватанни куйлаш, қалбдаги ҳасратларни, алам-у истиробларни, бахт ва бахтизликни акс эттиради. Бир-бирига зид бўлган шоҳлик ва шоирлик темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурда мужассамлашган эди. Ўз даврининг етук шахси, тарих саҳнасида бетакрор из қолдирган ижодкорлик билан узвий бирликда, Ҳинд ўлкасида ҳукумдор сифатида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Шунинг учун ҳам ҳинд халқи билан бир қаторда дунё халқларижуда юксак даражада эъзозлайди.

Буюк симо образини яратиш анъанаси 16-асрлардан бошланган бўлса-да, 20 асрга келиб, янада теранроқ ўз бадиий талқинини топа бошлади. Истеъдодли ижодкор Ойбек “Бобур” номли тугалланмай қолган достонини 60-йиллардаёқ яратишга интилган бўлса, кейинчалик Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Асқар Маҳкам каби ўнлаб ижодкорлар шеъриятда унинг образини яратди. Аммо эпик талқинда Примқул Қодиров “Юлдузли тунлар” романини яратди. Романда Бобурнинг тахт тепасига чиққан даврдан бошлаб, умрининг сўнги лаҳзаларигача бўлган давр талқини ўз ифодасини топган. Асарда тарих ҳақиқати жуда гўзал ифодасини топади. Биргина тарихий факт, ёзувчига ўнлаб саҳифалардаги Бобур руҳиятини, унинг психологиясини, характерини очишга, ёритишга хизмат қилганлигини кузатиш мумкин. Гулбадан Бегимнинг “Ҳумоюннома” асарида қиқа бир жумла бўлиб, у қуйидагича: “У киши касал ётган вақтида подшоҳ ҳазратлари Ҳазрат Муртоза Али (худо унга карам қилсин) мозорига борувчи (кишини) кўришни истадилар. У борувчини чоршанба кунидан (бери) сақлар эди. Ўзлари истироб ва бетоқатлик билан сешанба куни кузатдилар. Ҳаво ниҳоятда иссиқ эди. Дил – жигари куяр эди. Ўша борувчидан, худоё, агар жон бериш мумкин бўлса, менки Бобурмен, умри жонимни Ҳумоюнга бағишлаймен, деб дуво қилишини сўрадилар. Шу кунни ўзидаёқ жаннат макон Ҳазратнинг тоблари қочиб ғолди. Ҳумоюн подшоҳ эса ўз бошларидан сув қуйиб, ташқарига чиқдилар ва кўргани келганларни қабул қилдилар, бодшоҳ бобомнинг касалликлари туфайли ичкарига олиб кирдилар. Яқин икки-уч ой (касал бўлиб) ётиб қолдилар” (Ҳумоюннома-39-бет). Мана шу фактга асосланган ҳолда Бобур шоҳнинг жуда гўзал руҳий оламини талқин этади ва китобхонда унга нисбатан янада кучлироқ меҳрни уйғотади. Романда муаллиф талқинига эътибор қаратайлик: “Ҳазрати олийлари кўп ташвиш чекманг, Парвордигор ғойибдан шифо юборгусидир, - деди. – Табибларданки иш чиқмади, энди худо йўлига дунё молидан тасаддиқ қилмоқ керак. Бобур шайхулисломнинг гапига тушинолмай: - Қайси молдин? – деб сўради.

- Жон омон бўлса, жавоҳир топилур. Ўшал... ашхас олмос яхши тасаддуқ бўлғай. Бобур жамна устида ўтирганда Ҳумоюн келтириб кўрсатган олмосни эслади. – Кўҳинурними? Шайхулислом тасдиқ маъносида бош ирғади. Бобур ҳушини бир жойга йиғиб: Тақсир, кимга тасаддиқ қилайлик? – деб сўради... – Муртоза Али мозорига, - деди. Дин йўлига. – Тақсир, назарингизда ўшал олмос

азизми ёки менинг жоним азиз?.. – Ундоқ олмосларнинг юзтасидан сизнинг бир мўйингиз азизроқдир! – Миннатдормен! Ундоқ бўлса, мен Ҳумоюнга жаҳондаги барча олмослардан ҳам азизроқ нарсамни қурбон қилмоқчимен. Фақат бу қурбонни сизи бизга ўхшаган бандалари эмас, зарур бўлса, Парвардигорни ўзи олсин!.. Э, Парвардигор! Деб илтижо қилди. Менки Бобурмен, агар жон бериш мумкин бўлса, умри жонимни Ҳумоюнга қурбон қилдим! Азройил менинг жонимни олсину худо Ҳумоюнга шифо берсин!”

Ҳар икки асарда ҳам Бобур ўғлига келган оғир дардни, яъни ажални ўзига олади. Тарихий манбадаги факт ижодкор фантазиясининг талқинига асос бўлади. Чунки Бобуршоҳ фарзанди Ҳумоюнга Кўҳинурдан ҳам азиз жонини фидо қилади. Бу талқинларнинг замирида ўғлининг соғайиб кетишигина эмас, балки – эртасини ҳам сақлаб қолиш, шайхулислом каби дин пешволаридан бир умр асраб қолади. Бу эса Бобурнинг донишмандлигидан, инсонийлигини буюклигидан, жумрадлигидан, фидоийлигидан – энг асосийси меҳрибон ота эканлигидан далолат беради.

Ахир, тожу тахт учун Абдулатиф Мирзо отаси Мирзо Улуғбекнинг ўлимига сабабчи бўлган, Ҳусайн Мирзодек ҳукмдор ўз неварасини қатл қилиш фармонига имзо чеккан буюк бир авлоднинг типик вакили сифатида Бобур шоҳ мутлоқ ўз оиласининг метин иродали шахси эканлигини тарихда жуда кўп бор исботлаган. Бундай етук инсоний фазилатга эга инсонни шунинг учун ҳам дунё халқлари эъзозлаши бежиз эмаслигини, биз авлодлар эса асосли хулосалар чиқаришимиз зарурдир.

Адабиётлар:

1.Nasirov A.N. Badiiylik va hayotiy haqiqat. – Turkiya, Istanbul, “Kesit” nashriyoti, 2019. – B.140.
2.Джаврлал Неру. Открытии Индии. –Москва, Политздат,1989.–460стр.
3.Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент, “Фан” нашриёти, 1960. – 514 бет.
4.Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. – Тошкент, “Фан” нашриёти, 1996. – 728 бет.
5.Nasirov A. ***Artistic chronotope interpretion in Odil Yakubov’s novels //*** Academicia: An Internatioonal multidisciplinary Research journal ISSN222-49-7137. Impact Faktor SJIF 2020: 7.13. Str. 498-501.
6.Nasirov A. ***Ard conflict in the novel “Rebellion and obedience” by Ukugbek Hamdam //*** Science, Research, Development // 32. // 2. Berlin 30.08. 2020 – 31. 08. “Diomond trading tour”. 2020. ISBN: 978-66401-65-5. 208-211 – str.

“BOBURNOMA” ASARINING IJTIMOIY-MA’RIFIY AHAMIYATI

Cho‘liyeva Vasila Erkinovna
O‘zbekiston, Navoiy davlat pedagogika instituti
falsafa fanlari doktori (DSc), dotsent
Navoiy shahar, Ibn Sino ko‘chasi, 45-uy
vasila7646@mail.ru

Аннотация: В данной статье говорится о научном наследии Захириддина Мухаммада Бабура, человека, внесшего значительный вклад в развитие государственного управления и развитие литературы и культуры, в частности, о социально-воспитательном значении произведения «Бобурнаме». «Бобурнаме» — историко-мемориальный труд, при чтении которого мы получаем важные

сведения о ряде исторических личностей и исторических событий, которые были современниками Бабура.

Аннотация: Бұл мақалада мемлекеттік басқару саласының дамуына және әдебиет пен мәдениеттің дамуына зор үлес қосқан тұлға Захириддин Мұхаммед Бабырдың ғылыми мұрасы, атап айтқанда, «Бобурнома» еңбегінің әлеуметтік-ағартушылық мәні туралы сөз болады. «Бобурнома» тарихи-мемориалдық шығарма, бұл шығарманы оқу барысында Бабырмен замандас болған бірқатар тарихи тұлғалар мен тарихи оқиғалар туралы маңызды мәліметтер аламыз.

Ключевые слова: политическая деятельность, социализация, культура, просвещение, справедливость, мемуар.

Түйін сөздер: саяси қызмет, әлеуметтену, мәдениет, ағарту, әділет, мемуар.

O‘zbek xalqi o‘tmishda o‘tgan ko‘plab buyuk daholari bilan haqli ravishda faxrlansa arziydi. Ularning ko‘plari nafaqat o‘z diyorida, balki dunyoning ko‘plab mamlakatlarida ma’lum va mashhurdirlar. Ana shunday mo‘’tabar zotlardan biri Zahiriddin Muhammad Bobur hisoblanadi.

Hayotda xorlik va zorlikni, shon-shavkat va tantanani keragidan ortiq tortgan bu nozikta’b shaxs yirik davlat arbobi bo‘lishi barobarida yetuk shoir, iste’dodli tarixnavis hamda barkamol olim sifatida ham tarixda nom qoldirgan. Javoharla’l Neru ta’biri bilan aytganda: “Bobur – dilbar shaxs. Uyg’onish davrining tipik hukmdori, jasur va tadbirkor kishi bo‘lgan. U san’atni, adabiyotni sevar, hayotdan zavqlanishni yaxshi ko‘rardi”.

Zahiriddin Muhammad Bobur o‘zbek madaniyati va adabiyotining ulkan arbobidir. U fors va arab tillarini puxta egallagan, she’riyat, tarix, falsafa, adabiyotshunoslik, tilshunoslik, musiqa va boshqa sohalarda muntazam faoliyat olib borgan.

Mirzo Boburning nomini jahonga mashhur qilgan shoh asari “Boburnoma”dir. “Boburnoma” tarixiy-memorial asar bo‘lib, biz bu asarni o‘qish davomida Bobur bilan zamondosh bo‘lgan bir qator tarixiy shaxslar va tarixiy voqealar haqida muhim ma’lumotlarga ega bo‘lamiz. Bu kitobda 1605 ta tarixiy va o‘zi bilan zamondash bo‘lgan shaxslar haqida ma’lumotlar berilgan. Shuningdek, 1151 ta geografik joy nomlari, 277 ta qavm va urug’, 414 ta hayvon va o‘simliklar xususida to‘xtalib o‘tilgan. Turli davrlarda yozilgan 40 ta kitob nomi ham tilga olib o‘tilgan. “Boburnoma”ning badiiy qiymati va tarixiy ahamiyati shundan iboratki, Zahiriddin Muhammad Bobur tarixiy voqealarni bayon etish bilangina cheklanmaydi, balki voqealar sodir bo‘layotgan sharoit manzarasini, tarixiy shaxslarning qiyofasi va xulqini, tabiat lavhalarini batafsil tasvirlaydi, turli sarguzashtlar, rivoyat va latifalarni jozibador badiiy uslubda hikoya qiladi.

“Boburnoma”da bir necha yuzlab tarixiy shaxslarga tavsif beriladi, ularning faoliyati, sarguzashtlari tasvirlanadi. Bular shohlar, hokimlar, amaldorlar, lashkarboshilar, din-shariat arboblari, askarlar, olimlar, shoirlar, san’atkorlar va boshqa turli soha vakillaridir. Ularning jamiyatda tutgan o‘rni, maqsad va manfaatlari, siyosiy faoliyati, xulq-atvori, hatti-harakatlari turlicha bo‘lgan shaxslardir. Bobur voqealar ishtirokchilarini tasvirlayotganda mana shu jihatlarning hammasiga e’tibor qaratadi, insonlarning takrorlanmas, faqat ularning o‘zigagina xos xususiyatlariga e’tibor

qaratib, tarixiy haqiqatga to‘la rioya qilgan holda qalam surgan. Bobur tarixiy shaxslarga, hatto o‘ziga dushman kishilarga ham beg’araz munosabatda bo‘lib, ular haqida xolis ma’lumot beradi, faoliyatlari va fe’l-atvorlaridagi kamchiliklarni yaqqol ko‘rsatadi. Muhimi shundaki, u tarixiy shaxslarga mamlakat taraqqiyoti, obodonchilik ishlarida, fan, adabiyot va san’atni yanada rivojlantirishda ko‘rsatgan xizmatlariga qarab baho beradi. Zahiriddin Muhammad Bobur voqealarning rivojida muhim o‘rin tutgan Umarshayx Mirzo, Husayn Boyqaro, Sulton Ahmad mirzo, Xisravshoh kabi tarixiy shaxslarning faoliyati va amalga oshirgan ishlarini bayon etish bilan birga, ularning shakl-shamoyili, nasl-nasabi, ma’naviy qiyofasi, xislati, xulq-atvori, yon-atrofdagi kishilarga bo‘lgan munosabati, madaniy saviyasi va boshqa jihatlarini ham e’tibordan chetda qoldirmaydi. Mirzo Bobur ularning ta’rifi va tavsifini bir joyga to‘plab, mujassamlashtirib beradi va shu bilan birga voqealar rivojini bayon qilishda badiiy uslubdan keng foydalanadi. Shu jihatdan u tarixiy shaxslarning barchasiga ta’rif berishda adolat va odillik nuqtai nazaridan yondashadai, ya’ni, ba’zilarining jasoratlaridan nihoyatda mamnun ekanligini yozsa, ba’zilaridan ranjiydi, g’azablanadi, ammo shu bilan birga ularning ijobiy tomonlarini ham qayd etib boradi. Ahmad Hojibek, darvesh Muhammad Tarxon, Ulug’bek, Alisher Navoiy, Sulton Ali Mashhadiy, Behzod va boshqa bir qator tarixiy shaxslarning ijobiy fe’l-atvorlariga Mirzo Bobur o‘zining bu memuar asarida bir necha bor to‘xtalib o‘tadi. Muallif otasi Umarshayx Mirzoning halokati haqida ma’lumot berganidan keyin, kitobxonni bu shaxs bilan kengroq va to‘liqroq tanishtirishga o‘tadi.

“Boburnoma”da Sulton Husayn Boyqaro haqida ham bir qancha tarixiy ma’lumotlar berib o‘tilib, uning saltanati, shon-shavkati, maishiy hayoti, saroy ahllari, san’at va adabiyotga bo‘lgan ixlosi va iste’dodi hamda boshqa jihatlari bilan Umarshayx Mirzodan katta farq qilishini ta’kidlab o‘tadi.

Mirzo Ulug’bekni buyuk donishmand sifatida ta’riflagan Bobur, uning padarkush o‘g’li Abdullatifni qattiq la’natlaydi.

“Boburnoma”da tasvirlangan Uzun Hasan, Ahmad Tanbal, Vali, Ali Do‘st kabilarning bema’ni hatti-harakati va fitna-fasodlari aniq dalillar bilan fosh etilgan.

“Boburnoma” da ilm-fan, san’at va adabiyot vakillariga ham katta o‘rin berilgan. Zahiriddin Muhammad Bobur Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, Binoiy, Muhammad Solih, Hiloliy, Sayfi Buxoriy, Mir Husayn Muammoiy, Shayxim Suhayliy, Yusuf Badeiy, Ahmad Hojibek, Kamoliddin Behzod, Sulton Ali, Hoja Abdullo Marvoriy, Shoh Muzaffar, G'ulom Shodiy, Husayn Udiy kabi bir qator shoirlar va san’atkorlar haqida ma’lumot beradi, ularning ijodini yuksak darajada e’tirof etib, asarlaridan namunalar keltiradi, ba’zan hayoti, faoliyati yoki shaxsiy sifatlari haqida ham qiziqarli ma’lumotlar berib boradi. “Boburnoma” asari o‘‘tmishda yashab o‘tgan mazkur shaxslarning hayoti va faoliyatini tadqiq etishda, ularning ijtimoiy-madaniy hayotdagi o‘rnini belgilashda juda ahamiyatlidir. Masalan, Mirzo Bobur ulug’ o‘zbek shoiri va mutaffakiri Alisher Navoiyning asarlariga yuksak baho berib, uning ilm-fan, san’at va adabiyot ahliga homiyligini alohida ta’kidlaydi. Alisher Navoiyning Husayn Boyqaro bilan uning o‘g’illari o‘rtasidagi ba’zi kelishmovchiliklarni bartaraf qilishda donishmandlik va tadbirkorlik bilan olib borgan ishlarini bayon qiladi. Ularning muvaffaqiyatlarini qayd etish bilan birga, ayrim kamchiliklarini ham ta’kidlab o‘tadi.

Zahiriddin Muhammad Bobur bir qator tarixiy qahramonlarning biror muhim xususiyati yoki xislatini tasvirlash bilan ham kitobxonning koʻz oʻngida turli kishilarni gavdalantirishga erishadi. Masalan, Oʻshga qilgan safari xotiralarida shaxmat oʻynashda tengsiz boʻlgan Mir Mumtoz va Zunnun ismli yigitlarni juda xurramlik bilan ta’riflaydi. Bobur Hindistonga qilgan janglari haqida soʻzlar ekan, mag’lub boʻlishi aniq boʻlib qolgan bir toʻda hind askarlarining asir tushishdan koʻra oʻlimni afzal bilgani, biri qilich koʻtarib, boshqalari birin-ketin boʻynini tutib bergani va hammalari mardona halok boʻlganini juda ta’sirchan qilib bayon qilgan.

“Boburnoma”ning yana bir muhim jihati shundaki, bu asarda Mirzo Bobur qaysi mamlakat, vodiyda yuz berayotgan tarixiy voqealar haqida soʻz yuritar ekan, avvalo, oʻquvchiga oʻsha joyning geografik joylashishi, tabiati, iqlimi, hayvonot va nabotot olami, oʻsimliklar dunyosi, qazilma boyliklari, tarixiy yodgorliklari, iqtisodiy va madaniy hayoti haqida atroflicha ma’lumot beradi. Ana shunday ma’lumotlarni Farg’ona vodiysi, Samarqand viloyati, Afg’oniston va Hindiston mamlakatlariga bag’ishlangan boʻlimlarida uchratamiz.

Zahiriddin Muhammad Bobur 47 yillik qisqa umri davomida juda koʻp sargardonlikni, xorlikni, yaqinlarining xiyonatini boshdan kechirgan. Mirzo Bobur bilan bir safda boʻlgan Sulton Ahmad Tanbalning janggohda uni tashlab qochishi, Axsida qoldirilgan Uzun Hasaning xiyonati, yana bir ishongani Ali Do'st Tag’oiyning Samarqandni xiyonatchilarga topshirgani Boburga kuchli ruhiy zarba boʻlganligini iztirob bilan yozib qoldirgan. Vatan ishqi, ona yurt tuprog’ining sog’inchi Boburni bir lahza boʻlsin tinch qoʻymaydi. Serqirra sarkarda va lashkarboshi, shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asari bizga oʻtmishimizdan, Temuriylar tarixidan muhim va ishonchli ma’lumotlar beruvchi noyob durdona asar hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1.Karimov. “Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir” Toshkent. O’zbekiston-1996 y
2.F. Is’hoqov .“Boburnoma” uchun qisqacha izohli lug’at Andijon-2008 y
3.X. Qudratullayev. “Bobur armoni” Toshkent. Sharq-2009 y
4.A.Qayumov. “Zahriddin Muhammad Bobur” Toshkent. “Fan“ nashriyoti-2008 y
5.X. Davron. “Samarqand xayoli” 1,2,3- qismlar Samarqand. 1995 y

БОБУР ҒАЗАЛЛАРИДА МЕТАФОРАЛАР

Юлдашева Дилором Нигматовна,
Бухоро давлат университети профессори,
п.ф.номзоди yuldasheva21dilorom@gmail.com **Ўзбекистон**
Наралиева Шахло Джамаловна
Жумабек Ташенев номли университет катта ўқитувчиси, п.ф.б.ф.д (PhD)

Аннотация. Мазкур мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларида қўлланилган анъанавий ҳамда индивидуал метафоралар аниқланган ва таҳлилга тортилган. Сўзда маъно кўчишининг бир тури бўлган метафоралар шоир ғазалларининг ўқимишли ва жозибадор бўлишини, сўз латофатининг жилваланишини таъминлай олган.

Калит сўзлар: Бобур ғазаллари, метафора, анъанавий метафора, индивидуал метафора, сўз латофати

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың ғазалдарында қолданылған дәстүрлі және жеке метафоралар анықталып, талданады. Сөздегі мағынаны жеткізудің тәсілі болып табылатын метафоралар ақын ғазалдарының тәрбиелілігі мен тартымдылығын, сөз игілігінің нұрлылығын қамтамасыз ете алады.

Тірек сөздер: Бабыр ғазалдары, теңеу, дәстүрлі теңеулер, жеке теңеулер, сөз талғампаздығы.

Аннотация. В данной статье выявляются и анализируются традиционные и индивидуальные метафоры, использованные в газелях Захириддина Мухаммада Бабура. Метафоры, являющиеся видом передачи смысла словами, могут обеспечить образованность и привлекательность газелей поэта, сияние изящества слов.

Ключевые слова: газели Бабура, метафоры, традиционные метафоры, индивидуальные метафоры, изящество слов.

Кўчим (троп) бирор нарса ёки ҳодисани ифодалаш учун сўз ёки сўз бирикмаларининг ўз маъносидан бошқа маънода қўлланишини англатувчи тушунча эканлиги аён. Кўчма маънода қўлланилган сўзнинг ўз ва кўчма маъносининг муносабати ҳамда уларнинг нарса ёки воқеликка бўлган муносабатига қараб кўчимлар бир неча турларга бўлинади. Улардан энг асосийлари: метафора, метонимия, синекдохадир.

Бизнинг онгимизда қандайдир хусусиятлари, белгилари билан бир-бирига яқин бўлган икки нарса ёки ҳодисани чоғиштириш, ўхшатиш тропларга асос қилиниб олинади. Бошқача айтганда, бирор нарса ёки воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун унга бошқа бирор нарса ёки воқеанинг белгиси кўчирилади, ўхшатилади. Кўчим умуман тилга хос ҳодиса бўлиб, у сўзнинг қўлланиш доирасини, унинг маъно товланишларини бойитади. Шунинг учун кўчимларнинг бадиий нутқда ишлатилиши ифодалиликни, таъсирчанликни оширишга, тасвирланаётган воқеа-ҳодисани равшанроқ баҳолашга ёрдам беради [2,320].

Кўчимлар одатда, иккига: содда ва мураккаб кўчимларга бўлинади. Ўхшатиш, сифатлаш кабилар содда кўчимлар, метафора, метонимия синекдоха, жонлантириш, рамз кабилар эса мураккаб кўчимлардир.

Содда кўчимларда бир нарсанинг бирор сифати таъкидлаб кўрсатилади ёки иккинчи бир нарсанинг бирор белгисига ўхшатилади. Мураккаб кўчимларда эса бирор нарса иккинчи бир нарса орқали ифодаланади, жонсиз нарса жонлидай тасвирланади. Шунингдек, содда метафоралар бир лексик маъно англатувчи (содда, ясама, қўшма, жуфт) сўз ва иборалардан ташкил топса, мураккаб метафоралар икки ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топади.

Кўчимнинг бир тури рамз (символ) метафоранинг бир кўриниши бўлиб, шартли равишда кўчма маънода қўлланиладиган сўз бирикмаси, расм, предметни англатади. Бошқача айтганда, рамзлар образли тафаккур қилишнинг кўринишларидан бири бўлиб, бадиий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз

ёки сўзлар бирикмасидир. Шубҳасиз, кўчма маънода ишлатиладиган бундай сўз ёки бирикмалар ўзларининг қандайдир хусусиятлари билан тасвирланаётган ҳаётий воқеа ва тушунчаларни эслатиб туриши, бири иккинчисига маълум даражада ўхшаб туриши лозим. Улар орқали фикр юритиш жадид шеъриятида кўп учрайди. Чунончи, қуёш – эрк, истиқлол, тун – ҳасрат, маърифатсизлик рамзи.

Кўчим тилга хос ҳодиса бўлиб, у сўзнинг қўлланиш доирасини, унинг маъно товланишларини бойитади. Шунинг учун кўчимларнинг бадиий нутқда ишлатилиши ифодалиликни, таъсирчанликни оширишга, тасвирланаётган воқеа-ҳодисани равшанроқ баҳолашга ёрдам беради.

Бирор предметга баҳо бериш, чоғиштириш, ўхшаш томонларини топиш, мана шу топилган (аниқланган) предмет ёки ҳодиса билан ўртоқлашиш хусусияти бадиий ижоддаги тасвир воситаларидан бири бўлган метафорани келтириб чиқарди. Бадиий тафаккур ҳамиша янгилик топиш йўлида иш олиб боради. Метафора мана шу янгиликка элтувчи йўлдир.

Истеъдодли шоир З.М.Бобур ўхшатиш, муболаға, киноя, метонимия, синекдоха каби тасвирий воситалар билан бир қаторда метафоралардан ҳам самарали фойдаланган, уларни ўрни ва меъёрида қўллашга эришган. Шоир ғазалларида мумтоз адабиётда анча кенг истеъмолда бўлган *ой, гул, кўз* каби метафоралар кўп учрайди. Жумладан,

*Ғурбатда ул **ой** ҳажри мени пир қилибдур,*
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибдур

ёки

*Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул **қуёш**,*
Эмди тургузмак учун меҳри вафоси қолдиму?!

Мазкур ўринларда *ой, қуёш* метафоралари гўзал ёр, париваш ёки севилган машуқа маъноларида қўлланилган ва ошиқнинг унга ета олмаслигини (кишининг ойга ёки қуёшга қўли етмагани каби) ифодалаш учун *ой, қуёш* лексемаларидан фойдаланган.

Бобур “Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим” матлали ғазалининг иккинчи байтида шундай ёзади:

*Сен, эй **гул**, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,*
Аёғингға тушиб барги хазондек мунча ёлвордим.

Мазкур байтда *гул* метафораси қўлланилган. Ижодкор ҳар иккала содда метафорадан ўз фикрларини яққол ифодалаш, мақсад-ниятини аниқ англатиш, образ, манзара ва лавҳаларни гўзал тарзда билдириш воситаси сифатида фойдаланган. Метафораларнинг образли тасвирлаш, коннотатив маъно, экспрессивлик ифодалаш каби хусусиятлари ғазал байтларида ғоя, ҳис-туйғу, моҳият-мазмунни ёрқин, ихчам, таъсирчан тарзда етказиб бериш имконини бера олган.

Шоирнинг “Сочинг” радифли ғазалида шундай байт бор:

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Байтдаги *жунун мулки, жунун аҳли, нисори ашк* бирликлари шоирнинг индивидуал, айни пайтда, мураккаб тузилишли метафораларидир.

Маълумки, *жунун* сўзи арабча сўз бўлиб жиннилик, ақлдан озганлик маъноларини ифодалайди. *Мулк* сўзи ҳам араб тилидан олинган бўлиб мол-дунё, бойлик маъноларини, *аҳл* сўзи арабчадан ўзлашиб аҳоли, халқ маъноларини англатади. Демак, "телбалик мол-дунёси", "телбалик халқи"ни, яна "нисори ашк", яъни аччиқ кўз ёшларимни сочларинг устидан сочмоқ менга муяссар бўлди (насиб этди)" дейилган байтда бетакрор метафоралар қўлланилган.

Яна бир мисол. Шоирнинг "Керак" радифли ғазалида шундай байт учрайди:

Айшу тараб гулбуниға сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Байтдаги "*айшу тараб гулбуни"*, яъни айш-ишрат гулбоғи мураккаб тузилишли метафорани юзага келтирган. Худди шунингдек, байтнинг кейинги мисрасидаги "*ғусса ниҳоли*" метафораси ҳам ўзига хос, оргиналлик касб этган бўлиб, у ҳам шоир ижодига хос индивидуал метафоралар сирасини кенгайтиради ва ўқувчи учун янгича ифода руҳини беради.

Бобурнинг "Сенинг ишқингда, эй номеҳрибон, бехонумон бўлдим" матлали ғазалида ҳам гўзал метафораларни кузатиш мумкин. Жумладан,

Лабинг гар бермаса бўса нечук жон элта олғаймен,
*Бу йўлдаким, **адам саҳроси**ға эмди равон бўлдум.*

ёки

*Сўруб ул **ой лаби**дин оғзининг рамзини англадим,*
Бир оғиз сўз била кўрунгки мунча хўрдадон бўлдум.
Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсаттим,
*Вале охир **маломат ўқлари**ға ўқ-нишон бўлдум.*
...Висолинг давлатиға етмасам Бобур киби, не тонг,
*Ки **ҳажринг меҳнати**да асру зору нотавон бўлдум.*

Мисралар таркибидаги ***адам саҳроси*** (йўқлик саҳроси), ***ой лаби*** (маъшуқанинг лаби), ***маломат ўқлари*** (маломат гап-сўзлари), ***ҳажринг меҳнати*** (сенсизлик машаққати) каби мураккаб тузилишли метафорик образлардан ижодкор гўзал бадиий лавҳалар яратишда самарали фойдаланган.

Шоир ғазалларида ***хаста кўнглим*** ("*Хаста кўнглим чекмаган дарди балоси қолдиму?!*"), ***шикаста кўнгул*** ("*Сочинг шикастида бордир шикаста кўнгуллар...*"), ***оламнинг сафоси*** ("*Тенгри учун де бу оламнинг сафоси қолдиму?!*"), ***уйқулуқ бахт*** ("*Не хуш бўлғайким, бу кун уйқулуқ бахтимни уйғотсам...*"), ***сочининг савдоси*** ("*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна...*"), ***май ҳавоси*** ("*Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда, Аёқ тут менга, соқийки, хуш ҳавоедур*"), ***ғам черики*** ("Ғам черики беҳаддур, чораси будур Бобур") каби бетакрор метафоралар ҳам учрайдики, уларнинг аксарияти ижодкорнинг индивидуал метафоралари саналади.

Миллий маданиятимиз, адабий-бадиий тафаккуримиз тараққиёти тарихида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг алоҳида ўрни бор. У бой мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналари яралишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган ижодкордир. Шоир ғазалларининг эътиборли жиҳати шундаки, биринчидан, уларнинг моҳият-мазмунига юксак инсонийлик туйғулари, пок муҳаббат, гўзалликни чуқур англай олиш хусусиятлари сингдирилган бўлса, иккинчидан, улар халқ тилига яқин, рангдор ифода воситалари асосида ёзилган. Чунончи, поэтик нутқнинг тасвирийлиги ва таъсирчанлигини таъминлашга

кўмаклашадиган воситаларнинг муҳимларидан бири метафоралар кенг ҳамда санъаткорона истифода этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бобур” Мухтасар. Тошкент, 1971, 119 с.
2. Бобур ғазаллари// https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/zahiriddin-muhammad-bobur-14-02-1483-26-12-1530.html
3. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент.: Ўқитувчи, 1979.

«БОБУРНОМА» – САЁҲАТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИДА НОЁБ ЁДГОРЛИК

Жамилова Башорат Сатторовна,
Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори.
jamilova68@mail.ru
Севинч Бердиёрова,
БухДУ, Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар таълим йўналиши, 2-босқич талабаси.

Аннотация: мақолада “Бобурнома”нинг кўпгина фанлар, жумладан журналистика соҳасидаги янги йўналиш саёҳат журналистикаси учун ҳам ноёб манба эканлиги, шу муносабат билан жаҳонга машҳур бу асарнинг ва унинг муаллифи фаолиятига яна бир ўзига хос ракурсдан ёндашиш жоизлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар:журналистика, травэл, тасвир, кундалик, саёҳатнома, реалистик, ахборот, ижтимоий, сиёсий, географик, этник, медиа, ОАВ.

Аннотация: мақалада «Бобурноманың» көптеген ғылым салаларының, соның ішінде саяхат журналистикасының бірегей дереккөзі, журналистика саласындағы жаңа бағыт екендігі және осы орайда әлемге әйгілі бұл шығарманың жұмысына жақындауға болатындығы сөз болады. және оның авторы басқа ерекше бұрыштан.

Түйін сөздер: журналистика, саяхат, сурет, күнделік, саяхатнама, реалистік, ақпараттық, әлеуметтік, саяси, географиялық, этникалық, БАҚ.

Аннотация: в статье рассматривается тот факт, что «Бобурнома» является уникальным источником по многим дисциплинам, в том числе и по тревел-журналистике, новому направлению в области журналистики, и в связи с этим

допустимо подходить к творчеству этого всемирно известного произведения и его автора с другого уникального ракурса.

Ключевые слова: журналистика, путешествие, образ, дневник, путеводитель, реалистический, информационный, социальный, политический, географический, этнический, медиа, средства массовой информации.

Илм-фан, тарих ва адабиёт, саёҳат ва сиёсат ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётини белгиловчи омиллардан ҳисобланган. Шарқ ана шу омилларнинг бешиги эканлиги билан шуҳрат қозонди. Ўрта асрлардаёқ ривожланишнинг юксак кўринишлари Мовароуннаҳрдан бошланганига энг қадимги адабий ёдгорликлар гувоҳлик беради, албатта!

Туркий халқлар тараққиётида абадиятга мансуб буюк фарзандлари, асарлари мавжудлиги тарихдан маълум. Шундай буюк шахслардан бири 540 йиллиги кенг нишонланаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Беш асрки шоҳ ва шоирнинг асарлари жаҳон олимларининг тадқиқот марказида бўлиб келмоқда. Таъкидланишича, кишилик тарихида Бобурчалик иқтидор ва фазилатлари беқиёс кишилар жуда кам учрайди. Дарҳақиқат, унинг назариётчи адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида йигирмадан ортиқ фаолият ҳамда ижод соҳиби эканлиги биргина „Бобурнома“данок яққол англашилади. Ғарб олимлари тўғри таъкидлаганидек, шу сабабли бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунаси сифатида баҳоланади.

Бинобарин, XXI асрда “Бобурнома” янги фанлар, соҳалар, миллий ва халқаро қадриятлар, ҳамкорликлар нуқтаи назаридан ҳам кенгроқ ўрганилиб, аҳамияти янада юксалмоқда дейиш мумкин. Жумладан, бугун олий таълимнинг туризм, халқаро ва саёҳат журналистикаси, қишлоқ хўжалиги, география каби таълим йўналишларида “Бобурнома”дан фундаментал манба сифатида фойдаланиш ғоят муҳим.

Жумладан, журналистикада “Трэвел-журналистика (инг. travel journalism)-саёҳат журналистикаси бир асрдан ортиқроқ тарихга эга ўзбек журналистикаси учун янги ҳодиса. Бу эндиликда оммавий медианинг алоҳида жанрини белгилаб, муаллифнинг бирор мамлакатга қилган саёҳати асосида у жойнинг географияси, тарихи, маданияти, саёҳлик фаолияти аниқ маълумотлар, видео, фототасвирлар орқали батафсил акс эттиради[69].

Дарҳақиқат, рус олимлари трэвел журналистика тарихи ҳақида фикр юритиб, унинг йўл очерклари, кундаликлар тарзидаги ёзишмалар сифатида Ғарбда XVIII-XIX асрлардан бошланганини эътироф этадилар.[70] Хусусан, йўл очеркининг замонавий кўринишдаги саёҳатномалар инглиз, француз, немис адибларининг Италияга, Яқин Шарққа, Мисрга қилган саёҳатларига оид ёзишмалари мисол тариқасида келтирилган. Россияда эса Н.М.Карамзиннинг “Петербургдан Москвага”, А.С.Пушкиннинг “Арзрумга саёҳат” ва бошқа қатор

[69] Кокорина Н. Трэвел-журналистика: путешествие как профессия. https://investigator.org.ua/en/articles/83853/

[70] Кривцов Н.В· Трэвел-журналистика: специфика направления и его проблемы. Вопросы теории и практики журналистики. 2017. Т. 6. № 3. –Стр.352. https://cyberleninka.ru/article/n/trevel-zhurnalistika-spetsifika-napravleniya-i-ego-problemy

адибларнинг турли мамлакатларга саёҳатлари асосида битилган журналистик, бадиий ижодлари шу муносабат билан хотирга олинган.

Ўзбек адабиётида ҳам бу анъана ривожига 19-асрда Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Авлоний сингари адибларимиз ўз саёҳатномалари билан катта ҳисса қўшганликлари маълум.

“Бобурнома” эса Ғарбу Шарқда бу йўналишнинг илк фундаментал тарихий намунаси сифатида эътирофга лойиқ. Биз айнан саёҳат журналистикаси билан боғлаб ўрганишимиз балки дастлабки уриниш сифатида эътироз уйғотиши мумкиндир. Аммо аён ҳақиқат шуки, юқорида номлари зикр этилган муаллифларнинг саёҳат хотиралари кўпроқ бадиий адабиётга хос бўлиб, уларда бадиий тасвир етакчилик қилади, шунингдек, уларда ҳажв, киноя, муболағадан кенг фойдаланилади.

Саёҳат журналистикаси эса оммавий ахборот воситаларининг тури, шаклидан қатъий назар қуйидаги муҳим хусусиятларни ўзида намоён қилади:
1) маърифий-маданий: у ёки бу мамлакат ҳақида, шаҳар ва қишлоқлари, халқи, урф-одатлари ҳақида кенгқамровли ҳикоя қиладиган минтақавий тадқиқотлар; 2)кўнгилочар саёҳатлар тафсилоти – “диван саёҳати”; 3) саёҳатга рағбатлантирувчи, мотивация уйғотувчи – ўқувчини маълум бир сайёҳлик агентлиги орқали саёҳатга чорлаш; 4) соф тарғибот– у ёки бу меҳмонхона, ресторанлар рекламаси; 5) таҳлилий, бирор бир соҳага ихтисослашган(бозор, нарх-наво, сайёҳлик дастурлари, ва ҳ.к)

Таъбир жоиз бўлса, “Бобурнома”да бу хусусиятларнинг барчаси мужассам дейиш мумкин. Негаки, у энг аввало ҳақиқатан бир нечта мамлакатлар ҳақида кенгқамровли маълумот бера оладиган минтақашунослик тадқиқотларининг жамланмасидир. Яъни биргина, Мовароуннаҳр эмас, Хуросон, Ҳиндистон каби йирик мамлакатларнинг энг катта ва кичик шаҳарларининг жойлашув ўрни, одамлари, мевалари, ҳайвонлар, ош-овқатлари, урф одатлари ҳақида яхлит маълумот бера олади. Шу жиҳатдан у чинакам маърифий-маданий асар дейишга асосли. Чунончи, асар 1494 йил воқеалари – Бобурнинг 12 ёшида Фарғона вилоятида тахтга ўтириш тафсилоти билан бошланиб, у ҳақда изчил маълумот берилади: “Фарғона вилояти бешинчи иқлимдадир. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг чегараси – тоғлар, шимолида илгарилар Олмолиқ, Олмоту ва Янги сингари шаҳарлар бўлган экан, уни китобларда Ўтрор деб ёзадилар, мўғул ва ўзбаклар юришлари туфайли ҳозирги пайтда бузилиб кетган, асло ободонлик асари қолмаган. Кичик вилоятдир, ғалла ва меваси фаровон. Теварак-атрофи тоғлар билан ўралган. Ғарбий тарафида, яъни Самарқанд ва Хўжанд томонида тоғ йўқ”[71]. Бобур мазкур вилоят атрофидаги Андижон, Ўш, Марғинон, Хўжанд, Косон, Исфара каби шаҳарларини ҳам шундай жойлашиш ўрни, дарё ва сойлари, мева ва номдор экинлари ҳақида маълумот бергач, отаси Умаршайх мирзо, унинг шакл-шамойили, феъл-атвори, насаби ва фарзандлари, подшоҳлиги ҳамда жанглари – хуллас ҳар бири ҳақида батафсил маълумот беради.

Бу каби тавсифлар кўпчилик китобхонларга таниш бўлса-да, Бобурнинг ҳар бир далилни реалистик акс эттириши, таърифлаётган мамлакат ёки шаҳарнинг

[71] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2008. –Б.29. (бундан кейинги иқтибослар шу манбадан олинган бўлиб, ёнида саҳифаси кўрсатилади.)

бутун манзараси-ю, меваларигача акс эттириши саёҳат журналистикасининг қолган турларини ҳам бемалол қамраб олганидан далолат беради. Яъни, кўнгилочар саёҳатномалар, соф реклама, бирор соҳанинг, кенгқамровли таҳлилига бағишланган маълумотларни кузатиш мумкин. Масалан, Кобул мамлакати таърифида овчилик усулларига кенг тўхталгани эътиборни тортади. Кобулда қуш тутиладиган жойлар, айниқса Борон дарёси соҳилида ўрдак кўп келиши, ундан кейин турна ва қарқара, йирик қушлар беҳад кўплиги, соҳилда турнага чилвир отиб, чилвир билан тутиш усуллари, бундай қуш тутиш усули бошқа жойда учрамаганлиги батафсил айтиб берилиши диққатга лойиқ. Бундан ташқари, қиш чоғи Ламгоно деган жойида ажойиб тарзда балиқ тутиш усули ҳам жуда изчил ҳикоя қилинади. Умуман, Бобур шахсида шу тариқа нафаққат сайёҳ, журналистик иқтидор, балки мутахассис геолог, биолог, тарихчи, географ ва кўплаб ихтисосликлар жамулжамлигидан ҳайратланмай иложимиз йўқ. “Бобурнома”да тилга олинган вилоят ва шаҳарлар миқдорини кўз олдимизга келтирсак, уларнинг ҳар бири ҳақида шу қадар кенг маълумот берилиши, дов-дарахти-ю мевалари, ҳайвонлари-ю қушлари, урф одатлари; подшоҳлар, султонлар, вазирлар, беклар, шоиру олимлар, аҳли аёллар – буларнинг барчасини ўз номи, характер хусусияти, кўриниши, насаби ва ҳоказо тафсилотлар баёни асарнинг қомусий қимматини ошириб келмоқда.

Ҳиндистон тавсифини ўқиган китобхон беш аср илгари бўлса ҳам у жойга саёҳат қилиш мотивацияси пайдо бўлади: “Ҳиндустон биринчи, иккинчи ва учинчи иқлимда жойлашгандир. У тўртинчи иқлимга кирмайди. Жуда ажойиб мамлакатдир. Бизнинг ерларга солиштирганда мутлақо ўзга бир олам. Синд дарёсидан ўтилиши билан еру сувлар, дарахту тошлар, одамлар, йўллар, одатлар – ҳамма-ҳаммаси фақат Ҳиндустоннинг ўзига хосдир”(205-б).

Таъкидлаш жоизки, ёзма иншолар ва саёҳат ёзишмалари имкониятини кенгайтирувчи технологиялар – интернет, турли техник воситалар бугун жуда кўп. Шунингдек, саёҳат қилиш ҳамда у ҳақда маълумот олиш осон. Булар ўз навбатида саёҳат журналистикасининг имкониятларини янада кенгайтиради. Турли шаҳарларга қизиқиш уйғотиши орқали, “саёҳат журналистикаси” термини кириб келди. Натижада, журналистлар орасидан етишиб чиққан профессионал саёҳатчи ёзувчилар, фотограф, видеографлар махсус саёҳат ҳикояларини яратиш билан шуғуллана бошладилар.

“Бобурнома” ҳали ҳеч қандай техник имконият бўлмаган, профессионал сурат олувчи, тасвирга туширувчи камералар, технологиялар бўлмаган бир даврда шу таассуротларнинг барчасини сўз орқали ёрқин манзараларда тасвирлаб, акс эттириб берганлигига гувоҳ бўламиз. бунга асарнинг ҳар бир боби, воқеалар баёни яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, Бобур жуда қисқа умрида абадиятга дахлдор кўп хислатлари ва фаолияти, асарлари билан хотирланади. Асардаги воқеа ҳодисалар муайян маънода унинг қисмат саргузаштларига чамбарчас туташиб кетганлигини, шу сабабли асар билан танишган китобхон “ўсмир Бобурни, йигит шаҳзода Бобурни, ошиқ Бобурни, умрбод жанговар лашкарбоши Бобурни, подшоҳ ва мутафаккир, меҳрибон ота Бобурни, барча зафару маглубиятлари, фазилатларию нуқсонлари билан равшан тасаввурэта олади. Муаллиф „Вақоеъ“(„Бобурнома“)ни ёзгани қўлига қалам олган куни-дан бошлаб воқеа-ҳодисалар талқини ва кишилар

шахсиятига доир фикр-мулоҳаза ва маълумотларнинг фақат ростини ёзишга аҳд қилган: „ Бўлган воқеаларни рост ёзганман. Чунки бу асарда шу нарса лозим топилганки, ҳар сўзнинг рости битилади ва ҳар иш айнан қандай воқеъ бўлган бўлса, шундай айтилади“ (13-б.)

Рост, “Бобурнома” ни турлича ракурслардан ўрганиш жаҳон ва туркий адабиётшуносликда бирдек фаол. Аммо бу нодир асарга “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг онгли ҳаёти ва фаолияти муҳим қисмининг кундаликсимон баёнидир”– дея эътироф этилиши журналистикаси тарихидаги ноёб манбалардан эканлигини асослайди. Бобур бир рубоийсида шундай ёзади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу “Вақоеъ“ни ўқур,билгайким:
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

Чиндан ҳам “Бобурнома”да ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги реал воқе-ҳодисалар, жараёнлар, табиат ва жамиятдаги муносабатлар, асосан эса муаллиф билан боғлиқ кечинмалар теран акс этган. Шу маънода бу асарни барча фанлар учун фундаментал манба сифатида ўрганиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1.Кокорина Н. Трэвел-журналистика: путешествие как профессия. https://investigator.org.ua/en/articles/83853/

2.Кривцов Н.В. Трэвел-журналистика: специфика направления и его проблемы. Вопросы теории и практики журналистики. 2017. Т. 6. № 3. –Стр.352.

3.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2008. –Б.29. (бундан кейинги иқтибослар шу манбадан олинган бўлиб, ёнида саҳифаси кўрсатилади.)

4. Замятин,он Д.за Н.о Географические он образыво путешествийи / во Д.Н.ну Замятинон //он Человек.он –и 2017.

5. Показаньева, И.В. Проблемное поле трэвел-журналистики как явления современного медиапространства / И.В. Показаньева. // Медиаскоп. – 2013.

“БОБУРНОМА”ДАГИ ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАСВИРИ ЖАДИД АДИБЛАР ТАЛҚИНИДА

Муқаддас Тожибоева, Ўзбекистон Андижон давлат университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари доктори
+998 90258 25 04 таджибаевамукаддас71@rmail.com

Аннотация. “Бобурнома” тарихий-бадиий насрнинг юксак намунасидир. Асардаги тарихий воқеалар ифодаси, ҳукмдорлар, саройдаги мартабали шахслар, илм аҳли билан боғлиқ тасвирлар XX аср бошларида яратилган Ибратнинг “Тарихи Фарғона”, Мўминжон Муҳаммаджонов (Тошқин)нинг “Турмуш урунишлари”и асарларига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Таянч сўзлар: мумтоз наср, жадид насри, анъанавийлик, новаторлик, портрет, тарихий шахс, бадиий тўқима.

Аннотация. «Бобурнома» признана высоким образцом историко-художественной прозы в отечественной литературе. Выражение в произведении

исторических событий, образы, связанные с правителями, сановниками во дворце, учеными оказали влияние на произведения Ибрата «История Ферганы» и Моминджона Мухаммаджонова «Брачные попытки», созданные в начале XX в. век.

Ключевые слова: классическая проза, современная проза, традиционализм, новаторство, портрет, историческое лицо, художественная ткань.

Annotation. "Boburnoma" is recognized as a high example of historical-artistic prose in national literature. The expression of historical events in the work, the images related to the rulers, dignitaries in the palace, and scholars had an influence on the works of Ibrat's "History of Fergana" and Mominjon Muhammadjonov's "Marriage Attempts" created at the beginning of the 20th century.

Key words: classical prose, modern prose, traditionalism, innovation, portrait, historical figure, artistic fabric.

“Бобурнома” адабий манба сифатида “туркий тил била кўп ва хўб шеър айтған” Алишер Навоийдан тортиб, эл назарига тушган машҳур шоирлар Биноий, Муҳаммад Солиҳ, шунингдек, Шайхим Сухайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Сайфий Бухорий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Оҳий, Шоҳ Хусайн Комий, Ҳилолий, Аҳлий кабилар; мусаввирлар Беҳзод, Шоҳ Музаффар, санъаткорлар Хожа Абдуллоҳ Марворий (чолғучи), Қул Муҳаммад Удий (ғижжакчи), Шайхий Нойи (уд ва ғижжак чолувчи), Шоҳқули (ғижжакчи), Ҳусайн Удий (уд чолғучи), наққошлар Ғулом Шодий, Мир Азу, Паҳлавон Муҳаммад Абусаидга оид маълумотлари ва муаллифнинг уларга берган баҳоси ўқувчиларга яхши таниш. “Бобурнома” тарихий ва саргузашт асар сифатида эса Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Абусаид мирзо, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Умаршайх мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Султон Маҳмудхон, Аҳмад Танбал, Хисравшоҳ, Зуннун арғун, Исмоил Сафавий, Шоҳ Таҳмосп, Абулмакорим, Хожа Мавлонойи Қози, Бадиуззамон мирзо, Абдуллатиф мирзо, Раана Сангаа сингари шоҳ ва шаҳзодалар, амир ва беклар, пир-муршидлар ҳақидаги муҳим маълумотлар билан мавжуд тарихий манбалардаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади [4.160]. “Бобурнома” ана шу жиҳатлари билан миллий адабиётда мумтоз тарихий-бадиий насрнинг юксак намунаси сифатида эътироф этилган. Асардаги тарихий воқеаларнинг бадиий тасвирий унсурлар воситасида ифодаланиши, эпик кўламнинг кенглигига мос тарзда сюжет, композиция яратилиши, ўз ўрнида воқеликни ҳаққоний кўрсатиб бериши ва бошқа жиҳатлари билан XX аср бошларида яратилган асарларга, хусусан, Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асарига, Мўминжон Тошқиннинг “Турмуш урунишлари” хотира-романига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Шунинг учун ҳам Бобур сиёсий нуқтаи назаридан келиб чиқиб, “темурия салотин” қоидаларини ҳам ўзгартишга жазм этади “Ушбу тарихқача Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдумким, мени подшоҳ дегайлар”[1, 278].

Шуниси маълумки, темурий шахзодалар, мирзолар ёшлигидан жанг қилиш, девон ишларини бошқариш билан бир қаторда иерархияга мос тарзда ҳар хил мавқе ва табақага хос кишилар билан муомала қилиш ҳамда этикетга мувофиқ тарзда ўзини тутишга ўргатиб борилган.

Темурий шаҳзодалар тарбиясига қанчалик катта эътибор қаратилганлигини, уларга билим берган устозлар савияси нақадар юксак бўлганлигини биргина Бобур мисолида кўриш мумкин. Дарвоқе, Бобур 12 ёшда тахтга ўтиради. Тўғри Умаршайх ўғлини илм олиши учун кўплаб, устозлар мударрисларни жалб этган, аммо биринчи муаллим албатта унинг ўзи ва Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хоним эди. Чунки тарбия шахзодалар учун жуда эрта бошланар эди. Бобурнинг онаси мўғул хонлари авлодидан эди, шунинг учун унинг саводли, илмли бўлганлигига шубҳа йўқ, лекин Бобур онасининг шеъриятга, адабиётга мойиллиги ҳақида бирор жойда ёзмайди. Аксинча, у отаси ҳақида гапирар экан, “Равон саводи бор эди «Хамсатайн» ва маснаний китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Табъи назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди” - дейди. Шундан келиб чиқадики, Бобурдаги адабиётга, шеърга ошуфталик кўпроқ отасининг таъсирида юзага келган бўлса ажаб эмас.

Кейинчалик шахзодалар учун алоҳида бек тайин қилинган. Шу тарзда ҳар бир шахзодага (ёш маликаларга ҳам И.А.) “Бек атка”лар бириктирилган.

“Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзоға бериб, Бобои Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Мирзоларни суннат қилур тўйи жиҳатдин Дараи Газдин ёндуруб, Самарқанд элтти. Тўйдин сўнгра ул муносабат билаким, Темурбек улуғ Умаршайх мирзоға Фарғона вилоятини бергандур, Андижон вилоятини бериб, Худойберди Туғчи Темуртошни бек атка қилиб йиборди”[1, 64]. Демак, “бек атка”лар танлашда нафақат амалдорнинг тажрибали бўлиши балки айнан шу вилоятни ва вилоятда яшовчи кишиларни ҳам яхши билиши ҳисобга олинган.

Бобур ўзига бириктирилган бек аткалар ҳақида гапирар экан, уларнинг “забти ва тузуки”га юқори баҳо берсада, уларнинг инсоний сифатларини салбий баҳолайди: “Шайх Мазидбек эди, манга аввал бек атка ани қилиб эдилар. Забти ва тузуки хили яхши эди. Бобир мирзоға хизмат қилғондур. Умаршайх мирзо қошида андин улуғроқ бек йўқ эди. Фосиқ киши эрди, чуҳра сахлар эди” [1, 70].

“Яна бир Бобоқули Бобо Алибек эди. Шайх Али Баҳодирнинг наслидин эди. Шайх Мазидбек ўлганидин сўнг ани манга бек атка қилдилар. Султон Аҳмад мирзо Андижонға черик тортқонда Султон Аҳмад мирзоға кириб Ўратепани берди. Султон Маҳмуд мирзодин сўнг Самарқандтин қочиб келадурганда Ўратепадин Султон Али мирзо чиқиб урушуб, босиб ўлтурди. Забти ва яроғи

яхши эди. Навкарни яхши сахлар эди. Бенамоз эди, рўза тутмас эди. Золим ва кофирваш киши эди”.

Темурий мирзолар тарбиясида шахснинг салтанат бошқарувида, жангу жадалда кўрсатган ютуқларига қараб, шунингдек, авлод шажарасидаги ўрнига, ёшига мос тарзда муносабат қилиш ўзига хос ахлоқий меъёрлар асосида сингдириб борилган.

Темурий мирзоларнинг айрим ҳолатлардаги нолойиқ ҳатти ҳаракатларини Бобур ўзига хос холислик билан тилга олсада, матн мазмунидаги истеҳзо сезилиб туради: “Мен бу тарафдин отдин тушдум, Абулмуҳсин мирзо ул тарафтин отдин тушти, юруб кўрушуб отланилди, илгаррак кела ўрдунинг ёвуғида Музаффар мирзо ва Ибни Ҳусайн мирзо келдилар. Булар Абулмуҳсин мирзодин ёшқа кичик эдилар, керакким бурунроқ истиҳболға келсалар эди, ғолибо бу таъхир хумор жиҳатидин экандур, не такаббурдин...” [1, 250].

“Бадиуззамон мирзонинг девонхона уйига еттук, муқаррар андоқ эдиким, мен уйдин киргач юкунғаймен, Бадиуззамон мирзо қўпуб араққа келгай, доғи кўрушулгай, мен уйдин киргач, бир юкундум, доғи бедаранг мутаважжиҳ бўлдум, Бадиуззамон мирзо оҳистароқ қўпуб, сустроқ юруди” [1, 250].

“Бобурнома”да бир ўринда худди шундай психологик ҳолат акс этади: “Иккинчи навбат келганда Бадиуззамон мирзо бурунгидек таъзим қилмади, Муҳаммад Бурундуқбекка ва Зуннунбекка айттурдимким, агарчи ёшим кичикдур, вале тўрум улуғдур, ота тахтидаким, Самарқанд бўлғай, икки навбат зарби рост олиб ўлтурубдурмен бу хонавода учун ёт-ёғи билаким мунча жанг ва жадал қилибтурмен, менинг таъзимимда таъхир беважҳдур, бу сўз мазкур бўлғоч, чун маъқул эди, муътариф бўлуб, таъзимни хотирхоҳ қилдилар”[1, 250].

Худди шундай ҳурматсизликка йўл қўйган Хисравшоҳга нисбатан у ҳеч қандай муносабат билдирмайди.Чунки Хисравшоҳ Бадиуззамонга ўхшаб шаҳзодалар тарбиясини кўрмаган эди, ундан салтанат этикети қоидаларини талаб қилиш ножоиз эди. Кейинчалик Хисравшоҳ бор лашкаридан ажралиб, Бобурга юкуниб келган ҳолатида ҳам унинг сарой ахлоқ қоидаларини билмаслиги маълум бўлади.

“Ул тарафдин Хисравшоҳ ҳашамат ва тажаммули била қалин киши била келди. Қоида ва дастур била йироқтин тушуб келди. Кўрушурда уч қатла юкунуб, ёнғонда ҳам уч қатла, сўрғонда ва тортуқ тортқонда бирор юкунди. Жаҳонгир мирзоға ва хон мирзоға дағи ушбу дастур била юкунди. ... Йигирма беш, йигирма олти қатла паё пай юкунди ва борди ва келди. Толиқиб тамом йиқила ёзди. Неча йил қилғон беклиги ва салтанати тамом бурунидин чиқти. Кўрушуб тортиқ тортгандин сўнгра буюрдумким, ўлтурди. Бир гари, икки гари ўлтуруб, ул тарафдин-бу тарафдин сўз ва ҳикоят айтилди. Бовужуди номардлиқ ва намакҳаромлиқ ковок ва бемазагўй ҳам бор экандур” [1, 181].

Шуни таъкидлаш керакки, “темурия салотини дастури” билан таниш бўлмаган Хисравшоҳ “юкуниш” расмига риоя қилмаган ҳолда темурий хукмдорлар этикетига амал қилиш учун ҳаракат қилади ва хатоларга йўл қўяди, ҳеч қандай ҳукмдорлик рутбасига эга бўлмаган Жаҳонгир мирзо ва Хон мирзога ҳам ҳукмдор Бобурга нисбатан қилинган хатти-ҳаракатни такрорлайди. Матнда Бобурнинг Хисравшохга нисбатан нафрати яққол сезилиб туради. Унинг “ковок ва бемазагўй” эканлигининг сабаби номардлиги ва ҳаромнамаклиги эканлигини

таъкидлайди. “Неча йил қилғон беклиги ва салтанати тамом бурунидин чиқти” каби Бобур тилидаги оддийлик, халқона иборалар матн таъсирчанлигини янада оширади.

Хисравшоҳнинг мулкгирлиги, дағдағалари узоққа бормайди. Бобур унинг лашкарлари орасида обрў-эътибори унчалик эмаслиги, “мунча зулм ва бедод қилмоқни ўзига шиор қилиб” умргузаронлик қилганлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Тарих ғилдираги бир айлангач, у Бобур оёғи остига тиз чўкиб келади. “Бобурнома”да Хуросон салтанати тахтини қулашига ҳисса қўшган, Амир Темур салтанати бирлигига хиёнат қилиб, уни заифлаштирган Хисравшоҳга нисбатан шиддаткор аламли сўзлар кўп бора айтилади. Айни шу ўринларда тўғрилик ва адолат шиорини тутгани учун ғолиблик нашидасини тотган саркарданинг руҳий кайфияти ҳам яхши очилганига қойил қоламиз [2]:

...Хисравшоҳни бир ярим кунда уруш йўқ, талош йўқ, бизнингдек қаллош ва мафлук икки юз-икки юз эллик кишининг қошида андоқ хору зор ва забун ва ожиз қилдиким, не навкариға ихтиёри қолди, не молиға, не жониға” [1, 182].

“Бобурнома”да ҳукмдор этикети ва сиёсий иерархия тасвирига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳукмдорлар ҳақида гапирар экан уларнинг мамлакат бошқаруви, девон ва ҳарбий салоҳиятига алоҳида эътибор беради. Хусусан, отаси ҳақида илк мулоҳазаси отасининг ҳукмдорлик сифатлари бўлиб ҳисобланади.

“Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлиқ ва улуғ доиялиқ подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эрди” [1, 63]..

Шу ерда “мулкгирлик дағдағаси” деган иборага тўхталсак. Бобур бу сифатни гарчи “Мулкгирлик дағдағаси жиҳатидин хили ярашлар урушқа ва дўстлуқлар душманлиққа мубаддал бўлур эди” деб эътироф этсада мазкур сифатга нисбатан бўлган ижобий муносабати сезилиб туради. Бобур хукмдор сифатида муносабат билдирар экан, хукмдорлардаги мулкгирлик сифатини ижобий баҳолайди. Бу муносабат унинг бошқа ҳукмдорлар ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам яққол намоён бўлади. Яъни, Бобур бирор бир темурий шахзода ёки мирзога баҳо бераркан унинг шахс сифатларини баҳолашда олиб борган урушлари эришган ғалабаларига муҳим ўрин ажратади. Бобур фаолиятида ҳам худди шу “мулкгирлик дағдағаси” унинг ҳаёти давомидаги урушлар ва мағлубият ва ғалабалар асносида кўриниб туради.

Ўз ўрнида Самарқандни бой бериб Хўжанд сари отланган Бобур “Чун салтанат дағдағаси ва мулкгирлик доияси бор, бир қатла, икки қатла иш юрумаган била боқиб ўлтуруб бўлмас” – деган фикрни айтиши бунинг яққол далилидир.

Шунингдек, у отасининг вилоятлари ҳақида гапириб, унинг Шохрухияни фириб билан олиб, бир қанча вақт ўз қўлида ушлаб турганлигини айтар экан бунга ҳеч қандай салбий муносабат билдирмайди. Мулкгирлик талаби нуқтаи назаридан отасининг бу қилган иши ҳукмдор хатти-ҳаракатига мос келарди. Жангда вилоят эгаллашда фириб, айёрлик ишлатиш бизнинг бу сифатлар ҳақидаги ҳозирги тасаввуримиздан кўра айро маъно касб этиши маълум. Чунки душманга фириб бериш бошқа-ю, халққа адолат қилиш бошқа. Хусусан, кейинги ўринда у Умаршайхнинг адолати ҳақида гапириб қуйидагиларни ёзади: “Адолати бу мартабада эдики, Хитой карвони келадурганда Андижоннинг

шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлук корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким ворисы ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди”[1, 64].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, “Бобурнома” ватанимиз тарихида чуқур из қолдирган Темурийлар даври тарихи, маданияти, турмуш тарзи, жамиятда ҳукмрон бўлган қоида ва русумлар, қадриятлар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Айниқса, темурийлар салтанатидаги сиёсий иерархия, ҳукмдорлик этикети асарда яққол аксини топган. Асарни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш нафақат Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ва у яшаган давр ҳақидаги зарур маълумотларни олишга, балки, мамлакатимиз тарихида узоқ йиллар ҳукмрон бўлган темурийлар сулоласи, уларнинг урф-одатлари, маданияти, тожу тахт ва салтанат бошқарувидаги қоидалар ҳамда уларнинг таназзули сабабларини ўрганишга ҳам имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бобурнома /Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, С. Мирзаев. В. Зоҳидов сўз бошиси ва таҳрири билан.-Т.: ФА нашр, 1960. – 512 б.
2.Ҳасан Қудратиллаев. “Мунинг зарари туркка ва мўғулга мусовийдур”*«Жаҳон адабиёти» журнали, 2006 йил, 2-сон.*
3.Ҳасан Қудратуллаев. Бобурнинг давлатчилик сиёсати. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2014 йил 19-сон.
4.Азамат Зиё. “Ўзбек давлатчилиги тарихи”. https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/uzbek-davlati/613-maqola.html (мурожаат қилинган сана 05.12.2022)
5.Акбар Замонов. “Водийнома” журналининг 2019 йил 4-сони.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИ ЎРГАТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуллаев Комилжон Абдуғаниевич,
Наманган давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди. komiljon.abdullayev.1961@mail.ru

Аннотация: Мақолада умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей адабиёт дарсларида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таржимаи ҳолини ўргатишда фанлараро интеграциядан фойдаланиш жараёни муаллифнинг кўп йиллик амалий тажрибалари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: ёзувчи таржимаи ҳоли, фанлараро интеграция, ўқув дастури, дарслик, тарих, география, тасвирий санъат, информатика ва ахборот коммуникацион технологиялари.

Аннотация: В статье на основе многолетного практического опыта автора описан процесс использования межпредметной интеграции в преподавании

биографии Захириддина Бабура на уроках литературы общеобразовательной школы и академического лицея.

Ключевые слова: биография автора, междисциплинарная интеграция, учебная программа, учебник, история, география, изобразительное искусство, информатика и информационно-коммуникационные технологии.

Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей адабиёт дарсларида буюк шахслар – таниқли сўз санъаткорларининг таржимаи ҳолини ўргатиш – улардаги беқиёс маънавий бойлик, истеъдод, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, фидойилик, ростгўйилик, камтарлик, ҳиммат, саховат, ғамхўрлик, адолатпарварлик каби гўзал фазилатлар билан ўқувчиларни таништириш, уларда миллий ифтихор, ғурур ҳисларини шакллантириш демакдир.

Умумий ўрта таълим мактаби 5-11-синфи, академик лицей адабиёт дарсларида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодини изчилликда ўргатилади. Бунинг учун ўқув режасида қуйидагича дарс соатлари ажратилган: 10-синфда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди, “Бобурнома” асари таҳлили: матн устида ишлаш, асардаги тарихий шахслар, жой номлари ва тарихий воқеалар тасвири – 5 соат[76]; 11-синфда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди, унинг лирикаси, шеърларининг бадиий хусусиятлари – 3соат[77]. Академик лицей II, III семестрларида: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди, “Бобурнома” мемуари – 2соат[78], лирикаси – 4соат[79].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодини таълим босқичларининг 5-11-синфларида ўргатиш жараёнида фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш воситаси сифатида Ўзбекистон тарихи, тасвирий санъат, мусиқа, тарихий, бадиий асарлардан янги педагогик технологиялар асосидаги “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кластер”, “БББ”, “Эркин ёзиш”, семинар, анжуман, мунозара, саёҳат, учрашув, онлайн, видео каби интерфаол методларга асосланган дарс турларининг қўлланиши кутилган натижаларга эришиш имкониятини бераётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ижодкорлар таржимаи ҳолини ўргатишда фанлараро интеграцияни амалга ошириш ва ўқувчиларнинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича чуқур билим олиши учун, аввало, ўқитувчиларнинг ўзи шоир ҳақида кенг маълумотга эга бўлиши, ҳаёти ва ижодининг энг нозик нуқталаригача ўрганиб чиқиши, қўшимча илмий, бадиий, услубий манба ва дарслик, қўлланмаларни пухта билиши зарур.

Бизнингча, буюк аждодимиз таржимаи ҳолини ўргатиш жараёнида қуйидаги манбалар: ўзининг асарларига, замондошларининг асарлари ва “Ўзбекистон тарихи” дарсликларига; ёзувчи ҳақидаги илмий асарларга,

---

[76] Адабиёт [Матн]: дарслик-мажмуа (10-синф). 1-қисм / Б.Тўхлиев [ва бошқ.], - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 184 б.

[77] Тўхлиев Б. Адабиёт [Матн]. 11-синф: дарслик-мажмуа. 1-, 2-қисм. /Б.Тўхлиев [ва бошқ.], – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2018. – 200б.

[78] Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг 1-босқич ўқувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Б.Абдураҳмонова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 216б.

[79] Адабиёт (Мажмуа) : Академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Р.Мирсамиқова, О.Аметова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 432б.

дарсликка, адабиёт ва санъат вакилларининг асарларига суянилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёзувчи таржимаи ҳолини ўргатишда энг асосий манбалардан бири унинг автобиографик асарларидир. Бундай асарлардан парчалар ўқиб бериш, бир томондан, ўқувчида ёзувчи шахсига нисбатан муҳаббат уйғотса, иккинчидан, унинг автобиографик асарларини ўқиш учун замин ҳозирлайди.

Шуни назарда тутган ҳолда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таржимаи ҳолини ўрганиш ишини илмий ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш учун ўқитувчи, аввало, шоир асарлари, хусусан, улардаги автобиографик ўринларни, шунингдек, унинг ўз ижоди ва айрим асарлари ҳақидаги фикрларини аниқлаб олган бўлиши керак. Бу ўринда ижодкорнинг таржимаи ҳоли ҳақида тўлиқ маълумот берувчи қомусий асари "Бобурнома" ноёб манба бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асарида келтирилган маълумотлар шоир шахсини ўргатишда ғоят муҳим материалларни беради.

Адабиёт ўқитувчиси қўшимча манбалар сифатида ўзбек, шунингдек, қардош халқлар адабиётшунослигининг шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлар[80], уларнинг сиймоси яратилган тасвирий санъат[81] ва бадиий асарлар билан таниш бўлиши[82], улардан уйғун ҳолда фойдаланиш ўрни ва усулларини билиши лозим.

Таржимаи ҳол ҳақида унутилмас тасаввур ҳосил қиладиган бу каби манбаларда баён қилинган илмий хулосаларни ўқувчилар онгига мумкин қадар соддалаштирилган, ихчам ҳолда етказилиши лозимлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб, ўқитувчидан анча маҳорат ва изланишни талаб этади.

Ўқитувчи шоирлар таржимаи ҳолини ўргатишга бағишланган дарсда бу манбаларга асосланибгина қолмай, айни вақтда уларни дарс давомида ўрни билан бир-бирига қиёслаб фойдаланиши лозим. Бундай ҳолат дарснинг жонли ва қизиқарли ўтишига, ўқувчиларда шоир таржимаи ҳолига оид кўпгина масалалар ҳақидаги фикрларга ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

Қуйида кўп йиллик амалий тажрибаларга таянган ҳолда юқоридаги талаб ва манбаларни амалиётга тадбиқ этишни Заҳириддин Муҳаммад Бобур таржимаи ҳолини ўрганишга бағишланган машғулот мисолида ёритиш ҳақидаги айрим фикрларимизни баён этамиз.

---

[80] Ҳасанов Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Т.: Ўзбекистон, 1966. – 72 б.; Хўжаев Ғ. Бобур-гуманист, маърифатпарвар. – Т.:Ўқитувчи, 1983., Ҳасанов Ҳ. Бобир сайёҳ ва табиатшунос – Т.: Ўзбекистон. 1983., Алимов П. Тарих, шахс, бадиа. – Т.: Ўзбекистон, 1991., Ўролов А.,Сувонқулов И. Алломалар олами. – Т.:Ўзбекистон, 1991., Шамсутдинов Р. ва б. Буюк бобурийлар сулоласи. – "Андижон", 1993., Мирзаев И. Бобур маърифати. – Т. : "Ўқитувчи", 1996., Машрабов З., Шокаримов С. Асрларни бўйлаган Бобур. – Т.: Ёзувчи, 1997., Мирсайдуллаев, Мирмаҳмуд. Бобурнинг касаллик тарихи. – Тошкент: "Фан", 2013., Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: "Шарқ", 2014., Мирсайдуллаев, Мирмаҳмуд. Бобур номи билан аталган. – Тошкент: "МУМТОЗ СЎЗ". 2014., Мирсайдуллаев, Мирмаҳмуд. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк мероси.. – Т.: " TURON - IQBOL", 2017.

[81] "Бобур ва Жавҳарий Самарқандда", "Бобурийлар Ҳиндистонда", "Зебунисо Бегим шогирдлари билан", Авекян Р. "Бобур" портрети, Азизов О. "Бобур" портрети, Акмал Нур. "Бобур Самарқандда", "Армон", Муинов О. Бобурга бағишланган туркум картиналар яратган, Набиев М. "Бобур"портрети (2 хил тасвир), Нечаев В. "Бобур жангда", Сайдалиева Ф. "Бобур" портрети, Саъдуллаев Т. Бобурга бағишланган туркум картиналар яратган.

[82] Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 254 б.; Бойқобилов Б. Шукуҳли карвон. – Тошкент: 1981. – 341б.; Қодиров П. Авлодлар довони. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёт, 1989. – 541б. ва бошқалар.

Ўқитувчи мавзуга доир маъруза-тақдимот асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобур жуда мураккаб ва зиддиятли сиёсий воқеалар билан тўла даврда яшаганлиги, жумладан, темурийлар давлатининг емирила бошлагани, Улуғбекнинг фожиали ўлдирилиши, Шайбонийхоннинг тинимиз ҳужумлари, Бобурнинг мамлакатни бирлаштириш учун ҳаракатлари натижа бермаганлиги ҳақида маълумот берар экан, Бобурнинг Самарқандда қамалда қолган ҳолатини ҳикоя қилувчи қуйидаги тарихий далиллар келтиради:

“Бобур 19 ёшида Шайбонийхон зулмидан безиган халқ билан келишиб, Самарқандни 2 марта эгаллайди. Аммо унинг одамлари оз эди. Ҳусайн Бойқародан ёрдам сўрашади. Аммо у Бобурни қувватламайди. Қамал бошланиб, у узоққа чўзилади. Очлик халқнинг тинкасини қуритади. “Одамлар зўрлик билан нон топиш пайига тушдилар... Ҳар бир кимса келиб ўзини дўконга урадиган бўлди. Уларни худди пашша ҳайдагандай таёқ билан уриб туришарди, - деб ёзади мулло Шоди. Бой-бадавлат табақаларнинг мол-мулкини талашдан омон сақлаш учун ясовуллар қўйилди, улар камбағалларни таёқча билан уриб туришарди”.

“Ўзбекистон тарихи” қўлланмасидан олинган ушбу далилларни “Бобурнома”да қайд этилган қуйидаги парчалар тўла тасдиқлайди:

“Самарқандни олғонда Самарқанд андоқ хароб эдики, мадад ва тухум ва тақовиға эҳтиёж бор эди. Чи жойи ул ким, киши андин нима ола алғай. Бу жиҳатлардин черик эли кўп танқислик торттилар. Биз ҳам элга ҳеч нима еткура олмадук”[83]..

Кўриниб турибдики, Бобур Самарқандни илк марта эгаллаган пайтдаёқ шаҳар иқтисодий хароб бўлган, аҳоли оч ва қашшоқ яшаган, ҳатто экиш учун уруғлик ҳам топилмаган. Бобур Самарқандни иккинчи марта эгаллаб, 4 ой қамалда қолган вақтда эса, аҳвол ниҳоятда мушкуллашган, қаҳатчилик, очлик, ўлим авж олган.

“Юлдузли тунлар”, “Бобурийнома” романларида Бобурнинг оқибатли фарзанд, талантли шоир ва адиб, илм-фан ва маданият аҳлининг мураббийси, доно подшоҳ, буюк саркарда, зийрак дипломат, буюк ватанпарвар инсон, меҳрибон ота сифатида жонли ва тўлақонли тасвирланган. Бобур шахсини ўрганиш учун муҳим бўлган айрим парчалардан намуналар келтирамиз:

“Мазидбек сопига садаф қадалгап ёй ўқни нишондан авайлаб суғуриб олди-да, қанчалик чуқур ботганини бармоғи билан ўлчаб кўрди:

– Билагингизда куч кўп, амирзодам! Шерпанжасиз. Подшоҳ ҳазратлари сизни Бобур деб атаганлари бежиз эмас. Бобур арабча шер демакдир!

Бобур мирзонинг навкарлари, ярoқбардор, тенгдош-кўкалдош (бир онани эмган болалар) мулозимлари ҳам нишон атрофида йиғилдилар. Улар Бобурнинг ҳали ёш ўспирин эканини, қўлидаги камон бўйи бастига мос қилиб кичрайтириб ишланганини билар эдилар. Шуни ўйлаб, Бобур мақтовни ўзига олгиси келмади.

– Шерпанжа деб отамни айтсинлар. Мен кўрганмен, зарблари бундан ўн ҳисса ортиқ, мушт урсалар, энг зўр йигитни ҳам йиқитурлар.

Камина ҳам айтмоқчи эдимки, амирзодамнинг шерпанжаликлари подшоҳ отангизга тортганлигингиздан нишонадир!”[84]

[83] Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1960. – Б. 110.
[84] Қодиров П. Юлдузли тунлар: Бобур: Роман. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 32.

Ўқитувчи Бобурнинг доно подшоҳ, меҳрибон ота бўлганлиги ҳақида гапирар экан, қуйидаги парчадан фойдаланиши мақсадга мувофиқ:

“ – Ҳумоюн, жигарбандим! – деди у ҳамма эшитадиган товуш билан, - Сенинг бетоқатлиғингга мен тоқат келтирай. Сенинг шу дардингни худо сендан олиб менга берсин!

Беҳуш ётган Ҳумоюн бу гапларни эшитмас, лекин беморнинг хобгоҳидаги аёллар, мулозимлар, табиблар, руҳонийлар – ҳаммаси Бобурга қулоқларини динг қилиб қараб турардилар.

Бобур умумий жимликда Ҳумоюннинг бошидан уч марта айланди-ю:

– Эй парвардигор! – деб илтижо қилди. – Менки Бобурман, агар жон бериш мумкин бўлса, умри жонимни Ҳумоюнга қурбон қилдим! Азройил менинг жонимни олсину худо Ҳумоюнга шифо берсин!” [85].

Бобурдаги тадбиркорлик, мардликни таьрифлашда қуйидаги далил Бобурдаги тадбиркорлик, мардлик фазилатини очиб бериш учун хизмат қилади: “Романда ўзига заҳар бериб, энг оғир жиноятга қўл урган малика Байданинг тирик сақланиши ҳақидаги буйруқдан таажжубланган аъёнларига қарата Бобур шундай дейди: “… Бизни заҳарлаб ўлдирмоқчи бўлган бу маккор хоним учун энг оғир жазо шуки, биз мана, тирикмиз! Бу хонимнинг ўзи-ю ўғли қилолмаган ишларни биз қилмоқдамиз!... Малика бизнинг бундан кейинги зафарларимизни ҳам кўрсин. Ёмонликка яхшилик мард кишининг қўлидан келишига амин бўлсин. Агар маликада виждон бўлса, ўғли қилмай кетган ишларни биз қилганимизни кўриб виждони азоблансин. Агар виждони бўлмаса, ичида фақат бахиллик чаёнлари бўлса, бу чаёнлар ўзини чақиб ётаверсии. Маликага бундан ўзга жазо муносиб эмасдир!” [86].

Темурийлар саройидаги фитна-адоватларни, шаҳзодар ўртасидаги низоларни, бир-бирларига хиёнатларини; Бобурнинг эса, инсонпарвар, маърифатпарвар, ватанпарвар сифатидаги хислатларини кўрсатиб беришда романдан келтирилган қуйидаги парчаси ҳам аҳамиятлидир:

“Сендан илтимосим, – деб давом этди Бобур. – Буни (“Вақоиъ”ни) авлодларинг ҳам ўқисин... Хатоларимни такрор этманглар. Яхши ишларим... оз бўлса, кўпайтиринглар. Бу китобдан нусхалар кўчиртириб, Самарқандга... Тошкентга... Андижонга... муносиб одамларга юборгин... Мен туғилган юрт билан алоқани узманглар. Шояд мен битган китоблар... икки орадаги алоқанинг ришталари бўлса...”[87].

Ўқитувчи фикрларини умумлаштирган ҳолда дарсни қуйидагича якунлади: “Энг қийин жасорат руҳининг жасоратдир”, - деб бежиз айтмаганлар. Чунки жангларда ботирлик кўрсатган одамлар ҳам гоҳо ўз ҳаётларига оид аччиқ ҳақиқатни айтишга журъат этмайдилар. Қилган гуноҳ ва хатоларини ошкор этсалар, ёмон от қолдирадигандек ҳайиқиб, уларни яширишга интиладиганлар кўп. Шунинг учун тарихда ўз ҳаёти тўғрисида бор ҳақиқатни рўй-рост айтган одамларнинг маънавий жасоратлари асрлар давомида унут бўлмайди. Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижод майдонида зўр жасорат билан қалам тебратган ана шундай инсонлардан биридир.

---

[85] Ўша манба, Б. 456.
[86] Ўша манба, Б. 432.
[87] Ўша манба, Б. 458-459.

Ўқитувчи “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” ва “Бобурийнома” материаллари асосида мустақилликдан кейин бобуршуносликда янги давр бошлангани, Бобур номидаги халқаро жамғарма томонидан ташкил этилган илмий экспедициянинг 2013 йил охиригача 20 та сафарни амалга оширгани, бобурийзодаларнинг янги авлоди топилгани, уларнинг авлод-аждодлари ҳақида бой, қизиқарли маълумотлар тўплангани ҳақида ҳам маълумот беради ва сулола ворисаси Покиза Султон Бегимнинг қуйидаги гапларини ўқиб беради: “Бошимиздан ўтган кунлар тарихдан ўз ўрнини олди, биз у кунларни ҳурмат билан хотирлаймиз. Бу ўтмиш, айни вақтда, бизнинг бугунимиз ва келажагимиз ҳамдир. Шу боис ҳам мозий муҳим аҳамиятга эга”[88].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таржимаи ҳоли билан боғлиқ жой номлари луғати, уларнинг расми ва шарҳи; адабий-биографик ва адабий-тарихий харита, топонимик ривоятлар, ўлкашунослик материаллари, тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш дарснинг сифат ва самарадорлигини оширади, эгаллаган билимларини амалиётга тадбиқ этиш кўникмасини такомиллаштиради.

Ўқувчиларнинг санъат турлари ўзаро алоқадорлигига доир билимларини бойитиш ва уларнинг мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларини ривожлантириш учун мўлжалланган “Бобурнома” ва Юлдузли тунлар”, “Бобурийнома” асарларини ўқиб чиқиш; “Бобур образи адабиёт ва санъатда” мавзусида альбом-слайд, электрон тақдимот тайёрлаш ва ундаги расмларни шоир асарлари ҳамда у ҳақида яратилган бадиий асарлардан олинган парчалар орқали шарҳлаш; таассуротлар асосида расмлар чизиш, расмли топишмоқ, тест, жадвал, хариталар тайёрлаш; шоир таржимаи ҳолини ифода этувчи лирик асарларни тўплаш ва ёд олиш каби фанлараро интеграция асосидаги қўшимча уй вазифаси топшириқлари улуғ бобомиз шахсидаги олижаноб фазилатларнинг жонли ва тўлақонли тасвири билан танишиш, юксак ибрат манбаи сифатида қабул қилиш учун хизмат қилади.

Ёзувчи таржима ҳолини ўргатиш дарслари жараёнида қўшимча: илмий, тарихий, бадиий адабиётлар; тасвирий санъат асарлари, географик манбалар, ахборот коммуникацион воситалари ҳамда интеграллашган материаллардан фойдаланиш кутилган натижалар беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабиёт [Матн]: дарслик-мажмуа (10-синф). 1-, 2-қисм. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 184 б.
2. Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг 1-босқич ўқувчилари учун. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 216б.
3. Адабиёт (Мажмуа) : Академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари учун. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 432б.
4. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1960. – Б. 110.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: “Шарқ”, 2014.
6. Мирсайдуллаев, М. Бобур номи билан аталган. – Тошкент: “МУМТОЗ СЎЗ”, 2014.
7. Мирсайдуллаев, М. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк мероси. (Матн) / М.Мирсайдуллаев. – Т.: “ TURON – IQBOL”, 2017.

[88] Султон Хайриддин. Бобурийнома (Матн). Маърифий роман / Х.Султон. – Т.: ”Маънавият”, 2019. – Б.453.

8. Султон Хайриддин. Бобурийнома (Матн). Маърифий роман. – Т.: ”Маънавият”, 2019. – Б.453.
9. Тўхлиев Б. Адабиёт [Матн]. 11-синф: дарслик-мажмуа. 1-, 2-қисм. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2018. – 200б.
10. Қодиров П. Юлдузли тунлар: Бобур: Роман. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 32, 432, 456, 458-459.

ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАДИИЙ МАТННИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийлари мисолида)

Шаҳло Нuralиева,
педагогика фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори
Жумабек Ташенев номли университет

Аннотация. Бұл мақалада ұлы патша әрі ойшыл ақын Захириддин Мұхаммед Бабырдың рубаяттары мысалында оқушылардың сөйлеу мәдениетін қалыптастырудағы көркем мәтіннің орны мен маңызы зерттеледі.
Кілт сөздер. Көркем ойлау, шығармашылық ойлау, рубайи, мәнерлеп оқу, әдебиет, білім.
Аннотация. В данной статье исследуется роль и значение художественного текста в формировании речевой культуры учащихся на примере рубаи великого шаха и поэта-мыслителя Захириддина Мухаммада Бабура.
Ключевые слова. Художественное мышление, творческое мышление, рубаи, выразительное чтение, литература, образование.

Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган қомусий олим, кенг қамровли истеъдод, юксак салоҳият соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ниҳоятда иқтидорли сўз заргаридир. Мутафаккир шоир сўзнинг жозибаси баробарида қудрати ва таъсир кучи ҳам беқиёс эканлигини, нафақат шахс, балки халқлар ва мамлакатлар тақдирини ҳам бир сўз билан ҳал қилиш мумкинлигини теран ҳис этган. Глобаллашаётган XXI асрда она тили таълимининг нуфузи ўқувчиларни тил ва тафаккур узвийлигини ҳис қилишга, сўз билан ишлашга ўргатиш билан белгиланади.

Тарих бўхронлари, ҳаётнинг барча гўзаллиги, зиддият ва машаққатларининг, темурийзода шоирнинг кўнгил ҳайратларининг назмий ифодаси бўлмиш рубоийларнинг ҳикмат нурларидан бугунги авлод ҳам баҳраманд бўлмоқда. Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 5-синф “Ўзбек адабиёти”[89] дарслигидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг энг таъсирчан рубоийлари ўрин олган.

Адабиёт ва она тили дарсларида асосий эътибор ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишга қаратилгани ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бинобарин, шеърий асарларни ўрганишда ифодали ўқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларни ғазал ёки рубоийнинг интонацион қурилмасида мужассамлашган муаллиф туйғулари кўпроқ таъсирлантиради. Ўқитувчи саҳифада берилган луғат ёрдамида рубоийни шарҳлаш усулларини ўргатиши жараёнида ифодали ўқиш бошланади. Ифодали ўқишга синфдаги барча ўқувчилар жалб қилинади. Зеро, ифодали ўқиш орқали уларнинг ўз фикрларини оғзаки ва ёзма тарзда саводли, мантиқий изчил баён этиш, ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Айрим қийин сўзларнинг талаффузидаги хатолар охирида тузатилади, ўқувчиларга такрор ўқиш топширилади.

Рубоийнавислик бобида ҳазрат Навоийдан кейинги шараф ва эҳтиромга Заҳириддин Муҳаммад Бобур муносиб эканлиги чин ҳақиқат. У ўзининг ноёб “Бобурнома” асари, бири - биридан теран рубоий ва ғазаллари билан ўзбек тилининг бойлиги ва латофатини, ички нозикликларини, бетакрор жозибасини, ўзбек халқининг бадиий оламини умумжаҳон бадиий тафаккурининг ажралмас мулкига айлантирди. Таниқли шоир ва таржимон Ҳ.Акбаровнинг фикрича, “Бобур Мирзо шеърияти соддалиги, санъатларга бойлиги, туйғулар теранлиги, самимийлиги, жозибадор оҳанглари, шоирнинг ҳаётий тамойилларига содиқлиги билан ўзига хосдир. Унда ғурбатларда машаққат чеккан, қалбини Ватан соғинчи ўртаган, дунёдаги дўст душманга ҳам фақат яхшилик тилаган инсон қиёфаси намоён бўлади” [90]**.** Зеро, дарсликдан ўрин олган “Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир...”, “Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур...”, “Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур...”, “Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим...”, “Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум...”, “Кўнгли тилаган муродиға етса киши...”, “Ёд этмас эмиш ғурбатта киши...”, “Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди...” деб бошланувчи рубоийларнинг моҳиятидан ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида айнан шу ҳикматни англашлари аниқ:

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши
Бу иккиси муяссар ўлмаса оламда,
Бошин олиб бир сориға кетса киши.

Ўқитувчи улуғ шоир сўзларининг чиройли тизилган бадиий тўқима эмас, балки ҳаётий ҳақиқат эканлигини “Бобурнома”дан олинган қуйидаги парча

[89] Ш.Наралиева, Б.Турдикулов, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2017. Б.-136-137- 138- 139-140.

[90] Акбаров Ҳ. Ватанни Бобурдек севса ёш авлод. Адабиёт халқнинг юраги. Т.: “АДАБИЁТ” нашриёти, 2021. -Б.82.

билан қиёслаб, ўқувчиларга тушунтиради: "Охири бундай саргардонлик ва бу хил қўнимсизлик жонимга тегди. Дедимки, "Бундай қийинчилик билан тирик бўлгунча, бош олиб йўқолиб кетсам яхшироқ. Бу хил хорлик ва зорлик билан элга кўрингунча, оёғим етганча кетсам яхши" [91]. Бу рубоийлар ҳаётийлиги, халқчиллиги учун айнан беш асрдан бери ўз қимматини йўқотмаган, эл кўнглидан жой олган энг машҳур асарлардир. Рубоийларни ифодали ўқиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг барча сўзларни ва товушларни тўғри талаффуз қилишига, сўз бойлигини оширишга, грамматик жиҳатдан тўғри жумла тузиб гапиришга ўргатади.

Она тили ва адабиёт дарслари жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятлари тизимли равишда ҳаракатга тенг мақсаддан оралиқ мақсадга ҳамда таълимнинг бош мақсадига қараб силжийди. Бунда, албатта, далиллардан хулосага, соддадан мураккабга, прагматикадан қисман мактаб грамматикасига борилиши назарда тутиладики, бу барча замон ва маконларда ижодий таълим сифатида баҳоланади. Ижодий таълимда далилларни кузатиш, далиллардан хулоса чиқариш, чиқарилган хулосани янги-янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш жараёнларининг барчасида ўқувчи ўқув-билув фаолиятининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланади, ўқувчида ижодий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қила олади. Бунинг учун синфда олиб борилаётган адабиёт дарсларининг ҳар бири олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

1) адабиёт таълими жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигига, мустақиллигига эркинлик бериш;

2) ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган ўқув-билув топшириқларидан фойдаланиш;

3) ўқув материалларини олдиндан аниқ натижасига кўра лойиҳалаш;

4) ҳар бир ўқув-билув топшириғи миллий қадриятлар, анъаналар, халқ тарихи, тили ва унинг келажаги билан, шунингдек, умуминсоний фазилатлари билан боғлиқлигини таъминлашга эришиш;

5) ўқувчилар оғзаки/ёзма нутқини мунтазам ўстириб, такомиллаштириб борилишига эътибор қаратиш;

6) мавзуга оид билим, малака, кўникмаларни маънавий-маърифий матнлар орқали комплекс амалга ошириш;

7) ўқувчиларнинг сўз бойлигини мунтазам ошириб боришнинг ранг-баранг методларини яратиш;

8) ўқувчиларни ўртага ташланган муаммолар ва уларнинг ечими борасида ўз фикрини аниқ ва дадил айтишларига шароит яратиш;

Келтирилган талабларга риоя қилиб, адабиёт дарсликларида берилган ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи томонидан тайёрланган қўлланмалардаги ўқув материалларига монанд, аммо уларни айнан такрорламайдиган топшириқлар тизими айнан бадиий матн воситасида таҳлил қилинади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг сўзларнинг маъносини тушунишларига, шеърий матнни ифодали ўқишларига алоҳида эътибор берилади.

Ифодали ўқиш, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг рубоий мазмунини таг маъносигача тушунганликлари кўрсаткичи саналса, иккинчи томондан ундан

[91] Бобур З.М. Бобурнома. Т.: "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 2019. -Б.110

олинган эстетик завқ ўқувчини янада кўпроқ ўзига тортади. Ўқувчи ифодали ўқишга тайёргарлик кўриш максадида рубоийни қайта-қайта мутолаа қилар экан, сўзларнинг мағзини чақишга, унинг бадиий - эстетик ва фалсафий моҳиятини англашга уринади.

Буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўллаган тимсолу ташбеҳлар, сўз ўйинлари, шеърий санъатлар ҳам ўзининг бетакрорлиги ва теранлиги билан ўқувчини ҳайратга солади. Унинг навқирон қалбига ватанга садоқат, юртга муҳаббат, она тилига меҳр туйғуларини сингдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бобур З.М. Бобурнома. Т.: “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2019.2. Акбаров Ҳ. Ватанни
2.Бобурдек севса ёш авлод. Адабиёт халқнинг юраги. Т.: “АДАБИЁТ” нашриёти, 2021.
3. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур.Тошкент.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти,2007.
4. Нарaлиева Ш., Корганбаева Н., Турдикулов Б. Алиакбарова Ш. Умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун “Ўзбек адабиёти” дарслиги. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган, Алмати, “Жазушы”, 2017й.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

Убайдуллаев Алишер Абдусаломович
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди,
E-mail: a.ubaydullayev@nuu.uz

Аннотация: Мақалада З.М.Бабыр шығармалары мәтінін тілтану барысында талдауда студенттерге классикалық әдеби дереккөздерден хабардар болуы, олардың көркемдік қырын түсінуі және оны тереңірек сезуі, студенттердің тіл білімі тұрғысынан талдау дағдыларын қалыптастыру мәселелері қарастырылады. Сондай-ақ, Бабыр шығармаларының кейбір лексикалық-морфологиялық ерекшеліктері ғылыми-теориялық тұрғыдан талданған.

Кілт сөздер: классикалық, септік, тәуелдік, морфологиялық ерекшелік, функционалдық белгілер, қатыстық сын есім, дерексіз зат есім, сөзжасам, көне өзбек тілі.

Аннотация: В статье при лингвистическом анализе текста произведений З.М.Бабура рассматриваются вопросы ознакомления учащихся с классическими литературными источниками, более глубокого понимания и прочувствования их художественного аспекта, формирования у учащихся навыков их анализа с точки зрения языкознания. Также научно- теоретически анализируются некоторые лексико-морфологические особенности произведений Бабура.

Ключевые слова: классический, притяжательный, падеж, морфологический признак, функциональные формы, относительное прилагательное, абстрактное существительное, словообразование, староузбекский язык.

Юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёш авлод маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлиши бугунги кун талабидир. Миллатнинг келажаги бўлган етук, комил ёшларни тарбиялашда мумтоз адабиётимизнинг даҳо ижодкорлари асарларида илгари сурилган умуминсоний ғоялар тарғиби алоҳида касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Бугун адабий меросимизни янгича нуқтаи назар билан холис тадқиқ ва тарғиб этишга, баҳолашга эътибор қаратилганлиги диққатга сазовордир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мумтоз адабиётимизни, жумладан, Бобур асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатдан ҳам, маънавиятимизнинг асосий манбаига айлантириш барчамизнинг вазифамиз эканлигини алоҳида таъкидлаб келмоқдалар. Президентимизнинг ушбу фикрлари нафақат мумтоз адабиётимиз, Бобур асарларига тааллуқли, балки кўп асрлик мумтоз адабий меросимизга тегишлидир. Чунки шоир асарларини ўргатиш, тарғиб қилиш ёш авлодни баркамол инсон сифатида шакллантиришга таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Хусусан, юксак маънавий қадриятлар, бебаҳо инсоний фазилатлар билан йўғрилган З.М.Бобур ижоди ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки Бобур ижоди буюк маънавий хазина ҳисобланиб, унда жамият ва инсон ҳақидаги шоирнинг орзу-умидлари, ўй-фикрлари, мулохаза-мушоҳадалари ҳамда умуминсоний ғоялар тараннуми ўз ифодасини топган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили истиқболи йўлидаги курашини давом эттирди. У нутқ маданиятига, нутқнинг содда, равон, тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият берди[92].

Бадиий адабиётда битмас-туганмас маърифий, ахлоқий, маънавий, бадиий имкониятлар мавжуд бўлиб улар ўқувчи шахсининг шакллантириш такомили ва камолотга етишига жуда катта таъсир кўрсатади. Адабиёт сўз санъати сифатида инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тафаккурини, маънавий дунёқарашини бойитишнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Айнан она тили ва адабиёт дарслари талабаларни ҳис-туйғулари орқали билишга, тафаккур қилишга, гўзалликни ҳис қила олишга, ҳаётга бўлган муносабатини шакллантириш ва ривожлантиришига имкон яратади. Хусусан, таълим жараёнида талабаларнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ёндашувларни машғулот жараёнларида қўллаш тақозо этилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди” дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”[93]. Ўзбек халқи бой миллий қадриятларга эга. Бу қадриятлар тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар, бадиий-тарихий манбаларда ўз ифодасини топган. Мумтоз асарларни тадқиқ этиш, ёзма манбаларнинг тил хусусиятларини ўрганиш филологик соҳанинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Тарихий-бадиий манбаларнинг тил хусусиятларини тадқиқ этиш ёзма ёдгорликларнинг мазмун-моҳиятини, илмий-амалий қийматини белгилашда аҳамиятлидир. Ёзма манбалар лексикасини ўрганиш тилнинг фонетик, лексик, грамматик тизимига хос тараққиёт жараёнини кузатиш имконини яратади.

---

[92] А.Нурмонов. Танланган асарлар. II жилд.-Тошкент, Akademnashr. 2012 -Б. 309.

[93] Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-китоб, “Ўзбекистон”, 2017-йил. -Б. 504-505.

Ўзбек халқининг бой илмий-маънавий мероси, адабиёт ва санъати ҳақидаги қимматли маълумотлари қўлёзма манбаларда акс этган. Мумтоз адабиёт намуналарини аслият асосида ўрганиш, талабаларни қўлёзма манбалардан хабардор қилиш, уларни мутахассис сифатида тайёрлаш олий таълим тизимида маданий-маърифий савиянинг ошишига сабаб бўлади. Мумтоз манбаларни қўлёзма нусхалар матнини чуқур ва илмий-назарий жиҳатдан ўрганмай туриб, тилшунослик илмининг тараққий этиши ҳақида гапириш мумкин эмас. Чунки бадиий матн қўлёзмаси ва тил тарихи тушунчаси тилшуносликнинг таянч назарий асосларидан биридир.

XV-XVIII асрларда яратилган Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Бобур лирикаси, “Бобурнома”, Сўфи Оллоёрнинг “Саботул-ожизин”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарлари ўзбек адабий тили лексикасининг шу даврлардаги тараққиёт хусусиятларини акс эттирган[94]. Бобур асарлари тилини таҳлил қилганимизда морфологик жиҳатдан қуйидагилар характерли эканлиги маълум бўлди. Шоир асарларида отларнинг эгалик қўшимчалари ***-ум, -унг*** қўшимчалари орқали ифодаланган: ***кўнглум, кўнглунг*** каби. Эски ўзбек адабий тилида от туркумига хос функционал шакллар нарса-буюм, ҳодис номлари билан бир қаторда белги билдирувчи сўзларга, баъзи олмошларга ҳам қўшилган. От ясовчи ***-лик, -лиқ, -луқ*** аффикслари сўз ясалишида фаол иштирок этган, турли маънодаги нарса-буюм, ҳодиса номларини ҳосил қилган[95]. Шунингдек, нисбий сифат ва мавҳум отлар ясаш учун ***-лиғ, -лиг, -лиқ, -лик, -луқ, -лук*** қўшимчаларининг фаол ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Масалан:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнгл**ум** бу ғариб**лиғ**да шод ўлмади оҳ,
Ғурбатда севунмас эмиш албатта киши.

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,
Рўзи қилғай Худой нусрат сизга.
Мардона**лиғ**ингизни бори эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга.

Қиш бўлдию, бўлди барча тому тош қор,
Жамияти бор кишига бордур хуш қор,
Бу қишда ёмон йўлу паришон ҳолим,
Ё Раб, мени яхши**лиқ** сариға бошқор.

Толе йўқи жонимға бало**лиғ** бўлди,
Ҳар ишники айладим, хато**лиғ** бўлди.
Ўз ерни қўюб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаро**лиғ** бўлди.

Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхши**лиғ**?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхши**лиғ**!

---

[94] Ҳ.Дадабоев., З.Ҳамидов., З.Холманова. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.-Тошкент, Фан, 2007.-Б. 93.
[95] З.Холманова. “Бобурнома”лексикаси.-Тошкент, Фан, 2007.-Б.152.

Дилраболардин ёмон**лиқ** келди маҳзун кўнгл**ума**,
Келмади жонимға ҳеч оромижондин яхши**лиғ.**

Эски ўзбек тилида ***-га, -ға, -ка, -қа*** шаклининг фаол ишлатилиш ҳолати сақланиб қолган. Қайси шаклнинг қўлланилиши ўзакнинг хусусиятига боғли[96]. Хусусан, Бобур асарлари тилида ҳам жўналиш келишик қўшимчаларининг **-га, -ка, -ға, -қа, -а** каби вариантларининг қўлланишини кузатиш мумкин. Масалан:

Неча бу фалак солғуси ғурбат**қа** мени,
Ҳар лаҳза тугангусиз машаққат**қа** мени.
Не чора қилай, нетайки, Тенгри гуё,
Меҳнатни мен**га** яратди, меҳнат**қа** - мени.

Кўнгли тилаган муроди**ға** етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сори**ға** кетса киши.

Аҳбоб**ға** ҳар хатки савод этгайсен,
Бизни дағи ул битикда ёд этгайсен,
Мақсудки қосиде агар келса бу ён,
Бир нома била кўнгулни шод этгайсен.

Қиш бўлдию, бўлди барча тому тош қор,
Жамияти бор киши**га** бордур хуш қор,
Бу қишда ёмон йўлу паришон ҳолим,
Ё Раб, мени яхшилиқ сари**ға** бошқор.

Даврон мени ўткарди сари сомондин,
Ойирди мени бир йўли хонумондин,
Гаҳ бошим**а** тож, гаҳ балойи таъма,
Неларки, бошим**а** келмади даврондин.

Эйким, ёралиқ жисмим**а** маҳрам сенсен,
Мажруҳ кўнгул**ға** ништарим ҳам сенсен.

Ўрин-пайт келишиги ***-да, -та,*** чиқиш келишиги ***-дан, -дин*** кўринишларда қўлланишда бўлган.

Ёд этмас эмиш кишини меҳнат**да** киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбат**да** киши.
Кўнглум бу ғариблиқ**та** шод ўлмади, оҳ,
Ғурбат**да** севунмас эмиш, албатта, киши.

Жоним**дин** ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглум**дин** ўзга маҳрами асрор топмадим.
Меҳру вафони, эй ёр кўп кўрди сен**дин** ағёр,

---
[96] Б.Тўйчибоев. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.-Тошкент, Ўқитувчи, 1996.-Б.80.

Жавру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.

Андижон суйи Ўш**тин** келур, Ахси суйи Касан**дин** келур (БН)

Билан кўмакчисининг ***билан, била, ила, ла*** шакллари қўлланган.

Ночор фурқати **била** хўй этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.
Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқдур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқдур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим **бирла,**
Лекин боруримда ихтиёрим йуқдур.
Аҳбобға ҳар хатки савод этгайсен,
Бизни даги ул битикда ёд этгайсен,
Мақсудки қосиде агар келса бу ён,
Бир нома **била** кўнгулни шод этгайсен.

Шунингдек, Бобур асарларида ***қадар, -гача*** маъноларини ангатувчи ***дегру (тегру)*** кўмакчисининг қўлланганлигини ҳам кузатишимиз мумкин:

Ҳажрингда, эй парирў, кўзумдин учди уйқу,
Ҳар кеча тонгга ***дегру,*** ишимдуо оҳу нола.

Тил кишилар ўртасида ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, узоқ даврлар давомида, турмуш талабларига мос равишда аста-секин ривожланиб боради. Шу сабабли ҳам тил тарихини ўрганиш нафақат тараққий этиш усулларини аниқлаш, айни пайтда, уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хулоса қилиб айтганда Бобур асарлари сўз бойлигини лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш шоир асарлари тилидаги лексик бирликларнинг морфологик қўлланиши юзасидан аниқ маълумотга эга бўлиш, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати ҳамда ўзига хос жиҳатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Бобур асарлари тил хусусиятларини атрофлича ўрганиш кўп асрлик тарихга эга бўлган қардош туркий тиллар лексикасининг, хусусан, эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиши борасидаги қарашларга аниқлик киритади ҳамда ўзбек тили тарихий лексикологияси учун ҳам қимматли маълумотлар беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. А.Нурмонов. Танланган асарлар. II жилд.-Тошкент, Akademnashr. 2012 -Б. 309.
2. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-китоб, “Ўзбекистон”, 2017-йил. -Б. 504-505.
3. Ҳ.Дадабоев., З.Ҳамидов., З.Холманова. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.-Тошкент, Фан, 2007.-Б. 93.
4. З.Холманова. “Бобурнома”лексикаси.-Тошкент, Фан, 2007.-Б.152.
5. Б.Тўйчибоев. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.-Тошкент, Ўқитувчи, 1996.-Б.80.

МИНҲОЖИДДИН МИРЗО ИЖОДИДА БОБУР ВА АНДИЖОН КУЛЬТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Салимжон Ғаниев,

Қозоғистон Республикаси Жумабек Ташенев
номли университет катта ўқитувчиси, ф.ф.б.фалсафа доктори (PhD)
Маърифат Қосимова,
Андижон давлат педагогика институти
доценти, филология фанлари номзоди

Аннотация: Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабыр лирикасындағы жетекші тақырыптардың бірі болып табылатын Әндіжан жерінің бейнесі ақын Минҳожиддин Мырзаның шығармасында талданады.

Түйін сөздер: Захириддин Мұхаммед Бабыр, Әндіжанның анықтамасы, баяндау стилі, өрнек алуандығы, троп, метонимия, синекдоха.

Аннотация: В данной статье анализируется образ Андижанской земли, являющийся одной из ведущих тем в лирике Захириддина Мухаммада Бабура, в творчестве поэта Минходжиддина Мирзы.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, определение Андижана, стиль повествования, разнообразие выражения, тропы, метонимия, синекдоха.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов тўғри таъкидлаганидек, “Минҳожиддин Мирзо шеърларида она юрт, ўчмас иймон каби муқаддас тушунчалар ғоят юксак даражада шарафланади. Қадим Андижонда, Бобур ва Чўлпондек зотларни етиштирган заминда ўсган шоиримиз хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда ёзмасин, унинг нуқтаи назари яққол кўзга ташланиб туради.”[97]

Бадиий асарда муаллиф нутқи ва персонаж нутқи масаласи, одатда, насрий асарларга тегишли хусусият деб қаралади. Бироқ, лиро-эпик жанр ҳисобланган достон ва шеърий драмаларда баён услубининг ҳам лисоний жиҳатларини ўрганиш талаб этилади. Минҳожиддин Мирзонинг “Соғинч салтанати” бадиасида баён қилгувчи қисман шоирнинг ўзи бўлса, кечинмаларнинг кульминацион ифодалари Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилидан баён қилинар экан, икки хил усулнинг қоришиқ услуби шакллантирилган.

Ўзбек менталитетида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси шу қадар ҳурмат-эътиборга сазоворки, Бобур Мирзо деганда, Андижон, Андижон деганда Бобур кўз олдингга келади. Кўчимнинг макон билан боғлиқлик асосида юзага келиши энг кенг тарқалган усуллардан биридир.

Минҳожиддин Мирзонинг қуйидаги сатрларида метонимия асосида макон ва шахснинг руҳий уйғунлиги чиройли тасвирланган:

Ҳиндудан келди элчи,
Қайтар Бобур – юрт кўрки,
– Андижонга тез чопгин,
Андижонни уйғотгин!

Андижонни уйғотгин жумласидаги Андижон *шаҳар* маъносида эмас, *шаҳар аҳли* маъносида келган. Бобур Мирзонинг рамзий ҳокининг Андижонга олиб келиниши эса унинг армонлари ушалгандек ҳиссиёт уйғотадики, *Андижонни*

[97] Орипов А. Шеъриятимизнинг яна бир Мирзоси. Сўзбоши. (М.Мирзо. Гуллаш пайти келди, боғларим) Т.: “Тафаккур”, 2015. -Б.3.

уйғотгин жумласи воқеликдан хабардор ҳар бир тил ташувчисига эстетик завқ беради. Зеро, Бобур ҳазратларининг ўзлари таъкидлаганларидек,

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳҳум айлагилким, андижонийдур.

Ёки "Бобурнома"да Андижон таърифини ўзгача меҳр билан қаламга олганини эслайлик.

Жанубий тарафидаги касабалар: бири Андижондурким, васатта воқиъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўргон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқиъ бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандақинг тош ёни сангрезалик шохрох тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур. ...Эли туркдур. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким Хирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур.[98]

Минҳожиддин Мирзо ижодида Бобур Мирзо билан боғлиқ мисраларда муқаддам кузатилмаган окказионал метонимияларни учратиш мумкин.

Боролмасман Андижонға, ғаним тўсган еримни,
О, Самарқанд, ўзинг чорла Ҳумоюним – ўғлимни,
Тангрим, сендан ёлғиз ўтинч, руҳим қилма дарбадар,
Бобурийлар макон этсин ғаним чиққан тўримни. *("Хайрлашув")*

Юртнинг **тўри,** юқори қисми сифатида Самарқанд назарда тутилиб, Ватан тўри, пойтахт маъносини ифода этган. Демак, шоир Бобур Мирзо руҳиятидан келиб чиқиб, бир умр ардоқлаган, юраги интилиб яшаган, армонига айланган масканга нисбатан ***тўр*** сўзини қўллаб, унинг янги маъно қиррасини қашф этади.

Шоир ижодида *қалам* сўзининг *"ижод"* маъносидаги метонимик варианти кўп ўринда кузатиладики, буни ижодкорнинг адабиётга чуқур муҳаббати билан изоҳлаш мумкин бўлар.

Шоҳ эрса-да, ёлғиз қолгач **қалам билан**
Андижон деб бўзлаб ётар Бобурлари.

Қозоқбой Йўлдошев Минҳожиддин Мирзонинг ўз сўзи, ўз услубига эга ижодкор сифатида шеърларининг аксарият қисмида шоир юрагининг ҳарорати, самимият ва ифода ранг-баранглиги устувор эканини таъкидлайди. "Шоирнинг бир тўртлигида унинг ижодий кредоси[99] лўнда ифода этилган дейиш мумкин:

Дилим қуёшидан ёришсин юзим,
Ўзимники бўлсин кулгум ҳам бўзим.
Руҳимга бегона ҳисга талпинма,
Қалбимдан хабар бер, қалбимдан сўзим.

---

[98] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. Б.53.

[99] Кредо - шахсий эътиқод - ҳаёт кучининг манбаи. Керакли вақтда у илҳомлантиради, мотивация беради. Ўзининг шахсий кредосини белгилаб олгандан сўнг, одам вазиятдан қатъи назар, қайси йўналишда ҳаракат қилишини ўзи белгилайди. // https://ktonanovenkogo.ru

Шоир кулгисининг ҳам, бўзловининг ҳам фақат ўзиники бўлишига, айтган ҳар бир сўзи қалбидан чиқишига уринади. Зеро, юракдан чиққан сўзгина ўзга юракларга таъсир кўрсата олади... (Ўқувчи) ҳар бир шеърида Минҳожиддин ўз сўзини ўзига хос йўсинда айтишга уринганини кўради.”[100]

Кузда кетган қушлар баҳор қайтар тайин,
Қайтмас бўлиб кетди қанча **шоир юрак.**

Ижодкор синекдоха усули орқали бежизга *шоир юрак* бирикмасини ҳосил қилмаган. Юрак – инсоннинг қалби жойлашган энг нозик ва мукаррам аъзоси. Шоир бўлиш учун эса ана шу юрак безовта бўлиши, элу халқ, Ватан дарди билан ёниб яшаши керак ва бу ҳақиқат тарихда кўп исботланган. Минҳожиддин Мирзо *Қайтмас бўлиб кетди қанча шоир юрак жумласи* орқали она шаҳри Андижонда қанчадан-қанча ўткир истеъдодли қалам соҳиблари дунёга келганлиги, ўзбек адабиётида муносиб излар қолдирганлиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Саида Зуннунова, Муҳаммад Юсуф, Мукаррама Муродова, Турсуной Содиқова каби забардаст шоирлари ўтганлигига ишора қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. .
2. Йўлдошев Қ. Туйғу ва тафаккур манзаралари // М.Мирзо: Гуллаш пайти келди, боғларим. Т.: Tafakkur, 2015.
3. Орипов А. Шеъриятимизнинг яна бир Мирзоси. Сўзбоши. (М.Мирзо. Гуллаш пайти келди, боғларим)Т.: “Тафаккур”, 2015.
https://ktonanovenkogo.ru

“БОБУРНОМА”ДА ҲИНДИСТОН ТАЛҚИНИ

Салимжон Ғаниев,
Жумабек Ташенев номли университет
катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабыр Мырзаның «Бабурнома» мемуарындағы Үндістанның түсіндірмесі қарастырылады.

Түйін сөздер: Үндістан, Агра, мәдени мұра, ұлттық құндылық, шығармашылық, сабақтастық.

Аннотация. В данной статье рассматривается интерпретация Индии в мемуарах «Бабурнома» Захириддина Мухаммада Бабура Мирзы.

Ключевые слова: Индия, Агра, культурное наследие, национальная ценность, творчество, преемственность.

Муҳташам “Бобурнома” бундан беш аср олдинги Ҳиндистон ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бобуршоҳ Ҳиндистонда кўплаб ижтимоий хайрли ишларни амалга оширди, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Тарқоқлик ва

[100] Йўлдошев Қ. Туйғу ва тафаккур манзаралари // М.Мирзо: Гуллаш пайти келди, боғларим. Т.: Tafakkur, 2015.

парокандаликка, ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илм-ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди, курилиш ишларига бошчилик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган маъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг ёйилди. Ўрта Осиё меъморчилик санъати, Ҳинд санъати билан уйғунлик топди.

Бу ҳақда Жавоҳарлаъл Неру ўзининг “Бобур ва Акбар. “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида:

“Ҳиндистоннинг турклар, афғонлар ва мўғиллар тамонидан забт этилиши унинг Ўрта ва Ғарбий Осиё билан алоқаларининг жадал ривожланишига олиб келган. Ўн бешинчи аср, Темурийлар даврида... Самарқанд ва Бухоро маданияти гуллай бошлади. Ана шу муҳитда етишган, Темурийлар сулоласининг ҳукмдори Бобур ўн олтинчи аср бошида Деҳли тахтини эгаллади. ...Ҳиндистонда ҳинд ғоялари ҳамда форс анъаналари ўзида мужассамлаштирилган янги маъморчилик санъати камол топди.

... Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типи ҳукмдори, жасур ва тадбиркор инсон бўлган. У санъатни, адабиётни северди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар тағин ҳам кўпроқ фазилатлар соҳиби бўлган. Акбарнинг ўзи, шуҳбасиз, ҳиндлар ўртасида ҳам, мусулмонлар ўртасида ҳам бирдай эъзозланар эди. Мўғул (ўзбек) сулоласи ҳақиқий ҳинд сулоласи сифатида чуқур илдиз отди. “(“Гулистон “журнали 1989 йил. 11-сон)

Юқоридаги ҳинд арбобининг Бобуршоҳга нисбатан айтилан фикри таҳсинга сазовордир.

Ҳинд арбоби М.Рандхава: – Бобурийлар ҳокимият тепасига келгунга қадар Ҳиндистонда боғдорчилик санъати йўқ даражада эди. Ҳиндистон боғларининг асосчиси Бобур табиат гўзаллигини ниҳоятда чуқур ҳис қиладиган хассос инсон бўлган, – деб ёзганди.

Бобурнинг бунёдкорлик ишларини амалга оширишда, боғдорчилик, деҳқончилик ишлари юзасида Ҳиндистон об-хавоси-ю, унинг ерлари анча қийинчилик туғдиргани ҳақида бир ғазалида тўхталиб ўтади:

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи,йўқса,
Кимга ҳаваси Санбалу Татйир қилибтир?
Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгил олдим,
Не судки,бу ер мени дилгир қилибтур.

(З.М.Бобур “Санга кўнглимни олдурдум”, Т.2011, “Ўзбекистон” наширёти 34 бет.)

“Бобурнома”да Ҳиндистон ўсимликларига ҳам кенг ўрин берилган. У ернинг барча дарахт, мева, гиёҳ ва гуллари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ҳиндистон ўсимлик дунёсининг хусусиятлари Бобур яшаган даврдаёқ унинг асарида кенг далилар билан асослаб берилган.

Бобур ўзининг “Бобурнома”сида таъкидлаганидек:

“Ҳиндустоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ўлтурушлик бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлик ва сиёқ ерлар ясаса бўлур. Ограга келганидан бир неча кундин сўнг ушбу маслаҳатқа Жўн сувидин ўтиб, боғ ерларни мулоҳоза қилдук”(275 б.).

Кўриниб турибдики, Бобурнинг мақсади Ҳинд ерларини суғариш иншоатларини солиш, сув чиқариш, уни обод қилиш билан машғул бўлган.

“... Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳлиқлар ва сиёқлик боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукаммал бўлди” (275-б) – дейди Бобур Агра ерларини обод қилар экан.

Биз мазкур йилнинг январь ойининг 18-31 кунларида Ҳиндистон сафарида бўлиб, афсановий Ҳиндистон кўриб тамоша қилдик ва бобурийлар қолдирган иншоату боғларини кўриб, таҳсинлар айдик.

Бобур бунёдкорлик ишларидан “Бобурнома”дан яна бир мисол келтирсак:

“...Дулпор сайриға борилди. Бандтин қуйироқ тоғнинг тугашида қизил иморат тошидин якпора тоше тушубтур. Устод Шоҳ Муҳамад сангтарошни келтуруб, буюрдумким, агар якпора уй тарош қилиб бўлур, худ якпора қилсунлар. Агар паст бўлса, иморат учун ҳамвор қилғон тошда якпора ҳавз қозғайлар” (303 б.)

Бобур Мирзо рамзонни “Ҳашт биҳишт” боғида ўтказиб, Қурбон ҳайт намозини ўқимоқ учун Аграга яқин бўлган Секрига бориб, хайит намозларини “паёпай бир ерда” ўқимаганларини айтиш билан, “қоида халал топмасун” деб ўзи бунёд қилган “Боғи фатҳ”га борганлигини “Бобурнома”да шундай таъкидлайди:

“... Ўн бир ёшимдин бери икки рамазон ийидини паёпай бир ерда қилғон эмас эдим. Ўтган рамазон ийиди Ограда бўлиб эди. Бу қоида халал топмасун деб, якшанба салх оқшоми ийд қила Секрийга борилди. Секрийда солғон “Боғи фатиҳ”нинг ғарби-шимол тарафидаги тош суфа тайёр бўлиб эди. Ул суфа устида оқ уй тикиб, анда ийид қилилди”.(302 б)

Юқоридаги келтирилган тасдиғимизнинг мақсади Бобур Мирзо ўзининг шахсан назорати остида барпо қилинган “Ҳашт беҳишт”, “Боғи фатҳ” боғлари Бобурнинг Ҳинд ерига бўлган муҳаббати деб биламан.

Дунёнинг етти мўъжизаси деб ҳисобланмиш Тожмаҳал мақбараси ва унга кирувчи боғнинг кўлами 18 гектар ерни ташкил қилади. Боғда фонтан ва катта кичик кўллар ва гулзорлар билан қопланган. Албатта, ишонч комил билан айтамизки, Шоҳ Бобур бошлаб берган буюк бунёдкорлик ишларини унинг ўғли Ҳумоюн, набираси Акбар, унинг ўғли Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон каби авлодлари давом эттириб, буюк бобокалонимизнинг орзуларини амалга оширди, деб айта оламиз.

Аграда Акбар шоҳ 1565 йилда тикланган ва қайта курган қизил тошлардан қурилган Қизил қалъа номи билан машҳур бўлган ва Бобур Аграни пойтахт қилганда ўша қароргоҳда бўлган.

Адабиётлар:

1. Бобур З.М. “Бобурнома” “Юлдузча нашриёти.Т.1990 й.
2.Мухиддинов З. “Бобур Мирзо”,”ANDIJON NASRIYOT-
3.Шахид Таслеем
4. Quronov D. Adabiy nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018.
5. Қуронов Д ва б. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.

BOBUR ASARLARI TILI

Quldashev Nizomidin Ahmadaliyevich,
Farg'ona davlat universiteti tilshunoslik kafedrasi mudiri (Phd)
Kuldashev.nizomidin@mail.ru
Ahmadjonova Sitora Akramali qizi
Farg'ona davlat universiteti o'zbek tili yo'nalishi 3 bosqich talabasi
ahmadjonovasetora@gmail.com

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың әлем әдебиетінің тамаша үлгілерін тудырған лирик ақын және өзбек тілінің бай тіл екенін көрсете білген жасампаз ретіндегі тілдік көзқарастары қарастырылған.

Кілт сөздер: хасби жағдайы, көп мағыналы, омоним, тұйық, рифма, рубаи, қайталау, тазад.

Аннотация. В данной статье рассматриваются лингвистические воззрения Захириддина Мухаммада Бабура как поэта-лирика, создавшего прекрасные образцы мировой литературы и творца, сумевшего доказать, что узбекский язык является богатым языком.

Ключевые слова: хасби, многозначность, омонимичность, туюк, рифмы, рубайи, повтор, тазад.

Zahiriddin Muhammad Bobur haqida so'z ketganda, hamisha shoh va shoir degan ta'rifga duch kelamiz. Ularning birini ikkinchisidan ustun qo'yib bo'lmasligini yaxshi bilamiz. Shoh va shoir Bobur degan bu ifodaga allaqachon o'rganib bo'lganmiz. Hamma gap qismatga bitilgan mana shu shohlik va shoirlikda ekanini ham tushunamiz. Taqdir bunday bir-biriga muvofiq kelishi, og'ir yo'lga kirganini ham tasavvur qilamiz: shohlik siyosati, shoirlikning qayg'u, iztiroblari. Bu tasavvurlar Boburning yurt egallash uchun kechgan janglari, ba'zan qattiqqo'llik bilan olib borgan siyosati mujassam voqelik va ko'ngil o'rtasida kechadigan katta kurash maydoniga o'xshaydi.

Davron meni o'tkardi sar-u somondin,
Oyirdi meni bir yo'li xonumondin
Gah boshima toj, goh baloyi ta'na,
Nelarki boshimg'a kelmadi davrondin.

Shohlik azoblarini boshidan kechirgan, ularni shoir ko'nglidan o'tkazgan Boburning bunday hasbi hol ruboiylari, "Boburnoma" o'zgacha fikrlashga imkon bermaydi.[101] Dunyo kitobxonlari sevib o'qiydigan ingliz, nemis tillaridagi "Bobur – yo'lbars", "Farg'onalik shahzoda", "Toj kiygan darvesh" kabi asarlarda ham, o'zbeklar orasida shuhrat topgan Pirimqul Qodirovning "Yulduzli tunlar" ("Bobur") romanida ham Bobur haqidagi bu tasavvurlar o'zgarmaydi. Chunki ularning hammasi "Boburnoma"ga tayanib yozilgan. "Boburnoma" esa ulkan va noyob manba. Undagi ma'lumotlar, axborotlar, ta'rif, tavsif va talqinlar hamma zamonlarda qimmatli ahamiyat kasb etib kelmoqda. "Boburnoma"ni o'qish – Boburni tanishdir. Boburni yana-da yaxshiroq bilish, uning ko'nglidagi quvonch-u hasratga oshno bo'lish istagi uning she'rlarini o'qishga undaydi. She'rlarni o'qiymiz. Ko'nglimiz ham osmon qadar yuksalgandek bo'ladi, nimadir jonimizni o'rtaydi, tomirdagi qonimizning shovullab

[101] https://oyina.uz/uz/article/554

oqayotganini his qila boshlaymiz va oʻzini, taqdirini izlayotgan Boburni taniy boshlaymiz.

Zahiriddin Muhammad Boburning oʻzbek adabiyotida ruboiy janri taraqqiyotini yangi bosqichgak oʻtargan ijodkordir. Uning ruboiylarning katta qismi hayotiy tajribalari davomida toʻplangan haqiqatlarni mujassam etgan.

Tuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur,
Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur.
Sarrishtayi ayshdin koʻngulni zinhor
Uz, oh, Zahiriddin Muhamrnad Bobur.

Bobur oʻzbek tilidagi soʻzlardan juda oʻrinli hamda unumli foydalanadi. Ularning kuchi va qudratini, ichki imkoniyatlarini, tarovatini chuqur his qiladi. Yuqoridagi ruboiy birgina soʻzning oʻzgarishi asosida hosil boʻlgan. Ammo unda boshqa she’rlarda boʻlgani kabi, ichki bir dard, abgor boʻlgan koʻngil, afsus va nadomatlar ichidagi ruh egasi yorqin tarzda namoyon boʻladi. Ruboiyda tuz, yuz, uz qofiya vazifasini bajargan. Birinchi, ikkinchi hamda toʻrtinchi misralarning qolgan soʻzlari radif vazifasini bajarmoqda:

Tuz, oh, Zahiriddin Muhammad Bobur.
Yuz, oh, Zahiriddin Muhammad Bobur.

Ilmi qofiyada qofiyaning bu shakli bosh qofiya deb yuritiladi. Biz qofiyani misra oxirida koʻrishga koʻnikib qolganmiz. Hodisalar oʻzbek tilining ifoda imkoniyatini koʻrsatishiganligiga koʻra ham e’tiborlidir. Ruboiylarda taxallusni qoʻllashga koʻra ham Bobur boshqa shoirlardan ajralib turadi. She’rning mazkur shaklda yaratilishi har ikki misradagi soʻzlarning takroriga tayangan yuksak ohangdorlikni hosil qiladi. Natijada yoqimli musiqiy ohang, takrorlanmas she’riy jarang yuzaga keladi. Ruboiydagi uchinchi misra, koʻpincha yakunlovchi misra uchun munosib tayanch vazifasini bajaradi. Mazkur ruboiy ham shunday tuzilgan. Unda yaxshi kishining hech qachon yomonlik koʻrmasligi ta’kidlangan. E’tibor berilsa, ruboiyni mazmuniga koʻra ikki qismga ajratish mumkin. Birinchi qismda, umuman, har qanday odam haqida gap boradi. Ular umumlashgan obraz sifatida tasvirlangan. Ularning bir guruhi vafodorligi, ikkinchi toifasi jafokorligi bilan «mashhur». Keyingi ikki misrada esa nisbatan aniqroq shaxslar: yaxshi va yomon odamlar tilga olingan. Ruboiydagi asosiy tasvir vositalari – soʻz takrori va tazod. Ular vositasida har bir harakat va uning natijasi, olamdagi sabab va oqibat munosabatining tasodifiy boʻlmasligi ta’kidlanmoqda. Boburning koʻpgina gʻazal va ruboiylarida boʻlganiday, bu yerda ham yaxshilik qilishga undash, yomonlikdan uzoqlashishga da’vat asosiy oʻrin tutgan. Muhimi, ular quruq pand-oʻgit emas, balki yuksak badiiyat kasb etilmoqda.

Zahiriddin Muhammad Bobur jahon adabiyotining goʻzal namunalarini yaratgan lirik shoir va ilmiy-tarixiy qimmatga ega boʻlgan memuar asar –“Boburnoma” asarining muallifidir. Bobur asarlarining ijobiy tomonlaridan biri – tilining soddaligidir. U oʻz asarlarini sodda tilda yozdi va boshqalarni ham shunday yozishga chaqirdi. Bu haqida Boburning oʻz oʻgʻli Humoyunga yozgan xati ajralib turadi. Oʻgʻlining dabdabali uslubda yozilgan bir xatini tanqid qilib, u shunday yozadi: *“Mundin nari betakalluf va ravshan va pak alfaz bila biti, ham sanga tashvish azraq bolur, ham oqugʻuvchigʻa”* Boburning sodda uslub va til bilan yozishni talab etishi va shunga oʻzining amal qilishga undaydi. Badiiy uslubining soddaligi Bobur asarlarining oʻquvchiga tez anglashilarli, badiiy tasvir vositalarining ommabop boʻlishiga olib

keldi. Bobur o‘z she’rlarida xalq maqollari va ifodalaridan unumli foydalanadi. Masalan:

Har yerdaki gul bo‘lsa, tikan bo‘lsa netang,
Da’vayi ishq etib, g‘ayr, Baburni ayb qilma.
Kim men edim seningdek, sen bolg‘aysan meningdek.

Bobur parallelizm, tazod, la’f va nashr, o‘xshatish, mubolag‘a va boshqa turdagi usul va badiiy til vositalari orqali mavzuni yaxshiroq yoritishga erishdi. U xalq tili boyliklarini, xalq og‘zaki ijodidagi askiyachilik mahoratini yaxshi o‘rganganligini ko‘rishimiz mumkin. Natijada u omonim va polisemantik so‘zlardan hamda so‘z o‘yinlaridan ustalik bilan foydalanib, o‘zbek tilida tuyuqning ajoyib namunalarini ham yaratganligini ko‘rishimiz mumkin.

Tik qaddimni firoq mehnati yo qilidi,
Ko‘nglim esa g‘am-u anduh gulhanida yoqildi.
Men bu holimni saboga aytgan edim, ammo bilmayman,
Ey gul, u xabarimni senga sharh qilmadimi yo qildi?

“Qadimni firoq mehnati yo qildi...” nomli tuyug‘ida "yo qildi" so'zlari tajnisiga asoslangan va ma'nosi shunday: "Tik qaddimni firoq mehnati yo qilidi (egdi), ko'nglim esa g'am-u anduh gulhanida yoqildi (yondi). Men bu holimni sabo (tong shabadasi) ga aytgan edim, ammo bilmayman, ey gul (yor), u xabarimni senga sharh qilmadimi yo qildi?" ma’nosini ifodalamoqda. O‘zbek tilini qaydarajada boy til ekanligini mana shunday ijod namunalari orqali ko‘rishimiz mumkin.

Bobur til san'atini shu darajada chuqur egallaganki, go'yo uning g'azallaridan o'ziga xos musiqa ovozi sizib turadi. Mana besh asrdirki, uning g'azallari hamon qalbni titratadi, oshifta dillarni jumbushga soladi. O'zbek adabiy tili tarixida esa bu murakkab, ayni paytda jiddiy masala dastlab Zahiriddin Muhammad Bobur e'tiborini tortdi. U o'zbek tilidagi nutq tovushlari bilan yozuv usulidagi nomuttanosiblikni sezib, mavjud alifboni isloh qilishga kirishadi va 1503-1504 yillarini ko'zda tutib, "Ushbu mahallarda Boburiy xatni ixtiro qildim", - deb yozadi. Bobur ixtiro qilgan bu yozuv turkiy xalqlar tillariga mos alifbo qidiruv yo'lidagi katta jasorat edi. Bobur yozuvida hech bir harf nuqta bilan yozilmagani, soddaligi va qulayligi bilan iste'moldagi alifboga nisbatan ancha afzalliklarga ega edi. Bu, birinchidan, Boburning yetuk tilshunos olim sifatida nafaqat so‘zga, balki har bir tovushga jiddiy e’tibor berib, unga ilmiy nuqtai nazardan yondashganligini ko‘rsatadi. Ikkinchidan, o'zbek tili imlosining hozirgi ahvoliga nazar tashlaydigan bo'lsak, masalaning mohiyati yanada chuqurroq ochiladi. Chunki o'zbek tili imlosi turkiy tillar ichida eng nuqsoni ko‘p, sababi esa, tildagi nutq tovushlarini to'liq ifodalay olmaysligida.

Bobur o'zining "Boburnoma" sida ayrim tovushlarning qo'llanilishi va hatto ularda uchraydidan ba'zi jarayonlarni izohlash bilan ham tovushlar tadqiqotchisi ekanligini namoyish etadi. Bu ayni payda bizga o'sha so'zning, hatto ba'zi urg'ularning tarixini belgilash uchun ham qimmatli manba bo‘lib xizmat qilib kelmoqda.

Xulosa qilib ayta olamizki, Zahiriddin Muhammad Bobur Alisher Navoiydan so'ng o'zbek adabiy tilining taraqqiyotidg juda katta hissa qo‘shgan tilshunos olim hisoblanadi. Bobur ko'pincha oddiy kishilar va o'z askarlari orasida bo‘lganligi sababli, xalqning sodda, ayni paytda boy tilini o'rganishga va o'z navbatida asarlari tilining jozibali bo‘lishiga olib keldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Azimdjanova S. Indiyskiy divan Babura. T.: Fan, 1966
2. X.Nazarova."Boburnoma" tilining sintaktik qurilishi. Dokt. diss. - T.: 1980
3. Stebleva I.V. Semantika gazeley Babura. - M.: 1983
4. H.Qudratullaev. Boburning adabiy-estetik qarashlari. -T.: Fan, 1983
5. S.Hasanov. Boburning „Risolayi aruz" asari. -T.:1986;
6. Xayriddin Sulton. Boburiynoma. -T.:1996
7. G'aybulloh as-Salom, N.Otajon. Jahongashta „Boburnoma" - T.:1996

БОБУРНИНГ БУЮКЛИГИДА ВОЛИДАСИ ВА КАТТА ОНАСИНИНГ ЎРНИ

Саидхонов Маъмуржон Муҳаммедович
Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти
Тел. +998902598887. Э/п. saidxonov54@mail.ru

Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини аввало шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди.
Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Аннотация: Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк ижодкор, шоҳ ва саркарда бўлишида онаси Қутлуғ Нигорхоним ва бувиси Эсандавлат Бегимнинг хизматлари “Бобурнома” мемуар-автобиографик асари асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: мемуар-автобиографик, такрир санъати, таҳлил, персонаж, муаллиф-персонаж.

Аннотация: В статье на основе мемуарно-автобиографического произведения "Бабурнаме" раскрыты заслуги матери автора Кутлуг Нигорхоним и его бабушки Эсандавлат Бегим в становлении Захириддина Мухаммада Бабура как великого творца, правителя и полководца.

Ключевые слова: мемуар-автобиографический, искусство повтора, анализ, персонаж, автор-персонаж.

Инсоният азал-азалдан хотин-қизларга алоҳида ҳурмат билан эътибор қаратган. Муқаддас Қуръони Каримнинг энг катта сураларидан бири – “Нисо”да ҳам аёллар улуғланади. Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни аёлларга адолатли

муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида теран ҳикмат борлиги ҳаётда ўз исботини топиб келмоқда.

Энг аввало, аёл бу бизни дунёга келтирган онамиздир, қолаверса, ҳаётимизнинг гултожи, ҳар биримизнинг сулоламизни давом эттирувчи суянчиғимиз – турмуш ўртоғимиздир. Шунингдек, опамиз, синглимиз, жигаргўшаларимиз, қолаверса, гўзал хилқат саналмиш Аёл бу Аллоҳ таолонинг шундай инъомики, бусиз ер юзида ҳаёт тўхтайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодида ҳам аёлларга эътиборни, эҳтиромни кузатиш мумкин. Унинг назмий асарларининг асосий қаҳрамони ёр, гўзал сиймо, соҳибжамол бўлса, “Бобурнома”да ҳар бир аёл таърифида, тавсифида ва таҳлилида уларга ўта эътибор билан ёндашади. Шунингдек, ижодкорнинг Хўжа Аҳрор Валийнинг насрда ёзилган “Волидия” асарини таржима қилгани ҳам бежиз эмас.

Шоир Бобур шеърларида аёлларни ёр тимсолида мадҳ этади, уларни мўйқалам рассом каби тасвир этади, гўзаллигини энг ноёб сўз-қалам билан ифодалайди ва китобхонда нафақат тасаввур уйғотади, балки унинг шаклу шамойилини, оразу сумбатини намойиш этади.

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,
Юзунг ҳур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.
Мейнон менгинг, сўзунг мул, анбар сочинг, юзунг ҳур,
Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Ушбу тўртликда такрир санъатини қўллаш орқали ёр портретини чизиб бермоқда. Ушбу шеърий санъат шоир айтмоқчи бўлган ғоявий ниятни ёрқии юзага чиқаришда, мисралар назокатини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай санъат қўлланган шеърда бир сўз, ибора, калималар гуруҳи иштирок қилиши мумкин.

Бобурнинг “Бобурнома” асари автобиографик-мемуар характерда бўлгани сабабли унда реал шахслар асар персонажи сифатида китобхон кўз олдида гавдаланади ва унда, табиийки, аёлларга – ўз оиласидаги аёл-хонимларга кенг ўрин ажратилган. Яна шу жиҳат эътиборга лойиқки, онаси, бувиси, опаси, рафиқалари, қизлари ва бошқа аёллар ҳақидаги маълумотлар табиий, самимий, реаллик асосига қурилган. Зеро, ушбу жанр тақозосига кўра ҳар бир асар персонажи ижодкорнинг кўз ўнгида гавдалангани асосида ифода этилади. Унинг портрети, хусусияти, фазилат ва камчиликлари, ҳиссиёт ва руҳияти муаллиф-персонаж томонидан гавдалантирилади, бошқача айтганда, қоғозга кўчирилади.

Бобурнинг туғилиши, тарбияси, билим олиши, шахс сифатида шаклланишида, албатта, онасининг таъсири кучли бўлган. Умаршайх Мирзо авлоди тафсилотига тўхталган ижодкор шундай ёзади: «...Бори ўғлонларидин улуғ мен – Заҳириддин Муҳаммад Бобур эдим. Менинг онам Қутлуғ Нигорхоним эди... Бори қизларидин улуғ Хонзодабегим эди, менинг била бир туққон эрди, мендин беш ёш улуқ эрди».(1, 66.). У онасининг мўғуллардан эканини, қариндош-уруғларининг ким эканини, қисқаси, она авлоди ҳақида тўла маълумот беради: «...Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди. Юнусхон ибн Вайс-хон ибн Шерали Ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизир Хожахон ибн Туғлуқ Темурхон ибн Эсан Бўғахон ибн Дўвахон ибн Бароқхон ибн Йесун Тува ибн Мўтугон ибн Чиғатойхон ибн

Чингизхон». "У Чингизхоннинг 14-авлоди. Умаршайх Мирзодан икки нафар фарзанд кўрган: Хонзода Бегим ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур". (2, 567)

Тарих гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур Чингизхон авлодига мансуб Сарой Мулкхонимга (Бибихоним) уйланган ва шу аснода мўғуллар билан муносабатни йўлга қўйган ҳамда «кўрагон» (хоннинг куёви) унвонига сазовор бўлган. Бу анъана кейинчалик ҳам давом этиб, Соҳибқирон Амир Темурдан кейин унинг барча эркак авлодларининг битта хотинлари чингизий хонимлардан бўлган. Шунга кўра темурийлар номига «кўрагонийлар» унвони қўшилиши урф бўлган. Бежизга Муҳаммад Тарағай Улуғбек Мирзо ҳам ўзининг юлдузшунослик илмига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган машҳур асарини «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номламаган. Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам ушбу анъанани давом эттириб, чингизий санамлардан уйланади ва шу никоҳдан Бобур Мирзо туғилади.

Мирзо Бобурнинг 12 ёшида тахтга ўтириши ва ўта шиддатли, таҳликали бир даврда мамлакатни бошқаришида, табиийки, онасининг таъсири кучли бўлган. Қолаверса, унинг буюк шоир, саркарда, подшо бўлиши, Самарқандни ишғол қилиши, Афғон ва Ҳиндистонда ҳукмдор бўлиши ҳам онаизорнинг тарбиясининг, ўгитларининг натижаси десак, адашмаган бўламиз.

Бобур "Бобурнома"да онасини *менинг волидам, менинг онам, волидам, волида хоним* каби эҳтиром, шу билан бирга, эркалик билан 13 ўринда тилга олади. Онасини таърифлашдан ташқари у билан бўлган мулоқотларида Қутлуғ Нигорхонимнинг оқила, зукко, вазиятни ҳис қиладиган ва унга ечим топадиган тафаккур эгаси эканини китобхонга етказиб беради.

Бобур Мирзо онасининг "тангри раҳматига борганини" айтиб, уни Қобулдаги Боғи Наврўзга дафн этганини келтириб ўтади. Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" асарида онасининг мангу макон топган гўшага дафн этилгач, Бобур боғ эгаларига минг танга берганини кўрсатиб ўтган. (3, 47) Бобурнинг шоҳ ва шоир бўлиб шаклланишида аҳамият касб этган яна бир аёл унинг бувиси Эсандавлат Бегим бўлиб, мулоҳазакор, тадбиркор, давлат ишларини тушунадиган ва уни бошқаришни эплай оладиган ақлли аёл эди. Ундаги инсонлар билан мулоқот маданияти, ҳар қандай шароитда адолатни бирламчи омил деб билиш, самимийлик жиҳатлари эътиборга лойиқ бўлган. Бобур момосига юксак баҳо берган: "Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсандавлат Бегимга кам бўлғай эди, бисёр оқила, мудаббира (тадбиркор) эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди". (1, 25.) Ҳаролд Ламб ҳам ўзининг "Бобур – йўлбарс" асарида: "Эсандавлат Бегимнинг ўз эрига бўлган садоқати ва жасорати ҳақида афсоналар тўқилган, шу боис у Юнусхон измидаги сарой маликалари ичида энг юқори мартабалиси ҳисобланарди...

Эсандавлат Бегим кўп қийинчиликларни бошдан кечириб, ҳаётий тажриба тўплаган ажойиб аёл эди.У кўчманчилик давомида рўй бериладиган хавф-хатарни олдиндан сезар ва қийин аҳволдан қандай қилиб чиқиб кетиш йўлларининг режасини аввалдан тузиб қўярди. Унинг узоқни кўра билиш қобилияти ва зийраклиги гўёки Бобур вужудига кўчгандай эди ва бу хислатлар ёш шаҳзоданинг оғир кунларида жуда қўл келди", – деб ёзади. (4. 16.) Эсандавлат Бегим Қутлуғ Нигорхонимнинг онаси бўлиб, Бобур Самарқандни эгаллаганда 1501 йилда у Бобурнинг ёнида бўлади ва 18 ёшли Бобурга барча

соҳада маслаҳатгўй, сардор ва саркор бўлади. Ҳарбий сафарларда кўп бўлган, жанггоҳларда қатнашавериб кўзи пишиб кетган ва жангда ғалаба тарозиси посангисини қандай ўз томонига оғдиришни биладиган тажрибали ва билимдон Эсандавлат Бегим ёш Бобур Мирзога барча соҳада устоз саналарди. Бобур Самарқандни ташлаб чиқиб кетаётганда, Эсандавлат Бегим ушбу шаҳарда маълум муддатга қолади ва у ерда қариндош-уруғларини топиб, улар билан дийдорлашиб, юртдошларига эҳсонлар қилади.

Кўриниб турибдики, Бобур Мирзо аёлларни ниҳоятда қадрлайди. Доим уларнинг ҳамиятини ҳимоя қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бобур. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989.
2. Бобур энциклопедияси. Тошкент: Шарқ. 2017. – Б..688.)
3. Ражабова Б. Оналар билан суҳбат. Т: Turon zamin ziyo. 2014. – Б. 47.
4. Ҳаролд Ламб. Бобур – йўлбарс. Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – 16.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИСТЕЪМОЛДАН ЧИҚҚАН “БОБУРНОМА”ДАГИ ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАР

Мухторжон Амонов,
Фарғона давлат университети тилшунослик кафедраси доценти филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Бұл мақалада «Бобурномада» қолданылған және қазіргі өзбек әдеби тілінде қолданыстан шығып қалған араб және парсы изофикалық тіркестерінің лексикалық-семантикалық ерекшеліктері талданады.

Негізгі сөздер: изофитті тіркес, изофитті тізбекті тіркес, көнерген, шектелген лексикалық бірліктер, семантикалық белгі.

Аннотация: В данной статье проанализированы лексические и семантические особенности некоторых арабских и персидских изафетних сочетаний в “Бабурнаме”, вышедшие из употребления в современном узбекском языке.

Ключевые слова: изафетное словосочетание, изафетная цепь, вышедшие из употребления, ограниченная степень использовании, семантическая особенность.

Ҳар қандай тилнинг луғат таркибининг бойишида ўзлашмаларнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Тилшунос олимларнинг фикрича, бир тилдан иккинчи тилга аввало атама, яъни от туркумига оид сўзлар ўзлашади. Бу албатта, бошқа туркумдаги сўзлар, ёрдамчи сўзлар ўзлашмайди дегани эмас. Ўзбек тили луғат таркибида арабча ва форсча ўзлашмалар салмоқли ўринни эгаллайди. Бундан ташқари араб ва форс тилларидан ўзбек тилига бир қатор изофий бирикмалар ўзлашган. Араб ва форс тилларидан ўзлашган изофий бирикмалар ўзбек тили учун тил ҳодисаси бўлиб, заруратга кўра янги изофий бирикмалар ҳосил қилинмайди, улар кўпинча тайёр луғавий бирлик сифатида мавжудлиги билан

сўзга яқин туради ва луғатларда лисоний бирлик сифатида акс этади. Эски ўзбек тилида изофий бирикмалар нафақат турғун бирикма сифатида, балки эркин бирикма сифатида ҳам ҳосил қилинган. Ўзбек тилшунослигида тожикча изофали бирикмалар нисбатан чуқурроқ ўрганилган[1.40]. Арабча изофали бирикмалар эса нисбатан кам ўрганилган. Тадқиқотчи М.Юсупов ўзининг "Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Наваи" мавзусидаги номзодлик иши 3-бобини арабча изофа тадқиқига бағишлаган[2].

Юсуповгача профессор Ф. Абдуллаев, профессор Э. Бегматовлар бу масалага қисман тўхталганлар [3.53]. Тилшунос Д.Ҳакимов "Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими" номли мақоласида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги арабча изофалар ва уларнинг имлосига эътиборни қаратади [4.63].

Биз ушбу мақолада ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намуналаридан бўлган "Бобурнома" асарида қўлланилган ва ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолдан чиқиб кетган айрим изофий бирикмаларни таҳлилга тортдик.

Хўжандни баъзи дохили Фарғона эмас дерлар[5.11]. Мазкур жумладаги *дохили Фарғона* форсий изофий бирикмаси *Фарғонага қарашли* маъносини англатиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида ушбу турдаги изофий бирикма ҳосил қилинмайди ва фақат тарихий асарларда учрайди.

Яна соҳиби "Ҳидоя" ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида "Ҳидоя"дин мўътабарроқ китоби фиқҳ кам бўлғой, Фарғонанинг Марғинон отлиқ вилоятиндур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур[5.44]. Ушбу жумладаги *дохили Мовароуннаҳр* форсий изофий бирикмаси ҳам юқоридаги жумладаги каби эркин изофий бирикма бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмоли чеклангандир.

Асардаги *аиммаи ислом-ислом имомлари, аиммаи калом-калом имомлари* каби арабча изофий бирикмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди ва ўқувчи мазкур атамалар маъносини луғат ёрдамисиз тушунмайди.

Шайх Абумансурким аиммаи каломдиндур. Самарқанднинг Мотрид отлиқ маҳалласидиндур. Аиммаи калом икки фирқадур, бирини мотридия дерлар, бирни ашъария дерлар[5.44]. Ислом динининг Аҳли сунна вал жамоа йўналишида тўрт мазҳаб ва икки ақидавий йўналиш мавжуд бўлиб, Бобур юқоридаги жумлада *Аиммаи калом- калом имомлари* арабча изофий бирикмаси орқали мотрудия ақидавий йўналиши асосчиси имом Мотрудий ҳақида маълумот берган.

Муаллиф Самарқанд шаҳрига таъриф бериб, ушбу шаҳардан кўплаб ислом имомлари етишиб чиққанлигини таъкидлайди:

Ҳазрати рисолат замонидин бери ул миқдор аиммаи исломким, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским, мунча пайдо бўлмуш бўлғай[5.43].

Яна Самарқанд шаҳрининг мустаҳкам қалъа эканлиги ва душман осонлик билан бу шаҳарни забт эта олмаслигини баён қилиб, *балдаи маҳфуза-ҳимоя қилинган шаҳар* маъносини англатувчи изофа бирикмасини қўллайди.

Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмағон учун балдаи маҳфуза дерлар[5.43]

Тарихдан маълумки, подшоҳлар саройи фитнанинг уйи бўлган ва ўзаро суиқасдлар авж олган. Бир-бировини заҳарлаб қўйиш, одатий ҳол бўлган.

Муаллиф *дафъи таваҳҳум* изофий бирикмаси воситасида ваҳимани даф қилмоқ, шубҳадан холи қилмоқ маъносини ифодалайди.

Шарбат келтурдилар.Мирзахоннинг дафъи таваҳҳумиға шарбатни аввал ўзум ичиб, анга бердим[5.181].

Асарда айрим ўринларда Бобур мураккаб изофий занжирли бирикмаларни қўллайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бундай бирикмалар истеъмолдан чиққан.

Ва чун бу вилоят ҳам дохили мамолики махруса бўлди, азимати мустақарри хилофат қилдук[5.352].

Ушбу жумлада иккита изофий занжирли бирикма қўлланилган бўлиб, *дохили мамолики махруса- ҳимоя қилинган мамлакатларга кириш* маъносини англатади. *Азимати мустақарри хилофат- Халифалик қарор топган жойга йўл олиш* маъносини англатади. *Азимати мустақарри хилофат* изофий занжирли бирикмаси кейинги жумлада икки компонентли содда изофий бирикма шаклида келган.

Муҳаммад Ҳумоюнни Кобул ва Бадахшонға рухсат бериб,ўзумиз мустақарри хилофатка борғонмиз[5.352]. Биринчи гапдаги *Азимати мустақарри хилофат* занжирли бирикмаси иккинчи гапдаги *мустақарри хилофатка борғонмиз* сўз бирикмасининг вариантидир.

Тарихий асарларда *аҳли илм, аҳли фазл, аҳли табъ, аҳли ҳунар, аҳли куффор, аҳли ислом, аҳли шеър, аҳли назм, аҳли соз* каби кишиларни маълум бир машғулот, касб-ҳунар маъносини англатувчи сўз атрофида жамловчи изофий бирикмалар кўп учрайди ва ўқувчи луғат ёрдамисиз мазкур бирикмалар маъносини тушунади. Бироқ, “Бобурнома”да *аҳли иртидод* –чекинувчилар, жангда чекинганларни назарда тутувчи изофий бирикма, *қуттоут тарийқ*- йўлтўсар, қароқчи маъносини англатувчи изофий бирикма, *мусаввиди авроқ*— варақларни қораловчи, котиб маъноларини англатувчи изофий бирикмаларни луғат ёрдамисиз тушуниб бўлмайди ва ушбу бирикмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида умуман қўлланилмайди.

“Бобурнома”даги жой маъносини ифодаловчи изофий бирикмалар: боғ, дарё, дара, кўл номлари ҳеч бир ўзгаришсиз бугунги кунда ҳам изофий бирикма сифатида қўлланилади. Бироқ, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи кўплаб изофий бирикмалар, изофий занжирли бирикмалар истеъмолдан чиқиб кетган ва ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди: *маъкулул-лаҳм*—гўшти еса бўладиган, *муттафиқул-калима* — бир овоздан каби.

Роно Сангони мунча тасаввур қилилмас эди борча муттафиқул-калима арз қилдиларким, Роно Санго йироқроқтур, маълум эмаским ёвуқ ҳам кела олмағай[5.275]

Ҳозирги ўзбек тилида *мамлакатнинг суянчиғи, таянчи* маъноларини англатувчи умдатулмулк арабча изофий бирикмаси қўлланилмайди ва луғат ёрдамисиз маъносини англаш мушкул: *Мундин сўнг агар қўрғон номазбут ё раият номаъмур бўлса, ё захира бўлмаса, ё хазина тўлмаса, ул умдатулмулкнинг бемуҳосиллиғиға ҳамл бўлғусидир*.[5.329]

Асардаги айрим изофий бирикмаларни сўзма сўз таржима қилганда маъно тўғри ифодаланмайди:

Рабиулохир ойида Султон Маҳмуд мирзоға қавиуй ориза юзланиб, олти кунда оламдин кечти. Қирқ уч ёшар эди.[5.26] Мазкур жумладаги *қавиуй ориза* изофий бирикмаси *қатъият* маъносини англатиб келган.

Бобур ҳинд халқининг эътиқоди ҳақида маълумот бериб, *мутиул-ислом— исломга итоат қилувчи* маъносини англатувчи изофий бирикмасини қўллайди:

Яна Ҳиндустоннинг атроф ва жавонибида ғалаба рой ва рожадур, баъзи мутиул-ислом, баъзи йироқлигидин ё ери берклигидин ислом подшоҳлариға итоат қилмайдурлар.[5.252]

Асарда *муставжиби иноят* форсий изофа бирикмаси *иноятга сазовор, иноятга лойиқ* маъноларини англатади ва ҳозирги ўзбек адабий тилида бундай бирикма қўлланилмайди:

Яна бир Муҳаммад жолабонға Ганг дарёсиға яхши кўпрук боғлағони учун *муставжиби иноят бўлуб эди, бу Мир Муҳаммадға ва яна туфакандозлардин паҳлавон Ҳожи Муҳаммад ва паҳлавон Баҳлул ва Вали Порсчийға якка ханжар иноят бўлди.*[5.324]

Эски ўзбек тилида араб тилидан ўзлашган *касрат* сўзи фаол қўлланилган бўлиб, ўзбек тилида аслиятдаги каби *кўп, мўл* маъноларини англатади. “Бобурнома”да ушбу сўз форсий изофий бирикма таркибида келган:

Тенгри таоломундоқ севинчларни манга ва сенга ҳамиша рўзи қилғай, омин ё раббал-оламин. Отини Алъамон қўймишсен. Тенгри муборак қилғай. Вале бовужудким, ўзинг битибсен, мундин ғофил бўлубсенким, касрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отта кам бўлур.[5.320] Ушбу жумлада *касрати истиъмол* изофий бирикмаси *кўп истеъмол қилинадиган, кўпинча, аксар* маъноларини англатиб келмоқда.

Асарда таркиби арабча сўзлардан иборат бўлган *кофири неъмат* форсий изофий бирикмаси қўлланилган бўлиб, ушбу бирикма ҳозирги ўзбек адабий тилида бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган:

Ушбу йил, Хисравшоҳ Балх устига черик борур хаёли била Бойсунғур мирзони тилаб, Қундузға келтуруб, Балх устига отланди. Уёқча етган чоғда Хисравшоҳ бадбахт кофири неъмат салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларға не навъ етгай.[5.63] Мазкур жумладаги *кофири неъмат* изофий бирикмаси *ношукур, оллоҳ берган неъматларга шукр қилмайдиган* маъносида қўлланилган.

Айрим изофий бирикмаларни муаллиф ўзи изоҳлаб бермаганда, биз уларнинг маъносини луғатлардан ҳам излаб топишимиз мушкул эди. Масалан, *ябруҳус-санам* ўсимлиги маъносини англатувчи арабий изофани Бобур ўзи таърифлаб беради:

Баъзи китобларда битибтурларким, ябруҳус-санам бу тоғлардадур, вале бу мудатта ҳеч эшитилмади. Бир гиёҳ эшитилдиким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл “айиқ ўти” дерлар, меҳригиёҳ хосиятлиқ, ғолибо меҳригиёҳдур, ул эл бу от била айтурлар. [5.8]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон лўлиларининг турли хил цирк ўйинлари ҳақида маълумот беради. Бобур яшаган даврда Марказий Осиёда тўй ва тантаналарда ҳали ёғоч оёқ ўйини бўлмаган. Бундай томошани у Ҳиндистонда кузатган.

Яна бири буким, ул вилоят лўлилари икки йиғочни оёғларига боғлаб "пойи чўбин" қилиб йўл юрурлар. Ҳиндистон лўлилари бир йиғоч била "пойи чўбин" қилиб йўл юруйдурлар, оёғларига ҳам боғламайдурлар[5.324]

Пойи чўбин изофий бирикмасининг бугунги кунда ўзбек тилидаги варианти *ёғоч оёқ* атамаси қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, "Бобурнома"даги кўплаб арабий ва форсий изофий бирикмалар ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиқиб кетган ва бу каби изофий бирикмаларни тарихий асарлардагина учратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев. Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади. Т.: Фан, 1974, Абдуллаев. Ф, Эшондадаев. Д. Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1973, 1-сон.
2. Юсупов. М. Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Наваи. АКД. Т.:1984.
3. Бегматов. Э. Ономастик сўз ясаш масалаларига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1965, 3-сон; Абдуллаев. Ф. Киши отларини қисқартириш усуллари// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1960, 3-сон.
4. Ҳакимов. Д. Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими. Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 2004, 4-сон.
5. Бобур М.З. Бобурнома. Т.: 1989.

"БОБУРНОМА" ИЖОДИЙ-БИОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА

Каримова Фаридахон Исаковна,
Наманган давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди
faridaxonk @ mail.ru тел:998902144108

Аннотация: Мақалада патша әрі ақын, ұлы қолбасшы Захириддин Мұхаммед Бабырдың поэзиясы және оның сипаттары қарастырылады. Ақын поэзиясының хронологиясын анықтауда «Бобурноманың» шығармашылық-өмірбаяндық дереккөз ретіндегі маңызы ерекше атап өтіледі.

Түйін сөздер: патша және ақын, Бабыр поэзиясы, «Бобурнома», ғазал, рубаи, хронология, шығармашылық-өмірбаяндық дереккөз.

Аннотация: В статье анализируется поэзия и её специфические особенности царя и поэта, великого полководца Захириддина Мухаммада Бабура. Выделено значение «Бабурнаме» как творческо-биографический источник в определении хронологии стихотворений поэта.

Ключевые слова: царь и поэт, поэзия Бабура, «Бабурнаме», газель, рубаи, хронология, творческо-биографический источник.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги истеъдодли вакилидир. Шоҳ ва шоир, буюк саркарда сифатида тарих саҳнасида ном қолдирган Бобурнинг серқирра ҳаёти ва ижодий фаолияти уч улкан ҳудудда кечди: Бобур ҳаётини Фарғона вилоятининг ҳукмдори сифатида бошлади, кейинчалик Афғонистонда ўз давлатини тузди, умрининг охирги йилларида Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солди. Ижод оламида шоир, носир ва адабиётшунос сифатида ном қозонди. "Бобурнома" асари унинг номини жаҳоний миқёсларга олиб чиқди.

Бобур, аввало, истеъдодли шоир эди. Бобур шеърияти – баркамол инсон қалбидаги ҳис-туйғулар маҳсули бўлган эҳтиросли, жозибали шеърият. Шоирнинг ҳаёти зиддиятли бўлса-да, гўзал туйғуларга бой. У – ишқ одами, севги куйчиси. Унинг учун шеърни севиш, шеър ҳарорати билан яшаш қонуний эҳтиёж. У ёз фаслининг сурурини суяди. Жаврда нодир, зулмда моҳир, шевада қодир, ғамзада устод ёр васли иштиёқида ўртанади. Дўстларнинг суҳбати эса унинг дил файзи. Шунингдек, Бобур шеърларининг аксариятида дилида азоби бор, эзгу ҳислари яраланган, бироқ эзгулик, яхшилик, инсонийликка ишончи собит оддий шахснинг ўз даври ва муҳитига нисбатан кўнгилсиз муносабати, замонга юз буриш, уни инкор этиш ҳис-туйғулари ифода этилади. Шоирнинг лирик қаҳрамони узлуксиз қаёқларгадир бош олиб кетиш орзусини билдиради. Замонасининг носозлигидан, зулмдан ўзга ишни билмаслигидан ўзича қайғуради, лекин у ўз ватанини катта иштиёқ билан севади. Ватанга муҳаббат, уни қўмсаш мавзуси шоир лирикасида биринчи ўринни эгаллайди. Бобурнинг кўпгина шеърлари бевосита унинг сиёсати, ғалабаси ё мағлубиятининг поэтик ифодасидир. Шоир лирикасидаги ватан иштиёқи, оташин ишқнинг ҳасрат ва надоматлари ҳам бевосита мураккаб ҳаёти ва кураш йўли, шодиёна ва аламли саргузаштлари билан боғлиқ.

Фарғонада туғилиб ўсган, 899(1494-1495)йили, ўн икки ёшида Андижонда ҳокимият тахтига ўтирган, икки бор Самарқандни ўз ихтиёрига ўтказган .Бобур тақдир зарбалари остида Фарғона ва Мовароуннаҳрни ташлаб, ўзга юртларга юз буришга мажбур бўлди.

У 909(1503-1504)йилда Қобул ва Ғазна вилоятларини эгаллади. Бобурнинг ўз Ватанига қайтмоқ йўлидаги кейинги интилишлари ҳам амалга ошмади, унга ўз ватанига қайтиш насиб бўлмади, умриниг охиригача ўз юртидан узоқда ғарибликда ҳаёт кечирди. Унинг бу даврдаги ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, дард ва аламлари, изтироблари турли жанрлардаги лирик шеърларда ўз аксини топди.

Бобур лирикасини туйғу ва фикрларнинг солномаси, деб айтиш мумкин. Шоир шеърларида унинг ўй ва сезгилари, кайфияти, қайси аҳволда ва қаёққа томон бораётганлигини ҳамда қайси шеърларини қаерда ва қачон қоғозга туширганлиги ҳақидаги маълумотлар акс этган.

Андижон, Самарқандни қўлдан чиқарган Бобур Тошкентга йўл олади. Яқинларидан ёрдам ололмаган Бобур ўзини гўё ғурбатда яшаётгандек ҳис қилади:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши,
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севунмас эмиш, албатта, киши(1,89).

"Бобурнома"дан ўрин олган мазкур рубоий кундалик турмуш ташвишлари, укубат ва ғурбат остида эзилган ғариб кўнгилнинг бўғиқ фарёди эди. Бобур бу пайтда ғурбат ўз пешонасига ёзилганлигидан бехабар эди.

Мовароуннаҳрни бир давлат қилиб бирлаштириш орзуси барбод бўлгач, Бобур анча умидсизликка тушади, руҳий қийноқлар домига тортилади. Шунинг учун ҳам Бобурнинг шу давр билан боғлиқ айрим шеърларида ўз юртини тарк этиш истаги ифодаланади:

Хуш ул ким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса,
Жаҳон кезмак ила беқайдлиғни ихтиёр этса (2,131).

Шоир бунинг сабабини бевафо ёрнинг жафокорлиги билан боғласа-да, унинг асл сабаблари бошқа эди. Ўз юртидаги одамларнинг, амиру амалдорларнинг, бевафо яқинларининг хиёнатларидан дили оғриган Бобур ўзга юртларга бош олиб кетишни хоҳлайди.

Эътиборлиси шундаки, Бобурнинг бундай руҳдаги ғазал ва рубоийлари, аввало, унинг ҳаёт йўли билан таништиради. Шу билан бирга, мазкур шеърларнинг хронологиясини ҳам маълум даражада аниқлашга ёрдам беради. Бобур шеърларининг хронологиясини белгилашда энг ишоншли манбалардан бири "Бобурнома"дир. Асар шоирнинг муаллифлик биографиясига доир ниҳоятда аниқ маълумотларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, «Бобурнома»да турли воқеалар муносабати билан бир қанча ғазал, рубоий, маснавий, фард каби жанрлардаги шеърлар келтириладики, қайси йиллардаги воқеалар ҳикоя қилинаётганидан келиб чиқиб, уларнинг қачон ёзилганлигини аниқ айтиш мумкин. Хусусан, "Бобурнома"да "Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ", "Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим", "Янги ой юзи бирла кўриб эй шоду ҳуррамлар", "Менинг кўнглимки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур", "Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?" каби ғазаллар тилга олинади. Улар шоир шахсий кечинма ва туйғулари акс этган автобиографик ғазаллар сифатида баҳоланиши мумкин.

1500-1501-йиллар воқеаларини ҳикоя қилар экан, Бобур қуйидаги байтни келтиради:

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутса ондин яхшилиғ(1,79).

Ҳикоя қилинган йилларда Бобур ҳаётидаги энг оғир дамларни бошидан кечирган эди. У ўзи учун ноқулай бир шароитда Самарқандни иккинчи марта эгаллашга киришди. Шу даврларда турли қийинчиликларга дуч келган Бобур атрофидагиларнинг оқибатсизлигидан шикоят қилади. Шоирнинг яшаш тамойилини ифода этган бу машҳур ғазал бугунги ҳам катта сабоқлар беради, деб ишонч билан айтиш мумкин.

"Топмадим" радифли ғазали Бобурнинг биринчи тугал ғазалидир. Шоир "Бобурнома"да биринчи ғазали ҳижрий 907, мелодий 1502-йининг ёзида Сомсийрак атрофидаги Турон чорбоғида ёзилганлигини қайд этади: "Ул ғазаликим, тугаттим. Ушбу кун, ушбу юртта тугаттим. Ул туганган ғазал будур:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалким туганди, ўшул тартиб била ўқ битилди"(1,89).

"Янги ой бирла, кўруб эл ушбу хуррамлар" мисраси билан бошланувчи ғазали 913(1503-1504) йилларда ёзилган бўлиб, анъанавий тасвир воситалари орқали реал воқеа-ҳодисалар ва кечинмаларни акс эттирган. Бобур ғазалнинг матласи – биринчи байтини ва мақтаси-охирги байтини келтиради:

Янги ой ёр юзи бирла, кўруб эл шоду хуррамлар
Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар,
Юзи наврўзи-ю васли ийдини, Бобур, ғанимат тут,

Ки мундин яхши бўлмас, бўлса юз наврўзу байрамлар(1,120).

Баҳор ва ёр таърифи, ватан иштиёқи, қалб изтиробларини тараннум этувчи “Менинг кўнглумки гулнинг ғунчсидек таҳ-батаҳ қондур” мисраси билан бошланувчи ғазали 913(1506-1507)йил баҳорида Кобул вилоятининг Борон, Гулбаҳор деган жойларидаги лолазор бағрида ёзилган эди. Ўз юртидаги лолазорларни соғинган шоир табиат гўзалликларидан завқланади, шу билан бирга, ватан соғинчини, изтиробли туйғуларини юксак бадииятга йўғрилган мисраларда ифодалайди:

Менинг кўнглумки, гулнинг ғунчасидек таҳ- батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи ноимкондур(1,152).

1506-1507-йилнинг қишида содир бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилар экан, Бобур шу даврда қуйидаги матлаъ битилганини маълум қилади:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?(1,147)

Ушбу ғазал матласининг яратилиши ҳақида «Бобурнома»да батафсил маълумот берилган. Мазкур ғазал 1507- йилда Ҳирот – Кобул йўлида ёзилган.

Шундай қилиб, “Бобурнома” Бобур шеърларида акс этган ҳаётий кечинма ва кайфиятларини ўрганиш учун бебаҳо манбадир. «Бобурнома»нинг қимматли томони шундаки, унда муаллиф ўз ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни батафсил тасвирлаш билан бирга, шу даврдаги кайфият ва кечинмаларни ҳам қоғозга туширади. Айрим шеърларининг ёзилиш тарихини эслатиб ўтади. Умуман, “Бобурнома”да келтирилган рубоий ва ғазаллар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. –Тошкент: Шарқ, 2002.
2.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти… –Тошкент: Шарқ, 2002.
3.Адизова И.Сўзумни ўқуб англағайсен ўзумни. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.

BOBURNOMA – DIDAKTIK ASAR

Sulaymonov Mo‘minjon Yusubjonovich,
filologiya fanlari nomzodi, NamDU dotsenti,
tel: +998937052555, el-pochta: msulaymon@mail.ru
Xoldorova Gulnoza Husniddinovna,
Farg‘ona davlat universiteti tayanch doktoranti,
tel: +998999780522, el-pochta: gulnozaholdorova7@gmail.com

Annotatsion: This article analyzes the leadership of didactic ideas in the work "Baburnoma" by Zahiriddin Muhammad Babur, and highlights its inextricable connection with the traditions of Eastern literature. It is proved based on the text of the work that Babur put the principles of ethics in the first place in every issue.

Key words: "Boburnoma", "Vaqoe", didactic literature, oriental pandnoma, didactic idea, Boburona style.

Аннотация: В данной статье анализируется лидерство дидактических идей в произведении «Бабурнома» Захириддина Мухаммада Бабура, выделяется его неразрывная связь с традициями восточной литературы. На основе текста произведения доказывается, что Бабур в каждом номере на первое место ставил принципы этики.

Ключевые слова: «Бобурнома», «Вакое», дидактическая литература, восточная паннома, дидактическая идея, стиль Бобура.

"Bobur Mirzo xalqimizning buyuk farzandi. Adabiyot, ilm, ma'rifat nuqtai nazaridan u hamon yashayapti. O'zligimizni anglab, buyuk tariximizni yoshlarga tushuntirsak, ilm-ma'rifatni rivojlantirsak, hech qachon kam bo'lmaymiz".
Sh. Mirziyoyev

Sharq xalqlarining yozma adabiyoti, jumladan, turkiy xalqlarning yozma adabiyoti xuddi xalq o`g`zaki ijodi singari qadimda axloq-odob g`oyalari bilan sug`orilganligi kitobxonlarga tarixiy manbalar orqali juda yaxshi ma'lum. Shuning uchun ham X asrdayoq Ibn Sino Sharq ko'proq pand-nasihat bilan insonni tarbiyalashi haqidagi fikrlarni aytib o'tgan edi.

O`rxun-Enasoy tosh bitiklarining tub ildizi ham didaktika bilan chambarchas bog`liqligini tushunish qiyin emas. Aslida bu tosh bitiklarning yozilishidan asosiy maqsad kelajak avlodga pand-nasihat, o`git bo`lgan, deb bemalol aytish mumkin. Didaktik adabiyot – muayyan ta'limiy, tarbiyaviy maqsadlarda yaratilgan adabiy asarlarning umumiy nomi.[102] Bizningcha, ijodkor muayyan asarini yaratar ekan, o'z oldiga aniq maqsadlar qo'yishi tabiiy. Shu maqsadlardan biri, albatta, didaktika bilan bog'liq.

Turkiy xalqlar adabiyotida Bobur hayoti va ijodining o'rganilishi boburshunoslik ilmida muhim o'rinni egallaydi. Amalga oshirilgan tadqiqotlarda katta ahamiyat kasb etadi, albatta. [103] Sh. Hayitov "Boburnoma"ning turkiy xalqlar adabiyotida o'rganilishiga e'tibor qaratar ekan, qardosh xalqlar adabiyotida "Boburnoma"ni ilk bor turkiyalik olim Rashid Rahmati Arat tomonidan tarjima qilinganligini va ilmiy matnini tayyorlaganini qayd etadi. Ma'lumki, turkiyalik bu olim o'zbek adabiyotidagi muhtasham didaktik obidalar "Qutadg'u bilig" va "Hibat ul-haqoyiq" asarlarining ham tarjimoni edi. Balki tarjimonning keyingi faoliyatining "Vaqoe" bilan bog'lanishi ham bejizga emasdir. Chunki Bobur idrokida, tiynatida sharqona odob-axloq, pandnoma bilan ajib uyg'unlik bor.

Yoshligidan "Qur'on"i karim va Hadisi sharif hamda mumtoz adabiyotimizning eng sara namunalarida ulug`langan ezgu g`oyalar bilan tarbiyalangan Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarida ham didaktik fikrlar yetakchilik qilishi, albatta, tabiiydir. Uning dunyoga mashhur "Boburnoma" asari haqida ham xuddi shu fikrlarni aytish mumkin. Eng ko'p hukm surgan tarixiy sulolalarning biri deya e'tirof etiladigan Boburiylar imperiyasining asoschisi Zahiriddin Muhammad Boburga "Vaqoe"ni yaratish nima uchun kerak edi? U Hindistonda asos solgan yangi davlat, yangi boshqaruv tizimi, milliy artilleriya, "Xatti Boburiy", devonlar, Bularning barchasi uning nomini tarix zarvaraqlariga muhrlashga yetardi-ku! Bizningcha, "Boburnoma"

---

[102] Куронов Д. Мамажонов З. Шералиева М. Адабиетшунослик лугати. Т:Akademnashr.2010.,-92
[103] Hayitov Sh. Turkiy xalqlar adabiyotida Bobur ijodi. "Jahon adabiyoti" jurnali,2018-yil,2-son

Bobur hayotiy maslaklarining umumlashmasi, avlodlar uchun qoldirgan bebaho pand-nasihatlari, hayotiy xulosalari asosida chiqargan o`gitlaridir.

Avvalo, asarning boshlanmasiga e’tibor beraylik. “Tangri taoloning inoyati bilan va hazrati on Sarvari koinotning shafoati bilan va chahoryori bosafolarning himmati bilan seshanba kuni, ramazon oyining beshida tarix sekkiz yuz to‘qson to‘qquzda Farg‘ona viloyatida o‘n ikki yoshda podshoh bo‘ldum”. [104]Bobur shu qadar so‘z zargariki, mumtoz dostonlarimizdagi hamd, na’t, chahoryorlar madhini shu qisqa nasriy parchaga joylay olgan. Tangri taoloning inoyati deb boshlanishi ham bejiz emas. Bobur peshonasiga yozilgan har qaysi holatni tadqir bitigidan, Yaratganning unga nozil qilgan kechmishidan deb biladi.

Asarning yozilishiga turtki bo`lgan yana bir jihati Boburning ulug` bobokaloni Amir Temur tomonidan yozilgan “Temur tuzuklari” bo`lgan, deb bemalol aytish o`rinli. Bu masala alohida o`rganishni talab etadi. Biz bu masalani boshqa maqolamizda yozishni reja qilganimiz uchun fikrimizni qisqa qildik. Nasbatan juda yosh vaqtida taxtga o`tirganligi ham Boburga kundalik voqealarni yozib yurish va tahlil qilish: yutuq va kamchiliklarini hisobga olib borish zaruriyatini keltirib chiqargan. Shuning uchun ham oldin o`zi haqida xotiralar bitgan yoli buyruq berib yozdirtirgan hukmdorlardan farqli o`laroq Boburda yo`l qo`ygan xato va kamchiliklarini ochiq-oydin bayon qilish yaqqol ko`rinib turadi. Asar mazmunidan sezilib turadiki, keyin bu xato va kamchiliklarni takrorlamaslikka harakat qilgan.

Zahiriddin Muhammad Bobur qayerda bo‘lmasin, biror-bir yangilikka qo‘l urishdan oldin bu ish jamiyat va saltanat manfaatiga qanchalik xizmat qilishini har tomonlama o‘ylab ko‘rgan. Masalan, Hindistonga dastlab kelgan paytida bu yurtlarda bog‘-rog`lar yo`qligiga e’tibor qaratadi va Movarounnahrdagi kabi xushmanzara bog`lar yaratishga amr beradi.

Farzandlariga maktub va vasiyatlarida diniy, irqiy, ma’naviy qadriyatlarga zid harakatlarni qilmaslik, diniy bag‘rikenglik bilan ish yuritish zarurligini alohida ta’kidlaydi.[105] Bunday misollar “Boburnoma” diniy bag‘rikenglik g‘oyalarini o‘zida mujassam etganligini va tarixiy manbalarda ta’kidlanganidek, Boburning “dilbar shaxs” ekanligini dalillaydi. Asardagi har bir voqeada Bobur el manfaatini birinchi o‘ringa qo‘yadigan odil shoh sifatida gavdalanadi.

“Boburnoma”da biz muallifni gohida hayot sinovlarini bardosh bilan yengayotgan o‘smir, yurt kelajagi haqida qayg‘uruvchi, millat g‘amini o`ylaydigan shoh, ba’zida tilshunos, etnograf, adabiyotshunos, geograf olim, ba’zida voqealarni shunchaki xolis kuzatuvchisi, ayrim o‘rinlarda adolatsizlikka qarshi isyon qilgan shoir, ayrim satrlarda farzandlariga o‘git aytayotgan ota sifatida ko‘ramiz. Chindan ham “Vaqoe” Boburning bir umr ko‘rgan-kechirganlari tafsilotidir. Bu xotiralar, yuqorida ta’kidlaganimizdek, tarixiiy voqealarni shunchaki so‘zlamaydi, balki tarix saboqlaridan xulosa chiqarishga, o‘tmish xatolarini insoniyat qayta takrorlamasligi uchun bir bong kabi eshitiladi.

Bobur “Vaqoe”da Husayn Boyqaro va uning to`ng`ich o`g`li Badiuzzamon mirzo o‘rtasidagi mojoralar haqida ham xolislik bilan fikr yuritadi va ota-bola orasidagi bunday munosabat el-yurt uchun katta baxtsizlik ekanligini afsus bilan ta’kidlaydi. Bu

[104] Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент:Шарк.2002. Б-34
“Boburnoma”dan keltirilgan barcha parchalar shu manbadan olindi
[105]Qudratullayev H. «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati» gazetasining 2005 yil 27-sonidan olindi.

holatga, albatta har ikki tomon teng sababchi ekanligini aytadi: “Bu mirzolar andoq ifrot bila fisq va fitnag‘a mashg‘ul edilarkim, otasidek kordida va kordon podshoh, tushchilik yo‘l kelib, ramazondek muborak va aziz oyga kechalik fursat qolib, otasidan iymanmay, Tengridin qo‘rqmay, hanuz ishi chog‘ir ichmak erdi – nashot birla, majlisorolik edi – inbisot birla. Muqarrardurkim, mundoq bo‘lgon kishi andoq shikast topqay va bu nav o‘tgan elga har kim dast topqay”.[106] Bu o‘rinda Bobur tomonidan qoralangan illatlarni ko‘rsatib o‘tamiz. Birinchidan muallif temuriy mirzolarni fisq-fujurga yo‘l qo‘yganlikda ayblamoqda. Fitna-fujur inson qalbining eng katta dushmani ekanligi muqaddas Kalomda ham, Hadisi sharifda ham qoralanganligi ma’lum. Bobur go‘yo shuni qayta eslatib qo‘ymoqchidek. Parchada e’tibor qaratishimiz kerak bo‘lgan yana bir masala: Ramazon oyi bilan bog‘liq. Ramazon musulmonlar hayotida alohida e’tiborga molik oy. Shu muqaddas kunlarda ham urush, jang-u jadal haqida o‘ylash bu musulmonlikka zid, katta gunoh. Beixtiyor yodimizga “Yulduzli tunlar”dagi mashhur tasvir tushadi. Hindistonda pashkol faslida, ya’ni muttasil yomg‘ir yog`adigan oylarda hech qaysi qavm jangga hozirlik ko‘rmas ekan. Butun nabotot, mavjudot uyg‘onayotgan pallada ularga zara yetkazmaslik uchun shunday yo‘l tutilgan. Bobur lashkarboshilaridan biri Sherxonning shu vaziyatda ahdiga vafo qilmay jangga kirishganini qattiq qoralaydi. Endi mulohaza qilib ko‘raylik, o‘zga yurtdagi o‘zga bir millat, qavm, zamin uchun qayg‘urgan Bobur dinimizdagi muqaddas oyda jang haqidagi o‘ylarni, ayniqsa, otaga nisbatan qilingan isyonni bundan boshqacha tarzda tasvirlashi mumkin emasdi.

Parchada Tangridan qo‘rqmaslik haqida ham gap ketgan. Bu islomiy qarashlarimizga, Yaratgan bizga buyurgan amallarga itoat etmaslik muallifning qalbini og`ritgan. Bobur bunday vaziyatda el-ulusga juda og`ir bo`lishidan kuyingan. Bunday holatda hukmdorlar ham el-yurt ham qiyin ahvolda bo`lishi tabiiy. Temuriyzoda shahzodalar o`rtasidagi o`zaro urushlar natijasida mamlakatning parokandalikka yuz tutishini tasvirlash orqali avlodlarini muhim xulosalar chiqarishga undamoqda.

Zahiridddin Muhammad Bobur temuriylar orasidagi toj-u taxt talashib olib borilgan urushlarini qanchalik qoralagan bo’lsa, ulardagi ilm-fan homiylarini ko’klarga ko’taradi va ibrat sifatida ko‘rsatadi. Ayniqsa, bu borada Amir Temur va Mirzo Ulug‘bek tomonidan amalga oshirilgan bunyodkorlik ishlariga tahsin aytadi.

Muallifning tanqidiy firkrlari Ahmad Tanbal bilan bog’liq xotiralarida yaqqol namoyon bo`ladi, jumladan, quyidani qaydlar xarakterli: “Ul bir turkiy masal bordurkim, “Inonmagil do‘stingga, somon tiqar po‘stungga”. Yo‘lda keladurg‘onda yayoq qochib yuz tashvishlar bila O‘ratepaga keldi”.[107] Bu maqolni Ahmad Tanbal bilan bog‘liq tavsiflarda qo‘llashi juda o‘rinli. Ahmad Tanbal xiyonatga yuz tutgan edi va hayot uni shu xiyonatiga mos holda “mukofotladi”.

Bobur Jahongir Mirzo bilan bog’liq nizolar haqida yozganda ham, o’sha boburona xolislikni, samimiylikni ko‘ramiz. “Chun mening sha’nimda bu emas edikim, og‘a-ini va uruq-qayoshtinlar necha izoyliq voqi’ bo‘lsa, mendin mutanaffir bo‘lg‘aylar. Agarchi Jahongir mirzo bila bizning orazmida burun mulk va navkar jihatidin kuduratlarva niqorlar xeyli bo‘lub edi, vale bu navbat ul viloyattin mening bila mening bila hamroh bo‘lub keldi. Tuqg‘onliq va xizmatkorliq maqomida erdi”. [108].

[106] O‘sha manba 57-bet
[107] O‘sha manba 75-bet
[108] O’sha manba 103-bet

Bobur ukasi bilan munosabatlarini izohlar ekan, ogʻa-ini oʻrtasidagi nizolarni qoralaydi va bunday nizolarning kelib chiqishini aka sha'niga munosib deb bilmaydi. Bu ishda oʻzini aybdor his qiladi ham. Hattoki avval ularni orasida ayrim tortishuvlar boʻlgan boʻlsa-da, Jahongir uning uchun avvalo, "tuqgʻonliq" maqomida edi.

Voqealar rivojida biz Yusuf Ayyub va Bahlul Ayyub tomonidan Jahongir mirzoni oʻz akasidan ayirib, keyinchalik muk davosi bilan chiqishida ham Bobur aybni ana shu beklar zimmasiga yuklaydi. Chunki Bobur, avvalo, Jahongir uchun aka edi. Bu qaydlardan ham buyuk shoh va shoirning ideal fazilatlarini koʻrishimiz mumkin.

"Boburnoma" qomusiy asardir. Uni mutolaa qilgan kishi Sharq tarixi bilan ma'lum darajada oshno boʻladi, xalqlar tarixi bilan, ularning oʻtmishi, odatlari bilan tanisha boradi, tillar qardoshligini sezadi, ularning oʻzaro yaqinligini his qiladi, Zahiriddin Muhammad Boburning oʻzini - uning dunyoqarashini, serqirra ma'naviy dunyosini kuzatadi, insoniy fazilatlarini qadrlaydi, ruhiy goʻzalligini his qilib, undan bahra olish imkoniyatiga ega boʻladi.[109]

Bobur tarixiy shaxslarga yondashar ekan, ularning valodat va nasabi, shakl va shamoyili, axloq va atvori haqida alohida toʻxtalib oʻtadi. "Valoyati" deb nomlangan qismlarida esa ana shu tarixiy shaxs bilan bogʻliq tarixiy san'alar, voqealar rivojiga urgʻu beradi. Asarni sinchiklab kuzatar ekanmiz, chindan ham barcha tarixiy shaxslarga Bobur qarashlari bilan baho berish shakli shu zaylda davom etadi. Bu Bobur nasrining, "Boburnoma"ning oʻziga xos uslubiga aylangandek, goʻyo. E'tiroflarning "Axloq va atvori" qismida Bobur ta'rifi keltirilayotgan shaxsning fazilatlarini ulugʻlashi yoki oshkora nafratini bayon etishi ham mumkin. Aynan mana shu qismi koʻp holatlarda muallifning didaktik qarashlari, hayotiy mulohazlari bilan qorishib ketadi. Qaysidir ma'noda bu qism mumtoz gʻazallardagi begona baytni yodimizga soladi. Abdulla Oripovning bu haqidagi qaydlarini eslang: "Shoir bu baytda kimnidir maqtagisi kelsa, maqtaydi, kimnidir yomonlagisi kelsa, alamini oladi". "Boburnoma"dagi oʻynoqi, sodda uslub ham ba'zida shunday hayratimizga sabab boʻladi. Samarqand va temuriylar bilan bog'liq qaydlarda Boburning Abdulatif mirzo bilan bogʻliq fikrlari ham oʻrin olgan. Bobur padarkushning axloq va atvori haqida soʻzlar ekan, "bu besh kunlik oʻtar dunyo uchun andoq donishmand va qari otasini shahid qildi" deya yozadi. Shu qisqagina izohning oʻzi ham bizga muhim hayotiy xulosalar bera oladi. Muallif bu bahonada e'tiborini qaratgan masala, dunyoning oʻtkinchiligi. Ikkinchi masala, oʻtkinchi dunyo ne'matlariga ko'ngil qoʻymaslik. Bobur bu oʻrinda Ulugʻbekning donishmand va keksa inson ekanligiga urgʻu berar ekan, Abdulatifning tarixdagi ogʻir gunohini qayta takrorlanmasligini juda-juda istaydi va asarning keyingi qismida Nizomiy Ganjaviyning "padarkush… olti oydin… oshmaydur" mazmunidagi mashhur baytlarini kitobxonga bir marta eslatib, Abdulatif uchun tarix yozgan hukmni aynan keltiradi. "Agarchi oʻzi ham besh-olti oy besh saltanat qilmadi… Aning tarixi ham tavre voqi boʻlubtur", deb yozadi. Bu qaydlar ham Bobur tomonidan tarix saboqlaridan xulosa chiqarishimiz uchun urilgan bong boʻlsa, ajab emas.

"Boburnoma"ning tilshunoslikda lingvokulturologiya jihatidan oʻrganilganda, asar tilida lingvomadaniy birliklarning qoʻllanilishi anchagina salmoqli ekanligi

[109] Исхоков Ф. Бобурнома учун кискача изохли лугат.Andijon nashriyot matbaa.OAJ.2008. Б-

ta'kidlangan. Bobur uchun bu birliklarning qo'llashdan maqsad yagona edi, ya'ni asar g'oyasiga pandnoma ruhini singdirish va kelgusi avlod uchun hayotiy yo'riqnoma yaratish zarurati. Bobur ma'lum ma'noda o'z maqsadiga erisha oldi. Hozirda memuar asarning yuksak na'munasi va o'zbek nasrining yangicha kashfiyoti sifatida baholanayotgan bu asar kelajak uchun bebaho didaktika bo'lib qoldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev SH. 2017-yil 2-iyunda Andijon viloyatiga tashrifida "Bog'I Bobur" istirohat bog'I bilan tanishish jarayonidagi nutqi. www.gazeta.uz saytidan olindi
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ.2002.
3. Hayitov Sh. Turkiy xalqlar adabiyotida Bobur ijodi.www.ziyo.uz saytidan olindi
4. Қуронов Д. Мамажонов З. Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т:Akademnashr. 2010.
5. Эйжи Мано.Бобурнома – жахон адабиётининг бебаҳо мулки. www.ziyo. uz saytidan olindi.
6. Бобурнома учун кискача изохли лугат. Andijon nashriyot matbaa.OAJ.2008
7. Hayitov Sh. Turkiy xalqlar adabiyotida Bobur ijodi. "Jahon adabiyoti" jurnali, 2018-yil, 2-son
8. Садиков З. "Қутадғу билиг"да нафс масаласи талқини. //Филология масалалари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-методик журнали. – Тошкент, 2007.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АДАБИЙ МЕРОСИ ПРОФЕССОР ЭРГАШАЛИ ШОДИЕВ ТАЛҚИНИДА

Суюнов Мавлонберди Раҳмонович,
академик Бобожон Ғафуров номидаги
ДТМ Хўжанд ДУ доценти, филология фанлари номзоди
Тел: (+992) 92962 23 49, эл.почта: b.fayz.1961@mail.ru

Аннотация: Мақолада профессор Э.Шодиевнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, илмий, тарихий-мемуар асарлари тадқиқига бағишланган мақолалари илмий манба сифатида талқин этилган.

Аннотация: В статье проанализированы и осмыслены как научный источник статьи Шодиева о жизни и творчестве Захриддина Мухаммада Бабура, его литературные, научные, исторические и мемуарные труды.

Annotation: Professor E. in the article. Shodiev's articles on the life and work of Zahriddin Muhammad Babur, his literary, scientific, historical, and memoir works have been analyzed and interpreted as a scientific source.

Таянч сўз ва иборалар: "Бобурнома", қомусий асар, биографик метод, матлаъ, ғазал, манба, тазкира.

Ключевые слова и выражения: «Бобурнома», комическое произведение, биографический метод, матла, газель, источник, тазкира.

Key words and phrases: "Boburnoma", komusiy asar, biographical method, matla, gazal, manba, tazkira.

Тожикистон Республикаси Хўжанд адабиётшунослик мактабининг вакилларидан бири филология фанлари доктори профессор Эргашали Шодиевнинг Бобуршуносликка қўшган муҳим ҳиссаси алоҳида ўрганишга

лоийқдир. 50 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўз умрини ўзбек мумтоз адабиётидаги адабий алоқалар тадқиқ ҳамда тарғиб этишга бахшлаган устоз Э.Шодиев З.М. Бобур ижодини ўрганиш борасида ҳам қатор илмий мақола-лари билан бирга айрим рисолалар яратганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. З.М.Бобур асарлари ўзбек адабиётига жаҳоний шуҳратга эга эканлиги, шубҳасиз. У ўзининг лирик мероси билан бирга қомиусий асари “Бобурнома” ҳамда “Аруз рисоласи”да ўрни-ўрни билан форс-тожик адабиётига мурожаат этганлигини гувоҳи бўламиз.

Аслида З.М. Бобур ижодий камолотини ҳам худди Алишер Навоий каби форс-тожик адабиёти таъсирисиз тасаввур этиш мумкин эмас. 2001 йилда профессор Эргашали Шодиевнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ёритилган рисоласи эълон қилинди. Мазкур рисолада ҳамда “Адабиётда зуллисонайинлик анъаналари” (Хўжанд,1994), адабий алоқаларга доир бир қатор тадқиқотларида, шунингдек, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Адабий мерос” каби журналларда З.М. Бобур ҳақида эълон қилинган туркум мақолалари асосида юзага келганлигини кузатиш мумкин. Мазкур рисола олти қисмдан ташкил топган бўлиб, унда Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарларини миллий истиқлол мафкураси асосида тадқиқ этилганлиги билан характерли. Юқорида таъкидланган масалалар қуйидаги режа асосида ёритилганлиги билан аҳамиятли:

1. Бобурнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Бобур лирикаси.
3. Бобурнинг “Волидия” ва “Мубайин” асарлари.
4. Бобурнинг муаммо ва аруз илмига оид асарлари.
5. Бобур ва тожик адабиёти.
6. “Бобурнома”.

Ушбу рисоланинг мундарижасини келтиришдан мақсад Эргашали Шодиев ҳар бир қисмдаги масалага ўзига хос тазда ёндошиб, мавжуд манбаларни кўздан кечириб, шу асосда масалани ёритишга ҳаракат қилган. Устознинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган Фахрий Ҳиротийнинг “*Радоиф-ул-ашор*”идан ўрин олган Бобурнинг “буд” радифли ғазалини ўзбек тилига таржима қилиб келтиради. Рисоланинг 82-саҳифасидан ўрин олган Бобурнинг форс-тожик тилидаги шеърлари қисмида Бобур лирикаси учун муҳим хусусиятларни аниқ ва лўнда ифода этилгани билан бошқа мавжуд ишлардан ажралиб туради.

Бобур зуллисонайн шоир сифатида форсийда ёзган биринчи ғазали 1499-1500 йиллар орасида яратилганлигини олимлар тасдиқлашади. Унинг зуллисонайин шоир эканлиги жуда кўп тарихий манбаларда қайд этиб ўтилган. Маълумки, шоир ўзбек тилидан ташқари форс-тожик, урду ва ҳинд тилларини ҳам яхши биларди. Унинг форс-тожик ва урду тилида яратган айрим ғазаллари, қитъа, рубоий ва фардлари ҳам маълум. Унинг шеърлари, “Бобурнома”, “Ҳинд девони”, “Аруз рисоласи” каби асарлари таркибида, айрим баёз ба таскираларда кўплаб учраши ҳам профессор Эргашали Шодиев назаридан четда қолмаганлиги қувончлидир.

Э.Шодиевнинг “Бобур ва Саъдий”, “Бобур ва Камол Хўжандий”, “Бобурнинг тожикча шеърлари”, “Бобурноманинг форсий таржималари” каби туркум мақолалари ҳам илмий-назарий жиҳатдан пухта, янги фактлар ва

қарашларга бойлиги билан устоз ишларининг мазмун ва мундарижасини ташкил қилганлиги билан эътиборга лойиқ.

Профессор Э.Шодиев З.М. Бобур ижодини тадқиқ этишда биографик методга мурожаат қилганлигини кузатиш мумкин. “Биографик методнинг инсон феномени доирасида марказлашуви ушбу методнинг унверсаллик даражасини оширади. Мазкур метод ижодкор биографиясидан фақат ахборот манбаи сифатида фойдаланмайди, балки бу манбалар бир бутун тизим ўларок ижод моҳиятини очишга хизмат қилади”, дейилади олимнинг кузатишларида.

Бобур Навоийни юксак эҳтиром билан қадрлар, унинг ижодини ардоқлагани мажуд манбалардан маълум. Форс-тожик ижодкорларидан Саъдийни ҳам ана шундай ардоқларди. Э.Шодиев Бобур адабий меросини ҳаёти ва асарларига, тарихий вақеаларга, адабий манбаларга таянган ҳолда ёритишга ҳаракат қилганлиги билан ишончли ҳисобланади.

Устоз фикрича: “Бобур асарларини кўздан кечирсак, бу улкан адиб, унинг бутун ҳаёти давомида унга ҳамнафас бўлгани, унинг ижтимоий, аҳлоқий ва фалсафий қарашларининг шаклланишида Саъдий Шерозий мероси ижобий рол ўйнаганини дарҳол сезиш мумкин. Бу ҳол Бобур асарларида Саъдий Шерозийдан кўплаб мисоллар келтиришида, унинг шоҳ байтлари ва асарларининг ғоят гўзал парчалари тез-тез мисол тариқасида келтириб турилишида, тез-тез эсга олинишида ҳам кўзга ташланади”.

Муаллиф асарнинг “*Хотин халажлари*” қисмида Шарқ панднома-навислигининг отаси ҳисобланган Саъдий Шерозийнинг қуйидаги форсий байтини ўз ҳолича келтирадики, бу асар муаллифининг фикрларини янада таъсирчан бўлишига хизмат қилган:

Зани бад дар сари марди накў
Ҳам дар ин олам аст дўзахи ў.

Мазмуни:

Яхши эр уйида ярамас хотин,
Шу дунёда эрнинг дўзахи тайин.

Бобур фикрларини давом этриб Султон Ҳусайннинг биринчи хотини Султонбегим эканлигини, таъкидлайди. Бадиуззамон мирзо ундан туғилганигини айтиб, бу аёлнинг хулқи жуда эгри эди дейди. Султон Ҳусайн мирзони кўп ранжитар эди. Хулқи ёмонлигидан мирзо ундан безор бўлди, охири қўйди ва ундан халос бўлди. Нима бўлгада ҳам ҳақиқат мирзо томонида эди дея фикрига якун ясайди.

Бобур 912- ҳижрий йил воқеалари баёнида Саъдий ижодидан тошга ўйиб ёзганини ёки панду насиҳат бобида Шайх Саъдийнинг “Бўстон” асарига таянади. Эргашали Шодиевнинг “Бобурнома”нинг форсий таржималари борасидаги фикрлари ҳам жуда муҳидир. Устознинг қайд этишича, “Бобурнома” форсий тилга тўрт марта таржима қилинган. “Бобурнома” форсий забон халқларнинг ҳам севимли асарига айланганлигини қуйидагича ифода этганлар.

“Бобурнома”нинг форс-тожик тилига қайта-қайта таржима қилиниши бу асарга қизиқиш жуда катта бўлганлигини, форсийзабон ўлкаларнинг халқлари бу нодир асарнинг, ҳам ўз тилларига ағдарилган таржималарини севиб мутуолла қилганликларини ёрқин кўрсатиб туради. “Бобурнома” ва унинг форс-тожик

тилига таржималари XVI ва ундан кейинги асрларда бир қатор тарихий-мемуар китобларнинг яратилиши учун ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Э.Шодиев миллий истиқлолдан кейин адабий меросимизни ўрганиш бўйича “Маданий меросга муносабатнинг долзарб муаммолари” мақоласида шундай ёзади: “Кўпчиликка маълумки, Захриддин Муҳаммад Бобур меросига турли йилларда турлича муносабатларда бўлдик. Маълум вақтлар бу адиб ўрта ва олий мактаблар программаларидан ҳам чиқарилиб ташланган эди. Бобур ҳақида роман яратган Пиримқул Қодиров қандай аҳволларга тушурилганини кўпчилик билади. Ҳозирги вақтда бу адиб ижодий меросини ўрганишга қизиқиш анча кучайган. Аммо, унинг айрим асарларини баҳолашда қўпол хатоликларимиз борлигини тан олишимиз зарур. Бобурнинг 1993 йилда Тошкентда “Маҳрами асрор топмадим” номи билан нашр этилган ва шоир девонининг Париж нусхаси деб ёзиб қўйилган китобга ёзилган сўзбошида “Бобурнинг шеърий мероси унинг ҳаётлигида бир ерга жам қилиб анъанавий девон ҳолига келтирилмаганлиги...” (6-бет) айтиб ўтилган, аммо “Бобурнома”да ва бошқа асарлари таркибида ўзи тузган девон ва унинг нусхалари турли кишиларга юборилгани ҳақидаги маълумотлар бу фикрнинг хатолигини кўрсатиб туради. Бундан ташқари, унинг “Мубаййин” асари ҳақида ким сўз юритса негадир бу асар солиқ системасини тартибга солиш мақсадида ёзилган асардир, дейишади. Мана, “Ўзбек адабиёти тарихи” академик нашрининг Ш жилдига қуйидаги сўзларга эътибор беринг:
“Мубаййин” эса ўша замон учун муҳим бўлган иқтисодий масалалар, хусусан солиқлар тўғрисида сўз юритувчи рисоладир. Бу рисолани махсус текширишган бобуршунос олима Сабоҳат Азимжоновнинг таъкидлашича, “Мубаййин” XVI асрда кенг тарқалган солиқлар системасини баён қилиб қолмай, балки Бобурнинг иқтисодий билим даражаларини ҳам баён этади”.

Аслида “Мубаййин” бешта шеърий рисоладан иборат бўлиб, исломнинг беш фарзи баёнига: *иймон, намоз, рўза, закот* ва *ҳаж* масалаларига бағишланган. Фақат унинг “Китоб уз-закот” рисоласида закот ва унинг миқдори ҳақида ҳам гап борганлигини ҳисобга олмаганда бу асарга юқоридагича берилган баҳолар бутунлай хато фикрлар эканлигини аниқ кўрсатиб турибди дейилган фикрлар профессор Э.Шодиев томонидан айтилгсани ҳам олимнинг З.М.Бобур адабий мероси билан қанчалар яқиндан ошно эканлигидан далолат беради.

Марҳум устозимиз. Заҳматкаш олим профессор Э.Шодиевнинг бобуршуносликка доир кузатишлари ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ ҳисобланиб, улар бугунги кунга қадар ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган муҳим мабалар сирасига киради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.“Бобур” Мухтасар. Тошкент, 1971, 119 с.
2. Шодиев Э. Бобур ва тожик адабиёти. “Адабий мерос” 1991, №4.
3. Шодиев Э. Адабиётда зуллисонайлик анъаналари. Хужанд, 1994. 43-54.
4. Шодиев Э. Адабий алоқалар тарихидан. -Хужанд, 1995.
5. Шодиев Э. Камол Хужандий ва ўзбек адабиёти. –Хужанд, 1996.
6. Шодиев Э. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. –Хужанд, 2001.
7. Адабиётни янги тамойилда ўрганиш масалалари. Иккинчи китоб. -Хужанд, 2000: 38-39-б.

НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ЎХШАТИШЛАР ТАСНИФИ

Сайидова Гулрух Ёқубовна,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), jadid-erk@mail.ru

Аннотация. Мақалада Әлішер Науаидың поэтикалық шығармаларындағы кейбір теңеулер лексика-семантикалық және лингвопоэтикалық аспектіде талданып, тақырыптық топтарға жіктеліп, ақын шығармаларындағы жеке жүйе болып қалыптасуы ішінара осыған негізделген.

Тірек сөздер: аналогия, теңеу, аллегория, ташбиһ, ұқсастық эталоны, салыстыру пәні, салыстыру предметі, салыстыру құралдары.

Аннотация. В статье в лексико-семантическом и лингвопоэтическом аспекте анализируются некоторые сравнения в поэтическом творчестве Алишера Навои, классифицируются по тематическим группам, и на этом частично основано их формирование как отдельной системы в творчестве поэта.

Ключевые слова: аналогия, сравнение, аллегория, подобное, эталон сравнения, предмет сравнения, нота сравнения, средства сравнения.

Инсон оламдаги мураккаб ва қийин масалалар моҳиятини англаш ҳамда тушунишда одатда аналогия усулидан кўп фойдаланади. Бу термин юнонча бўлиб, унинг ўзбек тилидаги луғавий маъноси *ўхшашлик* демакдир. Фанларда, чунончи, фалсафа, мантиқ, биология, тилшунослик кабиларда асосий усул сифатида кенг татбиқ этилади. Аналогия ёрдамида икки предмет ёки ҳодисанинг қайсидир бир хусусияти ўхшаса, бошқа хусусиятлари ҳам ўхшашлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Аналогия деб ўхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмларнинг бошқа ўхшаш белгиларга эга эканини кўрсатишга айтилади. Биринчи нарса ёки ҳодисанинг ҳамма белгилари биз учун таниш. Иккинчи нарса ёки ҳодисанинг фақат баъзи бир белгиларинигина биламиз. Биз бундай вақтда бу икки нарса ёки ҳодисани бир-бирига ўхшатамиз [4,247-б.].

Ўхшатишлар бадиий адабиётда ижодкор учун предмед, ҳодиса ва тушунчаларни аник, тушунарли, таъсирли ҳамда гўзал тарзда ифодалашда энг муҳим мантиқий усул бўлиб хизмат қилади. Бадиий-эстетик қиммат, лингвопоэтик салмоқ нуқтаи назаридан эркин ўхшатишлар ёзувчининг маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири сифатида бадиий нутқда алоҳида ўрин тутади. Ёзувчи ўзининг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмагани, оҳорлилиги билан ўқувчини ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради [3,5-6 б.].

Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида ўхшатишлар алоҳида бир бадиий санъат – ташбиҳни юзага келишига асос бўлган. Бу бадиий санъатни юксак даражада тараққий эттирганлардан бири Алишер Навоийдир. Унинг бадиий асарларида мазкур бадиий санъат миқдори жуда кўп бўлиб, улар алоҳида

тизим сифатида шаклланган. Уларнинг айримларини қуйидаги маъновий гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин:

1.Қушлар билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо. [1,24-б.]

Тавсифи: “Эй, маъшуқа, сен чаман (гулзор) оташгоҳи (ўтхонаси)да оташин (ўтдай қизил) гулдан шундай ўт ёқдингки, оқибатда сенга шайдо бўлган самандардек ошиқ ўтда ёниб, кулга айланди”. Мазкур байтда ўхшаган *булбул* сўзи бўлиб, у кўчма, яъни ошиқ маъносида қўлланган. Ўхшатилган эса форсий қатламга тегишли *самандар* сўзи бўлиб, унинг луғавий маъноси афсонага кўра гўё ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшайдиган жонивордир [2,544-б.]. Шу ўринда изоҳ сифатида айтиб ўтиш мумкинки, айрим илмий ишларда, масалан, Н.Маҳмудовнинг Д.Худойберганова билан ҳаммуаллифликда чоп этган “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”га муқаддима ўрнида ҳавола этган мақоласида ўхшатиш узвлари бошқача тарзда, яъни *ўхшаган* атамаси *ўхшатиш эталони, ўхшатилган* атамаси эса *ўхшатиш субъекти* термини билан ифодаланган.

2. Асар қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ,
Вомиқ юзингдин гар узори боғида гул очмади Азро. [1,24-б.]

Тавсифи: “Вомиқ каби ишққа гирифтор ошиқ булбулнинг ишқ ўтидан гул юз очди, бироқ нима учун Вомиқ юзингни кўрса ҳамки, Азро (Узро) чирой боғида гул очмади”. Ушбу байтда ўхшаган машҳур афсонавий “Вомиқ ва Узро” қиссасидаги *Вомиқ*дир. У арабий ном бўлиб, мумтоз адабиётда икки маънода – биринчиси, ошиқ, ишққа гирифтор мажозий, иккинчиси, “Вомиқ ва Узро” қиссасида Узрога ошиқ бўлган қаҳрамон маъноларида истифода этилади [2,150-б.]. Байтдаги *булбул* (ўхшатилган) сўзи ошиқ, *гул* сўзи маъшуқа, *Вомиқ* номи ишққа гирифтор, *Узро* номи эса пок қиз [2,35-б.] мажозий маъноларида қўлланган.

3.Мавҳум тушунчалар билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Суҳо бўлса шабистонингда толиъ,
Бўлуб нури қуёшдек оламоро. [1,27-б.]

Тавсифи: “Гарчи баъзан фақат энг хира юлдуз қоп-қоронғу кечангда кўринса ҳамки, Оллоҳ қуёш нуридек сенинг йўлингни ёритади”. Айтиш мумкинки, байтдаги фикр тўлиғича мажозий маънода қўлланган. Изоҳталаб сўзларга эътибор қаратайлик. *Суҳо* арабий сўз бўлиб, унинг асл луғавий мъноси *ҳулкар тўпламидаги юлдузларнинг энг хираси*дир [2,578-б.]. *Шабистон* форсий сўз бўлиб, у *қоп-қоронғу кеча* маъносини ифодалайди. *Толиъ* эса арабий сўз, унинг *ой ёки қуёшнинг чиқиши, кўриниши; бахт, иқбол, қисмат* каби маънолари мавжуд [2,612-б.]. Англашиладики, байтда инсонга энг ёмон ва оғир кунлари ортида Яратган унга бахт ато этиб, кейинги ҳаётини нурли кунлар билан безайди, деган ижтимоий-тарбиявий, диний-маънавий фикр илгари сурилган. Байтда *толиъ* (бахт) ўхшаган, *қуёш нури* ўхшатилган. Бахт мавҳум тушунчаси қуёш нурига қиёсланган.

4. Инсон аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Эй алифдек қоматинг майли бузулған жон аро

Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро. [1,37-б.]

Тавсифи: “Эй маъшуқа, алифдек чиройли қоматинг майли менинг синган жонимда, ҳуснинг хазинасининг гавҳари эса менинг вайрона хотирамда бўлсин”. Ёр *қомати* ўхшатиш эталони, *алиф* ҳарфи шакли ўхшатиш субъекти сифатида воқеланган. Ташбиҳ *-дек* ўхшатиш воситаси орқали ифодаланган. Шоир асарларида инсон тана аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишларнинг миқдори жуда кўп. Масалан, адибнинг қуйидаги байтида маъшуқанинг дудоғи гул япрғига ўхшатилган: *Шимиб ютсам гаҳе ҳайвон суйидек завқдин кўргач, Тарашшуҳ бодадин гул яфроғи янглиғ дудоғинда.*

5. Инсон фаолияти маҳсули билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Бу ўлганларга умри Хизр бергай, гар яна ногаҳ,
Масиҳим оби ҳайвон янглиғ этса бир гузор анда. [1,42-б.]

Тавсифи: “Ўлганларга Хизр умри берсин, гар яна ногоҳ этса Масиҳ унда тириклик сувига ўтишга ўхшаш йўл”. Байтда қўлланган *оби ҳайвон* афсонага кўра ичган кимса ўлмай, абадий яшайди деб ҳисобланган сув, тириклик суви, ҳаёт сувидир. Бу сув қандайдир бир чашмадан чиқади деб фараз этилганидан чашмайи ҳайвон ҳамда гўё бу чашма сувига Хизр пайғамбар муяссар бўлган дейилиб, Хизр суви деб ҳам юритилади. [2,475-б.]. Байтда келтирилга Масиҳ (Исо) пайғамбар номи ҳам мажозий маънода қўлланган бўлиб, диний афсоналарда унинг нафаси билан ўлган одамлар тирилади, уларга жон бағишлайди, деган қараш мавжуд [2,367-б.]. Англашиладики, *гузор* (йўл, ўтувчи йўл) ўхшаган, *оби ҳайвон* (ҳаёт, тириклик суви) ўхшатилган. Ўхшатиш воситаси эса *янглиғ* равишидир.

Шоир шеърларида яна ичимликлар билан боғлиқ (*Ашкдек оқти қора су кўзларимдин ҳажрида, Тонг йўқ идборим чу бўлмишдур манга ахтар қаро.* Байтда кўз ёши сувга ўхшатилган); инсоннинг жисмоний хусусияти билан боғлиқ (*Кўҳи ғам тортарға хасдек жисм ила бел боғладим, Остиға қолмишмен андоғким самон девор аро.* Байтда инсон жисми хасга ўхшатилган); олам тушунчаси билан боғлиқ (*Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдурган, Оҳим тутуни ичра озарму экин оё?* Байтда дунё маъшуқа юзига ўхшатилган) бўлган ўхшатишлар ифодаланган. Ўхшатишларнинг аксариятини от туркумига оид сўзлар ташкил этади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Алишер Навоий шеърий асарларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, диний, адабий соҳалар билан алоқадор ўхшатишлар қўлланган бўлиб, улар ўзбек халқининг турмуш тарзида кўп учрайдиган предмет ва воқеа-ҳодисалар ҳамда онгига чуқур сингган тушунчалар ҳисобланади. Адиб турли-туман ва ўз даври учун янги ўхшатишлар яратиб, ташбиҳ бадиий санъатини юксак даражада ривожлантирди. Айтиш мумкинки, шоир бу билан нафақат ўзбек тили ва адабиётини, балки ўзбек маданияти ва жаҳон ижтимоий, бадиий-эстетик тафаккурини ҳам тараққий эттирди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий. Ғаройиб ус-сиғар Хазойин ул-маоний Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. (Нашрга Ҳамид Сулаймон тайёрлаган; масъул муҳаррир Порсо Шамсиев). –Тошкент: Фан, 1988. -3 том. -613 б.
2. Навоий асарлари луғати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. -791-б.

3. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. -320 б.
4. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Логика. –Тошкент: Ўкитувчи, 1984. -376 б.

XVI АСР ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА З.М.БОБУР АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Эшмуродов Эгамшукур Тошпўлатович,
Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети доценти, филология фанлари номзоди.
Эшмуродова Дилафрўз Абдухалиловна
Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети инглиз тили ўқитувчиси
(Тожикистон) Тел.:(+992) 929350850, эл. почта: egam1971@mail.ru

Аннотация. Мақолада ўзбек адабий тили ва адабиётининг улкан намояндаларидан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг содда услуб ва тилда ёзилганлиги ҳақида маълумот берилади. Бобур асарларида ўзбек адабий тилининг сўз бойлиги ва жонли тилидан самарали фойдаланиб, грамматик шаклларнинг барқарорлигини таъминлашда катта хизмат қилди.

Таянч сўзлар: Бобур, параллелизм, тазод, лаф ва нашр, ўхшатиш, муболаға.

Аннотация. В статье представлены сведения о простом стиле и языке произведений одного из великий представителей узбекского литературного языка и литературы Захриддина Мухаммада Бабура. В своих произведениях Бабур эффективно использовал лексику и просторечие узбекского литературного языка и внес большой вклад в обеспечение устойчивости грамматических форм.

Ключевые слова: Бабур, параллелизм, тазод, контраст, сравнение и преувеличение.

Annotation. The article provides information about the simple style and language of the works of one of the great representatives of the Uzbek literary language, Zahriddin Muhammad Babur. In his works, Babur effectively used the vocabulary and colloquial language of the Uzbek literary language and made a great contribution to ensuring the stability of grammatical forms.

Keywords: Babur, parallelism, contrast, simile, and exaggeration.

Ўзбек адабий тили ва адабиётининг улкан намояндаларидан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарининг ижобий томонларидан бири – тилининг соддалигидадир. Мирзо Бобур асрларини содда тилда ёзди ва бошқаларни ҳам шундай ёзишга чақирди. Бу ҳақда Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган хати характерлидир. Ўғлининг дабдабали услубда ёзилган бир хатини танқид қилиб, у шундай ёзади: «Мундын нары бетакаллуф ва равшан ва пак алфаз билэ бити, ҳам сенгэ ташвиш азрақ болур, ҳам оқуғучыға».

Мирзо Бобурнинг содда услуб ва тил билан ёзишни талаб этиши ва шунга ўзининг амал қилиши прогрессив ҳодисадир. Бадиий услубнинг соддалиги Бобур асарларининг ўқувчига тез англашиларли, бадиий тасвир воситаларининг

оммобоп бўлишига олиб келади. Бобур шеърларида халқ мақоллари ва ифодаларидан унумли фойдаланди:

Ҳар йерэки гул болса, тикэн болса нетанг,
Давойи ишқ этиб, ғайр Бобурни айб қылма
Ким мен эдим сенингдек, сен бўлғайсен менингдек

Бобур параллелизм, тазод, лаф ва нашр, ўхшатиш, муболаға каби бадиий тил воситалари орқали мавзуни яхшироқ ёритишга эришди. Бобур бадиий проза намунаси бўлган «Бобурнома»ни Ҳиндистонда эски ўзбек тилида яратди. Бу асар ўз даврига нисбатан содда ва образли тилда ёзилди. «Бобурнома» асари жуда қимматли тарихий-бадиий асар бўлиб, унда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг XV аср охири XVI аср бошларидаги аҳволи, географияси, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ўз аксини топди. Асарнинг асл номи «Воқеанома» бўлиб, у баъзан «Бобурия» деб аталган, таржималарда «Тузуки Бобурий», «Воқеоти Бобурий» ва сўнгроқ «Бобурнома» деб аталди. «Бобурнома»нинг 14 га яқин қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг кўпи XVII - XVIII асрларда турли кишилар томонидан кўчирилган. Бу нусхалар ҳозир Ленинград, Калькутта, Ҳайдаробод, Лондон, Агра, Манчестер, Эдинбург каби жойларда сақланади.

«Бобурнома»нинг бир нусхаси 1737 йилда кўчирилиб, шу нусха 1857 йилда Қозонда рус олими Н.Ильминский томонидан нашр эттирилди. Ҳайдаробод нусхаси асосида инглиз олими А.Бевериж 1905 йилда Лондонда бостирилди. «Бобурнома» 1586 йилда форс тилига, айрим парчалари 1705 йилда Витсен томонидан голланд тилига Джон Лейден, В.Эрскинлар томонидан 1826 йилда, Р.М.Калдекот томонидан 1844 йилда инглиз тилига, 1828 йилда А.Кейзер томонидан немис тилига, 1791 йилда Паве де Куртейл томонидан француз тилига, шўро даврида М.Салье томонидан рус тилига таржима қилинди.

«Бобурнома»нинг Қозон ва Лондон нусхалари 1948-1949 йилларда Тошкентда икки китоб ҳолида тўла нашр этилди. Баъзи тузатишлар ва чоғиштиришлар асосида 1960 йилда яна қайта нашр этилди. «Бобурнома» XV аср охири XVIаср бошларидаги тарихий воқеаларни тўғри акс эттириши жиҳатидангина қимматли бўлиб қолмай, у ўша даврдаги ўзбек тили аҳволини ўрганиш учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. «Бобурнома» асари орқали Бобурнинг халқ жонли тилининг бойликларини чуқур ўрганиб ва эгаллаб олганлиги, адабий тилини халқ жонли тилига яқинлаштириш учун ҳаракат қилганлиги яққол кўринади. Бобур тилни бойитишга ва соддалаштиришга, барқарор қўлланилмаган кўп сўзларни ишлатишга ҳаракат қилди ва улардан ўринли фойдаланди. «Бобурнома» тилининг муҳим хусусиятларидан бири ифоданинг ихчамлиги, соддалиги ва равонлигидир. Бунинг учун у сўзларни танлаб ишлатишга, оз сўз билан кўпроқ фикрни баён этишга ҳаракат қилди. Ўзбек тилини сўз бойлигидан ижодий фойдаланиб, ундаги синоним, омоним ва антоним сўзларни кенг ва ўринли ишлатди.

«Бобурнома» асарининг тили қуйидаги хусусиятлар билан ҳам характерланади.

1.«Бобурнома» тилининг турланиш категорияси ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бошқа ёдгорликлардаги каби унда ҳам чиқиш келишиги –дын/-дин қўшимчаси орқали ясалади. Қолган келишик қўшимчалари ҳозирги

ўзбек тилидаги келишик қўшимчаларига ўхшаш. Масалан: Андижон суйы Оштын келир, Ахси суйы Касандын келэр. Лекин «Бобурнома»да қаратқич билан тушум, ўрин-пайт билан жўналиш ва ўрин-пайт билан чиқиш келишиклари бир-бирининг ўрнида қўллана беради: Хожандда келиб эди. Жаҳонгир Мирзақа Танбал тақасыга келиб эди. Ҳинд фатҳыда сонг.

2. «Бобурнома»да нисбий сифат ва абстрак отлар ясаш учун –лығ /-лиг /-лық /-лик аффикси ишлатилади. Бу аталуқ, оғуллуқ Тамбалға арқаланыб бундай ҳаракатлар бунйад қылдылар.

3. «Бобурнома» тилида ҳозирги ўзбек тилига хос бўлган –та билан ясалган доналик сонлар, -тадан билан ясалган улуш сонлар, -тача билан ясалган чама сонлар учрамайди. Айирув-улуш сонлар асосан –р (рэр) аффикси билан, чама сонлар эса синтактик йўл билан ифодаланади: Сипаҳи ва раийат наумед болиб бирэр-иккирэр қорғандын ташлаб қоча киришдилар. Йуз чағлық.

4. Учинчи шахс кишилик олмоши сон ва келишиклар билан турланганда қадимги номи намоён бўлади: ул-аны, анынг, анга, андын.

Ҳозирги ўзбек тилидаги сўроқ олмошларидан ташқари, не, нечук, қату олмошлири мавжуд. Ҳозирги белгилаш олмоши маъносида ҳаммаси, жамеъ, бутун, барча билан бирга «Бобурнома» тилида тугэл, бары каби сўзлар ҳам қўлланган.

5. Ҳозирги ўзбек тилидаги равишлар «Бобурнома»да ҳам учрайди, лекин унда ҳозирги тилда бўлмаган асру (кўп, жуда кўп), отру (рўбару, қарама-қарши) равишлари жуда кўп ишлатилган.

6. «Бобурнома»да қўлланган сўгш кўмакчилари ҳозирги ўзбек тилидагига ўхшамайди. Лекин унда сайын кўмакчисининг сайы варианти, билэн кўмакчисининг билэ, бирлэ, илэ, вариантлари мавжуд. Олд ва ён кўмакчилари ўрнида кўпроқ қош кўмакчиси ишлатилади: Сонгралар Султон Маҳмудхон қошыға борды.

7. Навоийда бўлганидек ҳозирги-келаси замон феъли I шахс бирлигининг бўлишсиз шакли –ман /-мэн аффикси билан ҳам ҳосил қилинади: Билмэн Озмкидин бермэдиму йа йўқарыдын ишарат болдыму. Инфинитивнинг бўлишсиз шакли –ма /-мэ аффикси орқали ифодаланади: Иш қопуға келгэн маҳалда жид ва эҳтимамни тақсир қылмамақ керэк.

8. «Бобурнома»даги боғловчилар ҳозирги боғловчиларга қисман тўдаги боғловчилар ҳозирги боғловчиларга қисман тўғри келади. Унда кўпинча дағы, вам (лекин, аммо), вайа (ёки) боғловчилари кўпроқ ишлатилади.

Асарда эргаштирувчи боғловчиларнинг бир қанчаси қўлланади. Буларнинг кўпчилиги –ки боғловчиси иштирокида ҳосил бўлган боғловчи ва боғловчилашган сўзлардир: -ки, -ким, -вақтики, гаҳиким, не учунким, бу жиҳатданким, негэким: Аны учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафаты бавужудким, Ҳиридэ нашъу нава тапыбтур, бу тил билэдур.

«Бобурнома» лексикасида қуйидаги сўзлар учрайди: йавуқ (яқин), черик (аскар, қўшин), қабамақ (қамамоқ), ылғар, туз (текис ер), арымақ (кетмоқ), илик (қўл), улус (халқ), қазақлық (дарбадарлик), йанмоқ (қайтмоқ), қопмоқ (турмоқ), қасаба (шаҳарча), васат (ўрталик), вафир (мўл-кўл) кабилар.

Умуман, Бобур «Бобурнома» ва бошқа асарлари билан тил донишманди бўлганлигини ва тил бойликларидан, жонли тилнинг хусусиятларидан моҳирлик

билан фойдаланганлигини кўрсатади, ўзбек бадиий прозаси етарли тажрибага эга бўлмаган бир даврда проза тилида катта муваффақиятни қўлга киритди.

Хуллас, Мирзо Бобур Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили тараққиёти учун бошлаган кураш йўлини давом эттирган шоирлардан биридир. Бобур асарларида ўзбек адабий тилининг сўз бойлиги ва жонли тилидан самарали фойдаланиб, грамматик шаклларнинг барқарорлигини таъминлашда катта хизмат қилди. Бобур тилидаги соддалик, равонлик ва ихчамлик сўнгги давр ижодкорлар асарларида давом эттирилди.

Адабиётлар:

1.Алиев А., Содиқов К. Ўзбек адабий тили тарихидан. –Тошкент, 1994.
2.Бобур З.М. Куллиёт. 5 жилдлик. Тошкент, 2021.
3.Бобур З.М. Бобурнома. (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили). Тошкент “Ўқитувчи”, 2008.
4.Мухторов А., Санақулов У.. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995.
5.Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1995.
6.Ўзбек тили тарихи масалалари. Тўплам, Тошкент, 1977.

«БОБУРНОМА» ДА ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАР

Мирзоаҳмедов Мухтор Мавлонович,
академик Бобожон Ғафуров номидаги ДТМ Хўжанд ДУ доценти, филология фанлари номзоди (Тожикистон)
Телефон: (+992) 927377304, эл. почта: mirzoamedov1973@maii.ru

Аннотация Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида қўлланган марказий маъмурий-бошқарув аппаратида хизмат қилувчи мансабдорлар ҳамда сарой хизматчилари номларини ифодаловчи ҳуқуқий атамаларни ўрганишга эътибор қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: луғавий бирлик, тарихий ёки архаик сўзлар, ҳуқуқий атамалар, ҳарбий атамалар, маъмурий ҳуқуқ, сиёсий-ҳуқуқий манба, расмий ҳужжат.

Аннотация Статья посвящена изучению юридических терминов, используемых в произведении Захириддина Мухаммада Бабура «Бабурнома», обозначающих имена чиновников, служивших в центральном административном аппарате, и дворцовых служащих.

Ключевые слова и выражения: луғавий бирлик, тарихий ёки архаик сўзлар, ҳуқуқий атамалар, ҳарбий атамалар, маъмурий ҳуқуқ, сиёсий-ҳуқуқий манба, расмий ҳужжат.

Annotation. The article focuses on the study of the legal terms used in Zahiriddin Muhammad Babur's work "Baburnoma" representing the names of officials serving in the central administrative apparatus and palace servants.

Key words and phrases: lexical unit, historical or archaic words, legal terms, military terms, administrative law, political-legal source, official document.

Амир Темур авлодидан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибн Умаршайх Мирзо ибн Султон Абусаид Мирзо ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ ибн Темур Кўрагоний ўн икки ёшда отаси Умаршайх Мирзонинг бевақт ўлимидан сўнг Фарғона тахтига ўтирган эди. Кейинчалик Шайбонийхон томонидан Ўрта Осиёдан сиқиб чиқарилгач, 1504 йили Кобулни қўлга киритади. 1526 йили Ҳиндистонга юриш қилиб, бу мамлакатнинг шимолий қисмини забт этади ва тарихга "буюк муғуллар" номи билан кирган давлатга асос солади (1).

Бобур Ҳиндистонни забт этгач, давлатни ташкил этиш ва уни бошқаришни йўлга қўйди. Албатта, бу иш осонлик билан кечмаган. У янги давлатга атиги тўрт йилгина шоҳлик қилган, холос.

Бобур Ҳиндистондаги ҳукмронлиги даврида атрофига нафақат ўрта осиёлик олимларни, шунингдек ҳинд мутафаккирларини ҳам тўплаган эди. Жумладан, ҳинд олими Шайҳора Бобурнинг вазири бўлган (2).

Биз мақолада, асосан, «Бобурнома» да қўлланган ҳуқуқий атамаларни ўрганишга эътибор қаратдик. Бобур қаламига мансуб мазкур асарда бошқа соҳа атамалари қатори ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий характердаги луғавий бирликлар ҳам кенг қўлланган. Улардан баъзилари асрлар давомида ўзгармай бизнинг давримизгача етиб келган ҳамда истеъмолда бўлса, айримлари бугун истеъмолдан чиқиб, тарихий ёки архаик сўзларга айланиб улгурган (3).

«Бобурнома» да, энг аввало, маъмурий-ҳуқуқий атамалар кенг қўлланган. Чунки Бобур нафақат шоир, энг аввало, давлат бошлиғи – шоҳ эди. У заҳматли курашлар асосида Ҳинд юртида ўз давлатини тузди ва бу давлат Бобурийлар салтанати номи билан узоқ йиллар ҳукмронлик қилди. Давлат раҳбари сифатида унинг қонуний асосларини (тузукларини) яратди ва шу асосда буюк империяни бошқарди.

Ҳуқуқшунослик илмидан маълумки, маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувини ташкил этиш тартиби ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли хил ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олади.

Маъмурият арабча сўз бўлиб, «**бошқариш**» маъносини англатади. Бобур салтанатида маъмурий-бошқарув тизимли равишда тартибга солинган эди. Асар билан яқиндан танишар эканмиз, бу тизимда махсус унвон ва мансаб эгалари ўз салоҳиятлари доирасида фаолият юритганлиги борасида маълумотга эга бўламиз.

Асарда қўлланган давлат бошқарувида хизмат қилувчи амалдорларнинг номларини англатувчи луғавий бирликларни қуйидагича тавсифлаш мумкин: 1. Марказий маъмурий-бошқарув тизимида хизмат қилувчи мансабдор шахслар номларини билдирувчи луғавий бирликлар. 2. Сарой хизматчилари номларини ифодаловчи луғавий бирликлар. 3. Вилоят, шаҳар ва туман бошқарув тизимида хизмат қилувчи мансабдор шахслар номларини англатувчи луғавий бирликлар.

«Бобурнома» да қўлланган ҳуқуқий атамаларни ***қадим хонаводa*** ясама бирикмасини ўрганишдан бошлаймиз. ***Қадим хонавода*** бирикмаси тарихий-ҳуқуқий атамалардан бири саналади ва у ***хонавода, қадим хонавода, хонаводаи қадим*** шаклларида қўлланган. Ушбу тарихий-ҳуқуқий атама давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлиб, асрлар давомида давлатни бошқарган бир сулолага нисбатан қўлланилади, баъзи луғатларда оила каби маъноси ҳам кўрсатилган (4).

Юз қирқ йилға ёвуқ Самарқанд пойтахти бизнинг хонаводада эди. Қандағи ёт ёғий, ўзбак келиб мутасарриф бўлуб эди. Иликдин кетган мулкни яна тенгри берди (БН, 76-бет)**.**

Шайбонийхоннинг мунча тараққий топмоғига ва мунча қадим хонаводалар бузулмоғиға Абдулали тархон сабаб бўлди (БН, 22-бет).

«Бобурнома» матнида ислом ҳуқуқшунослигига оид **фиқҳ** атамаси ҳам унумли қўлланган. Фиқҳ ислом динининг йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари тўғрисидаги ҳуқуқ илми, ислом қонуншунослигидир. Бобур давлат бошқарувида ундан самарали фойдаланган. Асарда фиқҳ ва фақиҳ атамаларининг такрор-такрор қўлланишини бунга гувоҳлик беради: **Яна Қози Ихтиёр эди, қозилиқни хўб қилди. Фиқҳда бир рисола битибтур, тавр рисоладур** (БН, 161-бет).

Фиқҳ ва фақиҳ атамалари аслида ислом ҳамда замонавий ҳуқуқшуносликнинг алоҳида истилоҳлари бўлиб, бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган тушунчалардир. Луғатларда "фақиҳ" сўзига мусулмон қонуншунослиги илмининг билимдони, ҳуқуқшунос олими, деб таъриф берилади (5).

Тарихдан маълумки, Туронзаминда ҳукм сурган салтанатларда маъмурий-бошқарув тизими муайян тизимга эга бўлган. Бу тизим тепасида давлат бошлиғи томонидан тайинланган вазир турган. "Бобурнома" да **вазир** лексемаси аксар ҳолларда ўзининг кўплик, яъни **вузаро** шаклида қўлланган бўлиб, "вазирлар" маъносини билдирган: **Душанбе куни девон куни буюрдумким, акобир ва ашроф ва умаро ва вузаро девонда ҳозир бўлғайлар** (БН, 282-бет).

Ҳукмдорлар саройида хизмат қилувчи амалдорлар ичида девон бошлиғининг ўрни алоҳида ажралиб турган. Девон бевосита унинг раҳбари, яъни **соҳибдевон** томонидан бошқарилган. Форс-тожик тилидан ўзлашган мазкур бирлик асар тилида фаол ишлатилган. **Юсуф доруға дедиким, биз агар сизни олиб, соҳибдевон қошиға борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди** (БН, 175-бет).

Ҳукумат бошлиғи ёки девонхонага турли масалалар билан кирувчи шахслар ижозат олиш мақсадида бевосита қабул масалалари билан билан шуғулланувчи мансабдорга мурожаат қилганлар. Бу мансаб эгаси "Бобурнома" тилида **эшик ихтиёри** луғавий бирлиги билан ифодаланган:

... Кобулнинг доруғалиғи ва Панчҳир ва Кадий Ҳазора ва Кўшкак ва эшик ихтиёри тамом анда эди (БН, 143-бет)**.**

Девонхона расмий ҳужжатларини тартибга солувчи, назорат қилувчи ва шундан сўнггина уни муҳр билан тасдиқловчи шахс **муҳрдор** сўзи орқали ифодаланган: **Халифанинг навкари Шоҳ Муҳаммад муҳрдорни йиборилди. Ғалаба насиҳат омиз сўзлар битиб йиборилди** (БН, 348-бет).

"Бобурнома" да қўлланган ҳуқуқий истилоҳлардан яна бири ***қози*** атамасидир. ***Қози*** арабча сўз бўлиб, "ижрочи", "амалга оширувчи"; "ҳукм чиқарувчи" каби маъноларни англатади. Қози мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, шаръий

маҳкама раиси ҳисобланади. Бобур даврида ҳам давлатнинг бош қозиси нафақат фуқароларнинг қонунларга риоя қилишларини, балки қуйи поғонадаги қозиларнинг фаолиятини ҳам назорат қилиб турган. Қозининг асосий вазифаси бошқарув эмас, назоратдир. ***Яна** __**Қози**__ **Ихтиёр эди, қозиликни хўб қилди*** (БН, 161-бет).

Ички – подшоҳ ва хонларнинг хос хизматчилари ва беклар маъносида қўлланган. ***Шоҳ Маҳмуд ўғлоқчиким, менинг ўбдон** __**ичкиларимдин**__ **эди, отлари тамом қолиб яёқ келди*** (БН, 138).

Саройда турли маросимларни бошқариб туриш, уларни тартибга солиш ва осойишта ўтишини таъминлаш вазифаси мўғулча __**шиқовул (шиғовул)**__ атамаси билан ифодаланувчи мансабдор шахс зиммасида бўлган. Эски ўзбек тилида ушбу мансаб **эшик оғаси** атамаси билан ҳам ифодаланган. Бу мансабга ҳукмдорнинг эътиборини қозонган беклар ёки амирлар тайинланган: **Хўжанд ичида Амир Мўғулнинг отаси Абдулваҳҳоб** __**шиғовул**__ **эрди. Мен етгач-ўқ қўрғонни бемузояқа топшурди** (БН, 31-бет).

Бундан ташқари, ***шиқовул*** лашкар қанотларини қўриқлаб турувчи махсус бўлинма маъносида ҳам қўлланган.

Саройда хизмат қилувчи амалдорлар ичида ҳарбий-маъмурий маънога эга бўлган **тавочи** рутбаси алоҳида ўрин тутган. Тарихчи олимларнинг қайд этишларича, тавочи зиммасига қўшин ададини рўйхатга тушириш, уларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, курол-аслаҳа билан таъминланганлик даражасини назорат қилиш, тунги ва кундузги соқчиларнинг хизматини тартибга солиш масалалари юклатилган (6).

Дарынды Бабур 12 жасында патша болғаннан бастап өмірінің соңына дейін өзі көрген оқиғаларды, өзі қатысқан оқиғаларды, осы оқиғаларға байланысты жүздеген тарихи тұлғалардың өмірін жазып қалдырған, ғылым үшін маңызды көптеген маңызды дәлелдерді әдеби түрде қамтыды. Бабурдың “Бобурнома” мен жыр кітабынан бөлек, мұсылмандық қағидалары мен заңгерлікке арналған “Мубайын”, араб алфавитін реформалау туралы “Хатти Бабури”, сондай-ақ музыкалық және әскери өнер туралы шығармалары өзбек әдеби тілін, әдебиеті мен ғылымын дамытуда маңызды рөл атқарады.

Ұлы ақын, жазушы, тарихшы-ғалым Бабурдың ғылыми-әдеби мұрасы қазір өзінің белгілі бір тарихи-танымдық, ғылыми-эстетикалық құндылығын сақтауда. Оның сан қырлы мұрасында педагогикаға қатынасты арнайы кітап немесе қолданбалар болмаса да, еңбектерінің барлығында өмірге, елге деген сүйіспеншілік сезімдері, адамның биік парызы мен адамдардың рухани келбеті туралы терең ой-пікірлер, ғылым мен дін мәселелері, тәрбиелі, әдепті болуға шақыру, білім мен мағлұмат алуға үндеу, адамгершілік-эстетикалық ой-пікірлер, жанды да мәнді өмір сүруге үгіттеу, оған деген көзқарас айқын көрініс тапқан.

Ғылым мен ағартушылықты аса жоғары бағалаған Бабур әдебиет, өнер, ғылым қайраткерлерімен үнемі тығыз, шығармашылық қарым-қатынаста болып, оларға қамқорлық жасап, ғылыми-әдеби әңгімелер, кездесулер ұйымдастырды. Ол өз заманында білімге талпынғандардың аз екендігіне алаңдап, білімге шын ықыласпен, талпыныспен, тынымсыз еңбекпен ғана қол жеткізуге болатынын алға тартады. Сондықтан да, ол ғылымның маңыздылығын терең сезініп, өзі жоғары бағалайтын ғылым адамдарын ең алдымен мінез-құлқына, қалың бұқараға қызмет етуіне қарап бағалайды.

Шығармашылығында ізгілікті, адалдықты ардақтаған ақын бұрынғы әріптестеріне еріп, жамандықты, озбырлықты, арсыздықты айыптайды. Бұлардан бөлек, Бабур жастарды достықты, отбасын, оның әрбір мүмкіндігін бағалай білуге, мұңмен емес, ақылмен, көңілді өмір сүруге шақыратын үлгі-өнеге болатын көптеген өлеңдер жазған.

Бабурдың айтуынша, жастардың тұлғасын өмірдің өзі қалыптастырады, бірақ бұл жерде еңбек пен еңбекке табандылық маңызды рөл атқарады. Нағыз адамдық қасиет тек еңбек етіп, қиналған адамдарда ғана болады.

Пайдаланылған әдебиеттер:

1.Ф. Исъҳоқов .“Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. Андижон-2008 й
2.А.Қаюмов. “Zahriddin Muhammad Bobur” Ташкент. “Fan“ баспаханасы-2008 ж.
3.H. Mamarasulov, “Bobur ruboiylari”. Toshkent-2010 y.
4.S. Sayid. “Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur” Toshkent. Sharq-2008 y.

УПОМИНАНИЕ ГОРОДА ХУДЖАНДА В «БАБУРНАМЕ» ЗАХИРИДДИН МУХАММЕД БАБУРА

Очилова Мехринисо Илхомовна
доктор филологических наук, доцент кафедры персидского и китайского языков, факультета восточных языков
ГОУ «ХГУ имени академика Бободжона Гафурова»
E-mail:ochilova.86@mail.ru
Окилова Муътабар Ахмаджановна
кандидат филологических наук, доцент кафедры персидского и китайского языков, факультета восточных языков
ГОУ «ХГУ имени академика Бободжона Гафурова»
E-mail:mutabar57@mail.ru

Аннотация: Заҳириддин Муҳаммад Бобур – «Бобурнома» муаллифи. Ушбу тарихий асар Бобурнинг ижодида алоҳида ўрин тутади ва таржимаи ҳоли аҳамиятга эгадир. Унда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи XV асрининг охири ва XVI асрни бошида кўрсатилган. Ушбу мақолада Хўжанд ва Сирдарё ҳақида «Бобурнома»-нинг маълумотлари келтирилган.

Калит сўзлар: «Бобурнома», Фарғона водаси, Хўжанд, Сайҳун, Хўжанд водаси.

Аннотация: Захириддин Мұхаммед Бабыр «Бабурнаме» тамаша шығармасының авторы. Бабыр шығармашылығында оның негізінен өмірбаяндық сипаттағы және Орталық Азия, Ауғанстан және Үндістан халықтарының 15 ғасырдың соңы – 16 ғасырдың басындағы тарихын бейнелейтін баға жетпес тарихи еңбегі «Бабырнаме» маңызды орын алады. Мақалада Ходжент қаласы мен Сырдария туралы «Бабурнаме» мәліметтері берілген.

Түйін сөздер: «Бабырнаме», Ферғана аңғары, Худжанд, Сейхун, Худжанд сулары.

Annotation: Zahir ad-din Mohammed Babur is the author of the wonderful work «Babur-name». An important place in the work of Babur is occupied by his invaluable historical work «Baburname», which is mainly autobiographical in nature and reflects the history of the peoples of Central Asia, Afghanistan and India in the late XV - early XVI centuries. The article provides information from «Baburname» about the city of Khujand and Syr-darya.

Keywords: «Babur-name», Ferghana Valley, Khujand, Seyhun, waters of Khujand

«Бабурнаме» состоит из трёх частей. Часть первая посвящена описанию политических событий в Мавераннахре в конце XV в. Вторая охватывает события, происходившие на территории Афганистана, которая в эпоху Бабура была известна как «Кабульский удел». В последней части описываются политические события в Северной Индии, география и природные особенности страны, также содержатся интересные сведения о народах, населявших эту землю.

В «Бабурname» приведена вся история жизни Захириддин Мухаммад Бабура, о которой он сам отозвался следующим образом: «... всё, что здесь написано, истина, и цель этих слов не в том, чтобы похвалить себя, – всё, действительно, было так, как я написал. В этой летописи я вменил себе в обязанность, чтобы каждое написанное мной слово было правдой и всякое дело излагалось так, как оно происходило» (1,16). Бабур писал свои мемуары последовательно по годам, например: «События года девятьсот четвертого: 1498-1499» и т. п.

Бабур описывал города Ферганской долины, свойственными ему проникновенностью и точностью. Его интересовали местонахождение, окрестности городов, языки, особенности быта, нрава народов, населявших эти территории, природа, животный мир и различающие особенности тех краёв. «Среди среднеазиатских городов, описываемых Бабуром, особое место занимают родные ему города Ферганского удела: Андижан, Аксы, Касан, Ош, Канибадам, Исфара, Маргелан, Ходжент, Узген. В «Бабурнаме» даётся именно точная и краткая характеристика этих городов. И даже среди них Бабур особо выделяет города Андижан и Ош: «Описывая Андижан, который являлся столицей Ферганского удела, Бабур отмечает, что там много хлеба, плоды изобильные, дыни, виноград хороший; груши лучше андижанских не бывают» (1, 5).

Местности и регионы Ферганской долины Бабур описывает не толъко взглядом владыки, руководителя, но и как ученого – географа, путешественника. Например: «Фергана – небольшая область, хлеба и плодов там много. Вокруг Ферганы находятся горы; с западной окраины, где Самарканд и Ходженд, гор нет; зимой ни с какой стороны, кроме этой, враг не может пройти» (1,9).

В «Бабурнаме» слово «Ходженд» (ныне Худжанд – М.О.) встречается более 50 раз по причине того, что во время своих сражений и походов он часто бывал в этом городе, жил, следуя этому, он описывает этот город на Сыр-дарье: «Еще один город в Фергане – Ходженд. Он расположен от Андиджана на запад в двадцати пяти йигачах пути; от Ходженда до Самарканда тоже двадцать пять йигачей. Это один из древних городов; из него [происходят] Шейх Маслахат и Ходжа Камал (Шейх Маслахат –святой ум. в начале 13 века, поэт Камал ад-дин Ходженди (ум. в 1401 г). (1,21;2,14).

Захируддин Бабур бывал в Худжанде в 1494-1500 года. Он дает краткие, но важные сведения о климате, природе города Ходженда: «Плоды там очень хороши, ходжендские гранаты славятся своим прекрасным качеством. Как говорят: «самаркандские яблоки», так говорят: «ходжендские гранаты». Но в настоящее время маргинанские гранаты [считаются] много лучше» (1,21). Изображая города, писатель, указывал местности также глазами царя, полководца: «Крепость Ходженда стоит на возвышенном месте. Река Сейхун течет мимо Ходженда с северной стороны, на расстоянии полета стрелы от крепости» (1,21).

Гора, находящаяся вблизи Ходженда называется «Мугул» (Могол-тау). Но почему-то Бабур называет эту гору по-иному: «К северу от крепости и реки стоит гора, называемая Муту-Гил; говорят, на этой горе находятся бирюзовые месторождения и другие рудники» (1,21).

Везде, где побывал Бабур, его интересовали природа, ландшафт, животный мир. Описание Ходженда Бобуром довольно кратко и ясно само по себе: «…на горе много змей... В Ходженде есть прекрасные места для охоты на зверей и птиц. Белые кийики, олени, бугумаралы (из семейство оленей), фазаны и зайцы водятся там во множестве. Воздух в Ходженде очень гнилостный, осенью многих лихорадит. Рассказывали, будто даже воробьев лихорадило. Говорят, что воздух там гнилостный из-за гор на северной стороне (1,21).

Царь Тимуридов – Бабур пишет: «Мы несколько раз ходили на Самарканд и Андиджан, но никакого дела не получалось, и мы снова вернулись в Ходженд. Ходженд – незначительное место; человек с сотней или двумя нукеров прокормится там с трудом. Как же может муж с большими притязаниями спокойно сидеть там? (1,59). Таким образом он несколько раз упоминает Худжанд: «Ходженд, [как уже сказано], – незначительное место, там с трудом может прокормиться один бек. Почти полтора года мы находились там с семьей и домочадцами. Тамошние мусульмане в то время тоже по мере возможности несли расходы [по нашему содержанию] и оказывали услуги без упущений. С каким же лицом я опять пойду в Ходженд, да и что станет человек делать, придя в Ходженд? (1,60). Такое отношение к Ходженду он имел по причине того, что воспринимал себя как владыку. Владыку, желавшего больших территорий и несметных богатств. Не всегда имея успех в сражениях и междоусобицах, он, как тонкий лирик и поэт, пишет о своем душевном состоянии следующее:

Где место, куда пойти,
Где приют чтобы там остаться? (1,60).

Подобные строки в «Бабурнаме» встречаются довольно часто. Он приводил их для передачи своих переживаний, разных моментов и жизненных ситуаций.

Как знаток языка, Бабур даёт разъяснения по поводу некоторых географических имен: «Одно из подчиненных Ходженду [местечек] – Канд-и Бадам (город миндаля). Это, правда, не город, но хорошенький городок. Миндаль в нем превосходен; По этой причине [Канд-и Бадам] и назван таким именем. Весь его миндаль идет в Хурмуз (т.е. Ормуз) и в Хиндустан (т.е. Индия). От Ходженда [Канд-и Бадам] находится в пяти-шести йигачах к востоку»(1,22) «Канд» означает «город», «бадам» – миндаль. Слово «канд» встречается в названиях таких городов Средней Азии: Самарканд, Тошканд (Ташкент), Хуканд (Коканд), несколько изменённо: Худжанд (Ходженд). Такие этимологические разъяснения еще можно встретить в «Бабурнаме»: «Между Ходжендом и Канд-и Бадамом раскинулась степь, называемая Ха-Дервиш. В степи этой всегда дует ветер; на восток в Маргинан мчится ветер оттуда; на запад, в Ходженд ветер постоянно дует оттуда. Сильные бывают там вихри. Говорят, будто несколько дервишей попали в эту пустыню в сильный ураган. [Их разметало], и они не могли найти друг друга; стали кричать «Ха, дервиш, ха, дервиш», пока все не погибли. С тех пор эту пустыню и называют Ха-Дервиш» (1,22). «Первый бой был у него с Юнус ханом к северу от Андиджана, на берегу реки Сейхун, при местечке Теке-Сакраган («козел прыгнул»). Это место потому так названо, что река из-за гор до того узка, что, говорят, будто там через нее прыгают козлы» (24).

Река Сейхун, известна под названием «Воды Ходженда» (ныне Сыр-дарья). «Сейхун» древнее название реки, но в средние века был известен именем «Оби

Худжанд», т.е. «Воды Ходженда». В стихотворении поэта Камал ад-дин Ходженди река так и именуется:

Аз Оби Хуҷанд бигзару куҳ,
Дар Сири ту ин ба ҷуз масал нест (5,248).
Пройди Воды Ходженда и гора
В Сире твоём нет иной поговорки (пер.М.О.)

«Воды Ходженда» более 17 раз приводятся в «Бабурнаме». Например: «Река Сейхун, известная под названием Воды Ходженда, приходит в Фергану с северо-восточной стороны; пройдя через эту область, она течет на запад, проходит севернее Ходженда и южнее Финакета (Банокат), который теперь более известен под названием Шахрухии, потом снова уклоняется на север и течет в сторону Туркестана; значительно ниже Туркестана эта река, не сливаясь ни с какой [другой] рекой, вся впитывается в песок и [исчезает] (1,20). О погоде и зимних стужах тех времён можно узнать в «Бабурнаме»: «В середине зимы Шейбани хан, перейдя по льду через реку Ходженда, разграбил окрестности Шахрухии и Бишкента. Как только пришли об этом вести, мы … направились к селениям, находящимся ниже Ходженда, напротив Хашт-Яка. Было очень холодно. В этих местах постоянно, не ослабевая, дует сильный ветер из Ха-Дервиша; стужа достигала такой степени, что за эти два-три дня погибло от холода два-три человека. Мне понадобилось совершить омовение. В одном арыке вода у берегов покрылась льдом, но по середине из-за быстрого течения она совсем не замерзла. Я вошел в арык, совершил омовение и окунулся шестнадцать раз. Холодная вода сильно на меня подействовала. На рассвете мы переправились по льду через реку Ходженда напротив Хаса» (1,83).

С Ходжендом связана моменты жизни Бабура, о чем приводится в его мемуаре: «После этого я прибыл в Ходженд; ко мне в Ходженд прислали мою мать и бабку вместе с семьями некоторых из тех, что остались со мною. Рамазан этого года мы провели в Ходженде (1,57); «Мне тоже поневоле пришлось воротиться, и я пришел в Ходженд (1,57); «Не считая полезным стоять там или усиливать эту крепость, мы повернули обратно и снова пришли в Ходженд (1,58).

Подробности семейной жизни в Худжанде Бабур излагает в нижеследующем: «Аиша Султан биким, которую просватали за меня при жизни ее отца и дяди, приехала в Ходженд. В месяце шабане 218 (2 марта-31 марта 1500 г.) я взял ее в жены» (1,70), и: «Хотя, когда я ее брал, мои чувства к ней были неплохи, но это был мой первый брак. От стыда и смущения я ходил к ней один раз в десять, в пятнадцать или в двадцать дней, но потом не осталось и такой любви, а стыд стал еще больше. Раз в месяц или сорок дней моя мать, Ханум, с трудом, насильно прогоняла меня к ней» (1,70).

Ознакомившись с вышеприведённым можно сделать следующий вывод: сведения, которые нам поведал Бабур, являются важными для изучения истории, географии нашего родного города Худжанда. В «Бабурнаме» отражены страницы истории Худжанда наряду с другими городами Ферганской долины и Средней Азии.

Литература:

1.Бабур, Захируддин Мухаммад. Бабурнаме. – Ташкент: Главная редакция энциклопедий,

1992.
2.Мухаммадшариф ибни Шохбадал ибни Маликшох, Манокиби Шайх Маслахатдини
3.Худжанди. –Худжанд: Ношир, 2015. -448с.
4.Фарханги забони точики. –Москва: Энсиклопедияи совети, 1969. Ч.1. -951с.
5.Фарханги забони точикӣ. –Москва: Энсиклопедияи совети, 1969. Ч.2. -951с.
6.Хучанди, Камол, Девон. –Худжанд: Андеша, 2011. -631с.

БОБУР ВА АБУЛҒОЗИ: ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР

Бекимметов Умиджон Тожимуратович
Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими, PhD.
Абдалов Умидбек Матниязович
Маъмун-Университети “Тарих ва психология” кафедраси мудири, PhD., доцент.
umid_abdalov@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт фаолияти, ижоди ва сиёсий кураш майдонидаги фаолияти ҳамда Абулғози Баҳодирхон ҳаётлари билан солиштириб ўхшаш жихатлари илмий адабиётлар асосида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мавороуннаҳр, Андижон, Хоразм, сиёсий вазият, Хива хонлиги, Ҳиндистон, Муҳаммад Шайбоний, Эрон, Агра, Қобул, элчи, Бобурнома, Шажараи турк.

Аннотация. В данной статье на основе научной литературы рассматриваются жизненная деятельность, творчество и деятельность Захириддина Мухаммада Бабура на ниве политической борьбы, а также сходные аспекты в сравнении с жизнью Абулгози Бахадыр хана.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, Маворауннахр, Андижан, Хорезм, политическая ситуация, Хивинское ханство, Индия, Мухаммад Шайбани, Иран, Агра, Кабул, посол, Бабурнама, Шаджарай Тюрк.

Annotation. In this article, Zahiriddin Muhammad Babur's activity and creativity life in the field of political struggle, as well as the similar aspects compared with the life of Abulghozi Bahadir Khan, are considered on the basis of scientific literature.

Key words: Zahiriddin Muhammad Babur, Mavoraunnahr, Andijan, Khorezm, political situation, Khanate of Khiva, India, Muhammad Shaibani, Iran, Agra, Kabul, ambassador, Baburnama, Shajarai Turk.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин” (“Баён этилган”), “Хатги Бобурий”, “Ҳарб иши”, Аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом

қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоға-жиянлар, амакиваччалар ўртасида ҳокимият – улуғ боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун кураш ниҳоят кескинлашган эди.

Энди мана шу тарихий шахс фаолиятини кўриб чиқиш ва тарихимизда тутган ўрнини тахлил қилишимиз лозим.

Тарихда юз тузилиши эмас, балки яшаб ўтган давридаги воқеликлар, зиддиятлару бутун бир ҳаёти чиндан ҳам бир-бирига ўхшаш инсонлар кўп бўлган. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ва Абулғози Баҳодирхон (1603-1664) ҳаётлари ҳақидаям шундай дейиш мумкин.

Бир-биридан 120-134 йиллар олдинма-кейин яшаб ўтган ҳар иккала ҳукмдорнинг тожу тахт учун, мамлакат ободончилиги учун олиб борган саъйи-ҳаракатларигина эмас, ёзиб қолдирган асарлари ҳам бир-бирига ўхшашлиги ҳайратланарли.

Шу боисдан ҳам венгер олими Ҳерман Вамбери, “Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади” дея ёзганди.

Маълумки, Заҳириддин отаси Умаршайхнинг 1494 йилдаги вафотидан сўнг 11 ёшида подшоҳ қилиб тахтга ўтқазилган. У ғоят зиддиятли бир даврда яшаб, Мовароуннаҳру Хуросондаги парокандалик муҳитида, гоҳ Самарқандда, гоҳида бўлса Афғонистоу Ҳиндистонда умргузаронлик қилди. Бу пайтда Темурийларнинг марказлашган давлати инқирозга юз тутиб, тожу тахт учун курашлар, ўзаро низолар гирдобига ғарқ бўлган онлар эди.

Шундай таҳликали, гоҳ хурсандчилигу, гоҳида чексиз ғам-аламлар исканжасида ҳаёт кечирса-да, Бобур ҳазратлари Андижон, Ўш, Ҳироту Деҳли ва Аграда кўплаб иншоаатлар қурдирдики, умри жангу жадаллар ичида ўтган шоҳнинг ободончилик учун катта хизматлар қилгани, Заҳириддиннинг табиатан бунёдкор инсон бўлганини кўрсатади.

Абулғози эса отаси Араб Муҳаммадхон ҳали тириклигидаёқ, 13 ёшидан оға-инилари ўртасидаги тожу-тахт учун курашлар гирдобида ҳаёт кечиради. Отаси кўзига мил тортиб, қатл этдирган оғалари ҳатто Абулғозини 1630-39 йилларда Эронда ҳибсда тутиб ҳам туришади. Бироқ, у ҳам Бобурдек моҳир саркарда бўлгани сингари, 1644 йилда Хива хонлиги тахтига чиқади ва то 1664 йилгача бўлган муддат ичида ободончилигу тараққиёт сари одим ташлайди. Янги Урганч ва Вазир шаҳарларига асос солади. Ғозовот, Шоҳобод, Ёрмиш каналларининг қазилишига сабабчи бўлади.

Абулғози худди Бобур каби давлат сиёсати билан шуғулланибгина қолмай, ёзилиш услубию мавзу доирасининг кенглиги, хотира тарзида битилганлиги билан машҳур “Шажараи турк” китобини авлодларга мерос қолдирди.

Ушбу иккала мемуарнинг майдонга келиши, туркий ўзбек бадиий насрини янги босқичга кўтариб,ўзбек адабий тилини халққа яқинлаштиришга хизмат қилди.Чиндан ҳам, Абулғози Бобурнинг мемуар ёднома жанридаги анъаналарини давом этдириб, ўз бошидан ўтган воқеаларни худди Бобур каби юксак маҳорат билан қоғозга туширади.

“Шажари турк” ни ва “Бобурнома” ни ўқиган китобхон англайдики, ҳар иккала асардаги жангу жадаллар, рўй берган воқеа-ҳодисалар, асар муаллифлари, яъни қаҳрамонлар билан боғлиқ тафсилотлар тасвири уйғундек. Ҳар иккаласи ҳам саркарда, тожу тахт учун курашлар гирдобидаги шахслар бўлгани учун, бундай машаққатли йўлдаги сарой ўйинлари, яқинларининг хиёнатию аксарият навкар ва амалдорларнинг садоқати, ўша ўзлари борган жойлар тасвири ва ҳатто қаҳрамонларнинг, яъни Бобур ва Абулғозининг йўл қўйган арбоб ҳамда инсон сифатидаги хатоларию ожизликлари ҳам ҳаққоний тасвирланади.

Хуллас, ҳар иккала ҳукмдор мумтоз бадиий наср тараққиётининг вориси ва илғор анъаналарини ривожлантирувчи сифатида асарларини ёритгандилар. Агар Бобур ўз асарларини Андижон шевасида ёзган бўлса, Абулғози эса Хоразм шевасида ёзган.Абулғози бу билан ўз она тилига зўр ҳурмат билан қараганлигини ифодалагач, иккинчи томондан эса Бобурга ижодий ёндошган. Ҳар ҳолда иккала асарни ўқиб, Бобур ва Абулғози ўзларининг автобиографик характердаги тарихий мемуарлари билан бадиий наср тилини халқнинг жонли сўзлашув тилига ниҳоятда яқинлаштирганини сезиш мумкин. Қолаверса, ўша асарларни ўз даврининг автобиографик роман-эссеси ҳам деб бемалол айтса бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, Бобур Андижонда туғилган, Самарқандда тахтда ўтирган бўлсада, Хоразмга келмаган. “Бобурнома” да ҳам Хоразм сўзи, Самарқанд ҳудудини чегралашда, Шайбонийхон Чин Сўфини мағлубиятга учратгани ҳақидаги воқеани ёзиб, “Хоразм йигитлари бисёр мардоналиклар қилдилар, ҳеч таъсир қилмадилар”, дея воҳалик ватанпарварлар матонатини мадҳ этганда, бироқ, Шайбонийхон Хоразмни забт этиб, ўлкани Кўпакбийга бериб, ўзи Самарқандга келди дея, шунингдек, Хуросон вилояти ҳудудини белгилашда, Султон Ҳусайн Бойқаронинг оилавий аҳволини қоғозга туширганда, шу каби Султон Маҳмуд Ғози(Ғазнавий) ҳаётини эсга олгандагина, яъни воқеалар, вилоятлар Хоразмга туташган ҳолатдагина воҳа номини тилга олади.

Табиийки, Абулғози Бобурдан 120-134 йил кейин яшагани, тарихчи, давлат арбоби бўлгани учун Заҳириддин Муҳаммад ҳаётини, уруш усули, саркардалик қобилиятини ўрганган бўлиши эҳтимол. Бироқ “Шажараи турк” да кўплаб афсоналар ва ривоятларни турклар ва мўғулларнинг келиб чиқиши билан боғлаган ҳолда, шунингдек, асаридаги воқеаларнинг фақат ўзи билан содир бўлганларинигина киритган. Шу туфайли ҳам унда Бобур номи эслаб ўтилмайди.

Бироқ Абулғози ўзи билибми, билмайми, тақдири уйғунлигиданми, айнан “Бобурнома”га ўхшаш ёднома қолдирган. Абулғозининг асари ҳам шу боисдан кўпчиликда қизиқиш уйғотганди. Ҳатто машҳур рус адиби Г.Короленко тавсияси билан Максим Горький “Шажараи турк” билан танишиб чиққанди. У 1895 йилнинг 7 августида Короленкога ёзган хатида “ Абулғозининг китобидан бошқа Шарқ тарихига оид яна бирор манбани менга тавсия қилсангизчи, жуда қизиқ экан бу асар” деганди. Ўшанда, Короленко Горькийга “Бобурнома” ни тавсия этган экан.

Бобур ўз ёдномасидан ташқари шеърий девон, ҳарб иши, мусиқа илмига оид ва “Хатти Бобурий”, “Муффассал”, “Мубаййин” каби асарлар ёзиб қолдирган

бўлса, Абулғози ҳам ўз мемуаридан бошқа яна "Шажари тарокима", "Манофеъ ул-инсон" сингари асарлар битди.

Умуман, Бобур ва Абулғози зиддиятли даврда яшаб, умри кўпроқ жангу жадалларда ўтсада, ҳукмронлик пайтида мамлакатлари ободончилиги учун бунёд қилган иншоатлари ва ёзиб қолдирган сарлари билан тарихдан муносиб жой олган буюк аждодларимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бабур-тигр. Великий завоеватель Востока. Г. Лэмб. М., Центрполиграф, 2002
2. Бабурнаме / Пер. М. Салье - Т., 1958
3. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. Азимджанова С.А. - М: Наука, 1997
4. Узбекская классическая лирика XV-XX веков. Пер.С. Иванов, С. Северцев, Л. Пеньковский. М.: Наука, 1958
5. Бабур. Х. Якубов. - Т.: 1941

BOBUR – HARBIY SARKARDA

Tadjiyeva Feruza Jumabayevna
Ma'mun – Universiteti NTM Tarix va psixologiya kafedrasi dotsenti, PhD
Erkayeva Sevinchoy Egamerganovna
Ma'mun –Universiteti NTM тarix yo'nalishi talabasi
E-mail: ftj85@mail.ru

Аннотация: В данной статье собраны сведения о военных походах Захириддина Мухаммада Бабура. В частности, показано завоевание Бабуром Индии и его отвага в боях. Была упомянута история культурных обменов между народами Центральной Азии, Афганистана и Индии.

Ключевые слова: Монгольская империя, афганцы, артиллерия, тактика, полная "Бабурнама", Дели, Агра, Лахор.

Аннотация: Бұл мақалада Захируддин Мұхаммед Бабырдың әскери жорықтары туралы мәліметтер бар. Соның ішінде Бабырдың Үндістанды жаулап алуы, шайқастардағы ерлігі көрсетіледі. Орталық Азия, Ауғанстан және Үндістан халықтары арасындағы мәдени алмасу тарихы айтылды.

Кілт сөздер: Моғол империясы, ауғандар, артиллерия, тактика, толық Бабырнама, Дели, Агра, Лахор.

Zahiriddin Muhammad Bobur (1483-1530) Hindistonda uch asrdan ortiq (1526-1858) mavjud bo'lgan Boburiylar davlatining asoschisi. Ota tomondan – Amir Temurning, ona tomondan esa Chingizxonga borib taqaladi. Bobur jahon tarixiga XVI-XVIII asrlarda Hindiston va Afg'oniston hududidagi eng yirik davlat- Boburiylar imperiyasining asoschisi sifatida tarixga kirgan. Bobur "sher" degan ma'noni anglatadi. O'n ikki yoshida otasidan Farg'ona bekligini meros qilib oladi. Shayboniyxon bilan Movaraunnahr uchu kurashda yengilib,1504-yilda o'z Kobulni egallab, u yerda O'rta Osiyoning tub aholisi, afg'onlar va pushtunlardan to'plangan kuchli qo'shin tuzib, bobokoloni Amir Temurning sobiq poytaxti Samarqandni

egallashga urinib ko‘rdi.Ammo maglubiyatga uchrab, Movaraunnahrga bo’lgan da’vosidan voz kechib butun e’tiborini Hindistonni egallashga qaratdi. Hindistonni zabt etish orqaligina qudratli davlat boshlig‘i bo‘laman, degan qarorga kelgan Bobur 1518 va 1524-yillarda Panjobga hujumlar uyushtirdi. Bu paytda Panjob gubernatori Daulatxon bo’lib, Dehlida hukmronlik qilgan Sulton Ibrohim Lodiy bilan adovatda edi. Shuning uchun dastlab, Boburning harakatlarini qo‘llab-quvvatladi. U Boburning Amir Temur kabi Dehli sultonligini tor-mor etib, uyiga, taxtga esa mamlakatga qaytishiga ishonib yordam berdi. Ammo Bobur 1524-yilda Lahorni egallab, keyingi yili 12 minglik qo‘shin boshchiligida yangi yurish boshladi. Daulatxon unga qarshi chiqdi, ammo mag‘lubiyatga uchradi. Sulton Ibrohim Lodiyning 100 minglik qo‘shini bilan hal qiluvchi jangga kirishib, 1526-yil aprelda Panipat tekisligida (Panjobdan Dehliga boradigan yo‘lda) bo‘lib o‘tdi. Bobur qo‘shini artilleriya bo‘yicha g‘oyat ustunlikka ega bo‘lib, kamar bilan bog‘langan aravalardan o‘z to‘plari uchun boshpanalarni mahorat bilan yarata oldi. Bundan tashqari, u mo‘g‘ullardan dushman qanotlarini otliq qo‘shinlar bilan qoplash taktikasini o‘zlashtirdi. Bularning barchasi oxir-oqibat Boburning g‘alabasini oldindan belgilab berdi. Dehliga yo‘l endi unga ochiq edi. Biroq, Mevar hukmdori roja Sangram Singx bir necha Rajput knyazlarining otliq otryadlaridan minglab qo‘shin to‘plab, uning yo‘lida to’sdi. Rajputlarning Bobur bilan jangi 1527-yil martida Xonuada bo‘lib o‘tdi va Boburning artilleriyadagi ustunligi jangning natijasi uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘ldi. Bu ikki g‘alaba aslida Shimoliy Hindistonda Bobur hukmronligining o‘rnatilishini anglatardi. Keyinchalik uning davlati 1529-yil may oyida Bihor va Bengaliyada afg‘on hukmdorlarining mag‘lubiyati natijasida sharqda Gang daryosining quyi oqimigacha kengaydi. Bobur qo‘shinining afg‘on otryadlarining bir qismi o‘ljalar ortib uyga qaytdi. Hindistonda qolgan jangchilarga Bobur rasmiy yer mulk ajratdilar. Bu yangi yer egalari hindistonliklarni o‘z mamlakatining urf-odatlarini yaxshi biladigan ma’mur qilib oldilar. Bobur soliq-boshqaruv tizimi va markazlashgan boshqaruv tizimini shakllantirishni yakunlashga ulgurmadi. Bu vazifalarni uning vorislari hal qildilar.

Bobur buyuk sarkarda va siyosatchi edi. Fath qilingan mamlakatda o‘ziga xos madaniyatga ega bo‘lgan o‘z mavqeining beqarorligini his qilib, mahalliy urf-odatlar va o‘ziga xoslik bilan yaqindan tanishishga harakat qildi. Manbalarda uning bilimi, kuzatuvchanligi, san’atni qadrlash qobiliyati qayd etilgan. U Markaziy Osiyo, Afg‘oniston va Hindiston xalqlarining tarixi, madaniyati, bu mamlakatlarning o‘simlik va hayvonot dunyosi bilan qiziqdi. Bobur chig’atoy va tojik tillarida ijod qilgan ajoyib shoir, “Boburnoma” asari muallifi sifatida tanilgan.

Hind olimlaridan Tripati Ram Prosad Boburning Panipat boshchiligidagi bu g‘alabasiga baho berar ekan, “Zahiriddin Muhammad Boburning Panipat boshchiligidagi g‘alabasi Hindistonda o‘zining ulug‘vorligi bilan Buyuk Mo‘g‘ullar (ya’ni Boburiylar) imperiyasiga asos soldi, deb yozadi. Kuch va madaniyat musulmon dunyosidagi eng buyuk imperiya bo‘lib qoldi va hatto Rim imperiyasi bilan ham raqobatlasha oladigan yirik markazlashgan davlatga asos solgan hukmdor sifatida tarixga kirdi. Sarkarda Hindiston shahar va qishloqlari aholisining xayrixohligi va mehrini qozonish maqsadida savdodan olinadigan tamg‘a solig‘ini bekor qilish to‘g‘risidagi farmon e’lon qildi.

Boburning hind rojalari bilan hal qiluvchi janglaridan biri Sikrida Rano Sangram Singx bilan 1527-yil 13-mart kuni bo‘lib o‘tdi. Bu jang tafsilotlari “Boburnoma”da

o‘zining eng batafsil tavsifini topdi. Rano Sangram va uning ittifoqchilari: Hasan Xon Mevati – Dungarpur hukmdori Raval Udi Sang Bagari, Chandari hukmdori – Bxupat Raoning o‘g‘li Rey Chandraban Chauxan va boshqalar Boburning harbiy taktikasiga qarshilik ko‘rsata olmadilar. U tomonidan muvaffaqiyatli bajarilgan to‘lg‘ama harakati, ya’ni dushmanning orqa va qanotlaridan kelgan to‘satdan zarba va artilleriya zarbasi jang taqdirini hal qildi. Bobur bu jangni tasvirlar ekan, raqibining zaif va kuchli tomonlarini xolisona tahlil qiladi, shu bilan birga o‘z dushmani Rano Sangram Singxning mardligi va jasoratiga hurmat bajo keltirishni ham unutmadi.

Go‘g‘ra jangi Boburni Shimoliy Hindistonning to‘liq xo‘jayiniga aylantirgan uchinchi va oxirgi g‘alaba edi. Uning Gujarat, Malva, Mevar, Bengal, Dekan va Bijanagara mustaqil knyazliklari haqidagi ma'lumotlari juda qimmatlidir. Bobur o‘tmishda Kashmir va Sindni tilga oladi. Bobur Hindistonda bo‘lganida mamlakatning tub aholisi bilan muloqot qilish uchun yaxshi imkoniyatga ega bo‘ldi. Uning vakolatlari va vakolatlari Shimoliy Hindistonning aholi zich joylashgan qishloq xo‘jaligi vohalarining ko‘p qismini qamrab olgan Kobuldan Bihargacha kengaytirildi. Boburning Hindiston geografiyasiga oid ma’lumotlarini tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, Bobur uchta havzani: Hind daryosi havzasi, Gang daryosi va Gang daryosining irmog‘ini eng aniq ajratib turadi. "Hindiston shimolida joylashgan o‘sha tog‘larni hindular Salavak-Parbat deb ataydilar. Bobur Hindistonda juda qisqa muddat (1526-1530) hukmronlik qilganiga qaramay, feodal jihatdan tarqoq mamlakatni ma’lum darajada birlashtirib, yer-suv munosabatlarini, soliq tizimini tartibga solish kabi muhim chora-tadbirlarni hayotga tatbiq etishga muvaffaq bo‘ldi. Uning buyrug‘i bilan masjidlar obodonlashtirildi, turli maqsadlarda binolar qurildi, hammomlar qurildi, quduqlar qazildi va hokazo. Hindistonning yirik shaharlari-Dehli, Agra, Lahor, Devalpurda Bobur manzarali o‘simliklardan iborat bog‘ va istirohat bog‘lari barpo etdi. Xarakterli jihati shundaki, Bobur bog‘larni rejalashtirishda O‘rta Osiyo chorbog‘ tizimidan foydalangan. «Boburnoma» dan ma'lum bo‘ladiki, Panipatda Bobur Ibrohim Lodiy ustidan qozonilgan g‘alaba sharafiga Kobulda “Baxt” degan katta bog‘ barpo ettirdi. Bobur Hindistonda barpo etilgan bog‘larda dastlab O‘rta Osiyo poliz ekinlari va uzumlarini yetishtirish tajribasini qo‘llagan (Hindistonda hali ham “Anguri Samarqandi” deb nomlangan uzum navi, ya’ni Samarqand uzum yetishtiriladi).

Bobur o‘z faoliyatida Hindistonning o‘ziga bo‘ysunuvchi yirik shaharlarini obodonlashtirish maqsadini doimiy ravishda amalga oshirib bordi. Davlat va xususiy binolarning joylashuvi va arxitekturasi, ularning tashqi dizayni va interyeri O‘rta Osiyo uslubi bilan juda ko‘p bo‘lgan, bir vaqtning o‘zida hind shakli va uslubi bilan organik ravishda uyg'unlashgan, bu ikki madaniyat - Hindiston va Markaziy Osiyo madaniyatning aloqasiga olib keldi. Bu jarayon Bobur vorislari davrida yanada rivojlandi, bu ayniqsa Shimoliy Hindistonda uning avlodlari tomonidan barpo etilgan yirik binolar uslubida yaqqol ko‘zga tashlanadi.

Mutaxassislarning fikricha, Bobur o‘z davridagi turkiyzabon shoirlar orasida Alisher Navoiydan keyin ikkinchi o‘rinda turadi. Bu ayniqsa, “Boburnoma” kitobida yaqqol ko‘zga tashlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бабур-тигр. Великий завоеватель Востока. Г. Лэмб. М., Центрполиграф, 2002
2. Бабурнаме / Пер. М. Салье - Т., 1958
3. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. Азимджанова С.А. - М: Наука, 1997
4. Узбекская классическая лирика XV-XX веков. Пер.С. Иванов, С. Северцев, Л. Пеньковский. М.: Наука, 1958
5. Бабур. Х. Якубов. - Т.: 1941

“BOBURNOMA” VA “TARIXI FARG’ONA” ASARLARI TAVSIFIDAGI AN’ANAVIYLIK (ETIMOLOGIK MA’LUMOTLAR MISOLIDA)

Ma’muraxon Abdumannob qizi Madaminova
ADU tayanch doktoranti, Andijon davlat Pedagogika instituti o’qituvchisi,
Tel.: +99899 690-39-64, mamuramadaminova096@gmail.com.

Аннотация: Захириддин Мұхаммед Бабырдың естелігі «Бобурнома» түрік тіліндегі шығармалардың бірегей үлгісі ғана емес, халық тілінде кемел жүйемен жазылған көлемді шығарма. Еңбекте тарих, әдебиет, лингвистика, жаратылыстану, география, этнография және басқа да ондаған салаларға қатысты құнды мәліметтер қамтылған, мынадай дәстүрді байқауға болады. Мақалада екі жұмыстың сипаттау әдістері салыстырмалы түрде талданды.

Тірек сөздер: сипаттама, дәстүр, сабақтастық, этимология, Әндіжан, Ферғана, Маргилон этимологиясы, тарихи шындық пен көркемдік, баяндау, «Бобурнома», «Ферғана тарихы»

Аннотация: Захириддин Мұхаммед Бабырдың естелігі «Бобурнома» түрік тіліндегі шығармалардың қайталанбас үлгісі ғана емес, халық тілінде кемел жүйемен жазылған көлемді шығарма. Еңбекте тарих, әдебиет, тіл білімі, жаратылыстану, география, этнография және басқа да ондаған салаларға қатысты құнды деректер берілген және бұл дәстүрді біз ұлы тұлға Ысқақ хан Тора Ибраттың «Тарихи Фарғона» еңбегінен байқаймыз. 20 ғасыр әдебиеті. Мақалада екі жұмыстың сипаттау әдістері салыстырмалы түрде талданды.

Негізгі сөздер: Әндіжан, Ферғана, Марғиланның сипаттамасы, дәстүрі, сабақтастығы, этимологиясы, этимологиясы, тарихи шындық пен көркем әдебиет, баяндау, «Бобурнома», «Ферғана тарихы»

Annotation: "Boburnoma", a memoir of Zahiriddin Muhammad Babur, is not only a unique example of works in the Turkish language, but also a large-scale work written in the vernacular with a perfect system. Valuable information related to history, literature, linguistics, natural science, geography, ethnography and dozens of other fields are given in the work, and we can observe this tradition in the work "Tarihi Fargona" by Ishaq Khan Tora Ibrat, a great representative of the literature of the 20th century. The descriptive methods of both works were analyzed in a comparative way in the article.

Key words: description, tradition, succession, etymology, etymology of Andijan, Ferghana, Margilan, historical truth and fiction, narration, "Boburnoma", "History of Ferghana".

"Boburnoma" muallifning o`zi bevosita ishtirok etgan yoki shohidi bo`lgan voqealari bayon qilinuvchi katta epik ko`lamdagi asar bo`lsa, "Tarixi Farg`ona" asarida esa yozuvchi voqealar ishtiriokchisi bo`lib emas, balki kuzatuvchi roviy sifatida asarda ishtirok etadi.[110] "Boburnoma"da muallif shaxsiy munosabatlarining realistik usulda ifodalanishi, har bir ma`lumotga berilgan tavsifiy nuqtai nazarning o`ziga xosligi tarixiy hamda badiiy jihatdan juda qimmatlidir. Tasvir va tadqiqdagi bu usulni Ibrat domla yaxshi ma`noda o`zlashtira olgan. Ya`ni asarda Ibrat voqea-hodisalarning tafsilotini va undan bevosita olgan taassurotlari real va aniq holda bayon qiladi. Asarda o`sha davrga tegishli bo`lgan tarixiy ma`lumotlarni bayon qilib berishdan tashqari, muallifning his-hayajoni va uning ichki kechinmalarini ham o`quvchiga to`la yetkazib beradi.

"Tarixi Farg`ona"da Ibrat domla Bobur hazratlari kabi ham tarixchi, ham geograf, ham etnograf, ham yozuvchi, hassos shoir sifatida o`zi shohidi bo`lgan voqealarni mahorat bilan, san`atkorona tasvirlaydi. Asardagi muallifning badiiy tasvirga xos talqinlari, voqea-hodisalarning butun voqeiyligi bilan kitobxon ko`z oldida gavdalantira olishi, so`z ustida san`atkorona ishlashi, muallif uslubining fikran saxiyligi, ixcham bayoni, o`zigagina xosligi va eng muhimi, ta`sirchan ifodalanishi asarning chinakam mukammalligini ta`minlagan. Bu borada, albatta, salaflar tajribasiga tayangani tabiiy.

Yuqorida aytilganidek, har ikkala yodgorlik o`zida turli sohalarga doir ma`lumotlarni qamrab olgan. Ularda bir qancha toponimlarning izohli etimologiyasi ham keltirilgan. Xususan, Bobur o`z asarlarida juda ko`p joy nomlarining etimologiyasini, ya`ni so`zning lug`aviy ma`nosini bergan. Masalan, Qarshi shahri etimologiyasi ilmiy asosda yoritib berilgan. Bu shahar nomi turkiy dostonlar, tarixiy asarlarda "zid", "ro`para", "saroy", "qasr" singari ma`nolarda uchraydi. Bobur esa "Qarshi" so`zi mo`g`ulcha ekanini, bu so`z "go`rxona", "qabriston" ma`nolarini ifodalashini izohlab, mo`g`ul istilosiga bog`liq ekanini aytadi: *"Yana Qarshi viloyatidirki, Nasaf va Naxshab ham derlar. Qarshi mo`g`ulcha otdur. Go`rxonani mo`g`ul tili bilan "Qarshi" derlar. Aftidan, bu ot Chingiz istilosidan so`ng bo`lgandir…"* Yoki Keshning ikkinchi nomi – Shahrisabzning nima sababdan bunday atalishiga: *"…Bahorlar sahrosi va shahri va bomi va tomi xo`b sabz bo`lur uchun Shahrisabz ham derlar…"* – deya izoh beradi. Ya`ni bahor faslida sahrosi ham, shaharlari ham, to`g`lari-yu tomlari ham tamoman yashillikka burkangani uchun Kesh shahri Shahrisabz – yashil shahar deya nomlangan. Joy etimologiyasiga oid yana bir misol: *Bhiradan yeti kuruh shimol tarafda bir tog` bor. Bu tog`ni "Zafarnoma"da va boshqa ba`zi kitoblarda "Ko`hi Jud" deb yozganlar. Uning bunday nomlanishi menga ma`lum emas. Keyinroq ma`lum bo`ldiki, bu tog`da bir ota naslidan ikki xalq tarqagan ekan. Birini – jud deb, ikkinchisini – junjuha deb atar ekanlar…"* – demakkim, tog`ning bunday atalishiga sabab o`sha joyda istiqomat qilgan aholining etnik nomi ekan. "Boburnoma"da bu kabi etimologik jihatlarni juda ko`p kuzatishimiz mumkin. Ularning barchasi haqiqatga asoslangan bo`lib, hudud tarixini bilmoqchi bo`lganlarga juda ham qimmatli manba vazifasini o`taydi.

Ibratning "Tarixi Farg`ona" asarini o`qish jarayonida ham shu kabi bir-biridan qiziqarli etimologik ma`lumotlarga ega bo`lish mumkin. Ibrat ham qaysi bir hududni

---

[110] Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. - Тошкент: Akademnashr, 2013. B.169.

ta`riflamasin, avvalo, o`sha joy nomining kelib chiqish tarixi - etimologiyasiga e`tibor qaratgan va uni aniq faktlar bilan qiziqarli tarzda bayon qilgan. So`zimiz isboti sifatida asarda keltirilgan "Qo`qon" – Ho`qand so`zi etimologiyasi bilan tanishaylik:

*"...Ho`qand o`rni (avvallari) to`qay va qamishzor yerlar bo`lub, ul vaqtda Chodak xojalari-tojiklar so`rar ekanlar. Ul vaqtda bul to`qaylarda har xil ho`klar, to`ng`uzlar yurar ekan. Alar yerlarni kovlab, har xil ovqat topib yer ekanlar, bu jihatdan tojik xojalar kelganda necha yerlar kovlangan ekan. Alar bu chuqurlar nima, kim kovlagan deganda, tojik javob berib: "Ho`q qand" deganda, ya`ni to`ng`iz kovlagan deganda ul yerlarni(ng) ismi "Ho`q qand" bo`lub, "ho`q" aytmoqqa qiyin bo`lub, bizni(ng) turkiyda "qof" harfi qaviy uchun Ho`qand bo`lgan, forsiy "qof"ni turkiy "qof"ga badal qilganlar. Turkiylar lafzidur. Mana, endi yana bir badal bo`ldi, ruscha aytmoqda "qof" yo`q(shu sabab) Qo`qand bo`ldi..."* - Hozirgi Qo`qon shahri o`rni avvallari to`qayzor va qamishzor bo`lgan. To`qay ichida esa turli ho`kizlar, to`ng`izlar yurar, ular yerni kovlab o`zlariga ovqat topib yer ekan. Chodak hokimlari bo`lgan tojiklar to`qayzorga kelib kovlangan yerlarni ko`radilar va ajablanib shu yerdagilardan bu holatga izoh so`raydilar. Ular esa javoban tojikchalab "ho`q qand" – ya`ni "ho`kiz kovlagan" deb javob beradi. Shu sabab bo`lib hududga Ho`qqand nomi berildi. Talaffuzda ikkita yonma-yon "q" tovushini aytish forsiylarga xos edi, turkiychada bu odat tusiga kirmagan va aytishda noqulaylik bo`lgani uchun keyinroq "Ho`qand" bo`ldi. Ruslar tasarrufiga o`tgandan so`ng esa rus tili alifbosida bo`g`iz undoshi hisoblangan "h" tovushi yo`qligi bois uni "q"ga alishtirib aytish boshlangan va shu-shu hudud nomi "Qo`qon" nomi bilan yuritiladi.

Ko`rib o`tilganidek, Is`hoqxon to`ra Ibrat ham xuddi Boburning "Boburnoma"sida keltirilgani kabi toponimlar etimologiyasini asosli va juda qiziqarli yo`sinda bayon etgan. Buni "Tarixi Farg`ona"da tilga olingan Namangan, Farg`ona, Andijon, Marg`ilon kabi shaharlar izohida ham ko`rish mumkin:

"...Farg`ona iborati har xonadur. Hazrat Iskandar zamonlarida Aqsoyi sharifga borgonlarida Farg`ona yerlarida bir-ikki adad forsisondin muhojir bo`lib kelib, o`lturg`on bechora dehqonni bodiyanishinlar bor ekan. Podshohga arzi ahvol qilmoq bo`lub, peshkash uchun non-tuz o`rnig`a bisotlaridagi tovuqlarini pishurub non ilan hazrat Iskandarg`a tutgon ekonlar. Anda hazrat Iskandar savol qiluvdurlarki: "Bu nimadur?" deb. Anda arz qilg`uvchi forsiylar javob berubdurlarki: "Murg`-u non". Ya`ni tovuq ilan non deganlarinda podshoh Iskandar: "Arzlaringiz nimadur?" deganda, "Arzimiz: bul turg`on joyimizni shahar qilib bersongiz ekon" degonlarida umarolari ichindan bir bofarosat sohibi aql kishini tayin qilib, shahar qilmoqqa amr qilgon ekonlar. Ul kishining oti Farg`ona bahodir ekon. Ul kishi necha yillar harakat qilib, har shahardin, har xonadin odam olib o`tquzib, otini "Har xona" qo`yub, Har xonani Parg`ona deb o`qub va ham ul muassis kishini ismi(ni) qo`ymoq bo`lub, Farg`ona shuhrat topgan. Ammoki, alholda Marg`inon derlar. O`shal tovuq ilan non turgan yerdur Marg`inon shahri ismi bo`lub, Farg`ona umumiy iqlimga ismdur..." Yuqoridagi parchada Farg`ona hamda Marg`ilon shaharlarining etimologiyasi xususida gap boradi. Ikkala hududga bunday nomlar berilishining sababi sifatida Iskandar Makedonskiyning yurtimizga qilgan safari va forsiyzabon dehqonlar bilan suhbati ko`rsatilgan. Aytilishicha, Iskandar Aqsoyi sharifga keldi, tarixdan ma`lumki, Iskandar Makedonskiy o`zi egallagan yurtlardagi ahvolni bilish uchun o`sha hududga shaxsan o`zi borib aholinig dard-u holati, arzlari bilan tanishgan. Bundan tashqari,

podshohlar biror hududga safar qilsalar o`sha joy aholisi turli noz-ne`matlar bilan hukmdorni mehmon qilgan. Ammo bu safargi sayohat qilingan joy aholisi o`zlari juda bechorahol kun kechirardilar. Iskandar oldiga peshkashda nima olib kirishni bilmay, o`zlarida bor bo`lgan tovuqni pishirib non bilan shoh huzuriga keltiradi. Hukmdor uning nima ekanligini so`raganida, ular “murg`-u non” ya`ni “tovuq va non” deb javob beradilar. Shundan so`ng Iskandar uladan qanday arzi borligini so`raydi. Ular esa ushbu turgan hududlarini o`zlariga yurt qilib berishlarini so`raydilar. Podshoh bu iltimosni qabul qiladi va o`sha yurtdan eng bilimdon, aql-mulohazali va yurt boshqaruvini uddalaydigan kishini axtarib topadi. Uning ismi Farg`ona bahodir edi. Farg`ona bahodir berilgan hududni uyushgan viloyat qilish uchun boshqa joylardagi har bitta oiladan bir donadan odam olib, yangi viloyatga ularning har birini har xona-har xona qilib joylashtirib chiqadi. Ular ko`chib kelgan joyda hammaning turar joyi alohida xonadan iborat bo`lgani bois aholi orasida bu hudud “har xona” nomi bilan tarqaydi. Keyinchalik talaffuzda “har xona” “parxona”ga o`xshash talaffuz qilina boshlaydi. Bugungi kunga qadar ham yurt tashkilotchisi sharafiga umumiy hudud nomi “Farg`ona” deb, Iskandar va dehqonlar suhbati bo`lib o`tgan joy esa “Marg`ilon” deb atalib keladi. Bitiruv malakaviy ishimizning asosiy vazifasi har ikkala asarni qiyosiy tahlil qilish ekanligini hisobga olsak, yuqorida tilga olingan hududlarning “Boburnoma”da keltirilgan izohlarini ham ko`rib chiqishimiz joiz hisoblanadi. Shundagina ulardagi o`zaro hamohanglikni yaqqol ko`z oldimizga keltira olamiz. Demak, quyida Marg`ilon shahriga berilgan ta`rifni “Boburnoma” misolida ko`rib chiqamiz. Farg`ona viloyatining markaziy shaharlaridan biri bo`lgan Marg`ilon shahri haqida ushbu asarda quyidagicha ma`lumotlar berilgan:

Yana bir Marg`inondur, Andijonning g`arbidadur, Andijondin yetti yig`och yo`ldur – Yana biri Marg`ilon shahri bo`lib, Andijonning g`arbida, yetti yig`och, ya`ni 8.400 metr uzoqlikda joylashgan. *Yaxshi qasaba voqe` bo`lubtur, purne`mat; anori va urug`i asru ko`p, xo`b bo`lur*[111]. – Ajoyib shahardir, ne`matlari bisyor: anori behad ko`p va xo`b bo`lar. *Bir jins anor bo`lur, «dona kalon» derlar, chuchukligida zardolu mayxushligidin andak choshni bor. Samnon anorlariga tarjeh qilsa bo`lur.* – Bir turli anori borki, uni “donai kalon” deyishadi, chuchukligini zardolu mayiga qiyoslasa bo`lar. *Yana bir jins o`ruk bo`lurkim, donasini olib, ichiga mag`z solib quruturlar, «subhoniy» derlar, bisyor lazizdur.* – Yana bir mevasi esa o`rikdirkim, danagini olib ichiga mag`z solarlar va quritib “subhoniy” deb nom berarlar. Bobur bu misralarda O`zbekistonning eng mashhur mevalaridan bo`lgan anor va o`rik navlari haqida ma`lumot bergan. Bu mevalar nafaqat o`z hududimizda, balki o`sha davrda o`zga yurtlarda ham benihoya sevimli bo`lganiga ishora berib, misralar yakunida ushbu mevalarga nisbatan “behad laziz bo`lur” degan ta`rifni berib ketgan. Ovi *qushi yaxshidur, oq kiyik yovuqta bo`lur* – Boburning o`zi ham shoh va sarkarda bo`lgani bois ov san`atidan voqif bo`lgan, shuning uchun ham har bir hududda ov qushlari yoki ov jarayonlarini-da yoritishga harakat qilgan. Yuqorida ma`lumotlarda ta`riflanayotgan Marg`ilon shahrini ham ov qushlari yaxshiligi, ovlanuvchi oq kiyiklar esa hududdan ancha yiroqdaligi bayon qilingan. *Eli sorttur va mushtzan va pursharu shur eldur.* – Aholisi sort – turklardan iborat bo`lib ko`p qismi jangovardidr. *Jangaralik rasmi Movarounnahrda shoye`dur, Samarqand va Buxoroda nomdor jangaralar aksar*

[111] Bobur Z.M. “Boburnoma”. –Toshkent: Yulduzcha, 1989. B. 68.

Marg`inoniydur. Sohibi «Hidoya» Marg`inonning Rushdon otliq kentidindur.- Jangarilik azaldan Movorounnahr aholisiga xos. Samarqand va Buxorolik nomdor jangari askarlarning ko`p qismi Marg`ilondandir. Tarixda "Sohibi Hidoya" nomi bilan mashhur bo`lgan shaxs ham asli Marg`ilonning Rishton nomli shahridandir.

Ko`rinib turibdiki, Marg`ilon yoki boshqa shahar, qishloq, tuman, viloyat, mamlakat bo`lsin, har ikkala asarda keltirilgan bunday ma`lumotlar bir-biriga hamohang tarzda yozilgan. Bundan tashqari, yuqoridagilardan xulosa qilish mumkinki, Bobur qalamga olgan joy, shaxslar yoki geografik obyektga, avvalo, aynan o`sha soha vakili sifatida qaraydi va to`laqonli qomusiy tarzda asarni yoritishga harakat qiladi. Ibrat ham Boburning izdoshi yanglig` o`zi tilga olgan joy haqida ma`lumot berishdan avval ushbu hudud tarixi va etnografiyasiga yetarlicha to`xtalib o`tadi.

Qalbida Vataniga muhabbat tuyg`usi shakllangan, o`z mamlakati hududlarini sevuvchi har qanday shaxs uchun bu kabi ma`lumotlar olmosga teng qadr-qimmatga ega bo`lsa kerak. Yuragida ana shunday Vatanga bo`lgan mehr-muhabbat, uning tarixini yoritishga ishtiyoq limmo-lim to`la bo`lgan Bobur-u Ibratlar yurtiga bo`lgan sevgisini uning tarixini yoritishdan boshlagan desak mubolag`a bo`lmaydi. Namangan farzandi hisoblangan Is`hoqxon to`ra o`z ona shahri nomining etimologiyasi haqida ham takrorlanmas ma`lumotlar yozib qoldirgan. Namangan shahri yosh, ya`ni yangi shaharlardan bo`lgani sababli, yoki o`sha davrda diniy kitoblarga ko`proq e`tibor qaratilib, tarixiy asarlarga ahamiyat berilmagani sababli mi, "Namangan" so`zi tarixi yaxshi yoritilmaganligini aytgan va og`izdan-og`izga o`tib kelingan ma`lumotlarga qarab quyidagicha fikrlar bildiradi:

*"... bu Namangon asli namangon emasdur. Forsiy lafzi birla namakon – namak kondur. Muning ma`nisi shul ekanki, bizni Chig`atoy tilida asli "-gon" yo`qdur, bu shevayi forsiydir..."* - ya`nikim, Namangan so`zi aslida "namak kon" - tuz konidir. Bu so`z tamoman forschadir. Chunki bizning chig`atoy - turk tilida "-gon" qo`shimchasi mavjud emasdir. Shu sababdan ham yurt nomi forsiy kalimadir deyilsa, xato bo`lmaydi.

Har qancha misollar keltirilganda ham bilish mumkinki, "Boburnoma"da keltirilgan joy nomlari etimologiyasi bilan "Tarixi Farg`ona"dagisi bir-birini to`ldirib turadi. Birida keltirilmagani boshqasida keng ko`lamda yoritiladi. Z.M.Bobur hayoti davomida juda ko`p mashaqqatli safarlarni boshdan kechirgani uchun ham ma`lum bir hudud ta`rifini berganda aniq faktlarga, tarixiy voqealarga tayangan holda etimologik ma`lumot beradi. Ibrat esa har bir etimologik ma`lumotni badiiyat bilan hamohang tarzda beradi. Bu ma`lumotlarga ega bo`lgan inson esa ikki tomondan yutadi. Birinchidan, o`sha hudud etimologiyasi haqida qimmatli ma`lumotga ega bo`ladi. Ikkinchidan, ulardan ekspressiv - hissiy zavq oladi.

Bu kabi bir-biridan qiziqarli ma`lumotlarni "Boburnoma"dan ham "Tarixi Farg`ona"dan ham istagancha topish mumkin. Aynan shuning o`zi ham bu asarlarning nechog`li bir-biriga yaqin, hamohang ekanligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

Badiiy manbalar:
1.Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma / Nashrga tayyorlovchi S.Hasanov. – Toshkent: Sharq NMAK, 2002. – 336 b.
2.Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015.

3.Ibrat. Ajziy. So`fizoda. Tanlangan asarlar / Nashrga tayyorlovchilar B.Qosimov va b. – Toshkent: Ma`naviyat, 1999. –230 b.
4.Is`hoqxon to`ra Ibrat. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma`naviyat, 2005.
Ilmiy adabiyotlar
1.Abdullaeva M. «Boburnoma» va «Shajarai turk»ning qiyosiy poetikasi.– Toshkent, 2008.
2.Adabiyot nazariyasi. Ikki tomlik. 1-2 jild. – Toshkent: Fan, 1978. – 416 b.
3.Adabiyot ensiklopediyasi / Tuzuvchi: H.Boltaboyev. – Toshkent: Mumtoz so`z, 2015. – 664 b.
4.Bobur ensiklopediyasi. – Toshkent: “SHARQ” NMAK, 2014. –743 b.
5.Dolimov U. Milliy uyg`onish pedagogikasi. – Toshkent: Noshir, 2012. – 384 b.
6.Jalilov B. Boburnoma jilolari. – Toshkent: Farzay poligraf, 2014. – 64 b.
7.Жалилов Б. Бобур ҳақида ўйлар. – Тошкент: Шарқ, 2006.
8.Karimov B. Bobur va Qodiriy // Tafakkur. – 2017. – №2. – B. 78–86.
9.Mirvaliev S. Tarixiylik va zamonaviylik. – Toshkent: Adabiyot va san`at, 1979. – 196 b.
10.Mumtoz adabiyot masalalari. 1-kitob. Maqolalar to`plami. – Toshkent, 2006. –136 b.
11.Muhiddinov M. Adabiy an`ana va ijodiy o`ziga xoslik.–Toshkent:O`qituvchi, 1990. – 85 b.
12.Quronov D., va b. - Adabiyotshunoslik lug`ati, – Toshkent: Akademnashr, 2010.
13.Qodirov R. “Boburnoma” da Farg`ona vodiysining goegrafik tavsifi // Ilmiy xabarnoma. ADU, 2012,1-son, 19-22-betlar.
14.Qosimov B. va b. Milliy uyg`onish davri o`zbek adabiyoti. –Toshkent: Ma`naviyat, 2004. – 464 b.
15.Sirojiddinov Sh. O`zbek mumtoz adabiyotining falsafiy sarchashmalari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2011. – 200 b.

З.М.БОБУРНИНГ “БОБУРНОМА” АСАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Ражаматов Давлат Абдувалиевич,
академик Бобожон Ғафуров номидаги
ДТМ Хўжанд ДУ ўқитувчиси
Тел: (+992) 92111 21 53, эл.почта: b.fayz.1961@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон табиати ҳақида бебаҳо маълумотлар берувчи, халқнинг экологик маданиятининг юксалишига хизмат қилувчи маълумотлар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: йилнинг фасллари, ёққан ёмғир миқдори, одамлар-нинг турмуш тарзи.

Аннотация: В статье представлена информацию, которая дает бесценную информацию о природе Средней Азии, Хорасана, Афганистана, Индии служит подъему экологической культуры народа

Ключевые слова и выражения: Времена года, количество выпавших осадков, образ жизни людей.

Annotation: The article provides invaluable information about the nature of Central Asia, Khorasan, Afghanistan, India, serves the rise of the ecological culture of the people.

Key words and phrases: Seasons of the year, the amount of rain you like, the lifestyle of people.

Инсониятнинг шаклланиши ва ривожланишининг бутун тарихи табиий муҳит билан ўзаро чамбарчас боғликда ўтган. Бу маълумотларни тушуниш инсон онгининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Қадимги одамнинг атроф-

мухит ҳақидаги фаҳмлаши илмий характерда бўлмаган ва доимо англаб етилмаган, аммо вақт ўтиши билан айнан улар экологик билимлар тўпланишида манба бўлиб хизмат қилади. Бизга кўплаб эски ёзма манбаларда ҳайвон ва ўсимликларнинг турли номлари тилга олиниб қолмасдан, уларнинг ҳаёт фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотлар хабар қилинади. Шу билан бирга бу китобларда катта эътибор атроф муҳит тозалигига қаратилади.

Марказий Осиё планетамизнинг энг қадимги сиёсий, иқтисодий ва мад-ний марказларидан бири бўлган. Кайси бир фотих тахтга чикмасин бир бор марказий осиёга назар солган ёки Марказий Осиёда яшаб ижод этган олимлар дунё тарихи, илму-фанига, маданиятига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг бир қатор асарлари дунё ёдгорликлари сифатида сўнмас из қолдирган. XV асрнинг шундай ёдгорликларидан бири З.М.Бобурнинг «Бобурнома» китоби ҳисобланади. Ўзининг кучли қобилияти билан Бобур тарихга нафақат саркарда, балки ҳукмдор ва шоир, шу билан бирга бой илмий меросини қолдирган олим сифатида кириб келди. «Бобурнома» ўзининг ҳажми ва қиймати, материалларнинг бой ва ранг-баранглиги бўйича Бобур илмий меросида биринчи ўринни эгаллайди. Чунки бу теварак оламни чиройли кузатишлар асосида тузилган.

«Бобурнома» да Ўрта Осиё фауна ва флораси, табиати, иқлимини тасвирлашнинг ажойиб хусусиятлари берилган. Бобур кузатувлари шунчалик аниқ ва образлики, улар ўзининг мазмуни ва маъноси жиҳатидан XIV- XX асрдаги машҳур Европа саёҳатчилари маълумотларидан ажралиб туради, шу билан биргаликда кўп ҳолатларда тўлиқ ва ишончли баёнлари билан чет эллик сайёҳларнинг материалидан устунлик қилади. “Бобурнома”нинг катта бир қисми табиатшунослик фанлари, хусусан география, биология, экология, систематика соҳаларига бағишланган бўлиб, уларни ўрганиш, илмий изланишларда фойдаланиш ва баркамол авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бобур замонасида биология, экология ҳали фан сифатида шаклланмаган бўлсада, у ўзининг асарида табиат ва ундаги мувозанат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтган.

У шундай деб ёзади: «Яна бир Исфарадир, кўхпояда воқиъ булибдур. Оқар сувлари,сафолиқ боғчалари бор. Марғиноннинг ғарби жанубидадур Марғинон билан Исфара ораси туққиз йиғоч йўлдур Мусму дарахтиси бисиёрдир, вале боғчаларида аксар бодом дарахтидур. Исфара вилояти турт бўлик куҳпоядир:бир Исфара,яна бир Ворух,яна бир Сух, яна бир Хушиёр».

Яна бир Хужанддур, Андижондин ғарб сориға йигима беш йиғоч йўлдир Хужанддин Самарқанд ҳам йигима беш йиғоч йўлдир,қадим шаҳарлардандур. Шайх Муслиҳиддин ва Хожа Камол Хужандтиндурлар. Меваси фаровон ва бисиёр яхши бўлур. Анори яхшилиққа машҳурдир. Нечукким «Себи Самарқанд» дерлар, ва «анори Хужанд» дерлар.Вале бу тарихда Марғинон анори куп ортиқдур.

Қўрғони баланд ерда воқеъ булубдур.Сайхун суйи шимол жонибидин оқар қўрғонидин дарё бир ўқ отим бўлғай, қўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубдир. Мунуғил отлиқ, дерларким, бу тоғда фируза кони ва баъзи конлар топилур.Бу тоғда йилон бисёрдир. Хўжанднинг овлоғи ва кушлоғи бисёр яхшидур. Оқ кийик, Буғумарал, Қирғовул ва товушқон кўп булур. Хавоси бисиёр

мутааффиндур, кузлар безгак кўп булур. Андоқ ривоят қилдиларким, чумчуқ безгак булубдир. Дерларким, ҳавосининг тааффуни шимолдаги тоғ жиҳатидандур».

Қобулдан ғарбда жойлашган тоғ массивини тасвирлар экан, жумладан жанубий тоғлар хусусида Бобур шундай ёзади: «Тоғ ва тепаликлардаги ўтлар шимолий тоғлардагидек эмас; шундай зич дарахт ва арчалар у ерда йўқ, аммо у ердаги ўтлар от ва қўйлар учун фойдали».

Бир қарашда дарахт ва ўсимликларнинг у ёки бу турини жанубий қуёшли, аксинча шимолий соя тушган тоғ томонларда ўсишга мослашиши инсонга қизиқ туюлади. Бироқ ушбу экологик ўринларда аниқ ҳаётий формаларнинг қатнашиши ёки қатнашмаслиги гуллашга боғлиқ бўлади ёки аксинча, бошқа экологик алоҳида бўлган шакллар билан ҳалокатга учраши мумкин ва ниҳоят ўз навбатида мавжуд бошқа турларга ҳам таъсир кўрсатади. Тоғ табиати ҳақидаги Бобур тавсифларини айнан шу нуқтаи назардан тушуниш керак бўлади.

Айтилган гаплар далилсиз бўлмаслиги учун худди шу жойларда академик Н.И.Вавилов мураккаб экспедиция ўтказиш пайтида ёзган кундаликларини «Беш қитъа» китобидан келтириб ўтамиз. У бу ўлка-ларда 4 аср кейин, яъни 1916-26 йилларда бўлган. «Нуристон 2950-3000 метр баландликда жойлашади. У ерда типик ўрмон зонаси, игна барглилар дунёси-қарағайлар, қора қарағай, улар орасида абадий яшил эман дарахтлари мавжуд. Ўт ўсимликлар қопламига бой. Ажойиб ҳар хил ўтли ўсимликлар макони....».

«...Замонавий табиий-тарихий қиёфадаги районлардан ҳисобланган Шиберған ҳамда Балхни ўз ичига олган Маймана кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликлар учун ажойиб яйлов ва ем-хашак маҳсулотлари билан катта имконят яратади». Юқоридаги авторлар томонидан кўрсатилган икки таърифни қиёслаш натижасида ушбу жой табиатини нечоғлиқ яхши баён этилганлигини тушунтириш қийин эмас.

З.М.Бобур ўз китобларида Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма шаҳарларида бўлган ва ўша жойларни иқлим шароитлари ва атроф муҳит тозалиги ҳақида тавсиф берган. У шундай ёзади: «Фарғонанинг шаҳарларидан бири Ўш. У ерда ҳаво тоза, оқар сувлар кўп. Ҳавонинг мусаффолигини у боғ ва узумзорларнинг сероблиги билан боғлайди. Андижон ҳавоси намгарчилик бўлганда, кузда кўпчилик безгак билан касалланади. Фарғонанинг қадимий шаҳарларидан бири Хўжакентдир. У ерда ҳаво жуда ҳам нам. Айтишларича, бу шаҳардан шимолда жойлашган тоғлар билан боғлиқ».

Маълумки, инсон фаолияти натижасида табиий муҳит компонентларининг пайдо бўлиши ёки қандайдир табиий ҳодисалар у ёки бу жойда ифлосланишни келтириб чиқаради. Муҳитнинг ифлосланиши табиий сабаблар натижасида пайдо бўлади. Қадимдан маълумки, у ёки бу концентрацияда ифлослантирувчи модда қатнаш-маган жойни топиб бўлмайди. Табиий муҳитни ифлослантириувчи модда жуда хилма-хил. Ўзининг табиатига кўра концен-трациялар, заҳарли таъсирлар турли нохуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бобурнинг «Бобурнома» китобида чамаси айнан шундай ҳавони ифлослантирувчилар ҳақида гап боради.

Бобур табиатга, уни билишга, хусусан она юртининг ўзига хос табиий хусусиятларини англашга мухаббати кучли бўлган. У ҳаётдан табиатдан

завқланган, табиат ва жамият ходисаларига илмий тафаккур билан яъни олимга хос эътибор билан ёндашган. Бобур “Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлмаган, чунки табиатнинг жазоси аниқдир” деб ёзади

Асарнинг Марказий Осиё, Ҳиндистоннинг қуруқликда яшовчи ҳайвонлари, қушлари, сув ҳайвонлари, ўсимликлари, мевалари, гуллари ҳақидаги боблари шу қадар мароқли ёзилганки, у бугунги кунда ҳам ўзининг илмий қийматини заррача бўлса ҳам йўқотгани йўқ.

У Ҳиндистон табиатини ўз мамлакати Мовороуннаҳр табиатига тақ-қослаб қуйидагиларни ёзади: “Ғариб мамлакати воқиъ бўлибдур, бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламдур. Тоғ ва дарёси жанғал ва саҳроси, .Ҳайвонот ва набобати, ёмғури ва ели – барча ўзгача воқе бўлибдур”. (Шу китоб, 250 б). Асарда шунча кўп ҳайвонот ва ўсимликлар номи, хоссалари, тарқалиши келтирилганки, буларни ҳаммаси унинг табиат билимларини ҳам чуқур эгаллаганлигидан дарак беради.

“Бобурнома”ни ўқиган ҳар бир киши уни табиатни яхши билган олим ёзган, деган хулосага келади. Бобур қайси вилоятда бўлган бўлса, у ернинг табиатини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллигини илмий асосда тасвирлаган. Бу эса Бобирнинг экологик дунёқараши чуқур эканлигидан дарак бериб, ўша даврга хос бўлган экологик қарашнингг илмий талқиндаги бой материали ҳисобланади. Шунинг учун «Бобурнома»да келтирилган экологияга оид илмий дунёқа-рашларни ҳар бир ўқувчи ўқиб чиқиши натижасида табиат инъом этган муъжизалар, наинки ҳайвонот ва ўсимлик олами, табиий русурслар, мусаффо ҳавони эъзозлаш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва келгуси авлодга етказишдек бурчни онгли идрок қилиш ҳисси туғилади.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, Бобур табиатга, табиат ҳодисаларига, атроф-муҳит тозалигига жуда катта аҳамият берган. Шу билан бирга у табиатшуносликнинг кўп йўналишлари бўйича илмий кузатишлар ҳам олиб борган. «Бобурнома» асарида ўсимликларнинг интродукцияси, Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги биологик хилма-хиллик, Ҳиндистондаги ўсимликлар ва ҳайвонларнинг таснифи, иқлимнинг ўсимлик ва ҳайвонлар морфологиясига таъсири тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилган. Аммо бу илмий маълумотлар Бобур ижодини ўрганувчи олимларимизнинг назаридан четда қолган. Шунинг учун Бобурнинг табиатшунослик соҳасидаги илмий қарашларини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда биология ва экология фанларининг ривожланиш тарихини бойитиш ва фан тарихидаги айрим камчиликларни тўлдириш зарур. Бундай тадқиқотлар аждодларимизнинг бой илмий меросларидан, ёш авлодни ватанпар-варлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Бу мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш бўлажак илмий ходимларнинг зиммасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960.- 513 б.
2. Бобур З.М. Бобурнома. – (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва
3. Каромат Муллахўжаевалар табдили) – Тошкент: «Ўқитувчи»,2008. 288 б.
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O’ZBEKISTON »,2014.-320 б.
5. Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2008.- 426 б.

6. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: « SHARQ », 2020. -240 б.

ФАРЗОНА МУН ИЖОДИДА БОБУРИЙЛАР

Мирзоҳид Қорабоев,
Наманган давлат университети, Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, mirzohid-76@mail.ru

Аннотация. Мақолада америкалик адиба Фарзона Мун ва унинг Ҳиндистонда уч асрдан зиёд ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи вакиллари ҳақидаги бадиий асарларга оид тахлилий фикрлар баён қилинган.

Аннотация. В статье рассматриваются анализы произведений американской писательницы Фарзоны Мун посвящённые представителям Великой династии бабуридов правявщие в Индии более трёх веков.

Ключевые слова: Бабур, Бабуриды, “Babur, The First Moghul In India” , “The Mogul Exile”.

Abstract. This article is about the works written by American writer Farzana Moon. F.Moon is the author of six sagas devoted to the representatives of the Great dynasty of Babur.

Key words: Babur, Baburidy, “Babur, The First Moghul In India” , “The Mogul Exile”.

Жаҳон тарихида кўплаб буюк сулолалар ҳукмронлик қилган бўлса, Бобурийлар сулоласи ана шундай шажаралар ичидаги энг буюкларидандир. Ушбу авлод вакиллари нафақат моҳирона давлат бошқаруви балки, авлодларга қолдирган бой адабий мероси билан ҳам ўзининг беқиёс ўрнига эга. Мана неча йилларки мазкур мерос ўтмиш ва бугунги кун олимлари, ёзувчилари ва таржимонлари томонидан чуқур ўрганиб келинмоқда.

Хусусан, шоир, ёзувчи ва драматург Фарзона Мун ҳам Бобур ва бобурий ҳукмдорлар ҳақида бир қатор асарлар яратган жаҳон адабиётининг етакчи вакилларидандир.

Фарзона Мун келиб чиқиши Покистондан бўлган америкалик ёзувчи бўлиб, унинг кўплаб асарлари АҚШ, Канада ва Ҳиндистонда чоп қилинган. У Ҳиндистон тарихига оид бир қатор асарлар муаллифи ҳисобланади. Фарзона Мун ўз асарларида Ҳиндистондаги оддий халқнинг ҳаёти, шарқона маданиятини акс эттирган. Шунингдек, адиба Ҳинд заминида уч асрдан зиёд ҳукмронлик қилган ҳамда ушбу юрт тараққиёти ва ривожланишига улкан хисса қўшган, яъни XVI-XVIII асрларда яшаб ўтган Буюк сулоланинг олти нафар подшоҳига бағишлаб бадиий асарлар яратган.

Фарзона Мун ўз асарининг сўз бошида: “Ушбу китобим ўз ичига Ҳиндистоннинг бой тарихи, маданияти ва урф-одатларини қамраб олган.[112]” деб ёзади.

Фарзона Муннинг асарлари қуйидагилардир:

1. Babur, The First Moghul In India (Бобур Ҳиндистондаги биринчи ҳукмдор)

---

[112] Moon Farzana. Babur the first moghul in India. Preface. Mehra Offset Press, Delhi. 1997

2. The Mogul Exile (Қочқиндаги ҳукмдор)

3. Divine Akbar and Holy India (Илоҳий Акбар ва муқаддас Ҳиндистон)

4. The Mogul Hedonist (Мўғул шоҳи-Жаҳонгир)

5. Glorious Taj and Beloved Immortal (Shah Jahan)(Шонли тож ва мангу муҳаббатҳ- (Шоҳ Жаҳон)

*6. The Mogul Saint of Insanity (Ошиқ авлиё ҳукмдор. **таржима муаллифники**)*

Фарзона Муннинг биринчи китоби “Babur, The First Moghul In India” (“Бобур Ҳиндистондаги биринчи ҳукмдор”) деб номланиб, у З.М.Бобурга бағишланган. Унда Бобурни ота тарафдан Темурнинг олтинчи авлоди ҳамда она томонидан Чингизхоннинг бешинчи авлоди эканлигини таъкидлайди. Ушбу асарда Бобурнинг Қобул ва Ҳиндистондаги хукмронлиги, машхур Коҳинур олмоси ҳақида гапиради. Шунингдек, асарда Бобур боғлар, сарой, масжид ва мадрасалар бунёд эттириш билан бирга Аградан Қобулгача катта йўл қуриш тўғрисида берган фармони ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Муаллиф Бобур моддий бойлик учун курашадиган шоҳ эмас, балки илм-фан бойлиги учун курашувчи шоҳ деб тасвирлайди. Асарда Бобур ўзининг шавкатлилиги учун “Йўлбарс” лақабини ҳамда беш қироллик хазинасига тенг бойлигини бечора ва қамбағалларга бўлиб бергандан сўнг ўзига Қаландаршоҳ таҳаллусини олганлигини қайд этилган. Унинг ўлими ҳам ҳаёти каби мағрур тарзда якун топганлигини тарихий ҳақиқат асосида бадиий талқин эттирган. Бундан ташқари, Бобур ўз ҳаётини севимли фарзанди Ҳумоюн тирик қолиши учун қурбон қилганлигини, умрининг охирида Бобур ўғли Ҳумоюнга “Укаларингга қарши борма (ғамхўрлик қил) хатто улар бунга лойиқ бўлмаса-да” деган ўгитини ишонарли тарзда акс эттиради.

Манбалардан биламизки, Бобур қирқ саккиз йиллик умрининг ўттиз олти йилини хукмронликда ўтказди ва янги Ҳиндистонда уч юз йилдан ошиқ ҳукмронлик қилган сулолага асос солди. Бобурийлар томонидан қолдирилган асарлар билан бир қаторда улар барпо қилиб кетган қурилиш ишоотлари бугунги кунда ҳам бутун дунёни лол этиб келмоқда.

Муаллифнинг иккинчи китоби “The Mogul Exile” (“Қочқиндаги ҳукмдор” *т.ўз.*) деб номланиб, у Насириддин Муҳаммад Ҳумоюншоҳга бағишланган. Ушбу асар Аграда Ҳумоюннинг қондош оғалари ҳамда Ҳиндистондаги Афғон бойлари ҳоинлигига қарши кураши саҳнаси билан бошланади. Шунингдек, муаллиф ўз асарида Ҳумоюн тахтини укаларининг хоинлиги ва алдови туфайли қўлдан кетганлигини тасвирлайди. Бундан ташқари, асарда Ҳумоюннинг Ҳамидабонуга уйланиши, Акбаршоҳнинг туғилиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Асарда Акбар дунёга келишидан сўнг Ҳумоюн ва унинг яқинларининг мамлакатдан кочишига тўғри келганлиги, кичкина Акбарни Ҳумоюннинг укаси Комрон томонидан курол, яъни гаров сифатида олиб қолиниши ёритиб берилади. Шунингдек, Ҳумоюн ўз рафиқаси билан Эронда Шоҳ Таҳмосп саройида паноҳ топиши, унга барча шароитлар яратиб берилгани ва ўзаро муносабатлари ажойиб сюжетлар орқали талқин этган.

Юқоридаги фикрлардан шундай ҳулосага келишимиз мумкинки, адабиётнинг энг асосий вазифаларидан бири, у қайси тилда яратилганидан қатъий назар ҳаёт ҳақиқатини айнан эмас, балки бадиий тўқималар, бадиий

образлар орқали тасвирлаб беришдир. Ёзувчи Фарзона Мун ҳам бобурийзодалар ҳаёт йўли, давлатчилик анъаналари, улар қолдирган бебаҳо тарихий ёдгорлик ва мероси, бадиияти тарихини аниқ тарихий далилларга асосланиб юксак савияда бадиий тарзда ифодалаб берган.

Ёзувчи Ф.Муннинг маҳорати шундан иборатки, у ўз ижодий маҳсуллари бўлган бадиий матнларни санъаткорона ярата олган. Ўз асарлари орқали инсон ҳиссиётлари, туйғулари, ҳаяжонлари, азоб ва қайғуларини ифодалаш, шу орқали тингловчи ёки китобхонни таъсирлантиришни истайди. Ана шундай ҳолларда баъзан муболаға, баъзан ўхшаш-қиёслаш каби тасвирий воситалардан фойдаланади.

Ф.Мун ўз асарларида бадиий матн турларининг деярли барчасидан моҳирлик билан фойдаланган. Булар: ҳикоя мазмунли матнлар (Le texte narratif – нарратив матн); тасвирий матнлар (Le texte descriptif – дескриптив матн); изоҳ мазмунли матнлар (Le texte argumantatif – аргументли матн); дидактик матнлар (Le texte explicatif – экспликатив матн); хабар мазмунли матнлар (Le texte informative – информатив матн); буйруқ мазмунли матнлар (Le texte injonctif – инжонктив матн); ҳиссий ифода мазмунли матнлар (Le texte expressif – экспрессив матн)дир.[113]

Ф.Мун асарларини ўқиган ҳар қандай ўқувчи ўша даврнинг турмуш тарзини, тинчлик ва фаровонлик йўлидаги жангу жадалларни, кишилар ўртасидаги турли муносабатларнинг, асосийси, ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётидан ҳабардор бўлиб, бевосита бобурийлар салтанати руҳиятини ўзига сингдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Зарипов Ҳ. Фозиллар фазилати Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти.Тошкент-1969.
2. Moon Farzana. Babur the first moghul in India. Preface. Mehra Offset Press, Delhi. 1997
3. Матёқубова Д. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. Маърузалар матни. АнДУ. 2008.
3. Матёқубова Д. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. Маърузалар матни. АнДУ. 2008.
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O'ZBEKISTON »,2014.-320 б.
5. Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2008.- 426 б.
6. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: « SHARQ », 2020. -240 б.

БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ИНГЛИЗ АДИБЛАРИ АСАРЛАРИДА

Мирзоҳид Қорабоев, Наманган давлат университети,
Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси,
+99890-640-84-67 mirzohid-76@mail.ru

Аннотация. Мақолада Алекс Резефорд тахаллуси билан биргаликда ижод қилаётган британиялик адиблар Диана ва Майкл Престонлар ҳамда уларнинг Ҳиндистонда уч асрдан зиёд ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи вакиллари ҳақидаги бадиий асарларга оид фикрлар баён қилинган.

[113] Матёқубова Д. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. Маърузалар матни. АнДУ. 2008. 7-б.

Калит сўзлар: сулола, хукмронлик қилмоқ, анъана, тахаллус, мерос, Ҳиндистон, Марказий Осиё, империя, ҳудуд, саркарда, ҳукмдор, бойлик рамзи, эътироф этмоқ.

Аннотация. В статье рассматриваются анализы произведений британских писателей Дианы и Майкла Престона которые под литературным псевдонимом Алекс Резефорд написали серию исторических романов «Империя Великих Моголов» посвящённую представителям Великой династии бабуридов правявщие в Индии более трёх веков.

Ключевые слова: династия, править, традиция, псевдоним, наследие, Индия, Центральная Азия, империя, территория, полководец, правитель, символ богатства, признать.

Annotation. This article is about the works written by British writers Diana and Michael Prestons who are the author of six novels devoted to the representatives of the Great dynasty of Babur.

Key words: dynasty, rule, tradition, pseudonym, heritage, India, Central Asia, empire, territory, general, ruler, symbol of wealth, recognize.

Дунё тарихида кўплаб буюк сулолалар ҳукмронлик қилган бўлса, Бобурийлар сулоласи ана шундай шажаралар ичидаги энг буюкларидандир. Ушбу авлод вакиллари нафақат моҳирона давлат бошқаруви балки, авлодларга қолдирган бой адабий мероси билан ҳам ўзининг беқиёс ўрнига эга. Мана неча йилларки мазкур мерос ўтмиш ва бугунги кун олимлари, ёзувчилари ва таржимонлари томонидан чуқур ўрганиб келинмоқда.

Зеро, Бобур ўз даврининг муҳитидан ва шароитларидан тамом четга чиқа олмагани ҳолда, башарият учун бахт-саодат орзуларини куйлаган гўзал ва бадиий юксак асарлари, илмий меҳнатлари, халқ йўлидаги хизматлари билан одамзоднинг энг азиз ва муҳтарам сиймоларидан бири бўлиб танилди.[114]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда барпо этган буюк сулоланинг тарихи ва анъаналари, юксалиши ҳақида бугунги кунда ҳам жаҳон адабий майдонида кўплаб янги бадиий асарлар дунё юзини кўрмоқдаки, мазкур асарлар муаллифлари дунё китобхонларига танилиб, китоблари севиб мутолаа қилинмоқда. Ана шундай ёзувчилардан бири Диана ва Майкл Престонлар бўлиб, улар Алекс Резефорд таҳаллуси билан ижод қилишмоқда.

Диана ва Майкл замонавий тарих ва адабиёт соҳаси бўйича Оксфорд университетини тамомлаганлар. 1990 йилларнинг бошларида Диана Престон тарих бўйича оммабоп китоблар ёзишга қарор қилди. Шундай қилиб унинг биринчи асари XVIII шотландиядаги қўзғолон туғрисидаги “Каллоденга йўл: Ёқимтой шаҳзода Чарли 45нинг қўзғолони” китоби дунёга келди. Кейинчалик унинг бошқа асарлари ҳам дунё юзини кўра бошлади.

Диана ва Майкл кўп саёҳатга чиқишади, улар дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатларида бўлишиб, ушбу саёҳатлар Диана Престонга ўз китобларини ёзишда катта ёрдам берди. Улар ўзлари борган мамлакатларининг кўплаб кутубхона ва архивларидан унумли фойдаландилар. Диана ўз асарларида қайд этилган жойларнинг барчасида бўлиб, ўз кўзи билан воқеалар жойини кўриб,

[114] Зарипов Ҳ. Фозиллар фазилати Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент-1969.6-бет.

улар билан танишди ва махаллий аҳоли яшаш шароити ҳамда анъана ва урф-одатлари билан танишиб чиқди, шу орқали ўз қаҳрамонлари кечинмаларини хис этишга харакат қилди.

“Бизнинг энг севимли масканларимиздан бири бу Ҳиндистон, биз у ерда умримизнинг қарийиб бир йилини ўтказдик. Бизнинг Тож Маҳал қурилишига бағишлаб ёзаётган “A Teardrop on the Cheek of Time”(Вақт ёноғидаги кўз ёши. т.ўз.), номли китобимиз олиб бораётган тадқиқот ишларимиз буюк бобурийлар сулоласи тарихини ўрганишга етаклади. Маълумот йиғиш мақсадида биз бобурий подшоҳлар туғрисидаги барча маълумотларни ўқиб чиқдик.”-дейди Диана Престон.

2009 йилдан бошлаб Диана ва Майкл Престон Алекс Резефорд тахаллуси билан “Буюк Мўғуллар Империяси” рукни остида тарихий романларини нашр эттира бошлашди. Бошқа асарларда бўлганидек, муаллифларни қаҳрамонларнинг характери ва ички кечинмалари қизиқтиради. Бадиий асар ёзиш орқали муаллифлар қаҳрамонлар, воқеа-ходисалар, улар яшаб ўтган муҳит ва шароитлар китобхонларга янада яқинроқ бўлишини, уни ўша жой ва вақт муҳитини хис қилишини инобатга олишган.

Мазкур рукндаги романлар Бобурийлар империясининг шонли ўтмиши, жангу-жадаллари ҳақида ҳикоя қилади. Улар икки асрлик воқеаларни ўз ичига олади ҳамда Бобурийлар сулоласининг олти нафар – ҳар бири алоҳида шахс сифатида эътироф этилган подшоҳлари тарихини ёритиб беради.

Муаллифларнинг биринчи асари “Raiders from the North” (“Шимоллик отлиқлар” т.ўз.) деб номланиб, у 2009 йилда нашрдан чиққан. Мазкур роман буюк саркарда, шоҳ ва шоир Бобурга бағишланган. Унда Бобурнинг 1525 йили Марказий Осиёдан Ҳиндистонга юриши, унинг Афғонистон тоғлар, Кашмир далалари узра Бенгалия ўрмонларигача бўлган худудда ташкил қилган империяси ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, жанг майдонларидаги жасорати, улкан мақсадларни кўзлаши, гўзалликка бўлган иштиёқи дунёнинг олтидан бирига тенг Империяга асос солиниши ҳақида ҳам баён этилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, Бобурийлар сулоласи номи узоқ Европада ҳукронлик ва бойлик рамзи сифатида ҳайрат билан эътироф этила бошланди.

Мазкур асар 2012 йилда таржимон В.Э.Волковский томонидан рус тилига ўгирилиб, 2012 йилда “Вторжение в рай” номи билан нашрдан чиқди.

Иккинчи асар “Brothers at War” (“Оғалар жанги” т.ўз.) деб номланиб, у 2010 йилда нашрдан чиққан. Асар Бобурнинг тўнғич ўғли иккинчи бобурий шоҳ Ҳумоюнга бағишланган бўлиб, у Ҳумоюншоҳнинг дастлабки ҳукмронлиги ва унинг давлатни қўлдан бой бериши, ҳамда давлатни қайта эгаллашга бўлган курашлари ҳақида, нафақат ташқи балки ўз инилари билан бўлган жанглари туғрисида ҳикоя қилинади. Ушбу роман таржимон Ю.К. Рыбакова томонидан русчага таржима қилиниб, 2015 йил “Великий Могол” номи билан нашрдан чиқди.

Мазкур “Буюк Мўғуллар Империяси” рукни остида тарихий романларнинг навбатдагиси “Ruler of the World” (“Дунё ҳукмдори” т.ўз.) деб номланиб, у 2011 йилда нашр этилган. Асар буюк Бобурийлар сулоласининг энг йирик вакили адолатли ва оқил подшоҳ Акбар ва унинг ҳукмронлигига бағишланган. Асар

2015 йил В.Д.Юргайтите томонидан “Владыка мира” номи билан рус тилида нашр этилди.

“The Tainted Throne” (“Дарз кетган тахт” т.ўз.) асари 2012 йилда нашрдан чиққан бўлиб, Жаҳонгир ва унинг ҳукмронк даври ёритилган, унда ота ва ўғил ўртасидаги ишончсизлик ва рақобат мухити ва ана шу мухит таъсири остида мустаҳкам ва бардошли хокимиятни дарз кетиши ҳикоя қилинган. Роман 2017 йил таржимон А.С.Петухов томонидан “Осквернённый трон” номи билан рус тилига ўгирилди ва 2018 да нашр этилди.

Кейинги асар “The Serpent's Tooth” (“Илоннинг тиши” т.ўз.) деб номланиб, у 2013 йилда нашрдан чиққан. Асарда ўз суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал хотирасига бағишлаб ажойиб Тож Маҳални бунёд эттирган Шоҳжаҳон ва унинг ҳукмронлиги ҳамда бобурийлар сулоласининг энг гуллаб яшнаган даври акс эттирилган.

2015 йил бобурийларга бағишланган навбатдаги “Traitors in the Shadows” (“Соядаги ғанимлар” т.ўз.) романи чоп этилди. Унда Шоҳжахонни тахтдан кетиши ва Аврангзебни тахта келиши, худуди кенгайган бироқ кучсизланган, шонли ва қачонлардир қудратли бўлган Буюк Империяни инқирозга юз тутиши ҳикоя қилинади.

Юқорида қайд этилган асарларни яратишда муаллифлар “Бобурнома”, “Ҳумоюннома”, “Акбарнома” асарлари, Ҳиндистонга қилган саёҳатлари давомида махаллий халқ вакиллари хотиралари, эшитган ва кутубхоналардан олган маълумотларга таянганлар.

Шунингдек, Акбар давридан кейинги маълумотларни яратишда бобурийлар ҳукмронлигининг сўнги даврларига шоҳид бўлган кўплаб европалик савдогарлар, табиблар, сиёсатчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбалардан фойдаланишган. Ҳар бир китобнинг охирида тарихий маълумотнома берилиб, унда асарда берилган маълумотларни қай бири ҳақиқат ва қай бири тўқима эканлиги ҳамда у нима мақсадда берилганлигини изоҳлаб берилган.

Алекс Резефорднинг “Буюк Мўғуллар Империяси” рукнидаги тарихий романлари шунингдек бенгалиялик ёзувчи Садекул Ахсан Калло томонидан бенгал тилига ҳам таржима килинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Буюк Бобурийлар империяси асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек фарзандидир. Шунинг учун ҳам олдимизда турган асосий вазифалардан бири ўз тарихимизни теран билиш ва адабиётимиз тарихи ва равнақини чуқуррок англаб етиш йўлида астойдил илмий изланишлар олиб бориб ҳаракат қилишдир. Зеро, одамзод борки, авлод–аждоди кимлигини, насл–насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанимизнинг тарихини билишни истайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зарипов Ҳ. Фозиллар фазилати Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент-1969.
2. Alex Rutherford. Empire of the Moghuls. http://empireofthemoghul.com/about-the-author/alex-rutherford-qas/#question1
3. Матёкубова Д. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. Маърузалар матни. АнДУ. 2008.
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O’ZBEKISTON »,2014.-320 б.
5. Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2008.- 426 б.

6. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: « SHARQ », 2020. -240 б.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ASARLARINING XORIJIY TILLARGA TARJIMASI VA CHET ELLARDA O‘RGANILISHI

Amonov Muhsin Erkinovich
O‘zbekiston, Navoiy davlat pedagogika instituti
Mustaqil tadqiqotchi
Navoiy shahar, Ibn Sino ko‘chasi, 45-uy
muhsin933011@mail.ru

Аннотация. Данная статья посвящена анализу литературного и научного наследия Захириддина Мухаммада Бабура за рубежом и переводу на разные языки мира его трудов. Изучены значительные заслуги ряда ученых стран Востока и Запада в доведении до мировой общественности содержания его историко-мемориальных трудов.

Ключевые слова: военачальник, государственный деятель, интеллектуальная собственность, духовность, культурное наследие, мастерство.

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың шетелдегі әдеби-ғылыми мұрасын талдауға және оның дүние жүзінің әртүрлі тілдеріне аудармасына назар аударылады. Оның тарихи-мемориалдық еңбектерінің мазмұнын әлем жұртшылығына жеткізуде Шығыс және Батыс елдерінің бірқатар ғалымдарының елеулі қызметтері зерттелді.

Түйін сөздер: қолбасшы, мемлекет қайраткері, зияткерлік меншік, руханият, мәдени мұра, шеберлік.

Zahiriddin Muhammad Bobur o‘rta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va she’riyatida o‘ziga xos o‘rin egallagan adib, shoir, olim bo‘lish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda hamdir. Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan bo‘lsa, serjilo o‘zbek tilida yozilgan “Boburnoma” asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi. Uning nafis g‘azal va ruboiylari turkiy she’riyatning eng nodir durdonalari bo‘lib, “Mubayyin” (“Bayon etilgan”), “Xatti Boburiy”, “Harb ishi”, Aruz haqidagi risolalari esa islom qonunshunosligi, she’riyat va til nazariyasi sohalariga munosib hissa bo‘lib qo‘shildi. Uzoq yillar davomida G‘arb va Sharqning mashhur sharqshunos olimlari “Boburnoma” asarining mazmun-mohiyatini jahon jamoatchiligiga yetkazish borasida katta faoliyat ko‘rsatdilar. Masalan, gollandiyalik olim Vitsen, angliyalik olimlar J.Leyden, V.Zrskin, R.Koldekot, A.Beverej, T.Albot germaniyalik Yu.Klaynrat va A.Keyzer, fransiyalik Pave de Kurteyl, hindistonlik Mirzo Nasriddin Haydar Rizvi, turkiyalik R.R.Art va N.I.Bayur va bizning davrimizdagi fransiyalik olim Bakke Gromon, afg‘onistonlik olim Abulhay Habibiy, pokistonlik olimlar Rashid Axtar, Nadvi va Shoh Olam Mavliyot shular jumlasidandir. “Boburnoma”ni o‘rganish sohasida jahonning mashhur sharqshunoslari qatoridan yaponiyalik olimlar ham munosib joy olmoqdalar.

Ma'lumki, Zahiriddin Muhammad Boburning tarixiy, ilmiy va adabiy merosini o'rganish va ommalashtirishda O'zbekiston, Tojikiston, Rossiya olimlarining faoliyatlari ham diqqatga sazovordir. XIX-XX asrlar davomida Georg Ker, N.Ilminskiy, O.Senkovskiy, M.Salye, Porso Shamsiyev, Sodiq Mirzayev, V.Zohidov, Ya.G'ulomov, R.Nabiyev, S.Azimjonova, A.Kdyumov kabi olimlarning sa'y-harakatlari bilan "Boburnoma" bir necha bor rus va o'zbek tillarida chop etildi, ularga so'zboshi yozildi va keng kitobxonlar ommasining ma'naviy mulkiga aylantirildi, uning she'rlari ham bir necha bor nashr etildi.

Zahiriddin Muhammad Boburning jozibador shaxsi, jo'shqin hayoti va faoliyati, insoniy fazilatlari, jahon faniga qo'shgan hissasi hamda avlodlariga bag'ishlab ko`plab ilmiy-tarixiy, badiiy asarlar yaratilgan. Ta'bir joiz bo'lsa, jahon tarixnavislik ilmida "Eng ko'p va xo'p" o'rganilgan vatandoshimiz ham Mirzo Boburdir. Ayni kunga qadar o'zbek yozuvchilaridan tashqari Bobur haqida asarlar yaratgan bir necha o'nlab chet ellik mualliflarning nomlari tanish. Jumladan, 1995-yili "Cho'lpon" nashriyotida ingliz tarixchisi U.Erskinning "Bobur Hindistonda" asari, hind tarixchisi L.P.Sharmaning 1988-yili Dehlida bosilgan "Boburiylar saltanati" asari, amerikalik olim S.M.Berkning "Akbarshoh – boburiylarlarning eng buyugi" asarlarida Boburga zamondosh tarixchilarning qo'lyozmalari, Hindiston tarixiga oid tadqiqotlar, XX asrning jahonga mashhur olim va tarjimonlarining asarlarida Boburning butun hayot yo'li, bolalik, o'spirinlik, yigitlik yillari, tashvishli kunlari, hukmronlik faoliyati, diniy-falsafiy qarashlari, davlatni boshqarish usuli, madaniyat va san'atga munosabati singari masalalar tasvirlangan. Amerikalik tadqiqotchi Berk Boburga bergan qisqa va lo'nda tavsiflarida ulug' siymoning hayot yo'li, davlatchilik tarixidagi xizmatlari va shaxsiyatidagi eng muhim jihatlarni muxtasar tarzda yoritishga erishgan. Muallif Boburning hukmronlik siyosati xususida shunday yozadi: "Bobursholning fikricha, fotihlik va hukmdorlik ishida yuz ming usul qo'llasa ham haq va zarur hisoblanadi. Biroq bosib olingan yerlarni, ayniqsa, bu o'lkalarni o'z saltanati tarkibiga kiritish rejalashtirilgan bo'lsa-da, u g'olib askarlar mag'lublar mulkini talon-taroj qilishiga mutlaqo yo'l qoymasdi". "Boburnoma" haqidagi fikrlar ham diqqatga sazovor: "Men bor haqiqatni yozdim", deydi muallif va haqiqatan ham u o'zining kamchiliklari, omadsizlikka olib kelgan ayrim noto'g'ri xatti-harakatlarini o'quvchidan yashirmaydi.

Bobur hayoti va ijodi Fransiyada ham keng o'rganilgan bo'lib, Fransiya ilm ahliga Zahiriddin Muhammad Bobur va "Boburnoma" haqida dastavval ma'lumot bergan fransuz sharqshunosi Bartoleme D'Erbelo (1621-1695) hisoblanadi. D'Erbelo o'zining "Sharq kutubxonasi" (La Biblioteque orientale. Paris, 1967) qomusidagi "Bobur yoki Bobar" nomli maqolasida Boburning hayoti, uning davlati va sarkardalik mahorati, adabiyot va san'atga qiziquvchi ilg'or fikrli kishi bo'lgani haqida ma'lumot beradi.

XIX asrga kelib Yevropa, xususan, fransuz sharqshunosligida Bobur merosini o'rganish, uning asarlarini tarjima qilish borasida yangi davr boshlandi. Ayni shu yillarda Boburning ulkan asari "Boburnoma"ni fransuz tiliga tarjima qilish, uning matn xususiyatlarini o'rganish, siyosiy-tarixiy ahamiyatini baholashda fransuz olimlari e'tiborga molik tadqiqotlarni yaratishdi.

"Boburnoma"ni fransuz tiliga tarjima va tadqiq qilishda sharqshunos olim Anri Jyul Klaprot (1783-1835) birinchilardan bo`lib harakatni boshlaydi. 1824-yil A.Klaprotning, "Sulton Bobur yohud "Boburnoma" tarixiga oid kuzatishlar" nomli

maqolasi omma e'tiboriga havola etadi. Markaziy Osiyo va Sibirda yashagan xalqlar tarixi, madaniyati va adabiyotini yaxshi bilgan Klaprot Yevropa sharqshunosligida "Boburnoma" xususida ilk bor to'laqonli fikr yuritgan edi. Shundan so'ng 1854-yili Parijda "Hozirda va qadimda yashagan tarixiy shaxslar hayoti" nomli katta kitob chop qilinadi. Mazkur kitobdan sharqshunos M.Langle (1763-1824)ning "Zahiriddin Bobur hayoti va ijodi" nomli maqolasi ham o'rin olgan edi. Maqolada Bobur haqida avvalgi manbalarga nisbatan ancha boy ma'lumot berilgan bo'lib, o'quvchi undan adib hayoti va ijodi to'g'risida chuqurroq bilim olishga muvaffaq bo`ladi. Boburning hayoti va ijodi fransuz kitobxonini tobora qiziqtirib bormoqda edi. Fransuz olimlari so`nggi yillarda Bobur to`g`risida tez-tez maqolalar chop ettirar, kitoblar nashr qildirardi.

Zahiriddin Muhammad Bobur merosini o`rganish, "Boburnoma"ni tarjima va lisoniy tarjima qilishda fransuz turkologi Anri pave de Kurteyl (1821-1889)ning xizmatlari alohida tahsinga loyiq. Fransuz kolleji (College de France) turkiy tillar kafedrasi mudiri, fransuz akademiyasi a'zosi, Sankt-peterburg fanlar akademiyasi muxbir a'zosi bo`lgan Pave de Kurteyl vatani Fransiyada turkologiya ilmining rivojlanishiga ulkan hissa qo`shdi. Professor A.Pave de Kurteylning olimlik faoliyatida u tuzgan "Sharqiy-turkiy tillar lug`ati" ("Dictionnaire de turc orientale". –Paris, 1870) yohud "Alisher Navoiy, Zahiriddin Bobur va Abulg`ozi Bahodirxon asarlarini o`qish uchun izohli lug`at" alohida ahamiyatga molikdir. Professor A.Pave de Kurteyldagi bu katta tayyorgarlik, eski o`zbek tili va adbiyotidan egallagan puxta bilim uni "Boburnoma"ni tarjima qilishga undagan edi. 1871-yilda "Boburnoma"ning Pave de Kurteyl tarjimasi ikki jildda nashrdan chiqdi ("Memoire de Baber". Traduit pour la premiere fois sur le texte djagatai par A.Pavet de Courteille, - editions, 1871). Birinchi jildda tarjimonning o`n olti sahifalik so`zboshisi berilgan. Unda "Boburnoma"ning yozilish jarayoni, kitobda keltirilgan voqealar, Bobursohning Afg`oniston va Hindistonda barpo etgan qudratli imperiyasi xususida ma'lumotlar berilgan.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, Zahiriddin Muhammad Boburning ilmiy merosini o`rganish, tadqiq va targ'ib etish bilan bog'liq jarayonlarga bugungi kunda har qachongidan ko'ra ko'proq ehtiyoj sezayapmiz. O'sib kelayotgan yosh avlodni vatanga muhabbat, milliy qadriyatlarimizga va buyuk ajdodlarimizning boy ilmiy merosiga hurmat ruhida tarbiyalashimizda Zahiriddin Muhammad Boburning madaniyat, san'at va davlat boshqaruviga oid asarlarining ahamiyati nihoyatda katta hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1.Karimov. "Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir" Toshkent. O'zbekiston-1996 y
2.F. Is'hoqov ."Boburnoma" uchun qisqacha izohli lug'at Andijon-2008 y
3.X. Qudratullayev. "Bobur armoni" Toshkent. Sharq-2009 y
4.A.Qayumov. "Zahriddin Muhammad Bobur" Toshkent. "Fan" nashriyoti-2008 y
5.X. Davron. "Samarqand xayoli" 1,2,3- qismlar Samarqand. 1995 y
6.H. Mamarasulov, "Bobur ruboiylari". Toshkent-2010 y
7.S. Sayid. "Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur" Toshkent. Sharq-2008 y

УДК 330.81

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ В ТВОРЧЕСТВЕ БАБУРА И СВОЕОБРАЗИЕ ЕГО ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ

Норжигитов Равшан Орзикулович., Равшанова Марҳабо Равшановна
ГОУ «Худжандский государственный университет
имени академика Бабаджана Гафурова» г. Худжанд, Республика Таджикистан
Старший преподаватель, norjigitov_r@mail.ru

Аннотация. Бұл ғылыми мақалада Захируддин Мұхаммед Бабырдың экономикалық ойлары мен көзқарастары талданады.

Ғылыми тұрғыдан алғанда, Бабыр еңбектерінде салық жүйесінің жақсарып, халықтың әл-ауқатының жақсарғанын байқауға болады. Оқиғалар мен құбылыстарды талдауға, өз көзқарасын білдіруге, өзін толқытқан ойын, сезімін жеткізуге ұмтылды. Ал бұл ойлар мен сезімдер ізгілік пен әділдік, ақиқат пен сұлулық қағидаларына қызмет етуге бағытталды. Оның экономикалық көзқарастары қазірдің өзінде үлкен маңызға ие және оның экономикалық көзқарастарын зерттеуге деген қызығушылық артып келеді.

Негізгі сөздер: Экономикалық реформалар, экономикалық көзқарастар, Мубайну-л-зекат, Бабырнама, салық салу, Бабуридтердің салық саясаты.

Annotation. This scientific article analyzes the economic thoughts and views of Zahiruddin Muhammad Babur.

From a scientific point of view, in the works of Babur one can observe the improvement of the tax system and the well-being of people. He strove to analyze events and phenomena, to express his views, to express the thoughts and feelings that agitated him. And these thoughts and feelings were aimed at serving the principles of goodness and justice, truth and beauty. His economic views are of great importance even now, and interest in studying his economic views is growing.

Key words: Economic reforms, economic views, Mubayinu-l-zakat, Baburnama, taxation, tax policy of Baburids.

“Бабур был обаятельным человеком...” [1].

В условиях глобализации историческое, научное и литературное наследие наших народов приобретает большое гуманистическое значение в изучении, исследовании и воспитании молодого поколения. На протяжении веков благородные качества нашего народа, такие как высокая духовность, справедливость, любовь к просвещению, стали своеобразной школой жизни для современной молодежи. Особенно бессмертные произведения таких гениев, как Ходжа Ахмед Ясави, Ходжа Баховаддин Накшбанди, Имам аль-Бухари, Имам Термизи, Амир Темур, Мирза Улугбек, Абдуррахман Джами, Алишер Навои, Захируддина Мухаммада Бабур, напоминают нам о нашем богатом прошлом, самобытных ценностях и другие национальные и духовные сокровища. Нынешняя молодежь и современники могут сколько угодно наслаждаться этими духовными сокровищами.

Одной из актуальных задач является изучение наследия Захируддина Мухаммада Бабура, великого ученого эпохи Возрождения, государственного деятеля, полководца и обаятельного человека.

Хотя в «Бабурнаме» отражается история Мовароуннахра, Хорасана, Индии, Ирана конца XV-первой половины XVI века, в то же время она охватывает и множество актуальных экономических и социальных вопросов, взаимных

политических-экономические и торговые связи вышеперечисленных регионов, представляет собой шедевр, содержащий крайне редкие сведения о географическом положении, климате, флоре и фауне, горах, реках, народах, племенах и народностях и условиях их жизни, обычаях, важных исторических сооружения – индуистские и мусульманские храмы, свадьбы и похороны. Поэтому в «Бабурнаме» продолжает удивлять мировых ученых как историко-литературное наследие.

Экономические реформы, проведенные Бабуром в его время, и его научные взгляды имеют особое научное значение.

О социально-экономических реформах, проведенных в эпоху Бабура, мы можем узнать в результате научных исследований, проведенных многими востоковедами, литературоведами, историками и известные и знаменитые труды Бабура как писателя-историка, лирика и ученого, внесшего свой вклад в решение социальных вопросов, он занимает достойное место в истории духовной культуры нашего народа. Например, голландский ученый Витсен, английские ученые Дж. Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Бевередж, Т. Альбот, Герман Ю. Клейнрат и А. Кейзер, француз Паве де Куртель, индиец Мирзо Насриддин Хайдар Ризви, турковед Р. Р. Арт и Н. Я. Среди них Баюр и современный французский ученый Бакке Громон, афганский ученый Абулхай Хабиби, пакистанские ученые Рашид Ахтари, Надви и Шах Олам Мавлийот. Среди известных востоковедов мира японские ученые также занимают место в области изучения «Бобурнаме», (Boburname). Известно, что заслуживает внимания и деятельность ученых Узбекистана, Таджикистана и России по изучению и популяризации историко-научного и литературного наследия Бабура.

В 19 и 20 веках Джордж Керр, Н. Ильминский, О. Сенковский, М. Продажа, Порсо Шамсиев, Садык Мирзаев, В. Зохидов, Я. Гуламов, Р. Набиев, С. Азимжонова, Благодаря стараниям таких ученых, как А. Каюмов, «Бабурнаме» несколько раз была издана на русском и узбекском языках, к ним было написано предисловие, и она стала духовным достоянием широкого круга читателей, также несколько раз были опубликованы его стихи. Бесценное духовное богатство, унаследованное от наших великих предков, является отражением наших изначальных ценностей. На протяжении веков благородные качества нашего народа, такие как высокая духовность, справедливость, любовь к просвещению, стали своеобразной школой жизни для современной молодежи. Известно, что произведение Бабура «Бабурнаме» изучалось многими авторами как за рубежом, так и в нашей стране, но относительно экономические взгляды еще не полностью изучены в нем данные отдельно не анализировались. Работа содержит несколько убедительных источников, дополняющих эту тему.

Бабур также положительно использовал опыт государственной мудрости многих правителей для разработки своей экономической и налоговой политики.

В 1521 году он написал трактат «Мубайину-л-закят» о налоговых поступлениях. Мысли Бабура в области налогообложения изложены в его произведениях «Бабурнаме» и «Мубайян». Он знал природу налогов и их значение в финансовой устойчивости государства и общества. Вот почему он хотел, чтобы его налоговая политика была справедливой[2].

В частности, он серьезно изучил методы государственного управления хорасанского царя Хусейна Бойкары и порядок определения финансового обеспечения и расходов князей во дворце. В этой работе даются конкретные рекомендации по условиям налогообложения и закята, закята с товаров, закята с наличных денег, скота и коммерческих товаров и всех других вопросов, связанных с налогами [3]. Необходимо обратить внимание еще на один момент, свидетельствующий о величии Бабура. «Мубайян» был написан Бабуром в поэтической манере. Налог с сельскохозяйственных культур собирался сборщиками налогов независимо от того, был ли урожай или нет, был ли он собран или нет. Бабур запретил взимание налогов в случае неурожая из-за стихийного бедствия или подобных причин. Заслуги Бабура в области финансов и налогообложения не ограничивались исследованием теоретических вопросов в этой области. Представьте себе: Бабур сам реализовал теоретические основы созданной им финансовой и налоговой систем для Индии! Это доказательство того, насколько великим и всесторонним человеком был Бабур.

До образования государства Бабур десятки больших и малых провинций, управлявших территорией Индии, резко различались по способу устройства казны, использования доходов, налоговой политики, налоговой системы, видов налогов и их сбора с населения. Каждая страна имела свою налоговую политику[4]. Бабур провел в Индии комплексную налоговую реформу по организации государственной казны на принципах справедливости, создал единую налоговую систему по всей стране, значительно уменьшил размер налогов. В царствование Бабура существовали следующие налоги и сборы - поземельный налог, торговый (гербовый) налог, закят (для мусульман), джизья (для немусульманского населения), дань, соляной налог, пятая часть военной добычи, чеканка монет, конфискация невостребованного имущества и подарков[5]. Кроме них существуют налоги, используемые для местных нужд, которые собираются местными властями (эти налоги называются «ахбаб»). Указы и постановления Бабура в области государственного управления и экономики внесли большой вклад в развитие экономики Индии, улучшение финансового и военного положения. Следует отметить, что Бабур хорошо понимал, что развитие международных экономических связей является важным фактором повышения экономической мощи государства и установил ряд льготных налогов для иностранных купцов. Если купцы приезжали из исламских стран, они платили налог в размере 5 процентов от своего дохода. Налоговые реформы Бабура были завершены его внуком Акбаром Великим (1556-1605). Он проводил налоговую политику одинаково и справедливо по отношению ко всем гражданам королевства. В результате налоговой реформы, проведенной Акбаром, для правильного исчисления налогов была введена единая система налоговых органов и единый порядок измерения веса и количества.

Следует сказать, что единые налоговые органы, точный расчет налогов и нормативные правила и процедуры – это существующая сегодня практика в налоговой системе всех стран. Создание единой системы налоговых органов с четко определенными задачами, введение взимания налогов в денежной форме, точность сумм налоговых сборов, точность расчетов положили конец руководящей роли сборщиков налогов. Эти меры послужили основой для

создания системы, препятствующей уклонению сборщиков налогов от уплаты налогов. Благодаря обширной деятельности в области развития индийской экономики и особенно создания справедливой налоговой политики Бабуриды создали самую могущественную и величайшую империю в истории Индии. Династия Бабур построила самую могущественную и величайшую империю в истории мира, благодаря обширной деятельности в области развития индийской экономики и особенно создания справедливой налоговой политики. Они построили большие и процветающие города. Большинство из них до сих пор несут уникальную красоту в Индию. Дворцы, мечети, различные сооружения и здания, построенные представителями великой династии, привлекают в Индию миллионы туристов, а построенный ими очаровательный «Тадж-Махал» входит в число семи чудес света. Индия была одним из крупнейших центров мировой цивилизации в эпоху Бабура. Создание одной из самых развитых и мощных экономик своего времени, строительство прекрасных городов и сооружений, ставших по своему величию гордостью мировой цивилизации, и принесение науки, искусство, литература и культура на передовой для своего времени уровень требуют огромных средств. Справедливая налоговая политика, созданная Бабуридами, сыграла огромную роль в сборе необходимого количества финансовых средств. Сущность и содержание справедливой налоговой политики не потеряли своего исторического и научного значения и в наши дни. Бабуриды доказал в свое царствование, что налоговая политика должна быть справедливой и разумной для социально-экономического развития страны и повышения уровня жизни народа.В процессе изучения научного, литературного и практического наследия Бабура были получены необходимые теоретические появляются практические выводы и научные взгляды.

Это, в свою очередь, играет беспрецедентную роль в повышении экономического образования и мышления молодежи.

Литературы:

1.Неру Дж. Открытие Индии. В двух томах / Джавахарлал Неру / Пер. с англ.; Переводчики: В.В. Исакович, И.С. Кливанская. — М.: Политиздат, 1989.-464
2.“Мубайян” ва насрий баёни. “Рисолаи Волидиййа” асари назмий таржимаси ва шарҳи.
3.Насрий баён ва шарҳлар муаллифи М.Кенжабек; масъул муҳаррир А.Мансур; – Т.: “SHARQ”, 2014 . 213 – 238-бетлар.
4.А.Раззоқов. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 164-171-бетлар.
5.Энциклопедия Захируддина Мухаммада Бабура (переработанное второе издание). /Редколлегия: Каюмов А. и др. Главный редактор: А. Азамов. - Т.: Главредакция НМАК "Шарк", 2017. 120 с.
6.Тот же источник. стр. 120.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR DAVRIDA DINIY BAG‘RIKENGLIK VA MILLATLARARO TOTUVLIK MASALASI

Salayev Dilshod Jumanazarovich
Ma’mun Universiteti NTM, (PhD) v.b. dotsent
Emil:dilshod-salaev@mail.ru

Аннотация. Бұл мақалада біз Захируддин Мұхаммед Бабырдың үлкен қауымдастықтар ішкі қақтығыстарсыз салыстырмалы түрде тұрақты бірге өмір сүрген әртүрлі аймақтар мен халықтардың жерлерін тікелей билеген кездегі тарихи жолындағы ең маңыздысы саналған билеуші ретіндегі әрекеттеріне көбірек тоқталамыз. Толеранттылық саясаты талданады.

Түйінді сөздер: Толеранттылық, "Өсиет", Моваруннахр, тектілік, "Хумаюннама", "Рисалай Волидия", "Бабурнама", Діни толеранттылық.

Аннотация. В данной статье мы остановимся больше на деятельности Захируддина Мухаммада Бабура как правителя, которая считалась наиболее важной на его историческом пути, когда он непосредственно управлял землями различных регионов и народов, в которых большие общины сосуществовали относительно стабильно, без внутренних конфликтов. Анализируется политика толерантности.

Ключевые слова: толерантность, «Завещание», Моваруннахр, дворянство, «Хумаюннама», «Рисалай Волидия», «Бабурнама», Религиозная толерантность.

It is known that «Baburnoma» tells the story of the history of the peoples of Movarounnakhr, Khorasan, Iran, Afghanistan and India from 1483 to 1529. The work consists mainly of three parts, the first part is devoted to the events of the second half of the 15th century and the first quarter of the 16th century in Central Asia and Iran, the second part is devoted to the events of the late 15th century and the first half of the 16th century in Afghanistan,

As Zahiriddin Babur perfectly describes the political events of his time, he also brings valuable information about the political and economic situation of his country Fergana region and its capital Andijan in that time, about such large cities of Central Asia as Samarkand, Bukhara, Karshi, Shakhrisabz, Osh, Urgench, Uratepa, Termez. The author of the work describes information about statesmen and cultural figures, poets, writers, some large rich nobles, even binocular Masters, carpenters, cashiers, which are not found in historical works written during that period.

Unique documents presented in «Baburnama» are not found in the works of historical sources of that time: Mirkhond, Khandamir, Muhammad Salih, Binayi, Muhammad Haydar, Angel, Abdul Fazl Allomiy, Hindi Mirkhiy and other scholars. Thinking with sincerity and respect towards Ulugbek Mirzo, Alisher Navoi, Abdurahman Jami, Behzad and other figures of science, culture, art, at the same time, the governor of Babur Khurasan, Sultan Hussein, the governor of Beaver-Badakhshan Khusravshah, the king of Iran Ismail Safavi and his commander Najim Sani, the Sultan of India Ibrahim Ladi, touched upon such defects as the manliness and injustice, condemns.

Babur will crush the Indian Sultan Ibrahim Gypsy on Panipat Square, close to Delhi in 1526 year, Malva Roji Rano Sango in 1527 year also overcome and lay the foundation for the Great Baburid Empire, leading to the idea that «Baburnama» began to be written after these events-based on memories from the Daily side book, because all his other works: Movarounnahr and the poetic Devon, While the translation of the Khoja Ahror work «Risolai Volidia» and the special Alphabet called" behavioral Baburi "are clearly recorded along with the years written in «Baburnama», no information is given about when and where the «Baburnama» itself began to be written, it does not even say anything about whether or not there was a special event in the palace, the thought of writing «Baburnama» This circumstance makes it difficult to determine the year of the beginning of the writing of the workv «Baburnama», written from beginning to end with Babur's own hand, which is a rare product of his deep scientific thinking and intelligence. But a deeper study of «Baburnama» will help to solve this puzzle more accurately.

In the statement of the events of Babur 899 Ahmad (1493— 1494), after the death of the governor of Movarounnahr, Sultan Ahmad Mirzo, he stopped at the comment of his sons and daughters and emirs: one of them was Said Yusuf O'dlakchi, when I first came to Kabul, he was under me, I did many kind things to him, I left him in Kabul when I first walked[129].

And in the statement of the events of 903 Ah (1497-1498), Babur describes the Ulugbek Mirzo Observatory in Samarkand, in this regard he also tells about Mamun, Batlimus, Bikramjit hindu in India, observatories in Dhara. It is known that Babur met the Bikramjit Observatory in Malva only in 1528. This circumstance fully proves that the «Baburnama» is written in India. Let's give another example for the proof of our same opinion.

In a statement of what happened in Fergana Valley at Babur 908 Ah (1502:-1503), when we stood in an attack situation in front of the gate of the Pop fortress, the

[129] «Baburnama». Annet Beveric edition. London, 1905, page 22 A

tax collector of the city of qail, Ali Jr., These days showed incredible courage (page 113), he recalls. As you know, the city of qail is one of the cities of India. In the part where the events of 911 (1505-1506) were outlined, Sultan Hussein said that after the death of Mirzo, his family members stopped one by one: sons and daughters and commanders, another of his emirs was Sultan Junaid barlas, who had later passed under Sultan Ahmed Mirzo; he was currently the father of Sultan Junaid Barlos, Governor of Jaunpur, he writes. The information we cited above confirms the idea that Babur personally wrote his work in India based on the documents he collected.

As a result of a deeper approach to some small events in «Baburnama», it can be concluded that the idea of writing this work in Babur appeared in 913 Ah (1507 year). In the statement of the historical events of the same years, it is said that the governors of the Kandahar and Kelat regions called on Shahbek and muqim Argun Babur for help against the Shaibanik Khan who was invading here, but when he arrived in Kandahar, they closed the city gates and returned from their words, but after that Babur captured Kandahar and transferred his On this walk, he remembers that Bad-I-Pig went through the butt and then, with the intention of perpetuating this story, Mirak Joseph and Naqqash ordered King Muhammad to finish this history on one of the stones on the hillside. In our opinion, after the same event, the thought of writing a historical work was born in Babur, and only after that he began to walk in his diary, completely writing down the statement of the most important events. And later, based on the information collected by him and the stories of the commanders who accompanied him, during 1526-1529 he created «Baburnama» in India.

The author of «Boburnama» is a major historian scientist, an unmatched writer and a subtle poet. He was awarded the high definition of Alisher Navoi as a second in his time.

«Baburnama» is fundamentally different from all historical works written in medieval Central Asia and India in the extremely rarity of documents, the attractiveness of their language and style. Babur, describing historical events, does not look indifferent to the works of authors who have passed away before him. He narrates all events based on examples that he saw, knew or heard with his own ear, with a critical approach to the issue. This is not the definition of the masthur Al-qurghansdin Maqsud itself, the statement of vaqii it was, Ed. Lojaram father and brother every good and evil I rumored, edited and made every statement of guilt and craft from a relative and a stranger, edited[130].

Babur's masterpiece «Baburnama», as well as the graceful poems of its author, have been the focus of attention of World Scientists and public figures since those times until now. Jawaharla'l Neru spoke about the image of Babur and the work «Baburnoma» in his famous work "the discovery of India", saying "he (Babur) had called India a beautiful Dior, although in India he was extremely longing for Fergana apples, flowers, Sergo's food, mountains, glaciers and the weather. Although he spent most of his time in India in wars, at the same time he devoted himself to building luxury buildings in Agra. He was an extremely pleasant, courageous, courageous person who loved art, literature and life," he highly appreciated. "The famous English Orientalist

---

[130] «Baburnama», Tashkent, 1960, p.264.

A., who translated boburnoman into English. Beveridge admitted that this work should be placed among the most attractive literature written in all times. "Babur is the owner of a clean style in both prose and poetry," said the Indian scientist Abdul Latif. The assessment of the historical, literary and cultural value of «Baburnama» by Soviet Orientalists, including scientists from Uzbekistan, is also Benazir.

A worthy place in the treasury of the culture of the peoples of the world is the scientific and literary heritage of Babur, including his work «Baburnoma» is a gilded page of the history of the rich past of the Uzbek people.

Literature:

1.«Baburnama». Annet Beveric edition. London, 1905, page 22 A.
2.«Baburnama», Tashkent, 1960, p.264

БОБУР АСАРЛАРИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Авазязова Дилфуза Шавкатовна
Маъмун-Университети НТМ "Тарих ва психология" кафедраси катта ўқитувчиси.
avazyazovadilfuza1488@gmail.com

Аннотация. Бұл мақалада елге деген сүйіспеншілік сезімінің адам өміріндегі маңызы, Захириддин Мұхаммед Бабырдың ғазалдары мен рубаиларынан үзінділер елге деген сүйіспеншілік сезімін ашуға тырысады.

Түйінді сөздер: сезім, кеңістік, туған жер, эмиграция, поэзия, лирика, суретшілік, шеберлік, классикалық поэзия, өмірбаян

Аннотация. В данной статье значение чувства любви к Родине в жизни человека, отрывки из газелей и рубаев Захириддина Мухаммада Бабура пытаются раскрыть чувство любви к Родине.

Ключевые слова: чувство, пространство, родина, эмиграция, поэзия, лирика, артистизм, мастерство, классическая поэзия, биография.

Дунёдаги тирик мавжудотнинг барчаси сезиш қобилиятига эга, улар ташқи таъсирлардан, яъни иссиқ ва совуқдан, ёруғлик ва қоронғуликдан таъсирланади. Лекин ранг-баранг ва гўзал, юксалиб, камол топиб борадиган ҳис-туйғулар билан яшаш фақат инсонга хос. Соғлом фикрли инсонларнинг доимий равишда камолотга интилиб яшашининг боиси ҳам уларнинг ҳис-туйғуларининг яхши, мукаммал ва ибратли нарсалардан муттасил таъсирланиши билан боғлиқ. Инсон аниқ бир маконда яшайди. Бинобарин, унинг қалби таъсирланадиган нарса-ҳодисалар ҳам маълум бир жойда юз бергани учун улар ўша жой билан боғлиқ ҳолда хотирада муҳрланиб қолади. Оддий қилиб айтганда, ўша жой ўзининг табиий таъсирлари воситасида инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, унинг қалбини, ички дунёсини ҳам шакллантиради. Шунинг учун ҳам одамнинг ҳис-туйғулари, хотиралари, маънавий тарбияси, аввало, у туғилган, вояга етган Ватан билан боғлиқ. Ватанга муҳаббат ҳисси инсонга бир умр ҳамроҳ, ҳамнафас бўлади. Ватанга муҳаббат ҳиссининг моҳияти Биринчи Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: "Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни,

инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади".

Қадимда ота-боболаримиз узоқ ўлкаларга кетаётганларида бир сиқим юрт тупроғини рўмолчага тугиб олганлар. Улуғ инсонлар қалбидаги Ватанга интилиш туйғуси шунчалик кучли бўладики, улар нафақат тириклигида, балки бу дунёдан кўз юмганидан кейин ҳам она юрт тупроғига яқинроқ бўлишни орзу қилади. Шундай аждодларимиздан бири бу шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У нафақат ўз халқининг асл фарзанди, миллатнинг фахр-у ифтихори балки, илмий ва бадиий ижод оламида ва бутун бир дунё силсиласида ўчмас номини қолдириб кетган. Бобур лирикаси хусусида тадқиқотлар яратиш борасида амалга оширилаётган изланишлар билан бир қаторда етук ижодкорларнинг шоир сийратини акс эттирган намуналари ҳам Бобур шеъриятидаги Ватанга бўлган муҳаббат, ҳижрон ҳисларини ўрганишда муҳим манбаа ҳисобланади.

Шу ўринда адабиётшунос олим В.Раҳмоновнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз:„ Бадиий маҳорат бобида бирор ўзбек шоири Бобур билан беллаша олмайди. Унинг мумтоз шеъриятга дадил киритган таржимаи ҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеъриятини алоҳида нурлантириб туради. Ана шу кейинги хусусият шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига жон бағишлайди".

Филҳақиқат, Жавоҳарлаъл Неру:"Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни беҳад севарди, ҳаётдан ҳузур олишни яхши кўрарди" деганида минг бора ҳақ эди[2].

Дарҳақиқат, Бобур ижодига назар ташлар эканмиз, кўпгина шеърлари ҳасби ҳол мазмунида бўлиб, мавзу жиҳатдан ватан ва унга бўлган соғинч асосий ўринга чиқади. Унинг ижодида ўз ҳаёти билан бақамтилик сезилиб туради, шоҳ сифатида бошига тушган қийинчиликларни қоғозга туширади. Зеро, ватандан айролик, ватанига ҳукмдор бўлолмагани шоир наздида ўз "хато"ларидан бири эканлигини ёзади:

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Тарихий асарларга назар ташлар эканмиз, ўша даврда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий муҳит Бобурнинг юртда узоқ вақт ҳукмдорлик қилишига йўл бермаган. Бобурнинг ўзи хусусидаги юқоридаги айблови эса унинг ўзига нисбатан талабчанлигидан, камтар инсон бўлганидан далолат беради. У бениҳоят азият чекиб, ўзга юртга (аввал Кобулга) кетишга мажбур бўлади. Шоир бу ҳақда қуйидаги ғазалда шундай дейди:

Эл билмаса ҳолатим, билур ёр,
Ҳолимдин эрур Худой огоҳ.
Кобул сори гар азимат этсанг,
Қурбон қилай ўзни санга, эй шоҳ!
Бобур яна ўтлуқ оҳ чектинг,
Куйдурмасун элни оҳ ногоҳ!

Кўринадики, Бобур ҳаётидаги турли қийинчиликлар, қарама-қаршиликлар, гарчи у заковат бобида ҳам муносиб тарбия кўрган бўлса-да, унинг ақл чархини янада ўткирлаб, донишмандга айлантирди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, унинг кўпгина ғазалларида файласуфона руҳ яққол намоён бўлади:

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардир,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.

У Мовароуннаҳрни тарк этгач, ижодида Ватан мотиви янада кучайди, алоҳида ҳасратли мазмун касб этди. Эндиликда ватан тушунчаси ҳам, ғурбат ва ғариблик тушунчалари ҳам кенгаяди, конкретлашади. Шоирга она юртда қолган дўст-у ёр, хеш-у ақраболар ва ҳатто, туғилган ўлка табиати, ноз-у неъматлари Ватанни эслатади, унинг бир бўлаги сифатида соғинч билан орзу этилади, ардоқланади:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар сув.

Маълумки, Бобур адолатли подшоҳ сифатида, ҳукмрон бўлган юртларда ҳам адолатли сиёсат юритди. Халқни маърифатга, бунёдкорликка чорлади. Маънавий ҳаётга салбий таъсир этувчи омиллардан воз кечиб, жамият ҳаётида уларни таъқиқлаб қўйди. Ҳинд халқи ҳаёти ва маданиятининг гуллаб-яшнашига юксак ҳисса қўшди. Ўзининг илм-у ирфони билан маърифатни янада ривожлантирди. Аммо умр бўйи унинг хаёлини Ватан, унга бўлган интилиш банд этди:

Не ерда бўлсанг, ей гул андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибинға тараҳҳум айлагилким, андижонийдир.

Демак, Бобур ижодида ватан мотиви ғоят юксак аҳамият касб этади. Зеро, у ўзга юртда ошён қурган бўлса-да, ўз юртини, ўзлигини унутмаган чин ўзбек фарзандидир.

Маълумки, Шарқ шеъриятида ишқ мавзуи кўп ҳолларда бевосита ҳижрон ва айрилиқ мотиви орқали тасвирланади. Бу ҳолат Бобур шеърияти учун ҳам хосдир. Бобур фақат анъанавий ошиқликда эмас, инсон ва шоҳликда ҳам ҳижрон шоири. Унинг кўнглида ёрдан жудолик ҳислари билан эл-у юртдан айрилиқ ҳис туйғулари уйғунлашиб кетган. Шунинг учун унинг ғазал ва рубоийларда ҳижрон поэтик образ даражасига кўтарилган. Ҳатто шахслантирилган. Бобурнинг ҳасби ҳолидан пухта хабардор бўламан деган киши аввало шоирнинг ҳижрон ва ғурбат хусусидаги шеърларни атрофлича мушоҳада қилмоғи керак. Бобурнинг асосий ғаними ва уни доимий равишда қийновчи муҳолифи шафқатсиз ҳижрондир[1].

Ҳижрон ғамидин заиф жоним сўлди
Ғурбат алами бирла ичим қон бўлди.

Ёрдан жудолик, яқинлардан, молу давлатдан айрилиш албатта оғир. Бироқ ҳижроннинг энг азобли, энг оғриқлиси ватандан йироқлик. Бунда хусусан юртга қайта олмаслик туйғуси чинакам қийноққа айланади. Шу боисдан шоир олис Ҳиндистонда туриб айрилиқ азобларини тортар экан, тасаввурида “жон қуши” ҳижрон қафасида бўғилиб, ғурбат “азиз умрни” соат сайин кемираётгандай бўлади.

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин

Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Ҳақиқатда ҳам, “фироқу ғурбат”ни шарҳлаш, шарҳлаганда ҳам уни ниҳоясига етказиш мумкин эмас. Мана шунда шоирга гўё ранг ёрдамга келади. У ўзининг ҳолини сарғайган хазон япроғидан фарқламай қолади.

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола руҳ, бу чеҳраи зарди,

Мирзо Бобур қалб оғриқлари-ю, юрак дардлари ичра ўз қалбида бир юрт яратиб кетди. Бу Юрт, бу Мамлакат унинг “Бобурнома”си эди. Бугун адабиёт бўстонида “Бобурнома” аталмиш улкан мамлакат ичра мўжаз бир Ватан яралди[3]. Олис Ҳиндистон ўлкасида подшоҳлик қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз ҳам вафотидан сўнг ўз жисмини ушбу юртга эмас, балки Ватанига яқинроқ бўлган жой-Афғонистоннинг ҳозирги пойтахти бўлмиш Қобул шаҳрига қўйишларини васият қилган. Бу буюк аждодимизнинг муборак қабри ҳозир Кобул шаҳрида. Бобур туғилган юрт – Андижон шаҳрида эса мустақиллик йилларида унинг рамзий қабри ва улкан боғи барпо этилди. Ватан туйғуси инсондаги ворисийлик туйғуси билан узвий боғлиқ. Ворисийлик энг муҳим хусусият ва қадриятларнинг отадан болага аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтишини билдиради. Демак, Ватан туйғуси ҳам авлоддан авлодга ўтади. Масалан, ҳозиргина тилга олганимиз Бобур бобомиз ворислари-бобурийлар сулоласининг аксарият намояндалари ҳам ота юрти-Туркистон заминида яшамаган бўлсалар-да, ватан туйғуси уларни бу табаррук тупроққа чорлаб турган. Уларнинг бугунги авлодлари ҳам мана шу заминни ўзларининг тарихий Ватани деб билади. Бизнинг ота-боболаримиз ворислик анъаналарини сақлаш учун ўзларининг насл-насаб тарихи-шажарасини ёзиб борган.

Адабиётлар рўйхати:

1.Хосият Бекмирзаева. “Бобур шеъриятида ҳижрон тимсоли” https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/allomalar/zahiriddin-muhammad-bobur-1483-1530/
2.B.To’xliyev,B.Karimov,K.Usmonova.Adabiyot.10-sinflar uchun darslik-majmua.T.:”O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”.2017.113-sahifa
3.Sirojiddin Sayyid. Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur. – T.: “Sharq”,2008.165-sahifa

MANGULIKKA DAXLDOR

Abduraxmonova Dilraboxon Kodirjonovna, O`zbekiston, NamDU, katta o’qituvchisi
+998942751606 abdurakhmonova.dilrabokhon@inbox.ru

Annotatsiya: “Boburnoma”dek ulkan memuar asar bir necha asrlardan beri Sharqu G‘arbning benazir asari sifatida qabul qilingan va o‘rgana boshlangan. Qolaversa jahon kutubxonalari qo‘lyozma fondlarida saqlanayotgan noyob manbalar orasida “Boburnoma”dek salmoqli o‘rin egallaydigan boshqa bir manbani topish qiyin. Shulardan kelib chiqib, ushbu tadqiqot “Boburnoma” asarini jahon matnshunosligi kontekstida o‘rganishga qaratiladi. Tadqiqot ishimizda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoevning buyuk shoir va olim,mashxur davlat arbobi Z.M.Bobur tavalludining 540 yilligining keng nishonlash to‘g‘risidagi qaroridan kelib chiqib,

buyuk ajdodimiz asarlarini, ilmiy va ijodiy merosini mamlakatimiz va xalqaro miqyosda chuqur oʻrganish va targʻib qilish tamoyiliga asoslanib, uni bisyor xususiyatlari hamda fazilatlariga toʻxtaldik. Prezidentimizni Boburday insonlar, boqiylikka daxldorligini yana bir bor qayd etdik.

Kalit so'zlar: Mustaqillik, qomusiy alloma, milliy qadriyatlar, tarixiy shaxslar, ilmiy adabiy meros, Oburshohning fazilatlari, Boburiylar saltanati.

Аннотация: Грандиозное мемуарное произведение "Бабурнома" на протяжении нескольких столетий воспринималось и стало изучаться как бесценное произведение Востока и Запада. Кроме того, среди уникальных источников, хранящихся в рукописных фондах мировых библиотек, трудно найти другой источник, занимающий значительное место, чем "Бабурнома". Исходя из этого, настоящее исследование будет сосредоточено на изучении "Бабурномы" в контексте мирового текстоведения. В нашей исследовательской работе наш Президент Ш.М.Мирзиеевым великого поэта и ученого, выдающегося государственного деятеля З.М.В связи с решением о широком праздновании 540-летия со дня рождения Бабура, работы великого предка, основываясь на принципе глубокого изучения и популяризации его научного и творческого наследия в нашей стране и за рубежом, мы остановились на его уникальных свойствах и качествах. Мы еще раз отметили, что к бессмертию причастны такие люди, как Бабур, наш президент.

Ключевые слова: независимость, хомуси аллома, национальные ценности, исторические личности, научное литературное наследие, добродетели Бабуршаха, царство Бабуридов,

Istiqlol xalqimizga bir qator ulugʻ ne'matlar berdi.Mana shunday ne'matlardan biri shonli tariximizga, buyuk merosimizga munosabatning tubdan oʻzgarishi boʻldi. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimovning "**Asrlar mobaynida xalqimizni yuksak ma'naviyat, adolatparvarlik, ma'rifatsevarlik kabi ezgu fazilatlari Sharq falsafasi va islom dini ta'limoti bilan uzviy ravishda rivojlanadi va oʻz navbatida bu falsafiy-axloqiy ta'limotlar xam xalqimiz dahosidan bahra olib boyib boradi**. Bizning kelajagi buyuk davlatimiz ana shu falsafaga tayangan holda Xoja Agʻmad Yassaviy, Xoja Bahvouddin Naqshband, Imom al-Buxoriy, Imom at-Termiziy, Amir Temur, Mirzo Ulugʻbek, Alisher Navoiy, Bobur Mirzo singari mutafakkir ajdodlarimizning dono fazilatlari uygʻun holda shakllanishi lozim"[131] , – degan fikrlari milliy qadriyatlarimizni davr, zamon, istiqlol mezoni asosida tadqiq etishni taqozo etadi.

Mustaqilligimizning dastlabki yillarida Oʻzbekistonning sobiq birinchi Prezidenti I.A.Karimov BMTning yuksak minbaridan turib tariximiz va jahon sivilizatsiyasini rivojlantirishga bebaho hissa qoʻshgan, ma'naviyatimizga asos solgan allomalarimiz, ajdodlarimiz merosini oʻrganish zarurligini ta'kidlaganlar.[132]

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev davlat rahbari sifatida faoliyatlarining dastlabki kunidanoq buyuk tarixiy shaxslar nomlarini tiklash, vatandosh allomalarimiz, adib-ijodkorlarimiz merosini oʻrganish, nomlarini abadiylashtirish, ular bosib oʻtgan ibratli hayot yoʻllarini koʻrsatish orqali yoshlarimizni yurtga sodiq, xalq ishiga fidoiy insonlar

---

131 Каримов И.А.Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996. – Б.7-8.
132 Каримов И.А.БМТ Бош Ассамблясининг 48- сессиясидаги маъруза. – Тошкент: Ўзбекистон. 1993.-Б.6.

qilib tarbiyalashga katta e'tibor berdilar. 2016-yil 1-noyabr kuni Andijonda saylovchilar bilan bo'lgan uchrashuvda "Markaziy Osiyo tarixida siyosat aql-idrok bilan ma'naviy jasoratni diniy dunyoqarash bilan qomusiy bilimdonlikni ozida mujassam etgan buyuk arboblar ko'p bolgan va ular orasida Zahriddin Muhammad Bobur borligini uning nomi bilan har qancha faxrlansak, o'zbek xalqining dovrugini dunyoga tanitgan ulug' ajdodlarimizning biri o'laroq, ul zot bizni tariximizni qadrlashga, kelajakka buyuk ishonch bilan qarashga o'rgatadi", – deb aytgan dono o'gitlari Vatan taraqqiyoti, xalqning ma'naviy yuksalishiga butun umrini bag'ishlagan tarixiy shaxslarni ulug'lash borasida boshqalarga o'zlari ham ibrat bo'layotganliklarini ko'rsatadi.

Mamlakatimiz prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2016-yil 2-noyabr kuni Namangan viloyati saylovchilar vakillari bilan uchrashuvida ham qadimiy Axsikent tarixini o'rganish va Ibrat nomini abadiylashtirish, uning ilmiy-adabiy merosini xalqqa etkazish borasida amaliy ishlarga kirishildi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 16-oktyabrdagi "Namangan viloyatining To'raqo'rg'on tumanida "Axsikent" arxeologiya merosi obyektini muhofaza qilish va tadqiq etish yodgorlik majmuasini tashkillash togrisida" gi qarori, Axsikentning haqqoniy tarixini yoritish mazkur hududni xalqaro turizm maskaniga aylantirish, Axsikentdan yetishib chiqqan olimlar hayoti va faoliyatini o'rganish, ilmiy-badiiy merosini xalqqa yetkazish, dunyo muzeylari. kutubxonalarida saqlanayotgan Axsikentga oid osori atiqalarni aniqlash kabi keng ko'lamli vazifalarning qo'yilishi, 2019-yil 12-avgustga kelib "Axsikenth" Xalqaro ilmiy-tadqiqot jamoa birlashmasining tashkil qilinishi, davlatimiz rahbarining Bobur Mirzo shaxsiga nisbatan ehtirom bilan yuqorida aytgan so'zlari xalqimizning o'lmas qadriyatlariga, buyuk ajdodlarimiz qoldirgan ilmiy adabiy merosga bo'lgan yuksak hurmat e'tibor ning yorqin timsolidir

Bobur Mirzoni ulkan davlat arbobi sifatidagina emas, qomusiy alloma, mumtoz shoir sifatida ham cheksiz qadrlaymiz. Z.M.Bobur dunyo tarixida ilm-ma'rifat bobida takrorlanmas iz qoldirgan buyuk hukmdor va alloma sanaladi. Bobur hazratlarining nomini nafaqat O'zbekiston xalqi, balki Markaziy Osiyo xalqlari faxr bilan tilga oladilar. Darhaqiqat, yangi O`zbekiston bizni ana shu tarixni chuqur o'rganishga, o'zligimizni anglashga keyin imkoniyatlar bermoqda. Natijada jahon tamadduniga munosib hissa qo'shgan Z.M.Bobur singari ulug' ajdodlarimiz faoliyati va merosining pinhon yotgan qirralari bilan oshno bo'lish sharafiga muyassar bo'lmoqdamiz. Unday insonlar, buyuklikda yakto, yoxud sohibi saltanatdir. Ular mangu boqiylikka daxldor.

Qarorda Bobur Mirzo merosiga mansub qolyozma, qadimiy kitoblar, san'at asarlari, xorijiy mamlakatlarda saqlanayotgan Z.M.Boburning hayoti, ilmiy ijodiy merosi hamda u yashagan davrga oid noyob qolyozma asarlar va boshqa madaniy boyliklarni aniqlash, ularning nusxalarini O'zbekistonga olib kelishi va tadqiq qilishni davom ettirish, G'arb sharqshunoslarining Z.M.Bobur haqidagi noyob fikrlarini o'rganish, qayta tarjima qilinayotgan tadqiqot ishlariga e'tiborni qaratish masalalari kotarilgan. Ushbu tadqiqot ishimizda Z.M.Boburni fazilatlariga etib bor e'tiborni qaratish bilan birga, evropa sharqshunosr olimlarining roman, ilmiy maqolalar hamda "Bobur hayotidan" yaratilgan asarlardan e'tiboringizga uning xususiyatlarini havola qilyapmiz.

Xususiyat bisyor ekandur….

1. Javoharlal Neru: “Bobur - dilbar shaxs uyg’onish davrining tipik hukmdori mard va tadbirkor shaxs bo‘lgan.U san’atni adabiyotni sevgan, hayot nafosatidan lazzatlana bilgan. Nabirasi Akbar, ya’na ham dilbarroq va ko’p yaxshi fazilatlarga ega bo‘lgan Boburning Hindistonga kelishi tufayli Hindistonda buyuk o‘zgarishlar sodir bo‘ldi, san’atda, hayotda me’morchilikda va madaniyatning boshqa sohalarida o‘zgacha go’zal taraqqiyot yuz berdi“.

2. Javoharlal Neru: ”Bobur jozibador shaxs bo‘lib, uyg‘onish davriga xos hukmdor sifatida jasur va uddaburon edi. U ajdodlari kabi ommadan ajralib qolgan va diniy mutaassiblikka berilmagan. Bobur san’at adabiyotga qiziqib, o’zi ham fors tilida she’rlar bitardi.

3. “Tarixi Rashidiy” kitobining muallifi Mirzo Haydarning ta’kidlashicha, “Boburshoh”ni juda kop fazilatlar fayziyob etgan bolib, u behisob olijanob xislatlarga burkangan ediki, u zotning mardligi va saxovatpeshaligi hamma xislatlardan ustun turar edi”. Boburshohning fazilatlari qizi Gulbadanbegim tomonidan yozilgan “Humoyunnoma” asarida batafsil tasvirlab berilgan.

4. “Boburshohning me’muarlari, – deb yozadi Hindiston tarixchilaridan biri, o‘z tabiatiga ko‘ra yagona asar bo‘lib, unda ulug‘ turk hukmdori hayoti qadam-baqadam hikoya qilib berilgan. Asarda shohning fikr va kechinmalari hech qanday yashirilmasdan, beg`arazlik bilan ochiqchasiga sharhlangan. Hikoya usuli esa ravon va o’qigan kishiga tushunarlidir. Ayrim joylarda esa voqealar quvnoqlik va mohirona tasvir bilan hikoya qilinadiki, bu asar etuk,sinchkov kishining asari ekani sezilib turadi. U o’z zamondoshlari va hamyurtlarini shunday ustalik bilan tariflaydiki ularning ko’rinishlari, xatti-harakatlari, odatlari va qiliqlari oynada ko‘ringandek aks etib turadi. Shu nuqtai nazardan qaraganda, bu o’sha davrdagi Osiyo tarixini togri va to’la aks ettirgan asardir”.

5. Atoqli hind shoiri G‘ulom Rabboniy Tovon 1983-yili Respublikamizda bo’lib, Boburning yurti Farg‘ona vodiysiga safari davomidagi ko’cha kuzatuvlarini shunday yakunlaydi. Mashhur “Boburnoma”da Farg’ona vodiysining to’kin-sochin bog’-rog’lari, zumrad dalalari, mehr-muhabbat bilan tarif etilganligini kopchiligimiz o’qiganmiz, lekin vodiyning shu kunlaridagi qiyofasini ko‘rib, lol qoldik. Uning tasviriga qalamimiz ojiz.”

6. Hind olimlari H.K.Sing, A.U.Banerji: “Uning uslubi sodda va jozib, shu bilan birga jonli va shirali. Bobur vatandoshlari va zamondoshlari tarjimai holini, ma’naviy qiyofasini, urf-odatini, orzu-istaklarini hamda ishlarini xuddi ko‘zgu kabi aks ettiradi. Bu xususda “Boburnoma” Osiyoda haqiqiy tarixiy tasvirning yakkayu-yagona namunasidir”,

7. Manstyuart Elfiniston: ”Bobur sharqning Yuliy Sezaridir”.

8. Ingliz tarixchilaridan yana biri va davlat arbobi M.Elfiniston: “Boburnoma” Osiyoning haqqoniy tarixini aks ettiruvchi qomusdir”, – deb baholaydi.

9. Ovrupalik tarixnavis: Gavel esa Boburshohni “Islom dunyosi” tarixidagi eng jozibador shahslardan edi”, – deb ta’riflaydi.

10. “Boburnoma”ni ingliz tiliga birinchi tarjima qilgan ingliz olim. U Erskinl shunday deb yozadi: “Hukumdorlar orasida Bobur singari daho va iste’dodli siymolarni kamdan-kam uchratasiz. Uning donoligi, iste’dodi, mardligi, sahiyligi jihatidan fanga, san’atga va ulardan mohirona foydalana olish salohiyatiga kora unga teng keladigan podshoh topilmaydi.”

11. V.Erskin Imperator Boburni shunday tariflaydi: ”Kamdan-kam uchraydigan sahiyligi, mardligi, iste’dodliligi, fanga, san’atga muhabbati va ular bilan muvaffaqiyatli shug‘ullanishi jihatidan qaraganda, Osiyodagi podshohlar ichida Boburga teng keladigan bironta ham podshoh topolmaymiz”

12. Ingliz tarixchisi Leyn Pull: “Boburnoma”-“Muhim tarixiy hujjatdir”

13. Amerikalik olim C.M.Berk: “Diniy e’tiqodga ko`ra Bobursho ham hanafiy oqimidagi sun’iy maslahatga mansub musulmon edi va Q’ur’oni karim oyatlarini yod bilar va ularni tahlil qila olardi. U Allohga sadoqatli va iymon-e’tiqodli banda bolib, hayotidagi yaxshilik va yomonlik alomatlarini Tangri taoloning inoyatidan deb bilardi”.

14. Zahriddin Muhammad Bobur davlat arbobi bolish bilan birga, madaniyat. adabiyot va til sohalarida ham zamonasining yetuk shaxsi sifatida dunyo tarixidagi allomalarning eng peshqadamlari safidan munosib joy oldi. Zahriddin Muhammad Bobur asarlari tariximizdan tor tilimizgacha bo‘lgan sohalarni qamrab olgan turkiy tilni klassik holga keltirgan ulug‘ siymolardan biridir. Uning asarlari birgina chig’atoy adabiyotidagina emas, balki butun turkiy xalqlar adabiyoti va tilining shoh asarlaridandir” (Turkiyalik doktor Bilol Yujel)

Boburning fazilatlari qizi Gulbadanbegin tomonidan yozilgan “Humoyunnoma” asarida batafsil tsvirlab berilgan. Ingliz tarixchisi C.Leyn Puul Boburni “Sharq tarixidagi eng mamtunkor shaxs edi”, – deb ta’riflaydi. Bunday ta’riflarni yana ko’plab keltirishimiz mumkin.

Boburning inson sifatidagi xislatlari haqiqatdan ham maqtovga sazovordir. U jismonan baquvvat kishi bo‘lib, qal’a devori ustida ikki kishini qo’ltiqlab olib to‘siqlardan bemalol o’ta olar edi. Hindistonda duch kelgan har qanday daryodan qiynalmay suzib o’tar, may va chilim chekishni yaxshi ko’rardi. Shunga qaramay uning vujudi umrining oxirigacha beshikast yurdi. Ibrohim Lo‘diyning onasi bergan zahar ham uning jismiga katta zarar yetkaza olmadi.

Bugungi kunda Bobur ijodi mazmun-mohiyati jahon tarixining bir qismi bo’lgani uchun ham olimlar o’rtasida bu asarni o’rganish tobora ortib bormoqda. Olmoniyada ham bugungi kunda “Boburnoma”ning o’rganishga bo’lgan qiziqishni ko’rishimiz mumkin. O’zi o’zbekistonlik, lekin Olmoniyada yashab ijod qilayotgan tarixchi X.Dalov tomonidan “Boburnoma”ning ikki marta nemis tiliga tarjima qilinganligi fikrimizni isbotidir.

Olmon tarixchisi X.Dalovning fikricha: Boburning ”Boburnoma” asari o’zining ahamiyati bilan o’sha davrning boshqa yozuvchi va shoirlari ijodidan yuksakroqdir. Shuning uchun ham uning ijodi odamlar qalbida saqlanib qolgan.

Xulosa sifatida shuni qayd etish mumkinki, “Boburnoma” asari xususiyatlari undagi so’z va iboralar xalq donishmandchiligining namunasi sifatida hozirda juda katta tarbiyaviy ahamiyatga egadir. Ushbu didaktik materiallar hozirda yaratilgan va yaratilayotgan maqollar, matallar hamda hikmatli so’zlar bilan birgalikda ma’naviy boyligimizning qimmatbaho xazinasini tashkil etadi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Abdurakhmonova , Dilrabo. Translations of “Boburnoma” are a Treasure trove of data| Frontline Social Sciences and History Journal (frontlinejournals.org) (ISSN –2752-018)VOLUME02ISSUE02 Pages:47

2.Babur, S.M.. Babur-name. Deutsche Übersetzung von Helmut Dalov. Herstellung und Verlag: BoD, Norderstedt, 2002.
3.Гумбольдт В.фон. Избранные труды по языкознанию. – Прогресс, 2000 - с 38
4.Нафасов Т. Бобур – номшунос. Бобур ва ўзбек миллий ... Б.39.
5.Отажонов Н. Жаҳонгашта "Бобурнома" Тошкент, 1996
6.Холбеков М. «Узбекско-французские литературные взаимосвязи» (в аспекте перевода, критки и восприятия). Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Ташкент, 1991
7.Хондамир, Ғиёсиддин. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент, 2015. – Б. 99.
8.Babur S.M. Babur-name. Deutsche Übersetzung von H. Dalov.
Produktion und Herstellung: Pro-Business GmbH, Berlin,2016.
9. Кошифий, Ҳусайн Воиз. Футувватномаи Султоний..... – Б. 66–67
10. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент, 1991. – Б. 146.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2019. – Б. 190.

BOBUR FAOLIYATINING TANGALARDAGI AKSI

Ismoilov Shohruxmirzo Zakirjon o'g'li
ishohruxmirzo@gmail.com
Matniyozov Sarvarbek San'atbek o'g'li
Ma`mun-Universiteti, "Tarix va psixologiya" kafedrasi o`qituvchilari
sarvarbekmatniyozov@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada Zahiriddin Muhammad Boburning Samarqandni egallashi va hukmronlik qilishning uchta davri davomida zarb qilingan tangalar va ularning turlari, shu davrdagi siyosiy vaziyat kabi masalalar ilmiy adabiyotlar asosida ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: Kumush tanga, Samarqand, lavha, xalifa, tanga, muhr, rupiya, pis, paya.

Аннотация. В данной статье на основе научной литературы рассматриваются такие вопросы, как монеты, отчеканенные в течение трех периодов оккупации и правления Самарканда Захириддином Мухаммадом Бабуром и их виды, а также политическая ситуация этого периода.

Ключевые слова: Серебряная монета, Самарканд, тарелка, халиф, монета, печать, рупия, пис, пайя.

Аннотация. Ғылыми әдебиеттерге негізделген бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың Самарқандты жаулап алған және билеген үш кезеңіндегі соғылған теңгелер мен олардың түрлері, осы кезеңдегі саяси жағдай сынды мәселелер қарастырылған.

Негізгі сөздер: Күміс тиын, Самарқанд, табақ, халифа, тиын, мөр, рупий, пис, пая.

Bilamizki, XV asrda Movorounnahr va Xuroson hududlari Temuriylar sulolasi hukmronligi ostida edi. Temuriylar saltanati davrida Samarqand shahri gullab-yashnadi. Ammo, Temurning vafotidan so'ng shaxzodalar o'rtasidagi taxt uchun kurash avj oladi. XV asrning oxirlariga kelib, Temuriylar davlati 10 dan ziyod mustaqil hududlardan iborat bo'lib, ularning har birida sulola vakili hisoblangan shaxzodalar hukmronlik qilar edi. Shunday bir sharoitda, otasining o'limidan so'ng yiqilish arafasida bo'lgan saltanat taxtini egallagan Bobur barcha shaxzodalar kabi Amir Temurning poytaxti bo'lgan Samarqandni egallashni hoxlar edi. Bu shaharga

"Boburnoma" asarida shunday ta'rif beriladi. *"Samarqand shahri – ajoyib orasta bir shahardir. Bu shaharning bir hususiyati borki, bunaqasi kamdan- kam shaharda bo'ladi, ya'ni har hunarmandning alohida bozori bor, bir-biriga aralashgan emas, bu qiziq rasmdir. Yaxshi novvoyliklari va oshpazliklari bordir. Olamda yaxshi qog'oz Samarqanddan chiqadi. Qog'oz juvozlariga suv butkul Konigildan keladi. Konigil-Siyohob yoqasidadirki, bu Qorasuvni Obirahmat ham deydilar".*

Temuriy shahzoda, shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur ana shunday g'ozal shaharni egallashga bir necha bor urib ko'radi. Taqdir taqozosi bilan Bobur Samarqandni uch marta egallashgan muvaffaq bo'ladi. Lekin har gal bu yurtni tashlab chiqib ketishga majbur bo'ldi. Hijriy 901 (1495-1496) yili shavval oyida Buxoro va Hisor sultonlari bila birgalashib, Bobur Samarqand qamalida qatnashdi. Uch-to'rt oy davom etgan qamal natija bermadi. Qish havosi sovuq, shahar mudofaasi kuchli edi. Qamal qilganlar hech narsaga erisha olmay, o'z yurtlariga qaytdilar. Biroq hijriy 903 (1497-1498) yili Samarqandda yuz bergan siyosiy boshboshdoqlikdan foydalangan Bobur Samarqandni egallaydi. "Boburnoma"da Samarqand taxtiga o'tirganligi haqida shunday yozilgan: "Samaqand taxtiga o'lturg'och, Samarqand beklarini burungudek o'q rrioyat va inoyat qildim. Bizning bila bo'lg'on beklarni ham faroxo'ri hollariga yarasha tarbiyat va shafkat qildim. Sulton Ahmad Tanbalning borasig'a rioyat ko'prak voqe bo'ldi. Ichki beklar chargasiga edi, ulug' beklar chargasida rioyat qildim. Samarqandikim, yetti oy muhozara qilib, tashvishlar bila olduk, avval kelganda cherik eliga o'lja- mo'ljadek nima tushub edi. Bir Samarqanddin o'zga jami viloyatlar mahga kirib edi , yo Sulton Ali mirzog'a bu kirgan viloyatlarni topib bo'lmas edi. Muncha talon-taroj tortg'on viloyatlardin nima olmaq xud nechuk muyassar bo'lg'ay edi". Birinchi turdagi kumush tanganing old tomoni markazida gulsimon lavha ichida "لا اله الا\الله محمد\رسول الله" ya'ni, "Allohdan o'zga iloh yo'q. Muhammad uning Rasulidir" jumlasi bitilgan. Lavhaning to'rt tomonida esa to'rtta xalifaning nomi "ابو بكر الصدّيق" (Abu Bakr Siddiq), "عمر الفاروق" (Umar Al-Faruq), "عثمان بن عفان" (Usmon ibn Afon) va "علي المرتضي" (Ali Al-Murtodiy) ayrim imloviy qisqartmalar bilan berilgan. Tanganing orqa tomonida esa, "ضرب السلطان الاعظم ظهر الدين محمد بابر بهادرخان حلد الله تعالئ ملكه و السلطانية سمرقند 903" ya'ni, "Buyuk Sulton Zahiriddin Muhammad Bobur Bahodurxon tomonidan zarb qilindi. Alloh uning hokimyati va mulkini abadiy qilsin. Samarqand 903" jumlasi yozilgan. Bunday tangalar odatda 4,5-5 gram og'irlikda bo'lib, diametri 32 millimetrgacha bo'lgan[133].

1-rasm. Boburning Samarqandda hijriy 903 -yilda zarb qilgan tangasi

Bu davrda zarb qilingan ikkinchi turdagi tangalar esa, odatda o'zidan oldin Samarqandda yoki unga yondosh hududlarda hukmronlik qilgan boshqa temuriy hukmdorlar tangalariga o'z muhrini bosish orqali zarb qilingan. Hozirda Boburning Boysung'ur Mirzo, Sulton Ali Mirzo, Sulton Ahmad va Sulton Husayn Bayqaro tangalariga o'z muhrini bosgan holda qayta zarb qilingan tanga turlari mavjud. Mazkur

[133] https://www.zeno.ru/showphoto.php?photo=260616&cat=19351&ppuser=&sortby=d&way=desc

muhrlar ham bir shaklda bo’lmasdan yaproqsimon, to’rt gulbargli gulsimon, besh gulbargli gulsimon shakllarda. Mazkur muhrlarda Bobur "عدل بابر الغازي" (Adli Bobur G’oziy), "عدل السلطان ظهر الدين 903" (Adli as-Sulton Zahraddin. 903), "فتح 903" (fathi. 903) jumlalarni ko’rishimiz mumkin.

2-rasm. Boburning tangalarda qayd qilingan muhr turlari

“Boburnoma”da Samarqand taxtiga o’tirganligi haqida shunday yozilgan : “Samaqand taxtiga o’lturg’och, Samarqand beklarini burungudek o’q rrioyat va inoyat qildim. Bizning bila bo’lg’on beklarni ham faroxo’ri hollariga yarasha tarbiyat va shafkat qildim. Sulton Ahmad Tanbalning borasig’a rioyat ko’prak voqe bo’ldi. Ichki beklar chargasiga edi, ulug’ beklar chargasida rioyat qildim. Samarqandikim, yetti oy muhozara qilib, tashvishlar bila olduk, avval kelganda cherik eliga o’lja- mo’ljadek nima tushub edi. Bir Samarqanddin o’zga jami viloyatlar mahga kirib edi , yo Sulton Ali mirzog’a bu kirgan viloyatlarni topib bo’lmas edi. Muncha talon-taroj tortg’on viloyatlardin nima olmaq xud nechuk muyassar bo’lg’ay edi”.

Ikkinchi marta Samarqand 1500-yil kuzida egallandi. Boburning Samarqandni ikkinchi marta egallagan vaqtida yagona tipdagi tangasi bizga ma’lum bo’lib, uning 4.75 gram, diametri 26 millimetrga teng bo’lgan. Tanganing old tomoni yuqorida keltirilgan tanganing old tomoni bilan bir xil bo’lsa orqa tomoni markazidagi kichik lavha ichida tanganing zarb qilingan vaqti va sanasi "ضرب سمرقند سنة 907" ya’ni “907-yilda Samarqandda zarb qilingan” ma’nosidagi jumla keltirilgan[134]. Mazkur lavhaning atrofida aylana shaklda "ضرب السلطان الاعظم ظهر الدين محمد بابر بهادرخان حلد الله تعالئ ملكه و السلطانية" jumlasi keltirilgan.

Lekin 1501-yilning aprelida Saripul qishlog‘i yonidagi jangda Bobur Shayboniyxon qo‘shinidan yengildi. Samarqandni tashlab ketishga majbur bo’ldi. 1504-yili Shayboniyxon Andijonni ham qo’lga kiritgandan so‘ng, Bobur janubga qarab yo‘l oldi va shu yilning sentabrida Kobul ulusida o‘z hokimiyatini o‘rnatdi. Bobur Kobulda obodonchilik va bunyodkorlik ishlarini boshlab yuborib, el-yurtning hurmatiga sazovor bo’ldi.

134 https://www.zeno.ru/showphoto.php?photo=269341

3-rasm. Boburning hijriy 907-yilda (mil.1500) Samarqandda zarb qilgan tangasi

Shayboniyxon Xuroson hududlarini egallagach, Eron hukmdori Shoh Ismoil bilan to'qnashishi muqarrar bo'lib qoldi. 1510-yilda Marv yaqinida bo'lgan jangda Ismoil g'alaba qozondi. Bu voqea Boburning yana Samarqand taxtini egallashiga imkoniyat yaratadi. 1511-yilda Bobur Mirzo Shoh Ismoil yordamida uchinchi marta Samarqand egalladi, lekin bu safar Samarqand xalqi islomning shia oqimiga e'tiqod qiluvchi safaviylar madadiga tayangan Boburni qo'llab-quvvatlamadi.

Bobur tomonidan 1511-1512-yillarda Samarqandda chiqarilgan tangalarda parvoz paytida qanotlari yoyilgan suv qushi tasvirlangan. O'rta asrlarda yorug'lik, farovonlik g'oyasi sifatida qabul qilingan uchayotgan qush tasviri notinch davrda Samarqandda umid uyg'otish uchun mo'ljallangan deb taxmin qilish mumkin.

Bobur savdo-sotiqni rivojlantirishga ham katta ahamiyat berib, tarkibida qattiq oltin va kumushdan iborat yagona valyuta tizimini joriy qildi. Oltin tanga Muxur, kumush - Rupiya, mis - Pis va eng kichik pul - Paya - bu tangalarning barchasi Buyuk Akbar hukmronligi davrida ishlab chiqarilgan. Rupining 970-standarti va og'irligi 11,534 gramm bo'lgan va bu ko'rsatkichlar Britaniya hukmronligi o'rnatilgunga qadar o'zgarmagan.

Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rinadiki, Boburning siyosiy faoliyatini nafaqat tarixiy manbalar orqali balki, numizmatik ashyolar yoki tangalar orqali ham tadqiq qilishimiz mumkin. Qolaversa, Bunday siyosiy vaziyatda Bobur davlatining iqtisodiy imkoniyatlari va saltanatda tanga-pul tizimining shakllanish jarayonini o'rganishimiz mumkin. Boburning birinchi marta Samarqandni egallagan vaqtida boshqa temuriyzodalarning tangalaridan foydalangan holda o'z tangalarini zarb qilingani u o'sha paytdagi og'ir siyosiy vaziyatda iqtisodiy imkoniyatlardan to'lig'icha va oqilona foydalanganligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Брагин А.О, Батраков О.А. Монетный чекан 907 г.х./1501 г. Захир ад-дина Мухаммад-Бабура в Самарканде// Расмір: Східна Нумізматика. ІІІ Міжнародна наукова конференція: збірник наукових праць конференції. - Київ: Альфа реклама, 2016. - С.42-46.
2.B. J. Eshov, A. A. Odilov. O'zbekiston tarixi. II kitob. – T. «Donishmand ziyosi». 2020. – b 147.
3.Бабур. Бабур-нома. Пер. М.Сальe. –Т.: 1993. –с 463
https://www.zeno.ru/showgallery.php

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING PSIXOLOGIK QIYOFASI

Fozilova Sabohat Nodir qizi
Ma'mun-universiteti "tarix va psixologiya "kafedrasi o'qituvchi
fozilovasaboxat171@gmail.com

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабыр тұлғасының ағылшын, француз, үнді және өзбек әдебиетіндегі интерпретациясы қарастырылады. Зерттеу барысында аталған халықтар авторларының әдеби шығармалары кеңінен талданады. Бабырдың ұл, аға, күйеу, әке ретіндегі тұлғасы салыстырмалы түрде суреттеледі. «Бабурнома» еңбегінен Захириддин Мұхаммед Бабырдың тұлғалық ерекшеліктерін анықтауға болады.

Түйін сөздер: Захириддин Мұхаммед Бабыр, түріктер, тұлға, қасиеттер, тарихнама, Бабыр әулеті, қолбасшы, патриот.

Аннотация. В данной статье рассматривается трактовка личности Захириддина Мухаммада Бабура в английской, французской, индийской и узбекской литературе. В ходе исследования широко анализируются литературные произведения авторов этих народов. Личность Бабура как сына, брата, мужа и отца описывается в сравнительной манере. По произведению «Бабурнома» мы можем определить личностные характеристики Захириддина Мухаммада Бабура.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, тюрки, личность, качества, историография, династия Бабур, полководец, патриот.

“U turli go‘zal fazilatlar, maqtovga loyiq sifatlarga ega podshoh edi. Barcha sifatlari ichida shijoat va muruvvatpeshaligi ustun kelar edi”.
“Tarixi Rashidiy”dan.

Butun dunyoga tengsiz shoh va sarkarda, Hindistonda yangi davlat asoschisi, adabiyot va san’at sohibi sifatida tanilgan bobomiz Zahiriddin Muhammad Bobur tarixchi olimlar, adabiyot arboblari ijodida mustahkam o‘rin tutgan. Bobur hayoti va ijodiga oid kitoblarni o‘rganar ekanmiz, buyuk bobomizning tarixda qoldirgan izlari nafaqat o‘zbek olimlari, balki G‘arb adiblarini ham yuzlab yillar davomida o‘ziga jalb etganiga guvoh bo‘lamiz. So`nggi temuriy shahzodalardan Zahiriddin Muhammad Boburning jozibador shaxsi, jo`shqin hayoti va faoliyati, insoniy fazilatlari, jahon faniga qo`shgan hissasi hamda avlodlariga bag`ishlab ko`plab ilmiy-tarixiy, badiiy asarlar yaratilgan. Ta’bir joiz bo`lsa, jahon tarixnavislik ilmida “Eng ko`p va xo`p” o`rganilgan vatandoshimiz ham Boburdir. Quyidagi maqolani yozishda biz Zahiriddin Muhammad Boburning psixologik qiyofasini yaratishga harakat qildik. Juda ko’plagan asarlarda ijodkorlar tamonidan Bobur shaxsiga ta’riflar berilgan.

Ma’lumki, Bobur haqidagi asarlar jahon va o‘zbek adabiyotida o‘ziga xos badiiy tizimni tashkil etadi. Xususan, o’zbek adiblaridan P.Qodirov, X. Sultonov va Flora Anna Still, Stefan Meridith Edvards, Muni Lalning ingliz nasridagi qissa va romanlari, 1995-yili “Cho`lpon” nashriyotida ingliz tarixchisi U.Erskinning “Bobur Hindistonda” asari, hind tarixchisi L.P.Sharmaning 1988-yili Dehlida bosilgan “Boburiylar saltanati” asari, amerikalik olim S.M.Berkning “Akbarshoh – boburiylarlarning eng buyugi” (Berk Akbarshoh shaxsiyati va faoliyati misolida Hindistonga Bobur asos solgan, jahon tarixiga, “Buyuk mo`g`ul imperiyasi” nomi bilan kirgan saltanatning mustahkam tomir yozish jarayonini tasvirlaydi) asarlarida Boburga zamondosh tarixchilarning qo`lyozmalari, Hindiston tarixiga oid tadqiqotlar, XX asrning jahonga mashhur olim va tarjimonlarining asarlarida Boburning butun hayot yo`li, bolalik, o`spirinlik, yigitlik

yillari, tashvishli kunlari, hukmronlik faoliyati, diniy-falsafiy qarashlari, davlatni boshqarish usuli, madaniyat va san'atga munosabati singari masalalar tasvirlangan[2]..

Amerikalik tadqiqotchi Berk Boburga bergan qisqa va lo`nda tavsiflarida ulug` siymoning hayot yo`li, davlatchilik tarixidagi xizmatlari va shaxsiyatidagi eng muhim jihatlarni muxtasar tarzda yoritishga erishgan. Muallif Boburning hukmronlik siyosati xususida shunday yozadi: "Boburshohning fikricha, fotihlik va hukmdorlik ishida yuz ming usul qo`llasa ham haq va zarur hisoblanadi. Biroq bosib olingan yerlarni, ayniqsa, bu o`lkalarni o`z saltanati tarkibiga kiritish rejalashtirilgan bo`lsa-da, u g`olib askarlar mag`lublar mulkini talon-taroj qilishiga mutlaqo yo`l qoymasdi". "Boburnoma" haqidagi fikrlar ham diqqatga sazovor: "Men bor haqiqatni yozdim", deydi muallif va haqiqatan ham u o`zining kamchiliklari, omadsizlikka olib kelgan noto`g`ri xatti-harakatlarini o`quvchidan yashirmaydi.

Bobur hayoti va ijodi Fransiyada ham keng o`rganilgan bo`lib, Fransiya ilm ahliga Zahiriddin Muhammad Bobur va "Boburnoma" haqida dastavval ma'lumot bergan fransuz sharqshunosi Bartoleme D'Erbelo (1621-1695) hisoblanadi. D'Erbelo o`zining "Sharq kutubxonasi" (La Biblioteque orientale. Paris, 1967) qomusidagi "Bobur yoki Bobar" nomli maqolasida Boburning hayoti, uning davlati va sarkardalik mahorati, adabiyot va san'atga qiziquvchi ilg`or fikrli kishi bo`lgani haqida ma'lumot beradi.

"Boburnoma"ni fransuz tiliga tarjima va tadqiq qilishga sharqshunos Anri Jyul Klaprot (1783-1835) birinchilardan bo`lib harakatni boshlaydi. 1824-yil A.Klaprotning, "Sulton Bobur yohud "Boburnoma" tarixiga oid kuzatishlar" nomli maqolasi omma e'tiboriga havola etadi. Markaziy Osiyo va Sibirda yashagan xalqlar tarixi, madaniyati va adabiyotini yaxshi bilgan Klaprot Yevropa sharqshunosligida "Boburnoma" xususida ilk bor to`laqonli fikr yuritgan edi. Shundan so`ng 1854-yili Parijda "Hozirda va qadimda yashagan tarixiy shaxslar hayoti" nomli katta kitob chop qilinadi[1]..

XX asrda ham fransuz sharqshunoslari tarafidan Zahiriddin Muhammad Bobur merosini o`rganish, "Boburnoma"ni tarjima qilish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Fransuz adiblarining Bobur hayoti, ijodi va "Boburnoma" kitobi haqida umumiy ma'lumot beruvchi maqolalari ko`paydi. 1930-yili fransuz olimi Fernard Grenardning "Bobur. Hind imperiyasining asoschisi" (Baber. Fondateur de l'Empire des Indes. – Paris: 1930, 179 p) nomli risolasi nashr etildi. Kitob 10 bobdan iborat bo`lib, unda Boburning bolalik vaqtidan to umrining so`nggi davriga qadar boshidan kechirgan voqealar tarixiy-badiiy asnoda hikoya qilingan. Grenardning ushbu risolasi "Boburnoma"ga hamohang bo`lib, undagi voqealarga monand keluvchi ilmiy-ommabop ocherklardan, Boburning Samarqandni tashlab chiqqan, Andijonni qo`ldan chiqargan paytdagi holatini quyidagicha tasvirlaydi: "Orzu-umidlari chilparchin bo`lgan Bobur orqaga qaytadi. Bahor fasli edi, u tog`asi yurti (Toshkent-M.X) tomon yo`l oldi. U ezilgan ko`ngliga taskin berish niyatida o`zining quyidagi misra bilan boshlanuvchi g`azalini bitadi:

Jonimdan o`zga yori vafodor topmadim,
Ko`nglumdan o`zga mahrami asror topmadim.

Boburning Hirot va Kobuldagi hayoti Grenard kitobida bir muncha jonli tasvirlanadi. Bu yerda Bobur taxtu toj uchun jangtalab sohibqiron emas, balki nozikta'b va dilbar shoir qiyofasida ko`rinadi[4]..

Shuningdek, hind olimi, Kashmir universiteti professori Muhobbul Hasan "Boburnoma" hususida fikr bildirarkan, bu asarning Boburshoh shaxsiyati va davlat tizimini o`rganishidagina emas, balki Hindiston tarixi, geografiyasi va madaniyati, o`tmishini o`rganishda ham qimmatbaho manba ekanini, Hindistonni, uning xalqi hayotini tasvirlashda muallif idrokining naqadar o`tkirligini ta'kidlab o`tadi. "Boburga qadar bironta musulmon tarixchisi yoki geografi (al-Beruniydan mustasno) Hindistonni bu qadar jonli va to`g`ri tasvirlagan emas", deydi muallif. Shuningdek, shoh Boburning o`z fuqarosi – hind xalqi bilan do`stona muomalada bo`lganini, hindlar ham shoh tuzumidan mamnun yashaganliklarini ko`p bora ta'riflab o`tadi.

Hindistonning buyuk davlat arboblaridan Javoharla'l Neru "Bobur dilbar shaxs, Uyg'onish davrining tipik hukmdori, mard va tadbirkor odam bo'lgan, u san'atni, adabiyotni sevardi, hayotdan huzur olishni yaxshi ko'rardi. Uning nabirasi Akbar yana ham dilbarroq bo'lib, ko'p yaxshi fazilatlarga ega bo'lgan".

Akademik Aziz Qayumov o'zining Bobur hayoti va ijodiga bag'ishlangan "Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiyoti" nomli tadqiqotida (Қаюмов А. Асарлар. 10-жилдлик, 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Тошкент) "Boburnoma" asaridan keltirilgan jumlalarni izohlaydi " Bobur insondan faqat yaxshi nom, ezgu ishlargina meros qolishi lozimligini anglab etadi, go'yo Alisher Navoiy aytgan:

Bu gulshan ichra ki yo'qdur baqo guliga sabot,
Ajab saodat erur qolsa yaxshilik bila ot.

tarzidagi fikrlariga monand yo'l tutadi. Ushbu vaziyatdagi holati haqida «Boburnoma»da ma'lumot bergan Bobur o'zining quyidagi baytini keltirib, «Bu matla'ni o'shul ayyomda aytib erdim», -
deydi:

Takalluf har necha suratta bo'lsa ondin ortuqsen,
Seni jon derlar, ammo betakalluf jondin ortuqsen .

Akademik Aziz Qayumov o'zining dunyoqarashi, badiiy mahorati va tasvirlash uslubidan kelib chiqqan holda "Boburnoma"ga murojaat qiladi.
Muallif uning eng xarakterli, Bobur shaxsiyatini ochib beruvchi, unga bevosita daxldor bo'lgan voqeliklarga e'tibor qaratadi, qahramonning ichki kechinmalarini yoritib berishga harakat qiladi.

Pirimqul Qodirovning "Yulduzli tunlar" asarida Boburning ota va o'g'il o'rtasidagi so'nggi suhbatdagi so'zlari adabiy asarida keltiriladi: "Humoyun, o'g'lim, qancha umrim qoldi, Xudo biladi. Endi siz buyuk bobomizning bu qilichini taqishingiz kerak. Bu qilichda "Kuch adolatda" so'zlari yozilgan. Har doim adolatli bo'ling va yo'qotmang! Temuriylarning ko'pchiligi.... Fidoyilikni unutdilar.Ba'zilari otalarini o'ldirdilar. Ulardan ba'zilari birodarlariga xiyonat qildilar. Natijada ularning barchasi tarixda "xiyonat" timsoli bo'lib qoldi.Yaxshilik qurboni bo'lgani yaxshi emasmi? Bu fidoyilik meni har doim shunday bo'lishga ilhomlantirgan. Endi birodarlaringizga, avlodlaringizga mardlik va fidoyilikni o'rgating." Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining qisqa, ammo mazmunli hayoti davomida tarix sahifalarida o'chmas iz qoldira oldi. Buyuk podshoh nafaqat mohir sarkarda, balki adolatli vatanparvar rahbar sifatida

ham xalq qalbidan joy oldi. [2]. Chet ellik taniqli olimlar Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodini o`rganar ekan, vatandoshimizning nechog`lik buyuk shoh, sohibdil shoir, ma’rifatli inson, ruhiy-ma’naviy jihatdan barkamol shaxs bo`lganligiga amin bo`ladilar. Bu esa Bobur shaxsiga va merosiga bo`lgan hurmatni yanada oshiradi. Zero, ulug` vatandoshimiz Bobur hazratlarining jahon ilmiga va davlat boshqaruviga qo`shgan hissasini anglab yetish hamda o`rnak bo`larli jihatlarini o`zimizga qaul qilish uchun olimlar va adiblar yuqorida keltirilgan maqolalar hamda kitoblarni chop ettirish orqali amalga oshirishlari zarur. Buyuk shoh va shoir ijodini o`rganish bugun ham muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.“Ma’naviyat yulduzlari” *(Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, Toshkent,1999)* kitobidan olindi.
2. Alimovna, Y.B., &Zokirjon o‘g‘li, S. J. (2022). “BOBURNOMA” ASARI JAHON OLIMLARI TADQIQOTIDA.
3.*Eurasian Journal of Academic Research*, *2*(2), 209–213. извлечено от https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/1088
4. Vohidov R.J, Eshonqulov H.P, “O’zbek mumtoz Adabiyoti tarixi” Toshkent-2006
5. Сирожиддин Саййид “Шоирлиги шоҳлигидан, шоҳлиги шоирлигидан улуг”// Ватанпарвар № 6 2012 йил 10 феврал
6. Холмонова ”Бобурнома”-мисилсиз қомус// Ватанпарвар № 6 2012 йил 10 феврал
7. Иброҳимов А.”Бобурнома” ва “Девон”// гулистон 2011/1
8. Bobur Xalqaro Fondi:”Zahiriddin Muhammad Bobur”-T.:”SHARQ”n-2008y
9. Sayfiddin Jalilov: “Bobur Haqida O’ylar” -T.: “SHARQ”n-2006y

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY-ADABIY MEROSIGA FALSAFIY NAZAR

Jabborov Ikromjon Jumaniyozovich
“Ma’mun universiteti” NTM,
Tarix va psixologiya kafedrasi o’qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada Zahiriddin Muhammad Boburning hayot yoli, ijodining falsafiy asoslari, Bobur lirikasida ishq va muhabbat talqini, shoir ijodidagi g‘oyalarning ezgulikka yo‘g‘rilganligi, adabiyot va she’riyatning inson ma’naviy kamolotida ahamiyati, inson axloqiy tarbiyasida Bobur asarlarining o‘rni badiiy-ilmiy manbalar asosida tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: hajr, g‘ussa, vasl, muslih, mufsid, zohid, zohir, botin, charx.

Аннотация. В данной статье жизненный путь Захириддина Мухаммада Бабура, философские основы его творчества, трактовка любви и романтики в лирике Бабура, направленность его идей в творчестве поэта к добру, значение литературы и поэзии в духовной жизни человека. Зрелости, значение художественных произведений Бабура в нравственном воспитании человека - проанализированы на основе научных источников.

Ключевые слова: хажр, гуса, васл, муслих, муфсид, захид, захир, батин, чарх

Abstract. In this article, the life path of Zahiriddin Muhammad Babur, the philosophical foundations of his work, the interpretation of love and romance in Babur's lyrics, the direction of his ideas in the poet's work towards good, the significance of literature and poetry in the spiritual life of a person. Maturity, the significance of Babur's works of art in the moral education of a person are analyzed on the basis of scientific sources.

Keywords: hajr, ghussa, wasl, muslih, mufsid, zahid, zahir, batin, charkh.

Bobur – dilbar shaxs....uyg'onish davrining
tipik hukmdori, mard va tadbirkor odam bo'lgan.
Javaharlal Neru

Kirish. Zahiriddin Muhammad Bobur (1483-1530) oʻzbek xalqining xos oʻgʻloni nafaqat oʻzbek adabiyotiga, balki Jahon adabiy muhitiga ulkan xissa qoʻshgan hassos shoir va mutafakkir, adib. U XV asr oxiri, XVI asr boshlarida yashab ijod etgan atoqli namoyandalardan biridir. Bobur hayoti juda ziddiyatli, qarama-qarshiliklar avj olgan, murakkab davr boʻldi. Shuning uchun uning umri vatandan yiroqda sarson sargardonlikda oʻtdi.

Bobur oʻzining 47 yillik umri mobaynida Jahon ilm hazinasiga – uncha toʻliq boʻlmagan bir devon, islom dini asoslarini bayon etuvchi "Mubayyin" nomli she'riy risola, "Volidiya" deb atalgan tasavvufga oid bir kitobchaning nazmiy tarjimasi hamda "Boburnoma" asarlarini qoʻshgan. U "Xatti Boburiy" nomi bilan mashhur boʻlgan alifboni ham yaratgan boʻlib, u oʻz davri uchun asosiy qoʻllanmalardan biri boʻlgan. Bundan tashqari, aruz, qofiya, musiqa hamda xarb ishiga oid bir qancha risolalarning ham muallifidir.

"Volidiya" risolasi nazmiy tarjimasi Shoh Bobur ma'naviy holining hujjati va hazrati Ubaydulloh Ahror bilan oʻzi oʻrtasidagi ma'naviy irtibotlar vasilasi, "Mubayyan" asari esa Temuriylar davri ijtimoiy, oilaviy, diniy madaniyatning koʻrkam ifodasidir. "Boburnoma"ning Mirzo Abdurahim ibn Bayramxon tomonidan fors tiliga tarjima qilinishi asar oʻz vaqtida qadr-qimmat topganining natijasidir[135].

Shoh Bobur "Mubayyan" kitobi orqali buyuk faqih zot ekanligini namoyon etadi. Ushbu asarni u valiahd oʻgʻillari Nosirddin Humoyun va Kamron Mirzolarga asturulamal moʻljallab yozadi. Asarda muqaddas islom dinining besh rukni: iymon-e'tiqod, namoz, roʻza, zakot va haj masalalari goʻzal she'riy tilda bayon etilgan.

Muhokama. Bobur ijodiyotiniing muhim tomonlaridan biri hoir she'rlari tarixiy voqea va hodisalar bilan chambarchas bogʻlanishi va oʻsha davrning voqeligi sodda va ravon tilda ifodalanishidir. Uning lirikasining markazida muhabbat mavzuyi, inson pok sevgisini ulugʻlash, hijron alamlaridan shikoyat, visol orzusi, vafodorlik fazilatlari turadi.

Hajring gʻamidin oqibat oʻlgum qora koʻz,
Yuz gʻussau anduh ila borgum qora koʻz,
Vasling ila qilmading ilojin Bobur,
Mushkulki firoqingda tirilgum qora koʻz[136].

---

[135] Zahiriddin Muhammad Bobur. Mubayyan va Risolayi volidiya. Tohkent. "Sharq", 2014 y 3-b
[136] Bobur she'riyatidan. Tuz. Saidbek Xasanov, Aziz Qayumov. "O 'zbekiston". T., 4-b

Bobur oʻz davri reaksion jamiyati vakillari manfaatlarini himoya qiluvchi din peshvolarini, mutaassib shayx va zohidlarni qattiq tanqid ostiga oladi va ularni kirdikorlarini fosh qiladi.

Agar muslihmen, ar mufsid, vagar oshiqmen, ar obid,
Ne ishing bor sening zohid, meningki ixtiyorim bor.

Ma'nosi: Garchi xaddan oshuvchi yoki gunohkorman yoki oshiq yoki obid (ibodat qiluvchi)man, seni men bilan nima ishing borki, ey zohid (tarki dunyo qiluvchi) meni ham oʻz tanlash ixtiyorim bor.

Darhaqiqat, tasavvuf adabiyotida zohirbinlar (faqat narsalarni tashqi koʻrinishiga e'tibor qiluvchilar) qattiq qoralanadi. Bobur nazdida, asl poklik botiniy (ichki) poklik, botiniy goʻzallikdir.

Bundan tashqari, shoir Yor (Iloh) vasli hajrida jannat halovatlaridan ham voz kechadi. Hatto otashi doʻzah ham xajr oʻti oldida uchquncha emas, deb ta'kidlaydi:

Zohido doʻzah oʻtidin meni ne qoʻrqutasen,
Hajr oʻti qoshinda koʻrmasmen ani uchquncha[137]**.**

Zahiriddin Bobur oʻzining "topmadim" radifli she'rini hayotining juda ogʻir damlarida, vatanidan yiroqda sargardonlikda yurgan davrlarida yozgan:

Jonimdin oʻzga yoru vafodor topmadim,
Koʻnglimdin oʻzga mahrami asror topmadim.
Jonimdek oʻzga jonni dilafgor koʻrmadim,
Koʻnglim kibi koʻngulni giriftor topmadim[138]**.**

Ota vatan boʻlgan Samarqandni ikki bora qoʻlga kiritib, ikki marotaba qoʻldan boy berish iztirobi, madad kutgan kishilarining loqayd va beparvoligi, "charx" – dunyoning "jafo"sidan shikoyati sababli quyidagi "qoldimu" radifli sheri dunyo yuzin koʻradi:

Charxning men koʻrmagan jabru jafosi qoldimu?!
Xasta koʻnglum chekmagan dardu balosi qoldimu?!

Bobur ijodida axloq-odob, tarbiyaga oid qarashlari oʻz aksini topgan. Shoirning axloqiy-falsafiy qarashlari va ijtimoiy mavzularga boʻlgan munosabatlari quyidagi misralarida yorqin ifodalangan:

Xulqingni rost qilgʻil har sorigʻaki borsang,
Ahsanta der bori el gar yaxshi ot chiqarsang[139].

Bobur komil inson boʻlish uchun axloqning barcha meyorlariga rioya qilish kerakligini va shundagina kishi el hurmati-e'tiboriga hamda baxt-saodatga erishishi mumkinligini ta'kidlaydi. Uning ijodida haqiqiy inson har doim xalq manfaatlarini diqqat-markazda tutish, insoniy fazilatlarni kamol toptirish, kamtarin boʻlish, amal, davlatga erishganda takabburdan, gʻururdan yiroq boʻlish singari axloqiy sifatlar ulugʻlanadi:

Davlatgʻa etib mehnat elin unutma,
Bu besh kun uchun oʻzingni asru tutma,
Borgʻonni kel emdi, yod qilmay ey doʻst,
Borish-kelishingni lutf etib oʻksutma[140]**.**

---

[137] Bobur she'riyatidan. Tuz. Saidbek Xasanov, Aziz Qayumov. "O 'zbekiston". T., 1982 y 5-b
[138] O 'zbek adabiyoti. Majmua. 10-sinf uchun. T., "O 'qituvchi" . 1993 y 182-b
[139] Arab tilida "ahsanta" – ofarin, juda yaxshi ma'nosida
[140] Bobur she'riyatidan. Tuz. Saidbek Xasanov, Aziz Qayumov. "O 'zbekiston". T., 1982 y 6-b

XVI asr tazkiralarining noir namunalaridan bo‘lgan Hasanho‘ja Nisoriyning “Muzakkari ahbob” (Sevimli zotlar yodnomasi) asarida maxsus bir bob Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsiga bag‘ishlanadi. Ushbu asarda muallif Boburning ma’naviy holi, shoirlik iste’dodi va faqihlik qobiliyati haqida so‘zlab: “Podshohning Naqshbandiya (tariqati) oliy xonadoniga irodat nisbati bor edi. Yuqori shon-shavkatli bobosi va saltanat nishonli otasining hazrati Hoja Ahrorga irodati bo‘lgan. Bobur podshoh ham bu ulug‘lar xonadoniga nisbatan izzat-ikromni soatma-soat oshirar va biror daqiqa bu ishni kanda qilmas va g‘aflatda qolmas edi”[141].

Demak, Bobur tasavvuf ta’limotining namoyandalaridan bo‘lgan. Uning she’riyati tasavvufiy g‘oyalar bilan sug‘orilgan bo‘lib, insonni ilohiy ishqqa chorlaydi:

Ey ko‘ngul, yaxshi ikki dunyodin,
Bir nazar qilsa sanga dildoring.
Xor ko‘rma g‘amin ul oyningkim,
Budurur furqatida g‘amxoring[142]**.**

Xulosa. Zahiridin Muhammad Bobur ma’naviy merosini o‘rganish bugungi davr kishisining, ayniqsa yosh avlod ma’naviy-ma’rifiy, axloqiy kamolotida yuksak ahamiyatga egadir. Ulug‘ shoir, qomusiy alloma, ma’rifatli faqih shoh Bobur asarlaridagi insonparvarlik, oliyjanoblik, vatanga muhabbat singari insoniy fazilatlar har birimiz uchun bitmas, tuganmas ma’naviy xazinadir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1.Bobur she’riyatidan. Tuzuv. Saidbek Xasanov, Aziz Qayumov. “O‘zbekiston”. T., 1982 y
2.O ‘zbek adabiyoti. Majmua. 10-sinf uchun. T., “O‘qituvchi” . 1993 y
3.Hasanxoja Nisoriy. “Muzakkiri ahbob”. Toshkent., “Abdulla Qodiriy” nomli Xalq merosi nashriyoti, 1993y
4.Zahiriddin Muhammad Bobur. Mubayyan va Risolayi volidiya. Tohkent. “Sharq”, 2014 y

SHOH VA SHOIR ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING ADABIYOTIMIZGA QO`SHGAN ULKAN HISSASI

Arabova Gulsanam Saburovna Ma’mun universiteti
N.T.M Ingliz tili fani o’qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada davlatchilik rivojida muhim o`ringa ega bo`lgan, shoh va shoir, ilm-fan namoyandasi Zahiriddin Muhammad Bobur haqida fikr yuritiladi. Uning adabiyotimizga qo`shgan ulkan hissasi ta’kidlanadi. “Buyuk mo`g`ullar imperiyasi” ning taraqqiyotidagi sarkardaning o`rni aniqlandi. “Boburnoma” asari tahlilga tortilib, unda ilgari surilgan g`oyalar o`rganildi. She’rlaridan misollar keltirilib, tahlil qilindi.

**Kalit so`zlar:** muxtasar, tahammum, nabotot, jo`g`rofiya, etnografiya, harbiy usul, badiiy nasr

[141] Hasanxoja Nisoriy. “Muzakkiri ahbob”. Toshkent., Abdulla Qodiriy nomli Xalq merosi nashriyoti, 1993y 51-b
[142] Bobur she’riyatidan. Tuz. Saidbek Xasanov, Aziz Qayumov. “O ‘zbekiston”. T., 1982 y 21-b

Аннотация. В данной статье рассматривается Захириддин Мухаммад Бабур, царь, поэт, ученый, сыгравший важное место в развитии государственности. Был подчеркнут его большой вклад в нашу литературу. Определена роль военачальника в развитии "Великой Монгольской империи". Произведение "Бобурнома" было проанализировано и изучены представленные в нем идеи. Приведены и проанализированы примеры его стихов.

Ключевые слова: краткое содержание, тахаммум, наботот, география, этнография, военный метод, художественная проза.

Annotation. This article discusses Zahiriddin Muhammad Babur, a king, poet, scientist, who had an important place in the development of statehood. His great contribution to our literature was emphasized. The role of the warlord in the development of the "Great Mongol Empire" was determined. The work "Boburnoma" was analyzed and the ideas presented in it were studied. Examples of his poems were given and analyzed.

Key words: summary, tahammum, nabotot, geography, ethnography, military method, artistic prose.

O`zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so`ng xalqimiz o`z adabiyoti, madaniyati, san'ati va ma'naviyati tarixiga yangicha ko`z bilan qarab, uni chin ma'noda asrab-avaylash, chuqur o`rganish imkoniyatiga ega bo`ldi. Ma'naviy boyliklarimizni o`zimiz yangidan tanib, idrok etibgina qolmay, balki butunjahon ilm va madaniyat ahli bizning tariximiz va san'atimizga qanday munosabatda bo`lib kelgani, hozirda bu munosabatlar qay tarzda kechayotgani, jumladan mumtoz adabiyotimiz namunalari boshqa tillarga tarjima qilinib, tadqiq etilishi hozirgi kunning muhim masalalaridandir.

Zero, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev aytganidek, hammamizga ayonki, taraqqiyotning tamal toshi ham, mamlakatni qudratli, millatni buyuk qiladigan kuchi ham bu – ilm-fan, ta'lim va tarbiyadir. Ertangi kunimiz, Vatanimizning yorug` istiqboli, birinchi navbatda, ta'lim tizimi va farzandlarimizga berayotgan tarbiyamiz bilan chambarchas bog`liq. [143]

Buyuk shoh va shoir, ulug` sarkarda, mamlakat darg`asi bo`lgan Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodiga ko`plab olim va tadqiqotchilar tomonidan qiziqish bildirib kelinmoqda. O`zbek klassiklari tomonidan Bobur adabiyotning yirik vakili, tarixchi, olim, temuriy hukumdorlarning so`nggi namoyandalaridan biri. U "Buyuk mo`g`ullar imperiyasi" ning tashkilotchilaridan biri sifatida tanilgani hech birimizga sir emas.

Davlatchilik tarixini o`rganishga jiddiy e'tibor berayotgan bugungi kunda Boburiylar tarixi, ularning davlatchilikda tutgan o`rnini yoritishdagi ilmiy asarlarga ehtiyoj kattadir. Bobur o`zining faoliyati davomida dunyo ilm-fani va san'atiga munosib hissa qo`shdi, Uning "Mubayyin al-zakot", "Muxtasar", "Harb ishi", "Musiqa ilmi", "Kobul devoni", "Hind devoni", "Boburnoma" va boshqa asarlari o`zbek adabiy hamda badiiy tafakkurining shakllanishiga ta'sir ko`rsatdi.

Bu buyuk ajdodimiz asarlarini mutolaa qilib, hayolan Bobur shuhratining asl zaminiga yetmagandek, bu buyuk shaxs haqida ahli ilm, uning muxlislari bilan bo`lgan

[143] O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O`qituvchi va murabbiylar kuniga bag`ishlangan tantanali marosimdagi nutqi, 30.09.2020.

suhbatlarga quloq solamiz va bu sirni topgandek bo`lamiz. Ingliz tarixchisi Eduard Holden esa "uning manglayida yuksak fazilatli inson deb bitib qo`yilgan" deydi. [144]

Biz Boburni, uning ijodini, Bobur davridagi madaniyatni anglashda boburshunos olimlarning u haqida qilgan tadqiqot ishlari hamda bildirgan fikrlari biz uchun katta ahamiyatga ega. Sharq she'riyatining yuksak fazilatlarini o`zida mujassamlashtirgan zabardast ijodkorning shaxsiyatini anglashda Fuod Kuprulzoda, Beverij, Bartold, A. Belinskiy, Y. G`ulomov, H. Yoqubov, V. Zohidov, H. Sulaymon, S. Azimjonova, A. Qayumov, S. Jamolov, S. Hasanov, V. Rahmonov, H. Qudratullayev, N. Otajonov kabi olimlarining xizmatlari benihoya kattadir.

Bobur o`zbek adabiyotida o`zining nozik lirik asarlari bilan ham mashhurdir. Uning hayoti va adabiy faoliyati Movarounnahrda siyosiy hayot nihoyat murakkablashgan feodal guruhlarning boshboshdoqlik harakatlari avjiga chiqqan va Temuriylar davlatining inqirozi davom etayotgan bir davrga to`g`ri kelgan edi. Bunday murakkabliklar in'ikosini "Boburnoma"da ko`ramiz. Zahriddin Muhammad Bobur jahonga mashhur bo`lgan "Boburnoma" asarini yaratadi va unda Movarounnahr, Xuroson, Hindiston xalqlari tarixi, urf-odat va an'analarini, milliy qadriyatlarini, tarixiy shaxslarni, mamlakat tabiat lavhalari, hayvonot dunyosi, o`sha davrdagi bir qator fanlar jo`g`rofiya, nabotot, etnografiya, harbiy usul va boshqa ilmiy yutuqlarini aks ettiradi. Boburning ma'naviy-ma'rifiy qarashlarida Vatan tuyg`usi salmoqli o`rin tutadi. Bobur o`z hayoti va ijodida Afg`oniston va Hindistonda davlatni boshqarib turgan holda, umrining oxiriga qadar kindik qoni to`kilgan yurtini unutmaydi. U o`z ona diyorini haddan ziyod sevadi, Vatandan judo bo`lganidan g`am-alam chekadi. Vatan sog`inchi Bobur uchun cheksiz umid, chuqur xayol bo`lib qoladi. U Hindistonda o`zini bir tomondan katta davlatning hukmdori, ikkinchi tomondan esa yor-u diyoridan judo bo`lgan bir g`arib musofir bo`lgan kishi deb his qiladi.

Boburnoma XV asr o`zbek badiiy nasrining yorqin namunasi sifatida sof badiiy lavhalar, jonli tasvirlar, an'anaviy lirik chekinishlarga boy. Nasriy matn ichida keltirilgan xalq maqol-matallari, iboralari, ibratli o`gitlar, she'riy parchalar uning badiiyligini yana-da oshiradi, o`ziga ham joziba bag`ishlaydi. "Boburnoma" to`rt marta fors tiliga, to`rt marta to`liq ingliz tiliga, ikki marta fransuz tiliga, yana nemis, yapon, turk, urdu, hindiy va boshqa tillarga tarjima qilingan.[145]

Ma'lumki, Boburning tarixiy, ilmiy va adabiy merosini o`rganish va ommalashtirishda O`zbekiston, Tojikiston, Rusiya olimlarining faoliyatlari ham diqqatga sazovordir. XX-XIX asrlar davomida Georg Ker, N. Ilminskiy, O. Senkovskiy, M. Sale, Porso Shamsiev, Sodiq Mirzayev, V. Zohidov, Ya. G`ulomov, R. Nabiev, S. Azimjonova, A. Qayumov kabi olimlarning sa'y-harakatlari bilan "Boburnoma" bir necha bor rus va o`zbek tillarida chop etildi, ularga so`zboshi yozildi va keng kitobxonlar ommasining ma'naviy mulkiga aylantirildi, uning she'rlari ham bir necha bor nashr etildi.[146]

Bobur she'riyatda Nizomiy, Dehlaviy, Mavlono Lutfiy, Navoiy an'analarini davom ettirgan buyuk shoirdir. Ushbu ulug` zotning lirikasi yuksak badiiyligi, chuqur mazmundorligi, badiiy ravonligi bilan ajralib turadi. Har bir yozilgan san'at asarida badiiy ruh, tajammum kuchli. Boburning shoir sifatida ijodiy faoliyati o`z guvohligiga

---

[144] Mashrabov Z., Shokarimov S. Asrlarni bo`ylagan Bobur. Toshkent: Yozuvchi. 1997. 16-bet.
[145] N. Jo`rayev. Tarix falsafasi. Toshkent: Ma'naviyat. 1999. 45-bet.
[146] Sh. Mallayev. Boburning adabiyot va she'riyatdagi o`rni. 2021. 200-bet.

ko`ra, Samarqandni ikkinchi marta egallagan vaqtda boshlangan, “Ul fursatlarda biror-ikkirar bayt aytur edim”,[147] deb yozadi u. Bobur Samarqanddaligining ilk oylarida Alisher Navoiy tashabbusi bilan ular o`rtasida yozishma boshlanadi. Bobur atrofida ijodkorlar to`planishi ham shu yillarga to`g`ri keladi. Jumladan, Binoiy, Abulbaraka va Bobur o`rtasida ruboiy mushoirasi Samarqanddagi qizg`in adabiy hayotdan darak beradi. Umuman, davlat arbobi va ko`p vaqti jang-u jadallarda o`tgan sarkarda sifatida ijtimoiy faoliyatining eng qizg`in davrida ham, shaxsiy hayoti va davlati nihoyatda murakkab va xatarli sharoitlarda qolgan chog`larida ham Bobur ijodiy ishga vaqt topa bilgan, ilm, san’at va ijod ahlini o`z atrofiga to`plab, homiylik qilgan, ularni rag`batlantirgan.

Shoir ruhiyatining qanday aks etgani uning she’rlarida namoyon bo‘ladi. Movarounnahrni birlashtirishga urinishlari natija bermagach, Bobur ruhan qiynalgan, amaldorlarning xiyonatlari ta’sirida umidsizlikka tushgan kezlardagi kayfiyati she’rlarida aks etgan. Keyinchalik o‘z yurtini tark etib, Afg‘oniston va Hindistonga yuz tutganda Bobur she’riyatida Vatan tuyg‘usi, Vatan sog‘inchi, unga qaytish umidi mavj ura boshladi:

Tole yo`qi jonimg`a balolig` bo`ldi,
Har ishniki ayladim xatolig` bo`ldi.
O`z yerini qo`yib, Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig` bo`ldi. [148]

Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti Vatan sog`inchi bilan o`tgan bo`lsa-da, undan kechmay vatanga talpinib yashadi. O`zga elda hukmronlik qilgan bo`lsa ham bunyodkorlik ishlaridan to`xtamadi. Boburning Vatanga bo`lgan mehri va sog`inchi o`rnak bo`lishga arzirlidir. Ushbu satrlar Bobur Hindistonda mustahkam saltanat barpo etgan davrida yozilgan. Uning Vatan sog`inchini yoniq ifodalagan yuqoridagi iqtibosiga e’tibor beraylik. Bobur uchun muqaddas maqsad bo`lgan ushbu fikrning ifodasida u Tangri – Ollohga murojaat etadi. Bu e’tirof uchun Bobur nomiga tahsinlar o`qiladi, uning Hindistonda qurgan imoratlari, barpo etgan bog`-rog`lari, Movarounnahr sivilizatsiyasini yuksak davlatchilik siyosati bilan takomilga yetkazgani muhim ahamiyatga egadir.

Qayg`ungni cheka-cheka qaribtur Bobur,
Rahm aylaki o`zidin boribtur Bobur,
Noranj yubordi sangakim bilgaysen,
Ya’niki, bu nav’ sarg`aribtur Bobur. [149]

Darhaqiqat, Boburni umr bo`yi iztirobga solgan Vatan sog`inchi va armonini ushbu she’r orqali anglagandek bo`lamiz.

Boburning yuqoridagi muammosi zaminidagi mazmun va insoniy his-tuyg`ular ulug` so`z san’atkori tomonidan yuksak mahorat bilan ifoda etilgan. Shoir haqiqiy inson nomiga ega bo`lish uchun axloqning barcha normalariga rioya qilish kerakligini, shundagina kishi el hurmati va baxtga sazovor bo`lishini uqtiradi. Bobur axloq-tarbiya mavzusidagi boshqa asarlarida ham o`z hayotida yuz bergan hodisalar, boshidan o`tkazgan kechinmalari asosida o`quvchi uchun ham katta tarbiyaviy ahamiyatga ega

[147] Buyuk ajdodlarimiz. Toshkent: “O`zbekiston milliy ensklopediyasi” milliy nashriyoti. 2010. 201-bet.
[148] Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. Toshkent: “Ma’naviyat”. 2010. 78-bet.
[149] Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. Toshkent: “Ma’naviyat”. 2010. 13-bet.

bo`lgan xulosalar chiqaradi. Shoir insonni ulug`laydi, unga hurmat nazari bilan qaraydi, inson qadr-qimmatini yuqori ko`taradi. U do`stlik, birodarlik, Vatanga sadoqat kabi sifatlarni olqishlaydi. Boburning fikricha, xudbinlik, xasislik, riyokorlik kabi yaramas illatlar insonni halok etadi. U kishining hayoti yaxshilik, muruvvat, oliyjanoblik, to`g`rilik kabi oliy maqsadlarga qaratilishi kerak deb biladi. U mansab va davlatga erishib g`ururlanmaslik, kamtarin bo`lish kabi insoniy fazilatlarning kamol topishiga undaydi. Ota-ona bilan farzand o`rtasida mehr-muhabbat, qadr-qimmat, ehtirom kabi insoniy fazilatlar barqaror bo`lishini istaydi:

Otani chunki qibla debturlar,
Qibla yanglig` anga nazar qilg`il.
Ota og`ritma, ey otam zinhor,
Ota ozoridin hazar qilg`il.[150]

Uning lirikasida she'riyatning asosiy mazmuni bo`lgan insoniy fazilatlar, yor vasli, uning go`zalligi, unga cheksiz muhabbat, hijron azobi, ayriliq alamlari va visol quvonchlari nihoyat go`zal va mohirona ifoda etilgan.

Xazon yaprog`i yanglig` gul yuzung hajrida sarg`ardim,
Ko`rub rahm aylagil, ey lola ruh, bu chehrai zardim.
Sen ey gul, qo`ymading sarkashligingni sarvdek hargiz,
Ayog`ingga tushub bargi xazondek muncha yolvordim.[151]

Xulosa qilib aytish mumkinki, Boburning favqulodda zehn va zakovat egasi ekani, taxtga o`tirishidan avval ham, taxtga o`tirgandan keyin ham zahmatkash bo`lgani, inson ruhiyatini chuqur bilgani uning dunyoda xassos shoir, zukko olim va mohir sarkarda sifatida dong chiqarishiga va nom qoldirishiga sabab bo`ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O`qituvchi va murabbiylar kuniga bag`ishlangan tantanali marosimdagi nutqi, 30.09.2020.
2. Mashrabov Z., Shokarimov S. Asrlarni bo`ylagan Bobur. Toshkent: Yozuvchi. 1997.
3. N. Jo`rayev. Tarix falsafasi. Toshkent: Ma'naviyat. 1999.
4. Sh. Mallayev. Boburning adabiyot va she'riyatdagi o`rni. 2021.
5. Buyuk ajdodlarimiz. Toshkent: "O`zbekiston milliy ensklopediyasi" milliy nashriyoti. 2010.
6. Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. Toshkent: "Ma'naviyat". 2010.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ASARLARINING TA'LIMIY-TARBIYAVIY AHAMIYATI

Matchanova Nargiza To'lqinovna
Ma`mun-Universiteti, "Tarix va psixologiya" kafedrasi o`qituvchisi.
nargiza.matchanova.89@gmail.com

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың білім, әдеп, әдеп, ізгілік, адалдық, адамды халқына жақсылық жасауға тәрбиелеу, еңбекші

[150] Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. Toshkent: "Ma'naviyat". 2010. 90-bet.
[151] Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon. Toshkent: "Ma'naviyat". 2010. 152-bet.

халықты бағалау, адамгершілікке тәрбиелеу туралы ойлары, әділдікке көзқарастары, адамгершілік, тәрбиелік ойлары теориялық тұрғыда баяндалған.

Түйін сөздер: Елге деген сүйіспеншілік, адалдық, ізгілік, мейірімділік, әдебиет, тарих, музыка, өнер, оқу-ағарту, білім, бала тәрбиесі, еңбек тәрбиесі

Аннотация. В данной статье теоретически изложены представления Захириддина Мухаммада Бабура о знаниях, этике, нравах, добре, верности, воспитании человека на благо людям, о ценности трудового народа, гуманизме, взглядах на справедливость, нравственно-воспитательных мыслях.

Ключевые слова: Любовь к Родине, верность, добро, доброта, литература, история, музыка, искусство, образование, воспитание, детское воспитание, трудовое воспитание

Zahiriddin Muhammad Bobur Andijonda, Farg‘ona hukmdori Umarshayx oilasida tavallud topdi. Uning bolalik yillari Andijon va uning atrofida o‘tdi. Bobur tug‘ilgan davrda Temur asos solgan katta davlatning temuriyzodalar tomonidan bo‘lib olinishi boshlangan, toj-taxt uchun kurash avj olgan edi.

1494-yili otasi Umarshayxning vafotidan so‘ng Bobur Farg‘ona hukmdori deb e’lon qilindi. Davlat ishlarini boshqarishda unga onasi Qutlug‘ Nigor xonimning ko‘magi juda katta bo‘ldi. Keyingi yillari Bobur Movarounnahrda katta davlat tuzishga harakat qildi, lekin temuriyzodalarning bir-biriga bosh qo‘shmasliklari, tarqoqligi tufayli Bobur Muhammad Shayboniyxondan yengilib Kobulga, keyinchalik Badaxshonga ketishga majbur bo‘ldi.

1505-1515 yillari Bobur yana temuriylar davlatini tiklash maqsadida Movarounnahrga qaytishga harakat qilib ko‘rdi, lekin bu yurishlar ham befoyda ketdi. Shundan keyin Bobur Afg‘onistonda hokimiyatini mustahkamlagach, Hindistonga yo‘l oldi. 1525-yili Dehlining shimolida Panipatda Dehli sultoni Ibrohim Lo‘di qo’shinini yengib, boburiylar davlatiga asos soldi.

Bobur ilm-fanning, sanoatning, umuman, hayotning hamma sohalari bilan yaqindan qiziqqan. G‘ayrat va tashabbus, sinchkovlik va iste’dod Boburni rivojlangan feodal davrining ulug‘ namoyondalaridan biriga aylantirdi. U har bir sohani aniq bilishga intilgan, undagi nuqsonlarni ko‘ra olgan va masalaning mohiyatini tezda tushunib yetkan.

Boburning o‘z guvohligiga ko‘ra, shoir sifatida ijodiy faoliyati Samarqandni ikkinchi marta egallagan vaqtda boshlangan; «Ul fursatlarda biror-ikkirar bayt aytur edim», deb yozadi u. Bobur Samarqanddaligining ilk oylarida Alisher Navoiy tashabbusi bilan ular o‘rtasida yozishma boshlanadi. Bobur atrofida ijodkorlar to‘plana boshlashi ham shu yillarga to‘g‘ri keladi. Jumladan, Binoiy, Abulbaraka va Bobur o‘rtasidagi ruboiy mushoirasi Samarqanddagi qizg‘in adabiy hayotdan darak beradi. Umuman, davlat arbobi va ko‘p vaqti jangu jadallarda o‘tgan sarkarda sifatida ijtimoiy faoliyatining eng qizg‘in davrida ham, shaxsiy hayoti va davlati nihoyatda murakkab va xatarli sharoitda qolgan chog‘larida ham Bobur ijodiy ishga vaqt topa bilgan, ilm, san’at va ijod ahlini o‘z atrofiga to‘plab, homiylik qilgan, ularni rag‘batlantirgan.

O‘tmish adabiyot va tarix, musiqa va san’atdan yaxshi xabardor bo‘lgan, diniy ta’limotga chin ixlos qo‘ygan Bobur har doim olimu fozillar davrasida bo‘ldi. Bobur tabiatan ijodkor edi. Yigitlik yillaridan boshlab to umrining oxirigacha samarali ijodiy

ish bilan shugʻullandi, har qanday sharoit va vaziyatlarda ham ijoddan toʻxtamadi, natijada, har jihatdan muhim boy ilmiy va adabiy meros qoldirdi.

Bobur 18—19 yoshlarida ruboiy va gʻazallar yoza boshlagan. Uning «Topmadim» radifli gʻazali va «Yod etmas emish kishini gʻurbatda kishi» misrasi bilan boshlanuvchi ruboiysi oʻsha yillardagi hayoti bilan bogʻliq.

Boburning ulkan san'atkorligi shundaki, shaxsiy kechinmalarini jiddiy umumlashma darajasiga koʻtara oladi va natijada asarlarida olgʻa surilgan gʻoyalar umuminsoniy qadriyatlar darajasiga koʻtariladi. Bobur ijodida, xususan, she'riyatida kindik qoni toʻkilgan ona yurtini dildildan qoʻmsash, uning tuprogʻiga talpinish, gʻariblik azoblaridan oʻtli hasrat, yoru diyor sogʻinchi va visol ilinji, taqdir zarbalari va turmush uqubatlari, zamona nosozliklaridan nola badiiy tahlil etiladi.

Bobur ijodida ishq-muhabbat, sevgi-sadoqat, visol va hijron mavzui ham salmoqli oʻrin tutadi. Uning gʻazal va ruboiylarida, tuyuq va masnaviylarida ma'shuqaning maftunkor goʻzalligi, beqiyos husnu latofati, sharqona odobu ahloqi, nozu karashmasi yengil va oʻynoqi, musiqiy va ravon misralarda katta mahorat bilan tarannum etiladi.

Zahiriddin Muhammad Boburning ilmiy-adabiy merosi hozir oʻzining ma'lum tarixiy-ma'rifiy, ilmiy va estetik qimmatini saqlab kelmoqda. Uning koʻp qirrali merosida pedagogikaga oid biror maxsus kitob yoki risola mavjud boʻlmasa-da, deyarli hamma asarlarida xayotga va vatanga muhabbat hislatlarining yaqqol ifodasini, insonning yuksak burchi va kishilarning ma'naviy qiyofasi haqidagi teran fikr-mulohazalarni, fan va dinga munosabat masalalarini, yaxshi xulqli va odobli bo'lishga da'vatni, ilm-fan va ma'rifatni egallashgacha chaqiriqni, ahloqiy va estetik gʻoyalarni, joʻshqin va mazmundor hayot kechirishga targʻib qilishni va xokozalarni koʻrish mumkin.

Fan va ma'rifatni juda yuqori qadrlagan bobur adabiyot, san'at va ilm ahli bilan doimo yaqin aloqada, ijodiy munosabatda bo'ldi, ularga xomiylik qildi, ilmiy-adabiy suhbatlar, mushoiralar uyushtirdi. U oʻz davrida ilmga intilgan odamlarni juda kamligidan tashvishlanib, astoydil qiziqish, intilish hamda mashaqqatli mehnat bilangina ilm olish mumkinligini va shunday qilish zarurligini ta'kidlaydi. Shuning uchun ham u ilm fanning ahamiyatini chuqur his qilib, oʻzi juda qadrlagan ilm-fan kishilarini eng avvalo, ularning yurish-turishiga, koʻpchilik manfaati uchun qilgan xizmatlariga qarab baholaydi.

O'z ijodida ezgulikni, inoqlikni, vafodorlikni ardoqlagan shoir oʻzida avvalgi kasbdoshlariga ergashib yovuzlikni, zulmni, qabixlikni qoralaydi. Bulardan tashqari, Bobur doʻstlikni, hayotni, uning har bir fursatini qadrlashga, qaygʻu-xasrat bilan emas, balki oqilona, xushchaqchaqlik bilan yashashga chorlovchi, yoshlarga ibrat boʻladigan talaygina baytlar bitgan.

Boburning fikricha, yoshlar shaxsini hayotning oʻzi shakllantiradi, lekin Bunda mehnat va mehnatda toblanish muhim rol o'ynaydi. Mehnat qilgan va mashaqqat chekkan kishilardagina chinakam insoniy fazilatlar tarkib topadi.

Buyuk iste'dod sohibi boʻlgan Bobur "Boburnoma" da turli toifa tabaqa, urugʻ nasab, kasbu kor, har xil mansab, lavozimlarga ega boʻlgan tarixiy shaxslar, mashhur kishilar, ularning shajarasi, hayot yoʻli, yashash tarzi, sarguzashtlarining aniq va toʻliq tavsifini beradi. "Boburnoma" oʻsha davr tarbiyasini oʻrganish uchun ham oʻziga xos ahamiyatga egadir.[3:110]

Zahiriddin Muhammad Bobur shafqatli va ibratli ota sifatida o‘z farzandlarini hamisha totuvlik va inoqlikka da’vat qilar, bu tuyg‘uni ularning qon qoniga singdirishga urinardi. Bu intilish uning Xumoyun va boshqa o‘g‘illariga
yozgan ibrat to‘la maktublarida ko‘rish mumkin. Unda Bobur o‘g‘illarini totuv yashab, bamaslahat ish ko‘rishga chaqiradi.

Bobur lirikasining asosiy qismini g‘azallar tashkil etadi. Bizgacha ulug‘ shoirning 119 g‘azali yetib kelgan. Bobur g‘azallarida ta’lim – tarbiya, odob – ahloq masalalariga ham e’tibor berilgan.

Yozuv ham yarim ilm, deb hisoblagan Bobur chiroyli va to‘g‘ri yozishga, fikrni aniq ifodalashga alohida ahamiyat bergan. Buni uning o‘g‘li Humoyunga yo‘llagan ushbu maktubi misolida ham yaqqol ko‘rish mumkin: “Bu xatlaringni bitibsen va o‘qumaysen ne uchunkim, agar o‘qur xayol qilsang edi, o‘quy olmas eding. O‘quyolmagandan so‘ng, albatta, tag‘yir berur eding. Xatingni xud tashvish bila o‘qusa bo‘ladir, vale asru mug‘laqtur. Nasri muammo hech kishi ko‘rgan emas. Imlong yomon emas. Agarchi xeyli rost emas, iltifotni “ot” bila bitibsen. Xatingni xud har tavr qilib o‘qusa bo‘ladur, vale bu muglak alfozingdin maqsud tamom mafhum bo‘lmaydur. G‘olibo, xat bitirda johillig‘ing ham ushbu jihattindur. Takalluf qilay deysen, ul jihattin mutlaq bo‘ladur. Bundin nari betakalluf va ravshan va pok alfoz bilan biti; ham senga tashvish ozroq bo‘lur va ham o‘qug‘uvchiga”.[2:243-244]

Bobur ana shu maktubida o‘z o‘g‘lini adolatli haqgo‘y, insofli, kamtarlik va kamsuqumlikka undaydi. Bir she’rida:

Davlatqa yetib mehnat elin unutma,
Bu besh kun uchun o’zungni aseru tutma,

- deb yozgan Boburning o‘zi ham doimo anashu qoidaga amal qilardi.

Ulkan so‘z boyligiga ega bo‘lgan va o‘zbek adabiy tilining rivojida salmoqli o‘rin tutgan “Boburnoma”da keltirilgan va asarning filologik qimmatini oshirgan ajoyib rivoyatlar, ta’sirchan she’riy parchalar, jozibador iboralar, ayniqsa “Har kimdin yaxshi qoida qolg‘on bo‘lsa, aning birla amal qilmoq kerak”, “Yomon ot bila tirilgandin yaxshi ot bila o‘lgan yaxshiroq” kabi juda ko‘p uchraydigan hikmatli so‘z darajasiga ko‘tarilgan jumlalarning hammasi kishini bilimdonlikka, ezgulikka, xushfe’llik va shirinsuxanlikka chaqiruvchi xitobdek eshitiladi.

Bobur kishining hayotdagi eng asosiy burchi hamma joyda ham o‘zini tuta olishdan va yaxshi xulq – atvorli bo‘lishdan iborat ekanini ta’kidlab:

Xulqingni rost etgil, har sorig’aki borsang,
«Ahsanta» der bori el, gar yaxshi ot chiqarsang, -

desa; boshqalarga dimo yaxshilik qilish eng olijanob fazilat ekanini ta’kidlab:

Bori elga yaxshilig’qilg’ilki, mundin yaxshi yo’q,
Kim degaylar dahr aro qoldi falondin yaxshilig’,-

kabi misralar orqali ifodalaydi .

O‘z ijodida ezgulikni, inoqlikni, vafodorlikni ardoqlagan shoir o‘zidan avvalgi kasbdoshlariga ergashib yovuzlikni, zulmni, qabixlikni qoralaydi. Xalqimizning “Ekkaningni – o‘rasan” degan naqliga amal qilib:

Har kimki vafo qilsa, vafo topqusidir,
Harkimki jafo qilsa, jafo topqusidur.
Yaxshi kishi ko’rmagay yomonlig’ hargiz,
Har kimki yomon bo’lsa, jazo topqusidur, -

deb yozadiki, Bobur she’rlarida bunday hayotiy, jozibali misralar koʻplab topiladi.

Zahiriddin Muhammad Boburning ilm-maʼrifat haqidagi gʻoyalari, ahloq odob, yaxshilik, vafo, insonni xalqqa yaxshilik qiladigan qilib tarbiyalash, mehnat ahlini qadrlash, insonparvarlik, Vatandan judolik g’am, alam ekanligi, adolat haqidagi qarashlari, ahloqiy-taʼlimiy fikrlari hozirgi davr yoshlar tarbiyasida ham g’oyat ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Azimjonova S, Gosudarstvo Babura v Kabule i v Indii, M., 1977;Oʻzbek adabiyoti tarixi, 3j., T., 1978;
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. “Boburnoma” – Toshkent, “Sharq” HMAK, 2002, 243 – 244 b.
3. Shodiyev F.T. “Bo’lajak boshlang’ich sinf o’qituvchisining global jarayondagi burch va vazifalari texnologiyasi” // ISSN 2091- 5446. Ilmiy axborotnoma. 2020-yil, 6-son (124), 109-112 b.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING HINDISTONDAGI SALTANATI

Karimov Umrbek Davronbekovich
“Ma’mun-Universiteti” NTM, “Tarix va psixologiya” kafedrasi oʻqituvchisi.
karimovumrbek1@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada 1526-yildan Hindistonda yangi sulolaning boshlanishiga asos solgan Bobur va uning sulolasi 332 yil mobaynida Hindistonni moxirlik bilan boshqarishi va mamlakatning juda katta qismida siyosiy birlikni saqlab, bu ulkan saltanatning tinchlikda gullab-yashnashini taʼminlay olganliklari ilmiy adabiyotlar asosida koʻrib chiqilgan.

Аннотация. В этой статье Бабур, положивший начало новой династии в Индии с 1526 года, и его династия мудро управляли Индией в течение 332 лет и смогли сохранить политическое единство на значительной части страны и обеспечить мирное процветание этой огромное королевство.

Аннотация. Бұл мақалада 1526 жылдан бастап Үндістанда жаңа әулеттің негізін қалаған Бабыр мен оның әулеті Үндістанды 332 жыл даналықпен басқарып, елдің үлкен бөлігінде саяси бірлікті сақтап, осы елдің бейбіт гүлденуін қамтамасыз ете алды. үлкен патшалық.

Kalit soʻzlar: Zahiriddin Muhammad Bobur, Panipat janggi, Loʻdiylar sulolasi, “Boburnoma”asari, “Tarixi Rashidiy”asari.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, битва при Панипате, династия Лоди, произведение «Бабурнома», произведение «Тарихи Рашиди».

Негізгі сөздер: Захириддин Мұхаммед Бабыр, Панипат шайқасы, Лоди әулеті, «Бабурнома» шығармасы, «Тарихи Рашиди» шығармасы.

“Saxovati va mardligi, iste’dodi, ilm-fan,
san’atga muhabbati va ular bilan
muvaffaqiyatli shug‘ullanishi jihatidan

Osiyodagi podshohlar orasida Boburga teng keladigan birorta podshoh topilmaydi".
Uilyam Erskin, "Boburnoma" tarjimoni.

O'zbekiston qadimdan madaniyat va sivilizatsiya barpo etuvchi zamindir. Darhaqiqat, o'rta asrlarda O'zbekiston hududida vujudga kelgan ilmiy-ma'naviy yutuqlar Yevropadagi ilmu fanga asos bo'ldi. Muhammad al-Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Abu Nasr Forobiy kabi ulug' mutafakkirlari-mizning beqiyos ilmiy-falsafiy risolalari dunyoviy bilimlarni rivojlantirish va tizimlashtirish bilan bir qatorda, nafaqat o'z zamonasi, balki keyingi yuz yilliklarga tegishli umumjahon tamaddunining yuksalishiga asos soldi.

Nafaqat yurtimiz, balki xorijda ham buyuk siymo - Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodini o'rganishga alohida e'tibor qaratilayotir. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda, **"Bobur Mirzo xalqimizning buyuk farzandi. Adabiyot, ilm, ma'rifat nuqtai nazaridan u hamon yashayapti"!**

Zahiriddin Muhammad Bobur shijoatli hukmdor edi. U ulkan saltanat tuzish ishtiyoqi bilan yonardi. Samarqandni qo'lga olgach, Markaziy Osiyoda ana shunday ulkan saltanat tuzishga uringan edi. Lekin shayboniylar uning bu niyatini amalga oshirishga yo'l qo'ymadi. Amir Temurning Hindistonga yurishi haqidagi hikoyani Dehkat qishlog'ida turgan paytda bir kampirdan eshitgandan so'ng, u o'z baxtini shu yerda sinab ko'rmoqchi bo'ldi. G'arbiy Osiyodagi siyosiy ahvol ham uning rejalarini amalga oshirish uchun qulay sharoitni vujudga keltirgan edi. Shayboniylar va eronliklar o'zaro urushda bir-birlarini yenga olmagandan so'ng, ularning ikkalasi ham Boburning Qobuldagi saltanatini bezovta qila olmaydigan vaziyatda qolgan edilar. Shuning uchun ham Bobur bemalol Hindistonni egallash ishlari bilan shug'ullanish imkoniyatiga ega bo'lgan edi.

Boburning bu ishtiyoqi uni Hindistonga hujum qilish sari boshladi. U dovyurak, jasur va mohir lashkarboshi edi. Raqiblari uni bir necha bor mag'lub qilgan bo'lsa-da, u o'zini batamom mag'lub deb hisoblamadi. U o'z xotiralarida shunday yozgan: "Men g'oliblik va hukmronlik ishtiyoqida shunday yonardimki, meni bir-ikki mag'lubiyat bekor o'tirishga majbur qila olmas edi"[152].

U o'z mag'lubiyatlaridan ham to'g'ri xulosalar chiqarar, qobiliyati va irodasini chiniqtirib borardi. U turk, mo'g'ul, o'zbek, fors va afg'onlar bilan bo'lgan janglarda juda ko'p tajriba to'plagan va chiniqqan sarboz edi. Ularning har biridan u yoki bu jang qilish uslubini o'rganar, shu bilan o'zining urush taktikasi va qurollarini takomillashtirib borardi. U o'zbeklardan urushning "to'lg'ama" usulini, mo'g'ullardan esa pistirma qo'yishni, afg'onlardan poroxli miltiq, ishlatishni o'rgangan bo'lsa, eroniylardan artilleriyani ishlatishni, turklardan esa ko'chma kavaleriyani unumli ishlatishni o'rgandi.

Zahiriddin Muhammad Bobur turk zobitlari Ustod Ali va Mustafolar yordamida kuchli artilleriya qo'shinini tuzdi va ular tufayli Hindistondagi raqiblari ustidan g'olib keldi. Ingliz tarixchisi Uilyams Rashbrukning ta'kidlashicha, Boburning Hindistondagi tantanasiga asosiy sabab bo'lgan yagona moddiy omil - uning qudratli artilleriyasi bo'lgan edi. Bundan tashqari, Bobur chidamlilik, matonatlilik, jasurlik, o'limga tik

---

[152] Zahriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – T.: "Yangi kitob", 2019-y. 65-b.

qarash, oʻziga va oʻz taqdiriga ishonish kabi xislatlarga ega ediki, bu fazilatlar unga kishilarni olgʻa yetaklash tuygʻusini berar edi[153].

Hindiston oʻsha paytda bir-biri bilan doimiy raqobatda boʻlgan mustaqil mayda davlatlardan iborat edi. Shimoliy Hindistonda afgʻonlarning kuchli ta’siri sezilib tursa-da, ular mayda boʻlaklarga boʻlinib ketgandilar. Ibrohim Loʻdiy Dehli va Agra sultoni edi, lekin u shimoliy Hindistonga toʻla hukmronlik qila olmasdi. Uning davlati gʻarbda Panjobdan sharqda Behar viloyatigacha yetib borardi. Xattoki mana shu kichik hududda ham u toʻlaligicha oʻz hukmini oʻtkaza olmasdi. Unga qarshi oʻz amaldorlari va urugʻlaridan isyonlar koʻtarilib turgan edi. Ana shu holatlarning barchasi Boburni Hindistonga yurish qilishga undardi. Bobur Hindistonga besh marta yurish qildi. Dastlabki toʻrt yurishi oʻziga xos sinov yoxud tayyorgarlik yurishlari sanalardi.

1525-yilgi yurishda Boburshoh Hindistonni butunlay ishgʻol qilish niyati bilan safarga otlandi. Bobur Dehli tomon yurish qildi. Shundan soʻng Panipat maydonida yonida Ibrohim Loʻdiy qoʻshini qarshi oldi. Bobur oʻz xotiralari (“Boburnoma”)da Ibrohim Loʻdiyga qarshi 12 ming askar bilan jang boshlaganini ta’kidlaydi. Ibrohim Loʻdiy armiyasining soni ayrim tarixchilar tomonidan ancha orttirib koʻrsatilgan. Ularning aytishicha, uning armiyasi bir lak (yuz ming) kishi va mingga yaqin fildan iborat edi. Xaqiqiy jang 21-aprel kuni (1526) ertalab boshlanib, kechga yaqin tugadi. Ibrohim Loʻdiy jang maydonida oʻldirilganidan soʻng uning qoʻshini tumtaraqay boʻlib har tarafga qarab qochdi.

Panipat jangi Hindistonda Loʻdiylar sulolasi faoliyatiga nuqta qoʻydi. Loʻdiylar xokimiyati Hindiston siyosiy xayoti sahnasidan butunlay surib tashlandi. Afgʻonlarning Hindistondagi ta’siri butunlay tugatilmagan boʻlsa-da, ular ancha kuchsizlantirib koʻyildi. Bobur tez orada Dehli va Agrani egallab oldi va bu bilan Hindistonda boburiylar sulolasi hukmronligiga asos soldi. Biroq, Hindistondagi vaziyatni mustahkamlash uchun uni oldinda koʻp urushlar kutib turardi.

Boburning bu jangda gʻolib chiqishiga sabab boʻlgan asosiy omillar - bir tomondan uning qoʻshinidagi artilleriyaning “toʻlgʻama” usulida urush olib borishi va bunga Boburning moxirona raxbarlik qilishi boʻlsa, ikkinchi tomondan, Loʻdiyning kuchsizligi edi. Bobur Ibrohimga nisbatan ancha tajribali va qobiliyatli sarkarda hisoblanardi. U oʻz xotiralarida Ibrohimni “tajribasiz, oʻylamasdan tavakkal xarakat qiladigan, kutilmaganda toʻxtab oladigan yoki chekinadigan va oldinni koʻra olmay turib olgʻa intiladigan kishi ekan” deb ta’riflaydi. Boburning kuchli artilleriyasi va chaqqon xarakat qiladigan sarbozlari bor edi, buning ustiga u urush olib borishning eng yaxshi usullarini qoʻllardi. Ibrohim esa zambaraksiz, jangchi fillariga ishonib urushni odatdagi usul bilan olib borardi. Toʻplarning gumburlashidan daxshatga tushgan fillar esa xar tomonga qochar va oʻz askarlarini oyoqlari ostida majaqlab tashlar edi. Ibrohim qoʻshin xarakatini yaxshi tashkil qila olmagan, buning ustiga afgʻon amaldorlari va uning koʻl ostidagi fuqarolar nazarida ham Ibrohimning obroʻsi yaxshi emasdi. Buning ustiga qoʻshinining koʻpchilik qismi unga sodiq boʻlmagan yollanma askarlardan, Bobur qoʻshini esa, aksincha, intizomli va tajribali sarbozlardan iborat edi. Bu ham sarkardaning harbiy mahoratidan dalolat berardi. Shuning uchun ham afgʻonlar jon-

[153] Gʻofurjon Satimov. Markaziy Osiyo va Hindiston tarixida Boburiylar davri. –T.: “Gʻofur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi”, 2008-y. 50-b.

jaxdi bilan mardona jang olib borsalar ham yaxshi tayyorgarlik ko‘rgan Bobur lashkariga bas kela olmadilar.

Panipat jangidan keyin Bobur juda ko‘p qiyinchiliklarga duch keldi. Uning asosiy vazifasi qo‘lga kiritilgan hududdagi fuqarolarning birdamligini ta’minlash va Sulton Lo‘diy saltanatining qolgan qismini ham egallash edi.

Panipatdagi jangdan zo‘rga jon saqlab qochgan Mahmud Lo‘diy (Ibrohimning kichik ukasi) esa Boburdan o‘ch olish uchun afg‘onlarni bir joyga to‘plashga urinib yurardi. Bengal va Gujaratdagi afg‘on xonlari unga yordam berishlari yoki o‘zlari Dehliga hujum uyushtirishlari mumkin edi. Ibrohimning onasi Agrada yashayotgandi. U Boburni sirtdangina tan olgan bo‘lib, zimdan o‘g‘lining o‘limi uchun Boburdan qasos olishga chog‘lanib yurar va bir oz vaqt o‘tgach, uni zaxarlashga ham ulgurgandi. Bobur mustahkam sog‘ligi va omadi tufayligina bevaqt o‘limdan saqlanib qoldi.

Shunday qilib, poytaxt ichida ham, tashqarisida ham afg‘on hokimiyatining qoldiqlari izg‘ib yurardi. Behar xoni Sulton Muhammadshoh va Mahmud Lo‘diy o‘zlarining bayrog‘i ostita afg‘onlarni birlashtirsa, Boburni Dehlidan siqib chiqarishlari mumkin edi. Mevor xoni Rona Sanga esa Dehli taxtiga da’vogarlardan bo‘lib, Boburning Shimoliy Hindistondagi mavqeiga raxna solib turardi.

Yaxshilik bilan bo‘ysunishni istagan afg‘on beklariga Bobur ham katta hurmat va e’tibor ko‘rsatdi. Davlatxon Lo‘diyning o‘g‘li Dilovarxonga “Xoni-xonon” unvoni berib, unga juda katta yer mulki (jogir) ajratdi. Boburning bu ximmati javobsiz qolmadi. Ko‘pgina ikkilanib yurgan afg‘on beklari, shu jumladan, Shayx Boyazid, Muhammadxon Loxaniy va ularning sheriklari tinchgina bosh egib keldilar. Bobur ularni ham siylab, mansab va yer mulk ajratib berdi. Shundan keyin Bobur qo‘l ostidagi mamlakat hududida tartib o‘rnatishga kirishdi. Buning uchun juda ko‘plab jangu jadal qilindi. Kanva yonidagi jang (1527-yil 17-mart), Chandiriy qal’asining olinishi, Gagradagi jang (1529-yil 6-may) Boburnig faoliyatidagi eng muhim g‘alabalar hisoblanadi.

Gagra qirg‘oqlaridagi jang Boburning Hindistondagi janglarining oxirgisi edi. Hindistonda bo‘lgan uchala daxshatli janglardagi muvaffaqiyati tufayli Bobur g‘arbda Sind daryosidan, sharqda Bixar vodiysigacha, shimolda esa Ximolay tog‘laridan, janubda Guvalyor va Chandiriy qal’alarigacha yoyilgan ulkan hududga xukmdor bo‘ldi. Shunday qilib, u Hindistonda ulkan boburiylar saltanatini yuzaga keltirdi va bu saltanatga da’vo qiladigan xech kim qolmadi.

Boburning kasallanishi va vafotiga asosiy sabab uning bosib o‘tgan mashaqqatli xayot yo‘li, Hindistonning ortiqcha issiq, va o‘ta nam iqlimidir. Bobur o‘z o‘rniga o‘g‘li Xumoyunni taxtga o‘taqizib, 1530-yilning 26-dekabrida olamdan o‘tdi. U dastlab Agradagi “Orom bog‘i”ga dafn etilgan edi, keyinchalik kenja xotini Bibi Muborikaning sa’y-xarakatlari bilan o‘zining vasiyatiga ko‘ra, Qobulga, hayotlik paytida o‘zi tanlab qo‘ygan joyga ko‘chirib dafn etildi.

Boburning fe’l-atvori o‘z zamondoshlari va hozirgi tarixchilar tomonidan ko‘klarga ko‘tarib makzaladi. “Tarixi Rashidiy” kitobining muallifi Muhammad Xaydar mirzoning ta’kidlashicha, Boburni “juda ko‘p fazilatlar bezab turar va u bexisob olijanob xislatlarga burkanib turardiki, bu fazilatlar ichida uning mardligi va saxovatpeshaligi hamma xislatlaridan ustun turar edi”[154]. Boburning juda ko‘p

[154] Mirzo Muhammad Haydar. Tarixi Rashidiy. Toshkent, 2010-y. 143-b.

hislatlari uning qizi Gulbadanbegim tomonidan yozilgan “Humyunnoma” asarida tasvirlab berilgan.

Zahiriddin Muhammad Bobur o‘zining hukmronlik davrida ilm-ma’rifatni davlat siyosati darajasiga olib chiqqan. Bobur va uning avlodlari hamisha ilg‘or fikrli ilm-ma’rifat ahli, ijodkorlar, kosib-u hunarmand, bog‘bon-u ziroatchiga katta hurmat-ehtirom ko‘rsatib kelgani bois mamlakat taraqqiy etib, el farovon yashashgan. Shu ma’noda, davrning turli taloto‘plari, ixtiloflariga duch kelsa-da, yuksak insoniy tuyg‘ularni saqlab qola olgan, dunyo ilm-fani, madaniyati rivojiga ulkan hissa qo‘shgan shoh va shoir – Zahiriddin Muhammad Bobur nomi umrbod unutilmaydi! U qoldirgan boy ilmiy-ma’naviy meros, muhtasham me’moriy obidalar asrlar osha yosh avlodlarni ulug‘ maqsadlarga da’vat etib, ma’naviy kuch-quvvat manbai bo‘ladi!

Adabiyotlar ro‘yhati:

1. G‘ofurjon Satimov. Markaziy Osiyo va Hindiston tarixida Boburiylar davri. –T.: “G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi”, 2008-yil.
2. Zahriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – T.: “Yangi kitob”, 2019-yil.
3. Mirzo Muhammad Haydar. Tarixi Rashidiy. – T.: 2010-yil.
4. Gulbadanbegim Zahiriddin Muhammad Bobur qizi. Humoyunnoma. – T.: “O‘zbekiston”, 2016-yil.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING “BOBURNOMA” ASARIDA FARZAND TARBIYASI MASALALARI

Matchanova Nargiza To’lqinovna
Ma`mun-Universiteti, “Tarix va psixologiya” kafedrasi o`qituvchisi.
nargiza.matchanova.89@gmail.com
Sa’dullayeva Elmira Polvon qizi
Ma’mun –Universiteti, “Ijtimoiy-gumanitar” fanlar fakulteti 2 bosqich тalabasi

Аннотация. Бұл мақалада Бабырдың бала тәрбиесіне қатысты ой-пікірлері мен көзқарастары, бала тәрбиесіндегі отбасының рөлі туралы мәліметтер қамтылған «Бобурнома» еңбегінің жазылуы баяндалады. Мақалада Бабырдың патша, ақын ғана емес, ардақты әке болғаны да ашылады.

Тірек сөздер: Бабыр, «Бабырнома», Хумаюн, Камран, бала тәрбиесі, балаға ат қою, оқу, тәрбие, әдеп, отбасы, әке разылығы, сенім, сенім

Аннотация. В данной статье описывается написание произведения «Бобурнома», в котором содержится информация о мнениях и взглядах Бабура на воспитание детей, роль семьи в воспитании детей. В статье раскрывается, что Бабур был не только царем и поэтом, но и преданным отцом.

Ключевые слова: Бабур, «Бабурнома», Хумаюн, Кямран, воспитание ребенка, имянаречение ребенка, образование, воспитание, нравы, семья, согласие отца, вера, убеждение

Bobur ota tomonidan Amir Temurning, ona tomonidan Chingizxonning avlodidir. Uning tomirida Markaziy Osiyodagi ikki buyuk fotihning qoni oqqan.

Zahiriddin Muhammad Bobur 1483 yilda otasi Mirzo Umarshayx hukmronlik qilgan Farg‘onada tug‘ilgan. 11 yoshida otadan yetim qolgan. U “Boburnoma” kitobining ilk satrlarida shunday yozgan: “... sarvari koinotning shafoati bilan va chahoriyori bosafolarning himmati bilan seshanba kuni ramazon oyining boshida tarix sekkiz yuz to‘qson to‘qquzda, ya’ni 1494 yil iyunida Farg‘ona viloyatida o‘n ikki yoshda podshoh bo‘ldim”.

“Boburnoma” asosan Xindistonda Boburiylar saltanatini barpo etgan shoh Boburning tarjimai holi bo‘lib, unda muallif oddiy va jonli til bilan o‘zining yo‘l qo‘ygan xatolarini, qozongan g‘alabalarini, yuksak orzu-umidlarini, tushkunlik holatlarini hikoya qilgan. Asar Avliyo Avgustino va Russoning kashfiyotlari, Gibbon va Nuyutonning yodnomalari qatoridan o‘rin olgan. Mazkur kitob umri davomida ko‘pdan-ko‘p yuksalishlar va tanazzullarni boshidan kechirgan insonning ibratli tarixidirki, uning yuksalishlari qanchalik sarbaland bo‘lsa, tanazzullari shunchalik tubsizdir.

“Boburnoma”ning “To‘qquz yuz o‘ttiz beshinchi (1528) yil voqealari” bobida keltirilgan muallifning o‘g‘li Humoyun Mirzoga yozgan maktubi va unda ko‘tarilgan tarbiyaviy masalalar haqida fikr yuritiladi [5:532].

Xat an’anaviy tarzda, ya’ni maktub bituvchining maktub atalgan kishiga bildirgan ezgu tilaklaridan boshlanadi: “Humoyung‘a mushtoqliklar bila sog‘inib salom degach, so‘z ulkim, dushanba kuni, rabiul-avval oyining o‘nida Bekkina bila Bayonshayx keldilar. Xatlardin va arzadoshtlardin ul yuzdagi, bu yuzdagi kayfiyat va holot mushaxxas va ma’lum bo‘ldi” [3:243].

Maktubdan ma’lum bo‘ladiki, Bobur Mirzoga yuqorida nomi zikr etilgan shaxslar Humoyun Mirzoning o‘g‘illi bo‘lganligi haqidagi xabarni keltirganlar. Ota o‘g‘lini bu muborak voqea bilan qutlarkan, o‘g‘lining ism qo‘yishda shoshilganligini ta’kidlaydi: “… Otini Al’amon qo‘ymishsen. Tengri muborak qilg‘ay. Vale, bovujudkim, o‘zung bitibsen, mundin g‘ofil bo‘lubsenkim, kasrati isti’mol bila avom Alamo derlar, yo El Amon derlar, o‘zga mundoq alif-lom otta kam bo‘lur. Tengri otini va zotini farxunda va muborak qilg‘ay, manga va sanga ko‘p yillar va bisyor qarnlar Al’amonni davlat va saodat bila tuta bergay”. [3:243] Ko‘rinadiki, farzandga ism qo‘yish ham katta mas’uliyat, shu bilan birga, islom dini talablariga ko‘ra, otaning burchi sanaladi. Bobur Mirzo erkaklar ismlarida “a” (“alif”) va “l” (“lom”) harflarining yonma-yon kelishi kam uchrashini ta’kidlarkan, xalq Al’amon ismini Alamo yoki El Amon deb atashi mumkinligiga o‘g‘lining diqqatini tortadi. Demak, oilada tug‘ilgan har bir farzandga ism qo‘yishda ota o‘sha paytdagi his-tuyg‘ulariga emas, aqliga qarab ish tutishi, farzandiga ism qo‘yish masalasiga g‘oyat ehtiyotkorlik bilan yondashishi lozim.

Milliy va diniy an’analarimizga ko‘ra, oilaning mulk va mablag‘i farzandlar yoshiga qarab taqsimlanishi, oilada farzandlar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarda yoshi kattalarning og‘ir-vazmin bo‘lishi farz sanaladi. Bobur to‘ng‘ich farzandi bo‘lmish Humoyunga ham bularni o‘ziga xos tarzda eslatib o‘tadi: “… Yana sen o‘zing bilur edingkim, doim bu qoida mar’iy edi: olti hissa sanga bo‘lsa, besh hissa Komronga bo‘lur edi. Hamisha bu qoidani mar’iy tutub, mundin tajovuz qilmang. Yana ining bila yaxshi maosh qilg‘aysan. Uluqlar ko‘tarimlik kerak, umidim borki, sen ham yaxshi ixtilot qilg‘aysan” [3:243].

Bobur Mirzo maktubida o‘g‘liga ayrim masalalarda bir ota sifatida tanbeh ham beradi, jumladan, “ikki-uch yildin beri bir kishing kelmadi. Men yiborgan kishi xam rost bir yili so‘ngra keldi…”, “Yana xatlaringda yolg‘uzluq, yolg‘uzluqkim, debsen, podshohlikta aybdur... Podshohliq bila yolg‘uzluq rost kelmas” [3:243].

Bobur Mirzo hamisha badiiy ifodaning aniq va sodda bo‘lishi, uslubning ravonligi uchun intiladi, jimjimador tasvirlar, g‘aliz jumlalar qo‘llashdan qochadi. Bu uning qalamiga mansub barcha asarlarda o‘z aksini topgan. Humoyunga bitgan maktubi ham bundan xoli emas, unda ulug‘ shoir bir ota sifatida o‘g‘liga chiroyli va aniq yozishning muhimligini uqtiradi: “… Yana men degandek, bu xatlaringni bitibsen va o‘qumaysen, ne uchunkim, agar o‘qur xayol qilsang edi, o‘quyolmas eding. O‘quyolmagandin so‘ng albatta tag‘yir berur eding. Xatingni xud tashvish bila o‘qusa bo‘ladur, vale asru mug‘laqtur. Nasri muammo hech kishi ko‘rgan emas. Imlong yomon emas. Agarchi xeyli rost emas” [3:243-244].

Bobur Mirzo o‘g‘lining yozuvi yomon bo‘lmasa ham, to‘g‘ri emasligini (xato yozishini) tanqid qiladi: “… iltifotni (التفات” (to” (ط (bila bitibsen. Qulunjni (قولونخ(“yo” (ى (bila bitibsen. Xatingni xud har tavr qilib (har yo‘l bilan) o‘qusa bo‘ladur, vale bu mug‘laq alfozingdin maqsud tamom mafhum bo‘lmaydur (lekin bu mujmal so‘zlaringdan maqsading (xatingni o‘quvchiga) to‘la tushunarli bo‘lmaydi). G‘olibo, xat bitirda kohillig‘ing (yalqovliging) ham ushbu jihattindur. Takalluf qilay deysen, ul jihattin mug‘laq bo‘ladur (Xatingni) bezakdor qilay deysan-u, shu sababli u mujmal bo‘ladi)”. Bobur o‘g‘liga to‘g‘ri va aniq yozish bo‘yicha tanbeh berar ekan, nasihat qilishni ham unutmaydi: “Bundin nari betakalluf va ravshan va pok alfoz bila biti; ham sanga tashvish ozroq bo‘lur va ham o‘qug‘uchig‘a (Bundan keyin ortiqchahashamsiz, aniq va to‘g‘ri yozgin; ham o‘zingga tashvish ozroq bo‘lsin, ham o‘quvchiga)” [3:244].

Ko‘rinadiki, ushbu qaydlardan Bobur Mirzoning farzandlari tarbiyasi bilan bir qatorda ularning bilimiga ham, bilimini to‘g‘ri va joyida ishlata bilish ko‘nikmalarini egallashlariga ham jiddiy qaragan. Bobur o‘g‘liga davlatni boshqarish ishlaridan ham saboq beradi: “… Yana uluq ish ustiga borasen, ish ko‘rgan, ra’y va tadbirliq beklar bila kengashib, alarning so‘zi bila amal qilg‘aysen (Ulug‘ ish ustiga boryapsan, shu sababli ish ko‘rgan, tajribali va tadbirli beklar bilan kengashib, ularning maslahatlariga amal qilgin)” [3:244].

U farzand tarbiyasida qo’llanilishi lozim bo’lgan usullar deb quyidagilarni aytib o’tgan:

Ota-onani farmoni farzand uchun vojibligi.

Barcha insonlarga yaqinligini o’rgatish.

Har bir paytda o’zingizni ibrat qilib ko’rsatish.

Mustaqillik, qat’iylik va uddaburonlik uchun bolaga doimiy talablarni qo’yish va uning ijrosini kuzatish.

Uning bu ish uslubini o’g’li Humoyunga qilgan nasihatidan ko‘rsa bo‘ladi. Bobur o‘g‘liga agar ota roziligini olishni istasa, xilvatda o‘tirishni va xalq bilan kam aralashishni bas qilishini, kunigaa ikki mahal ukasi (Komron Mirzo – N.H.) va beklarni o‘z hollariga qo‘ymay, yoniga chaqirib, qanaqangi maslahatli ish bo‘lsa, ular bilan kengashib, ularning maslahati bilan qaror chiqarishni nasihat qiladi [3:244].

Bobur qirq yetti yilu o‘n oy umr ko‘rgan bo‘lsa, “Boburnoma” uning hayotidan atigi o‘n sakkiz yilini qamragan. Kitob Boburning o‘z qo‘li bilan turkiy tilda yozilgan.

Unda Bobur ijodiyotida ta'lim-tarbiya, odob-ahloq masalalari keng o'rin olgan. Bir asarida:

Xulqingni rost qilg'il har sorig'aki borsang,
Axsanta der bari el gar yaxshi ot chiqarsang,-

deb yozgan Boburning o'zi umr bo'yi ana shu gapiga rioya qilgan. Ko'p g'azallarida ahloqning barcha normalariga rioya qilish kerakligini va shundagina kishi el hurmatiga, katta baxtga sazovor bo'lishini uqtirgan.

Bobur inson kamolotining birinchi ostonasi oila ekanligini uqtirib, u jarayon nihoyatda qiyin va murakkabligini his etgan edi. Bolalarning ahloq-odob qoidalarini o'rganishi ko'p jihatdan atrofdagi shaxslarga bog'liqligini yaxshi bilgan Bobur o'z farzandlarini tarbiyalashda tadbirkor, bilimdon odamlar bilan maslahatlashib, tajribali fozil va tarbiya ko'rgan kishilar bilan kengashib ish tutgan. U o'zining "E'tiqodiyya" asarida bolalarni yoshlikdan boshlab e'tiqodli, iymonli qilib tarbiyalash masalalariga e'tibor bergan. Farzanddagi baxt-saodat keltiruvchi bosh fazilat iymonidir, deb bunday yozgan edi:

Bobur, avvalig'a farz qil ta'rif
Kim, bor insonga avval ul taklif.
Shudir – iymon men aytayin, eshiting,
Xarna der – men, ani ko'ngulga biting...

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki "Boburnoma" nafaqat tarixiy balki pedagogik asar ham hisoblanadi. Asarda bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qtmagan oilaviy munosabatlar, otaning farzand tarbiyasidagi o'rni, ta'lim tarbiya, odob-ahloq, farzand tarbiyasida qo'llanilishi lozim bo'lgan usullar haqida qimmatli ma'lumotlar keltirilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. -Toshkent: Yangi asr, 2006.
2. Valixo'jaev B., Tohirov Q. O`zbek adabiyoti tarixi. XVI asr. – Sam.: SamDU nashri, 2002.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – Toshkent, "Sharq" NMAK, 2002, 243-244-b.
4. O'zbekiston milliy entsiklopediyasi. – Toshkent. 2000-2006, 424-b.
5. O'zbek tilining izohli lug'ati. – Toshkent. 2006-2008, 532-b.

KEL, EY BOBUR, VATANGA….

Abbosjon Rohatalaiyev,
Namangan davlat unversiteti o'qituvchisi, erkin tadqiqotchi
+998999326434
Fotima Turg'unboyeva,
NamDU, Filologiya fakulteti 2-bosqich talabasi
+998940334803

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'zbekiston xalq shoiri Erkin Vohidovning Zahiriddin Muhammad Boburga bag'ishlab yozilgan g'azali xususida fikr yuritilgan. G'azal adabiyotshunoslik nuqtai nazaridan tahlil qilinib Bobur ijodining Erkin Vohidov she'riyatiga ta'siri, shoirning badiiy mahorati, g'azalning vazn xususuyatlari va badiiy san'atlarning qo'llanishi atroflicha ochib berilgan.

Kalit so'zlar: G'azal, adabiy an'ana, badiiy mahorat, she'riy san'atlar, aruz vazni, qofiya turlari, raviy, mutlaq qofiya, estetik zavq.

Аннотация. Бұл мақалада Өзбекстанның халық ақыны Еркін Вахидовтың Захириддин Мұхаммед Бабырға арнаған ғазалы талқыланады. Ғазал әдебиеттану тұрғысынан талданып, Бабыр шығармашылығының Еркін Вахидов поэзиясына тигізген әсері, ақынның суреткерлік шеберлігі, ғазалдың салмақтық сипаттары, көркемдік өнердің қолданысы жан-жақты ашылған.

Түйін сөздер: Ғазал, әдеби дәстүр, көркемдік шеберлік, ақындық өнер, аруз салмағы, ұйқас түрлері, баяндауыш, абсолютті ұйқас, эстетикалық ләззат.

O'zbek mumtoz adabiyoti o'zining qadimiy va boy tarixiga ega. Chunki bu davr nafaqat o'zbek adabiyoti rivojiga, balki dunyo adabiyoti, san'ati, ilm-fani va madaniyati rivojiga ulkan hissa qo'shgan allomalar xizmatlarining beqiyosligi bilan ulkan ahamiyat kasb etadi. O'zbek mumtoz adabiyotida shunday o'chmas iz qoldirgan namoyandalardan biri, shubhasiz, buyuk sarkarda, tilshunos, adabiyotshunos va tarixnavis shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur hisoblanadi. Bobur ijodida "Boburnom", "Mubayyin", "Muxtasar" singari asarlar va "Xatti Boburiy" ning kashf qilinishi, "Qobul" devoni" tartib berilgani Bobur hayoti va ijodining qalbimizga tutash nuqtalari borligidan dalolat beradi.

Ma'lumki, mustabit tuzum davrida Bobur ijodiga bo'lgan e'tibor susaydi. Yurimiz istiqlolga erishib, tobelik iskanjasidan halos bo'lgachgina ko'plar qatori shoir ijodi ham adabiyot ixlosmandlarining diqqat markazida bo'lib kelmoqda. Bugun yurtimizda Zahiriddin Muhammad Bobur adabiy-ijodiy an'analarini munosib davomchisiga aylangan avlod vakillari bor. Ular Bobur hayoti va ijodini teran o'rganish bilan birga shoir sha'niga bag'ishlangan asarlari orqali uning porloq xotirasiga hurmat bajo keltirmoqdalar go'yo.

Bobur ijodiy an'alarining munosib davomchilaridan biri, shubhasiz, Erkin Vohidovdir. Biz Erkin Vohidov she'rlarini o'qir ekanmiz, unda ajdodlar ruhiyatiga yaqinlik, cheksiz hurmat, faxr-u iftixor va ularga munosib voris bo'lish niyatidagi mas'uliyat hissining borligini sezamiz. Zero shoirning o'zi "O'zbegim" qasidasida shunday deydi:

"Mirzo Bobur – sen, fig'oning
Soldi olam uzra o't,
Shoh Mashrab qoni senda
Urdi tug'yon, O'zbegim ".[155]

Mazkur baytda Boburning fig'oni olam uzra o't solgani, buning boisi esa vatandan yiroqlik ekanligi ifodalayotgan bo'lsa, Shoh Mashrab nomini eslash bilan xalqimizning pok ruhiyati va pokiza niyatlari bisyorligiga ishora qiladi.

Shoirning "She'r aziz olam aro" nomli g'azalida ham Boburning ona yurtdan judolik tufayli chekayotgan sheksiz iztiroblarini qalban his qilamiz

"Shoh Bobur Hindu sori Hindu ми
Yurdi-yu, shoir va lek
Yig'ladi farg'onadin to —
Mulki Hindiston qadar".[156]

---

[155] Воҳидов Э. Танланган асарлар. Тошкент. ШАРҚ. 2019, –Б 118.
[156] Воҳидов Э. Муҳаббатнома. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 302.

Zahiriddin Muhammad Bobur qalamiga mansub g‘azal va ruboiylarni ko‘zdan kechirsak, ularda firoq, ayriliq azobi, hijron motivlarining ustunligini ko‘ramiz. Bu albatta, shoir taqdirining o‘z ijodida qoldirgan chizgilaridir.

Erkin Vohidovning shoh va shoir taqdiri tasvir obyektiga aylangan aksariyat she’rlari Boburning o‘z ijodida bo‘lgani kabi hamohang tuyg‘ular silsilaidan iborat misralardan tashkil topganligi bilan xarakterli xususiyat kasb etadi.

Jumladan, shoirning “Kel, ey Bobur, vatanga...”[157] sarlavhali g‘azali ham ayni fikrimizni dalillaydi. Biz quyida g‘azalning to‘la matnini tahlilga tortish orqali uning badiiyat qirralarini ochishga harakat qildik.

Kel, Ey Bobur, Vatanga,
Elda yoding qadr-u shoning bor
Tabarruk bul zaminingda
Hayoti jovidoning bor.
Sog‘inching, orzuying,
Ko‘zyoshing, armonlaring bunda,
Jahonga sig‘magan
Shoir xayoling, bir jahoning bor.
Bu yurtning lolazoriga
Sochilgandir yurak qoning,
Shafaqlarda falakni
O‘rtagan o‘tli fig‘oning bor.
Zamonikim, nizolardan
To‘yib tarki Vatan qilding,
Muroding endi hosildir,
Zamoni al'amoning bor.
Eling, alhamdulillohkim,
Asoratdan xalol bo‘lgan,
Go‘zal yurt Andijoning,
Anda ruhing, anda joning bor.
Kel, ey Bobur, g‘azal yoz,
Ot minib kez shoh Boburdek
Necha Bobur kabi nasling
Bahodir, pahlavoning bor.

Shoirning ushbu g‘azali an’anaviy 6 baytdan iborat bo‘lib u aruzning hazaji musammani solim vaznida bitilgan bo‘lib, uning taqte’si quyidagicha ifodalanadi:

V - - - // V - - - // V - - - // V - - -

Ma fo iy lun // ma fo iy lun // ma fo iy lun / ma fo iy lun

G‘azal tili sodda va ravon bo‘lib, murakkab so‘z va iboralar deyarli uchramaydi. G‘azalda **“bor”** so‘zi radif sifatida qo‘llangan. “**Qadr-u shoning, jovidoning, jahoning, fig‘oning, al-amoning, joning, pahlavoning”** so‘zlari qofiya vazifasini o‘tagan. Qofiyani tashkil qilgan raviy, ya’ni tirgak tovush “n” undoshidir. Raviydan

[157] Воҳидов Э. Девон (Сенга бахтдан тахт тиларман). –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2017. –Б. 157.

avval cho‘ziq **“o”** unlisi ya’ni ridfi asliy va raviydan so‘ng so‘ng qisqa **“i”** unlisi va **“ng”** undoshlari kelib, g‘azalda ridfi asliyli[158] mutlaq qofiyani hosil qilgan.

G‘azal matla’si muallifning Boburga murojaat – chorlovi bilan boshlanadi. Baytning ikkinchi misrasida “**jovidon”ing** so‘zi birinchi misradagi “**shon**”ing so‘zi bilan qofiya hosil qilgan.

O‘zbek tilining izohli lug‘atida **jovidon**[159] so‘zining **abadiy, mangu, doimiy** kabi lug‘aviy ma’nolari borligi aytilgan. Misra mazmunida ham bugun Bobur ijodi o‘z yurtida cheksiz hurmat e’tiborda ekanligi jovidon so‘zi orqali ochib berilgan. Ikkinchi bayda shoir ta’did san’ati vositasida Bobur shaxsiyatiga va taqdiriga daxldor bo‘lgan sog‘inch, orzu, armon kabi turdosh mavhum otga mansub tushunchalarni sanash bilan misraga musiqiy ohang bag‘ishlaydi. Bularning barchasi albatta Boburga xos hijron tuyg‘usi bilan bog‘liq.

Uchinchi baytni muallif tashbeh, mubolag‘a san’atining go‘zal namunalari bilan bezaydi.

Bu yurtning lolazoriga
Sochilgandir yurak qoning,
Shafaqlarda falakni
O‘rtagan o‘tli fig‘oning bor.

Yurtimizning qir-u adirlari bahor chog‘ida lola va lolaqizg‘aldoqlar bilan alvonlanishi hech kimga sir emas. Lekin shoir bu go‘zallik sababini tabiat qonuni sifatida emas, balki Boburning yurak qoni bilan qizil tusga kirgan tarzdagi tashbehi bilan izohlaydi.

Baytning ikkinchi misrasini esa, vatandan ayro kechayotgan hayotidan oh urgan Boburning fig‘oni falak shafaqlarinida qizartirib yuborish tasviri bilan beradiki, bu mubolag‘a san’atining baytda o‘rinli foydalanilganidan dalolat beradi. Aytish mumkinki, baytda Bobur ruhiyati to‘laqonli aks ettirilgan.

Zamonikim, nizolardan
To‘yib tarki Vatan qilding,
Muroding endi hosildir,
Zamoni al'amoning bor.

Mazkur misralarda Boburning ona yurtidagi nizolar-u hiyonatlardan to‘yib vatan tarkiga jazm qilgani e’tirof etiladi. Bu kun mustaqil diyorimizning uzoq yillik zamon taloto‘plaridan, mustabit tuzum uqubatlaridan omon chiqib, dorilomon kunlarda hayot kechirayotgani baytning ikkinchi misrasiga Boburning ushalgan armonlari yanglig‘ singdiriladi.

G‘azalning keyingi baytidan shukronalik hissi ufurib turadi. Endi shoir asoratdan halos bo‘lgan go‘zal Andijonni tasviriga o‘tadi va Boburning pok ruhi, ona yurtga baxshida joni borligi bu ruhning har bir hamyurti qiyofaisda akslanib turishiga ishora qiladi.

G‘azal maqtasi shoirning yana Boburga g‘oyibona murojaati bilan go‘zal tarzda yakun topadi.

Kel, ey Bobur, g‘azal yoz,
Ot minib kez shoh Boburdek

---

[158] Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. Тошкент. ШАРҚ, 1998. – 126 Б.

[159] Мадвалиев А раҳбарлигидаги таҳрир ҳайъати. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, “Ж” ҳарфи. –98 Б.

Necha Bobur kabi nasling
Bahodir, pahlavoning bor.

Ushbu misralardan shoirning ham aqlan, ham jismonan tarbiya topib, tobora jahonga yuzlanib, o‘z yurtini dunyo ahliga tanitayotgan vatanparvar yoshlari, Boburdek zabardast o‘g‘il qizlarni ulg‘aytirayotgan ona yurt bilan faxrlanish va iftixor tuyg‘ulari ifodasini his qilamiz.

Bobur hayotini o‘rganar ekanmiz uning jismoniy va aqliy jihatdan nechog‘lik yetuk ekanligiga guvoh bo‘lamiz. U turkiy she’riyatga go‘zal g‘azal va ruboiylari, betakror tashbehlari, badiiy topilmalari bilan munosib hissa qo‘shdi. U o‘rta asr madaniyatida shoir , olim va buyuk sarkarda sifatida o‘ziga xos o‘rin egalladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Воҳидов Э. Танланган асарлар. Тошкент. ШАРҚ. 2019, –Б 118.
2. Воҳидов Э. Муҳаббатнома. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 302.
3. Воҳидов Э. Девон (Сенга бахтдан тахт тиларман). –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2017. –Б. 157.
4. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. Тошкент. ШАРҚ, 1998. – 126 Б.
5. Мадвалиев А раҳбарлигидаги таҳрир ҳайъати. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, “Ж” ҳарфи. –98 Б.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING SHARQ XALQLARI VA JAHON TARIXIDA TUTGAN O’RNI

Rahmonova Shirin Qutlimuratovna
Ma`mun-Universiteti, “Tarix va psixologiya” kafedrasi o`qituvchisi.
raxmanovashirin251@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti faoliyati, Hindistonda Boburiylar sulolasining hokimiyatga kelishi va o’tkazilgan islohotlar, Bobur Mirzoning jahon tarixida tutgan o’rni va oburshunoslik rivoji masalalari ilmiy adabiyotlar asosida ko`rib chiqilgan.

Аннотация. В данной статье на основе научной литературы рассматриваются жизнь и деятельность Захириддина Мухаммада Бабура, приход к власти династии Бабура в Индии и проведенные реформы, роль Бабура-мирзы в мировой истории и развитие бабуроведения.

Аннотация. Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың өмірі мен қызметі, Үндістандағы Бабыр әулетінің билікке келуі және жүргізілген реформалар, Бабыр Мырзаның дүниежүзілік тарихтағы орны және бабыртану ғылымының дамуы ғылыми әдебиеттерге сүйене отырып қарастырылады.

Kalit so’zlar: Zahiriddin Muhammad Bobur, Umarshayx Mirzo, Qutlug’ Nigorxonim, «Buyuk mo'g'ul imperiyasi», “Bobur ensiklopediyasi”, “Boburnoma”, Hindiston, Ibrohim Lo’diy, boburshunoslik, Javaharlal Neru, Eyji Mano, “Bobur va jahon madaniyati" muzeyi.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, Умаршайх Мирза, Кутлуг Нигорханим, «Великая Монгольская империя», «Энциклопедия Бабура», «Бобурнома», Индия, Ибрагим Лоди, Бабуристика, Джавахарлал Неру, Эйджи Мано, музей «Бабур и мировая культура».

Кілт сөздер: Захириддин Мұхаммед Бабыр, Умаршайх Мырза, Құтлұғ Нигорханым, «Ұлы Моңғол империясы», «Бабур энциклопедиясы», «Бобурнома», Үндістан, Ибрагим Лоди, Бабыртану, Джавахарлал Неру, Эйджи Мано, «Бабыр және әлем мәдениеті» мұражайы.

Zahiriddin Muhammad Bobur oʻrta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va sheʼriyatida oʻziga xos oʻrin egallagan adib, shoir, olim boʻlish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda hamdir. Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan boʻlsa, serjilo oʻzbek tilida yozilgan “Boburnoma” asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi.

"Har bir hududga borganda oʻsha yerning tarixini oʻrganish va tiklashga eʼtibor qaratmoqdamiz. Bobur Mirzo xalqimizning buyuk farzandi. Adabiyot, ilm, maʼrifat nuqtai nazaridan u hamon yashayapti. Bu maskanni yanada obod qilib, tarbiya oʻchogʻiga aylantirish zarur. Oʻzligimizni anglab, buyuk tariximizni yoshlarga tushuntirsak, ilm-maʼrifatni rivojlantirsak, hech qachon kam boʻlmaymiz", degan davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev.[160]

Bobur 1483- yili Farg'ona viloyatining poytaxti Andijonda tug'ilgan. Otasi ushbu viloyat hokimi Umarshayx Mirzo Amir Temurga to'rtinchi avlod — evara edi. Onasi Qutlug' Nigorxonimning otasi Yunusxon esa o'n ikki avlod bilan Chingizxonga ulanardi. Ko'rinadiki, Bobur insoniyat tarixidagi ikki buyuk sulola tutashgan nuqtada dunyoga kelgan jahonning eng mashhur shaxslaridan biridir. Murakkab va ziddiyatli hayoti o'spirinlikdan to umrining oxirigacha jang-u jadallar, sarson-sargashtalik, zafar va mag'lubiyat, ijod-u bunyodkorlik ichida kechdi.[161]

Bobur 1497- yili 15 yoshida sohibqiron Amir Temur poytaxt qilgan Samarqand shahrini egallaydi. Lekin moddiy tanqislik, qaltis siyosiy vaziyat tufayli bu shahri azimni tashlab chiqishga inajbur bo'ladi. Andijonda xiyonat yuz bergandi. Bobur ishongan beklar taxtga ukasi Jahongir mirzoni o'tqizmoqchi bo'ladilar. Ikki yil sargardonlikdan so'ng katta mashaqqatlar bilan Andijon qaytarib olinadi. 1500-yilda Bobur Samarqandni jangsiz osonlik bilan qo'lga kiritadi. Lekin Shayboniyxon yaqinlashib kelayotganligi uchun kuch to'plash maqsadida Shahrisabzga jo'naydi. Shunda Shayboniyxon Sulton Ali mirzoning onasi Zuhrabegimni unga uylanish va'dasi bilan aldab, shaharni egallaydi. 1501- yili Bobur 240 nafar navkari bilan yetti mingga yaqin qo'shini bo'lgan tajribali shoh Shayboniydan Samarqandni tortib olishga muvaffaq bo'ladi. Ko'p o'tmay Shayboniyxon shaharni qamal qildi va u uzoq davom etdi. Bir tomondan shahar ichidagi ochlik, ikkinchi tomondan qarindoshlari bo'lmish boshqa temuriylardan madad kelmagani yosh hukmdorni og'ir bo'lsa-da bir qarorga kelishga undadi. U yana Samarqandni tashlab ketishga, nafaqat Samarqandni, jondan aziz Vatanini ham butunlay tark etishga majbur bo'ldi. Ikki yilga yaqin sarson-sargardonlikdan so'ng 1503- yilda Kobulga yo'l oladi. Kobul va G'aznani jangsiz

[160] Sh. Mirziyoyev “Andijonga tashrifi davomida”- 2017-y
[161] Q. Usmonov, M,Sodiqov, S. Burxonova “O’zbekiston tarixi” T-2016-y

egallaydi va o'zini shoh deb e'lon qiladi. 1507- yildan Hindistonni zabt etish harakatiga tushgan Bobur 1526- yili o'z maqsadiga yetadi. Shu yilning 21- aprelida Panipat jangida Boburning 12 minglik qo'shini hind sultoni Ibrohim Lo'diyning 100 ming kishilik askari bilan to'qnashadi. Ajdodlaridan meros jang sirlari, yillar davomida to'plagan tajribasi hamda taqdirning bergan achchiq saboqlari qo'l keldi. Bobur hind yerida Yevropada keyinchalik «Buyuk mo'g'ul imperiyasi» deb atalgan ulkan saltanatga asos soldi. Bobur va boburiylarning hukmdorligi Hindiston tarixida juda katta ijobiy ahamiyat kasb etdi.

Bobur Hindistondagi din-mazhab janjallarini oldini olishga, mamlakatda osoyishtalik qaror toptirishga urindi. Adolatli qonunlar chiqardi, g'ayridinlik solig'i (juz'ya)ni bekor qildi. Lekin jang-u jadallar, saltanat tashvishlari, ayniqsa, Vatan sog'inchi nozik qalb egasi bo'lgan shoirning sog'ligiga salbiy ta'sir qildi. Bobur 1530- yilning 26- dekabrida Agrada vafot etadi. Keyin uning xoki, vasiyatiga muvofiq, Kobulga ko'chiriladi.

Biroq qisqa bir vaqt ichida Bobur Hindistonda siyosiy muhitni barqarorlashtirish, Hindiston yerlarini birlashtirish, shaharlarni obodonlashtirish, savdo-sotiq masalalarini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, bog‘-rog‘lar yaratish ishlariga homiylik qildi. Hindistonni obodonlashtirish, unda hozirgacha mashhur bo‘lgan me’moriy yodgorliklar, bog‘lar, kutubxonalar, karvonsaroylar qurdirish, ayniqsa, uning o‘g‘illari va avlodlari davrida keng miqyosga yoyildi. Hindiston san’ati va me’morchiligiga Markaziy Osiyo uslubining kirib kelishi sezila boshladi. Bobur va uning hukmdor avlodlari huzurida o‘sha davrning ilg‘or va zehni o‘tkir olimlari, shoirlari, musiqashunoslari va davlat arboblarini mujassam etgan mukammal bir ma’naviy, ruhiy muhit vujudga keldi. Boburiylar davlatidagi madaniy muhitning Hindiston uchun ahamiyati haqida Javaharla’l Neru shunday yozgan edi: “Bobur Hindistonga kelgandan keyin katta siljishlar yuz berdi va yangi rag‘batlantirishlar hayotga, san’atga, arxitekturaga toza havo baxsh etdi, madaniyatning boshqa sohalari esa bir-birlariga tutashib ketdi”.

O‘tgan vaqt davomida Bobur Mirzo hayoti va ijodini o’rganish bo’yicha bir qancha ishlar amalga oshirildi. O’zbekiston dunyo boburshunosligining markaziga aylandi. Barcha bajarilgan ishlarning solnomasi sifatida mamlakatimizda ilk bor shaxsga nisbatan qomus, ya’ni “Bobur ensiklopediyasi” yaratildi. 64 bosma toboqli bu ulkan ensiklopediyani yaratishda o‘zbek boburshunos olimlari qatorida Yaponiya, Hindiston, Turkiya, Afg‘oniston va yevropalik olimlar ham faol ishtirok etishdi. Bobur ijodini qirq yildan beri o‘rganib kelayotgan yaponiyalik boburshunos olim Eyji Mano ensiklopediyaga “butun dunyo boburshunoslari uchun muhim qo‘llanma bo‘ladi” deya baho berdi.

“Boburnoma” o’zbek va turkiy adabiyotning dunyoga mashxur memuar asardir. Asarda O‘zbekiston, Afg‘oniston, Eron, Hindiston va yana boshqa xalqlarining madaniyati, qadriyatlari, o‘ziga xos xususiyatlaridan tortib, tabiati, geografiyasi, hayvonot va nabotot olami to‘g‘risida bebaho ma’lumotlar mavjud.[162] Yaponiyalik yirik boburshunos Eyji Mano “Boburnoma”ni “ma’lumotlar xazinasi” deya atagan bo‘lsa, angliyalik boburshunos Beverij xonim “butun tarixda yaratilgan yozma yodgorliklarning eng bebahosidir”, deydi. Germaniyalik boburshunos Klaus Shoning

[162] Z.M.Bobur “Boburnoma”- “Yangi asr avlodi” 2018

esa “Boburnoma”ga baho berib, “mukammal tizimdagi xalq tilida yozilgan eng katta hajmdagi asardir”, deya ta’kidlaydi.

Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 510 yilligi munosabati bilan Bobur istirohat bogʻi foydalanishga topshirilgan. Bobur xalqaro jamoat fondi tasarrufidagi soʻlim maskan 357 gektar maydonni egallagan. Bogʻda Bobur Mirzoning ramziy qabri va haykali, "Bobur va jahon madaniyati" muzeyi barpo etilgan. Bobur hayoti va merosini oʻrganishga bagʻishlangan xalqaro ilmiy ekspeditsiya tomonidan olib kelingan noyob qoʻlyozmalar, kitoblar va tarixiy ashyolar oʻrin olgan muzey mamlakatimizdagi diqqatga sazovor maskanlardan biriga aylangan.

Bobur oʻzining ma’lum va mashhur asarlari bilan tarixnavis adib, lirik shoir va sarkarda ijtimoiy masalalar yechimiga oʻz hissasini qoʻshgan olim sifatida xalqimiz ma’naviy madaniyati tarixida munosib oʻrin egallaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1.Sh. Mirziyayev “Andijonga tashrifi davomida”- 2017-y.
2. Q. Usmonov, M,Sodiqov, S. Burxonova “O’zbekiston tarixi” T-2016-y.
3. Z.M.Bobur “Boburnoma” “Yangi asr avlodi” 2018-y.
4.P. Qodirov “Yulduzli tunlar” T-2019-y.

КЛАССИКАЛЫҚ ТҮРКІ ПОЭЗИЯСЫНДАҒЫ «БАБЫР-НАМЕ» ЕҢБЕГІ ЖӘНЕ АБАЙ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ

Дауылбаева Назерке Орынбасарқызы
Қ.Жұбанов атындағы Ақтөбе өңірлік университеті, магистр

Ғылыми жетекшісі: Ferhat Karabulut
Manisa Celal Bayar Üniversitesi, Türk Dili ve Edebiyatı Bölümü

Аннотация. Мақалада классикалық деңгейге көтеріле жырланған бірегей, қолтума туындылардың авторы, шығыс классигі Бабырдың «Бабыр-наме» еңбегі мен қазақтың бас ақыны Абай поэзиясының ұқсастықтары кеңінен тарқатылған. Сонымен қатар олар қозғаған махаббат лирикаларының «ғазал» жанрында жазылғандығы зерттеліп, бұл жанрдың образдық жүйесі көрсетілген. Авторлардың шығармаларындағы махаббат жайлы пікірлері мен түсініктері келтірілген.

Кілт сөздер: өлең, шығыстық дәстүр, жанр, ғазал, махаббат лирикасы, толық адам.

Аннотация. В статье широко обсуждаются сходства произведения «Бабыр-наме» Бабыра, автора уникальных и доступных произведений, воспетых на классическом уровне, и великого казахского поэта Абая. При этом изучено, что написанная ими любовная лирика написана в жанре «газель», показана образная система этого жанра. Приведены взгляды и представления авторов о любви в их произведениях.

Ключевые слова: поэма, восточная традиция, жанр, газель, любовная лирика, целостный человек.

Abstract. In the article, the similarities between the work "Babyr-name" by Babyr, the author of unique and accessible works sung at the classical level, and the great Kazakh poet Abai are widely discussed. At the same time, the fact that the love lyrics written by them were written in the genre of "ghazal" was studied, and the image system of this genre was shown. Authors' opinions and understandings about love in their works are given.

Key words: poem, oriental tradition, genre, ghazal, love lyrics, complete person.

Түркі поэзиясының шоқтығы биік дүлдүлі Бабыр өмір сүрген заман – шығыстық теориялық өлшемдермен қатар, поэтикалық бейнелеулер, ырғақтар кеңінен пайдаланылып, араб-парсы поэзиясының кеңінен өріс алған уақыты. Соның ішінде шығыстық өлең өлшемін жете меңгерген Бабыр сынды Орта Азия ақындары түркі тілі мен әдебиетінің поэтикалық жүйесіндегі табиғи қалыпты бұзбай-ақ, түркі поэзиясын биік шыңға көтеруге атсалысты.

Бабыр шығармаларының негізгі тақырыбы – махаббат жайлы. Бабыр ғазалдары адамдарға бақыт сыйлайды. Ғашық жан – бақытты жан. Ғашықтықты сезінбеген, түйсінбеген, басынан өткермеген адамның махаббат жайлы жыр жаза алмасы белгілі.

Ғазал, рубаи, мәснәуи, қыта, қасида, тұйық – Бабыр поэзиясында жиі кездесетін өлең түрлері. Солардың ішіндегі Бабырдың ең көп жырлағаны ғазал жанры. «Бабырнамада» өлеңнің басқа түріне қарағанда жиі келтірілген жолдар осы ғазал жанры болатын. Бұл жайында Бабыр былай деп жазды: «Таңертең Самсирақ маңында аң аулауға шығып сергідік. Ол жерге келген соң, Тұрақ бағына қос тіктік. Алғашқы ғазалды сол қоста, сол күні тамамдадым. Аяқталған ғазалдың алғашқы жолдары мынадай еді: Жаннан артық сенімді дос таппадым, Құпиямды тек жүректе сақтадым. Мұндай алты өлең бар, кейін жазылып тамамдалған ғазалдардың бәрі де алғашқы үлгіге ұқсас».

Бабырдың дүниеге әкелген ғазалдарының ішінде бүгінгі күнге жеткені жүз жиырмаға жуық. Бұлардың қолжазба көшірмелері екі түрлі жинақ болып Париж, Стамбұл кітапханаларында сақтаулы. Бабыр ғазалдарының семантикасын зерттеген И.В.Стеблева Стамбұлдағы құрамы толық қолжазбада Бабыр өмірінің барлық кезеңінде жазған өлеңдері бар екенін және Рампур жинағындағы ғазал тарауы Бабырдың осы айтып отырған ғазалымен аяқталатынын айтады.

Классикалық түркі поэзиясындағы лирикалық жанрға жататын ғазал жанры Бабыр шығармасының ішіндегі ерекше дамытқан жанр болып табылады. Ғазал жанрының образдық жүйесін ғасырлар бойы араб-парсы әдебиет өкілдері қалыптастырып, кейіннен түркі поэзиясында жалғасын тапқаны белгілі. Бабыр сынды өз заманының озық өкілдері өздеріне дейін қалыптасқан дәстүрді, әдеби ережелерді ұстанды. Ирандағы Омар Хаям іспетті түркі поэзиясында Бабыр да ғазал жанрының хас шебері атанды. Парсы-тәжік жазба поэзиясында ғазал жанрын алғашқы болып дүниеге әкелген Рудаки болса, Х ғасырда Балхи, Дакики, Мирзауилар оны ары қарай дамытты. Алтын Орда ақындарының ішінде бұл дәстүрдің нақты түркілік үлгісін Хорезми өзінің «Мұхаббат-намасында» қолданып, Сағди ақын да шеберлікпен жырлады. Сонымен қатар XIV ғасырдағы сөз зергері Қожа Хафиз бен осы ғасырдың соңғы кезеңінде ғұмыр кешкен Әзірбайжанның әйгілі ақыны Имадеддин Нәсими, XV ғасырда өмір сүрген

Жәмилер ғазал жанрына Абай айтқандай, «Іші алтын, сырты күміс сөз жақсысын» арнады. Ал Физули болса, ғазал жанрының кереметтігін паш ете отырып, өлең жолдарын да арнады. Ғазал ақынның құдіретін танытады, Ғазал өлеңнің атын шығарар. Ғазал жанрының анық дамып, шарықтай түскен кезеңі – XV ғасыр болып саналады. Бұл ғасыр кейбір зерттеулерде «ғазалдар ғасыры» деп те аталып келеді.

«Бабырнаме» туындысы жазылған ғазал жанрының генезисіне тоқталар болсақ, аталмыш жанрдың пайда болуы қай автордың қаламына тиесілі екенін дөп басып айту қиын. Бұл жайында әдебиет зерттеушілерінің пікірі де сан алуан. Әдебиет зерттеушісі А.Қыраубаеваның: «…Шығыс алыптары Фирдоуси, Низами, Сағди қалдырған поэзия түркі тілдес халықтар әдебиетіне етене жақын еді. Олардан қалған үлгі араб, парсы, түркі тілдерін бірдей білетін түркі ақындарына шеберлік мектебіндей болған» деп атап айтқанындай, сөз жоқ, Бабырдың поэзиялық мұрасы осы шығыс алыптарының шығармашылығын түркілік таныммен байытқан дәстүрлі жалғасы болып табылады. Бабыр әсіресе Науаи сынды көркем сөздің хас шеберінен үлгі алып, солардың ақындық дәстүрін дамытуға атсалысты:

Берген сертің, сөзің қайда? – қайда кетті барлығы?
Махаббаттың белгісі, еркелігің – қайда кетті барлығы?
Кеткен едім өзіңнен, сасқаныңнан – алдың ба екен есіңе,
Қайда сенің Мәжнүнің, – қайда кетті барлығы?
Сенің сөзің қайғы халге шипа болған дәрідей,
Қайда кетті сол ем дәрі – қайда кетті барлығы?
Қалай ғана тез ұмыттың мына байғұс Бабырды
Берген сертің, сөзің қайда ? – қайда кетті барлығы? [1, 256].

Бабыр лирикасы фәни дүниеге шыр етіп келген әрбір пенденің сүйіспеншілік жолында шынайы бақытқа кенелуге, сол бақытқа кенелген сәтте бүкіл қоршаған әлем, аялы табиғат, тылсым тіршіліктің нұрлы сәтін сезінуіне толық құқы бар екендігін, өзінің жан айқайымен танытып Л.Арагонның: «Тек махаббат жайлы айтыңдар, одан басқасының бәрі – қылмыс» – деген афоризмі секілді паш етеді.

Әдебиет зерттеушісі Өтеген Күмісбаев: «…Түркі ғазалының табиғатын әлі ешкім түбегейлі тауысып жазған жоқ. Бабыр соның бұлақ бастауында тұрған кісі» дей отырып, Бабыр ғазалдарының Абай, Мағжан лирикаларымен үндесетінін, Абай өлеңін дүниежүзілік лириканың биік шыңына апарып қойғысы келетінін айта келе, оның өлеңдерін: «Бабырмен бір оттың басында отырып жазылғандай естіледі» деп жазады. Сондай-ақ ғалым Бабыр қолданған шығыстық өлең өлшемдерінің, яғни ғазал, рубаи, мәснауи секілді шығыстың өлең формалары Абайдан бұрын қазақ поэзиясына етене еніп кеткенін еске салады.

«Ертедегі шағатай әдебиеті тек Абайға ғана тән дәстүр емес, сол сияқты қазақ халқының XX ғасыр басындағы көптеген ақын жазушыларына … да тән дәстүр. Осылардың бәрінің де ақындық арналарының негізгі бұлағы бір» деген Б.Кенжебаев пікірін негізге алған С.Сейітжанов та дәстүр жалғастығын осыдан жүздеген жылдар бұрынғы ғазал жанрына ұқсастырып аз да болса қалам

тербеген Ақан сері, Абайдың ... өлеңдерінен де байқауға болатынына назар аудартады.

Жоғары да көрсетілген пікірлерден Бабырдың үлгі тұтқан «ғазал» жанрын өлең жазуда қазақтың бас ақыны Абайдың ұстанғаны да көрініп тұр. Мұхтар Әуезовтың «Абай жолы» эпопеясында мынадай үзінді бар: «Абай... Кейде Бабыр, Науаи, Аллаяр сияқтыларды оқып - оқып кеп өзі де қағаз, қарындаш алып соларша бірдемелер жазып кетеді». Осыдан-ақ Абайдың Бабыр шығармаларын оқып, еліктеп өскендігін байқауға болады.

Бабыр мен Абайдың түсінігі бойынша махаббаттың екі түрі болады екен: адамның Аллаға деген илаһи махаббаты және жігіт пен қыз, ер мен әйел арасындағы қарапайым адами (табиғи) махаббат. Бабыр махаббаттың екі түрін де терең жырлаған. Оның ғазалдарында илаһи махаббаттың адами махаббатпен араласып кеткендігі соншама, олардың ара-жігін ашып, ажырату өте қиын.

Абайдың шығармашылығын парсы әдебиетімен салыстыра, салғастыра зерттеу барысында аңдағанымыз, ол – ақынның махаббат лирикасының Шығыс әдебиетіндегі ғашықтық тақырыбымен үндестікте, сабақтастықта жырланатындығы. Әйтсе де, қазақ ақынының өлеңдерінде махаббаттың адами махаббат үлгісі басымырақ түсіп жатады. Абай табиғи сезім – махаббат, ғашықтықты Шығыс ақындары, әсіресе Бабыр шығармаларындағыдай тұспалдамай, жұмбақтамай, емеурінсіз, анық, ашық, шынайы күйінде жырлайды.

Жалпы “Кәміл инсан” (الکامل انسان) – “толық адам” түсінігі Абайдың шығармашылығында әр қырынан жан-жақты қарастырылады. Ақын:

Ақыл, қайрат, жүректі бірдей ұста,
Сонда толық боласың елден ерек.
Үш-ақ нәрсе – адамның қасиеті:
Ыстық қайрат, нұрлы ақыл, жылы жүрек [2, 210], -

деп кемелділікке ақыл, қайрат, жүректі тең ұстағанда ғана жетуге болатынын айтады. Осы үшеуінің бірлікте болғанын қалаған ақын он жетінші қара сөзінде: “Осы үшеуің басыңды қос, бәрін де жүрекке билет” деп жүректі басты орынға қояды. Ал он төртінші қара сөзінде Абай оқушысына: “Тірі адамның жүректен аяулы жері бола ма?” деген сауал қойып, он жетінші сөзінде жүректің атынан оның адам денесінің патшасы, жанның тұрақ еткен мекені, тіршіліктің көзі екендігін айтады. Жүрек өзінің соғуын тоқтатып, қызуынан айрылса, дененің басқа мүшелерінің қауқарсыз күйге түсетіндігін ақын былайша жеткізеді:

Жүректен қызу, қызба кете қалса,
Өзге тәннен еш қызық іс табылмас.

Лүп-лүп соққан жүрек – тіршілік иесінің ғұмырының жалғасын тауып, әлі дәм-тұзының таусылмағанының белгісі. Жүрек адам ағзасында ең басты қызмет атқаруымен қатар ауыспалы мағынасында адам баласының ішкі жан дүниесінің, рухани сезімінің айнасы болып есептелінеді. Абайтанушы ғалым Ж.Ысмағұлов: “Адам көкірегі – сезімнің ұясы. Оны бірінен соң бірін туындатып, бірімен-бірін шарпыстырып, бірін тұтандырып, бірін тұншықтырып жататын майдан алаңы – жүрек” [3, 12] деп, жүректің анатомиялық мағынасынан гөрі екінші ауыспалы мағынасының қызметіне көбірек мән береді. Рухани сезім айнасы арқылы адам ақиқатты танып, болмысты түсінуге мүмкіндік алады. Абайдың өзі: “Жүректің

көзі ашылса, Хақтың түсер сәулесі" деп жырлағанындай, мейірім, адамгершілік, махаббат сияқты биік сезімдердің жүрек көзі арқылы ақиқатқа жол ашатыны сөзсіз.

Абай шығармашылығын қарастыру барысында ақынның жүрек тақырыбын адамгершілік, махаббат сияқты адам баласына Жаратушы тарапынан сыйға берілген биік сезімдер тұрғысынан жырлағандығын бай-қаймыз. Осы тұрғыда Абайдың Шығыс әдебиеті, мәдениетімен байланысын көп зерт-теген абайтанушы ғалым М.Мырзахметұлының пікірі көңіл аударарлық: "Қазақ әдебиетінің сан ғасырларға созылған тарихында бірде-бір қазақ ақыны жүректің адам өмірінен алатын орны мен атқарар қызметін соншалықты жан-жақты терең мағынада, философиялық, гуманистік астар беріп, оны ақындық тіл өнерінде құлпырта ойнатып, Абайша толғай алған емес. Абайдың жүрек жайындағы танымдары арнайы зерттеуді қажет етеді" [4, 104].

Расында да Абайдың шығармашылығына зер салып, ақыл көзімен қарасақ, өлеңдерінің өн бойы жүрек сөзімен, сезіммен өріліп, астасып жатыр. Абайдың жүректі әспеттеп, оны басқалардан жоғары қойып жырлайтын өлеңдерінің тізімі өте ұзақ. Осы ретте Абай өзінің қанша өлеңінде жүрек сөзін пайдаланып, шығармасына арқау еткен деп сұрағанша, Абайдың қай өлеңінде жүрек сөзі кездеспейді екен деп сұраған орынды болар. Абай жүрек тақырыбына "Жүрегім, ойбай, соқпа енді", "Жүректе қайрат болмаса", "Ауру жүрек ақырын соғады жай", "Жүрегім менің қырық жамау", "Жүрегім, нені сезесің?", "Жүрек – теңіз, қызықтың бәрі – асыл тас", "Әуелде бір суық мұз ақыл зерек", "Жастықтың оты қайдасың?" атты өлеңдерінде ой қозғайды. Сонымен қатар "Білімдіден шыққан сөз", "Ем таба алмай, от жалындай…", "Кейде есер көңіл құрғырың", "Көзінен басқа ойы жоқ", "Көзімнің қарасы", "Жастықтың оты жалындап", "Қызарып, сұрланып", "Талай сөз бұдан бұрын көп айтқанмын", "Малға достың мұңы жоқ малдан басқа", "Көңіл құсы құйқылжыр шартарапқа", "Адамның кейбір кездері", "Қуаты оттай бұрқырап", "Сұм дүние тонап жатыр, ісің бар ма?", "Есіңде бар ма жас күнің", "Домбыраға қол соқпа", "Ойға түстім, толған-дым" және т.б өлеңдерінде сөзінің әлқиссасын жүректен бастап, негізгі айтайын деген ойына көшеді.

Абай шығармашылығындағы жүрек – жай жүрек емес: "Сүйек жасыған соң жай таба алмаған жүрек", "Мұңмен шыққан, оралған тәтті күйге қозғалатын; адамның үш қасиетінің бірі – жылы жүрек", "Тұла бойды жылытқан ыстық жүрек", "Терең сайда жолығатын қыздың асыл жүрегі", "Хаққа бастайтын; бар тамырды қуалайтын сөзді сезген ынталы жүрек", "Аяғын шалыс басқан асау жүрек", "…Долы қол, улы сия, ащы тілмен бірге не жазып кетсе жайы сол, ызалы жүрек", "Жомарт жау жүрек", "Қиянат-шыл дүниеден қырық жамау болған жүрек", "Суынбаған жалын жүрек", "Жастықтың оты жалындап, жай таба алмай жанып жатқан, саусағын жайып, көкке ұмтылған жас жүрек" және т.б.

Біздің ойымыз абайтанушы ғалым З.Ахметовтің пікірімен дәйектеле түседі: "Абай шығармаларында алдымен мейлінше мол, әр қырынан көрінетін, әрине, ақынның өз бейнесі, өз тұлғасы. Лирик ақын қоғам өмірінің шындығын өз көңіл-күйін білдіру арқылы танытады. Ақынның өз тұлға бейнесі оны тебіренткен ой-сезімдерден айтылып, баян-далып отырған өмірдегі алуан түрлі жағдайларға, қоғамдық мәселелерге, әр түрлі адамдардың іс-әрекеттеріне оның

қатынасынан, берген бағасынан айқындала түсіп, жан-жақты толық көрініс табады“ [5, 240].

Абай шығармашылығындағы ғашықтық, махаббат лирикасы шығыстық дәстүр поэзиясының жалғасымен ерекшеленеді. Бабыр мен Абайдың махаббат лирикасы – кез келген алдыңғы қатарлы елдің әдебиетімен бәсекелесіп, сынға түсе алатын, классикалық деңгейге көтеріле жырланған бірегей, қолтума туындылар.

Пайдаланылған әдебиеттер:

1.Захир ад-дин Мұхаммед Бабыр. Бабырнама. – Алматы. Ататек, 1993. – 448 б.
2.Абай. Энциклопедия. – Алматы: Атамұра, 1995. –720 б.
3.Ысмағұлов Ж. Абай: Ақындық тағылымы. – Алматы: Ғылым, 1994. – 280 б.
4.Мырзахметұлы М. Абай және шығыс. – Алматы: Қазақстан, 1994, -208 б.
5.Ахметов З. Поэзия шыңы – даналық. – Астана: Фолиант, 2002. – 408 б.
6.Шығыс жұлдыздары. Құрастырған Қ. Жұмағалиев. Алматы: Жазушы. – 1973. 237 б.
7.Қыраубаева А. Ғасырлар мұрасы. – Алматы: Мектеп, 1988. – 163 б.
8.Захириддин Мухаммад Бобир. Танланган асарлар. –Тошкент:Узбекистон ССР Фанлар Академиясы нашрети, 1958. – 312б.
9.Күмісбаев Ө. Абай және Шығыс. – Алматы: КАЗМУ, 1995. – 342 б.

“BOBURNOMA”DA FARG’ONA VODIYSI IJODKORLARI TAVSIFI

Abdug’apporova Zulxumor Erkinjon qizi, Namangan davlat universiteti talabasi
tel: +998931927768, zabdugapporova@gmail.com
Ilmiy rahbar: Mo`minjon Sulaymonov, f.f.n. NamDU dotsenti

Annotatsiya. Mazkur maqolada Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asarida tilga olingan Farg’ona vodiysida yashab, ijod qilgan adiblar haqida bildirilgan fikr-mulohazalar tahlilga tortilgan.

Kalit so’zlar: Farg’ona vodiysi, Axsi, Andijon, Marg’inon, Xo’jand, Asiruddin Axsikatiy, Shayx Muslihiddin, Xoja Kamol, Yusuf Xoja .

KIRISH

Farg’ona so’zi bugungi kunda vodiy va shahar nomini anglatadi. Uning kelib chiqishi haqida turli xil taxmin va qarashlar mavjud. Xalq ichida “parilar yurti”, “parixona” so’zidan hosil qilingan degan rivoyatlar ham yuradi. Bu o’lkada ko’plab ilm ahli egalari, hunarmandlar, dehqon-u bog’bonlar, san’atkorlar, xattotlar, naqqoshlar yashab faoliyat ko’rsatishgan. Ularning merosi, ijod namunalari hozirgacha saqlanib, xalqimiz tomonidan e’tirof etib kelinmoqda.

ASOSIY QISM

Muhammad Boburning “Boburnoma” asarida tilga olingan tarixiy shaxslar, jumladan, ijodkorlar haqida boburshunos olimlar tomonidan turli munosabatlar bilan juda ko`p yozilgan. Bu o`rinda professor Hasan Qudratullayevning risola, monografiya va maqolalarini eslab o`tish kifoya, deb hisoblaymiz. Biz mazkur maqolamizda Farg’ona viloyatida yashagan ijodkorlar haqida fikr yuritmoqchimiz. Zero, Boburnoma”ning ilk sahifalari Bobur Mirzoning otasi Umarshayx mirzo tomonidan

poytaxt qilib tanlagan Axsikentda yozila boshlagan. Masalaning mohiyati shundaki, muallif o`z xotira asarining dastlabki sahifalaridayoq o`z o`rni bilan adiblar haqida qimmatli ma’lumotlarni bayon etib borgan.

Bobur “Boburnoma”da vodiy haqida quyidagi ma’lumotlarni keltirgan. “Farg’ona viloyati beshinchi iqlimdandur. Sharqi Koshg’ar, g’arbi Samarqand, janubi Badaxshonning sarhadi tog’lar, shimolida Olmoliq va Olmotu. Muxtasar viloyatdir, oshliq va mevasi farovon, atrofi tog’ bilan o’ralgan. G’arbiy tarafdan Samarqand va Xo’jand bilan chegaralangan. Yana Farg’ona viloyatini tasvirlashda davom etar ekan, yozuvchi bu o’lkaning har bir xususiyatlariga alohida to’xtalib o’tadi. Ya’ni, iqlimi, tabiati, mevalari, qush va hayvonoti kabilarni tasvirlashda bor mahorati ila eng nodir ma’lumotlarni yozib o’tgan. "Elining orasida husn xeyli bordur. Yusuf Xojakim bir musiqida mashhurdur. Andijoniydur".[1.9]. Bu ma’lumotning adabiy qimmati shundaki, Hazrat Alisher Navoiyning “Sabbai sayyor” dostonida hammaga ma’lum bo`lgan “Mehr va Suhayl” hikoyatini aynan beshinchi iqlimdan kelgan musofir hikoya qiladi. Demak, Farg’ona viloyati, ya’ni vodiy beshinchi iqlimda joylashgan

Yana biri Marg'ilon bo'lib, u Andijondan yetti yig'och uzoqlikda joylashgan. Marg'ilonning kishilari askarlikda ko'zga ko'ringan bo'lib, Movarounnahrdagi aksar jangchilar Marg'inondandur. Qolaversa "Hidoya" ning muallifi ham Marg'inonning Rushton viloyatidandur.Burhonuddin al-Marg‘inoniy Farg‘ona viloyatining Rishton qishlog‘ida tug‘ilgan, so‘ngra Marg‘ilon shahrida 13 yil yashagan. O‘zining mashhur “Hidoya” asarining birinchi qismini shu yerda yozgan. Hayotining asosiy qismini esa Samarqand shahrida o‘tkazgan. 1178 yili aprel oyida “Hidoya” asarini tugatgan.Burhonuddin al-Marg‘inoniy 74 yoshida vafot etgan va Samarqandagi Chokardiz mozorida dafn qilingan.

Yana qadimiy shaharlardan biri Xo'janddir. Xo'jand Andijondan g'arbga qarab 25 yig'och yurilganda keladi. Shayx Muslihiddin va Xoja Kamol shu shahardanlar. Bugungi kunda Shayx Muhlisiddinning maqbarasi bor.Shaharning tarixiy qismida joylashgan bu yirik yodgorlik ansambli XII asrda yashagan shoir, Xo‘jand (Xo‘jand, Xo‘jand) shahri hukmdori Muslihiddin Xo‘jandiy qabri ustiga qad rostlagan . Rivoyatlarda aytilishicha, Shayx Muslihiddin muqaddas mo‘jiza yaratgan. Dastlab u Unji qishlog‘ida (Xo‘jand shahri chekkasida) dafn etilgan, ammo uning muxlislari shayxning kulini shaharga ko‘chirib, shu yerda maqbara o‘rnatishgan. Bu XII asrda edi. Keyin maqbara pishiq g'ishtdan yasalgan, terakota bilan bezatilgan kichik dafn xonasi edi. Bu qabr mo‘g‘ullar istilosi paytida vayron qilingan.

Yana bir xo'jandlik buyuk ijodkor Xo'ja Kamol Xo'jandiydir. Kamol Xo'jandiyning bu dunyodagi ro'zg'ori g'urbatda va g'ariblikda kechdi.Biroq Kamol Xo'jandiy ilohiy ishq bobida valoyatga erishgan zotlardan biri edi. Kamol Xo‘jandiy 1320-yil Xo‘jand shahrida tavallud topdi. Otasi tariqat ahlidan bo‘lib, ma’rifatli kishi edi. Xo‘jandiyshunos olim Sa’dullo Asodulloyevning fikricha, oxirgi tazkira – Mullo Hashriyning “Somi-ul-asomiy” kitobida qayd etilgan sana (803-hijriy) Xoja Abdurahimi Xilvatiyning shoir vafoti munosabati bilan bitilgan qit’asiga muvofiq keladi.

Sayhun suvining shimoli tarafida Axsi joylashgan bo'lib, kitoblarda Asiriddin shoirni Asiriddin Axsikatiy deyishadi. Axsikent vodiyning yirik shahri va poytaxti bo’lib kelgan. 983 yilda fors tilida yozilgan "Hudud ul-olam" asarida: "Axsikent - Farg’onaning poytaxti, amirning qarorgohi, bu katta shahardir", - deyiladi. XII-XIII

asrlarda yashagan geograf va tarixchi olim Muhammad Najim al-Bahron "Jahonnoma" asarida Farg'ona viloyatining poytaxti Axsikent ekanligini aytib, uni "nihoyatda xushhavo joy", deb ta'riflaydi.Abdulfazl Muhammad Tohir Asiruddin Axsikatiy XII asrda Axsi shahridan yetishgan o'zbek shoiri, ilk Uyg'onish davri adabiyotining yirik vakilidir. Shoir haqida Muhammad Rovandiy (XII asr), Muhammad Avfiy (XII asr), Tahiddin Koshiy (XIV asr), Davlatshoh Samarqandiy (XV asr) va boshqa tazkiranavis hamda tarixchi olimlar ma'lumot bergani haqida Alixon Xalilbekov "Namangan adabiy muhiti" kitobida ta'kidlagan. Shoir fors tilida ijod qilgan. Uning devoni 13 ming misradan ortiq she'rni o'z ichiga olgan. Devonida ikki yuzdan ortiq g'azal, yuzdan ortiq qasida, tarje'band, qit'a, ruboiy va mufrodotlar jamlangan.Asiruddin Axsikatiy g'azallarida muhabbat, mehr-u vafo, odamiylik, do'stlik, odillik, halollik, imon-e'tiqod va boshqa axloqiy fazilatlar ulug'lanadi. Shu bilan birga tasavvuf ruhida, nafsni yengish, sabr-qanoatli bo'lish, tarkidunyochilik qilishni targ'ib etuvchi g'azallari ham mavjud.

Zahiriddin Muhammad Bobur yuqorida sanab o'tganlarimizning hammasini o'z ko'zi bilan ko'rib yoxud eshitib aniq dalillarga asoslanib yozgan.

XULOSA

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan xulosa qilib aytadigan bo'lsak, "Boburnoma"ga kiritilgan har bir ma'lumot ijodkorning o'zi ko'rgan, bilgan voqealarni qamrab oladi. Bular shunchaki badiiy to'qima yoki mubolag'a emas. Ta'kidlaganmizdek, Farg'ona vodiysida yashab, ijod qilgan shaxslar nafaqat o'sha davrda mashhur bo'lgan balki bugungi kunda ham ular yaratgan asarlar ma'niyatimiz xazinasi bo'lib qolmoqda. Ana shunday qirralarni bizgacha saqlanib qolishida "Boburnoma" ning o'rni va hissasi katta deb o'ylayman.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Bobur, Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015.
2. Xalilbekov A. Namangan adabiy muhiti. – Toshkent: Ruhafzo, 1998
3. Jalilov, Sayfiddin. Bobur haqida o'ylar. – T:. "SHARQ". 2006.
4. Mamatboyev B. A., Shamsuddinov R.T., A. Mamajonov: "Buyuk ipak yo'lidagi Farg'ona shaharlari". – Andijon.: "MEROS" n - 1994.
5. Vatanimiz o'tmishidan . – Andijon: "MEROS". 2007.
6. Қудратуллаев. Ҳ. Бобурнинг армони. – Тошкент: Маънавият. 2018.
7. Қудратуллаев. Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик олами. – Тошкент: Маънавият. 2018.

BOBUR VA CHUSTIY: AN'ANA VA VORISLIK

Otaxanova Mahmuda Mamadaliyevna,
O`zbekiston, Namangan davlat universiteti, erkin tadqiqotchi
E-mail:otaxanovamahmuda@gmail.com. Тел: +998936768400

Annotatsiya: Maqolada Bobur va XX asr aruznavis shoiri Chustiy lirikasidagi ayrim hamohangliklar tahlilga tortilgan. Jumladan, Chustiynning Bobur an'analarini davom ettirganligi ochib berilgan

Kalit so'zlar: aruz, badiiy portret, mumtoz janr, radd ul-matla', mushtaraklik, muxammas, g`azal, Bobur, Chustiy.

Аннотация: Мақалада Бабыр мен XX ғасыр ақыны Чусти лирикасындағы кейбір үндестіктер талданады. Атап айтқанда, Чустииннің Бабыр дәстүрін жалғастырғаны анықталды

Тірек сөздер: аруз, көркем портрет, классикалық жанр, радд ул-матла, ортақтық, мұхаммас, ғазал, Бабыр, Чустий.

Bilamizki, aruz she’riyatdagi murakkab o’lchov tizimidir. Turkiy adabiyotda Atoiy, Sakkokiy, Gadoiy, Lutfiy kabi qalam sohiblari o’z ijod namunalarini aruzning eng go’zal vaznlari asosida yaratdilar. Buyuk iste’dod sohibi Alisher Navoiy aruzning deyarli barcha imkoniyatlarida muvaffaqiyatlarga erishgan bo’lsa, Zahiriddin Muhammad Bobur o’zbek aruzini yangi taraqqiyot bosqichiga olib chiqdi. Keyingi davr aruz tizimining takomilida Mashrab, Uvaysiy, Nodira, Munis, Ogahiy, Muqimiy, Furqat kabi ijodkorlarning o’rni beqiyos. XX asr o’zbek she’riyati aruzida Habibiy, Sobir Abdulla, Chustiy (Nabixon Xo’jayev), Charxiy, Erkin Vohidov, Jamol Kamol, Abdulla Oripov kabi shoirlar mahorat bilan qalam tebratdilar.

Sir emaski, o’tgan asrning 20-yillarida boy madaniy va adabiy merosimizga ixlosimiz qoralandi, o’tmish madaniyatimizni o’rganish man etildi.”Uzoq davom etgan ana shu inkorchilik sharoitida So’fizoda, Habibiy, Charxiy va Chustiy kabi shoirlar mumtoz adabiyotimizning an’analarini davom ettirdilar va bu an’analarning hayotiyligini isbot etishdan to’xtamadilar ”[1,5]. Chustiy Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Boburning mumtoz she’riyatdagi o’ziga xos an’analari izidan borib, bir qancha she’riy to’plam va devonlar yaratdi, ulardan mahorat sabog’ini olib, munosib vorisligini isbotladi. Mumtoz adabiyotning g’azal, musammat, mustazod, tarje’band, masnaviy, qit’a, ruboiy kabi janrlarida barakali ijod qildi. Shoir “Bir-biridan yaxshiroq derlar” deb nomlangan muxammasida mumtoz aruzni “qaynar buloq ” , “bog’” , “azim daryo”, deya ulug’laydi. “Aruz vazniga qo’l urmoq”lik ustozlarga ergashish va saboq olish evazigagina yuzaga chiqishi mumkinligini yosh avlodga uqtiradi:

Hijoda mayli Pushkin bo’l, aruzda bo’l Navoiydek,
Qay-u o’lchovda yozsang, xizmat ayla elga, turmay tek,
Va lekin etma manmanlk, ulug’ maqsadga bo’yning eg,
Sharafli ishga hissa qo’shgali o’lchovni qilmam chek,
Shuning-chun yer yuzida bizni yaxshi ittifoq derlar. [2, 379]

Shoir buyuk salaflar ijodiyotidan oziqlansa-da, ular (Bobur)dek bo’la olmasligini quyidagi misralarida ta’kidlaydi, aruz himoyasidagi “haqli shoir” va “nozir” ekanligidan faxr etadi:

Deyolmasman o’zimni maqtanib go’yoki Boburman,
Kamina O’zbekistonda tug’ilgan haqli shoirman,
Taxallus ne kerak ushbu muxammas birla zohirman,
Aruz vaznini o’rganmay buzuvchilarga nozirman,
Meni bu qahqahamdan el hamisha vaqti chog’ derlar. [2,379]

Bobur Mirzo she’riyati uning ko’nglida nihon saqlangan tuyg’ularining salohiyatli shoir qalamida sayqallashtirilgan badiiy in’ikosidir:

Jonimdin o’zga yori vafodor topmadim,
Ko’nglumdin o’zga mahrami asror topmadim [3, 3].

Chustiy “Hayotnoma” devonidagi ”Dedi Bobur” deb nomlangan g’azali orqali shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Boburning badiiy portretini sohir musavvir yanglig’ kitobxon ko’z o’ngida gavdalantiradi:

Aziz erdi diyorim qosh-u ko’z-u jism-u jonimdan,
Judolik istamasdim bir nafas ham bu makonimdan.
Falak kajravlig’i birlan zamon g’avg’osi birlashdi,
Tutib po’stimni shilmoq bo’ldi go’sht-u ustixonimdan.
Tug’ishganlar taloshib taxt-u toj begonalik qildi,
G’araz ahli ayurdi qancha yor-u mehribonimdan.
Menga bir necha sodiq navkarim jonbozlik qildi,
Ular o’tgan edilar necha marta imtihonimdan.
Qilich-qalqon, dedi sarkarda, ash’orim, dedi shoir,
Xabar bergay yetib kelgusiga nom-u nishonimdan.
Muhabbat Kobuli bag’riga tortti shohi ishq o’ldim,
Yetarli noma goho sevgilim, shirin zabonimdan.
Oyoq yetgancha ketdim, ochdi keng ko’ksini Hindiston,
Shoh erdim-u falak titrar erdi oh-u fig’onimdan.
Chidolmasdan raqiblar zahri qotil berdilar oxir,
Meni ajratmoq istab bir yo’la jon-u jahonimdan.
Dedi Bobur yoningda yoring, ey Chustiy, mudom faxr et,
Topolsam yor agar men, chiqmas erdim Andijonimdan. [2, 221]

Bobur lirik she’rlarini 8 ta janrda yaratgan bo’lib, ular quyidagicha miqdoriy ko’rsatkichga egadir: 126 ta g’azal, 12 ta masnaviy, 23 ta qit’a, 20 ta tuyuq, 117 ta fard, 54 ta muammo, 230 ta ruboiy, 2 ta mas’nu she’r. Chustiy devonlariga nazar tashlasak, 15 ta janrda barakali ijod etganligining guvohi bo’lamiz.Har bir janr miqdori quyidagichadir:621 ta g’azal, 3 ta mustazod, 1 ta qsida, 6 ta ruboiy, 16 ta tuyuq, 30 ta qit’a, 6 ta chiston, 9 ta murabba’, 107 ta muxammas, 22 ta musaddas, 2 ta musamman, 1ta muashshar, 7ta masnaviy, 1ta tarji’band, 1ta tarkibband. Bu raqamli ma’lumotlardan ma’lum bo’ladiki, Chustiy mumtoz janrlar taraqqiyotiga sezilarli hissa qo’sha olgan buyuk iste’dod sohibidir.

Bobur she’riyatida ishq mavzusi alohida o’ringa ega:

Ulki, manga yori dilnavoz ko’rundi,
Javrni ko’rsatti ko’p-u oz ko’rundi[1, 39]

Shoir Chustiy ijodining ham kattagina qismini oshiqona lirika tashkil etadi:

Quyosh husning tomosha qilgali har kun sayohatda,
Jahonda senga hech kim teng emas husn-u malohatda. [5, 25]

Chustiy qalamiga mansub ayrim g’azallar borki, shoir ular orqali Bobur g’azalini mantiqiy davom ettirgandek go’yo.

Bobur:

Zohido, do’zax o’tidin meni ne qo’rqutasen,
Hajr o’ti qoshida ko’rmasmen ani uchquncha.
Husnda ortuq agar bo’lsa yuzi Laylidin,
Men taqi bormen aning ishqida yuz Majnuncha [4,35]

Chustiy:

Qaro kokillarin oldida sumbul ,
Chamanda aylanib qolgan tuguncha.

Mening ishqim ko'zida Majnun ishqi,
Yig'inda telbalar qilgan o'yincha. [5, 43]

"Radd ul-matla' g'azal matla'sidagi bir misra g'azalning keyingi baytlaridan birida yoki g'azal maqta'si tarkibida muayyan maqsad bilan takrorlanishidan iborat"[6, 45-bet]. Bu san'at Bobur she'rlariga o'ziga xos ko'rk beradi:

Sochining savdosi tushti boshima boshtin yana,
Tiyra bo'ldi ro'zg'orim ul qaro qoshtin yana, –

tarzida boshlangan g'azal matla'si quyidagi maqta 'bilan yakunlanadi:

Oyog'im yetgancha Boburdek ketar erdim, netay,
Sochining savdosi tushti boshima boshtin yana [4, 33].

Chustiyning "Kerakmassan menga", "O'xshamang", "Nazzora qilsam", "Ona haqida", "Sog'misiz, xursandmisiz?", "Ming o'rgilaymi sizdan", "Ming ofarin" nomli g'azallari radd ul-matla' she'riy sana'ti bilan badiiy sayqallangan:

Koshki yuzingga, dilbar, ming yil nazzora qilsam,
Qasd etsa kimki senga, ming pora-pora qilsam…
Bir dam ham ayrilishga Chustingni toqati yo'q,
Koshki yuzingga, dilbar, ming yil nazzora qilsam. [5, 206]

Umuman, shoir o'z she'riyati bilan o'zbek aruzining latofatini, serjilo ohanglarga boyligini namoyish etdi, bu bilan XX asrda aruzning qayta jonlanishiga kuchli ta'sir ko'rsatdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Bobur, Zahiriddin Muhammad . Har kimki vafo qilsa. – T.: Yangi asr avlodi, 2019.
2. In'om, Mansur. Yod etingiz kamtarin Chustiyni ham (xotiralar, esdaliklar, chop etilmagan nazmlar). I. Sulton. Mumtoz she'riyatimiz davomchisi (kirish so'zi) . – Namangan: 1994.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
4. Чустий. Ҳаётнома. Девон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
5. Чустий. Садоқат гуллари. Девон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992
6. www.ziyouz.com кутубхонаси .

ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA HAZRAT BOBUR AN'ANALARI

Abbosjon Rohatalaiyev,
Namangan davlat unversiteti o'qituvchisi, erkin tadqiqotchi, +998999326434
Ashurov Bekzod Shavkatjon o'g'li
Tel: +998939249787, el.pochta: bekzod.ashurov.1994@mail.ru

Аннотация: Бұл мақалада Захириддин Мұхаммед Бабырдың дәстүрлерінің Еркін Вахидов шығармашылығындағы орны мен маңызы талқыланады.

Кілт сөздер: Әдеби дәстүр, сабақтастық, классикалық әдебиет, образ, мотив, лирикалық қаһарман, көркемдік ниет.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль и значение традиций Захириддина Мухаммада Бабура в творчестве Эркина Вахидова.

Ключевые слова: литературная традиция, преемственность, классическая литература, образ, мотив, лирический герой, художественный замысел.

Adabiy an’ana ijodkor istedodining tayanch nuqtalaridan biridir. Chunki bu jarayon vorisiylik jihatidan adabiy ustoz va shogirdlik maqomidagi ajdodlar tajribasining kelajak avlod tomonidan oʻzlashtirish orqali yuzaga chiqadigan estetik jarayon hisoblanadi. Adabiyotshunoslikka oid ilmiy manbalarda koʻrsatilishicha “adabiy an’ana – oʻtmish adabiyoti toʻplagan ijodiy tajribalar qaymogʻi, davrlar oʻtishi bilan ahamiyati va dolzarbligini yoʻqotmay, boqiy qadriyatga aylanib, avloddan avlodga oʻtib kelayotgan qismi”.[1. 12] Buni shunday tushunmoq kerakki ijodkor oʻtmishda katta adabiy hodisa sifatida koʻrilgan va qadrlangan adabiy an’analarga oid bilimlarni puxta oʻzlashtirgan holda davom ettirish orqali muayyan adabiy tur va janr rivojiga hissa qoʻshishi mumkin. Bu esa shoir yoki yozuvchidan yuksak mahorat va chuqur his qilinadigan mas’uliyat talab qiladi.

Oʻzbekiston xalq shoiri, Oʻzbekiston Qahramoni, davlat va jamoat arbobi Erkin Vohidov biz yuqorida tilga olgan adabiy an’analarni oʻz ijodi bilan munosib davom ettirgan va boyitgan sohirqalam shoirlardan biridir. U oʻz ijod yoʻli davomida Fuzuliy, Navoiy, Bobur singari zabardast soʻz san’atkorlarining ijodiga cheksiz hurmat bajo keltirgan holda ularning nurli izidan borib, muqaddas qalamini e’zozlab, baland e’tiqodida sobitqadam boʻldi. Buni shoir “Oʻzbegim” qasidasida mamnuniyat bilan izhor etadi:

“Mir Alisher na’rasiga
Aks-sado berdi jahon,
She’riyat mulkida boʻldi
Shoh-u sulton oʻzbegim…..
Menga Pushkin bir jahon-u
Menga bayron bir jahon
Lek Navoiydek bobom bor,
Koʻksim osmon, oʻzbegim”. [2. 146]

Bu misralar shoirning buyuk mutafakkir ijodi va shaxsiyatiga cheksiz hurmat va faxr tuygʻusiga yoʻgʻrilganligi boʻlsa. Qasidadan oʻrin olgan Bobur haqidagi misralar shoh va shoir hayot yoʻlining ogʻir davrlarini koʻz oldimizga keltiradi:

“Mirza Bobur – sen, figʻoning
Soldi Olam uzra oʻt,
Shoh mashrab qoni senda
Urdi tugʻyon, oʻzbegim”. [2. 144]

Biz mazkur maqolamizda shoirning mumtoz adabiyot namoyandalaridan biri sanalgan Zahiriddin Muhammad Bobur she’riyatiga xos boʻlgan adabiy-badiiy an’analarning Erkin Vohidov ijodidagi aksini yoritishni maqsad qildik.

Erkin Vohidov “Shoir-u she’r-u shuur” nomli adabiy esselar kitobida Bobur ijodi haqida soʻzlar ekan: “Bobur she’riyati boshdan oyoq yor va diyor hijroni sharhidan iboratdir. Uning har bir baytida ayriliq dardi, firoq azobi oshkor boʻlib turadi”, [3. 105] – deganida nechogʻli haq soʻzni aytgan edi. Biz Bobur qalamiga mansub gʻazal-u ruboiylarni oʻqir ekanmiz ular mavzu silsilasining avvalgi boʻgʻinlaridan ayriliq,

hijron, bevafolik, vatan sog‘inchi singari motivlar o‘rin olganiga guvoh bo‘lamiz. Bu bejiz emas, albatta. Shoirning yozganlari she’r emas, balki taqdir sinovlari qoldirgan chiziqlar misol qog‘ozga muhrlangandek. Bobur she’riyatida oshiq va mashuq, do‘st-u ag‘yor singari an’anaviy obrazlar tabiat hodisalari yoki tabiatning bir bo‘lagi bo‘lgan o‘simliklar, qushlar, joylar orqali tasvirlanadiki, bu jihat asarning badiiy qiymatini oshirishga sezilarli ta’sir qiladi. Masalan, Bobur qalamiga mansub g‘azallarda “**lola**” obrazining muallif badiiy niyatini amalga oshirishda muhim vosita sifatida ko‘rdik:

“Xati birla ul oy xaddi: biri – moh-u biri – **lola,**
Yuzi birla aning qaddi: biri sarv-u biri **lola**”. [2.]

Ayni shu an’ananing Erkin Vohidov qalamiga mansub asarlarida ham bo‘y ko‘rsatgani e’tiborimizni tortdi:

“Qo‘nib gul uzra bulbul
Ishq kitobini varaqlabdur,
Yumuq tong ko‘zlari
O‘tliq navosidin charaqlabdur
Paridek noz-u istig‘no etib,
Tong **lola** ruxsorin,
Yuvib shabnam bilan
Bir tomchi shabnamdek yaraqlabdur”. [2. 72]

Mumtoz shoirlar ijodida bo‘lgani kabi Bobur ijodida ham “**sabo**”ga xitob motivi asosiy poetik obrazlardan biri sifatida keng qo‘llanadi:

“Ey bodi sabo, ayla Xurosong‘a guzar,
Mandin degil ul yori parishong‘a xabar.
Necha safar o‘z ko‘nglung uchun qilg‘aysen,
Emdi bizing uchun ayla bu yong‘a safar”. [2. 38]

Erkin Vohidovning Yoshlik devoniga kiritilgan g‘azallarida ham “**saboga xitob**” tarzidagi an’anaviy obrazlar oz bo‘lsa-da uchraydi.

“Tushda ko‘rdim dilbarimni
Ey sabo, uyg‘otmagil.
Olma bir dam vasl shavqin,
Qo‘y, meni qo‘zg‘atmagil”. [2. 39]

Agar Boburning yuqorida qayd etilgan ruboiysida “**bodi sabo**” obrazi oshiqni visolga yaqinlashtiruvchi, yorning ahvolidan xabar beruvchi vosita sifatida talqin qilingan bo‘lsa, Erkin Vodning yuqoridagi “Uyg‘otmagil” radifli g‘azalida esa “**sabo**” obrazi oshiqni mashuqa visolidan bebahra qiluvchi, yorning nihoyasiz azoblariga sababkor sifatida ko‘rsatadi.

Ma’lumki, mumtoz adabiyotda bulbul, zog‘, to‘ti kabi qushlar ham ma’lum poetik maqsadlarni ro‘yobga chiqarishda tez-tez murojaat qilinadigan an’anaviy obrazlar sirasiga kiradi. Ammo bizningcha kabutar qushining poetik matnga olib kirilishi nisbatan kam uchraydigan hodisa hisoblanadi.

Kabutar xalqimiz orasida qadimdan tinchlik, osoyishtalik, do‘stlik, birodarlik, yaqinlik ramzi sifatida ezozlanib keladi. Erkin Vohidov ijodidagi Bobur an’analariga xos jihatlardan biri ham aynan kabutar obrazining lirik asar matniga olib kirilishi bilan bog‘liq. Jumladan, Bobur yozadi:

“…Kabutar, eltgasen xatgam ne bo‘lg‘ay gar qabul etsang.
Ko‘ngulni bog‘lasam ul noma yanglig‘ parru bolingg‘a”. [4. 37]

Baytdagi kabutar obraziga shoir tomonidan ortilgan badiiy yuk mavjud bo‘lib, u oshiq yorning mashuqasiga yo‘llagan maktubi bilan birga ishqqa yo‘g‘rilgan qalbini ham “noma yanglig‘” qo‘shib bog‘lash istagini izhor etishda birlamchi vosita bo‘lib xizmat qiladi.

Erkin Vohidov ijodida ham kabutarning xat tashuvchilik, xabar yetkazish xususiyati mohiyat e’tibori bilan g‘azal matniga olib kiriladi:

“Ey kabutar, she’rim olib
Yori dilxohimga yet,
Yor mening ohimga yetmas.
Endi sen ohimga yet”. [2. 75]

Xulosa qilib aytganda, XX asr o‘zbek adabiyotida mumtoz adabiy an’analarning davom ettirilishi ijodkorlarning ajdodlar merosiga bo‘lgan hurmatini ifodalash bilan birga adabiy maktab vazifasini ham to‘laqonli ado etgan desak, xato qilmagan bo‘lamiz. Sevimli shoirimiz Erkin Vohidov ijodida nafaqat Bobur an’analari, balki undan avval va keyin yashab o‘tgan Fuzuliy, Navoiy, Ogahiy singari mutafakkir shoirlar ijodiy an’analari ham gurkirab bo‘y ko‘rastib turibdiki, bu o‘z navbatida keyingi ilmiy izlanishlarimizning o‘rganish obyekti sifatida belgilanishiga asos bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Куронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 196.
2. Воҳидов Э. Девон (Сенга бахтдан тахт тиларман). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 157.
3. Воҳидов Э. Шоиру шеъру шуур –Тошкент: Ёш гвардия нашриёти 1987. –Б.105.
4. www.ziyouz.com кутубхонаси

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR HAYOTI VA ASARLARIDA FARZAND TARBIYASI MASALALARI

Babajanov Maqsadbek Ulug‘bekovich,
Shomurotova Zilola Hamdam qizi
“Ma’mun-Universitet” NTM ning, Ijtimoiy gumanitar fanlar fakulteti, “Tarix va psixologiya” kafedrasi o’qituvchisi. “Ma’mun-Universitet” NTM ning, Ijtimoiy gumanitar fanlar fakulteti 21-1 gurux talabasi. maqsadbekbobojonov2@gmail.com

Аннотация:. Мақалада Бабырдың өмірі мен шығармашылығында айтылған бала тәрбиесі туралы ойлары мен көзқарастары баяндалады. Бабырдың тұлғасы туралы ғалымдардың пікірлері де бар, бұл пікірлер ол туралы толығырақ мәлімет береді. Мақалада бала тәрбиесіне қатысты нақты мысалдар келтіріліп, олардың бүгінгі күні де маңызын жоймағаны түсіндіріледі.

Тірек сөздер: бала тәрбиесі, «Бабурнома», оқу мен оқу, білім беру.

Аннотация. В статье описаны мысли и взгляды Бобура о воспитании детей, выраженные в его жизни и творчестве. Также существуют мнения ученых о личности Бобура, эти мнения дают более подробную информацию о нем. В статье приведены конкретные примеры воспитания детей и пояснено, что они не потеряли своего значения и сегодня.

Ключевые слова: детское воспитание, «Бобурнома», чтение и обучение, просвещение.

Dunyo tanigan va biz o‘zbeklar g‘ururlanishimizga arziydigan bobokalonimiz Zahiriddin Muhammad Bobur tarix zarvaraqlariga o‘chmas nom bilan buyuk inson sifatida kirgan. U haqida o‘sha davrning tarixchilari o‘zining buyuk asarlarida ko‘plab ma’lumotlar yozishgan. Jumladan, tarixchi Mirzo Muhammad Haydar o‘zining “Tarixi Rashidiy” asarida Bobur haqida shunday deb yozadi: “U turli fazilatlar bilan bezangan va maqtovli hislatlarga ega bo‘lgan bir podshoh edi. Ushbu barcha fazilatlaridan shijoat va muruvvat ustun turardi. Turkiy she’rni Mir Alisher Navoiydan keyin hech kim Bobur yozgan darajada yozgan emas”.

U bir davlatning podshohi bo‘lishiga qaramasdan, kamtar shoir ham edi. U Hindistonda buyuk bir davlatning podshohi bo‘lgan bo‘lsa ham, butun umri davomida vatan sog‘inchi bilan yashadi. Shuning uchun ham ko‘plab g‘azallarini Vatan sog‘inchi haqida yozgan. Jumladan:

“Mehr ko’p ko’rgizdim ammo mehribone topmadim
Jon base qildimu ammo oromi jone topmadim”

deb yozgan edi. Bobur nafaqat g’azallar bilan cheklanib qolmay, ko’plab salmoqli kitoblar muallifi hamdir. Shu asnoda uning “Boburnoma” asarini tilga olmaslik savodsizlikdan boshqa narsa emas.

Dunyoning ko‘plab tillariga tarjima qilingan “Boburnoma” asarida Hindistonning iqlimi, tabiati, taomlari-yu, urf-odatlari haqida ko‘plab ma’lumotlarni olish mumkin. Bobur o‘z asarida faqatgina Hindiston, Qobul, Movarounnahr iqlimi, tabiati, xalqi haqida ma’lumot bermay, balki o‘sha davrning buyuk tarixiy shaxslari haqida ko‘plab ma’lumotlar keltirgan. Buyuk bobomiz Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asariga qancha ta’rif bersak shuncha oz asarda Movorounnahr, Xuroson, Hindiston, Eron, Gurjiston o‘zining ota makoni Farg‘ona ulusi Andijon haqida bu yurtlarning iqlimi, tabiati haqida 1-qismda yozgan bo’lsa 2-qismida 15-16–asrlarda Afg‘onistonda bo‘lgan urushlar haqida 3-qismida Shimoliy Hindiston haqida yozgan edi. Nafaqat davlat siyosati haqida qolaversa farzand tarbiyasi haqida ham “Boburnoma” asarida aniq ma’lumotlar keltirib o’tgan Bobur yozgan asarlarga qaraydigan bo’lsak chuqur ma’no topamiz uning asarlarida ham tabiat, urf-odat, siyosat, vatan sog’inchi va albatta tarbiya mavzusini ham juda mukammal ko’rsatib berilgan. Uning yozgan kitoblari “Qobul devoni” 1519-yilga 1528-1529 “Hind devoni’’ga jamlangan va to‘liq devon tuzgani haqida ma’lumotlar bor. U umri davomida 400 dan ortiq she’rlar yozgan shundan 119 g’azal, 231 ta ruboiy, va masnaviy kabi janrlarda asarlar yaratgan. Bobur haqida faqat Sharq yozuvchilari emas, Hindiston yozuvchilari hamda Yevropa yozuvchilari ham o‘zining asarlarida yozishgan Javaharlal Neru shunday deb yozgan edi. “Bobur Hindistonni boshqargan davrlarda davlat tubdan o‘zgardi xususan san’at, iqtisodiyot arxitektura , madaniyat sohalari rivojlandi deb yozgan”[1].

Boburning 7 ta farzandi bo‘lgan Humoyun Mirzo, Kamron Mirzo, Gulbadanbegim, Askariy Mirzo va Hindol Mirzo, Gulrangbegim va Gulchehrabegim yaxshi insonlar o‘zidan yaxshi ishlar yaxshi farzandlar qoldiradi deyishadi. Bobur ana shunday inson bo’lgan. Uning farzandi Humoyun Mirzo hozirgacha dunyoni lol qoldirgan muhtasham saroy ya’ni Tojimahalni qurdirdi va bu saroy hozirgi kungacha

dunyo sayohatchilarini o‘ziga jalb etib kelmoqda Danagidan mag‘zi shirin deganlaridek Boburning nabirasi Akbarshoh Vatan ravnaqi yo‘lida o‘zining mehnati-yu umrini sarfladi.

Farzand tarbiyasi masalasida Bobur idrokli ma’rifatparvar, talabchan ustoz maqomidagi padardir. Humoyun yozgan xatida uning yozuvidagi nuqsonlar uslubidagi kamchiliklarni qayd etadi: “Hukmdorga hos bo‘lmagan xilvatparstlikni tanqid qiladi, ko‘p bilan ishlash, beklar bilan shug‘illanish, kengashish shartligini uqtiradi. O‘zi ham otalik baxtidan surur topadi. Maqtovga xasis bo‘lgan Bobur Humoyunning axloq-odobi va kamolotiga yuqori baho beradi.

Bobur hid xalqi ko‘nglida ham hurmat – ehtirom uyg‘otgan shaxs hisoblanadi. Bu fazilat esa faqat g‘oyat faxm-farosatli, axloqan yetuk va ilmli kishilar sifatidir. Bu haqida quyidagi manbani keltirish mumkin: “Mirzo Boburning Hindistondagi qudrati uning bosib olgan yerlari bilan emas, u hind xalqining ko`nglida uyg`ota olgan hurmat-ehtirom bilan o`lchanadi” [2].

“Boburnoma” da yozilishicha Bobur o‘z farzandlarining ta’lim tarbiyasi haqida hamisha o‘ylab, ularni o‘qish va o‘rganishga targ‘ib qila ekan u “Mubayyin” risolasini hamda Humoyun va Kamronga yozgan maktublari ham shu mavzuga qaratilgan. Masalan u Kamronga yozgan maktubida shunday deb yozgan edi: “Farzandi Arshad va Arjumandi saodatnishon Muhammad Kamron Mirzo bahodirga salomi muhabbat anjomidan so‘ng ulkim. Ko‘kaltosh va ichkilaring bila sabaq o‘qurg‘a ruju’ kelturub ermishsan. Bu jihattin ko‘ngulga surur va hotirga huzur yetib na bisyor xushholliq yuz berdi. Tangri taolo dargohidin umidim borkim jami qobiliyat va salohiyat bobida komil va mukammal bo‘lub kamolg‘a yetgaysen” ya’ni Boburning bir farzandi ilm olmoqchi bo‘lganligi unga shu darajada yuksak g‘urur bag‘ishlagan farzandlari ilm olishidan zavqlangan. Humoyunga yozgan maktubidan “Yana men degandek Bu xatlaringni bitibsen va o‘qumaysen, ne uchunkim, agar o‘qur hayol qilsang erdi. O‘qiy olmas erding. O‘qiy olmaganingdin so‘ng albatta tag‘ir berur eding. Xatingni xud tashvish qilib o‘qusa bo‘ladur ,vale asru mug‘laqtur… Xatingni xud tavr qilib o‘qusa bo‘lodur, vale bu mug‘laq alfozingdin maqsud tamom mafhum bo’lmaydur. G‘olibon hat biturda kohillig‘ingham ushbu jihatindur Takalluf qilay deysen, ul jihattin mug‘laq bo‘ladur Bundan nari betakalluf va ravshan va pok alfoz bila bitiy. Ham senga tashvish ozroq bo‘lur ham o‘qig‘uvchig‘a …”[Qarang, 3].

O‘g‘liga yozgan bu maktubidan ko‘rinib turibdiki Bobur farzandlarining xattotlik san‘atiga ham ko‘p takalluf ko’rsatishi orqali uning laganbardorlardek ko‘rinib qolishini muloyimlik bilan tushuntirib bera olgan, hozirgi zamon tili bilan aytganda farzandlar tarbiyasi bilan individual shug‘illangan. Faqatgina davlat boshqaruvi yoki g‘azal yozish bilan vaqtini o‘tkazibgina qolmay, farzandlar tarbiyasiga ham alohida e’tibor qaratgan zukko inson edi. Boburning farzandlariga bergan oqilono tarbiyasi tufayli uning zurriyotlari oqil va dono insonlar bo‘lishdi. Ulardan ham buyuk shoir va davlat arboblari yetishib chiqqan. Jumladan; katta farzandi Humoyun Mirzo ham otasi kabi ruboiylar g‘azallar yozish bilan shug‘ullangan.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Jawaharlal Nehru "The discovery of India". DELHI. Rajiv Gandhi 1985
2.Musahhib Alihon “Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsiyati va she’riyati”. 2004 yil.
3.Zahiriddin Muhammad Bobur “Boburnoma”, - T., “Fan”, 1960.2

BOBUR SHAXSI VA TILSHUNOSLIKKA DOIR QARASHLARI

Kaxramonova Parizoda Sherzod qizi
Farg'ona davlat universiteti o'zbek tili yo'nalishi 2 bosqich talabasi
kaxramonovap@gmail.com

Аннотация. Бұл мақалада ұлы патша, классик ақын, лингвист Захириддин Мұхаммед Бабыр және оның қасиеттері, сондай-ақ әлем тарихшылары мен мемлекет қайраткерлерінің Бабыр туралы пікірлері берілген. Сонымен қатар, «Бобурнома» еңбегінде берілген Бабырдың тіл, тіл білімі туралы пікірлері де автор тарапынан сипатталған.

Аннотация. В данной статье представлены великий царь, поэт-классик, языковед Захириддин Мухаммад Бабур и его качества, а также мнения мировых историков и государственных деятелей о Бабуре. Кроме того, автором описываются взгляды Бабура на язык и языкознание, приведенные в «Бобурноме».

Түйін сөздер: Ренессанс, мемуар, салыстырмалы лингвистика, ономастика, этнонимия.

Ключевые слова: Ренессанс, мемуар, сравнительное языкознание, ономастика, этнонимика.

"Har bir xalqning tarixi undan yetishib chiqqan buyuk kishilarga qarab baholanadi", - deb yozgan edi fransuz adibi Viktor Gyugo. Bundan kelib chiqadiki, tarix har bir xalqning, har bir millatning ma'naviy ko'zgusidir. Bu ko'zguda ana shu xalqning, ana shu millatning kimligi aks etadi, ilm dunyosi namoyon bo'ladi, shuningdek, kelajagi zuhurlanib turadi. Bu borada, albatta, Yaratganning o'zi bizni xo'b va ko'p siylagan: o'zbek tuprog'idan o'nlab alloma-mutafakkirlar, yuzlab shoir-u fozillar yetishib chiqdiki, bu yurtdoshlarimiz qalbida cheksiz faxr uyg'otadi, o'zbek xalqining jahon xalqlari o'rtasidagi mavqeyini va o'rnini belgilab beradi, xalqimizning, millatimizning ma'naviy, ruhiy imkoniyatlarini ko'rsatib beradi. Ana shunday ulug' siymolardan biri Zahiriddin Muhammad Boburdir.

Zahiriddin Muhammad Bobur san'at, adabiyot, tilshunoslik, tarix va umuman ilm-fanning barcha sohalari bilan qiziqqan, sinchkovlik va iste'dod bilan hayotni kuzatgan ulug' inson.

Bobur - buyuk podshoh, mumtoz shoir, nazariyotchi adabiyotshunos, tilshunos, san'atshunos, etnograf, hayvonot va nabotot olamining bilimdoni sifatida ko'pqirrali faoliyat va ijod sohibi edi. Birgina "Boburnoma" asari uning yigirmadan ortiq sohalarga qiziqqanligiga yaqqol misoldir. Buyuk tarixiy siymo sifatida Bobur shaxsi Yevropa va AQSH sharqshunos-tarixchi olimlari diqqat-e'tiborini o'ziga jalb etgan. Ingliz tarixchisi Eduard Holden, avvalo, Boburni mashhur Yuliy Sezar bilan qiyoslashni lozim topadi: "Bobur fe'l-atvoriga ko'ra Sezarga qaraganda sevishga arzigulikdir. Uning manglayiga yuksak fazilatli inson deb bitib qo'yilgan". Hindistonning buyuk donishmand farzandi, davlat arbobi Javoharla'l Neru o'zining "Hindistonning ochilishi" va "Jahon tarixiga bir nazar" asarlarida Zahiriddin

Muhammad Bobur haqida samimiyatga to‘liq ushbu fikrlarni izhor etgan: “Bobur - dilbar shaxs. Uyg‘onish davri hukmdorining haqiqiy namunasidir. U mard va tadbirkor odam bo‘lgan. Bobur o‘ta madaniyatli va jozibali insonlar orasida eng yetuk insonlardan biri edi. U mazhabparastlik kabi cheklanishdan va mutaassiblikdan yiroq edi... Bobur san’at va, ayniqsa, adabiyotni sevardi”. Boburning bolalik va o‘smirlik yillari haqida yozilgan “Boburnoma” romanining ingliz tarjimoni Uilyam Erskin Boburni Osiyo podshohlariga qiyosan shunday baholaydi: “Saxovati va mardligi, iste’dodi, ilm-fan, san’atga muhabbati va ular bilan muvaffaqiyatli shug‘ullanishi jihatidan Osiyodagi podshohlar orasida Boburga teng keladigan birorta podshoh topilmaydi”. Yangi Dehlidagi milliy muzeyning mutasaddisi G.N.Pant “Indiya” jurnalining 1984-yil 4-sonida Bobur va “Boburnoma” haqida shunday yozadi:

“...Uning shirali til, ohangdor vazn bilan bitilgan tarjimai holini (“Boburnoma”) o‘qir ekansiz, muallif badiiy didining naqadar nazokatliligi, aql-u zakovati teranligi, bilimi naqadar cheksizligining guvohi bo‘lasiz. Bobur tabiatni jonidan yaxshi ko‘rgan. Ayniqsa, tog‘larni, daryolarni, bog‘larni, yaylovlarni ko‘rganda zavq-shavqi tug‘yon urib, misoli bulbuligo‘yo bo‘lib ketgan. U imoni komil musulmon bo‘lib,...so‘zamol notiq, iste’dodli sarkarda, or-nomusi kuchli inson bo‘lgan”. Keltirilgan fikrlardan ko‘rinadiki, Bobur har qanday jamiyatning insonga, shaxsga qo‘yadigan talabidan ustunroq va buyukroq turgan.

Zahiriddin Muhammad Boburning memuar - esdalik asari hisoblangan “Boburnoma” uning vafotidan to‘rt yuz to‘qson uch yil o‘tib hamki, kitobxonlar, adabiyot ixlosmandlari qo‘lidan tushgani yo‘q. Mazkur asarda Boburning yigirmadan ortiq sohaga qiziqqani namoyon bo‘ladi. Ya'ni voqealar rivojini faqatgina bayon etish bilan cheklanmasdan, geografiya, etnografiya, tilshunoslik, hayvonot, nabotot olami sohalari bo‘yicha qimmatli ma'lumotlar keltirib o‘tadi.

Bobur o‘zining ushbu memuar asari bilan siyosatshunoslikda ilk bor muayyan hudud, davlatlarning siyosiy tarixini yaratishga muvaffaq bo‘ldi[163]; tabiat va jamiyatni, ijtimoiy voqelikning bir necha sohasini o‘zaro uyg‘unlikda, uzviy aloqadorlikda tadqiq etdi; geograflar uchun bir talay yangilik va o‘ziga xoslikni kashf etdi; sistematik biolog olim, tilshunos olim sifatida namoyon bo‘ldi; atamashunoslik, etnonimika, adabiyotshunoslik sohalarida o‘ziga xos sahifa yaratdi.

Garchi Bobur til haqida maxsus asar yaratmagan bo‘lsa-da, qomusiy asar - “Boburnoma”da til va tilshunoslikka oid o‘z mulohazalarini bayon etadi, tilshunos olim sifatida namoyon bo‘ladi. “Agar X asrda Mahmud Koshg‘ariy bir oilaga mansub yigirmata tilni qiyosiy jihatdan o‘rganib, qiyosiy tilshunoslikka asos solgan bo‘lsa, Mirzo Bobur “Boburnoma”da uch oilaga kiruvchi bir necha tilni solishtirib o‘rganishning ajoyib namunasini ko‘rsatib, dunyo tilshunosligida yangi nazariyaning asoschisi sifatida maydonga keldi”, - deb yozadi filologiya fanlari doktori B.To‘ychiboyev[164]. Bobur uch oilaga kiruvchi bir necha tilni solishtirib o‘rganishning ajoyib namunasini ko‘rsatib, dunyo tilshunosligida yangi nazariyaning asoschisi sifatida maydonga kelar ekan, hind-yevropa tillari oilasiga mansub bo‘lgan hind, fors va afg‘on, xom-som tillari oilasiga mansub arab tillarini turkiy tillar oilasiga mansub bo‘lgan o‘zbek tili bilan qiyoslab o‘rganadi. Masalan, Bobur fors-tojik tiliga xos

---

[163] “Til va adabiyot ta'limi” jurnali. Toshkent, 2018. 38-bet.
[164] A.Ibrohimov. Boburnoma - buyuk asar. T.: Sharq, 2000.

bo'lgan "pos" so'zini izohlar ekan, sutkaning sakkizdan bir qismini, ya'ni uch soatni bildirishini, posbon so'zi esa posdan xabar beruvchilar ekanligini izohlaydi.

Bobur so'zlar etimologiyasi sohasida ham o'ziga xos yo'l tutgan olim. Jumdalan, uning Kashmir nomini izohlashi o'ta diqqatga loyiq: "Bu tog' elini Kas derlar. Xotirg'a yettikim, Hinduston eli "shin"ni "sin" talaffuz qilur. Chun bu tog'da mo'tabar shahar Kashmirdur... bu jihattin bo'la olurkim, "Kashmir" demish bo'lg'aylar"[165]. Demak, "kas" aslida "kash" bo'lib chiqadi va Kashmir shu tog'dagi qabila nomi bilan bog'liqdir.

Bundan tashqari, Bobur nutq tovushlari tahlili sohasida ham yangi fikrlarni aytgan. U tillardagi tovush xususiyati, ularda bo'ladigan eng kichik jarayongacha jiddiy e'tibor bergan. Shuning uchun norgil daraxti haqida gapirar ekan, arab tilida uning norjil tarzida talaffuz qilinishini yozadi. Haqiqatan, arab tilida "g" tovushi mavjud emas. Shunga ko'ra, arab tilida bu tovush "j" ga o'tadi. Bobur uslubiyat va so'z ma'nolari xususida ham alohida yo'l tutgan. U asarlarini sodda tilda yozdi va boshqalarni ham shunday yozishga chaqirdi.

"Boburnoma" memuar asar maqomida O'rta Osiyo, Afg'oniston, Hindiston xalqlari kechmishida qanchalik qimmatli manbaa sanalsa, asarda tilga olingan ismlar, joy nomlari nomshunoslik uchun ham o'zbek, tojik, afg'on, pushtu, fors, arab, hind va boshqa tillarning o'tmishi va hozirgi rivojini tadqiq qilish uchun ham muhim ashyoviy dalil vazifasini o'taydi[166].

Boburning, podshohi qobilning yaxshilig'larini aytgan bilan va bitgan bilan tugangay. Lekin mujammal bukim, sekkiz sifati asil aning zotig'a muttasil erdi: birisi bukim, najhati baland erdi; ikkimchisi, himmati arjumand erdi; uchumchisi, viloyat olmog'; to'rtumchisi, viloyat saxlamog'; beshumchisi, ma'murlig'; oltimchisi, rafohiyat niyati Tengri taolo bandalarig'a; yettimchisi, cherikni ko'nglini qo'lg'a olmoq; sekkizimchisi, adolat qilmoq[167].

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, o'tmishni unutganning kelajagi bo'lmaydi. Bu lo'nda iborada tafakkur va da'vat mavjud. Toabad insoniyat shunday tafakkur va da'vatga rioya qilib yashamog'i kerak. Shunda uning umri boqiy, kelajagi porloq bo'la boradi, insoniyligi ham saqlanib qoladi. Zero, ajdodlarini unutib, o'tmishini unutib umr kechirgan avlod uzoqqa borolmaydi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. A.Ibrohimov. Boburnoma - buyuk asar. T.: Sharq, 2000.
2. Adabiyot xrestomatiyasi. Boburnoma. T.: G'afur G'ulom, 2018. 33-jild.
3. "Bobur va o'zbek milliy madaniyati taraqqiyotining ayrim masalalari" mavzusidagi Respublika ilmiy anjumani materiallari. Andijon, 1993.
4. "Til va adabiyot ta'limi" jurnali. Toshkent, 2018.

БОБУР ЛИРИКАСИДАГИ НОАНЪАНАВИЙ ЎХШАТИШЛАР ТАЛҚИНИ

[165] Adabiyot xrestomatiyasi. Boburnoma. T.: G'afur G'ulom, 2018. 33-jild, 347-bet.
[166] "Bobur va o'zbek milliy madaniyati taraqqiyotining ayrim masalalari" mavzusidagi Respublika ilmiy anjumani materiallari. Andijon, 1993. 39-bet.
[167] Adabiyot xrestomatiyasi. Boburnoma. T.: G'afur G'ulom, 2018. 33-jild, 498-bet.

Фатоева Рухсора Баҳодир қизи,
Бухоро давлат университети филология факультети 2-босқич магистранти
r.b.fattoyeva@buxdu.uz

Аннотация. Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасидаги ноанъанавий ўхшатишлар луғавий-бадиий аспектда таҳлил этилган, унинг бу борадаги ижоди бошқа ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари асарларидаги ўхшатишлар билан қиёсан ўрганилган ва қиёсий таҳлил натижасига кўра шоирнинг ташбиҳ бадиий санъати тараққиётидаги ўрни баҳоланган, индивидуал бадиий маҳорати очиб берилган.

Калит сўзлар: лингвопоэтика, ўхшатиш, семантика, ташбиҳ, ноанъанавий ўхшатиш, анъанавий ўхшатиш, эркин ўхшатиш, турғун ўхшатиш.

Аннотация. Мақалада Захириддин Мұхаммед Бабыр лирикасындағы дәстүрден тыс теңеулер лексикалық-көркемдік аспектіде талданып, оның бұл тұрғыдағы еңбегі өзбек классикалық әдебиетінің басқа өкілдерінің шығармаларындағы теңеулермен салыстырылып, нәтижесі бойынша салыстырмалы талдау жасалып, ақынның астарлы сөз өнерін дамытудағы рөлі бағаланып, оның дара суреткерлік шеберлігі ашылады.

Негізгі сөздер: лингвопоэтика, теңеу, семантика, теңеу, дәстүрлі емес теңеу, дәстүрлі теңеу, еркін теңеу, тұрақты теңеу.

Аннотация. В данной статье анализируются нетрадиционная аналогия в лирике Захириддина Мухаммада Бабура, выделяется уникальность и индивидуальность используемых поэтом аналог проводится их сопоставление со стихами других исполнителей.

Ключевые слова: лингвопоэтика, аналогия, индивидуальная аналогия, нетрадиционная аналогия, традиционная аналогия.

Ўхшатишлар ташқи дунёни билишнинг энг қадимий усулларидан ҳисобланади. Ўхшатишлар муайян халқ илк тафаккур тарзини ва тасаввурларини тамсил этади. Уларда маълум даврда яшаган аждодларимиз кечинмалари, тасаввурлари муҳрланган бўлади (1: 103). Бугунги кунгача уларни ўрганиш, таҳлил этиш ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, ўхшатишларни антропосентрик аспектда талқин этиш тилшунослигимизда долзарблик касб этади. "Ўзбек тили ўхшатишларнинг изоҳли луғати"да ўхшатишларнинг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўшатишлар фарқланиши қайд этилган (1: 5).

Истеъдодли шоир Бобур лирикасида эркин ўхшатишлар салмоқли миқдорни ташкил этади. Уларнинг айримларини қуйида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз:

Чиқса қуёш фалакка сен отқа чиққанингдек,
Бўлғайми ул сенингдек, ул бири тавсанингдек? (2: 74)

Байтни тавсифлашдан аввал изоҳталаб сўзларни кўриб чиқамиз. Юқоридаги *тавсан* сўзи шўх от, ўйноқи от маъноларини англатади (4: 584). Байт тавсифи: “Қуёш сен отга чиққанингдек чиқса, у қуёш сендек, ё ҳеч бўлмаганда отингдек бўлармиди”. Қуёшнинг фалакка чиқиши ёрнинг отга миниб чиқишига ўхшатилмоқда. Ҳақиқатан муаллиф ўзига хос ўхшатиш яратиб, бадиий янгилик

қила олган, сабаби қуёш чиқишини маъшуқанинг отга чиқишига ўхшатиш ноанъанавий, бошқа адиблар ижодида учрамайдиган янгиликдир. Қуёш сўзи билан ёр юзини васф этишда ўхшатишлар яратиш эса кенг тарқалган. XIV асрда яшаб ижод этган шоир Хоразмий ёр юзини ойга қиёслаган:

Қуёш янглиғ юзунгизни ёрутти,
Фалакдек бизни саргардон яротти.

Сайфи Саройи маъшуқа юзини *кунаш*га ўхшатган. *Кунаш* сўзи қадимги туркий тил даврига мансуб бўлиб, *қуёш* маъносини англатади (4: 322). Эски ўзбек тилида бу сўз аксар ҳолларда *гунаш* шаклида қўлланилган.

Кунаш юзунгни кўруб халойиқ,
Бўлуб турурлар сенга мусаххар. (5: 63)

Бобурнинг юқоридаги “Чиқса қуёш фалакка...” деб бошланувчи ғазалининг иккинчи байтида ҳам ноёб ўхшатишлар мавжуд:

Кўксумни чун ки ёрдинг, киргил кўнгулгаким бор,
Ул ёра эшигингдек, кўз анда равзанингдек. (2 74)

Мазмуни: “Кўксимни ёриб яро қилдинг, кўнглимга кириб бор, кўксимнинг яраси эшигингдек, кўзим эса равзанингдек”. *Равзан* сўзи *туйнук, тешик, дарча* маъноларини англатади (4: 518). Байтда ошиқнинг дил яраси ёрнинг эшигига, кўзи эса ёр уйининг туйнуги, дарчасига ўхшатилган. Ушбу ўхшатишлар ўзига хос, оригинал ташбеҳ бўлиб, таркибидаги муболаға унинг ноанъанавийлигини янада оширган. Ошиқ қалб яраси дардли ва шунчалик каттаки, у маъшуқанинг эшигига ўхшайди. Ошиқнинг кўзи ёр васлига муштоққи, у маъшуқанинг уйи дарчасига қиёсланади. Булар фақатгина Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасида мавжуд бўлган индивидуал ўхшатишлардир. Қуйида шоирнинг «Кўринур» радифли ғазалига эътибор қаратайлик:

Юзида ул лаби хандон кўринур,
Сутга кўп боқса бале қон кўринур (2: 126)

Мазмуни: "Ёрим юзида лаби хандони кўринади, сутга кўп боқса ҳам қон кўринади". Юқорида ёр юзи сутга, лаби эса қонга ўхшатилган."Ёрнинг оппоқ сутдай юзига боқиб турсам, бирдан орада қизил қонли лали лаб кўринади", — дея тавсифлайди ошиқ. Ушбу байтда шоир тўлиқсиз ўхшатишлардан маҳорат билан фойдаланган. Бироқ бир қарашда байтда ташбеҳ мавжудлиги яққол намоён бўлмайди. Аммо истеъдодли шоир шундай нодир ижод намунасини юзага келтира олган. Мумтоз адабиётда юзни сутга, лабни қонга қиёс этиш кўп учрайди. "Ўзбек тили ўхшатишларнинг изоҳли луғати"да сут билан боғлиқ сутдай оппоқ юз; сутдек оқ кеча; сутдек тонг; сутдай пок қарор (3:199-200); ҳамда қон билан боғлиқ қон каби тоза, қизил шуъла; шаҳидлар қонидек алвон қуёш; қон сингари шафақлар; ичим қондек қип-қизил; қондек қип-қизил сув каби ўхшатишлар келтирилган (3: 296). Аммо ёр юзида лабни сутга боқганда қон кўриниб қолишига ўхшатиш фақат Бобур ғазалида учрайдиган хусусий ўхшатишдир. Шоирнинг бир рубоийсини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз:

Эйким, қуёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур,
Пўлоддур кўнглунгу бағринг тошдур,

Номамға агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур. (2: 157)

Тавсифи: "Юзинг куёш, қошинг ҳилолдир, кўнглинг пўлат, бағринг тошдир. Мактубимга яхши жавобинг бўлмас экан, сўкмоқ билан ёд этсанг ҳам майли". Байтда тўртта ўхшатиш мавжуд: ёр юзи куёшга, қоши ҳилолга, кўнгли пўлатга, бағри тошга ўхшатилмоқда. Аксарият шоирларнинг маъшуқа бағрини, кўнглини тошга ўхшатганига гувоҳ бўлганмиз. "Ўзбек тили ўхшатишларнинг изоҳли луғати"да пўлатдай қаттиқ фил териси; пўлатдай мустаҳкамлик; пўлатдай пишиқлик ўхшатишлари учрайди (3: 177). Бироқ кўнгилни пўлатга қиёс этиш ўзига хос, индивидуал муаллиф ўхшатишидир.

Эйким, бари шеър аҳлиға сен хон янглиғ,
Шеъринг бори шеърларга султон янглиғ.
Мазмуни анинг хатти саводий ичра
Зулмат орасида обиҳайвон янглиғ. (2: 164)

Мазмуни: "Шеър, шоирлар аҳлига сен хон-у, шеъринг барча шеърларга султон кабидир. Сен ва шеърларинг хат-у савод ичра, зулмат орасида гўё обиҳайвон — тириклик сувидир". Ушбу рубоийда уч ўхшатиш мавжуд: маъшуқа шоирлар аҳли хонига, шеъри шеърлар султонига ва зулмат ичидаги тириклик нишонасига ўхшатилган. Мумтоз адабиётда ёрни сулув қизлар султонига ўхшатилган. Аммо, бизнинг фикримизча, ёрни шоирлар хонига-ю, шеърини шеърлар султонига қиёслаш Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеъриятидаги ноанъанавий ташбеҳдир.

Қиш гарчи замони манқалу оташдур
Лекин бу шито Ҳиндта кўп дилкаштур.
Ҳангоми нишоту бодаи беғаштур,
Май бўлмаса маъжун даги бўлса хуштур. (2: 171)

Байтни тавсифлашдан аввал изоҳталаб сўзлар маъносига эътибор қаратамиз. *Манқал* сўзи араб тилидан олинган бўлиб, *оташдон, совуқ кунларда исиниш учун устига ўт ёқиладиган тўгарак темир идиш* маъносини (361); *маъжун* арабча — *бир қанча дориворни янчиб, асалга қориштириб ясалган кайф берувчи қуюқ дори* (4: 378); *нишот* — *хурсандчилик* (4: 463); *шито* – қиш (4:698) деганидир.

Тавсифи: "Қиш иссиқликда оташдек, аммо бу қиш Ҳиндда севимлидир. Ҳангома, шодлик, май билан бамалихотир дилни шод этса бўлади. агар май бўлмаса маъжун — маст қилувчи қуюқ дори бўлса у ҳам яхши". Шоир Ҳинд қишини манқал — оташдонга ўхшатади. "Ўзбек тили ўхшатишларнинг изоҳли луғати "да оташдек ёнган вужуд; оташдек иссиқ кафтлар; оташдай сўзлар; оташдай лов-лов ёндирадиган кўнгил изтироби каби ўхшатишлар мавжуд (3: 166). Аммо қишни оташдонга қиёсланишини учратмадик. Фикримизча, ушбу ташбеҳ эркин, муаллиф ўхшатишидир. Шоир туюқларида ҳам ноанъанавий ташбеҳлардан фойдаланганини кўришимиз мумкин:

Жонға солди даҳр ғурбат норини,
Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини,
Бу арода мен дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиқ кўлу ундан норини. (2: 176)

Даҳр арабча дунё, олам, замон, давр (4: 186); *нор* эса арабча ўт-олов ҳамда дўзах (4: 468) деган маънони ифодалайди. Мазмуни: "Дунё жонимга ғурбат оловини ташлади, кўз ёшим мўғулнинг норинидек бўлди, бу ерларда мен айтгандек бўлмаса, Иссиққўл ва ундан нарини кўзлайин". Ошиқ кўз ёшини Норин дарёсига ўхшатади. Бадиий адабиётда ижодкорлар кўз ёшларини дарёга қиёслаганига гувоҳ бўлганмиз. "Ўзбек тили ўхшатишларнинг изоҳли луғати"да дарёдай оқувчи қон; дарёдай тошмоқ, тўлқинланмоқ; дарёдай сокин; дарёдай тинч ўхшатишлари берилган (3: 65-67). Бироқ уларни айнан Норин дарёсига ўхшатиш муаллиф ижодига хос, хусусий ўхшатишдир, назаримизда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, буюк шоир Бобур ўз шеърий асарларида бошқа бадиий матнларда учрамайдиган ташбеҳлардан маҳорат билан фойдаланган ва шу орқали асарларининг бадиий жиҳатдан ўқимишли бўлишига эриша олган. Унинг ғазалларида қуёшнинг чиқиши ёрнинг отга чиқишига; кўнгил яраси эшикка; кўз туйнукка; ёр юзи ва лаби сут ҳамда ундаги қонга; кўнгли пўлатга; ёрни шоирлар хонига; шеърини барча шеърлар султонига ва обиҳайвонга; қишни оташдонга; кўз ёшни Норин дарёсига ўхшатилган. Бу каби ўхшатишлар бошқа шоирларнинг адабий меросида учрамайди. Шоир ноанъанавий, индивидуал ўхшатишлардан унумли фойдаланган. Унинг шеъриятида эркин ўхшатишлар катта миқдорни ташкил этади, юқоридаги мисоллар бундай ўхшатишларнинг кичик бир қисми холос. Кейинги ишларимизда уларни ҳам таҳлилга тортишга ҳаракат қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Усмонова Ш. Лингвокультурология. -Тошкент: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, 2019.
2. Бобур. Асарлар. Уч жилдлик. -Т.: Фан, 1965. II жилд.
3. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Т.: Маънавият, 2013.
4. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. -791 б.
5. Сайфи Саройи. Шеърлар, Гулистон. -Т.: Маънавият, 1968.

“BOBURNOMA” ASARIDAGI SHE’RIY PARCHALARDA MUALLIF RUHIYATI IFODASI

Mahammadjonova Gulmira Farhodbek qizi
(Ilmiy rahbar Z.R.Rayimberdiyeva)
Andijon davlat pedagogika instituti talabasi
muhammadjonovagulmira@gmail.com

Аннотация. В этой статье анализируются поэтические отрывки, представленные в " Бабурнаме", и раскрываются причины их написания, степень, в которой они служат цели автора, и их значение в выражении душевного состояния автора.

Ключевые слова.Мемуары, классическая литература, проза, поэтические отрывки, стих, рубаи, строфа, авторская психика, авторское отношение, художественное выражение, духовное переживание.

Аннотация. Бұл мақалада "Бабурнома" шығармасында ұсынылған поэтикалық үзінділер талданады, олардың жазылу себептері, автордың мақсатына қаншалықты қызмет ететіндігі және автордың көңіл-күйін білдірудегі маңыздылығы ашылады.

Кілт сөздер. Естелік, классикалық әдебиет, проза, поэтикалық үзінділер, өлең, рубой, шумақ, автордың рухы, авторлық қатынас, көркем өрнек, рухани интерпретация.

Oʻzbek adabiyoti tarixining ikki buyuk vakilidan biri- Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti, uning betakror ijodi avlodlarga qolgan buyuk xazinalardan biridir. Uning tarixchi olim, zukko adib va dilbar shoir sifatida qoldirgan ilmiy-adabiy me’rosi bebahodir. Bobur hukmdorlik majburiyatlaridan ortib yirik asarlar yozishga muvaffaq boʻlgan. Uning lirikasi adabiyotdagi oʻziga xos lirikadir. Sermazmun lirika va jahon adabiyoti va manbashunosligidagi muhim va noyob yodgorlik hisoblangan “Boburnoma”(“Vaqoye”) asari Andijon farzandi boʻlgan Boburmirzo shaxsiyatining yaqqol ifodachisi hisoblanadi.

Sir emaski, Bobur ruhiyatini, uning ma’naviy olamini namoyom etuvchi vosita uning lirikasi, shu jumladan, qit’a va ruboiylaridir. “Boburnoma” nasriy yoʻlda yozilgan asar boʻlishiga qaramay, unda umumiy hisobda 310 misradan ortiq nazm namunalari ham uchraydi. Shu oʻrinda aytish kerakki, “Boburnoma” da kelgan she’riy parchalarning hammasi ham muallifning oʻziga tegishli emas. Asarda zamondosh shoir, adib va olimlarning ellikka yaqini haqida ma’lumotlar hamda ularning asarlaridan parchalar, bu parchalarning tahlillari berilgan. Shu jihatdan ham bu memuar asarni adabiyotshunoslik asari deyish mumkin. Zotan, adib va shoirlarning ijod namunalari tahlili, ularga baho berish adabiyotshunoslik ilmi sohasiga mansub. Keltirilgan 310 misraning yarimidan ortigʻi- 180 misrasi fors-tojik adabiyoti va qolgan 130 misrasi turkey ijod namunalaridir. Ular bevosita “Boburnoma” bilan hamohang va uni mazmunan toʻldiradi. Agar Bobur davri va undan oldingi shoirlar ijodida ruboiy janrida an’anaviy ishq, oshiq va ma’shuq, ayrim hollarda ijtimoiy masalalar qalamga olingan boʻlsa, Zahiriddin Muhammad Bobur ruboiylarida inson ichki kechinmalarining rango-rang jilolari, uning muammolari teran aks etganini koʻramiz. Ayni shu holat “Boburnoma” ning yanada ta’sirchan va badiiy jozibador boʻlishligini ta’minlagan, desak boʻladi. Ushbu asardagi she’riy parchalarning janriga diqqat qaratadigan boʻlsak, ularning 10 dan ortigʻi ruboiy, 6 tasi qit’a va qolgani yakka misra yoki baytlardir. Muallifning ushbu she’riy parchalarni qoʻllashdan maqsadi ayni bir vaziyatdagi koʻngil holatini ifodalash; voqealar jarayonida yozilishi boshlangan yoki yozib tugallangan she’rlari haqida ma’lumot berib oʻtish; bizga tanish va tanish boʻlmagan juda koʻplab oʻsha davrning forsiygoʻy va turkiygoʻy shoirlarini eslab oʻtganda esa ularning misralaridan keltirish orqali shaxsiyatini ochib berish, shuningdek, bayon etilayotgan holat va vaziyatga munosib baho berishga yordam berish kabilar edi. Asardagi 1501-1502-yil voqealari bayonida Bobur Toshkentga borganini va xon qoshida bir ruboiy aytish orqali oʻzining taraddudini arz qilganini yozadi. Mana oʻsha ruboiy:

Yod etmas emish kishini mehnatda kishi,
Shod etmas emish koʻngulni gʻurbatta kishi.
Koʻnglum bu gʻaribliqda shod oʻlmadi hech,

G'urbatta sevunmas emish, albatta, kishi. [1, 87-bet]

Xo'sh, shoir bunday deyishiga sabab nima edi? Asarni o'qish davomida bilishimiz mumkinki, ayni shu paytda Boburmirzo bobosi poytaxt qilgan azim Samarqandni tashlab chiqqani va ota yurtidagi xiyonat sababli tang ahvolga tushgan edi. Nima qilishini, qaysi yo'lni tanlashni bilmayotgan Boburning holatini, kayfiyartini hech narsa yuqoridagi ruboiychalik ko'rsatib bera olmasa kerak. Voqealar rivojining davomida Boburga xos yana bir xislatni ochib beruvchi holat bo'ladi. Avval Boburga sheriklik qilishga kelishgan va biroz vaqt o'tgach xiyonat qilishi xabari berilgan shaxsga nisbatan Bobur shafqatli bo'ladi va uni jazolamaydi, balki taqdir hukmiga havola qilib qo'ya qoladi. Taqdir esa ana o'sha kimsadan o'ch oladi. Bu holatni Bobur bir bayt orqali ifodalab beradi.

Tu bad kunandan xudro baro'zgor supor
Ki ro'zgor turo chokarest kina guzor.
(Sen o'zingga yomonlik qiluvchini turmush hukmiga havola qil.
Turmush senga o'ch olib beruvchi xizmatkordir).[1,125-bet]

"Boburnoma"da biz muallifning taqdir mashaqqatlariga naqadar bardosh bergani, ayrim holatlarda dardning zo'rayishi ko'zlariga achchiq tosh, tanasiga tinimsiz dardni keltirib chiqarganligini ko'ramiz. Muallif shu holatlar tasvirini berar ekan, nasriy matndan ko'ngli to'lmaydi, ichki tug'yoni, hasratlarini to'la bayon eta olmaganligini sezib,(ma'lumki, epik tur o'qish, lirik tur esa his qilish, tuyg'ularni bildirish uchun yoziladi) ko'pincha o'z ruboiy, g'azallari bilan, ayrim hollarda boshqa buyuk adiblar-Sa'diy, Hofiz she'rlari bilan nasriy matnni boyitgan. Ayniqsa, Bobur vafotidan ikki yil oldin kasallik uni ko'p tashvishga soladi, ruhiyati tushkunlikka moyil bo'lib qoladi. Ushbu holat tasvirida ham asar matnini quvvatlashga muallif o'z ruboiysini keltiradi. Bunda ruboiy uning ruhiyatini aniq ifoda etadi. Kasallik paytidagi tushkun kayfiyat, dard mashaqqati uning jismiga naqadar tashvish keltirgani aniq badiiy ifoda topgani bilan muhim. [3]

"Yakshanba kuni, muharram oyining o'n oltisida isittim, titradim, navbat-navbat bo'ldi. Yigirma besh-yigirma olti kunga tortti. Doruyi kor ichtim. Oxir basit yarashti, uyqusizlig' va tashnalig'din bisyor tashvish torttim. Bu maraz ayyomida uch-to'rt ruboiy aytildi. Ul jumladan biri budur:

Jismimda isitma kunda mahkam bo'ladur
Ko'zdin o'chadur uyqu, chu oxshom bo'ladur.
Har ikkalasi- g'amim bila sabrimdek,
Borg'on sayi bu ortadir, ul kam bo'ladur".[2, 245-bet]

Yuqoridagi nasriy parchada ham Boburning *"uyqusizlik va tashnalig'din tashvish torttim"* degan jumlasi keyin keltirilgan ruboiydagi isitmaning mahkam bo'lishi, ko'zdan uyquning qochishi bilan mantiqiy bog'lanib, muallifning yuksak va topilmas tashbehi- g'am bilan sabrning kurashi, sabrning kamayishi va g'amning yuksalishi juda yuksak badiiyat bilan ifodalangan. Boburning ana shu ichki tug'yonini nasrda ifodalash mushkulligi bois, u aytganidek, uch-to'rt ruboiy yozgan va bittasini "Boburnoma"da keltirgan.

Sabza-u gullar bila Jannat bo'lur Kobul bahor
Xossa bu mavsumda Boron yozisi-yu Gulbahor. [2, 285-bet]

Bobur Gulbahor dashtlarida yurib, 34 xil lola navini sanatganida bu yurtlar ta'rifida shunday bayt aytilar edi deya eslab o'tadi. So'ngra ayni bir g'azalini mana shu yerda yozib tugatganini bildiradi. Bu g'azal:

Mening ko'nglumki gulning g'unchasidek tah-batah qondur
Agar yuz ming bahor o'lsa ochilmog'i ne imkondur. [2,285-bet]

Bobur g'azaliyotining mavzusi, bir tomondan, mumtoz g'azalchilikda yetakchi o'rin egallagan ishq mavzusi bo'lsa, ikkinchi tomondan, shoirning hayot hodisa-voqealaridan olgan taassurotlari, muvaffaqiyatlari shodiyonasi, muvaffaqiyatsizlik tufayli zamon va uning jafokorligidan nolish, o'zi tug'ilgan Vatandan uzoqlashgani tufayli Vatan va vatandoshlarini qo'msash, o'rni bilan pand-nasihat berish kabi mavzulardan iborat. Yuqorida keltirganimiz- g'azal orqali esa Bobur garchi judayam chiroyli (34 xil lola navi bo'lgan) bahor manzarasida turgan bo'lsa ham, aslida qalbi ana shu chiroyli gullarning g'unchasi kabi qon. Unga hech qanday go'zallik tatimaydi, sababi u o'zi sevgan Vatandan ketyapti, oldinda uni nimalar kutayotganini bilmaydi. Yuragi xijil. Uning ko'ngli shunday qon g'unchaki, boshqa g'unchalar har bahorda ochilgani qolib, yuz ming marta bahor kelsa ham bu g'unchaning ochilishi imkonsiz. Ana shu misralarni o'qib, yurtidan bosh olib chiqib ketayotgan Boburning vaziyatni yaxshi anglab yetgani, endi sevimli tuproqqa qayta kela olmasligini (g'unchaning ochilishi imkonsiz) yuragi sezganmikan degan o'y keladi xayolga.

Boburni taqdiridan norozi bo'lib yashagan ekan degan fikr mutlaqo xatodir. "Boburnoma"ning bir o'rnida Xoja Kalonning Hindistonni xushlamay,

Agar ba xayr-u salomat guzar zi Sind kunam,
Siyoh ro'y shavam, gar havoyi Hind kunam.[2, 425-bet]

(Agar sog'-salomat Sinddan o'tib ketsam, Hindistonni yana havas qilsam, yuzim qora bo'lsin) baytini bitganidan achchiqlanib, unga javob tarzida badihada bir ruboiy bitib yuborganini yozadi. Mana o'sha ruboiy:

Көшпенді өркениеттің таным-түсінігі бойынша найзағайдың ұшқыны *жай* деп айтылады. Жайдың түсуіне байланысты халық ұғымында көптеген аңыздар сақталыған. *Жай* түссе «*Тәңірдің қаһары*», «*оғы*» түсті деген түсінік болған. Және халқымыз түспалдап атын атамай, оны *көксоққан* деп атаған, бұл *көк тәңірінің оғы соқты* деген сөз тізбегінің ықшамдалған түрі болып табыдады. Халық ұғымында әлі күнге дейін күн күркіреп найзағай ойнағанда, биік жерге шығуға, ақ киім киуге, атқа мініп жалғыз жүруге, жалғыз ағаш қасында тұруға тыйым салынады. Ғалым Қ.Анарбаев: «Кодекус куманикус» жазбасында *йай - жай тасы, йақшы*- жайшы терминдері діни сенімдерінен ғана емес, астрономиялық білімдері мен қатар этнографиясынан да хабар береді» - дейді [10, 736]. Тарихи мәліметтерге сүйенсек құмандар астрономиямен айналысып, жұлдыздарды бақылап және оларға табынғанын да көреміз. Оған дәлел ретінде «Кодекус куманикус» мәтініндегі Yulduzčï [3, 580] - (жұлдызшы) сөзінің кездесуі. Жұлдызшы – аспан денелерінің қозғалысын бақылап көшпенді түркілерге жыл мезгілдері, ауа райына байланысты мал төлдетуге, бие байлауға көшіп-қону кезеңдерінде ақыл беріп отыратын, кеңесші ретінде, көшпенділер өмірінде елеулі орын алған. Кодекус куманикус ескерткішінде**:** yulduz [3, 580] - yulduz köründü - жұлдыз көрінді, yulduz ekinči köründü - екінші жұлдыз көрінді, *qačan kördilär ol yulduznï* - ол жұлдызды қашан көрдіңдер *andan yulduzun ilgäri bardï* - оның жұлдызы ілгері барды *anïŋ yulduzun* - оның жұлдызы - [2, 63] секілді тіркестер мен сөйлемдер арқылы қыпшақтардың аспан әлеміндегі жұлдыздарға немқұрайды қарамағанын көреміз. Карашай- балқарша *–жұлдыз*, башқұртша *йондыз*, құмықша *юлдуз,* қырғызша *жылдыз,* ноғайша *юлдыз,* татарша *йолдыз*, қазақша - *жұлдыз* фонетикалық айырмашылықтары болмаса, мағынасы бір екенін байқаймыз. Қазақ танымында темір қазық, үлкер, жеті қарақшы, ақбоз ат, кіші аю секілді жұлдыздарға байланысты аңыздар жетерлік. Жеті қарақшыны таныған адам, жеті қараңғы түнде адаспайды, үркер – алты, жұт - жеті, үркер жерге түспей жер қызбайды, деген мақал-мәтелдер арқылы жұлдызға қарап ертеңгі ауа райын болжау, тағдырды болжау, бұрынан келе жатқан наным екеніні белгілі, халық танымында жұлдыздарды санамайды, жұлдыз санаса, өлім-жітім, жаманшылық көп болады деген түсінік болған, сол сияқты халқымыз аспаннан ағып түскен жұлдызды көргенде менің жұлдызым жоғары деп айтып үлгеру керек деп ойлаған, өйткені өмірден бір адам өтті деген болжам болған. Тіпті ағып бара жатқан жұлдызды көрсе, арман-тілегін үлгеріп айтып қалуға да тырысқан, себебі, сол арман орындалады деген де түсінік болған. Күнге байланысты

Кодекус куманикуста kun toɤuči [2 ,63]- күн тоғысты, күннің шығуы, kun batïšï [2 ,582]- күн батты, күннің батысы тіркестерді кездестіреміз. Жалпы түркі елдерінің аспан әлеміне байланысты танымдары өзгеше сипатта болған. Оған ерекше назар аударып өзінідік космологиялық пікірлерін қалыптастыра отырып тыйымдар мен ырымдарға қатты сенген. Мысалы күнге байланысты: күнге қарап дәрет сындырма, күн батарда күнмен таласып жұмыс істеме, күн батарда ұйықтама, күн батқан соң қорадан мал шығарма, күн шығарда ұйықтама деген тыйымдар бар. «Кодекус куманикус» ескеткішінде ayda bizgä saɤïnmax [2, 68] (ай да бізді сағынбақ) деген сөйлемді кездестіреміз және бұған қарап айға қатысты түркілік ұғымды байқаймыз. Қазақ халқында айға байланысты тыйым сөздер мен наным-сенімдер бүгінгі таңға дейін қолданыс тауып келеді. айға қарап қолыңды шошайтпа, айға қарап дәрет сындырма, айға денеңді көрсетпе, айға қарап телмірме, сонымен қатар жаңа туған айды көрсе жаңа айда жарылқа, ескі айда есірке деп бата жасап, оған сәлем салған.

Орта ғасырлық жазба ескерткіш «Кодекус куманикус» мәтініндегі мәдени концептілер дәстүрлі өмірдің рухани көрінісі. Ғасырлар қойнауында жинақталған рухани дүниені бейнелейтін тіл бірліктерін анықтау маңызды мәселелердің бірі болып саналады. «Кодекс Куманикус» ескерткішіндегі наным-сенімдерге, қатысты ұғымдарды қарастыру барысында бүгінгі күнге дейін тарихи сабақтастықтың бар екенін анықтаймыз және ырым-тыйымдардың түркі халықтары арасында қолданылып жатқанына көзімізді жеткіземіз. Бұдан байқайтынымыз халқымыз жақсы және жаман ырым-тыйымдарға қатты сенген және оларды орындауғы тырысқан

Пайдаланылған әдебиеттер:

1. Б.Көмеков. Қ.Анарбаев. Кодекус куманикус. Нұр-Сұлтан 2020
2. А. Гаркавец Кодекус куманикус.Алматы-Баур.2015
3. Ғ.Айдаров.Тонікөк ескерткішінің тілі.Алматы:ЖШС «Қазақстан» баспа үйі, 2000-120 бет
4. М. Қашқари.Түрік сөздігі. Алматы. «Сөздік-Словарь» 2007
5. Древнетюркский словарь-Ленинград: Наука, 1969
6. Қазақ тілінің түсіндірмелі сөздігі.Алматы.2008
7. Фразеологизмдер сөздігі.Алматы. 2007
8. Күлтегін-Тоныкөк. Астана. «Астана» 2022
9. Қ.С.Анарбаев Ұлы Дала көшпелі тайпаларының көне және орта ғасырлық наным-сенімдеріндегі тарихи сабақтастық мәселесі. https://dergipark.org.tr›issue
10. Шоқан Уалиханов 4 том. Алматы, 2010

“АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ БАДИИЙ НУТҚДА ВОҚЕЛАНИШИ

Раъно Сайфуллаева,
Ўзбекистон Миллий университети профессори,
филология фанлари доктори
Матлуба Шукурова,
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада ўзбек тилида **аёл** концептосферасидаги лексик-семантик бирликларнинг бадиий талқини масаласи олам лисоний тасвирининг асосий тушунчаларилан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, айниқса, шоиралар ижодида аёл концептосферасига оид тушунчалар яққол тасвирланиши масалалари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: концепт, концептосфера, аёл концепти, она, бадиий талқин, лингвокультурологик таҳлил, аёл руҳияти.

Аннотация: Бұл мақалада өзбек тіліндегі әйел концепт сферасындағы лексика-семантикалық бірліктердің көркемдік интерпретациясы мәселесі дүниенің тілдік бейнесінің негізгі концептілерінің бірі ретінде маңызды болып табылады. ақындар шығармашылығындағы әйел концепті саласына қатысты ұғымдар.

Түйін сөздер: концепт, концептосфера, әйел ұғымы, ана, көркемдік интерпретация, тілдік-мәдени талдау, әйел психикасы.

Аннотация: В данной статье важен вопрос художественной интерпретации лексико-семантических единиц женской концептосферы в узбекском языке как одного из основных концептов языковой картины мира, особенно вопросы яркого изображения концепты, относящиеся к женской концептосфере в творчестве поэтов.

Ключевые слова: концепт, концептосфера, женский концепт, мать, художественная интерпретация, лингвокультурологический анализ, женская психика.

Муайян концептнинг лексик-семантик тадқиқида худди шу концепт атрофида тўпланувчи жамики лексемаларнинг этимологияси, луғавий маъноси, когнитив, функционал жиҳатлари атрофлича ўрганилади. Хусусан, “аёл” концепти доирасидаги тил бирликлари мажмуини яратиш лингвокультурологик тадқиқотлар учун жуда самарали манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбек тилида **аёл** концептосферасидаги лексик-семантик бирликлар сифатида қуйидагиларни белгилашимиз мумкин: *она, буви, опа, сингил, қиз, набира, ёр, маъшуқа, завжа, келин, қайнона, қайинэгачи, қайинсингил, қуда, қуда хола, қуда буви, қўшни, устоз, олима, раққоса, бека, ҳамшира, шифокор, ўқитувчи, чевар, саришта, меҳнаткаш, иболи, хаёли…* Бу қаторни чексиз давом эттириш мумкин.

З.Д.Попова ва И.А.Стернинлар концепт моҳиятини "тизимлаштирилган билимлар квантини намоён этувчи глобал тафаккур бирлиги" деб тушунадилар.[181] Олам лисоний тасвирининг бирлиги сифатида концепт мазмуни ҳар доим миллий хусусиятга эга, яъни у маълум бир лингвомаданий ҳамжамият маданияти ва дунёқарашининг хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳар қандай концептни ўрганиш олам лисоний тасвири учун қимматлидир.

Аёл концепти олам лисоний тасвирининг асосий тушунчаларидан биридир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “аёл” сўзига қуйидагича таъриф берилган:

[181] Попова З.Д., Стернин И.А. Язык и национальная картина мира. Воронеж: Истоки, 2002. – С.3

Аёл [*арабча* - оила; хотин] 1. Умуман эркакка қарама-қарши жинсдаги шахс; хотин; Бу маънода асосан кўплик шаклида қўлланиб, умумлаштириш маъносига эга бўлади, "хотин-қизлар" маъносини билдиради.

2. Шундай жинсдаги етук ёшдаги шахс (қизга нисбатан). *Бугунги кунимизда тенгсиз хислатларни ўзида мужассамлаштирган қизларимиз, аёлларимиз кўп.* Газетадан.

3. Хотин, рафиқа (эрга нисбатан). [*Ёрмат:*] *Аёлим қишин-ёзин ичкари ҳовлининг юмушини қилади: кир ювади, уй-жойни супуради, нон ёпади, кўрпа қавийди.* Ойбек, Танланган асарлар. (ЎТИЛ, 1-жилд, 40-б.)

Қатун – Афросиёб қизларидан бўлганларнинг номи. Мақолда шундай келган: Хан ïшï болса, қатун ïшï қалïр – Ҳоқоннинг иши бўлса, хотин иши қолдирилар.[182]

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “хотин” сўзи “аёл”, “эрга теккан аёл” маъносини англатувчи туркий тилларга хос сўз сифатида тавсифланади: “...бу сўз дастлаб “юқори мартабали кишининг умр йўлдоши” маъносини англатган; маъно тараққиёти натижасида умуман “бирор кишининг умр йўлдоши” маъносини ва бошқа маъноларни англата бошлаган.”[183]

Ушбу изоҳлардан кўринадики, “аёл” тушунчаси нисбатан кенг қамровли маъно доирасини, жумладан “хотин” тушунчасини ҳам қамраб олади. Биринчи навбатда унинг физиологик ва ёш хусусиятлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, оилавий аҳвол бўйича ижтимоий мавқеи белгиланади.

Биз концептуал бирликларнинг когнитив, этнопсихолингвистик ва функционал жиҳатларини бадиий нутқ доирасида тадқиқ қилишни мақсад қилиб белгиладик. Табиийки, бадиий матн маълум бир халқнинг маданияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тили, урф-одат ва анъаналари, миллий менталитети, ҳис-туйғулар дунёси, кундалик турмуш тарзини акс эттиради.

Бу борада кенг тадқиқотлар олиб бораётган Л.Х.Самситованинг қарашлари диққатга сазовор. “Бадиий матн маданиятнинг асоси ва қони ва, албатта, тилнинг ажралмас қисмидир. Зеро, тил бирлиги сўзловчилар томонидан матндан ташқарида ишлатилмайди. Матн сўзлар, гаплар ва тилнинг бошқа бирликлари учун кўпбурчакдир. Бошқача айтганда, матн тил ва маданиятнинг оптимал уйғунлиги, шунинг учун лингвокультурологик тадқиқ учун энг мақбул шарт-шароитдир.”[184]

В.В.Воробёв, Л.Г.Саяхова бадиий матн уч карра маданий объект эканлигини таъкидлайдилар. Биринчидан, халқ ҳаёти, маданияти бадиий адабиётда унинг энг муҳим таркибий қисми сифатида акс этади, яъни бадиий асарнинг мазмуни моҳиятан миллий-маданийдир. Иккинчидан, ҳар қайси тилда бадиий матн энг муҳим маданий ҳодисалардан биридир. Ниҳоят, учинчидан, бадиий матннинг ўзи бадиий асар сифатида маданий ҳодисадир.[185]

---

[182] Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. 1-жилд, Тошкент, 1960. – Б.388

[183] Раҳматуллаев Ш Ўзбек тилининг этимологик луғати, 1-жилд, Т.: Университет, 2000. – Б. 402

[184] Самситова Л.Х. Культурные концепты в башкирской языковой картине мира: дисс…канд.филол.наук. Уфа, 2014. – С. 97

[185] Воробьев В.В., Саяхова Л.Г. Русский язык в диалоге культур: учебное пособие. Элективный курс для 10- 11 классов школ гуманитарного профиля. Москва: Ладомир, 2006.- С.189

Ўзбек адабиётида аёл ижодкорларнинг ўзига хос ўрни ва овози бўлиб, узоқ йиллик тарихий жараённи қамраб олади. Хоссатан, уларнинг ижодида “аёл” концептининг олмос қирралари *меҳрибон она, садоқатли ёр, латофатли ёр, курашчан аёл* каби лирик, эпик ёки драматик қаҳрамон сифатида ҳар жиҳатдан бадиий талқинига эга.

Одатда, аёл ижодкорларимиз лирикасида шарқона чуқур лиризм ёки драматизм қатларида аёл руҳияти, кечинмалари, аёллик қалби ва жозибаси билан гендер хусусиятлари ярқ этиб кўзга ташланиб туради. Замонавий ўзбек шеъриятининг еўзга кўринган вакиласи Ойдин Ҳожиева шеъриятида ҳам ана шу ҳолатни кузатишимиз мумкин.

*Менинг дил сўзларим – **осудаларим,***
*Талотўп дунёда **маъсудаларим,***
Кўзимни ўйса-да минг битта нокас,
*Биргина дўстимга **қасидаларим**.*

Осуда форсча тинч, осойишта, хотиржам; ***масъуд*** сўзи эса арабча бахтли, саодатли деган маъноларни англатади. Шоиранинг наздида аёл лирик қаҳрамоннинг элга айтадиган сўзлари, яъни шеърлари ҳам унинг қалб оламидек *нафис, осуда* ва *маъсуда*. Бу ўринда бадиий мақсад талаби билан арабча *масъуд* сўзининг **муаннас**, яъни аёл жинсига хос шакли, ўзбек тили талаффузига мослаштирилган ҳолда айириш белгисининг ўрни ўзгартирилиб, **маъсуда** тарзида қўлланилиб, шеърий мисранинг мусиқийлигини ва маъно экспрессивлигини оширишга хизмат қилган.

Шоира ўз қалбида гул каби ўсиб, камол топган шеъриятининг ҳаётига эш аҳамиятини аёллик, оналик меҳри билан *фарзанд, гўдак, фаришта*га менгзайди ва гўё азиз боласидек алқайди.

*Юрагим қонидан кўклаган **гулим,***
*Жаннат чашмаларин йўқлаган **гулим,***
Оқ сут бериб боққан фарзандим каби
*Нону тузларимни оқлаган **гулим.***
Умр боғимдаги латиф ифорсан,
***Гўдак кулгусидай** соф, беғуборсан.*
***Фаришта бўлиб** сен очдинг эшикни*
Қай даргоҳга элчи-шеърим юборсам.

Ойдин Ҳожиева “Зиёрат” достонида урушда ҳалок бўлган аканинг соғинчли армони бир умр қийнаб келган ***сингил*** образини гавдалантирар экан, ўзининг қалб кечинмаларидан ҳам кўра ўғлини йўқотиб, қирқ йил бўзлаб ўтган *она* ва қадди букилган *ота*нинг руҳий изтироблари кўпроқ юрагини ўртайди.

Онам қирқ йил бўзлаб, излаган дарак,
Отамнинг қаддини буккан дард, фиғон,
Пўлат саҳфалардан мисли гулдурак —
Овоз бериб чиқар акам — Неъматжон!...
Бедарак нишон, деб очолмай аза
Умидин узмади Она меҳрибон.
Энг сўнгги нафас ҳам очиб дарвоза
Йўлга қараб туриб Она берди жон...

Номаълум аскар ва Мотамсаро она ҳайкаллари тимолида онаси ва бедарак кетган акасининг Қиёматга қолган дийдорлашувини тасаввур қилар экан, меҳрибон сингил ўзидай маъсума, ҳижрон қиличи умрини хазон қилган ***Азиза янгаси***нинг маҳзун қиёфасини чизади:

Сукунат. Йилларнинг бедод жимлиги.
Киприкда дур каби қотган қатра ёш.
Эрка келинчакнинг шўх маъсумлиги
Йигитнинг меҳрида балқиган қуёш.
Фурсат — қанотлари куйган капалак,
Лопиллар, учолмас, шамда доғланур.
Келинчак елкасин тутган жамалак
Сочлари сим-сима дилга боғланур.

Кўриниб турибдики, лирик қаҳрамон шоиранинг ўзи бўлиб, шахсий кечинмалар асосида ота-онага *куюнчак фарзанд, меҳрибон сингил, дардкаш қайинсингил* сифатидаги соғинчли армонлар, ўз яқинини, жигарини йўқотиш изтироби бадиий бўёқларда тасвирланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воробьев В.В., Саяхова Л.Г. Русский язык в диалоге культур: учебное пособие. Элективный курс для 10- 11 классов школ гуманитарного профиля. Москва: Ладомир, 2006.
2. Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. 1-жилд, Тошкент, 1960.
3. Попова З.Д., Стернин И.А. Язык и национальная картина мира. Воронеж: Истоки, 2002.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати, 1-жилд, Т.: Университет, 2000.
5. Самситова Л.Х. Культурные концепты в башкирской языковой картине мира: дисс…канд.филол.наук. Уфа, 2014.
6. Ҳожиева О. Назокат. Шеърлар, достон, қасида, бадиалар, ўйлар. Т.: Шарқ, 2007.

АМЕРИКАЛИК ШОИР ИЖОДИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ

Адҳамбек Алимбеков
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори

Аннотация. Мақолада Соҳибқирон Амир Темур ҳақида Ғарб адабиётида, Америка адабиётида ёзилган асарлар ҳақида сўз юритилади. Машҳур олмон шоири В. Гёте, Америкалик шоир Эдгар Алан По ижодида Амир Темур образининг яратилиши борасида мулоҳазалар билдирилади. Эдган Алан Понинг “Темурбек” достони таҳлил қилинади. Достоннинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан фикр билдириларди.

Калит сўзлар: Темурбек, Гёте, Эдгар По, девон, достон, Марсель Брион, Тузукот, Клавихо, “Ғарбу Шарқ девони”, Зулайҳо, Ҳофиз Шерозий, Самарқанд, Бухоро, ҳижрат.

Аннотация. Мақалада Сахибгирон Әмір Темур туралы Батыс әдебиеті мен Америка әдебиетінде жазылған шығармалар туралы айтылады. Атақты неміс

ақыны В. Гете, америкалық ақын Эдгар Аллан По Әмір Темір бейнесін жасау туралы пікір айтады. Эдгар Поның «Темірбек» дастаны талданады. Эпостың қайталанбас тұстары туралы ой-пікірлер айтылды.

Кілт сөздер: Темурбек, Гете, Эдгар По, девон, эпос, Марсель Брион, Тузукот, Клавихо, «Гарбу Шарқ девоны», Зулайхо, Хафиз Шерози, Самарқанд, Бұхара, эмиграция.

Жаҳон тарихида теран из қолдирган сиймолар тақдирига қизиқиш ҳамиша кучли бўлган. Улар яшаган давр ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, улуғларнинг ҳаёт тарзи қандай кечганлигини билиш мароқлидир. Шу боис йирик тарихий шахслар тўғрисида кўплаб илмий, бадиий асарлар яратилади. Бу жараён бир миллат вакили томонидан эмас, инсоният тамаддуни билан қизиққан ҳар бир ижодкор томонидан амалга оширилиши мумкин. Соҳибқирон Амир Темур ана шундай бутун дунё тарихида ўзига хос ўрни бўлган, жаҳон олимларини, шоиру ёзувчиларини мафтун қилган сиймолардан эди.

Ғарбда буюк Амир Темур ҳақида ҳаётлигидаёқ китоблар ёзила бошлагани маълум. Ғарбликлардан Йоханн Шильбергернинг “Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳат” ,Султония архиепископи Иоаннинг “Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар”, Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалики”(1403-1406), монах Фома Мецопнинг “Амир Темур ва Шоҳрух Мирзонинг Марказий Осиёдаги юришлари” биринчи тарихий китоблардан бўлса, ундан сўнг кўплаб ғарблик олимлар, ёзувчи, шоирлар Амир Темур ҳақида илмий, бадиий асарлар яратдилар. Кристофор Марлонинг (1564-1592) “Буюк Темур”, Никколло Макиавеллининг “Ҳукмдор”, Поджо Братчолининг “Омаднинг беқарорлиги”, Жан Магноннинг (вафоти 1662) “Буюк Темур ёки Боязид вафоти” драмаси, Вильям Поппл (1701-1764) 1720 йили ёзган “Саҳоватли Темур” трагедияси, Маттхеу Грегори Леус (1775-1818) “Темур” романтик драмаси Ғарб адабиётида Амир Темурнинг бадиий сиймоси яратилган илк асарлардандир. Александро Скарлетти (1660-1725), Никкоро Порпора (1685-1762), Фридрих Гендель (1865-1759), А. Вивалди (1676-1741), Мария Саччини (1734-1786) каби итальян, олмон, фаранг композиторлари эса буюк Темур ҳақида мусиқий асарлар яратдилар. Тадқиқотчи Р.Турсунова Ғарб композиторлари томонидан Амир Темурга бағишлаб 60 ортиқ мусиқий асарлар ёзилганлигини айтади. Вольтер, Х.Хуккэм, Г.Вамбери, Амир Темур ҳақида кўплаб илмий ишлар ёзган франциялик Л. Каренларнинг ёзганлари бу жараённинг узвийлигига яна бир далилдир. Бунингдек асарлар ёзилишида, аввало Амир Темурнинг ўзи ёзган “Тузукот” ҳамда “Малзумот” (“Хотиралар”) китоблари (қаранг: М. Холбеков. Ғарбда ҳайрат уйғотган сиймо. “Тафаккур” 2008.№4), у ҳақда ёзилган тарихий асарлар асос бўлган. Уларнинг фикрлари қандай бўлганлигини билиш учун айрим шарқшунос олимлар фикрига қулоқ тутайлик. Франциялик Марсель Брион “Амир Темур” рисоласида Амир Темур шахсини улуғлаб шундай ёзади: “Темурдан олдин ўтган бирорта ҳам мўғул ёки турк фотиҳи у каби доно ва маданиятли бўлган эмас. Атилла ва Александр Македонскийда алоҳида –алоҳида мавжуд бўлган қарама –қарши хислатлар Темур шахсида ғалати бир уйғунлик ҳосил қилганини кўриб ҳайратга тушади, киши” (Марсель Брион. Амир Темур. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа

ижодий уйи. Тошкент-2018.6-7 бетлар). Ёки ўша давр санъати гуллаб яшнаганлиги ҳақидаги яна бир шарқшунос Альбер Шандорнинг сўзларига эътибор қилайлик: “Темурийлар мактабининг қўлёзмалар безакчиларига Соҳибқирон ва унинг авлодлари томонидан кўрсатилган ёрдамга башарият тарихида барча буюк ҳукмдорлар ҳавас қилса арзийди. Тасвирий санъатда ягнилик яратдик деб жар солган импрессионистларимиз, агар қизиқишганида, ўз санъатининг айрим жиҳатлари рангларининг чексиз жилоси ва гаммаларининг соддалигига қарамай, ўзлари ифодалаётган саҳналарга ўзига хос ҳаётийлик бағишлаган темурийлар қўлёзмаларидаги безакларда топиши мумкин эди” (Марсель Брион. Амир Темур. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. Тошкент-2018. 220-бет). Бундай иқтибосларни ғарблик олимларнинг илмий ишларидан кўплаб келтириш мумкин. Мана шундай маданиятли ҳукмдор ҳақида бадиий асар ёзишнинг энг муҳим жиҳати, уни ўзга ҳукмдорларга аниқроқ қилиб айтсак Европа қиролларига ўргак қилиб кўрсатишдир. Амир Темур образининг Ғарб адабиётида яратилиши Ғарбга ҳукмдор сиймоси қандай бўлишлигини кўрсатиш учун ҳам керак эди.

Ғарбда Амир Темур хусусида ёзиш ҳозирда давом этмоқда ва этажак. Ғарбу шарқда Амир Темур тўғрисида ёзилган китоблар юзлаб эмас минглабдир. Ёзилган китоблар сонини аниқ айтишда мушкул. Бу ҳақда халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Алининг мақола, эсселарида, профессор Муҳамаджон Холбеков, доцент Камола Бобожонова каби олимларнинг илмий татқиқодларида сўз юритилган. Ғарб адабиётига шарқ оҳангларини олиб кириб, шарқ билан кенгроқ таништирган шоирлардан бири машҳур олмон ижодкори Й. В. Гётедир (1749-1832). Й.В. Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” 1814-1820 йиллар ёзилган. Биринчи нашри 1820 йили, иккинчи қайта тўлдирилгани 1827 йилда чоп этилган. Ҳ. Ҳейне бу асарни Ғарбнинг Шарққа саломи дея баҳоласа, И. Брагинский Шарқу Ғарбни уйғунлаштирган асар деганди. “Ғарбу Шарқ девони”нинг “Ҳижрат” шеъри билан бошланишида шоирнинг руҳан Шарққа кўчишига ишорадек. Девон 12 бобдан, аниқроғи муаллиф айтганидек 12 китобдан иборат. “Ғарбу Шарқ девони “ни олмон тилидан Садриддин Салимов ўзбекчалаштириб, айрим бобларини “Жаҳон адабиёти” журналининг 1998 йилги 7,8 сонларида эълон қилган. Кейинроқ “Девон” ўзбек тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. “Девон”нинг еттинчи китоби- “ Темур китоби. Темурнома” деб номланган. Бобда иккита шеър бор: “Аёз ва Темур”(“Мороз и Темур”) ва “Зулайхо”. Олтинчи бобда ҳам Темур тилидан айтилган тўртлик борким бу айниқса характерли.

Темур сўзи:
Кибру ҳаво хуружими бу?
Ёлғонга банд сиз аҳли тақво!
Билмайсиз, курт бўлардим, ёху!
Яратса гар курт этиб Аллоҳ!

Бизнингча, “Темурнома” ноъмаллум сабабларга кўра тугалланмай қолган. Охирига етказилганида боб бу даражада қисқа бўлмасди. Фикримизни К. Бобожонованинг ушбу сўзларида қўллайди: “Шу нарса муҳимки, Гёте тузган кўрсаткичда “Ўзбеклар” деган банд бор, бундан ташқари Хоразм, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари тилга олинган. “Девон”нинг еттинчи боби “Темурнома” деб

аталади. У икки кун-1814 йилнинг 11 ва12 декабри ичида ёзилган... “Темурнома” битмай қолган “ (“Жаҳон адабиёти” 2005.178-бет). Бу фикр шарқшунос Дицнинг Гётега юборган материаллари “Девон”га кирмай қолганига асосланиб айтилган. Гётешунослар шоир “Ғарбу Шарқ девони”ни ёзгунча, жуда кўплаб адабиётларни ўрганганини айтадилар. Қуръони Каримни олмонча таржимасини ўқиган шоир йигирма уч ёшидаёқ “Муҳаммад қўшиғи”ни ёзгани маълум.1809-1818 йилларда олти жилдли “Шарқ хазиналари” тадқиқотларини нашр эттирган, шарқшунос Жозеф Фрейҳер вон Ҳаммер- Пургстал ва Ф. Дицларнинг илмий ишларини чуқур ўрганади. Форс, ҳинд адабиёти вакилларининг асарларини ўқийди. Шарқни ўз кўзи билан кўриш мақсадида Мисрга, Фаластинга саёҳат қилади, араб тилини ўрганади. Гётенинг қўлёзмалари орасида “Бисмиллаҳир – роҳманир – роҳийм”, “Аллоҳ”, “Муҳаммад” сўзлари, “Ан-нос” сурасининг матни борлиги бунинг яна бир исботи. Шоирнинг бу изланишлари бесамар кетмади албатта. “Ғарбу Шарқ девони”даги Самарқанд, Бухорога оид сатрлар бунга мисол:

Темур ҳукми, салтанати
Сенга аслида жоиз.
Лаъл Бадахшон мамлакати
Берсин – феруза денгиз

Ширин – шакар, қуруқ мева
Серқуёш ул Бухоро,
Самарқанд – чи, дафтар тўла
Қўшиқ тортиқ қилсин то.

Ёки:

Самарқанд, Балх, Бухорони
Сенинг ҳусн- жамолингга,
Инъом этмоқ, ё этмаслик
Келмабди хаёлимга.

Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий учрашгандаги суҳбатни эсга соладиган сатрлар. Ҳофиз ҳаёти, ижодини яхши ўрганган Гёте бу воқеа ҳақида хабардор бўлгани мантиқан ҳақиқатга яқинроқ келади. Не-не жаҳонгир ҳукмдорларни кўрган Шарқ тарихидан Гётенинг Амир Темур сиймосига мурожаат қилиши биз учун фахрдир. Инсоният маънавияти камолини орзу қилган И. В. Гёте бу силсилада Шарқ асосий ҳалқа эканлигини тушуниб етган ва Шарққа эҳтиромла муносабатда бўлган. Улуғ шоирнинг:

Нодон ҳар ҳодисани ўзича шарҳлашга шай,
Ҳар ҳодиса сабабини билгум деган авом-да
Аллоҳга итоат булса ислом деган сўз,
Исломда яшаб барча, улажакмиз исломда

сатрлари фикримизга яна бир далил. Шақрни шунчалар яхши билган шоирнинг Амир Темур ҳақида мисралар битиши Амир Темур буюклигининг яна бир жаҳоний эътирофидир.

Амир Темур тўғрисида достон ёзган жаҳон адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири Эдгар Алан По (1809-1849). Бу ижодкор ўзбек китобхонларига ҳикоялари орқали яхши таниш. Ёшлигиданоқ Шарқ маданияти, адабиётига қизиққан Эдгар Понинг машҳур инглиз шоири Жорж Байрон ижоди

таъсирида бу қизиқувчанлиги янада ортади. Шунинг натижасидами, ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган бўлажак адибнинг илк асарларидаёқ шарқона мавзу устивор эди. Бу давр шеъриятида Амир Темурга бағишланган асарларнинг бўлиши биз учун айниқса аҳамиятлидир. 1827 йили нашр қилинган, биринчи шеърий тўплами “Темурбек” ва бошқа шеърлар” ,1829 йилда чоп этилган иккинчи китоби “Темурбек “ , “Ал-Ароф” ва кичик шеърлар” дея номланиши ҳам бежиз эмас. “Темурбек” достони ўзбек тилига икки маротаба таржима қилинган. Миразиз Аъзам рус тилидан ўгириб, “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилган бўлса, иккинчиси Фахриёр бевосита инглиз тилидан таржима қилиб, сўзбоши билан “Жаннатмакон” (2008№4) журналида, сўнг яна қайта ишлаб “Талабалар дунёси” (2009й.№1) журналларида нашр эттирди. (Эдган По асарларидан таржималар 2019 йили алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди). Биринчи варианти 403, иккинчи варианти 243 мисра бўлган “Темурбек” достонида аниқ, изчил сюжет чизиғи йўқ.. Асосан, саккиздан ўн олти мисрагача бўлган шеърий бандларда, шоирнинг дунёқараши, ички кечинмалари ёрқин ифодаланган. Достон шоирнинг севгилиси Элмира Ройстерга бағишлангани учун ҳам Эдгар По нозик туйғулар ифодасига ҳам урғу берган бўлиши мумкин. Аммо достонда умумий ҳажмга нисбатан ихчамроқ бўлса-да (12 мисра), Самарқанд шаҳри ва Амир Темур ҳақидаги фикрлар ниҳоятда характерли. Достоннинг оҳанги, руҳий ҳолат, ифода майинлигида Эдгар Понинг Шарқ адабиётидан яхши хабардорлиги сезилиб турибди. Шарқона ташбеҳ, муболағалар билан зийнатланган мисраларда шоирнинг шарққа бўлган меҳри бўй кўрсатиб тургандек:

Замин маликаси, дилбар Самарқанд
Жаҳон тақдирига эгалик қилар.
Барча шаҳарлардан мағрур ва баланд,
Шуҳратда у билан беллаша олар,
Айтинг, қайси шаҳар, айтинг,
қайси кент?
На унинг тенги бор ва на бор мисли,
Унинг оддий тоши дунёдаги энг
Зўр тахт учун бўлар шоҳсупа асли.

Шаҳарнинг гўзал маликага қиёсланиши, жаҳон тақдирига эгалик қилиб, мағрур ва баланд бўлиши жозибали ифодалангани, шоир маҳоратидан, юртимиз шаҳрига ғойибона мафтунлигидан далолат. Эдгар По Самарқандни дунёда тенги йўқ шаҳар сифатида тасвирлайди ва Самарқанднинг бундай бўлишида Амир Темурнинг бунёдкорлик фазилати сабабчилигига ишора қилади. “Унинг оддий тоши дунёдаги энг зўр тахт учун бўлар шоҳсупа асли “ мисралари Эдгар По Самарқанд шаҳрини Шарқ шоирлариданда кам бўлмаган даражада меҳр билан, нафис таърифлаганига далилдир. Шаҳар таърифи хўп келтирилгандан сўнг, “унинг ҳукмдори ким?” – деган савол қўяди шоир ва шундай жавоб қилади:

Шаҳар ҳукмдори ким, деб сўрасангиз,
Жавобим- Темурдир, ҳайрон лак нафар
Омма кўз ўнгида турар, кўрсангиз,
Яксон салтанатлар узра музаффар!

Мана шу сатрлардан ҳам кўринадики Эдгар По тарихий манбалардан Самарқанд ва унинг ҳукмдори Амир Темурга оид материалларни яхши

ўзлаштирган. Бўлмаса бу тарзда гўзал, таъсирли таърифлай олмасди. Яна бир Америкалик шоир Ҳерви Аллен (1889-1949) Эдгар По ижодида бу достоннинг аҳамиятига айрича урғу бериб: “Темурбек” бошқа шеърларидан айтилмоқчи бўлган фикрнинг дадилгини билан ажралиб туради” дея ёзганида ҳақ эди. Машҳур адибнинг айнан Амир Темурга бағишланган асар ёзиши, жаҳон адабиёти намояндаларининг Амир Темур шахсига доимо қизиққанлигининг яна бир мисолидир. Амир Темур сиймосини бадиий акс эттириш кўпчилик ижодкорларга давр ҳақида, ҳукмдорлар ҳақида кўнгилдаги гапларни айтиш имконини берган. Ҳақиқий ижодкор бирор тарихий шахс тимсолига бекорга мурожаат қилмайди. Амир Темурдаги бунёдкорлик иқтидори, адолат учун курашиш, мазлумларни золимлар зулмидан халос қилиш, ҳар бир ишни маслаҳат билан, иложи бўлмасагина қиличга суяниш, кечиримлилик – умуман одамийлик ҳисси романтик шоир бўлган Эдгар Пони ўзига мафтун қилган бўлса ажаб эмас.

И.В. Гёте ва Эдгар Алан По ижодида Амир Темур сиймоси ҳақида сўз юритилиши жаҳон адабиётида бу мавзуда яратилган асарлардан айримлари, яъни уммондан томчидир. Сохибқирон образини дунё адабиётида, санъатида ёритилишини мунтазам кузатиб, ўрганиб бориш бизнинг бурчимиздир.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИК ТАВСИФИ

Юсупова Шоҳидахон Жалолиддиновна
Андижон давлат педагогика институти
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори
Тел: 998- 90- 210-40-77

Аннотация. Мазкур мақолада шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз халқига, фарзандларига қилган панду насиҳатлари ҳамда аёлларга бўлган илиқ муносабати ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, инсонни кадрлаш, унинг манфаатлари учун курашиш борасидаги хизматлари Бобур фаолиятининг асосини ташкил қилиши бўйича фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Мирзо Бобур, ибрат, маънавият, аёл, панд-насиҳат, подшоҳ...

Аннотация. Бұл мақалада патша әрі ақын Захириддин Мұхаммед Бабырдың өз халқына, балаларына айтқан өсиеттері, әйелдерге деген ыстық ықыласы туралы мәселелер қарастырылады. Сонымен қатар, Бабырдың адам дамуы мен оның мүдделері үшін күрес саласындағы еңбектері негізінде ой-пікірлер айтылған.

Түйін сөздер: Мырза Бабыр, үлгі, руханият, әйел, кеңес, патша...

Аннотация. В данной статье рассматриваются наставления царя и поэта Захириддина Мухаммада Бабура своему народу и своим детям, а также его теплое отношение к женщинам. Кроме того, высказываются мнения на основе

работ Бабура в области развития человека и борьбы для его интересов.

Ключевые слова: Мирза Бабур, пример, духовность, женщина, наставление, царь...

Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишнинг янги босқичига – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда инсон манфаатлари муқаддас саналган бир пайтда буюк шоҳ, тенгсиз шоир ҳақида ўйлар эканмиз, қуйидагилар ёдингга тушади: ўзини англаган киши учун бу олам мўъжиза ва ибратлардан иборат. Жумладан, Мирзо Бобурнинг одамларга бўлган муҳаббати – ибрат, унинг фарзандлари билан бўлган мулоқотлари, шунингдек, ота-оналари ўртасидаги ришталари – ибрат, унинг ўз юрти, жонажон гўшасига садоқати – ибрат, айниқса, унинг халқига, аёлларга бўлган эътиқоди-ю муҳаббати, инсон манфаатлари йўлида қилган фидойиликлари биз учун алоҳида ибрат мактабидир…

Инсонни кадрлаш, унинг манфаатлари учун курашиш Бобур фаолиятининг асосини ташкил этади. Халқ дарди билан яшаган Бобур ҳамиша халқ билан бамаслаҳат иш кўрар ва улар билан дилдан сўзлашар эди. Жумладан, бобомиз Мирзо Бобур ҳам иложсиз қолган вақтларида халққа мурожаат қилиб, қуйидагиларни айтган эди: …Ҳеч кимдан мардона сўз далирона раъй эшитилмас эди… Охир элнинг мундоқ бедилликларини сўруб ва бу навъ сустлукларини кўруб, бир тадбир хотиримга етти. Жамиъ бекларни ва йигитларни чорлаб дедимким: "Беклар ва йигитлар!

Ҳарки омад ба жаҳон аҳли фано хоҳад буд.
Онки поядаву боқист, Худо хоҳад буд.

Мазмуни: ҳар кимса бу жаҳонга келаркан, охирда йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлгиз Худодир.

Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё гамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ:

Ба номи некў гар бимирам равост,
Маро ном боядки, тан маргрост.

Тенгри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қариб айлабтур. Ўзган – шаҳид,ўлтурган ғози. Барча Тенгрининг каломи оти ила онт ичмак керакким, ҳеч ким бу қитолдин юз ёндурур хаёл қилмагай, то бадандин жони айриммағунча, бу муҳораба ва муқоталадин айрилмағай." Шундан сўнг бек ва навкарлар улуқ кичик борча рағбат била Мусҳафни иликка олиб, ушбу мазмун била аҳд ва шарт қилдилар(ФАРМОНИ Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисмидан).

Мирзо Бобур халқ билан мулоқотдан сўнг шундай деган эди:

Худога шукрки, туғилгандан то шу дамгача хайрихоҳ хотир ва тўғрилик истар кўнгилнинг асл матлаби ва туб мақсади бўлиб келган у буюк саодат ва у улуғ бахшиш бу муборак кунларда буюк Тангрининг лутф-карам боргоҳидан юз кўрсатиб қолди… Бу саодат ва давлатнинг содир ва зоҳир бўлиши шундай юзага

келди: ислом таянчи бўлган аскарларимиз қиличларининг шуъласи фатҳ ва зафар нурлари билан ҳинд мамлакатларини мунаввар қилгандан кейин, илгариги "Фатҳнома"ларда баён қилинганидек, муваффақият қўллари ғалаба нишонли байроқларимизни Деҳли, Агра, Жўнпур, Харийд Биҳар ва бошқа ўлкаларда кўтарди. Халқларимизнинг кўпчилик мусулмон кофир тоифалари бизнинг қутлуғ подшоҳлигимизга бўйсуниб, қуллик йўлига садоқат ва ихлос қадамини қўйдилар.

Кўриниб турибдики, ушбу сўз замирида инсон қалбига яқинлашиш,дарду ҳасратларини тинглаш, муаммоларни ҳал қилишда унга кўмак бериш, бу кўмак асносида юртдошларимизнинг фаровон яшашлари учун, аждодлармиз меросидан фойдаланиш кабилар жамулжам бўлган.

Бобур мирзонинг маънавияти унинг подшоҳлигида ёки бойлигида эмас, унинг гўзал оламини фарзандларига бўлган меҳрида, аёлларга бўлган муносабатида ҳам яққол кўриш мумкин.

… Муҳаммад Ҳумоюнни кемага солиб Деҳлига келтурдилар.Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Фарзандининг ҳоли тобора оғирлашаётганини кўриб, Бобур унга ўз жонини бахшида этди. Бош вазир ва унинг садоқатлари мулозимлари бу журъатдан даҳшатга тушиб ёқа ушлайдилар: Бобур Ҳумоюн учун ўз жонини қурбонликка атади!!!

Аркони давлат ва яқинлари подшоҳни бу фикрдан қайтишини ўтиниб сўрадилар. Улар муттасил дуо ўқиб, Аллоҳнинг номини айтиб бетўхтов илтижо қилишга, Худо йўлига Бобурнинг хазинасидаги Кўҳинур номли дунёдаги энг қимматбаҳо йирик олмосни садақа қилишни таклиф этадилар. Менинг кўнглимга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин. Худой қабул қилсин. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазиға нечук бўлғай, менинг анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкил бўлибтур. Ва андин ўтибтурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургаймен. Ушал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедиким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ушал замон мен оғир бўлдум. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлиб йиқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чарлаб,байъат кўлларини Ҳумоюнни қўлига бериб, жойнишинлиғиға ва валиаҳдлиғиға насб қилдим. Ва тахтни анга топшурдим.

Бобурнинг ҳоли кундан-кунга оғирлашиб, муборак чеҳраси тундлашиб борарди. Шундангсўнг барча яқинларини чақириб: "Сизларга айтадиган васиятим шуки, барчангиз Ҳумоюн мирзони менинг валиаҳдим деб билингиз. Унга садоқат билан хизмат қилингиз. У билан бир тан, бир жон бўлингиз. Яратгандан умидим борки, Ҳумоюн мирзо ҳам ўз кишиларига нисбатан яхши муомалада бўлади. Яна, Ҳумоюн укаларингни, ҳамма қариндош-уруғларни, барча яқинларимни сенга, сени эса Худога топширдим. Худо барчангизни паноҳида асрасин" дедилар.

Отанинг фарзандига муҳаббати, унинг панд-насиҳатлари, ҳаттоки, ўлими олдидан ҳам яхшиликка чорлаш каби буюк хусусиятлар халқимиз хос бўлган гўзал фазилатлардандир. Бобур ўзига хос сифатларга эга эдики, бундай сифатлардан фақат ўрнак олмоқ жоиздир; у кишиларга меҳр-муҳаббатли,

ҳимматли, ўз яшаган жойларига муҳаббат қўя оладиган ва ана шу жойда тўкин-сочинлик қила оладиган, ўз қўл остидагиларнинг кўнглини оладиган, уларга адолатли эди.

Ва маҳолдуркум, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан битиган билан тугангай. Лекин мужаммал буким, секкиз сифати асил анинг зотига муттассил эди. Бириси буким нажҳати баланд эди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эди; учимчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ, бешумчиси, маъмурлиғ; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри таолло бандаларига; еттимчиси, черики кўнглини кўлғи олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмок.(267-б.) Беназир фазилатларга эга бўлган Бобур тенгсиз қалб эгаси эканлиги аёлларга бўлган муносабатида ҳам кўринади:

Заҳириддин Муҳаммад Бобур аёлларга, қариндош-уруғларига меҳри баланд. У қариндошларига, хусусан,аёлларга жуда яхши муносабатда бўлар эди. Жумладан,"Шанба куни, сафар ойининг йигирма секкизида Фахрижаҳонбегим ва Хадичасултонбегим – амма бегимлар келдилар. Кема била бориб, Секандароборддин юқорроқ мулозамат қилдим"деб, уларнинг ҳурматини жойига қўйганини, узоқларга бориб уларни ўзи кутиб олганлигини айтади(233б.). Ёки душмани Ғозихон оиласига ҳиёнати ҳақида гапириб, шундай дейди: Ғозихонни кўргонда тасаввур қилур эдук, ул беҳамият номард ота, оға, инисини ва она-эгачи-синглини Милватга ташлаб, маъдуде била тоғ сари қочибтур.

Мабин он беҳамиятро ки ҳаргиз
Нахоҳад дид рўи некбахтий.
Тан осони гузинад хешанро,
Зану фарзанд бигузорад ба сахтий.

(Ундай беҳамиятни кўрма, у ҳеч качон хушбахтлик юзини кўрмайди. У ўз гавдасини қўтқариб, хотин, бола-чақасини ёмон ҳолда қолдиради). Ёки “Бобурнома”да бир қатор аёлларга тавсиф берилган: Қоракўзбеегим, Чўлибегим, Қутуқбегим, Қарлуғоч, Қароча, Оқбегим, Опоқбегим, Кичикбегим, Хонзодабегим, шаҳзода, Гулбаданбегим, Маъсума, Беги Султон оғача, Зуҳрабегим, Хадичабегим каби. Аёлларни тасвирлар экан, уларнинг инсоний фазилатларини меҳр билан васф этган. “Бобурнома”да Бобурнинг ҳатто ҳарбий юришларда ҳам онасини эъзозлагани, асраб- авайлагани маълум; Менинг чодирим волидамга тикилур эди. Менга ҳар юртга олачуқ ясар эдилар, олачуқда ўлтирур эдим (177).

Айниқса, унинг фарзандларига йўллаган мактубларида ҳам улуғ бир ҳикматни (Муҳаммад Ҳумоюнга мактублар) кўришимиз мумкин: *Алҳамдулиллоҳ! Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат.Субҳонолло таоло ҳаққи сенга буюрилдики,ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақланки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоги ва виоят аҳли подшоҳга яхши назар иблан боғланади. Подшоҳ фармонига бўйсунган халқни хароб қилмагин. Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ раиятдан,раият шоҳдан хотиржам бўлади. Исломнинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдир, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади. Ҳазрат Соҳибқирон Амир*

Тумурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади. Шоиримиз ўзи айтмоқчидай фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким, қайси шаҳар ёки қишлоққа бормасин, у ердаги боғу роғларни, унинг табиатини ўрганар, ҳаттоки, у ердаги китоблари билан ҳам танишиб чиқар эди. Жумладан, "икки кеча ўшул баландийда кўнуб, душунба куни қўрғонға кириб сайр қилиб, Ғозихоннинг китобхонасиға кирдим. Бир неча нафис китоблар чиқти, бир нечасини Ҳумоюнға бериб, бир нечасини Комронға йибордим. Муллоёна китоблар худ бисёр эди. Вале онча нафис китобларким, кўз тутулур эди. Онча чикмади, Кечаси анда кўнуб, тонгласи ўрдуға келдим".

Бундай фазилатларни ҳозирда ҳам ўрганишимиз, уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишимиз мақсадга мувофикдир. Хулоса қилиб айтганда, Бобурнинг гўзал фазилатлари биз учун ибрат мактаби бўла олади. Унинг кенг ўрганишимиз, ўргатишимиз бугуннинг долзарб вазифаларига айланмоги зарур.

Зеро, ҳар бир кишининг маънавияти унинг сўзида, халқига бўлган, аёлларга бўлган муносабатида яққол намоён бўлади. Биринчи Президентимизнинг таъкидлаганидек: "Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат, деган бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган сўзларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин. Бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо. Шуни айтиш керакки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши,маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир". Бу буюк қадриятларни эъзозлашимиз, авайлашимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Захириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" -Т.: Шарк, 2002
2. Бобирнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев. ва 2- қисмлар- Т.: Ўзбекистон Давлат нашриёти 1948-1949.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008 йил.
4.Румер Годен "Гулбадан". -Т.: Шарқ, 2007.

KIPÇAK GRUBU TÜRK LEHÇELERİNDE DİŞ ARASI ÜNSÜZLERİ*

Arş. Gör. Dr. Veysel İbrahim KARACA
Fırat Üniversitesi, İnsanî ve Sosyal Bilimler Fakültesi, Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Bölümü. Elazığ/TÜRKİYE
el-mek: vikaraca@gmail.com

Özet. Bir dilin yazılı ilk metinlerinden itibaren takip edilebilen ses değişimlerinin incelenmesi o dilin belirli seslere tutumunun belirlenmesi ve lehçeleşme temayülünün ortaya konması açısından oldukça önemlidir.

* Bu çalışma yazarın "Çağdaş Türk Lehçelerinde Ünsüzler" adlı doktora tezinden üretilmiştir.

Söz konusu çalışma diş arası ünsüzleri olan /s/ ve /z/ seslerinin Kıpçak grubu Türk lehçelerindeki durumunun Eski Türkçe dönemiyle karşılaştırmalı olarak incelenmesi üzerine kurulmuştur. Eski Türkçe döneminde söz konusu sesleri bünyesinde bulunduran sözcükler belirlenerek bu seslerin söz başında, söz içinde ve söz sonundaki durumları eş zamanlı ve karşılaştırmalı bir yöntemle incelenmiştir. Çalışmada ulaşılan sonuçlar "Sonuç" bölümünde maddeler hâlinde belirtilerek söz konusu seslerin durumu tablolar ile şematik olarak gösterilmiştir.

Anahtar Sözcükler: Kıpçak Grubu Türk Lehçeleri, Ünsüzler, Diş Arası Ünsüzleri, Ses Değişmeleri

Abstract. Examining the sound changes that can be followed from the first written texts of a language is very important in terms of determining the attitude of that language to certain sounds and revealing the dialectization tendency.

The aforementioned study is based on the comparative analysis of the situation of the interdental consonants /s/ and /z/ in the Turkish dialects of the Kipchak group with the Old Turkish period. In the Old Turkish period, the words containing the sounds in question were determined and the situations of these sounds at the beginning, in the word and at the end of the word were examined with a simultaneous and comparative method. The results reached in the study were stated in the "Conclusion" section and the status of the sounds in question was shown schematically with tables.

Key Words: Kipchak Group Turkish Dialects, Consonants, Interdental Consonants, Sound Changes

1. Diş Arası Ünsüzleri

Ciğerden gelen havanın dişler arasından sızması sonucu boğumlanan seslere diş arası ünsüzleri denir. Türkçede /s/ ve /z/ sesleri diş arası ünsüzleri olarak tanımlanmaktadır.

1. 1. /s/: Ötümsüz, sızıcı ve sürekli bir diş ünsüzüdür. Bu ünsüz Türkçenin birincil seslerindendir. Ön, iç ve son seste korunmakta ya da çeşitli ses değişiklerine uğramaktadır.

1. 1. 1. Kıpçak Grubu Türk Lehçelerinde

1. 1. 1. 1. Ön Seste: /s/ ünsüzü söz başında Başkurt Türkçesi dışındaki Kıpçak grubu Türk lehçelerinde genel olarak korunmuş, düzensiz bir şekilde de süreksizleşerek /ç-/ sesine dönüşmüş, ayrıca /ş-/ sesine gelişmiştir. Başkurt Türkçesinde ise sistematik bir şekilde ötümlüleşerek /h-/ sesine dönüşmüştür. Karaağaç, bu ses olayını çok eski bir değişim olarak nitelemiş ve tarihî Türk lehçelerinde görünmediği tespitinde bulunmuştur (Karaağaç, 2013: 221). Ercilasun ise s- > h- ötümlüleşmesinin fonetik olarak pek mümkün görülmediğini ve bu değişimin peltekleşme olayı üzerinden gerçekleştiği tespitinde bulunarak diş arası seslerin boğumlanmasında daha kuvvetli bir hava akımının gerekliliğinin s- > s̲- > h- değişikliğini gerçekleştirdiğini belirtmiştir (Ercilasun, 2007: 337). Söz konusu ses değişikliği çağdaş Türk lehçeleri arasında ise yalnızca Başkurt Türkçesinde varlığını sürdürmektedir. Türkçenin uzak lehçelerinden Yakut Türkçesinde ise bu değişiklik söz başında ünsüz düşmesine kadar ilerlemektedir sen > s̲en > hen > en vb. (Ercilasun, 2007: 318). Yine Başkurt Türkçesinde söz başında /s-/ ünsüzü bulunan sınırlı sayıda sözcüğe rastlanılmaktadır. Söz konusu sözcükler incelendiğinde bu sözcüklerin hepsinin bünyesinde /ç/ sesinin bulunduğu gözlenmektedir. (ET saç- > Bşk. ses- "saçmak"; ET saç > Bşk. ses "saç"; ET çeçek > Bşk. sesek "çiçek" vb.). Sözcüklerin

bünyesindeki /ç/ ünsüzü gerileyici benzeşme olayı vasıtasıyla ön sesteki /s-/ ünsüzünü /ç-/ sesine dönüştürmekte ve yine Başkurt Türkçesinin sistematik bir özelliği olarak ön ses /ç-/ ünsüzleri süreklileşerek /s-/ ünsüzüne dönüşmektedir. Sonuç olarak Başkurt Türkçesinde sınırlı sayıda örnekte görülen ön ses /s/ ünsüzleri bir korunum olarak değerlendirilmemelidir. Bu ünsüzler birincil değil, ses olayları sonucu, gelişme yollu olarak ortaya çıkmışır (s- > ç- > s-).

1. 1. 1. 1. 1. Korunması: s- > s- : ET san < *sān Krç. Blk. san; Kkp. san; Kar. san; Kzk. san; Krg. san; Kır. Tat. san; Kmk. sanaw; Tat. san “sayı”; krş. Bşk. han (Gabain, 2000: 292; TDBUÜ: 174; Özşahin, 2017: 183; Tavkul, 2000: 328; KKTS4: 175; Çulha, 2006: 96; Koç vd., 2003: 466; Yudahin, 2011: 635; Üseinov, 2005: 214; Pekacar, 2011: 286; Öner, 2105: 397).

1. 1. 1. 1. 2. Ötümlüleşmesi: s- > h-: ET sarıġ < *sārıg Bşk. harı “sarı” ; krş. Krç. Blk. sarı; Kkp. sarı; Kar. sarı; Kzk. sarı; Krg. sarı; Kır. Tat. sarı; Kmk. sari; Nog. saruv; Tat. sarı (Gabain, 2000: 292; TDBUÜ: 174; Özşahin, 2017: 185; Tavkul, 2000: 332; KKTS4: 182; Çulha, 2006: 97; Koç vd., 2003: 470; Yudahin, 2011: 639; Üseinov, 2005: 215; Pekacar, 2011: 288; Kalmıkova vd., 1963: 289; Öner, 2015: 398).

1. 1. 1. 1. 3. Süreksizleşmesi: s- > ç-: ET saç Krç. Blk. çaç; Kmk. çaç; "saç" ; krş. Bşk. ses; Kzk. şaş; Kır. Tat. saç (Gabain, 2000: 292; Özşahin, 2017: 514; Tavkul, 2020: 139; Koç vd., 2003: 634; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 288; Pekacar, 2011: 95). **ET seç-** Kar. çeş-; "seçmek"; krş. Kzk. şeş-; Kır. Tat. seç- (Gabain 2000: 293; Çulha, 2006: 57; Koç vd., 2003: 638; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 297).

1. 1. 1. 1. 4. Sürekliler Arası Değişmesi: s- > ş-: ET saç- Kkp. şaş-; Kzk. şaş- "saçmak"; krş. Bşk. ses-; Krç. Blk. çaç-; Kar. çaç-; Krg. çaç-; Kmk. çaç-; Kır. Tat. saç- (Gabain, 2000: 292; Özşahin, 2017: 514; Tavkul, 2020: 140; Uyğur, 2019: 532; Çulha, 2006: 56; Koç. vd., 2003: 634; Yudahin, 2011: 242; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 288; Pekacar, 2011: 95). **ET saç** Kzk. şaş; Nog. şaş "saç" ; krş. Bşk. ses; Krç. Blk. çaç; Kmk. çaç; Kır. Tat. saç (Gabain, 2000: 292; Özşahin, 2017: 514; Tavkul, 2020: 139; Koç vd., 2003: 634; Güllüdağ, 1998: 344; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 288; Pekacar, 2011: 95).

1. 1. 1. 2. İç Seste: Kıpçak grubu Türk lehçelerinde iç ses /-s-/ ünsüzü Başkurt Türkçesi dışında bütün lehçelerde korunmuştur. Başkurt Türkçesinde ise ötümlüleşerek /-h-/ sesine ve peltekleşerek /-s̱-/ sesine gelişmiştir.

1. 1. 1. 2. 1. Korunması: -s- > -s-: ET ḳısġa Krç. Blk. kısha; Kkp. ḳısḳa; Kar. ḳısha; Kzk. ḳısa; Krg. ḳısḳa; Kır. Tat. ḳısḳa; Kmk. ḳısğa; Nog. ḳısḳa; Tat. ḳısḳa “kısa”; krş. Bşk. ḳıs̱ḳa (Gabain, 2000: 280; Özşahin, 2017: 356; Tavkul, 2000: 261; Uyğur, 2019: 343; Çulha, 2006: 77; Koç vd., 2003: 351; Yudahin, 2011: 462; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 197; Pekacar, 2011: 262; Kalmıkova vd., 1963: 202; Öner, 2015: 289).

1. 1. 1. 2. 2. Ötümlüleşmesi: -s- > -h-: ET borsuḳ Bşk. burhıḳ “porsuk”; krş. Krç. Blk. borsuḳ; Kkp. porsıḳ; Kzk. borsıḳ; Kır. Tat. borsuḳ; Kmk. porsuḳ; Tat. bursıḳ (DLT: 594; Özşahin, 2017: 111; Tavkul, 2000: 126; Uyğur, 2019: 470; Koç vd., 2003: 92; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 63; Clauson, 1972: 369; KTLS: 711).

1. 1. 1. 2. 3. Sürekliler Arası Değişmesi : -s- > -s̱-: ET ḳısġa Bşk. ḳıs̱ḳa “kısa”; krş. Krç. Blk. kısha; Kkp. ḳısḳa; Kar. ḳısha; Kzk. ḳısa; Krg. ḳısḳa; Kır. Tat. ḳısḳa; Kmk. ḳısğa; Nog. ḳısḳa; Tat. ḳısḳa (Gabain, 2000: 280; Özşahin, 2017: 356; Tavkul, 2000: 261; Uyğur, 2019: 343; Çulha, 2006: 77; Koç vd., 2003: 351; Yudahin, 2011:

462; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 197; Pekacar, 2011: 262; Kalmıkova vd., 1963: 202; Öner, 2015: 289).

1. 1. 1. 3. Son Seste: /-s/ ünsüzü Kıpçak grubu Türk lehçelerinde son ses durumunda Başkurt Türkçesi dışında bütün lehçelerde sistemli bir şekilde korunmuştur. Başkurt Türkçesinde ise sızıcılaşarak /-s̱/ sesine gelişmiştir.

1. 1. 1. 3. 1. Korunması: -s > -s: ET as- Krç. Blk. as-; Kkp. as-; Kzk. as-; Krg. as-; Kır. Tat. as-; Kmk. as-; Nog. as-; Tat. as- "asmak"; krş. Bşk. as̱- (DLT: 559; Özşahin, 2017: 41; Tavkul, 2000: 90; Uyğur, 2019: 30; Koç vd., 2003: 52; Yudahin, 2011: 51; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 49; Pekacar, 2011: 43; Kalmıkova vd., 1963: 50; Öner, 2015: 35).

1. 1. 1. 3. 2. Sürekliler Arası Değişmesi: -s > -s̱: ET as- Bşk. as̱- "asmak"; krş. Krç. Blk. as-; Kkp. as-; Kzk. as-; Krg. as-; Kır. Tat. as-; Kmk. as-; Nog. as-; Tat. as- (DLT: 559; Özşahin, 2017: 41; Tavkul, 2000: 90; Uyğur, 2019: 30; Koç vd., 2003: 52; Yudahin, 2011: 51; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 49; Pekacar, 2011: 43; Kalmıkova vd., 1963: 50; Öner, 2015: 35).

1. 2. /z/: Ötümlü, sızıcı ve sürekli bir diş ünsüzüdür. Türkçenin birincil seslerindendir. Türkçe sözcüklerde ön seste bulunmaz ancak iç ve son seste görülür. z sesi Türk lehçelerinin belirleyici unsurlarındandır. Türkçenin ilk şeklinin bir r/l dili olduğu söylenmektedir. Daha sonra ise bu r/l dili r/l ve z/ş olmak üzere ikiye ayrılmıştır. r/l yapısını koruyan Ana Bulgarca (tül/nar) z/ş yapısını koruyan ise Ana Türkçedir (tüş/yaz) (Tekin ve Ölmez, 1999: 16). Bu noktada z'nin bazı dönem ve lehçelerde r'ye değişmesi görülür. Örneğin Bulgarcada kız > hır, sekiz > sekir (Tekin ve Ölmez, 1999: 16; Ercilasun, 2005: 212-213).

1. 2. 1. Kıpçak Grubu Türk Lehçelerinde

1. 2. 1. 1. Ön Seste

/z/ ünsüzü söz başında Türkçe sözcüklerde birincil olarak bulunmayıp yalnızca çeşitli ses olayları vasıtasıyla gelişmeli olarak bulunmaktadır.

1. 2. 1. 2. İç Seste

Başkurt Türkçesi dışındaki bütün Kıpçak grubu Türk lehçelerinde /z/ ünsüzü söz içinde büyük bir oranda korunmuştur. Başkurt Türkçesinde ise lehçe temayülüne paralel olarak düzenli bir şekilde sızıcılaşarak peltek /-ẕ-/ ünsüzüne gelişmiştir.

1. 2. 1. 2. 1. Korunması: -z- > -z-: ET ḳazġan- *Krç. Blk. ḳazan-; Kar. ḳazan-; Kır. Tat. ḳazan-; Kmk. ḳazan-; Tat. ḳazan- "kazanmak" ; krş. Bşk. ḳaẕan- (Gabain, 2000: 279; Özşahin, 2017: 344; Tavkul, 2000: 251; Çulha, 2006: 75; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 194; Pekacar, 2011: 258; Öner, 2015: 284).*

1. 2. 1. 2. 2. Sürekliler Arası Değişmesi: -z- > -ẕ-: ET azman Bşk. aẕman "iğdiş edilmiş, azman"; krş. Krç. Blk. azman; Kzk. azban; Kır. Tat. azman; Kmk. azman; Nog. azban; Tat. azman (Gabain, 2000: 263; Özşahin, 2017: 55; Tavkul, 2000: 106; Koç vd., 2003: 28; Muzafarov ve Muzafarov, 2018: 54; Pekacar, 2011: 106; Kalmıkova vd., 1963: 28; Öner, 2015: 42).

1. 2. 1. 3. Son Seste

Annotation. Ushbu maqolada Margaret Rumer Godenning hayoti va ijodi, va uning “Gulbadan” nomli asaridagi voqealarning tasviriy vositalar orqali yoritilishi, tasviriy vositalarning tarjimada aks etish masalasi, tarjima jarayonidagi milliy-madaniy muammolarning yoritib berilishiga bagishlangan.

Kalit sozlar: “Gulbadan” asarining yozilish uslubi, qismlari, asarda qollanilgan til vositalarining ozbek tilida aks etish masalasi, tarjima muammolari, milliy-madaniy xoslik.

Аннотация. Данная статья посвящена жизни и творчеству Маргарет Румер Годен, освещению событий в ее произведении «Гульбадан» изобразительными средствами, вопросу отражения изобразительных средств в переводе, национально-культурным проблемам перевода. процесс.

Ключевые слова: стиль письма, части произведения «Гулбадан», проблема отражения используемого в произведении языка на узбекском языке, проблемы перевода, национально-культурные особенности.

Abstract. This article is devoted to the life and work of Margaret Rumer Gauden, the coverage of events in her work "Gulbadan" by visual means, the issue of reflecting visual means in translation, national and cultural problems of translationprocess.

Key words: writing style, parts of the work "Gulbadan", the issue of reflecting the language used in the work in Uzbek, translation problems, national-cultural characteristics.

INTRODUCTION

The name of the famous English writer Margaret Rumer Goden (1907 - 1998) is well known to lovers of history and literature as a poet, journalist, and author of several historical works, she has gained a reputation among the literary community of Great Britain and India. The author has published more than sixty books on various topics.

Margaret's father, Arthur Leich Goden worked for a shipping company in Calcutta in the early twentieth century. The future writer's childhood or her twelve-year youth period spent in India, a land of fascinating stories and legends. Margaret loved this country from her young age. In 1920, Godens family returned to England,

but Margaret's interest in India continued and she visited there frequently. In 1929, she founded an international dance school in Calcutta, from that moment she began to create her first works [1].

The works such as "The Chinese Enigma", "The Lady and the Ruler", "The Black Narcissus", "The River", "Two People Under the Indian Sun", "Shivas Dove", "The Black Vulture" of M.R. Goden brought the great reputation to the author and feature films were made based on most of them.

Goden's work "Gulbadan" was created in 1980, containing information about the life and activities of Begum Gulbadan Begim, the intelligent daughter of the great king and a poet Zahiriddin Muhammad Babur. The owner of rare intelligence of the Timurid princess, historian, and good information about Gulbadans father covered by Goden made an interesting scientific journalistic way.

The author described the personality of Gulbadan Begum, that she was one of the brightest representatives of the Babur dynasty, which ruled India for more than three and a half centuries, inextricably linked with the complex and complicated historical events of that time, crown-throne struggles, and endless upheavals of the human spirit reflects with its own interpretation skill.

This unique work was acquired in one of the foreign countries during the scientific expeditions of the chairman of the Babur International Foundation, enlightened scientist Zokirjon Mashrabov, and was brought to our country, and it was translated from English into Uzbek by the initiative and efforts of that person.

Another collection (a collection of *ghazals, rubai, tuyuq, kita, masnavi* and *fards* of Zahiriddin Muhammad Babur) published by the "SHARQ" publishing house. While reading it in our native language, we understood Kholida Sofieva worked very hard in translating it into Uzbek, to preserve the author's style as much as possible, and at the same time, the Uzbek reader of the work feel that she tried to make it understandable and pleasant in every way.

It should be emphasized that there are problems encountered in the process of translating the work from one language into another, which was the problem of dissimilarity of one culture with another [2].

The process of transferring cultural elements into other language through translation is a complex issue. Culture is a complex set of everyday life experiences that includes history, social system, religion, daily customs and traditions.

Social relations are also an element of culture. In some cultures, people are used to living in a large family environment, and this creates the need to address each family member in daily interactions. Each person is called by his name. Since living in large families is not so typical of Western nations, the English language is somewhat unable to describe the words expressing to appeal. In some cultures, people respectfully refer to their elders as uncle or “amma” (aunt).

When translating from English into Uzbek, there are also difficulties in this case expressing some formalities is also very complicated, for example, the word "thank you" is translated differently depending on the situation (thanking for a gift, for a service, for some reason). Clothing, jewelry, and food items also cause problems in translation. For example, it is useless to translate the taste of food or its characteristics to someone who has never heard of it.

Traditions and customs are also a part of culture. Whether it is a wedding, mourning or festival, the history behind it, its significance, and the symbolism hidden in its essence are a challenge for the translator.

Way of life and feelings change culture. White can represent purity and black can represent evil in some cultures. This means that culture consists not only of concrete things like cities, organizations, and schools, but also of abstract things like: ideas, customs, family patterns, and languages. In a word, culture means the way of life of the society. If we return to Goden's work “Gulbadan”, at the beginning of the work, the author first talks about the personality of Gulbadan Begim: “Gulbadan wisely says about himself, “this is true,” and “this is a weak servant.” In fact, she was not only an ordinary slave, but also the youngest daughter of Muhammad Babur, the founder of the Babur dynasty, King Ghazi. She was called Gulbadan, an elegant name typical of legendary heroes in fairy tales. She was a dignified person who was able to keep his “Gulbadan” even in the stormy and violent moments of his life.

Gulbadan Begum, the wise and dedicated queen of the Babur dynasty, was born in Kabul in 1522 or 1523 [3]. The author tried to connect the dates of Gulbadan Begum's birth and death with events in London. This is what the author says about her. “When the universe turned around and he (Gulbadan) was born in London, her king would be Henry VIII” or “In February 1603, in the year of the death of Queen Elizabeth I of England, at the age of eighty, Gulbadan Begim also left this mortal world due to malaria” - she says.

Based on these comparisons, we should say that Margaret Godden was a writer who studied deeply not only literature, but also history. In fact, Gulbadan Begim's name remained in the pages of history not so much as the daughter of the founder of the kingdom, but as a historical princess and a wise woman. In 1587-1590, Akbar Shah issued an edict to the princess saying, "Whatever you know about “Firdaus Makan” (Baburshah) and “Jannati Oshiyan” (Humayunshah), write in detail." In response to this, the princess wrote in her work "Humayun nama" that “I was only eight years old when my father left this mortal world in Firdaus Makan, so many events could have been forgotten in my mind. However, the decree was issued by His Highness the king. Therefore, in obedience to the decree of His Highness, I wrote down on a single piece of paper what I had seen and heard.”

The remarkable thing about this work of Gulbadan begim is that the author very accurately describes the events 20 years before his birth. For this, his father's famous valuable work "Boburnoma" may have been a source for him.

Rumer Godden strongly relies on this work "Humayun nama" in the creation of her work "Gulbadan". In the part of "Gulbadan" entitled "Era of Babur Shah", the author made beautiful thoughts about Muslim women, their children's education, and even used the saying "Muslimism is slow". Also, this part gives very interesting information about Babur's birth, his struggle for the crown, his knowledge of Persian and Turkish languages, the boundaries of his kingdom, and even Babur's harem.

While trying to fully reveal Babur's character, Godden showed how much respect Babur had for his courtiers and servants, especially the fact that he visited his relatives from Mavaraunnahr every Friday with gifts. Even the author pays special attention to this issue and cites the following story from the work "Humayun nama".

"One day, when the weather was hot, Mohimbegim said to Babur:

"The weather is extremely hot today, the begums will not be disappointed if you don't go to see them on Friday. In response to this "Hazrat Abusaid Mirza's daughters separated from their fathers and brothers and came here to me. "What will happen if I can't win them over?" Babur answered rationally.

Babur's intelligence and kindness to women will later be inherited by Humayun Mirza. She also cherishes her aunt Khanzada Begim and her sister Gulbadan Begim and other women of the Babur kingdom until the end of her life.

This is what Rumer Godden says while analyzing the life activity and personality of Humayun Mirza in "Humayun nama" part of this work. "Unfortunately, this was the case in Gulbadann's eyes. In the first days of Humayun's reign, he faced the worries of the kingdom. His work did not progress when he said yes. The main obstacles in Humayun's path were two reasons.

If it weren't for his addiction to opium, the betrayal of his brothers, he would have achieved his dreams earlier and strengthened the Baburi state. Humayun was a cheerful person by nature, incredibly simple from the outside, compassionate, trusting, and a little arrogant. According to his father's will, Humayun was very kind to his brothers and sisters and to the representatives of the Baburi family in general."

In fact, Humayun was a unique character. He followed his father's advice: "Always be kind to your brothers." Even if he betrayed his brothers several times, his father's advice would always accompany him.

In "Gulbadan begim", Margaret Rumer Godden explains the positive qualities of Humayun's personality as well as his negative aspects and the reasons for his years of wandering as follows. Humayun was a person who loved inventions by nature, but he also had a grudge against partying. He used to go hunting more than he wanted, play chess, organize elephant or camel fights, and organize regular parties.

The author, speaking about the personality of Princess Khanzada Begum mentions with interest and admiration the qualities of this princess and the fact that she prayed for the honor of her family until the end of her life. When it comes to the events of the princess's death, she narrates with strong pity, not hastily with highly praised words, but with the grace characteristic of the princess. "Khanzada begim was a kind and beautiful woman, with noble qualities, all-seeing intellectual, black eyes, wisdom, stubbornness, strong will and patience, she was able to charm the people around her, with her manners, high opinion. "She was a woman who could set an example for all princesses by being the owner of it."

It can be seen in each part that Margaret studied the history of the Baburis well, as well as the Timurid queens, Muslim traditions, the conditions of the Islamic religion, and the surahs of the Holy Qur'an. The author draws a portrait of Gulbadan Begim as a woman of faith and gives reasons for this.

The fourth part of the work is called "Akbar Shah's reign". In it, the author gives information about Akbar Shah's accession to the throne, his management policy, and his children. She notes the following about Akbar Shah's nature;

"As Akbar grew older and the kingdom became much stronger, Akbar's character became more calm, thoughtful, and hunted instead of fighting. Akbar did not forget a person who did good like his father Humayun.

Khizir Khojakhan, the husband of Gulbadan Begim, gave Akbar his horse after he was seriously wounded in one of the military campaigns.

Akbar appoints him as governor of Lahoor for his kindness and his aunt's respect. But when the rebels rise up in Lahore, he will call him to his presence."

When writing the work, the author relied not only on real events, but also on her assumptions, opinions, and even assumptions. Gulbadan Begim and Hamida Bonu are like sisters and later they lean on each other very skillfully. In the process of carefully studying the historical data, the author pays special attention to the harmony of Muslim women and daily relationships, and in some places also expresses the opinion that "Muslim women were like this". In the process of reading this work by M.R. Godden, the reader will witness that historical events are expressed simply with human experiences and feminine feelings.

Through this work, the writer shows the positive qualities of the heroes as well as the negative aspects. It can be seen that the author's main goal was not to glorify the Baburi state, but to clearly show the reader what traditions this state was built on.The main goal of the author in this wonderful work is to shed light on Gulbadan's personality, therefore the author often referred to Gulbadan Begim's work "Humayun nama". Some events were looked at from the eyes of the ladies of the palace, and therefore it shows the points where women are related to the current politics in the palace. Including; "Gulbadan Begim, as the beloved daughter of the founder of the kingdom, was honored by the king with many gifts, a large amount of allowance, and precious gems.

SUMMARY

We can proudly say that this work of M.R. Godden is a simple and concise work in terms of style and language. In it, we come across opinions written with sincerity. The author expresses her respect through her personal views and portraits of representatives of the Baburi dynasty in this work.

When everyone reads this work, they first notice the traits of Gulbadan Begim's personality. They get to know the princess's outlook and interest, and once again her respect for the Baburi dynasty increases. A sense of pride shines in the heart of every citizen of Uzbekistan who gets acquainted with the work.

References:

1.https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/rumer-goden-gulbadan-kitobidan-parcha.html
2.I.Gafurov, O.Mominov,N.QambarovTARJIMA NAZARIYASI «Tafakkur Bostoni»Toshkent — 2012
3.https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/jahon-nasri-onlayn-antologiyasi/tarjimai-hollari-kiritilmagan-adiblarning-asarlari/rumer-goden-gulbadan-parcha

МАДАНИЯТЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ: ТАРЖИМА САНЪАТИ ВА ТАЖРИБА

Рустам Шарипов,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси
доценти, филология фанлари номзоди

Аннотация. Мазкур мақолада маданиятлараро интеграцияда таржима санъатининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар. Маданий анъаналар, адабий ҳамкорлик, бадиий таржима, миллий қадрият, тажриба, поэтик тафаккур.

Аннотация. Бұл мақалада аударма өнерінің мәдениетаралық интеграциядағы қоғамның дамуындағы рөлі мен маңызы қарастырылады.

Негізгі сөздер. Мәдени дәстүр, әдеби ынтымақтастық, көркем аударма, ұлттық құндылық, тәжірибе, ақындық ойлау.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль и значение переводческого искусства в развитии общества в условиях межкультурной интеграции.

Ключевые слова. Культурные традиции, литературное сотрудничество, художественный перевод, национальная ценность, опыт, поэтическое мышление.

Мустақиллик ҳар бир халқнинг ўзига хос мустақил камолот йўли, миллий қадриятларини, маданий анъаналарини эъзозлаб, миллатлараро тотувликни, бирдамликни қадрлаб яшаш саодатидир. Ҳар бир халқ ўзининг асл миллий қиёфасини сақлаб қолган ҳолда, жаҳон тараққиётининг, илм-фани, адабиёти ва санъатининг илғор тажрибалари асосида ўз равнақининг ўзига хос тамойилларини яратади. Бу жараёнда бадиий адабиёт одамларнинг қалбига таъсир қилиш орқали жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллайди, истиқболга, миллатлараро тотувликка, бағрикенгликка даъват этувчи қудратли кучга айланади. Энг муҳими, адабиёт ва санъатда янгича маънавий – ахлоқий муҳит шаклланмоқда.

Ҳозиргиислоҳотлар даври, туб бурилишлар жараёнида сўз санъатига талаб ҳар қачонгидан ҳам юксалиб бормоқда. Учинчи Ренессанс пойдворини яратиш, миллий уйғониш жамиятнинг маънавий қиёфасида тўлиқ акс этмоқда. Энг қадим замонлардан маълумки, чинакам санъат даражасига кўтарилган бадиий асарда она тилининг софлиги, ўзига хос жозиабдорлиги, адабий меъёрлари, бадиияти сақланиши шарт. Бадиий таржимада бу тамойилларга тўлиқ амал қилинсагина, у китобхонни ҳаяжонга солади, унинг қалбини тўлқинлантиради.

Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик асрлар давомида халқимиз менталитетининг ажралмас қисми бўлиб келган. Мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ўз Ватани ва халқига, улуғ аждодлардан мерос маданий анъаналарга, бетакрор миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли ёшларни тарбиялашда таржима санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ҳар қандай миллатнинг бошқа бир миллат маданиятини ўрганишида таржима олтин кўприк вазифасини ўтайди. Шу нуқтаи назардан таржима санъати халқаро дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик манфаатларига, халқлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилиш билан бирга, одамларнинг бирбирини тушунишига кўмаклашади ва уларни маънавий-руҳий жиҳатдан яқинлаштиради У турли халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаси ва бирбирига таъсири жараёнини ҳам тезлаштиради.

Бадиий таржиманинг баркамоллиги жуда кўп жиҳатларга эга. Энг муҳими, таржимондан адабий билим, сўз танлаш ва сўз қўллаш маҳоратини талаб қилади. Академик Н.И.Конраднинг "жаҳон афкор оммаси, ўзаро низо-нифоқларга қарамасдан, маданият соҳасида ҳамма вакт бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб келишган, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эмас"[212] деган фикрлари ҳамма даврларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди.Маънавий элчи мақомига эришишга даъвогар бўлган таржимон зиммасига ниҳоятда жиддий масъулият юкланади.

Таржиманинг аниқлиги, унинг аслиятга бадиий-эстетик жиҳатдан муқобиллиги муҳим аҳамият касб этади.Бадиий таржима ижодий қайта яратиш санъати сифатида доимо тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келган. Бу жараёнда таржимоннинг тил бойлиги, нозик маъноларни илғаши, сўз қўллаш маҳорати алоҳида роль ўйнайди. Атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг куюнчаклик билан айтган мазкур сўзларида жуда чуқур фалсафий маъно бор. Телевидение орқали бир кўрсатувда дикторнинг ўзбек тилини бузиб гапираётганлигини кўриб, устоз шундай деган эди: "Раҳматлик Ғайбулла ас–Салом "Таржима тили"даги бунақа бесўнақайликлар, ўзбек тилини бузишларга сира чидай олмасди. Домла вафот этгандан кейин бунақа таржимонлар учун "Сулаймон ўлиб, девлар қутулган (ёки қутурган)" замон келди, шекилли, яна беписандлик пала– партишлилик кенг томир ёя бошлади.Мен бу ўринда ҳам ҳаммаёқни мисоллар билан тўлдириб ташламоқчи эмасман. Фақат, таржимон укаларимни огоҳ қилмоқчиманки, сўзма – сўз тўғри таржима қилинган матн ҳамма вақт ҳам ўзбек тилининг табиатига бутунлай мос келавермайди. Таржимон ўз тилининг руҳини ҳис қилибгина, тўғри таржима қилмоғи мумкин" [213]. Дарҳақиқат, азал – азалдан жаҳон маданияти силсиласида таржима санъати ижодий фаолиятнинг муҳим соҳаси, миллий адабиётларни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Таржиманинг мақсади у ёки бу тилда яратилган матнни иккинчи бир тил воситасида қайта яратишдан иборат. Бунинг учун таржимондан, биринчи навбатда, аслият матни мазмунмоҳиятини тўла-тўкис идрок этиш, уни ўгирилаётган тилда беками кўст қайта ифодалашга эришиш талаб қилинади. Зеро, "...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ"[214]. Ушбу жиҳатлар таржимани инсон маънавий хаётини бойитувчи, она тилининг бор бисотини рўёбга чиқарувчи, айни пайтда, унинг сержило бўлишини таъминловчи, китобхоннинг тафаккурини чархлаб, янги ғоялар, тушунчалар билан бойитувчи хусусиятга эга эканлигини намоён этади. Шунингдек, таржима асарлар жамиятда янгича муносабатлар, қарашлар қарор топишига хизмат қилади. Таржима туфайли миллий адабиётларга янги ғоявий йўналиш, янгича сюжет, жанр, янги

---

[212]Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: "Наука", 1972. -С.55.

[213] Шарафиддинов О. Она тилим– ифтихорим, инжа ганжинам. Танланган асарлар. Т.: «Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти , 2019. –Б.228.

[214] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент:. 2017 йил. 4 август.

образ ва бадиий тасвир воситалари кириб келади. Шу маънода, таржимани аслиятни қайта яратиш, талқин этиш санъати деб ҳам таърифлаш мумкин. Бу масалага лингвистик нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, таржимани бир тилда яратилган матнни унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаб қолган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратиш мақсад қилиб қўйилган ҳамда илмий жиҳатдан асосланган ижодий-адабий жараён сифатида таърифлаш мумкин.

Демак, таржима жараёнида аслият тили воситалари ёрдамида яратилган асар таржима тили қонуниятлари ва имкониятларига мос равишда қайта яратилади ва бунинг натижасида аслият ҳамда таржима матнларининг мазмуний-услубий муқобиллиги юзага келади. Бу эса ўз навбатида лингвомаданий қатламларнинг яқинлашувига замин яратади. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳеч бир миллий маданият бошқа маънавий-маърифий қатламлардан, шунингдек тамаддун ривожланиш жараёнларидан ажралган ҳолда юксак тараққиёт босқичига кўтарилганини кўрмаймиз. Аксинча, дунёдаги барча маданиятлар бир-бирларига у ёки бу даражада таъсир ўтказиб, ўзига хос ривожланиш йўлини бошидан ўтказиб келган. Шунинг учун турли миллатлар маданиятларида умумийлик ва хусусийлик борлигини ҳисобга олиб, таржимани халқлар ўртасидаги лингвомаданий кўприк, таржимонларни эса маданият элчилари дейишга тўла асосимиз бор.

Таржима асарлари туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан бахраманд бўлиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга, таржима тилларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштирувчи, луғат бойлигини оширадиган ва такомиллаштирадиган восита сифатида ҳам мухим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент:. 2017 йил. 4 август.
4.Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: “Наука”, 1972.
5. Жўраев Т. Таржима санъати. - Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1978.
6.Мастерство перевода. - М.: Советский писатель,1971.
7. Шарафиддинов О. Она тилим– ифтихорим, инжа ганжинам. Танланган асарлар. Т.: «Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019.

АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуллаев Комилжон Абдуғаниевич,
Наманган давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди. komiljon.abdullayev.1961@mail.ru
Каримов Обидхон Якубджанович,
Наманган давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди. k_obitjon@mail.ru

Аннотация: Мақолада адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришда фанлараро интеграциядан фойдаланишнинг ўрни ва самарали усуллари кўп йиллик амалий тажрибалар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: адабий таълим, Рауф Парфи, фанлараро интеграция, расм-слайд, ахборот коммуникацион технологиялари, ёмғир тасвири, видеолавҳа, “Жажжи тадқиқот”, бадиий лавҳалар, “Мажолис ун-нафоис”, “Сабъаи сайёр”, бадиий-тасвирий воситалар, ўхшатиш, интоқ (жонлантириш).

Аннотация: На основе многолетнего практического опыта выделены роль и эффективные методы использования междисциплинарной интеграции в развитии исследовательских способностей учеников в процессе литературного образования.

Ключевые слова: литературное образование, Рауф Парфи, межпредметная интеграция, картинка-слайд, информационно-коммуникационные технологии, образ дождя, видеокассета, «Жаджи развян», художественные картины, «Мажолис ун-нафойс», «Сабъай сайор», художественный и визуальные инструменты, сравнение, оживление.

Республикамизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусда ёшларни мусиқа, рассомлик, театр, спорт, компьютер технологиялари ва интернет, адабиёт, китобхонлик соҳасига қизиқтириш масалалари устивор йўналишлар сифатида белгилаб берилганлиги [1, 1], “2020-2025 йилларда ижод мактаблари фаолиятини такомиллаштириш концепцияси” [2,1] га кўра, ижод мактаблари ўқувчиларининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар:

ўзбек ва дунё адабиётининг энг сара 50 та асарларини ўқиши;

бир йилда камида 50 та шеър ёд олиши;

ўзбек ва дунё киномотографиясининг 100 та энг яхши намунасини томоша қилиши;

ўзбек ва дунё тасвирий санъатининг 100 та энг етук асари билан танишиши;

ўзбек ва дунё мумтоз мусиқасининг 100 та энг мукаммал асарини тинглаши зарурлигидан иборат бўлиши белгиланганлиги;

ушбу концепция талаблари ҳамда 2019-2020 ўқув йилида Давлат тест маркази имтиҳонлари саволлари таркибига: она тили ва адабиётдан мустақил ўқиш учун тавсия қилинган бадиий асарлар ва фанга оид чизмали тест топшириқлари сонини кўпайтириш устида изланишлар давом эттирилаётганлиги [6,2] ҳам фанлараро интеграцияни йўлга қўйилиши масаласи ривожлантирилишини тақозо этаётганлигининг далили, ўқувчиларнинг мустақил, ижодий ишлаш кўникмалари – тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантириш ҳозирги кун таълим тизими барча босқичларининг энг долзарб масалаларидан эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг адабиётдан ўқув дастури асосида *тузилган* режага асосан 11-синфда унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун 2 соат

вақт ажратилган [3, 80-87] бўлиб, уни қуйидагича тақсимланишини мақсадга мувофиқ:

1. Рауф Парфининг таржимаи ҳоли. Унинг ўзбек адабиёти ривожида тутган ўрни. Шеърий тўпламлари, уларнинг мавзу кўлами, бадиияти ва таржимонлик фаолияти ҳақида маълумот. “Тонг отмоқда”, “Ёмғир ёғар” шеърлари матни устида ишлаш, таҳлил қилиш – 1 соат.

2. “Ёз кечаси”, “Яна қайтиб келдим”, “Юрак” шеърлари матни устида ишлаш, таҳлил қилиш – 1 соат.

1-соатдаги дарс давомида ўқитувчи Рауф Парфининг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти, хусусан, унинг “Карвон йўли” номли биринчи шеърлар тўплами 1968 йилда нашрдан чиққанлиги, шундан сўнг “Акс-садо” (1970), “Тасвир” (1973), “Хотирот” (1975), “Кўзлар” (1977), “Қайтиш” (1978), “Сабр дарахти” (1986), “Сукунат” (1989), “Тавба” (2000), “Сўнгги видо” (2005), “Сакина” каби шеърий тўпламлари чоп қилинганлиги; уларда инсон эрки, Ватан озодлиги, Туркистон ёди, муҳаббат туйғуси каби адабий мавзулар етакчилик қилиши; барча шеърлари юксак бадиияти билан ажралиб туриши; таржимон сифатида Байроннинг “Манфред”, Нозим Ҳикматнинг “Инсон манзаралари”, Карло Каладзенинг “Денгиз хаёли”, А. Дюманинг “Уч сарбоз”, А.Твардовскийнинг “Зайтун новдаси” асарлари ва бошқа кўплаб жаҳон адабиёти намояндаларининг шеърларини ўзбек тилига ўгирганлиги ҳақидаги маълумотлар изчилликда баён этилади (Шоир ҳаёти ва ижодини изчил ифода этувчи расм-слайддан фойданиш дарс самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади).

Сўнгра “Тонг отмоқда”, “Ёмғир ёғар” шеърлари ифодали ўқилади, янгиланган педагогик тафаккур тамойиллари (шаклдан мазмунга) асосида бадиий таҳлил қилинади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштиш, мустаҳкамлаш, таҳлилни давом эттириш жараёнида Қ.Йўлдошевнинг “Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари”[4,52], М.Мирқосимованинг “Ўқувчиларда адаабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари” [5,112]услубий қўлланмасидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. (Мавзуга мос танланган фанлараро интеграция асосидаги видеолавҳалар ва қўшиқлар намойиши (“Қўшиқлар бекати” усули) дарснинг эстетик жозибасини оширишга, ўқувчиларнинг адабиёт ва санъатга бўлган иштиёқларини оширишга хизмат қилади).

Дарс якунида ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига йўналтирувчи топшириқлар уйга вазифа қилиб топширилади:

1. Ахборот-ресурс маркази ёки интернет манбаларидан Рауф Парфининг шеърий тўпламларини топиш ва табиат манзаралари тасвирланган шеърларидан намуналар ёд олиш.

2. Шоир шеърларида қўлланилган бадиий-тасвирий воситалардан намуналар кўчириш.

3. Ёмғир мавзусида яратилган асарлар рўйхатини тузиш.

4. Ёмғир тасвири билан боғлиқ расм, қўшиқ, аудио, видеолавҳаларни жамлаш.

5. Ёмғир ҳақида бадиий матн тузиш.

6. “Ўзбек адабиётида ёмғир тасвири” мавзусида жажжи тадқиқот яратиш.

Бунда тадқиқот методидан фойдаланишнинг муайян талаблари ҳисобга олиниши зарур.

2-соатдаги дарс ўқувчиларнинг тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган фанлараро интеграция асосидаги “Жажжи тадқиқот”лари билан танишишдан бошланади: шоир шеърларидан намуналар ёддан ўқилади, ижодкор шеърларида ишлатилган бадиий-тасвирий воситалар асосидаги расм-слайдлар, ижодий ишлар кўргазмаси баҳоланади; тўпланган қўшиқ, аудио, видео лавҳалардан намуналар намойиш этилади; ғолиб ўқувчининг тадқиқоти ўқиб эшиттирилади (“Жажжи тадқиқотлар” таҳлили “Ёш ижодкорлар” тўгарагининг навбатдаги машғулотида давом эттирилиши, чоп этишга тавсия этилиши, мактаб раҳбарияти томонидан тақдирланиши мумкин). Фикримизнинг исботи сифатида 3-босқич ўқувчиси Тўрабоева Санобарнинг изланишлари натижасини намуна сифатида келтирамиз:

Ўзбек адабиётида ёмғир тасвири

Севимли шоиримиз Рауф Парфининг уч тўртликдан иборат ушбу мўъжазгина шеъри таҳлилидан олган олам-олам таассуротлар мени ҳам илҳомлантириб, қўлимга қалам тутқазди.

Қисқа давр мобайнида адабиётимизда ёмғир тасвирига доир 50 тадан ортиқ манба – санъат намунаси – “молекула” ни тўпладим. Қуйида ана шу манбалар мазмуни ҳақидаги умумий фикрларимни ўртоқлашмоқчиман.

Кузатган манбаларимизда ёмғир “осмоннинг кўз ёшлари”, “биллур севинч ёши”, “дур донаси”, “ғамхўр она”, “йипор (мушк)”, “барака томчилари”, “маржон кўз ёшлар”, “олтин ёмғирлар”, “марварид томчилар”, “ёқут маржон” каби бадиий-тасвирий воситалар билан ифодаланганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўктамхон Холдорова, Ўроқ Саидов каби ижодкорлар интоқ (нутқсиз нарсаларни нутқ эгаси сифатида тасвирлаш) санъатидан фойдаланиб, “қаҳрамон”ни “ўз тилидан гапиртиришгани” нинг тасвирини ҳам кузатдик:

Кўк парқуси булутнинг,
Севинч ёшиман биллур.
Табиатни эркалаб,
Сочиламан мисли дур.

Она – ерни соғиниб,
Чапак чалиб келаман.
Кўкдан юртга насиба,
Қувонч олиб келаман.

Ёмғир тасвирига, дастлаб, энг қадимги адабий ёдгорликларда, хусусан, туркий халқларнинг қомусий олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (XI аср) асарида, халқ оғзаки ижоди намуналари (мақол, топишмоқ, қўшиқ каби)да, ҳадисларда, кейинчалик, Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий каби аждодларимиз меросида дуч келамиз.

“Девони луғотит турк” асарида қуйидагича тасвир мавжуд:

Йағмур йағуб сачилди,
Турлук чечак сучулди (ялонғочланмоқ).
Йинжу (инжу) каби очилди,
Чиндан йипор (мушк) йўғрушур (йўғрилмоқ).

Мазмуни:

Ёмғир ёғиб сочилди,
Турли чечаклар кийимларини ташладилар.
Ёмғирнинг ёғиши билан инжу қоплари очилган каби бўлди,
Тупроқлар чиндан-да “йипор” (мушк) билан йўғрилмоқда.

Халқ мақолларида ёмғир тасвири билан боғлиқ ўринлар ўз аксини топган: “Ёмғир билан ер яшарар, Қўшиқ билан эл яшарар”, “Ёмғир – экиннинг жони”, “Ёз ёмғири ёндан ўтар, Қиш ёмғири жондан”, “Тоққа ёғса, чўл обод, Чўлга ёғса, эл обод”, “Эр туғилса – элнинг бахти, ёмғир – ернинг бахти”, “Булут йиғлайди, гул кулади”, “Савр ёмғири - сара олтин (Савр - қуёш йили ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 21 апрель билан 21 май оралиғидаги даврга тўғри келади. Бу ойни “ёмғир ойи” деб ҳам атайдилар) каби 30 тага яқин халқ мақоллари мавжуд.

Ёмғир ҳақида яратилган топишмоқларда метафора, ўхшатиш, аллитерация, такрор ва жуфт сўзларнинг ишлатилиши каби бадиий-тасвирий восита ва усуллар етакчилик қилади: “Мени сўрайдилар, Кўринсам қочадилар”, “Шатур-шутур этади, Ерни чўқиб кетади”, “Осмондан ўйнаб тушар, Ерда чучвара пишар”, “Кўкда қилич чарақлар”, “Бири сепади, бири ичади, бири ўсади”, “Тумшуқсиз чумчуқ ер тешар”, “Новча йигит том тешар” каби 20 тадан ортиқ топишмоқларни жамладик.

“Сел келди, селон келди”, “Ёмғир гадойи келди”, “Суст хотин”, “Қибладан булут келар”, “Ҳаво ёғсин зарчалаб” , ”Ёмғир ёғалоқ”, “Ёмғир ёға бер”, “Ёмғир ёғсин” каби қўшиқлар ҳам “Суст хотин” маросим қўшиқлари сирасига киради.

Ислом оламида машҳур ва ишончли деб эътироф этилган олтита ҳадислар тўплами муаллифларидан бири, муҳаддис (ҳадис илми билан шуғулланган олим) Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий (194/810 – 256/870) нинг “Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) ҳадислар тўпламининг 34-бобидан 43-бобигача, 48-бобидан 61-бобигача бўлган сатрлар Оллоҳ таолодан ёмғир сўрамоқ, қурғоқчиликнинг олдини олмоқ масаласига бағишланганлигини ҳам кузатдик.

Табиатни севган, уни улуғлаган, гўзаллигидан завқлана олган Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонида табиатни топтаган, уни пайҳон қилган, бегуноҳ жониворларнинг қонини юз арик оқизган шоҳ Баҳром ва унинг аркони давлатини ёмғир селига дучор қилиб, ерга чўктиргани бежиз эмаслигидан огоҳ бўласан, киши, атрофингдагиларни огоҳ қилгинг келади, кишининг:

“Хулосаи калом, юз арик қон оқиб, ҳар бир арик ер юзини балчиққа, от оёғи эса, у ерларни ботқоққа айлантириб турганда, осмондан ёмғир ҳам қуяверса, ёққанда ҳам шундай ёғсаки, ёмғирни олам халқи устига дарё каби оқизса-да, фалак ундан хижолатда қолса, одам қаерда қимирласа, ўша ер чўкадиган бўлса, бу пайтда эл-улус ўз ҳаётидан кўзини юмса айб эмас. Ниҳоят, шу айтганларимизнинг ҳаммаси бир бўлиб, бир дамда ов қилаётган одамларнинг барчасини ер ютиб, нобуд қилди-қўйди”.

Халқимизнинг бебаҳо дурдоналаридан, мумтоз адабиётимизнинг сарчашмаларидан баҳра олган XX аср адабиёти вакиллари ижодидан ҳам “олтин ёмғирлар” нинг “марварид дур доналари”ни теришга ҳаракат қилдик.

Биз ҳам **ташбеҳона** сўз юритсак, **денгиз** (ўзбек адабиёти)дан **томчи** (ёмғир тасвири)ни **излаш:**

Гўё кўкка чиқиб денгизлар

Сузилади улуғ ғалвирдан.

Мақсуд Шайхзода:

Шўх томчилар занжир боғлашиб,
Осилибди бир ип сингари.
Гўё арқон учидан ушлаб,
Тирмашилса мумкин юқори.
Сойга иниб тушган қатралар
Рақс этарди, кўпикланарди,
Чўмиларди сув ичра сувлар.

Ўктамхон Холдорова:

Ёмғир қуяр,
Қўзиқорин - соябоннинг
Тагида довдир -
Майсажонлар қиқирлашар
Бамайлихотир.

Икром Искандар:

Ёмғир ёғар...
Қулоқларга қочиб киради
Шитирлаб,
Ёмғирда ивиб кетган
Бир товуш.

Рауф Парфи:

Ёмғир ёғиб чиқди тун бўйи,
Тонг оқарди, тинмади ёмғир.
Бузилгандек осмон уйи
Ерга қараб йиғлайди оғир.

Эрмамат Нурматов, Ғофир Қурбонов, Оташ Холмирзаев, Ориф Одилхонов, Абдулла Шер, Азим Суюн, Усмон Азим каби шоирлар баҳор, ёз, куз ёмғирларининг бетакрор лавҳаларини чизадилар.

Маҳмуд Тоировнинг лирик қаҳрамони – ошиқ – марварид томчилар ҳам “ёмғир бўлиб” ёр васлига етишишни орзу қилади:

Ёмғир бўлиб юзингни ўпсам,
Сочларингда қолсам осилиб.
Майса бўлсам йўлингда, санам,
Товонингда кетсам босилиб.

“Ёз кечаси”, “Яна қайтиб келдим”, “Юрак” шеърлари матни устида ишлаш, таҳлил қилиш намунадаги тартибда ўтказилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей адабиёт дарслари жараёнида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришда фанлараро интеграциядан фойдаланиш ўқувчилар бадиий ва эстетик дидларини камол топтириш; санъатга, она-Ватанга, жонажон табиатга муҳаббат, ифтихор ҳисларини тарбиялайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартдаги видео-селектор йиғилишида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 20 март.
2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 240-сон қарори. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2020 йил 18 апрель.
3. Тўхлиев Б. Адабиёт [Матн]. 11-синф: дарслик-мажмуа. 1-қисм. /Б.Тўхлиев [ва бошқ.], - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2018. – 200б.
4. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари: Мактаб ўқитувчилари, илмий ходимлар, талабалар учун. – Ўқитувчи, 1996. – 152б.
5. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2006. – 112б.
6. “Тест синовларига тайёргарлик қандай?” 1-мақола. 2020 йил 27 апрел. : Давлат тест маркази матбуот хизмати.

СИЁВУШ КАСРОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СИМУРҒ ҚУШИ ТАЛҚИНИ

Динора Юсупова Акмал қизи
Ўзбекистон Тошкент давлат шарқшунослик университети
Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси
email: dinoryus2021@gmail.com
telefon:+998993051008

Аннотация. Мақола шарқ шеъриятида, хусусан ўзбек ва форс шеъриятида символик образларининг қиёсий таҳлилига бағишланади. Симурғ қушининг ўзбек, форс**,** туркий адабиёт ҳамда “Авесто”даги талқини қисқача ёритиб ўтилади. Симурғ қушининг ўзбек ва форс адабиётидаги талқини қиёсий ўрганилиб, миллий адабиётимизнинг забардаст шоири Ҳамид Олимжон ва эрон замонавий шеърияти номояндаси Сиёвуш Касроий ижоди мисолида очиб берилади.

Таянч сўз ва иборалар: Символизм, қуш образи, Симурғ, “Авесто”, зардўштийлик мифологияси, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий, Фирдавсий, Ҳамид Олимжон, “Паризод ва Бунёд” Сиёвуш Касроий.

Аннотация. Мақала Шығыс поэзиясындағы, соның ішінде өзбек және парсы поэзиясындағы символдық образдарды салыстырмалы талдауға арналған. Симурғ құсының өзбек, парсы, түркі әдебиетіндегі, сондай-ақ "Авестодағы" интерпретациясына қысқаша сипаттама беріледі. Симурғ құсының өзбек және парсы әдебиетіндегі интерпретациясы салыстырмалы зерттеліп, өзбек әдебиетінің ақиық ақыны Хамид Олимжонның және Иранның заманауи поэзиясының өкілі Сиёвуш Касроийдің шығармашылығының мысалында ашып беріледі.

Тірек сөздер мен тіркестер: символизм, құс образы, Симурғ, "Авесто", зороастризм мифологиясы, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий, Фирдавий, Хамид Олимжон, "Паризод және Бунёд" Сиёвуш Касроий.

Қуш образи – шарқ шеъриятида шоирларнинг севимли образларидан бири ҳисобланади. Қуш образи дастлаб шеъриятда булбул, хўроз кўрининшида намоён бўлган.

Симурғ-шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодидаги афсонавий қуш образи; осмонда учиш, узоқ манзилни яқин қилиш ҳақидаги асрий орзу - умидларнинг рамзий ифодаси. Дастлаб, Эрон мифологиясида пайдо бўлган.

Авесто"да *"сенемург"* шаклида ишлатилган. "Авесто"нинг XIV яштида тасвирланишича, *"Саена меруға"* баҳайбат қуши Ворукаша денгизининг ўртасидаги *"ҳаёт дарахти"*нинг тепасида уя қурган. Булутдек улуғвор қанотлари билан *"ҳаёт дарахти"*ни ёвузлик кучларидан ҳимоя қилувчи

"Саена меруға" (Симурғ) хақидаги илк мифлар, назаримизда, Ворукаша ёки "Қирғоқсиз денгиз" деб аталувчи Орол денгизи бўйларида, яъни қадимги Хоразм воҳасида яратилган. "Авесто" мифологияси тадқиқотчиси К.В.Тревернинг таъкидлашича, бу хаёлий қуш номи дастлаб Саена-меруға шаклида бўлиб, "ит-қуш" деган маънони англатган экан. Симурғ қадимги зардўштийлик мифологиясида ит бошли, қуш сийратли асотирий жонзот сифатида тасвирланган. Чунончи, *"Бундахишн"да "ўн биринчи бўлиб тунда яшайдиган мавжудотлар яратилган, шулардан иккитаси – ўз болаларини кўкрак сути бериб боқади. Бу Сэнмурв ва кўршапалак бўлиб, тунда учадилар. Айтилганидек, тунда кун кўрувчилардан ит-қуш ва мушакдор жонивор яратилган, чунки улар қушга ўхшаб учадиган, оғзида итники сингари тишлари бор, мушакдор жониворлар каби ғорларда яшайдилар". "Бундахишн"нинг бошқа бир жойида эса "қушлар орасида иккитаси бошқалардан фарқли қилиб яратилган: бу Сэнмурв ва кўршапалак бўлиб, оғизларида тиши бор бўлган бу жониворлар боласини кўкрак сути бериб боқади".*

Симурғ қуши мумтоз адабиётимизда ҳам буюк мутафаккирларимиз томонидан ниҳоятда гўзал талқин қилинган. Фариддидин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" ва Алишер Навоийнинг "Лисон ут туйр" асарлари фикримиз исботидир.

Атторнинг "Мантиқу-т-тайр"даги ғояга кўра, ундаги қушлар Симурғнинг сояси, холос. Яъни улар Симурғга интилганларидагина аҳамиятли. Қушлар (инсонлар)нинг бу дунёдаги ҳаёти ҳижрон ва айриликда, достондаги қушлар сўнгги водийда Симурғ билан бирлик касб этадилар.Навоий достонида эса риёзат чекиш асносида покланиб, ўзларидаги Симурғни кашф этадилар.

Навоий талқинидаги Симурғ бутун инсониятнинг яхлитда эришуви мумкин бўлган Олий такомил босқичига ҳар бир киши, ҳар бир жамоа ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интилмоғи, бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симурғ – бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи – Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш (“си мурғ”)нинг бирлиги – маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Уларнинг симурғ сари машаққатли йўли – бахтли ва одилона жамият сари тарихий изланиш жараёни.

Туркий халқларда Симурғнинг Ҳумо, Анқо, Давлат қуши, Бахт қуши, Марқумомо, Кунтубулғон, Булбулигўё ва бошқа вариантлари мавжуд. Симурғ образи “Қаҳрамон”, “Ойнаи жаҳоннамо”, “Рустам”, “Кенжа ботир” каби эртакларда кенг тасвирланган. Бу образ ёзма адабиётда ҳам учрайди.

Симурғ ўзбек халқ эртак ва афсоналарида ижобий қаҳрамоннинг дўсти, ҳимоячиси, ҳамроҳи, уни *“етти зулмат ичи”*дан олиб чиқувчи фантастик қуш сифатида гавдаланади. Ўзбек адабиётида “симурғ” ҳақидаги афсоналар асосида атоқли шоир Ҳамид Олимжон ўзининг “Паризод ва Бунёд” асарини ёзган. Уларда афсонавий образ шартли восита сифатида муаллифларга қадимги ўтмишдаги реал воқелик ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Симурғ – қадим аждодларимизнинг ибтидоий тушунчасига кўра, тотемистик ҳомийлик тимсоли, ботирларга мададкор бўлмиш улкан қуш. Бу гўзал лирик образ қачон аниқ пайдо бўлгани маълум эмас, аммо Симурғ билан боғлиқ қадимий сюжетлар Шарқ халқлари фольклорида кенг тарқалган. У қаҳрамонни улкан қанотига миндириб, Ер ости дунёсига олиб тушиш ёки Заминга чиқариб қўйиш вазифасини уддалай олади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида тасвирланган Симурғ қуш ҳам тарихан “Авесто” мифологиясидаги *Сэнмурв* образининг эпик тафаккур тизимидаги эволюцияси натижасида юзага келган персонаж ҳисобланади. Гарчи ўзбек эртакчилиги анъанасида Симурғнинг кўриниши ва функциясида Сэнмурвга хос сифатлар кўзга ташланмаса-да, аммо бу афсонавий қушнинг қаҳрамонни ўзга оламга олиб бориши билан боғлиқ бир деталь унда “*ит-қуш*”га доир айрим белгилар сақланганлигини кўрсатади.[215] “Зорлиқ билан Мунглиқ” эртагида “Симурғ бир томондан қор - ёмғир билан учиб келибди ва майдалаб ташланган аждарни ютиб юборибди”[216]. Бу образ иштирок этган эртакларда қушнинг устига миниб олганча ўзга оламга сафар қилаётган ёки ёруғ дунёга қайтиб чиқаётган қаҳрамон то манзилга етгунига қадар Симурғни гўшт бериб боқади. Бу эса Симурғ “Бундахишн”да қайд қилинганидек, *“оғзида тиши бор”*, яъни итга ўхшаб гўштхўр жонзот эканлигини англатади. Бизнингча, Сэнмурв ёки Симурғ қадимги ўрта осиёликлар мифологиясида ит гавдали, қуш қанотли афсонавий жонивор сифатида тасвирланган. Кейинчалик эса бу мифологик тасаввурлар унутилиб кетди. энди у эртак ва достонларимизда қаҳрамонни мушкул аҳволдан қутқарувчи, полопонларини аждар хуружидан омон сақлаб қолган қаҳрамонни олис манзилларга тез етказувчи, эпик қаҳрамонга кўмаклашувчи хаёлий қуш образи тарзида тасвирлана бошлади. Аслида эса

[215] Тревер К.В. Сенмурв-Паскудж. Собака-птица. – Л., 1937. – С.15-17
[216] Олтин бешик. Ўзбек халқ ижоди. - Тошкент, 1988, 214-бет.

Симурғ ҳақидаги мифологик тасаввурлар генетик жиҳатдан қуш тухумидан чиққан ит ҳамда қушдек уча оладиган қанотли ит – грифон ҳақидаги қадимги мифологик афсоналарга алоқадордир.

Қадимги космогоник мифологияда Симурғ образининг оламнинг самовий тузилиши билан бевосита алоқадор бўлган афсонавий ҳаёт дарахти билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. VI асрда паҳлавий тилида (қадимги форс тилида) яратилган "Минокехрат" ёдгорлиги матнининг 62-бобида бу самовий образ эволюциясини кенг қамраб олувчи мифик тушунчалар картинаси намоён бўлади: *"Ўликларга жон ато қилувчи ҳаёт дарахти Хома Ворукаша денгизининг ўртасида ўсади. Ҳаёт дарахтини макон қилган Семурв (Симурғ) эзгулик ҳомийсидир. Ҳар гал уясидан кўтарилганда дарахт шохларидан минглаб янги новдалар ўсиб чиқади ва ҳар сафар қўнганида минглаб шохлар синиб, жаъми ўсимликлар уруғлари турли томонга сочилади".*[217]

Ҳаёт дарахтининг самовий қуш билан боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурларни Скандинавия, Ҳинд-европа, Сибир, араб халқлари мифологиясида ҳам учрайди. Шу нарса диққатга сазоворки, мифлардаги ҳаёт дарахтининг учида катта қуш тасвирланса (қадимий ҳинд-эрон мифларида – Симурғ, арабларда – Қақнус), илдизларига илон ўралиб ётади (Скандинавияликлар мифларида Нидхегг номли илон). Мифик *"ҳаёт дарахти"* "Авесто"да тасвирланган Хома (ҳинд мифологиясида – Сома) ёки "Хварри" ("Серсув") номли дарахтни эслатса, қуш ва илон ҳамда Шарқ фольклоридаги Семурғ ва у уя қурган катта дарахтга чирмашаётган илон образлари орасида ҳайрон қоларли ўхшашлик бор.

Фирдавсий шарқ достончилигида биринчи бўлиб афсонавий қуш Симурғ образини яратди. Ғайритабиий куч ва кудратга эга бўлган бу парранда Золнинг чақалоқлиги даври тасвиридан то Исфандиёр достонигача бўлган воқеаларда иштирок этади. Симурғ ҳамиша Золи Зар ва унинг авлодларига энг оғир дамларда кўмаклашади. Масалан, "Шоҳнома"нинг "Рустами достоннинг онадан туғилиши" бўлимида Рудоба туғруқ дардидан қийналиб, ҳушидан кетади. Ҳамма саросимада тушган вақтда Симурғнинг патини ёдга олишади. Зол дарров олов ёқиб, Симурғнинг патина оловга ташлайди. Бир зумда Симурғ самода пайдо бўлади. У Золга қарата Шундай дейди:

Топиб келтиринглар олмосдек пичоқ,
Билимдон кимсани топингиз шу чоқ.
Санамни май билан аввал маст қилинг,
Дилидаги алам шастин паст қилинг...[218].

Симурғ ўз ёрдами билан Рудобани осонлик билан дарддан халос этади ва болага Рустам дея исм қўядилар.

Симурғ одамдек гапиради, жанг-у жадалларда Золи зар ва Рустамга ёрдам беради, гоҳ донишманд табиб қиёфасида ҳаёт мушкулотларини ҳал этишда инсонпарвар кишиларга йўл кўрсатади. Фирдавсий тасвирича, Симурғ фалакда парвоз қилса, оламни зулмат қоплайди, замин-у замон ларзага келади. У кимсасиз саҳро ўртасидаги тоғ чўққисига уя қурган:

Бир тоғ бўларди, Элбурз деган тоғ

---

[217] Тревер К.Б. Сэнмурв - Паскудж. Собака-птица. – Л., 1937. – С.11-12.
[218] Abulqosim Firdavsiy. "Shohnoma" (Saylanma) T.-2012. B – 92-95

Қуёшга яқин-у, ердан кўп узоқ.
У ерда Семурғ уяси ҳам бор,
Унда бирон киши топилмас зинҳор[219].

“Шоҳнома”да Симурғ осмонда учиб юриши ёки Золнинг даъвати билан ногаҳон пайдо бўлиши қуйидагича тасвирланган:

Қоронғулик бўлди зум ўтмай ҳаво,
Семурғ учиб келди у фармонраво.
У қора булутдай ёзди қанотин,
Зулматга чулғаб ой, қуёш ҳаётин[220].

Симурғ образидан атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон ҳам ўзининг “Симурғ” достонини ёзишда фойдаланган. Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги Симурғ билан Ҳамид Олимжон достонидаги Симурғ образида муштараклик мавжуд. Ҳар иккала асарда ҳам Симурғ инсонга дўст, инсоннинг энг оғир кунларида у билан бирга бўлади. Фирдавсийда Семурғ болаларининг хоҳиши билан Золни боқади, парвариш қилади, тил ўргатади, билим беради. Одам жаҳолатга йўл қўяди, қуш эса адолат йўсинини тутади. У Рустамга аждар, девларни, ҳатто Исфандиёрни енгишга ҳам яқиндан мададкор бўлади. Ҳамид Олимжон достонда чин севгидан йироқ, жаҳолатга гирифтор бўлган хон қизи Паризод шартни бажарган Бунёдни қабул қилмай унинг ҳалок бўлишини истаб, дев жангига юборади. Инсон разолатга йўл қўяди, Симурғ эса Бунёдни жасорат сари йўллайди. Бунёдни дев масканига элтган Симурғ жасур йигитнинг ғалабасига тарафдорлик қилади. Семурғнинг қаҳрамон йигит билан муомаласи ҳамда Бунёднинг дев билан яккама-якка олишуви ва ғалабаси тасвирида “Шоҳнома” га ҳамоҳанглик бор.

Замонавий эрон шеъриятида ҳам мазкур образдан самарали фойдаланилган. 60-йилларга келиб шоирлар ижодида яна бир қанча қуш образлари қўшилди. Масалан, Соя, Касроий ва Жоле ижодида қалдирғоч, каклик ва бургут образи, Муҳаммад Зоҳерий шеърларида баклан (қора қуш), канарейка, тўрғай қуши, Нодерпур шеърларида эса худ-худ қушидан муайян символик образ сифатида фойдаланишган.[221]

Симурғ образи – Сиёвуш Касроий асарларидан ўрин олган қуш образларидан бири. Сиёвуш Касроийнинг “Сиёвуш қони” мажмуасидан ўрин олган “ Симурғ қайғуси” номли шеърида Симурғ афсонавий қушини кўрамиз. Қадимий асарлар ва афсоналарга кўра Симурғ бир қуш бўлиб, қариндошларига ёрдам беришга боради ва ўзининг бир қанотидан юлиб уларга беради. Симурғ уларнинг ёрдамчиси бўлиши учун фақат унинг патини олиб оловда куйдириш етарли бўлади. Рустам ва Исфандиёр достонида, Зол замонида Симурғнинг пати ўтда куйдирилади. Бу қуш Рустамнинг ярасига дармон қилишга тайёр эди. Аммо бу қуш Сиёвуш Касроийнинг шеърида биз дастлаб учратган Симурғ образидан фарқ қилади. Унда у ўзининг улуғворлигини йўқотиб, қанотидан ажралган қуш сифатида намоён бўлади. Гарчи дастлаб қанотига эга бўлиб, паҳлавонлар ва баҳодирлар қошига шошилсада, аммо энди у ўзининг нажотбахш қудратини йўқотган, қанотсиз, худди “қари чинор” “истиробли ва ғамгин” бўлиб қолган эди.

---
[219]Hamidjon Homidiy. “Firdavsiy va o’zbek adabiyoti” T.-2012. B-153
[220]O’sha asar, B-153
[221] Кляшторина В.Б.Нова поэзия в Иране.-М.1975. С.152

Қуйида Сиёвуш Касройининг “Сиёвуш қони” достонидан парча келтириб ўтамиз:

نهاده آشیانه بر سر کوه   منم سیمورغ پنهان از نطرها
دل بیتاب من در چنگ تشویش   نگاه خسته ام بر رهگذر ها
به زیر شاهبال سایه گستر   چه رستم ها که آوردم به میدان
Umumtil frazeologizmlarining psixolingvistik xususiyatlari o‘rganilar ekan, ular ham xuddi so‘zlar kabi uslubiy bo‘yoqdorlikka ega ekanligini inobatga olish lozim bo‘ladi. Negaki, so‘zning uslubiy xarakteristikasi (tavsifi) kabi iboralarda ham funktsional-uslubiy bo‘yoqdorlik, emotsional-ekspressivlik va baho munosabatlari bilan omuxta holda mavjud bo‘ladi. Shunga binoan umumtil frazeologizmlari predmetlik ma’nosidan tashqari emotsional-ekspressiv, baho-munosabat kabi ma’no elementlarining vobastaligi, omuxtaligi faqatgina predmetga xos bo‘lgan mantiqiy ma’noni ifodalab qolmasdan, shu bilan birga obrazli tasavvur va predmetning mantiqiy ma’nosiga emotsional ma’noni ham ifodalashi bilan xarakterlanadi. Masalan, “er yorilmadi-yu, erga kirib ketmaslik” umumtil iborasi ruhiy azoblanish, qiynalish holatlarini ifodalaydi. Bu ibora “Jimjitlik” romanida ikki marta qo‘llangan. Dastlab “er yorilmadi-yu, erga kirib ketmaslik” iborasi chet ellarda xotinidan va yakkayu yolg‘iz farzandidan judo bo‘lgan Tolibjonning ruhiy kechinmalarini ifodalashga bo‘ysindirilgan edi: “*Tolibjon er yorilmadi-yu, erga kirib ketmadi. Bir hisobda uning (Jayronaning – M.N.) gaplari chin edi. Tolibjon taqdirga tan berib yashayotganini sezmasdi. Shu topda sezdi. Buni unga Jayrona aytdi”* [8., 114]. Ikkinchi marta bu ibora Erali chavandozning chapaniligi, to‘g‘ri so‘zligidan o‘sal bo‘lgan Mirvalining xatti-harakatini ifodalashga vosita bo‘lgan: *“Mirvali er yorilmadi-yu, erga kirib ketmadi. Unga (Erali chavandozga – M.N.) ikki kun tinmay nutq o‘rgatgan o‘qituvchi stul tagiga kirib ketadi”* [8., 121].

Frazeologizmlarning badiiy matndagi psixolingvistik xususiyatlari tahlil qilinar ekan, ma'lum bir iboraning uslubiy imkoniyatlari ro'yobga chiqishida boshqa yondosh, u bilan yonma-yon qo'llangan iboralarning ma'no qirralari ham inobatga olinishi lozim. Zero, "badiiy asarning lingvistik tahlili tilning nazariy tomonlari, ijtimoiy funktsiyalari va inson ma'naviyatining in'ikosi ekanini bir butun holda tasavvur etishimizga imkon yaratadi" [5.,21]. Masalan, adabiy tilimizda ***"yurak yutib"*** umumtil iborasi "qo'rqmasdan botinib" ma'nosini bildiradi [6.,322]. Bu ibora "Jimjitlik" romanida Mirvalining nojo'ya xatti-harakatlaridan aziyat chekayotgan Tolibjonning ichki nutqi tarkibida qo'llangan. Shunisi muhimki, bu umum til iborasi bilan yonma-yon ishlatilgan "gapini olmoq", "qo'li etmaydigan", "yo'lga sola olmoq", "tanbeh bermoq" singari umumtil iboralari ham mazkur iboraning ma'no jihatning aniq ifodasi uchun vosita bo'lgan: *"Unga kim nasihat qiladi? Kimning gapini oladi? U hech kimning qo'li etmaydigan balandlikda. U hammadan dono, hammadan zo'r. Unga tik borib ham bo'lmaydi, yonboshidan ham kelib bo'lmaydi. Faqat birgina odam uni yo'lga sola oladi. U hamma uchun hurmatli Shavkat Rahimov. Kim yurak yutib unga gap ayta oladi? Aytganda ham o'g'lim, deb ardoqlagan Mirvaliga tanbeh berarmikin?"* [8., 143-144].

Yozuvchi Said Ahmad boshqa asarlarida bo'lganidek, "Jimjitlik" romanida ham iboralarni personaj nutqi tarkibida o'rinli qo'llashga alohida e'tibor qaratadi. Masalan, Mirvalining o'z maslakdoshi, xizmatkori, ikkiyuzlamachi Rasulbek bilan bo'lgan dialogida "yaxshi buzoq ikki onani emadi", "gapni ko'ngliga keltirmaslik", "uch pulga sotmoq", "gap tashimoq", "gap qaytarmaslik" kabi umumtil iboralari personajlar orasidagi keskin vaziyatni, ularning psixlologik holatini, ichki dunyosini ochishga xizmat qilgan: *"Hojimurod raykomga birinchi sekretar bo'lib keldi. U Rasulbekning eski qadrdoni. Bir vaqtlar ikkovi aka-uka bo'lib, ko'p ishlar qilishgan. Buni Mirvali yaxshi biladi. Shuning uchun ham bundan bir hafta oldin Rasulbekka shunday degan edi: - Bilib qo'y, yaxshi buzoq bo'lib ikki onani emaman, desang, bu dunyo bilan xayrlashaver* "[8., 273].

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, yozuvchi Said Ahmadning "Jimjitlik" romanida umumtil iboralari personajlarning psixologik holatini va muallif nutqi tarkibida qo'llanib, personajlar xatti-harakatiga muallif munosabatini, peyzaj va portret tasvirini, ichki, keskin vaziyatlarni hosil qilishda muhim uslubiy vosita vazifasini bajargan.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1.Yo'ldoshev B. Frazeologik uslubiyat asoslari. – Samarqand, 1999
2.Mamatov A.E. O'zbek tili frazeologizmlarining shakllanishi masalalari. Filol. fanl. dokt. ... diss. avtoref. – T., 2000
3.Rahmatullayev Sh. O'zbek tili frazeologiyasining ba'zi masalalari. – T., 1966.
4.Rahmatullayev Sh. Frazeologiya // Hozirgi zamon o'zbek tili. – T., 1957
5.Rahmatullayev Sh. O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati. – T., 1978
6.O'zbek tilining izohli lug'ati, ikki tomlik, I tom. –M.,1981
7.Shirin Alpanova. O'zbek tilida ruhiy holatning aks etishi. Monografiya. –T., 2019
8.Said Ahmad. Jimjitlik. – T., 2008
9.Said Ahmad. Hikoyalar. – T., 2010

DAVR MAZMUNINI AKS ETTIRUVCHI AYRIM LEKSIK BIRLIKLAR XUSUSIDA

Yokubbayeva Umida Abduvaxob qizi
“Turan International University” o‘qituvchisi uyokubbayeva92@gmail.com

Аннотация. В данной статье рассматривается совершенствование словарного запаса узбекского языка, возникающее и расширяющееся семантическое поле вокруг некоторых лексических единиц, употребляемых в рамках просторечия, общественно-политический характер сверхтерминов, процесс расширения В качестве примера рассматривается ряд сочетаний терминов «Дорожная карта» и «Единое окно».

Ключевые слова: термин, сема, лексема, сочетание, неологизм, превосходная степень сема, современная лексика.

Аннотация. Бұл мақалада өзбек тілінің сөздік құрамының жетілдірілуі, жалпы сөйлеу аясында қолданылатын кейбір лексикалық бірліктердің төңірегінде пайда болып, кеңейіп келе жатқан семантикалық өрісі, супертерминдердің қоғамдық-саяси табиғаты, сөздік құрамының кеңею үдерісі. Мысал ретінде «Жол картасы» және «Бір терезе» терминдерінің ауқымы қарастырылады.

Негізгі сөздер: термин, сема, лексема, комбинация, неологизм, үстемдік сема, қазіргі лексика

Har qanday tilning lug‘at tarkibi uch qatlamdan iborat, ya’ni noterminologik, umumilmiy (ilmiy soha vakillariga xos leksemalar) hamda sohaviy terminologik tizimlarga oid maxsus leksemalar.[238]

Lug‘atlarimizda *xarita* leksemasi geografik termin sifatida xalq orasida karta/yer sathining qog‘ozdagi shartli tasviri sifatida qo‘llaniladi.[239] Ushbu leksema doirasida qo‘shimcha ifodalar ham mavjud. Xususan, ma’lum manzilga eltuvchi yo‘l chizmasi tasvirlangan manbaga nisbat berish uchun ham *xarita* so‘zi ishlatiladi.

Ijtimoiy-siyosiy soha leksikasi doirasida neologizmlar asosiy o‘rinni egallaydi. “Yo‘l xaritasi” birikmaviy ifodasi ham kalkalangan bo‘lib, bu ifoda ilk bor 1970-yillar so‘ngida “Ford” va “Motorola” kompaniyalari tomonidan ishsizlikni kamaytirish va iqtisodiy holatni yaxshilash uchun ishlab chiqarish sohasida qo‘llangan. Ushbu birlik doirasida yangi ma’noning yuzaga kelishi siyosiy jarayonlar bilan bog‘liq bo‘lganligi uchun, dunyoning qator mamlakatlari tilida ham qo‘llana boshlandi. Chunonchi, Italiya iqtisodchilari Antonella Fresa, Börje Justrell “Yo‘l xaritasi” haqida o‘z fikrlarini berish davomida ushbu ifodani yangi maqsadlarda qo‘llash, avvalo, ishlab chiqarish sohasi bilan bog‘liqligini keltirib o‘tishgan. “Yo‘l xaritasi” ko‘p funksiyali yondashuv,

[238]Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука, 1977. – Б. 20-27.
[239] Hojiyev A., Nurmonov A., Zaynobiddinov S., Kokren K., Saidxonov M., Sobirov A., Quronov D. Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati. – T.: Sharq, 2001, – B 281. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий енциклопедияси. – В 385.

ochiq fikrli muhit, biznes ehtiyojlarini aniq tushunish, vaqtni samarali taqsimlash, rivojlanish istiqbollarini tushunish va boshqa ko‘plab omillar ta’sirida yaratiladi. Ularning shakllanishida, odatda, intensiv axborotlar muhim o‘rin tutadi.

“Yo‘l xaritasi” birligi tarkibidagi “yo‘l” harakatlar rejasiga ishora qiladi, ya’ni aniq maqsadga erishish bir qator harakatlar zarurligini hisobga oladi. Yana bir o‘rinda “Biror ish yoki maqsadni amalga oshirish uchun vizual ravishda ishlab chiqariladigan chora-tadbirlar dasturi” deya izohlab o‘tilgan.[240]

“Yo‘l xaritasi” birikmasi jamiyatimizning deyarli barcha sohalari faoliyatida geografik atama sifatida emas, har bir soha xususiyatidan kelib chiqib, yuqoridagi ustama sema (ishlab chiqiladigan, kelajakda amalga oshirilishi rejalashtirilgan ishlar jadvalini) anglata boshladi. Prezidentimizning “Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi” kitobida ushbu birikmani 7 o‘rinda qo‘llanganligi va ularning har biri turli soha doirasidagi fikrlar bilan bog‘liqligini ko‘rish mumkin. Masalan, ***siyosiy soha*** – *qonun loyihasini qabul qilishda tashabbuskor bo‘lgan parlament fraksiyasining shu qonunni amalga oshirish bo‘yicha “yo‘l xaritasi” ishlab chiqilishi;* ***ijtimoiy soha*** *– har bir hududda aniqlangan muammolarni hal etish bo‘yicha hududiy va respublika “yo‘l xaritalari” ishlab chiqilishi; millatlararo munosabatlar sohasidagi ishlar holatini tizimli tashkil etish konsepsiya va “yo‘l xaritasini” amalga oshirish; olis va yaqin mamlakatlar bilan ko‘p qirrali hamkorlikni yanada yanada rivojlantirishga qaratilgan “yo‘l xaritalari” tasdiqlandi;* ***huquq sohasi*** *– korrupsiyaga yo‘l ochadigan omillarga chek qo‘yishga qaratilgan ... “yo‘l xaritalari” va dasturlar tasdiqlandi;* ***tibbiyot sohasi*** *– infeksiya bilan bog‘liq kasalliklarni profilaktika qilish, koronavirusdan keyingi reabilitatsiya, vaksinatsiya... masalalarida hamkorlik bo‘yicha “yo‘l xaritasi” ni qabul qilish;* ***turizm sohasi*** *– “Turkiy dunyo turizmi” va “Tabarruk ziyorat” sayyohlik loyihalarini amalga oshirish,... madaniy me’ros obyektlarini saqlash va restavratsiya qilishni qamrab olgan “Yo‘l xaritasi”*[241] Ushbu birlikning yangi ma’noda jamiyatning bir qator sohalari doirasida faol qo‘llanayotganligi, biroq umumxalq nutqida nofaolligi ushbu birikmani zamonaviy leksik birliklar qatoriga qo‘shila olmasligiga sabab bo‘ldi. Bu jumlani termin darajasiga ko‘tarilishi yuqoridagi fikrlarimizni dalil sifatida qanoatlantiradi.

Biz tahlil qilayotgan kitob matnida davr mazmunini o‘zida aks ettiruvchi birliklar qatorida “yagona darcha” birikmaviy ifodasini ham keltirish mumkin. Bu ifoda yuqoridagi zamonaviy birlik kabi leksik neologizm xisoblanib, ushbu valentlik aktanti bo‘lgan *darcha* so‘zi دریچه fors tilida 2 xil ma’noda keladi: 1) eshikcha; 2) klapan (mexanizmlar yoki organizmlarda ochilib-yopilib turuvchi moslama). *Daricha* so‘zining o‘zagi forscha “در ” – so‘zidan olingan bo‘lib, “eshik” ma’nosini anglatadi. “ -cha” affiksi asosga kichraytirish ma’nosini yuklagan.[242] “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” da esa, dominant – “deraza”, “teshik”, ko‘chma – “biror narsaga yo‘l, imkoniyat” kabi ma’nolarda qo‘llanishi misollar orqali izohlab o‘tilgan.[243] *Darcha* so‘zining *yagona* so‘zi bilan bir butunlikka aylanishi, ushbu so‘zlarning etimologik va ko‘chma ma’nolarining uyg‘unlashuvidan yuzaga kelgan. “Yagona” – bitta, boshqa

---

[240]Madvaliyev A., Mahkamov N va boshqalar. Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati. – T.: Sahhof, 2021. – B 285.

[241] Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: O‘zbekiston, 2021. – Б.464.

[242] Рустамов А., Каримов Қ., Умаров З. Форсча-ўзбекча ўқув луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975, . – Б 83.

[243] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий енсклопедияси. – В 566.

muqobili yo‘q narsaga nisbatan qo‘llaniladigan belgi ifodalovchi so‘z bo‘lib, bugungi barcha aholiga ko‘rsatiluvchi xizmatlarning bitta joydan amalga oshishiga ishora qiladi.

“Yagona darcha” leksik birligi “Single Window” shaklida Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2011-yilda Jenevadagi Savdoga ko‘maklashish konferensiyasida, “Kelajak uchun o‘rgandik” mavzusi ostida ushbu markazlar faoliyatini qanday yo‘lga qo‘yish yo‘l-yo‘riqlari haqida ma’lumot berilgan. Dastlab dunyo bo‘yicha asosan iqtisodiy rivojlanish, tovar oldi-sotti jarayonida “xalqaro qog‘ozbozliksiz” ishlashni yo‘lga qo‘yish maqsadi dastlabki markazlarning ochilishiga sabab bo‘lgan bo‘lsa, bugunga kelib dunyoning boshqa mamlakatlari qatori Yangi O‘zbekistonda ham aholiga turli sohalar bilan bog‘liq muammolarni hal etuvchi markazlarga aylandi.

Demak, ushbu leksemalarning bugungi amalda bo‘lgan semalari “deraza” va “tuynuk” – butun binoga faqatgina shu qismlar orqali qarash, kirish mumkin bo‘lgani kabi davlat xizmatlari tashkilotlarining bitta bino hududi doirasiga jamlanganligi; ko‘chma ma’nodagi funksiyasi “vosita” – bitta markaz vositasida butun davlat organlari bilan bir o‘rindangina aloqa qilish imkoniyati “yagona darcha” birligini ijtimoiy-siyosiylik belgisini olishiga asos bo‘ldi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: O‘zbekiston, 2021. – Б.464.
2. Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – T.: Talqin, 2005.
3. Hojiyev A., Nurmonov A., va boshqalar. Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati. – T.: Sharq, 2001. – B.209.
4. Madvaliyev A, Mahkamov N va boshqalar. Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati. – T.: Sahhof, 2020. – B.62.
5. Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар (XIX аср охири – XX асрнинг бошлари). – Т.: Фан, 1981.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати III жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.32.
7. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Т.: Фан, 1998.
8. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Т. Ўқитувчи, 1985. – Б.19.

СЮЖЕТНО – КОМПОЗИЦИОННАЯ ЛИНИЯ В РАССКАЗЕ СОВРЕМЕННОГО САУДОВСКОГО ПИСАТЕЛЯ ХАЛИДА АЛ-ЮСУФА «МОЙ ОБРАЗ ДЛЯ ТЕБЯ»

Саидова Наргиза Махмудовна
Ташкентский государственный университет востоковедения
старший преподаватель, ms.umaro@mail.ru

Аннотация. Бұл мақала қазіргі Сауд жазушысы Халид әл-Юсуфтың "менің сен үшін бейнем" әңгімесін және оның сюжеттік – композициялық желісін талдауға арналған. Бұл әңгіме араб елдерінде бүгінгі күнге дейін өзекті болып табылатын әйел тақырыбын қарастырады.

Abstract. this article is devoted to the analysis of the story of the modern Saudi writer Khalid al-Yusuf "My image for you" and its plot and composition line. This story deals with the female theme, which is still relevant in Arab countries.

Тему литературного произведения составляет круг событий или предметов действительности, который становится основой сюжета авторского повествования. Словом «сюжет» (от фр. sujet) обозначается цепь событий, воссозданная в литературном произведении, то есть жизнь персонажей в ее пространственно-временных изменениях, в сменяющих друг друга положениях и обстоятельствах[1].

События, составляющие сюжет, соотносятся между собой по-разному. В одних случаях на первый план выдвигается какая-то одна жизненная ситуация, произведение строится на одной событийной линии. Таковы в своем большинстве малые эпические жанры - рассказы, - для которых характерно единство действия.

В составе литературного произведения сюжет выполняет существенные функции. Во-первых, он выполняет конструктивную функцию, то есть скрепляет воедино события рассказа, образуя единую художественную картину. Во-вторых, сюжет насущен для воспроизведения персонажей, для обнаружения их характеров. События создают для персонажей своего рода «поле действия», позволяют им разнопланово и полно раскрыться перед читателем в эмоциональных и умственных откликах на происходящее, главное же – в поведении и поступках[2].

Рассматриваемый нами рассказ «Мой образ для тебя» принадлежит перу известному современному саудовскому писателю Халиду ал-Юсуфу. Темой рассказа является хорошо разработанная в арабской литературе проблема женского вопроса, но рассматривается эта тема совершенно в другом ракурсе, чем это было прежде.

Главным героем рассказа, имя которого мы не знаем, является высокообразованный интеллигентный мужчина, который читает лекции в высшем учебном заведении.

Кроме преподавательской работы, он занимается литературным творчеством, его перу принадлежат два сборника рассказов, один сборник стихов и даже роман. Как писатель он довольно популярен, его произведения пользуются успехом и хорошо известны.

Герой рассказа женат, но супруги не соответствуют друг другу по уровню культуры и интересов, его красавица жена целиком поглощена светской жизнью:

راحت تتحدث عن ذاتها عن موديلات ملابسها وأحذيتها واخر تسريحات شعرها تحدثت عن أحدث مجالة أزياء و عن أجمل لقاء فني اطلعت عليه .. كان منشغلا عنها . كأنه لا يسمعها.

«Она начала рассказывать о себе, о моделях своей одежды и обуви, о стиле своих последних причёсок. Она рассказывала о журнале мод, о самой лучшей встрече с артистами, на которой она присутствовала, а он был отвлечён от неё, и как будто бы не слушал»[3].

---

[1] Хализев В.Е. Теория литературы. –М.: “Высшая школа”, 1999. – С.138.

[2] См.: там же.

[3] c.403 اليك بعض آنحائي. خالد آحمد اليوسف

Женился герой рассказа не по любви, а потому что пришло время обзавестись семьёй, и, согласно мусульманским обычаям, не был хорошо знаком со своей будущей супругой:

تزوج امرأة ذات جمال دون مقدمات عاطفية .. فقط كي يسحق زغباته الجامحة

«Женился он на очень красивой девушке без предварительного ухаживания…просто, чтобы утолить своё непреодолимое желание»[4].

Однако герой рассказа хочет иметь возле себя умную и образованную женщину, с которой он мог общаться, беседуя, на интересующие его темы, а не обсуждать предметы её туалета или причёску. Он хочет жену – соратницу, разделяющую его взгляды и интересы, и поэтому после очередного рассказа жены о её светских развлечениях, он, не слушая её, и погружённый в свои мысли, вычерчивает на листе бумаге своё решение о разводе:

كيف لا و هي تخصني .. طبعًا لو كان كتابًا او محاضرة أو غيرها من الامور الأدبية لأنصت لها بدون ايضاح !!

مهلاً انظري الى هذه الورقة سترين مطلبك !!

«Почему бы и нет, ведь она изводит меня, конечно, если бы это была книга, или лекция, или что-нибудь похожее из литературной деятельности, то я бы слушал безо всяких объяснений! Тише, посмотри на этот лист бумаги, ты увидишь на нём решение твоего вопроса!!»[5].

После развода герой рассказа долго не женится, и всегда отшучивается, когда ему задают вопросы на эту тему:

جوابًا للسؤال المكرر طرحه من الاصدقاء .. (لماذا طلقتها ؟) كان السؤال الآخر الذي لم يجب عليه الا بعد زمن من الصمت .. (من هي المرأة التي تريدها إن لم تكن هذه ؟)

قُذف عليه مرارًا كالسابق تمامًا , يهرب من الإجابة بكتابة إبداعه , ونسج معاناته التي الزمته الصمت مرات أخرى , عندما حل جوانه كان مدويً .. أريد امرأة مختلفة تمامًا عن النساء الأُخريات .. أريدها أنثى تشبع كل ما أطلبه كرجل .. أريدها تتجاوز ترهات النساء .. لها عقل مفكر، مدرك، متزن، مستوعب بدون عاطفة !!

«На повторяющийся неоднократно вопрос, почему ты с ней развёлся? который задавали ему друзья, служил ответ на второй вопрос (Какую ты хочешь женщину, если эта тебе не подошла?), на который он ответил после долгого молчания. Этот вопрос ему задавали неоднократно, как и первый, он избегал на него ответа, и укрывался в своём творчестве, но однажды он нарушил своё молчание, и громогласно заявил:

«Я хочу женщину, которая будет абсолютно отлична от всех других женщин.

Я хочу женщину, которая будет удовлетворять всем моим вкусам как мужчины, я хочу женщину, которая будет выше женских глупостей, она должна иметь здравый, познавательный, уравновешенный, ум безо всяких эмоций! И кроме всего этого, любить меня, и я буду любить её!»[1].

Через некоторое время ему предлагают жениться на девушке, казалось бы, соответствующей всем его требованиям, и подходящей ему со всех сторон:

جاءتة اجابة أحدهم ..

- هي لديّ يا صديقي كما تطلب و تصف بل كأنها خُلقت لك وتردد الافكار التي أنت ترددها، بل أخالها تعلمت منك وعليك !!

---

[4] См.: там же. – с.405.

[5] См.: там же - с.404

[1] اليك بعض آنحائي. خالد آحمد اليوسف ص.405

«Один из друзей ответил ему:

- Я знаю такую женщину, которую ты описываешь, мой друг, она, как будто бы создана для тебя, она повторяет те же самые мысли, о которых ты говоришь, всему этому она научилась у тебя, и от тебя!»[244].

Герой рассказа женится на рекомендованной ему девушке. Его женой становится образованная девушка, которая была хорошо знакома с его творчеством, как писателем, восхищалась его передовыми взглядами, и разделяла их.

Однако, семейная жизнь героя рассказа не удалась и на этот раз. В первую же брачную ночь девушка застала его врасплох, задав ему неожиданный для него вопрос:

لماذا اخترتني زوجة لك من بين كل النساء ؟

«Почему ты выбрал именно меня в жены из числа всех других женщин?»[245].

И тут раскрывается идея рассказа Халида ал-Юсуфа: несмотря на то, что герой рассказа проповедовал передовые взгляды, и выступал за равенство полов, о чём писал в своих книгах, он сам, внутренне, не готов был принять принцип равенства мужчины и женщины в мусульманском обществе.

Его неприятие идеи равенства полов выражается в удивлении от смелости девушки:

لم يتوقع الاستفهام منها بهذه الجرأة و السرعة . فكان بدءا للصمت !!

«Он не ожидал от неё такого смелого вопроса, заданного с такой быстротой, и промолчал!»[1].

Герой рассказа полагает, что право первым задавать вопросы принадлежит мужчине, потому что мужчина, в данном случае именно он, умнее женщины:

للاسف لم تنضجي و لم تكتملي بعد !

«К сожалению, ты ещё не достигла зрелости и ты несовершенна!»[2].

Невинный вопрос девушки становится проверкой проповедуемых взглядов героя рассказа, превращается в испытание, которое он не смог выдержать. Смелость девушки оскорбила его, и, как становится ясно из дальнейшего повествования, он замкнулся в себе, и был холоден в общении с молодой женой. После долгих раздумий герой рассказа пытается наладить отношения со своей супругой, и вызывает её на откровенный разговор, но, к его неожиданности, оказывается, что она уже не представляет свою дальнейшую жизнь вместе с ним. Уверенная в своей правоте, женщина решительно отвергает совместную жизнь с человеком, который изначально считает её ниже себя по уму:

و من قال إنني بعد هذا مقتنعة بك أنا أتعنى أن ننفصل !

«А кто сказал, что я после всего этого довольна жизнью с тобой? Я хочу, чтобы мы расстались!»[3].

---

[244] См.: там же. с 405

[245] См.: там же. – с.406.

[1] اليك بعض آنحائي. خالد آحمد اليوسف ص. 408

[2] См.: там же.

[3] См.: там же.

В композиционном плане рассказ «Мой образ для тебя» состоит из трёх частей, каждая из которых озаглавлена необычным образом: «Во-первых», «Во-вторых» и «В третьих».

В первой, самой краткой части рассказа, - «Во-первых» - излагается история отношений героя с его первой женой.

Вторая часть рассказа - «Во-вторых» - начинается с экспозиции, то есть с краткой характеристики героя рассказа, после которой следует изложение истории его второй женитьбы.

В третьей, основной части рассказа – «В третьих» - повествуется о совместной жизни героя со второй женой.

За исключением экспозиции, помещённой во второй части, в которой в краткой форме даются основные сведения о герое рассказа, события, происходящие в его жизни, располагаются по очерёдности.

Рассказ Халида ал-Юсуфа «Мой образ для тебя» является небольшим по объёму. Повествование рассказа ведётся от третьего лица, большую часть текста составляют диалоги, и только два монолога главного героя.

Герои рассказа являются безымянными. Рассказ написан на литературном арабском языке без использования диалектов.

Рассказ Халида ал-Юсуфа «Мой образ для тебя» имеет открытый финал, и оставляет после себя много вопросов. Даст ли герой рассказа развод своей второй жене, осознаёт ли он расхождение своих передовых принципов с их применением на практике? Передумает ли его жена разводиться, или, напротив, будет настаивать на разводе? Обо всём этом можно только строить предположения.

Использованная литература:

Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: “Высшая школа”, 1999. – с.138.

اليك بعض آنحائي. خالد آحمد اليوسف

Барковская Е. Арабский мир: движение за женское равноправие. Азия и Африка сегодня. №7 (576), 2005.

Информационные материалы. Выпуск №7. Литературно – общественная жизнь арабских стран. –М., 1986.

موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث نصوص مختارة و دراسات. المجلد الرابع القصة القصيرة اعداد: الدكتور معجب . بن سعيد الزهراني دار المفردات للنشر و التوزيع الرياض 2001

محمد المنصور. الشقحاء الرغبة. دار المعرفو. بيروت. 2007.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРГА ХОС “КЕ” ЎЗАКЛИ СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

Бўронов Анвар Қорабоевич
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил изланувчиси. musannifkitoblar@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада муаллиф қадимги туркий тилдаги энг кичик туб ўзаклар ҳақида сўз юритган. Туркий тиллардаги “ке” ўзаги ва ушбу ўзакка янги товушлар қўшиш билан ясаладиган сўзларнинг маъносининг ўзгариб бориш жараёнига эътиборни қаратган. Ҳар битта сўзни олтой, турк, ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий тиллардаги вариантларига кўра алоҳида таҳлил қилиб муҳим хулосалар чиқарган. Туркий сўзларни бундай услубда этимологик таҳлил қилиш ўз қатлам сўзларни аниқлаш, шунингдек гипотетик олтой тилларидаги

сўзларнинг семасини қиёсий таҳлил қилишда ҳам муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган.

Калит сўзлар: алтаистика, туркология, лексика, сема, морфема, агглютинация, ке, кел, кет, кез, кеч, кер

Аннотация. в этой статье автор рассказал о самых маленьких корнях в древнетюркском языке. Он обратил внимание на корень "*ке*" который широко используется тюркских языках и на процесс изменения значения слов, который производится путем добавления новых звуков к этому корнью. Анализируя каждое слово отдельно в соответствии с его вариантами в алтайском, турецком, узбекском, казахском, кыргызском и других тюркских языках, он сделал важные выводы. Он убедительно подчеркивает о том что этимологический анализ тюркских слов в таком стиле является очен важном при выявления собственных слоев, а также при сравнительном анализе семы слов в гипотетических алтайских языках.

Ключевые слова: алтаистика, туркология, лексика, сема, морфема, агглютинация, ке, кел, кет, кез, кеч, кер

Аннотация. Автор бұл мақаласында ежелгі түркі тіліндегі сөз түбірлері жөнінде сөз өрбітеді. Онда түркі тілдеріндегі «ке» түбірі мен осы түбірге жаңа дыбыстардың қосылуы арқылы жасалған сөздердің мағынасының өзгеру үдерісіне назар аударған. Әр сөзді алтай, түрік, өзбек, қазақ, қырғыз және басқа түркі тілдеріндегі нұсқаларына сәйкес жеке талдай отырып, маңызды тұжырымдар жасаған. Түркі сөздеріне осылайша этимологиялық талдау жасаудың өздік сөз таптарын анықтау үшін де, гипотетикалық алтай тілдеріндегі сөздердің семантикасын салыстырмалы талдауда өте маңызды екенін атап көрсетеді.

Түйінді сөздер: алтаистика, түркология, лексика, сема, морфема, агглютинация, ке, кел, кет, кез, кеш, кер.

Бугунги кундаги замонавий туркий тиллар қадимги турк тилининг ворисларидир. Шунинг учун уларда боботилга оид умумий генетик ва типологик ўхшашликлар сезилиб туради. Туркий тиллар морфологиясидаги агглютинация эса алоҳида ҳодиса бўлиб, унга кўра морфемалар бирлашса-да ўзак сўзлар ўзгармасдан қолади. Ушбу жиҳат барча туркий тилларга хосдир. Шунинг учун туб сўзларни аниқлашда энг кичик ўзакларни аниқлаб олиш ва таҳлил қилиш самарали бўлади.

“Қадимги туркий тил луғати”нинг лексикасини тадқиқ қилиш, барча туркий диалектлардаги ҳамда олтой тилларидаги ўз қатлам сўзлар асосан кичик ўзаклардан ясалганини кўрсатади. Бундай ўзаклар ўз ўрнида алоҳида лексема сифатида ҳам кўринади. Мисол учун ўзбек тилидаги *у* унлиси алоҳида лексемадир, у озарбайжон, турк тилларида *о(ў)* шаклида келади. Айни сўз олтой, қозоқ, қирғиз ва бошқа қипчоқ тилларида *ол* шаклида талаффуз қилинса-да алоҳида *о* ҳам *у* маъносини беради. Бундай ўзакларга қўшилган ҳар битта товуш янги лексемани ҳосил қилади. Унинг олдидан *с* қўшилиб *су*, *б* қўшилиб *бу*, *ш* қўшили *шу* сўзларини ҳосил қилади. Қуйида айни шунда хусусиятли *ке* ўзагидан ясаладиган сўзларнинг ясалишига ва маъноларнинг ўзгариб боришига эътибор қаратамиз.

Ке ўзакли сўзлар турли тилларда турлича шаклларда жумладан, ўғуз диалектларида *ге* шаклида, аксарият қипчоқ ва қарлуқ диалектларида эса *ке* шаклида талаффуз қилинади. Қозоқ ва бошқирд тилларида, шунингдек булғор гуруҳига кирувчи чуваш тилида ҳам *ки* шакли ишлатилади, аммо бу *ке*нинг фонетик ўзгарган ҳолати холос.

Ке сўзи мазмунига кўра бир нуқтадан иккинчи нуқтага ўтишни англатади. Ўтиш ҳаракати маконда ва замонда алоҳида талқинга эга. *Ке* лексемаси маконда А нуқадан Б нуқтага кетишни ёки Б нуқадан А нуқтага қайтишни билдиради. Бунда ўзак сўзга қўшилган янги товушлар семантик ўзгаришларни ҳосил қилади.

Ке ўзагига т товуши қўшилганда кет сўзи ҳосил бўлади.

Маконда: кет А нуқадан Б нуқтага ўтиш(кетиш)ни англатади.

А ⟹ *Б*

кет(гет)

Мисол: Бу ердан *кет*!

Замонда: кет маълум бир вақтнинг ўтиб кетишини англатади.

Мисол: эски йил ўтиб *кет*ди.

Кет сўзи барча туркий тилларда буйруқ майлида, ҳаракатни бажариш бажармаслик ҳақида буюриш, ундаш, истак каби маънолар ифодаловчи сўз сифати ишлатилади: *кет, кетақол, кетасанми?*

Шунингдек *кет* бирон нарсанинг орқа қисмини ҳам билдиради.

Кет жуфт сўз шаклида ҳам ишлатилади ва унда ҳам А нуқадан Б нуқтага ўтиш(кетиш)ни англатади: *кетма-кет*

Ўзбек тилида *кет* ўзаги иштирок этган ўз қатлам сўзлар шу маънода ишлатилади: *кетмоқ, кетиш, кетказмоқ ва ҳк.*

Ўзлашган сўзлар эса бошқача маъноларни англатиши мумкин. Мисол учун *кетмон(форс)* ёки *кефир(рус)* сўзлари бошқа предметларни ифодалайди.

Ке ўзагига *л* товуши қўшилганда *кел* сўзи ҳосил бўлади.

Маконда: кет Б нуқадан А нуқтага ўтиш(қайтиш)ни англатади.

А ⟸ *Б*

кел(гел)

Мисол:Бу ёққа *кел*!

Замонда: *кел* маълум бир вақтнинг келишини англатади.

Мисол: янги йил кириб *кел*ди.

Кел сўзи барча туркий тилларда буйруқ майлида, ҳаракатни бажариш бажармаслик ҳақида буюриш, ундаш, истак каби маънолар ифодаловчи сўз сифати ишлатилади: *кел, келақол, келасанми?*

Кел жуфт сўз шаклида ҳам ишлатилади ва унда ҳам Б нуқадан Ануқтага ўтиш(қайтиш)ни англатади: *кел-кел*

Ўзбек тилида *кел* ўзаги иштирок этган ўз қатлам сўзлар шу маънода ишлатилади: *келмоқ, келиш, келтирмоқ ва ҳк.*

Кел ўзагидан ясалган сўзлар замонларда ҳам турланади ва кўп ҳолатларда кимнинг ёки ниманингдир келгани, келаётгани, келишини ҳам англатади: *Янги йил кириб келди, келаётган йил, келгуси йил, келажак ва ҳк.*

Келим сўзи *кирим* маъносида ишлатилади. *Келин* ёки *келгинди* сўзлари бошқа жойдан келганликни билдиради.

Келтирмоқ сўзи эса Б нуқадан А нуқтага ниманидир ёки кимнидир келтиришни англатади.

Кел ва *кет* сўзларидан жуфт сўзлар ҳам ясалади: *келди – кетди, келим-кетим ва ҳк.*

Ке ўзагига з товуши қўшилганда *кез* сўзи ҳосил бўлади.

Маконда: кез маълум бир жойдан бошқа бир жойга эркин ёки уловда ўтишни англатади: *кезмоқ, кезинмоқ*

Замонда: кез маълум бир вақтни, аникроғи ўтаётган онни англатади ва замонларда турланади*: ёшлик кезлари, шу кез, кези келса*

Кез сўзи аксарият туркий тилларда сайр ёки саёҳат қилмоқ маъносида ишлатилади. Мисол учун, озарбайжон тилида сайр қилмоқ gəzişmək(кезмоқ) сўзи орқали ифодаланади. Демак, кез сўзи траекторияси аниқ бўлмаган ўтиш ёки қайтишни англатади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кез ўзакли 4 та *кез, кезак, кезинмоқ* ва *кезмоқ* сўзлари қайд этилган[246]. Аммо, Э.В. Севортяннинг этимологик луғатида кезнинг ўтиш маъносини бериши келтириб ўтилган.[247] Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида кез ўзакли ўнлаб сўзлар келтирилган, аммо уларнинг кўпчилиги бошқа маъно берувчи сўзлардан иборат. Биз тадқиқ қилаётган *кез* эса *кезитти* (айлантириб чиқди) ва *кезиш*(айланиб чиқди) шаклида қайд қилинган. Маҳмуд Кошғарий қўллаган кез 2 маънода ўқнинг қўйи томони ва *қирмоч*ни англатади[248].

Кез сўзи ўзбек адабиётида фаол қўлланилади. Аммо кундалик ҳаётда унинг ўрнига сайр, саёҳат каби ўзлашган сўзлар кўпроқ қўлланилади.

Ке ўзагига с товуши қўшилганда кес сўзи ҳосил бўлади.

Маконда: кес маълум бир сатҳда А нуқтада Б нуқтагача ўтишни ёки бирон нарсани кесишни англатади: *кесиб ўтиш, кесиш*

Замонда: ўзбек тилида *кес* замонда қўлланилмайди. Аммо моддият ва макон билан боғлиқ бўлмаган айрим жумлалар ишлатилади.(*суд кесди, ойликни кесди)*

“Девони луғатит турк”да *кес* 2 та, кесак ва бирон нарсанинг бўлаги маъносида келади. Кес ўзакли сўзлар эса 21 тани ташкил қилади[249]. Э.В. Севортяннинг этимологик луғатида 7 хил маъноси берилган:

1. кесик(кесак, бўлак)
2. кесмоқ
3. қайта кесмоқ, кесиб тўтатмоқ(мисол учун йўлни)
4. кесиш(суд кесиш, жазо тайинлаш)
5. кесиш-қисқартириш(ойликни қисқартириш)
6. кесиб олиб ташлаш
7. саргардон юриш, ёлғон сўзлаш[250].

---

[246] Ўзбек тилининг изоҳли луғати “К” ҳарфи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2006. – Б. 341.
[247] Севортян. Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюрские основы на буквы “К”, “Қ”. – Москва: Наука, 1974. – С. 21.
[248] Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 150.
[249] Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 156.
[250] Севортян. Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюрские основы на буквы “К”, “Қ”. – Москва: Наука, 1974. – С. 56.

Ўзбек тилида ҳам айнан шу мазмундаги сўзлар учрайди. Шунингдек, ўзбек тилида геометрияда қўлланиладиган кесма сўзи ҳам мавжуд ва у қўйидагича таърифланади: Тўғри чизиқнинг A ва B нуқталари орасидаги ва шу нуқталарни қўшиб ҳисоблагандаги қисми *кесма* дейилади.

Ке ўзагига ч товуши қўшилганда кеч сўзи ҳосил бўлади.

Маконда: *кеч* маълум бир жойдан бошқа бир жойга ўтишни англатади: *кечмоқ, кечиб ўтмоқ.*

Замонда: *кеч* маълум бир вақтнинг бошқасига алмашинуви пайтини анлатади*: кеч кириб кун тунга алмашди*

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кечнинг 4 та маъноси берилган:

1. сутканинг кундуз қисми тугаб, тун қисми бошланиши
2. кечаси, тун
3. муайян вақтнинг ўтиш(тугаш) вақти
4. вақт ёки фурсатнинг ўтиши.

Бундан кўринадики, *кеч* сўзининг барча туркий тилларда мавжуд буйруқ майлида, ҳаракатни бажариш бажармаслик ҳақида буюриш, ундаш, истак каби маънолар луғатга киритилмай қолган.

Олтой тилида эса *кеч* сўзи бирон жойдан ўтишни билдиради: јол кечер(йўлдан ўтиш); јӱзӱп кечер(сувдан сузиб ўтиш); кечӱ-кӱрдеҥ кечер(кўприкдан ўтиш)[251]. Турк, озарбайжон тилларида ҳам кеч бирон жойдан ўтишни билдиради: nehrin içinden geçer[252].

Ўзбек тилида *кечмоқ* бирон сувли, ботқоқли ҳудуддан ўтишни англатади. Бундан кўринадики, ўзбек тилида ўзбек тилида *кечмоқ* нинг маъноси торайган. “Таржумон”да кечнинг икки хил маъноси берилган: 1. маконда: *ўтиш*; замонда: *вақтнинг ўтиши*; 2. *кечикмоқ, сустлик қилмоқ*[253].

Кеч ўзагидан ясаладиган *кеча* сўзининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу сутканинг кундуз қисми тугаб тун қисми бошланишини англатади. Демак, бу ҳам замонда ўтишни билдиради. Аммо тил тараққиёти давомида бу сўз ўтган кун, тун маъноларида ҳам қўлланила бошлаган. Аслида эса ўтган кун *туновин*(тундан олдин), тун эса фақат тун деб аталган. Бугунги кунда ўзбек тилида кеча маъносида *шом, оқшом* сўзлари кўпроқ ишлатилади.

Замонавий туркий тилларнинг деярли барчасида *кеч* ўзаги билан ясаладиган кўплаб сўзлар учрайди. Аммо уларнинг маънолари бир-биридан фарқ қилиши ёки айнан бўлиши ҳам мумкин. Туркий тиллар орасида олтой тилида *кеч* ўзакли лексемалар кўпроқ учрайди. Уларнинг умумий сони 16 та бўлиб, орасида бошқа тилларда мутлақо учрамайдиган лесемалар ҳам бор. Мисол учун олтойча *кечкин* ҳам келиннинг бир варианти саналади. Кўприк эса *кечӱ-кӱр* дейилади. Бу сўз *кечув* ва *қур*илма сўзларининг бирикмасидир.

Кечир лексемаси барча туркий тилларда бирон воқеа ёки гина-кудратни унутиш, ўтказиб юбориш бўлса, кек унинг тескари маъносида қўлланилади. Аммо, бир нечта туркий тилларда, хусусан якут(рус.брасты), бошқирд

[251] Алтайско-русский словарь / Алтай-орус созлик. Авторск. кол. А.Э.Чумакаев (отв. ред.). – Горно-Алтайск: НИИ алтаистики им. С. С. Суразакова, 2018. – С. 320-322.
[252] https://translate.google.com/
[253] Таржумон – XIV аср ёзма обидаси. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 102.

(араб.турк. ғәфү итегеҙ), турк(араб.турк.affediyorsunuz), озарбайжон(bağışlayın) тилларида бошқа шаклда талаффуз қилинади.

Ке ўзаги қўшиладиган бошқа б, в, г, д, ж, й, к, н, п, р, ф, х, ш, қ ундошлар билан лексема ясалганда ўтиш маъноси йўқ. Фақат кей(кейин) сўзида ўтиш маъноси сақланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, туркий тилдаги ҳар битта кичик лексемани таҳлил қилиш ўз қатлам сўзларни аниқлашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Айни услубда олтой тилларини хусусан мўғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тилларидаги лексемаларни ҳам мумкин. Бу эса ўз-ўзидан олтойшуносликни ривожлантириш, хусусан гипотетик олтой тиллари оиласининг мавжудлигини исботлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати “К” ҳарфи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2006. – Б. 341.
2. Севортян. Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюрские основы на буквы “К”, “Қ”. – Москва: Наука, 1974. – С. 21.
3. Буранов. А. Олтой тилининг лингофондида мазмуни аниқ сақланиб келаётган туркий тилларга хос “тў” ва “қи” лексемаларининг қиёсий таҳлили. ЎзМУ хабарлари, 2021. № 1/3. – Тошкент. 193-196 б.
4. Буранов. А. Туркий тилларга хос қа ўзакли лексемаларнинг таҳлили. ЎзМУ хабарлари, 2022. № 1/2/1.. – Тошкент. 277-280 б.
5. Bo‘ronov A.K. Yorga yetar kun bormi yoronlar... (“Yor” leksemasining tahlili) “Manaviy hayot” jurnali. – Toshkent, 2022. 3-son – B. 66-69.
6. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 150.
7. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 156.
8. Севортян. Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюрские основы на буквы “К”, “Қ”. – Москва: Наука, 1974. – С. 56.
9. Алтайско-русский словарь / Алтай-орус созлик. Авторск. кол. А.Э.Чумакаев (отв. ред.). – Горно-Алтайск: НИИ алтаистики им. С. С. Суразакова, 2018. – С. 320-322.
10. Таржумон – XIV аср ёзма обидаси. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 102.

XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ ХИТОЙ ДРАМАЛАРИНИНГ МАВЗУЛАР КЎЛАМИ

Комилова Шахноза Туробиддиновна
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик”
кафедраси катта ўқитувчиси.
Тошкент, Ўзбекистон
sh_muslima@inbox.ru

Аннотация. Мақола доирасида XX аср 20 йилларининг бошларида Хитойга хорижий адабий оқимларнинг кириб келиши, янги шаклдаги драманинг вужудга келиши, шу тариқа Хитой драматургияси ривожида учта асосий тамойил кузатилганлиги, инқиилобдан кейинги даврда яратилган пьесаларда эса мавжуд тузимга қарши танқидий фикр-мулоҳазаларни акс эттириш тамойили

кучайганлиги, 30-йилларига келиб Япон босқинчиларига қарши кураш ҳаракатлари жараёнида театр ва драматургия ривожи хусусида сўз юритилади. Шу билан бирга бу давр драма жанрининг ривожига хисса қўшган драматурглар Ся Ян, Ю Линг, Сонг Чжиден, Тянь Хан, Ю Линг, Чжанг Чжун Сианг, Чен Бай Чен пьесалари хусусида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: “хуацзюй”, ария, театр ва драматургия, инқилоб, пьеса

Аннотация. Мақала аясында 20 ғасырдың 20-жылдарының басында Қытайға шетелдік әдеби ағымдардың енуі, драматургияның жаңа түрінің пайда болуы, осылайша қытай драматургиясының дамуында үш негізгі ұстаным байқалып, пьесаларда революциядан кейінгі кезеңде құрылған, қалыптасқан жүйеге қарсы сыни пікірлер принципі, бақылауларды бейнелеу принципі күшейді.1930 жылдарға қарай жапон басқыншыларына қарсы күрес кезінде театр мен драматургияның дамуы туралы айтылады. Бұл ретте осы кезеңдегі драма жанрының дамуына үлес қосқан драматургтер Ся Янь, Юй Лиң, Сун Жиден, Тянь Хан, Ю Лиң, Чжан Чжун Сян, Чен Бай Чен пьесалары туралы мәліметтер беріледі..

Түйін сөздер: «хуатжиуй», ария, театр және драматургия, революция, песа

Аннотация. В рамках статьи показано о проникновении иностранных литературных течений в Китай в начале 20-х годов XX века и возникновении драмы новой формы, а также развитие трёх основных принципов в развитии китайской драматургии. Отражение наблюдений усиленых критических принципов против существующего строя в пьесах созданных в послереволюционный период. Развитии театра и драматургии в 30-м годах в процессе боевых действий против японских захватчиков. Роль Ся Яня, Ю Линга, Сон Чжидэня, Тянь Хана, Чжун Сианга, Чэн Бай Чэня, которые способствовали развитию жанра драмы этого периода.

Ключевые слова: "хуацзюй", Ария, театр и драма, революция, пьеса

Хитойда театр ва драматургия асрлар мобайнида миллий анъаналар ўзанида ривожланди. Бироқ XX аср бошларига келиб ғоявий йўналиш, мазмун-мундарижа, шаклда янгиланишлар, ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврга келиб жамиятда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар туфайли миллий санъатда мураккаб жараёнлар юзага келди. Анъанавий театрда юзага келган инқирозли ҳолат хорижий маданиятни фаол ўрганиш ва шу аснода драматургия ва театрнинг янги кўринишини ривожига туртки бўлди. Бу санъат Хитойга Ғарбдан инқилобий-демократик ғоялар билан бирга кириб келди. Шу даврларда **“хуацзюй”** (“оғзаки драма”) – замонавий драманинг илк намуналари матбуотда чоп этила бошлади. “Оғзаки драма” деб номланадиган бу санъат турининг ўзига хослигини, драманинг анъанавий, эски, синкретик мусиқий шаклидан тубдан фарқ қилишига ишора қилади. Унда одатда қадимги тилда ижро этиладиган шеърий монолог - ариялар ўрнини жонли замонавий сўзлашув услуби асосий ўринни эгаллади. Нафақат драма тилида, персонажлар нутқида, балки асосий бадиий тасвир воситалари, пьесаларнинг парда ва актларга бўлинишида, қаҳрамонларнинг либос ва саҳна декорацияларида кескин фарқлар кўзга ташланди. Янги санъат – бу воқеликни янгича идрок этиш шакли, халқ маънавий ҳаётининг янги соҳаси сифатида майдонга чиқди. Уни анъанавий

театрдан фарқли жиҳатларидан яна бири муҳим ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик ва бошқа долзарб масалаларнинг кўтарилишидир.

XX аср 20 йилларининг бошларида Хитойга хорижий адабий оқимларнинг кириб келиши кучайди. Чет эл драматургияси билан танишув Хитой учун антик даврдан замонавий давргача бўлган жаҳон санъати хазиналарига йўл очди. Хорижий драматургия ҳам ёзувчиларни, ҳам ўқувчи-томошабинни янги хитой драмасига тайёрлади. Демак, 20 йиллар Хитой драматургияси ривожида учта та асосий тамойил кузатилди: анъанавий театр билан боғлиқ миллий мерос, хорижий драматургияни ўзлаштириш ва замонавий миллий драма.

Замонавий миллий драматургия бошданоқ кўп қатламли санъатни ўзида мужассам этди. “Хуацзюй” жанрининг пайдо бўлишида биринчи қадамни демократик руҳдаги илғор драматурглар қўйдилар. Уларнинг аксарияти хорижий давлатларга бориб, у ердаги илғор маданият билан танишдилар. Булар орасидан Оуян Юйцян, Ся Ян – Японияга, Хун Шэнь, Сюн Фуси – АҚШга бориб таълим олдилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг ижодида ёрқин из қолдирди. Хитойда янги драматургия деганда замонавий хитой драма театри учун сўзлашув тилида ёзилган пьесалар тушунилади. Янги драматургия Тян Хан ва Хун Шеньнинг маиший мавзудаги пьесалари билан бошланган. Шоир Го Можонинг тарихий, Цао Юнинг ўткир ижтимоий мавзудаги пьесалари ушбу драматургиянинг етук асарлари саналади. Насрда бўлганидек, драматургия ва театрда ҳам инқилоб ғояларини ташвиқ қилиш воситасига айланган эди.

XX асрнинг 30-йилларига келиб, Хитойда бир мунча қалтис сиёсий вазият юзага келди: Хитойга Япония ҳужуми хавф солар эди. Япон босқинчиларига қарши кураш ҳаракатлари жараёнида театр ва драматургия ривожи янада фаоллашди. Хамкорликда чиқарилган «*Қишлоқдаги мақола*», «*Армиядаги мақола*» шиорлари остида руҳланган кўпчилик театр ижодкорлари ўз фаолиятларини бошладилар ва улар ватанни ҳалокатдан қутқаришга қаратилган асарларни саҳналаштирдилар, шу билан бир қаторда душманга қарши тарғибот қилувчилар жамоаси ва болалар труппаси турли йўллар билан мамлакатнинг турли туманларга, қишлоқ ва фронтларга кириб борди. Шу билан бир вақтда муаллифи номаълум бўлган *«Яхшилаб адабини бериш», «Охирги бир метр» ва «Қамиш куйи»* номли кичик шаклдаги драмалар кенг тарқалди. Бу даврда истеъдодли драматург сифатида шаклланган ёзувчилар ижоди янги босқичга ўтди. Япон босқинчиларига қарши кураш мавзусидаги *«Заминни асраш», «Саккиз юз пахлавон»*, шунингдек Ся Яннинг *«Биз контурхужум килишимиз керак»,* Хуанг Мейнинг *«Шайтонни савалаш»*, Эй Чангнинг *«Ўз уйига қайтиб бормоқ»*, Ю Линг (тахаллуси Лонг Жинг) нинг *«Битта ўқни тежаш»,* Си Лингнинг *«Аланга ичида»* каби асарлари айнан шу даврда яратилди[254]. Бу драматик асарлар ўзининг хаётийлиги, жанговорлик ҳусусиятга бойлиги билан омманинг меҳрини қозонди. Сиёсий аҳволнинг барқарор эмаслиги, вақтнинг тез ўтиши туфайли бу драматик асарларни бироз қўпол, бачкана, схемалаштирилгандек тасаввур қилиш мумкин. Япон босқинчиларига қарши жангда кучлар тенг келгач, театр томошалари аста секин қишлоқ, уруш худудларидан фронт ортидаги шаҳарларга ўтди. Кўп харакатли (актли) пьесалар

[254] 中国现代文学史 1917-1997/ 北京 / 2008 年。306-310。

яратилди. Мамлакатнинг барча худудлари ва Шанхай драматурглари асарларида уруш мавзуси, Гоминдан партияси парчаланиши мавзуси кўтарилди. Бу даврда яратилган реалистик драмалардан Ся Яннинг *«Шанхай томлари остида» (1937й),* «*Бир йил оралиғида» (1938й), «Қалб қўрғони» (1940й), «Шаҳарни эслаб соғиниш» (1940й), «Кўл ва дарёларга бой юртни мадх этиш» (1942й), «Фашист бактерияси» (1942й), «Баланд баланд кўп ўтлар» (1944й) ва «Дунёнинг нариги четидаги хушбуй ўт» (1945й)* каби асарлари эътироф этилади[255].

Сонг Чжиденинг *«Қамчи»* ва *«Ватан бизни чорламоқда»* каби 40-йилларда яратган асари бошқа асарларга нисбатан таъсирлироқдир. Унинг *«Қамчи»* номли асарда шимолдан Чанг Чингга келган бир гуруҳ талабаларнинг хаёти, уларнинг қийинчиликлари, охир оқибат жамиятда содир бўлаётган тубанликлар, жирканчликлар, ёшларнинг буржуазияга оид билимларининг сустлиги танқид остига олинади. Драма Чонг Чингда намойиш этилганда жуда катта шов-шувга сабаб бўлган. Драматургнинг *«Ватан бизни чорламоқда»* номли яна бир драмасида япон босқинчилари томонидан босиб олинган Гонг Конгдаги бир зиёли оиланнинг инқилобчилар таьсири остида ўз ватанини тарк этиши жараёни тасвирланган. Асарда инқилобчилар ва ўқимишли ёшлар ўзини япон босқинчиларига қарши курашга бағишлаганлари улуғланган.

40-йилларда драматург Тянь Ханнинг икки катта мавзу - япон босқинчиларига қарши кураш ва демократик ғоялар илгари сурилган мавзуларида ижод қила бошлади[256]: *«Куз товуши таьрифи» (1941й), «Шамол ва ёмғирда қайтган қайиқ» (1942й., яна бир номи «Кўришгунча Шанхай»),* шунингдек Хун Шэнь ва Ся Ян хамкорлигидаги «*Олтин давр» (1942й), «Инсон гўзаллиги» (1946-47й), «Корея ахволи» (1948й)* асарлари яратилди.

Ю Линг (тахаллуси Лонг Жинг) драмаларининг кўпчилигида Шанхайдаги реал хаёт тасвири асосий мавзу қилиб олинган. Шаҳардаги кўпгина қийинчиликларни ва япон босқинчиларига кўрсатилаётган қаршиликларни тасвирлаш билан бир қаторда Япон империализми ва халқни таъқиб қилган ватан сотқинлари ва жиноятчилар ҳам асарда фош қилинган. «*Тунгги Шанхай»(1939й), «Узун тун»* номли асарлар Ю Лингнинг уруш даврида*(1942й)* ёзилган энг сара асарларидир[257]. *«Тунги Шанхай»*да прогрессив руҳдаги Меидинг Чун оиласининг Шанхайда кечган фожеали тақдири орқали шу даврдаги кўплаб оилалар тақдири тасвирланган. Унда Шанхайдаги жамият қатламида инсоннинг турмуш-тарзи, халқнинг кун сайин японларга қаршилик кўрсатиш истаги ошиб боришини нисбатан кенг тарзда очиб беришга ҳаракат қилинган. Барча образлар орқали ватанини севадиган зиёлиларни, ўзларининг «хаётнинг қоронғу йўлларида қоқилмаслик» ақидасига, ахлоқий қадриятларга амал қилиб, ўз орзу-умидларига эришиш йўлидаги урушаётган кучли ирода эгаларини тасвирланган.

Чжанг Чжун Сианг 1944 йилда ёзган тўрт актли *«Намуна бўлган беш ҳаёт»* асари хам ўша даврдаги жуда таьсирли драмалардан бири. Асарда нуфузли бир университет профессори Лин Тонг бош образ сифатида тасвирланган. Пьесада мураккаб сюжет ва шиддатли қарама - қаршиликлар (конфликт) кузатилмайди,

---

[255] Ўша китоб
[256] Ўша китоб
[257] Ўша китоб.

бироқ асарда қатор хаётий деталлар танланганки, буларнинг барчаси Тонгнинг қиёфасида соф ва хақиқий (ишончли) намунали инсон образини намоён қилади. Унинг руҳияти, характери ўша даврда яшаган шу типдаги шахснинг руҳияти ва характерини мужассамлаштирган. Юан Чжунгнинг *«Кичик шаҳар ҳикояси», «Шаҳар ташқарисидаги ҳикоя», «Тонг ҳикояси» ва «Америка президенти рақами»*[258] номли драмалари ҳам машҳур бўлиб, бу драмаларнинг ёзилиш услуби нисбатан мукаммал, хажвга бой (қувноқ сўзлар билан ёзилган) ҳисобланади.

Чен Бай Чен ўзининг маҳорат билан ёзилган ҳажвий комедиялари орқали машҳурдир. Ёзувчи уруш даврида *«Қийинчилик пайтидаги эркаклар ва аёллар»*(1939й)*, «Турмуш қуриш мусиқаси»*(1942й) ва бошқа кўплаб драмалар яратган. У биринчилардан бўлиб уруш бошида Нанкингдаги узоқ фронт ортидаги жамиятнинг турли хил жирканч кўринишларини тасвирлаб берган. Бош образ Хуанг Янг бир мустақил аёлдир, у эркак кишига қарам бўлишни истамайди, ўз меҳнати эвазига яшашни истайди, шу сабабли уйини ташлаб кетади. У жамият ичига киришга харакат қилади. Ҳар жойда ишлаш учун интилади, лекин у ҳар ерда омадсизликка учрайди. Шу тариқа жамият у учун ҳеч қандай «боғ» эмас, балки «жарлик» ва «ботқоқликдир» деган фикрга келади.

Ван Гаонинг *«Лавозимга кўтарилиш режаси»* (1945) пьесаси Чен Бай Ченнинг яратган сатира намуналарини эслатади. Пьеса сюжетига икки ўғрининг мансабга кўтарилиши уларнинг тушида аён бўлиши воқеаси асос қилиб олинган. Драма сюжети қуйдагича: Тунда бир эски уйда иккита ўғри мансабга кўтарилиб бойиб кетганликларини, ўзларини уезд бошлиғи ва бош котиб ўрнида эканликларини тушларида кўрадилар. Ёзувчи пьессада содир бўлган ҳодисаларни Хитой республикасининг илк (1912-1942) йиллардаги мамлакатда содир бўлган воқеалар асосида ёзган. Аслида бир қарашдаёк бу сатирик асарда Гоминданглар ҳукмронлик қилган даврни билиб олиш мумкин. Драмада туш кўриш ёрдамида гипербола ва карикатура кўринишидаги сатира усулини қўллаган холда, салбий инсоннинг жирканч одатлари очиб берилади. Натижада драма жуда муваффақиятли чиқишига сабаб бўлади. Драма сюжетига фантастика кириб келади, лекин жамиятдаги хақиқат фош этилади. Фантастика ва реаллик бирлашади. Бунда комик маьно ва комик сюжет, саҳна, усул ҳаммаси ўз натижасини берган тўлақонли хажвий комедия яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср биринчи ярми Хитой драматургиясининг энг муҳим жиҳати унинг ижтимоий муаммоларни тасвирлашда, жамият хаётининг салбий томонларини фош қилишда танқидий руҳ, сатиранинг етакчи мавқе эгаллаганида намоён бўлди. Инқилобдан кейинги даврда яратилган пьесаларда эса мавжуд тузимга қарши танқидий фикр-мулоҳазалар, мушоҳадаларни акс эттириш тамойили кучайган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Tarixdan ma'lumki, 1506-yilning kuzida temuriy beklarning birlashib, Shaybonixon ustiga yurish qoldirilgach, Bobur Husayn Bayqarodan keyin Hirot taxtini sherikchilik bilan boshqarayotgan Badiuzzamon va Muzaffar Mirzoning taklifi bilan Hirotga boradi.[291] U bir muddat Navoiyning uyida yashaydi. Qish chillasida Kobulga qaytadi. Kobulda esa ayni payt fitna uyushtirilgan, taxt Mirzoxon ismli kishiga olib berilgan edi. Tadbirkor hukmdor Bobur fitnani bostiradi va hatto gunohkorni kechirib, yuksak insoniylik fazilatini namoyon etadi.

Podshohning ziddiyatli hayot yo'lini tushunishga harakat qilgan, shohlik holatini ana shunday tarixiy asoslarga egaligi bilan Muhammad Yusuf Bobur timsolini quyidagicha aks ettirib e'tiborimizni tortadi:

Shohlarga ham oson emas, shohlarga ham,
Mulki jannat bo'lsa hamki Bog'i Eram,
Besh panjasi bir kaftiga bo'lmasa jam,
O'z yurtida qaydan qursin Tojmahallar,
Shohlarga ham oson emas, shohlarga ham,
Yurt tuprog'in sizku tavob etmassiz ham,
U kimningdir dilidagi yorug' olam.
Sizga misol kerak bo'lsa ana – Bobur,
U dunyoda eng buyuk shoh va ... musofir,
Shohlarga ham oson emas, shohlarga ham.

"Tarixi Rashidiy"dan: "U turli go'zal fazilatlar, maqtovga loyiq sifatlarga ega podshoh edi. Barcha sifatlari ichida shijoat va muruvvatpeshaligi ustun kelar edi". [292] Tarix kitobidan saboq olgan shoir aytib o'tganimizdek "ulug'lariga munosib vorislarni" kelishiga ishonadi "Ilim istang":

Ko'z ochganda kezib bahri ummon,
Yetti tilda so'ylashgan biz tili biyron.
Vatanida Tohmahallar tiklar sulton –
Boburlari, Behzodlari, ilm istang.

"Ajab dunyo"

Ikki buyuk hikmat, ikki xush zabon,
Ikki buyuk dildan yo'qdir sado bir.
Biz g'animga bejang topshirgan qo'rg'on –
Navoiy Hirotda, Qobulda Bobur

Shoirning Zahiriddin Muhammad Bobur haqidagi she'rlari kishini o'ylantirmay qolmaydi.O'z xalqining tarixiga bu qadar hurmat-ehtirom ko'rsatish, tarix

[291] Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma: O'rta yoshdagi maktab bolalari uchun. Nashrga tayyorlovchi P. Shamsiyev, muharrir A. O'ktam. – Toshkent: Yulduzcha, 1989, 368-bet.
[292] Saviya. Uz.

zarvaraqlarini she’riy misralarda bayon etib, uni keying avlodlarga yekazish bu juda katta ma’naviy jasoratdir.Yana bir mushtaraklik, Muhammad Yusuf umr ko‘rishda ham o‘z salaflaridan oshib ketmagan. Vatandoshlarimizning qisqa, ammo sermazmun umr yo‘llari ham tengdir. U o‘z diyorini, ona tuprog‘ini bir farzand suyganchalik suydi, bir farzand yanglig‘ ko‘nglini ufqlarday keng ochib tarannum etdi. Taqdirning beshafqat hukmini qarangkim, Andijondan chiqqan yana bir shoiriga Zahiriddin Muhammad Bobur umrini ravo ko‘rmish. Taqdir - haqdir. U ozod, dilbar Vatanini bir farzand yanglig‘ sidqidildan, ko‘nglini osmonlarday keng ochib kuylab o‘tdi. «Ey do‘stlarim, dunyoda ortda qolgan iz yaxshi» degan shoirdan el-u eldoshlari qalbida o‘chmas iz qoldi.[293]

Foydalangan adabiyotlar:

1. Haqqul I. Mushohada yog‘dusi. Adabiy o‘ylar (To‘plab nashrga tayyorlovchi va so‘z boshi muallifi: E.Ochilov). – Toshkent: “Fan”, 166-bet.
2. Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз. – Тошкент: Муҳаммад Юсуф номидаги адабий-ижтимоий фонд. 2011, 187-бет.
3. Muhammad Yusuf zamondoshlari xotirasida. –Toshkent:, “DAVR PRESS”, 2019.
4. Muhammad Yusuf. Xalq bo‘l elim. – Toshkent:, “O‘zbekiston”, 2018.
5. Muhammad Yusuf. Saylanma. – Toshkent:, “Sharq”, 2019.
6. Сирожиддин Саййид. Бу ёруғ дунёда ўчмас чироғим ёхуд ортда қолган из. // Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида. – Тошкент: “ADIB” – Б. 42.
7. G‘iyosiddin Xondamir. Makorim ul-axloq (Fors tilidan Komiljon Rahimov tarjimasi). – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa uyi.
8. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma: O’rta yoshdagi maktab bolalari uchun. Nashrga tayyorlovchi P. Shamsiyev, muharrir A. O’ktam. – Toshkent: Yulduzcha, 1989, 368-bet.

SHUKUR XOLMIRZAYEV IJODIDA REALISTIK TASVIR USTUVORLIGI

Abduraimova Hilola Usmon qizi
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti 2-kurs magistranti, E-mail: xdavronbek539@gmail.com

Annotatsiya. Xolmirzayev yozuvchilar orasida birinchilardan bo‘lib o‘zbek xalqi tarixining „bosmachilik harakati“ deb atab kelingan davrini o‘rgana boshladi. Yozuvchining „Qil ko‘prik“ romani va „Qora kamar“ (1987) pyesasida shu mavzu o‘z ifodasini topdi. Ularda adashgan kishilar fojiasi obrazlarda yorqin gavdalantirilgan. Xolmirzayev pyesasi asosida Abror Hidoyatov nomidagi Yoshlar teatrida sahnalashtirilgan „Qora kamar“ spektakli yosh avlodda tarixiy o‘tmishga yangicha yondashish maylining paydo bo‘lishida muhim rol o‘ynadi. Xolmirzayevning o‘zbek xotinqizlarining sho‘ro davridagi fojiali taqdiriga bag‘ishlangan „Ziyofat“ pyesasi ham Yoshlar teatrida sahnalashtirilgan (1990).

Xolmirzayev so‘nggi yillarda Sh. Burhonov, B. Zokirov, R. Choriyev, Shuhrat, O. Yoqubov, O‘. Umarbekov, A. Oripov, M. Qo‘shjonov singari taniqli adabiyot va san’at namoyandalari haqida esselar va adabiytanqidiy maqolalar yozdi.

[293] Сирожиддин Саййид. Бу ёруғ дунёда ўчмас чироғим ёхуд ортда қолган из.Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида. – Тошкент, “ADIB” – Б. 42.

Xolmirzayev — roman janrida bir qator asarlar yozgani va bu asarlar shu davr o‘zbek romannavisligi tarixida muayyan o‘ringa ega bo‘lishiga qaramay, avvalo hikoyanavis. U o‘z hikoyalarida A. Qodiriy, A. Qahhor kabi o‘zbek yozuvchilarining eng yaxshi an’analarini davom ettirish bilan birga o‘zbek hikoyanavisligini rus va Yevropa yozuvchilarining badiiy tajribalari bilan ham boyitdi.
Maqolada Shukur Xolmirzayevning hikoyalarida realistik tasvir ustuvorligi mahorati tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: qahramonlar, jonli, hikoyachilikda, realistik obraz,

Adabiyotni o‘z shaxsiy hayotidan ustun qo‘yolgan, XX asr o‘zbek adabiyotida hikoya janrini dunyo adabiyoti darajasiga ko‘tarishga katta hissa qo‘shgan Shukur Xolmirzayev haqiqiy adabiyot, san’at kishisi edi. Shukur Xolmirzayev hikoyalarining o‘ziga xos jihatlari o‘zi kabi oddiy, samimiy va tabiiyligidir. Yozuvchi hikoyalarida insonning dardini yozdi. Shukur Xolmirzayev umrining so‘ngi kunlarigacha adabiyot bilan hamnafas yashadi. Adabiyotsiz, mutolaasiz o‘tgan kunini mazmunli demasdi. Shukur Xolmirzayev serqirra ijod sohibi, o‘zbek xalqining haqiqiy fidoiy yozuvchisi, haqiqat va adolat kurashchisi hikoyalardan tashqari, drama, roman, qissa singari adabiy janrlarda juda katta adabiy meros qoldirdi. Bundan tashqari adib ijod psixologiyasi, ijodkor shaxsiyati, adabiyot va jamiyat munosabatlari va muammolariga bag‘ishlab bir qancha adabiy-tanqidiy maqolalarning ham muallifi sanaladi.

Shukur Xolmirzayev bir suhbatida “ asarlarim ba’zilarga manzur bo‘lmagan esa-da, vaqtimning ko‘pi ana o‘sha asarlarni qanday yozish kerakligi ustida kechdi”,- deya ta’kidlaganidan ham yozuvchining so‘zga qanchalik mas’uliyatli bo‘lganini bilishimiz mumkin.[1.Otabek Safarov. Adibning tafakkur olami// . “Yoshlik” ,2012.№ 9] Yozuvchi hikoyalari mavzu jihatidan ham rang-barang va o‘ziga xosdir. Adib asarlari qahramonlari tabiiyligi, soxta emasligi va jonliligi bilan ajralib turadi. Shukur Xolmirzayev hikoyachilikda o‘ziga xos va boshqalarni takrorlamaydigan xarakterlar yaratdi. Adib oramizdagi oddiy kishilar tasvirini yaratsada, bundan muhim umumlashmalar, chin hayotiy xulosalar chiqaradi. Yozuvchining “Notanish odam” hikoyasi realizm yo‘nalishida yozilgan. Hikoya oddiygina va hajman ham qisqa. “Notanish odam” hikoyasi ikki ta bir-birini oldin hech qayerda uchratmagan insonning yog‘ayotgan yomg‘ir tufayli kamarda kechgan suhbati asosiga qurilgan. Qishlog‘idan ov qilish uchun tog‘ga chiqqan ovchi yigit yomg‘irdan saqlanish uchun tog‘dagi kamarga boradi va u yerda Yoshi qirqlardagi bir notanish odamga ko‘zi tushib, unga salom beradi va yonayotgan olov atrofiga isinish uchun o‘tiradi va sekin suhbat boshlanadi:

“ — Xo‘-o‘sh, yo‘l bo‘lsin, yigit? — dedi u. Uning ohangida allanechuk kinoya borga o‘xshab ketdi.

— Ovga, qishloqdan, — qisqa javob berdim.

— Hali ovchiman deng? — daf’atan pixillab kuldi u va gulxanga o‘tin qalay boshladi. “Ovchiman! Buning nimasi kulgili?!” deb jerkib bergim keldi-yu, “ha!” deb qo‘ya qoldim.

— Nega yomg‘irda qoldingiz? — so‘radi u jilmayishini qo‘ymay.

— Qoldim-da.

— Yomg‘ir yog‘ishini bilmadingizmi?

— Qaydan bilay.

— Bulutni koʻrib edingizmi?

— Ha.

— Allamang, koʻrganingiz yoʻq.

— Obbo, mendan… nima istaysiz oʻzi, amaki? Suhbatdoshim menga xotirjam koʻz tashlab oldi.

— Kerakli narsani koʻra bilishingizni istayman xolos. Koʻrgan boʻlsangiz: bulut togʻdan emas, choʻldan koʻtarilayotgan edi. Koʻrinib turiptiki, bu bulut toʻkkan yomgʻir ancha-muncha mahalda tinmaydi. Agar bulut togʻdan pastlagan boʻlsa, uning yoʻrigʻi boshqa edi. Shuni koʻra bilganingizda, ilgariroq oʻzingizni panaga tortardingiz, suvga choʻmilib, bunday qunishib oʻtirmas edingiz. Men tishimni tishimga bosib, jim qoldim. Yomgʻir quyyapti. Kamarning "pesh buruni"dan tosh "ostonasi"ga sharillab loyqa, qizgʻish suv toʻkilyapti. Nam shuvoq hidi anqiydi. Notanish odam oʻrnidan turdi.

— Xafa boʻlmang, yigit.

Chaqmonning yoqasini koʻtarib, boshini qopladi, kamardan chiqdi. Sal oʻtmay yarmisi hoʻl bir quchoq oʻtinni koʻtarib kirdi. Uni kamarning toʻrrogʻiga eltib tashladi-da, menga qaramay, "isina bering", deya yana chiqib ketdi. "Isina bering? Olovini minnat qilganimi!" Pidjakni kiyib, oʻrnimdan turdim. Kamardan chiqarkanman, notanish odamni koʻrdim. U pastda, soyning yoqasida yugura-yela, daryo toshqini toshlarning tagiga tiqib tashlagan shox-shabbalarni terardi. "Ha, pishiq odam. Bu oʻtinlarni uyga olib ketadi. Eshagiyam tayyor". Notanish odam oʻtin uchun kamar bilan soy orasida yana uch-toʻrt marta qatnagach, kiyimlarini siqib, joyiga kelib oʻtirdi. Menga koʻz qirini tashlab, oʻchayotgan choʻgʻlarni dagʻal barmogʻi bilan titkiladi.

— Tomosha qiling, yomgʻirning yogʻishida koʻngilga yoqadigan bir dilgirlik boʻladi, — dedi u.

— Koʻp yaxshi narsalar yodga tushadi. Ayniqsa oʻt yonida oʻtirib tomosha qilsang. Keling-e, yigit, oʻtiring. Men, oʻzim ham bilmayman, nima uchundir yumshab qoldim. Belbogʻini yechib oʻrtaga yoydi. Eshakdagi xurjundan bitta yogʻliq patir bilan beshta qoʻy qurtini olib belboqqa qoʻydi:

— Dasturxonga qarang.

— Rahmat, qornim toʻq.

— Rahmatni yegandan soʻng aytasiz. Men bitta qurtni olib shimiy boshladim. Ikkalamiz ham jim, tashqarida shuvillab yogʻayotgan yomgʻirga qarab oʻtiribmiz. Soy sohiliga koʻkchil tuman oʻrmalayapti. Sohilning soʻl tomoni bugʻdoyi kuyib ketgan paykalday qorayib koʻrinadi. Uning ustiga bulutlardan yoʻl-yoʻl zangor chiziqlar osilib tushgan. Bora-bora u chiziqlar oqardi, qorayib koʻrinayotgan yerlar ham yorishdi. Atrof oydinlashib, ufq kengayib ketdi. Quyosh chiqdi. Biz ham kamardan chiqdik.

— Xayr, yigit, ovingiz baror olsin, — dedi u.

— Mening gaplarimdan xafa boʻlmang. U eshagiga mindi. Mening xayolimga u terib kelib kamarga tashlagan oʻtinlar keldi.

— Amaki, oʻtiningizni unutdingizmi deyman?

— Yoʻq, yigit, unutganim yoʻq,

— kulimsiradi u, — siz uyga olib ketadi deb oʻyladingizmi? Uyimda oʻtinim bor. Mana, seryomgʻir kunlar boshlandi. Siz-u bizga oʻxshagan biror yoʻlovchi bu kamarga kirib qolgudek boʻlsa, sovuqqa qunishib oʻtirmasdan, tayyor oʻtinni yoqib isinadi, shular uchun terdim. U ketdi. Men kamar ogʻzida, undan koʻz uzolmay qarab

qoldim.”[2.https://tafakkur.net/notanish-odam/shukur-xolmirzayev.uz] Yuqoridagi mo‘jazgina hikoyada ham boshqa hikoyalarida bo‘lgani kabi oddiylik, ortiqcha jim-jimadorlikka intilish, voqeani bo‘rttirish yo‘q. Aynan Shukur Xolmirzayev uslubida kuzatiladigan voqelikni hayotiy va haqqoniy aks ettirish realizm metodi qo‘ygan talablarga mos keladi. Ovchi yigit uchun notanish bo‘lgan odam (yozuvchi uning kim ekanligi, nima uchun toqqa kelgani, qayerdan kelgani kabi jihatlarga alohida to‘xtalmaydi) dastlab unda yomon taassurot qoldirganini kitobxon bir o‘qishdayoq anglaydi. Notanish odamning garchi uning qanday kasb egasi ekanligi muallif tomonidan ochiqlanma-sa ham, uning tabiat hodisalari yomg‘ir yog‘ishi haqidagi fikrlaridan u odam tabiatan voqea-hodisalarni kuzatuvchan, ziyrak inson ekani gap - so‘zlaridan anglashiladi va biz tom ma’noda Notanish odamni realistik obraz deya olamiz. Hikoyaning ikkinchi qahramoni ovchi yigit esa, endigina ovchilik qila boshlagan, bir so‘z bilan aytganda, unda hali hayotiy tajribalar juda kamligini ko‘rishimiz mumkin. Shukur Xolmirzayevning yana bir realiktik yo‘nalishdagi “ Jarga uchgan odam” hikoyasiga e’tibor qaratsak. Hikoya qahramoni Islom tog‘lar bag‘rida tug‘ilib-o‘sgan, qalbi tabiatga oshno, tabiatni, uning bag‘ridagi o‘simlig-u hayvonot olamini sevuvchi soddadil yigit. O‘z qishlog‘idan uzoqda yasholmaydigan ushbu qalbi pok yigitni qishloqdoshlari “tog‘ shaydosi” deb atashadi. Jamiyatdagi sodir bo‘layotgan o‘zgarishlar tog‘lar bilan o‘ralgan qishloqqa ham o‘z ta’sirini o‘tkazadi. Yozuvchi ta’biri bilan aytganda, “zamonning zayli bilan qishloq rayonga aylanib, redaksiya tashkil topdi”. Tog‘larni yaxshi biladigan Islomni redaksiyaga ishga olishdi. Islom endi har maqolasida tog‘larning ajib go‘zalliklari, hayvonot olami haqida to‘lqinlanib yozar edi. Kunlarning birida uni rayon partiya komitetiga chaqirishdi. Mudira uni shahardan kelgan allaqanday kinorejissor bilan tanishtirib, unga tog‘dagi ajib manzaralarni ko‘rsatishi kerakli va bu odam Boysuntog‘ haqida film olmoqchiligini aytishdi. Islom bundan xursand bo‘ldi va mehmonni olib ketdi. Kechqurun ziyofatdan shirakayf qaytgan mehmon Islomning uyini ko‘rib unga:
“ — O! Juda sodda yasharkansiz-u? — dedi shirakayf rejissor Islomning uyini ko‘rib.
— Lekin o‘zimga yoqadi, o‘rtoq Ismoil Yusupovich.
— O‘zingizga yoqadi, buni bilaman. Shuning uchun yashayapsiz-da. Lekin buning boshqa birovlarga ham yoqishini o‘ylab ko‘rishingiz kerak.
— Mening uyimga mehmon kam keladi. Redaksiyaga o‘tganimdan keyin ham… Men ham birovlarning uyiga kam boraman.
— Da-a, qiziq!”dedi.[3. https://tafakkur.net/jarga-uchgan-odam/shukur-xolmirzayev.uz] Islom rejissorga tog‘ni ko‘rsatar ekan, xuddi yosh bola singari beg‘ubor bo‘lib, qoya toshlar, o‘simliklar, tog‘ cho‘qqilari haqida to‘lqinlanib gapirardi, vaholangki, umri shaharda o‘tgan, tabiatdan, go‘zallikdan yiroq bo‘lgan Ismoil Yusupovichga bu narsalar hech qanday estetik zavq bermas edi. Islom mehmonga ayiq va bolalarini ko‘rsatish uchun uni Yetim qoyaga olib bordi, mehmon Islomdan har ehtimolga qarshi miltiq olib kelishini iltimos qiladi va Islom miltiqni olib kelib beradi. Ular ancha payt ayiqning g‘ordan chiqishini kutib o‘tirishadi va ona ayiq uyasidan chiqib, notanish hidden bezovtalanib yana uyasiga kirib ketadi. Ular shamolga teskari tomonga o‘tib yana ayiqning chiqishini kutib o‘tirishadi. Uzoq kutishlardan so‘ng ona ayiq yonida choynakdek keladigan bolalari bilan olma yeyish uchun chiqadi. U olma yeyayotib birdan o‘kirib bezovtalanadi. Islom darrov yonidagi sherigiga qarasa, u miltiq bilan ayiqni ko‘zlab turibdi. Islomning birdan jahli chiqib,

miltiqni tushirishi, ayiq unga zarar bermasligi va tinchgina buyerdan ketishlari kerakligini aytadi. Lekin rejissor bunga koʻnmaydi. U :

“ — Menga qarang, shuni siz otib bering menga. Terisi… juda kerak edi. Xotinim juda tayinlagan edi. Axir, bu sovgʻa-da! Men sizni maqtab yuraman, buni bir zoʻr ovchi yigit otib berdi deyman. A?

— Birinchidan, hozir hayvonlarni otish mumkin emas. Ikkinchidan, qarang, uning ikkita bolasi bor, ularni yetim qilib nima qilasiz. Ochdan oʻlib ketishadi.

— Ochdan oʻlmaydi, tutib, zooparkka topshirish mumkin, ularga kerak.

— Mehmon, siz meni bilmaysiz… Mening onam ham, otam ham, doʻstim ham ana shu tabiat. Meni togʻ shaydosi deyishadi. Bu xayolni boshingizdan chiqaring. Vaqti-soati kelganda, oʻzim bironta qarisini otib beraman… yuboraman sizga.

— Menga qarang, bu sizning shaxsiy molingiz emas-ku, davlatniki!

— Davlatniki boʻlsa yanayam yaxshi. Siz aqlli, oʻqigan odamsiz…

— Ketamizmi?

— Ketdik.

— Turmang oʻrningizdan. Sekin tushib ketamiz. Bilib qolsa, tosh otishi mumkin.

— Tegmaydi odamga dedingiz-ku, oʻzingiz?

— Biz miltiq opchiqdik, miltiq — uning dushmani… Jonivor niyatingizni tushunganida, sizni dabdala qilib tashlar edi.

— Uf… Men bu yerdan tusholmayman, tosh dumalaydi bari bir!

— Boʻlmasa, u ketguncha oʻtiramiz.

— E, meni qamab qoʻymaydimi hukumat?! Ismoil Yusupovich miltiqni shartta tortib oldi-da, ayiqni moʻljalga oldi, Islom unga qoʻl choʻzgan edi, oʻq ovozi yangrab ketdi. Islom titrab-qaqshab boshini egdi va oʻq ayiqqa tegmasa goʻrgaydi, deb kutdi. Ona ayiq birdan boʻkirib yubordi va oʻq chiqqan tomonga otildi. Ammo oʻmbaloq oshib tushdi, oʻrnidan yana turdi-yu, qaddini koʻtara olmay, oʻrmalab kela boshladi. Ayiqchalar qochib gʻor ogʻziga kirib ketishgan edi, oʻrmalab borayotgan onalarining toʻxtab qolganini koʻrdilar-da, atrofga qoʻrqa-pisa qarab, chopqillab keldilar. Miltiqni yerga tirab choʻnqayganchа ayiqni kuzatib, qaltirab oʻtirgan Ismoil Yusupovich Islomga qiya qarab:

— O’ldimi? — deb soʻradi. Islom xuddi onasi oʻlgan-u nafasi ichiga tushib ketgandek baqrayib qolgan edi.

— O’ldi shekilli qimirlamay qoldi, — dedi rejissyor va yana Islomga qaradi, soʻng qoʻzgʻalmoqchi boʻldi, yana oʻtirdi-da, qizishib dedi:

— Buncha xafa boʻlasiz? Boʻlgan ish boʻldi-da… Men hech ovchilik qilmaganman. Islom, menga qarang… Men sizni xursand qilaman. Oladigan filmimning bosh qahramoni oʻzingiz-ku, axir? E, qoʻying-ey. Ismoil Yusupovich ayiqdan besh qadamcha berida toʻxtab, unga tikildi. O’q uning manglayini yorib ketgan edi. Islom botayotgan quyosh shu’lasi bir yelkasini qizartirgan holda, sekin yurib, ayiq boshiga keldi. Ayiqchalar odamlardan hayiqishmadi, ular tamshanib, oʻlik onalarining sut toʻla emchagini choʻzib-choʻzib emishar edi.

— Nima qilib qoʻydingiz? — dedi Islom rejissyorga.

— Qiziqmisiz? O’ldi… Bolalarini ham opketamiz. Islom gangib atrofga qaradi. Oʻrmonlar, togʻlar, osmon-u yerga — tabiatga koʻzi chizilib oʻtdi. Shunda birdan qulogʻi shangʻillab ketdi. Nazarida, bola qalbiga allaqachonlar kirib, uni oʻz asiriga aylantirib qoʻygan tabiat uvvos tortib faryod koʻtarayotgandek tuyuldi. Islom oʻzini

shu tabiatning yagona qo‘riqchisi, sodiq do‘sti, vafodori deb hisoblar edi. Agar unga qilingan bu jabr uchun dushmandan qasos olmasa, o‘zini xiyonatchi, xoin, sotqin bo‘lib qoladigandek his etdi. Va… Ismoil Yusupovichning qo‘lidan miltiqni tortib oldi-da, qulochkashlab uning bo‘yniga tushirdi. Rejissyor ovoz chiqarmay kesilgan shox kabi uchib ketdi, apil-tapil o‘rnidan turdi-yu, yana yiqildi, uning gavdasi jardan quyiga uchdi.”[3. https://tafakkur.net/jarga-uchgan-odam/shukur-xolmirzayev.uz]
Tabiatni sevmaydigan, unga zarar berib ozor beradigan yovuz niyatli kimsalarni Ismoil singari mudhish o‘lim kutishini yozuvchi ushbu hikoyasi orqali yana bir marta eslatib qo‘ymoqchi bo‘lgan desak, yanglishmaymiz. Islomning ona ayiq o‘limidan qalbi larzaga tushib, xuddi o‘z onasidan ayrilganidek iztirob chekishi va “tabiatning yagona qo‘riqchisi, sodiq do‘sti, vafodori” deb hisoblovchi inson sifatida dushmanidan qasos olishi, uni jazosiz qoldirmasligi ham shukur Xolmirzayev ijodiy uslubiga xos jihatlardan biridir. Taniqli yozuvchi Nazar Eshonqul Shukur Xolmirzayev haqida shunday deydi: “Shukur akaning hikoyalari oddiy dardning ulug‘vor ko‘rinishlaridir. Shukur akaning aksar qahramonlari oddiy kun kechirayotgan, bir qarashda, Vatanga, millatga, umuminsoniyatga daxli yo‘q odamlardir. Ammo yozuvchining nigohi shu darajada o‘tkirki, u ana shu daxlsizlik ortida yotgan millatga, Vatanga, bani basharga daxldor dardlarni ko‘ra biladi, tasvirlay oladi, ko‘rsatib bera oladi. Davr va zamon qancha jimjimalarga o‘ramasin, uni qanchalik moddiylashtirmasin, “rabotlashtirmasin”, Shukur Xolmirzaev nigohi uni – do‘zaxiy jim-jimalar, ohanjamalar ichidagi insonni, uning dardini ko‘roldi, bu dardni Abdulla Qahhor uslubidan farqli ravishda ko‘rsatib beroldi.”[4. https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/shukur-xolmirzayev-adabiyot-yozuvchi-va-ijod-haqida.html] Yuqoridagi hikoyamiz qahramoni Islomjon ham Nazar Eshonqul bergan ta’rifga mos keluvchi, e’tiqodiga, qalbidagi sof va samimiy tuyg‘ulariga sodiq qolgan obrazdir. Shukur Xolmirzayev olib chiqqan “tabiat va inson munosabati” muammosi nafaqat o‘tgan asr, balki bugungi kun uchun ham o‘zining dolzarbligini yo‘qotmay kelayotgani ham, yozuvchining tengsiz iste’dod sohibi ekanligidan darak beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Otabek Safarov. Adibning tafakkur olami// . “Yoshlik” ,2012.№ 9]
2.https://tafakkur.net/notanish-odam/shukur-xolmirzayev.uz
3.https://tafakkur.net/jarga-uchgan-odam/shukur-xolmirzayev.uz]
4.https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/shukur-xolmirzayev-adabiyot-yozuvchi-va-ijod-haqida.html]

ШАҲОДАТ ИСАХОНОВАНИНГ “НОДИРАИ ДАВРОН ” РОМАНИДА ТАРИХИЙЛИК ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

Шоирахон Умарова,
Ўзбекистон давлат хореография академиясининг
матбуот котиби, мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мазкур мақолада таниқли ёзувчи Шаҳодат Исахонованинг “Нодираи даврон ёҳуд амирнинг тавқи лаънат тўни” романида тарихийлик тамойили ва бадиий талқин масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: тарих ҳақиқати, бадиий тафаккур, Нодирабегим, руҳий тарихий шахс, ижтимоий ҳодиса, моҳият.

Аннотация. Бұл мақалада белгілі жазушы Шаходат Исахрованың «Нодираи даврон йахуд әмір тавқи лә'нат тони» романындағы тарихилық принципі мен көркемдік түсіндіру мәселелері зерттеледі.

Түйін сөздер: тарих шындығы, көркем ой, Ндірабегім, рухани тарихи тұлға, әлеуметтік құбылыс, болмыс.

Аннотация. В данной статье исследуются принцип историчности и вопросы художественной интерпретации в романе известной писательницы Шаходат Исахановой «Нодираи даврон йахуд амир тавки ла’нат тони».

Ключевые слова: историческая правда, художественное мышление, Нодирабегим, духовно-историческая личность, социальное явление, сущность.

Умумбашарий тамаддунда ҳар бир давр тараққиёти ўша давр кишиларининг ақлий имкониятлари, салоҳияти, тарихда қолдирган изи ва тафаккур даражаси билан белгиланади. Атоқли адабиётшунос олим Ғ.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “Тарихийлик принципи ҳар қандай ижтимоий ҳодисани, шу жумладан, адабий жараённи конкрет шароитда, замон ва макон доирасида ўрганишни, баҳолашни тақозо қиладиган бирдан – бир ҳақиқий илмий мезондир. Бу мезонни ишда изчил тадбиқ қилиш орқалигина ҳодисаларнинг қандай шароитда ва қандай сабаблар билан юзага келганини атрофлича тўлиқ ўрганиш,уларнинг ўзаро диалектик боғлиқлигини аниқлаб, ўртадаги қонуниятни белгилаб олиш, шу йўл билан мураккаб ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини тайинлаб чиқишга эришиш мумкин бўлади” [294].

Шаҳодат Исахонованинг тарихий мавзудаги асарлари учун характерли бўлган энг муҳим жиҳати, ўтмиш ҳақиқатларининг ҳаётий фалсафа билан уйғунликдаги талқинидир. Мустақил фикрлашга қодир одам дақиқа сайин глобаллашиб бораётган дунёнинг шиддатли ва зиддиятли бўҳронлари, муносабатлар, эътиқодлар кураши жараёнида тарих ҳақиқатларини холислик билан таҳлил қила олади. Ёзувчининг “Турон маликаси”, “Султон Жалолиддин ёхуд Чингизхон тузоғига тушган малика”, “Гавҳаршодбегим” каби романлари қаторида “Нодираи даврон ёҳуд амирнинг тавқи лаънат тўни” асарида ҳам халқ ўтмишининг унутилмас лавҳаларини, миллат тақдирида бурилиш нуқталарига сабаб бўлган олиму фузалолар, адибу шоиралар ҳаёти ва ижодий ижтимоий фаолиятини одиллик ва холислик билан акс эттириб, уларнинг номини абадийлаштириш масаласи устуворлик қилади.

Маълумки, тарихий асарларда ҳал қилувчи ўринни реал воқеалар ва ҳодисалар эгаллайди ҳамда шу асосда тарихий шахс характери яратилади. Шаҳодат Исахонованинг тарихий мавзудаги асарлари композицион яхлитлиги билан ажралиб туради. Муаллиф юрт тарихида ёрқин из қолдирган маликаларнинг бадиий тимсолларини яратар экан, миллатнинг эрк учун

[294] Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт.Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 19.

курашларининг барча тарихий босқичларини реал воқеаларга асосланган ҳолда, ортиқча муболағасиз, ишончли ёритади. Ҳар бир образ бетакрорлиги, замирида аёл қалби қаъридаги нозик ҳис – туйғулар силсиласини, номсиз изтироблар гирдобидаги руҳий кечинмаларни, уларнинг характер – хусусиятларини бадиий талқин этиш жиҳатидан эътиборга сазовордир

Инсон моҳиятида, хусусан, аёл руҳиятида ирода кучи алоҳида аҳамият касб этади.У бевосита тафаккур ва ҳиссиётнинг амалий фаолиятидаги ифодаси сифатида инсон маънавий оламининг идеал даражасини белгилайди. Мутахассисларнинг фикрича, “Инсон, унинг мияси, ақли шу даражада кўп қиррали, хилма – хил, англаш қийин бўлган ҳолат ва башорат қилиш мумкин бўлмаган хазина. Ўзида мужассам этган беқиёс имкониятлари билан ноёб мўъжиза. Бу муаммо жуда мураккаб ва балки, ундан ҳам қийин бўлган ҳодисаки, уни фан ҳали – бери ҳал эта олмайди” [295].

Ш.Исахонова ўта синчковлик билан “Нодираи даврон ёҳуд амирнинг тавқи лаънат тўни” романида Нодирабегимнинг “жуда мураккаб” руҳий дунёсини, кўп қиррали ижтимоий – сиёсий, адабий – маърифий фаолиятини, тарихий воқеалар оқими ва қаҳрамонлар қисмати кесимида ифодалайди. Роман реал тарихий фактлар, мўътабар манбаларга асосланган, унда тасвирланган воқеалар китобхонда қизиқиш уйғотади. Асарнинг сюжет ва композицияси ниҳоятда мукаммал, унда қамраб олинган воқеа - ҳодисалар оддий изоҳлардан холи, изчил ва ишончли тасвирланган. Муаллиф Нодирабегим яшаган давр билан, шоира шахсияти орасидаги туташ ришталар, зиддияту номутаносибликларни, юрт сўраб турган маликанинг оддий аёл сифатидаги кўнгил оғриқларини, изтиробларини чуқур ҳис қилади.

Нодирабегим миллат тарихидаги энг зиддиятли даврда яшади, низолар ва хиёнатлар урчиган салтанатни бошқарди. Иқтидорли ёзувчи Шаҳодат Исахонова малика характери талқинида асосий эътиборни унинг барча даврлар учун муҳим бўлган юксак орзу – мақсадлар учун олиб борган курашини, буюк бунёдкорлик ислоҳотларини, илм-фан, адабиёт тараққиётига қўшган тарихий ҳиссасини, қалб кечинмаларини тасвирлашга қаратди.

Муаллиф бош маликанинг руҳий ҳолати, ички изтиробларининг тасвири ёрқин ва жонли бўлишига эришиш мақсадида психолингвистик усуллардан фойдаланади. Образлар характерини бўрттириш, умумлаштириш мақсадида реал воқеалар мазмуни билан қиёслайди. Воқеа ва ҳодисалар фалсафий теранлик билан мушоҳада этилади, муаллиф тарихий ҳақиқатни катта маҳорат билан бадиийлаштиради. Натижада, барча образлар ўзига хос тўлақонли ва яхлит характер сифатида гавдаланади. Ёзувчи Умархон билан Нодирабегимнинг илк учрашувини шундай тасвирлайди:

Хонзода узоқданоқ Моҳлар ойимни кузатиб келаётган эди. “Хонойим таърифлаганча бор эркан...” кўнглидан ўтказди беихтиёр Умархон. Хонзода ҳам ўша кундан бери Моҳлар ойимни хаёлан тасаввур қилавериб чарчаган ва охири “пешонага ёзилгани бўладур” деган тўхтамга келиб, тақдир ҳукмига ҳавола этган ва кўнглини тинчитган эди. “Чеҳраси латофатли... қадам ташлашлари

[295] Константинов Ф.В. Современные проблемы философии и задачи философской общественности. М.: «Вопросы философии», 1972. – с. 35.

ҳам маликалардин қолишмайдур... кўзлари қанақа эркан, кўзларини кўрмоқ керак...”

Не-не канизакларни мафтун этган, не – не маҳлиқоларни ишқи оташида куйдирган, не – не санамларни фироқ ўтига ташлаб кетган Умархон Моҳларойим яқинлашгани сари вужудида аллақандай ёқимли туйғулар уйғонаётганини беихтиёр ҳис этди. (75-б.)

Романдаги руҳий ҳолатларнинг ноёб бадиият ҳодисаси сифатидаги мукаммал тасвири, фавқулодда таъсирчанлиги, қаҳрамонлар нутқининг маталу мақолларга бойлиги, тозалиги, ҳозиржавоблиги муаллифнинг юксак тафаккур тарзи, она тилининг билимдони эканлиги билан изоҳланади.Ички изтироблар ифодасида ҳар бир сўзнинг таг маъноси кучайиб, лексик – семантик ҳудуди кенгайиб, уфқларга туташиб кетгандек тасаввур уйғотади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у қаҳрамонларнинг яқинлашаётган қадамларидаёқ уларнинг ташқи ва руҳий портретлари ўртасидаги муштаракликни кўради.

Моҳлар ойимнинг биргина ана шу нигоҳида ҳамма нарса мужассакм эди.Умархон ҳаётида бундай жодули кўзларни, жон олгувчи нигоҳларни, девонага айлантиргучи қарашларни кўп кўрган, асири бўлган, лекин айни лаҳзаларда Моҳлар ойимнинг қорачуғида жилоланаётгани каби қалбини наштардай кесиб ўтгучи сирли бир туйғуни туймаган эди.

– Юзларингиздин таралган нурдин кўзларим қамашди, қаранг, ҳатто сўзларимдин ҳам адашаётирмен! – сўзида давом этди Умархон Моҳлар ойимдан садо чиқмагач – Ижозат этсангиз, менга осонроқ тилда, яъни ашъор тилинда сўйласам.

Моҳлар ойим майин нигоҳ билан бош ирғади.

– Ул малак Моҳ дедилар,лек бўлди Офтоб рўбарў,

Зоҳиру ботин дилим уққали китоб рўбарў.

Моҳлар ойимнинг оқарган юзларига қизиллик югуриб, чуқур нафас олди, ғунчадек лаблари жавобга ҳозирланаётган каби қимтинди.(77–б.)

Мазкур парча аслида романнинг ўқ илдизи, унда ёзувчининг мақсадини ойдинлаштирувчи, кучайтиргувчи асос яширин. Кичик сабаб катта умумлашмаларга йўл очади. Илк учрашув, илк суҳбатни иккаласи ҳам тақдирнинг туҳфаси, Яратганнинг инъоми деб билади. Моҳларойимнинг характери турли вазиятларда, ҳар хил ҳолатларда очиб берилади. Муаллиф услубининг ўзига хослиги шундаки, у воқеаларни шунчаки баён қилмайди, уларни инсон руҳияти, кўнгилнинг қувончу кемтиклари, исёнлари, табиат манзаралари билан уйғунликда, юксак маҳорат билан тасвирлайди. Воқеликлар динамикасида илк учрашувдаги лиро – романтик кайфиятнинг фитналар, хиёнатлар гирдобидаги улкан зиддиятга айланиш аламларининг ифодасида асосий конфликтдан ташқари, ёрдамчи конфликтлар ҳам муҳим аҳамият касб этишини ёзувчи ниҳоятда ишонарли тасвирлайди. Нодирабегим кетма – кет келаётган руҳий зарбалар олдида ожизланиб қолаётганида ҳам мудом мамлакатнинг ободлиги, халқнинг фаровон яшаши, салтанатнинг тинчлиги ҳақида қайғуради. Роман бош қаҳрамонларининг нутқида ўша даврда Қўқон хонлигида яшовчи аҳолининг оғзаки сўзлашувида учрайдиган, умумхалқ муомаласида мавжуд бўлган иборалар, мақол ва маталлар ҳам бисёр.

Миллат ўтмишини, Нодирабегим каби миллий қаҳрамонлар, мўътабар шахслар ҳаётини ўз асарларида абадийлаштираётган Ш.Исахонова тарихий романларининг ўша даврга хос халқона тилини, муаллифнинг сўз қўллаш маҳоратини ўрганиш ва тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Унинг асарларида ноёб бадиий ҳақиқатлар ўтмиш сабоқлари ва ҳаёт ҳақиқатлари билан вобаста бўлганлиги учун ҳам уларда мантиқийлик, изчиллик ва фалсафий теранлик устувор. Унинг қаламига мансуб тарихий романларнинг инглиз, араб ва ҳинд тилларига таржима қилиниши ўзбек адабиётининг халқаро миқёсдаги нуфузи юксаклигини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт.Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
2. Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. Т.: Фан, 2002.
3. Ёқубов И.Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Тошкент .: “Nurafshon business”, 2021.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Ш ҳарфи, Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, - Б. 218-221 // https://www.ziyouz.com
5. Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. Дарслик. Т.: Yangi nashr, 2010.
6. Комилова С. Замонавий ўзбек адабий жараёни концепцияси // “Шарқ юлдузи”, 2015, № 5.

НОДИР ЖОНУЗОҚ ШЕЪРИЯТИДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ РУҲ ТАЛҚИНИ

Сурайё Исматова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
санъатшунослик йўналиши 3-курс талабаси
Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, ф. д. д. (DSc)

Аннотация. Мазкур мақолада таниқли шоир ва таржимон Нодир Жонузоқ шеъриятида фалсафий-ижтимоий руҳнинг талқини тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: юрт ишқи, самимият, табаррук тупроқ, руҳий барқарорлик,рамз, тимсол.

Аннотация. Бұл мақалада белгілі ақын, аудармашы Нәдір Жүнүзақ поэзиясындағы философиялық-әлеуметтік рухтың интерпретациясы қарастырылады.

Тірек сөздер: елге деген сүйіспеншілік, адалдық, берекелі топырақ, ой тұрақтылығы, нышан, нышан.

Аннотация. В данной статье рассматривается интерпретация философско-социального духа в поэзии известного поэта и переводчика Надира Джонузока.

Ключевые слова: любовь к родине, искренность, благодатная земля, психическая устойчивость, символ, символ.

Бугунги кунда жамиятимиз ривожланиши учун олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда ижод аҳли барча юртдошларимизга ибрат бўлмоқда. Ноёб истеъдод соҳиби, таниқли шоир Нодир Жонузоқ ижодида бу

масъулликнинг ёркин ифодаси фалсафий-ижтимоий услубнинг, тарихий тимсол яратишнинг ўзига хослигида акс этади. Унинг Ватан, она юрт, ота макон, табаррук тупроқ, болалик ҳақидаги шеърларида рамзий – мажозий тимсоллар кўчма маъно англатишда, шеърга таъсирчанлик, юксак эмоционаллик бахш этишда муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлод қалбида миллий адабиётимизга бўлган эҳтиромни шакллантириш, китобхонлик маданиятини оширишда Н.Жонузоқ ижодининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг фикрича, "Нодирнинг юрагида ҳамиша шеър булоқдек қайнаб туради. Бу шунчаки қалбқозон эмас,балки самимият тўла, дард тўла, инсонийлик тўла бўлган мўъжаз изтироб вулқонидир.

...Нодирнинг дунёқараши қалбидек кенг ва теран. У дунё даражасида фикрлашга уринади, ҳаёт моҳиятини англашга,англатишга ҳаракат қилади ва бу ҳодиса таҳсинга лойиқ".[296]

Шоирнинг "самимият тўла, дард тўла, инсонийлик тўла бўлган мўъжаз изтироб вулқони"дан отилиб чиққан туғёнлар сўзга айланиб, поэтик уйғунлик касб этади:

Кўкардим,
Етилдим,
Ларзон бўлдим мен,
Ҳаёт бозорида арзон бўлдим мен.
Боғингга баҳорлар келсин деб тезроқ,
Пойингга тўкилдим –
Хазон бўлдим мен...

Нодир Жонузоқ шеърлари услубини фалсафий-ижтимоий руҳнинг кучлилиги белгилайди. Инсоний муносабатлардаги зиддиятлар, қалбан уйғоқлик, шоирлик бурчи, руҳий барқарорлик безаб туради. Шоир шеърларидаги лирик "мен" тимсолида ўтмиш ва келажак ҳақида ўз фикрини очиқ айта оладиган донишманд инсон қиёфаси, ўз замонасининг ижтимоий ҳаётидаги адолатсизликларига индамай қараб тура олмайдиган курашчи, курашганганда ҳам фақат сўз орқали кураш олиб борувчи ижтимоий шахсни кўриш мумкин. "Ватан" шеърида шоир шундай дейди:

Ҳар сўзим – ўқ.
Ҳар шеърим – шамшир,
Разолатни этсам дейман даф.
Дилдан дилга муҳаббат ташиб,
Қилолсайдим нафратни дафн.

Шоирнинг "17 лаҳза" достонида исёнкорликнинг рамзий ва мажозий кўринишлари ифодаланади. Садоқат, ҳақиқат ва эзгулик йўлида ўзини бахшида этишга, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳар қандай разилликларга қарши курашишга тайёр исёнкор характернинг мажозий кўринишидир:

Эркин яшаш – курашмоқ ахир,
Қўлни қўлга бериб тиришмоқ.
Ватан учун сув кечиб оғир,
Енг шимариб ишга киришмоқ.

---

[296]И.Мирзо "...Заррин, тиниқ шуълалар..." "Шарқ",Т.2008. 3-б.

Фидойилик – абадий қисмат,
То томиринг қолмасин занглаб.
Эл юкини кўтарсанг қисман,
Ўз йўлингни топасан... Англа –

бу туғёнлар мудроқ қалбларни уйғотади, бошқаларни ҳам лоқайдликдан, бефарқликдан қутқара олади. Шоир идрок ва ҳис этиш орқали поэтик образ яратади. Шоирнинг тасаввури, орзу-хаёллари қанчалик кенг ва чексиз бўлса, поэтик образнинг ҳаққонийлиги, ички жозибаси шунчалик яққол намоён бўлади.

Нодир Жонузоқ шеъриятида олам ва одам, инсон ва юрт ўртасидаги ришталар шоир тасаввур дунёсининг кенгликларида чизилади. Қалбдаги оташин ҳиссиётлар жонли бўёқларда ифодаланади:

Ўзбекистон! Онажон юртим,
Онам каби олтиндир боринг.
Қайга борсам сен билан юрдим,
Сен юпанчим, номусим, орим.
Фахримсан Сен, номингни айтсам,
Юрагимни тебратар ғурур.
Олислардан соғиниб қайтсам,
Кўзларимни равшан қилган нур!

Шоирнинг шеърий услубини дунё ва инсон тақдири ифодасидаги бетакрор тасвирий воситалар, теран мушоҳада безаб туради. Маълумки, бадиий тимсол орқали санъат ва адабиётда инсон тасвирланади. Поэтик тимсол орқали табиат ва жамиятдаги тушунчаларни жонли тасаввур қилиш мумкин. Истеъдодли шоир Нодир Жонузоқ ўзининг бадиий-эстетик идеалларини, хаёллари, ўй-кечинмалари ва тафаккурида кечаётган эврилишларни бадиий тимсоллар воситасида ўқувчининг ҳукмига ҳавола қилади. Улар “зилол сув”, “тоза тупроқ” кўринишида эрк ва озодлик туйғуси каби юракларга олов солади:

Худо хатлаб берган шу замин,
Шу зилол сув, шу тоза тупроқ.
Иқболимни этмишдир таъмин,
Суюклидир кун сайин кўпроқ .

Таниқли ижодкор Нодир Жонузоқнинг шеърлари олов бўлиб ёниб яшамоқлик, миллий ўзлигини англаган ҳолда, мудом истиқбол сари интилиш илмидан сабоқ беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзо И. “...Заррин, тиниқ шуълалар...” . Т.: “Шарқ”, 2008.
2.Жонузоқ Н. “Меҳрибоним”. “Шарқ”,Т.2008.
3.Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012.
4.Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т.: “Фан”,1979.

ТИМСОЛЛАРДА ОРИФОНА СЎЗНИНГ СУРАТИ ВА СИЙРАТИ

Соҳиба Исомиддинова,
Раъно Карамова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
санъатшунослик йўналиши 3-курс талабалари

Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, ф. д. д. (DSc)

Аннотация. Мазкур мақолада истеъдодли шоир Шуҳрат Орифнинг “Мен асли одаммас, ёр эдим...” китобининг бадиий-эстетик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: бадиий тафаккур, шоир, сўз, дарахт, кўнгил, сағир дунё, қумсоат, ишқ, ёр.

Аннотация. Бұл мақалада талантты ақын Шухрат Арифтің «Мен шын адам емеспін, дос болдым...» кітабының көркемдік-эстетикалық ерекшеліктері сөз болады.

Негізгі сөздер: көркем ой, ақын, сөз, ағаш, жүрек, сұлу дүние, құм сағат, махаббат, жаз.

Аннотация. В данной статье рассматриваются художественно-эстетические особенности книги «Я не настоящий человек, я был другом...» талантливого поэта Шухрата Арифа.

Ключевые слова: художественная мысль, поэт, слово, дерево, сердце, прекрасный мир, песочные часы, любовь, лето.

Адабиёт оламида ижодкор тафаккури ва жамият тараққиёти, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, бадиий-эстетик қарашлари, маънавий-маърифий имкониятлари ва жамият ўртасидаги муносабатларни аниқлаш осон эмас. Зеро, қўлига қалам олган ижодкор Сўзни муқаддасбилиши шарт. Истеъдодли шоир Шухрат Орифнинг “Мен асли одаммас, ёр эдим...” тўплами “Мен” сарлавҳали шеър билан очилади. Шеър Сўзга илтижо, муножот тарзида юракка оқиб кира бошлайди:

Мен- сўзини йўқотган шоир,
Қайғуларни севувчи далли.
Мен дунёга яшаш учунмас,
Келдим бермоқ учун тасалли...

“Сўзини йўқотган шоир”нинг сўзи кутилмаганда китобхоннинг юрагига титроқ солади. Титроқнинг тўлқинида оқиб кетаётганлигини сезмай ҳам қолади. Бу тўлқиннинг мавжларида беғубор болаликнинг орзулари, кулгилари, қувончу армонлари бор эди. “Қайғуларни севувчи далли” шоирнинг дардига, шу дарддан тасалли топишига ишонади. Шоирнинг рангин, ўта самимий, таъсирчан сўзлари шеърдан шеърга янгича маъно ва мазмун билан жилоланади Беихтиёр Ҳазрат Навоийнинг: «Сўзга васф шулким, уларнинг қайси бири сўз аввал, жаҳон эса сўнгра пайдо бўлди, дейилади. Биринчи садо сўз экан, ҳар қандай қўшиқнинг ҳам бошланиши сўздандир. Сўз айтиб совумайдиган қўшиқдир, сўз жисм бўстонида дарахтдир”, деган пурмаъно сўзлари ёдга чиқади.

Шухрат Орифнинг алоҳида истеъдоди унинг сўзга муносабатида кўринади. Профессор А.Расулов тўғри таъкидлаганидек, “Истеъдод – Яратганнинг суйган бандаларига инъоми. Истеъдодни берган Куч уни қайтариб олиши мумкин. Қанча-қанча истеъдодлар шу бебаҳо бойликларидан айрилиб руҳий азоб-андуҳда ўтганлари маълум. Истеъдод инсондан ғаройиб хислатларни, улуғворлик, юксакликни талаб қилади”[1]. Шоирнинг Сўзга айланган кўнгил дарахти юксак-юксакларга бўй чўзмоқда. Йилнинг тўрт

фаслида ҳам бу дарахтдан шовуллаб япроқлар тўкилади.Улар гоҳ яшил, гоҳ қизил, гоҳ олтин рангда товланади:

Сиз топинган сағир дунёни,
Асраб қолиш билан машғулман.
Мавлононинг чориғиман мен,
Машраб ташлаб кетган кашкулман.

Давр ўтиб, даврон айланиб турибди. Шоир наздида сағир дунёни асраб қолиш мушкул. Китобхон - Шоир сўзини қабул қилувчи, унинг қалби билан дўст тутингиси келади. Фақат товондан сизаётган қоннинг “чак-чак” этаётган товушидан чўчийди. Унинг хавотирга тушганича бор, ҳалигина яшилланиб турган япроқ қизариб-қизариб, хазон тусини олади:

Ёнингиздан бесас ўтяпман,
Товонимдан қон сизар – чак, чак...
Минг йил мени билмади дунё,
Яна минг йил сезмаса керак...

Сўз қадрини ва мартабасини баланд тутган, сўзни суйган шоир она тилининг ички имкониятларини чуқур ўрганган. У сўзнинг нозик маъноларини илғайди ва шу асосда янгича ташбеҳлар топади. Шухрат Ориф шеърларидан завқ билан дардни баробар туйган китобхон уларга бир умрга боғланиб қолади. Самимият, халқона руҳ унинг сатрларини безаб, уларга бетакрор кўрку тароват бағишлайди. Ва чуқур ўйга толдиради. “Бу дунё – Кўқоннинг бозори” деб бошланувчи шеър умрнинг чигал жумбоқлари ҳақида:

Бу дунё – Кўқоннинг бозори
Савдогари кўп харидордан.
Ҳамма кулиб қарши олар-у,
Чиқиш учун бермайди ёрдам.

Шоир дунёнинг манзарасини бозорнинг суратида чизади. Таъсирчан қалбнинг ниҳоятда жўшқин ҳиссиётлари акс этади. Жамиятда руҳий- маънавий таназзул кучайгани сари инсон умри гўё бозордан кўпкарига кўчиб бораётгандек туюлади:

Бу дунё – сершовқин кўпкари,
Ҳамма бир –бирига урар дўқ.
Жонни қийнаб от сурай десанг,
Арзирли бирорта соврин йўқ.

Кўнгил ва ақл, тафаккур ва ҳиссиёт ўзаро муносабатга киришган ҳамда уйғунлашган нуқтада сўз муаззам теранлик яратади. Шоир сатрларга зеб беришга уринмайди. Сўзлар табиий қуюлиб келади:

Бу дунё – ошиқлар мозори,
Телбалардан чарчаган қайғу.
Ҳақни топган авлиёларнинг
Очиқ қолган кўзларидир у.

Оҳангдор, таъсирчан ва жарангдор сўзларнинг садолари олислардан эшитилиб туради. Бу садо энг дардчил лаҳзаларда ҳам тинмайди. Ҳиссиётлар туғён урганида қалб ҳаяжонга тушади. Сўз айнан тафаккур маҳсулига айлангандагина китобхонни маънан бойитади, орзуларига қудрат бахш этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Шарафиддинов О. Замон, қалб, поэзия. Танланган асарлар. Т.: “Шарқ”, 2019.
Расулов А. Бетакрор ўзлик. Т.: “Мумтоз сўз”,2009.
Шуҳрат Ориф. “Мен асли одаммас, ёр эдим...”. Т.: “Янги аср авлоди”,2020.

АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЙ ЖОЗИБАСИ

Тўмарис Аъзам Бутунбоева,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Сурайё Исматова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик йўналиши 3-курс талабаси
Илмий раҳбар: ф.ф.д.Ҳ.Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири, шоир, таржимон ва публицист Аъзам Ўктам ижодининг бадиий-эстетик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар. “Тараддуд”, шижоат, ота макон, фалсафий таъсирчанлик, миллий оҳанг.

Аннотация. Бұл мақалада XX ғасырдағы өзбек әдебиетінің белді өкілдерінің бірі, ақын, аудармашы, публицист Азам Октам өз шығармашылығының көркемдік-эстетикалық ерекшеліктерін зерттейді.

Негізгі сөздер. «Түкіршілік», ынта-ықылас, туған жер, философиялық сезімталдық, ұлттық үн.

Аннотация. В данной статье один из ведущих представителей узбекской литературы XX века, поэт, переводчик и публицист Азам Октам исследует художественно-эстетические особенности своего творчества.

Ключевые слова. «Нерешительность», энтузиазм, родина, философская чуткость, национальный тон.

Аъзам Ўктамнинг ўктам ва фалсафий шеърларида шижоатли қалби, руҳий изтироблари, ички қиёфаси ёрқин намоён бўлади. Адабиёт муҳиблари унинг ҳалоллик ва ҳақиқатга, иймонга даъват қилгувчи асарларини қизиқиб ўқишади. “Бухорога борганда” мансурасида шоир шундай дейди:” *Бухорога борганда боқмам сира осмонга. Қараб тураверaман Минораи Калонга. Шунда тўғри юракка, мозий бостириб келар: Ҳайқираган суворийлар, кишнаётган дулдуллар.*

Мен энтикиб қоламан, қалбимда ғулув, ҳадик. Гўёки мана ҳозир, учиб кетадигандек. Ачиндимми, куйдимми, мозийни кўп ўйладим. Қариб қолган минора, тилга кириб сўйлади: “Э, қўйсанг-чи, мозийдан хавотир олмак бекор. Ахир унда не буюк, улуғ боболаринг бор! Кўзингдир юрт тарихи,қараб юргин кўзингга, Сен менга ачинмагин, эҳтиёт бўл ўзингга!”.

Ўзига хос ташбеҳлар билан зийнатланган бу сатрлар замирида жуда катта фалсафий моҳият мужассам. Бу моҳият ўқувчини чуқур ўйлашга,мушоҳада юритишга ундайди. Ҳамма даврларда куйланган ватан, озодлик, мустақиллик мавзулари шоир ижодида янада долзарб тус олган. “Бухорога борганда”

мансурасидаги қиёсларнинг ўзиёқ ўзбек халқининг улуғ ўтмишини, миллий қадриятларини, миллий ўзлик сари курашини ифодалайди. “Қўқон шамоли”, “Бухорога борганда”, “Менинг эртагим”, “Бир тун”, ”Алишер Навоий”, “Тонгдаги ўйлар”, “Раҳимага”, “Уйқум қочган кечада”, “Чўлпон”, “Онамга”, “37-йил шеъри”, “Тўмарис билан суҳбат”, “Тараддуд”, “Онам фотиҳаси,” “Азон”, “Оролдаги ўйлар” каби шеърларда мазмун ва ғояни яхлит тадрижий босқичларда кўрамиз.

Адабиётга ўзининг ҳеч кимникига ўхшамаган овози билан кириб келган таниқли шоир ва таржимон, моҳир публицист Аъзам Ўктам(1960-2002й.) серқирра истеъдод ва покиза иймон соҳиби, ёруғ туйғулар куйчиси эди. Талабалик давридаёқ “Совет Ўзбекистони санъати”, “Ёшлик” журналларидаги шеърий туркумлари билан Озод Шарафиддинов, Ғайбулла ас-Салом, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Анвар Обиджон каби атоқли ижодкорларнинг эътиборига тушган ёш шоирнинг турли йилларда “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърий тўпламлари, адабий-публицистик мақолалари, “Бола дунёни тебратар”, “Хабар” каби қиссалари чоп этилди. Шунингдек, у таржимонлик, муҳаррирлик ишлари билан ҳам жиддий шуғулланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, таниқли адабиётшунос олим Сайди Умиров тўғри таъкидлаганидек, “Аъзам Ўктам ҳақиқий фарғоналикларга хос хуштавозе, ширинсухан, дилбар йигит эди. Турфа фазилатлари ичида учтасини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Биринчидан, илмга чанқоқ,ҳам дунёвий, ҳам илоҳий билимлари тўкис, дунёқараши кенг инсон эди. Шеъриятга ишқи, адабитга шайдолиги баробарида тарихий, диний қадриятларга, азалий удумларимизга қизиқиши, муҳаббати кчли эди. “Чўлпон” нашриётида ишлаган йилларида мафкуравий тазйиқ кучли даврда босилмаган кўп илмий, бадиий, диний, публицистик китобларга муҳаррирлик қилгани – бунинг далили. Илмли ва фидойи муҳаррир сифатида самимий дастхат ёзиб бергани – муқаддас китоб “Қуръони карим”ни ҳар гал қўлга олганимда Аъзамжоннинг нурли сиймоси кўз ўнгимда жонланади”[297].

Халқ онгида мудраб ётган миллий ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ўзлигини англаб етиши учун курашга чорлаш, бир сўз билан айтганда халқни миллий мустақилликка тайёрлаш вазифасини адабиёт ўз зиммасига олди. Ватан тарихи ҳақидаги асарларда шоир тафаккурининг, туйғуларининг минтақалари ниҳоятда кенгайиб, фалсафий таъсирчанлиги кучайиб борганлигини кузатиш мумкин. Эзгулик, яхшилик, иймон-эътиқод ва ватанга садоқат туганмас куйдек китобхонни некбин орзулар,ойдин хаёллар ва заковат оламига ошно қилади.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон айтганидек, “Аъзам Ўктам ижодининг салоҳияти, югуроқ кўзларга тезда чалинавермайдиган ички қудрати, ўхшаши йўқ нафосати ҳақида таниқли адабиётшунослар, қаламкаш дўстлари бир-биридан мазмундор, кўтаринки мақолалар ёзишган. Улардан ўтказиб айтишим қийин. Ишончим комилки, мутахассислар бу иқтидорли адиб меросига ҳали қайта-қайта мурожаат қилишади. Унинг янгидан – янги қирраларини кашф

[297] С.Умиров “Жилмайиб ётайин Фарғонага келиб...” Дорилфунунлар менинг тақдиримда.”Шарқ”.

этишади. Шоир ижодининг ўрганилмаган, ўрганилишга жуда-жуда арзийдиган жиҳатлари кўп.”[298]

Аъзам Ўктамнинг “Жаллод ҳукмин ўқиди охир” деб бошланувчи шеърида доимо уйғоқ ва бедор руҳиятнингқадри, сўзнинг ва фарзандлик туйғусининг қиммати армон шаклида ифодаланади:

Жаллод ҳукмин ўқиди охир,
Бит кўзлари қаҳрга тўлди:
“Яшаб юрса юрар бир шоир,
Қўлёзмасин йўқотсак бўлди!”
Ўтди не-не зотлар мунғайиб,
Тирик, аммо жонсизга ўхшаш.
Куч, чидам бор,
Фақат қалб майиб,
Хотираси айқаш ва уйқаш.
Ичга, ташга қарайман аста,
Билмаяпман – ёвинг ким эди?
Шоир элим, юрагинг хаста,
Орол сенинг асарингмиди?

Бу шеърнинг моҳияти ва оҳангида халқимиз ва мураккаб давримизнинг овози, зарби ва армонлари бор. Шоир дунёни, қуриб бораётган Орол денгизини, миллат тарихи ва воқеликни барча мураккабликлари, қарама-қаршиликлари, кескин зиддиятлари билан чуқур ва равшан идрок қилади. Жамиятда “қалби майиб, хотираси айқаш ва уйқаш”, яъни манқурт одамлар борлигидан ёшларни огоҳлантиради.Кучли мантиқ, образларнинг улуғворлиги, бўёқларнинг қуюқлиги, тилнинг халқчиллиги Аъзам Ўктам ижодининг бош белгисидир. Шоир ҳар бир воқеликни миллат ва халқ манфаати нуқтаи назари билан баҳолайди. У она тилининг ички товланишлари, яширин имкониятлари, бадиий-тасвирий воситалардан маҳорат билан фойдаланди. “Онам фотиҳаси” шеърида шоир ўзбек халқининг она дуоси ва нияти билан боғлиқ энг гўзал ва умуминсоний моҳиятга эга миллий қадриятларини шундай ифодалайди:

Энди сен ҳукумат одами,болам,
Қўлинггабир қоғоз берди ўқитиб.
Унутма – сен кимсан, ким ота-оанг,
Юрма қоғоз билан элни қўрқитиб.
Сени жўнатишса олис юртларга,
Агар халқи ўзга тилда гапирса –
Ҳеч тақлид қилмагин сур,бебурдларга,
Сўкмагин уйидан сенга жой берса.
Ўкрайма “Сен бизга меҳмон” деганга,
Қийиқ ахтармагин ҳеч қачон қилдан.
Бешик бўлсин, тобут бўлсин экканга,
Кесма дарахтларин, эк келса қўлдан.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо айтганидек,”Аъзам Ўктам шоир ва шахс сифатида катта мактаб эди. Дунё тан олган аллома Шайх Муҳаммад Содиқ

[298]А.Обиджон Яшариб бораётган шоир. “Осмон яқин...” Т.2011.4-б.

Муҳаммад Юсуф ҳазратлари, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим О.Шарафиддинов бежиз унинг шеъриятига юксак баҳо беришмаган. Китобсевар ёшларимиз ёвқур шоир Аъзам Ўктам ижодини билишлари, у билан фахрланишлари шарт.”

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.Шарафиддинов. Аъзам Ўктамни хотирлаб. “Муҳаррир нашриёти”., Т., 2019. Б.-3.
2.С.Умиров “Жилмайиб ётайин Фарғонага келиб...” Дорилфунунлар менинг тақдиримда. Т.: “Шарқ”.
3.А.Обиджон Яшариб бораётган шоир. “Осмон яқин...” Т.2011.4-б.
4.Б.Каримов Аъзам шоирнинг ўктам овози. Руҳият алифбоси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т., 2018. Б.-132.
5.А. Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т: “, 2014. – 304 б.
6.А. Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1993. – 80 б.
7.А. Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент: “Муҳаррир”, 2019. – 92 б.

БОТИР ЭРГАШЕВ ШЕЪРИЯТИДА ЮРТ ТАСВИРИНИНГ ИНЪИКОСИ

Сурайё Исматова,
Фарангиз Давронова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик йўналиши 3-курс талабалари
Илмий раҳбар-ф.ф.д. Ҳ.Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада таниқли шоир Ботир Эргашев ижодининг бош мавзуси – она ватан ва улуғ аждодларга муносиб ворисийлик туйғусининг бадиий талқини ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Миллий қиёфа, эрк, ватан, қалб озодлиги, байроқ, миллий ғурур, истиқлол, она ер, истиқлол, маданий мерос.

Аннотация. Бұл мақалада белгілі ақын Ботыр Ерғашев шығармашылығының негізгі тақырыбы – Отанға, ұлы бабаларға лайықты сабақтастық сезімін көркемдік тұрғыдан түсіндіру сөз болады.

Негізгі сөздер. Ұлттық бейне, еркіндік, туған жер, жан азаттығы, ту, ұлттық мақтаныш, тәуелсіздік, Отан, тәуелсіздік, мәдени мұра.

Аннотация. В данной статье речь идет о художественном осмыслении главной темы творчества известного поэта Ботира Эргашева – ощущении достойного преемства Родине и великим предкам.

Ключевые слова. Национальный образ, свобода, родина, свобода души, флаг, национальная гордость, независимость, родина, независимость, культурное наследие.

Ватан – таниқли шоир Ботир Эргашев учун ёруғ дунёдаги энг мўътабар ва улуғ, табаррук тушунча. Истиқлол туфайли юраги қаъридаги энг олий мақсадлари, эзгу орзулари ушалган, буюк аждодларидан фахрланган шоир машҳур «Ватандормиз» шеърида она тилимизнинг ички имкониятларидан,

жозибасидан унумли фойдаланади, юртни янги, оҳорли ташбеҳлар билан улуғлайди:

Ҳаққа қасамёд қилдим, туриб онам қошида,
Юртим, тупроғингда шер, осмонингда биз сормиз.
Байроқларни тутганлар байроқдор деб аталса,
Бизлар сени бош узра тутгувчи Ватандормиз!

Шоир ватандорлик ҳисси билан ўз қалбидаги фарзандлик туйғуларини, садоқат ва муҳаббатини, фуқаролик бурчи ва масъулиятини ниҳоятда табиий, ишонарли ва жонли ифодалайди. Унинг шеъриятининг асосини ватанпарварлик мавзусидаги асарлар ташкил этади. Юрт ҳақида шеър ёзишнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Бинобарин, ватан меҳри, тарихи, улуғ аждодлар мавзусида янги гап айтиш ниҳоятда қийин.Шоирда миллий ғурур туйғуси жуда кучли, у юрт мавзусини тилга олганда умумий тавсифлардан, ҳиссиз баёнлардан, ҳамма ўрганган ўхшатишлардан қочишга уринади. Унинг«Бизнинг байроқ» шеърида мустақил Ўзбекистоннинг рамзи бўлмиш байроғимиз мадҳ этилади . Шеър шундай бошланади :

Ҳилпиратар доим ҳурлик шабодаси,
Истараси жаннатларга тенг, чиройли.
Бу сўзларим ғуруримнинг ифодаси –
Бизнинг байроқ ер юзида энг чиройли.

Бизнинг ўзбек халқимиз ўзи яхши кўрган инсонларни “истараси иссиқ, истараси чиройли” деб суяди, эъзозлайди. Шоир ниҳоятда гўзал ташбеҳ қўллайди, миллат байроғини инсондек яхши кўриш ва асраш кераклигини, у миллий ўзлик ва миллий ғурурнинг ифодаси эканлигини айтади. “Ҳурлик шабодаси ” бу халқимиз орзиқиб кутган истиқлол ва эркдир .

Бахтимиз қомуси – Конституциямизнинг 1-боб, 5-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари – байроқ, герб ва мадҳия қонун билан тасдиқлангани белгиланган. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек: «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир» [299].

Шеърнинг хулосасида мустақиллик тимсоли бўлган юрт байроғи ҳақидаги ўй – мушоҳадалар, манзара ва ҳолатлар қуюқ бўёқдорлик касб этади, ҳаяжон ва қалб зарбларининг моҳияти кучайиб боради. Байроқ образи давр руҳи ва инсон умри ҳамда истиқболининг моҳияти билан уйғунликда талқин этилади:

Бошимизда мангу турсин тинчликка шай,
Унга қўнган чангни юзим билан артай,
Ботир бўлиб бор овозда қўрқмай айтай,
Бизнинг байроқ ер юзида энг чиройли.

Атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг фикрича, «Ижод муттасил кашфиётлар силсиласидир. Доимо ҳаракатланиб, ўзгариб, янгиланиб турувчи кўҳна дунё жумбоқларини чақмоқ учун, инсон қалби, характери, руҳий

[299]Ш.Мирзиёев Ёшларга донолар ўгити. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи . Тошкент-2018. Б-13.

оламининг янги –янги қатламларини кашф этмоқ учун ижодкор тинимсиз изланмоғи даркор» [300].

Ботир Эргашев шеъриятида фикр ва ҳиссиётнинг ўзаро муносабати хилма-хил кўринишда намоён бўлади, фалсафийлик публицистик руҳ билан уйғунлашиб кетади. У давр воқеа – ҳодисалари жараёнига янгича дунёқараш билан теран назар ташлайди. Ватанга муҳаббат ва садоқатни ёрқин, тиниқ ифодаланиши китобхонни мушоҳадага ундайди. Ватан ҳақидаги бу гўзал асарлар маълум кайфият ва масулият туйғусини уйғотишидан ташқари шеърнинг бош тамойилини янада ёруғроқ акс эттиришга бўйсундирилган. Унинг «Эй, она ерим», «Она – Ватан», «Ватан», «Ёлғончи онам», «Ватандормиз», «Ватанфуруш болам», «Бизни буюк ишлар кутмоқда!», «Ёшлар иттифоқи мадҳияси», «Бизнинг байроқ» каби шеърларида Ватан ва халқнинг порлоқ келажагини ўтмиши ва бугуни билан вобасталикда ифодалаш шоир ижодининг бош эстетик кредоси ҳисобланади. «Она Ватан» шеърида у юрак қаъридаги муҳаббат ва ихлосни шундай таърифлайди:

Онамизни Ватан дейлик, юртни онам,
Дилимизга иккисининг меҳри юққан!
Оналар дер, элга хизмат қилсин болам,
Демак, улар бизни Ватан учун туққан!

«Ёшлар Иттифоқи мадҳияси» шеърида Ватанга садоқат ва фидойилик инсон умрининг мазмунига айланишини, ўсиб келаётган ёш авлод улуғ аждодлар номига муносиб бўлишларини орзу қилади:

Болаликдан асов отни эгарлаб,
Доим зафар қучган Темур бобомиз!
Ўн икки ёшида тахтни эгаллаб,
Юрт бошқарган бизнинг Бобур бобомиз!
Аждодлардек ёруғ юз бўлмоқ учун,
Нурлашайлик, Ўзбекистон ёшлари!
Дунё кўриб қўйсин биз ёшлар кучин,
Бирлашайлик, Ўзбекистон ёшлари!

Ботир Эргашев шеъриятининг энг муҳим фазилатларидан бири, унда янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги жўшқин ҳаёти, бунёдкорлик ислоҳотлари, жаҳонга юз тутаётган эзгу ғоялари кенг кўламда, барча ранглари ва жилолари, мустаҳкам нуфузи билан акс этган. У ёш китобхонга бугунги глобаллашаётган, тезкорлик билан ўзгараётган дунёнинг сирли жумбоқларини, умр мазмунини, жаҳон тан олган буюк мутафаккир боболаримиз яратган кашфиётларнинг тарихий моҳиятини аниқ воеа-ҳодисалар мисолида очиб бериади, қувчи қалбида, онгу шуурида эртанги ёруғ кунга ишонч уйғотади, уни эзгу амалларга даъват этади:

Аждодлардан мерос бардошлар,
Эзгуликлар томон йўл бошлар,
Тўхтаб қолманг, эй ватандошлар,
Бизни буюк ишлар кутмоқда!
Ҳар лаҳзага бериб оро, зеб,

---

[300] Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас .Тошкент.: " Ёш гвардия " нашриёти, 1983. Б.145.

Эртамизнинг яшанг ғамин еб,
Ўзбекистон буюк бўлсин деб,
Бизни буюк ишлар кутмоқда!

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. ЎзА, 2020й,20 октябрь.

2. Ш.Мирзиёев Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ,2018. Б-13.

3. Озод Шарафиддинов Ҳаёт билан ҳамнафас . Т.: "Ёш гвардия" нашриёти, 1983. Б.145.

ТАНИҚЛИ АДИБ МАМАТҚУЛ ҲАЗРАТҚУЛОВНИНГ "ЧЎЛИ ИРОҚ" ҲИКОЯСИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ

Замира Мирғиёсова,
Дилфуза Файзуллаева,
Диана Эрджанова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик йўналиши 1-курс талабалари
Илмий раҳбар- ф.ф.д. Ҳ.Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада таниқли адиб, драматург ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуловнинг "Чўли ироқ" ҳикояси мисолида ёзувчи ижодидаги оддий инсоний муносабатлар, характерлар руҳияти, ички олами, маънавий дунёсидаги зиддиятлар тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: "Чўли ироқ", юксак бадиият, инсон қисмати, зиддият, ҳаётий тамойил, садоқат, оҳанг.

Аннотация. В данной статье известного писателя, драматурга и переводчика, журналиста, служившего в Узбекистане, Маматкула Хазраткулова рассказ «Пустынный Ирак» исследуется на примере обычных человеческих взаимоотношений, психики героев, внутреннего мира, конфликтов в духовном мире писатель.

Ключевые слова: «Пустынный Ирак», высокое искусство, человеческая судьба, конфликт, жизненный принцип, верность, мелодия.

Аннотация. Бұл мақалада Өзбекстанда қызмет еткен белгілі жазушы, драматург және аудармашы, журналист Маматқұл Хазратқұловтың «Шөл Ирак» повесі қарапайым адами қарым-қатынастар, кейіпкерлердің психикасы, ішкі жан дүниесі, рухани дүниесіндегі қайшылықтар үлгісі ретінде зерттеледі. жазушы.

Негізгі сөздер: «Шөл Ирак», биік өнер, адам тағдыры, тартыс, өмірлік ұстаным, адалдық, әуен.

Адабиёт ҳаётни акс эттиради, ҳаёт эса аксарият ҳолларда ижтимоий воқеликдир. Зеро, адабиёт инсоннинг ҳаёт тажрибасини эгаллаш ва хулоса

чиқариш асносида яратган мўъжизаларини англаш учун бебаҳо восита сифатида ўзига хос аҳамият касб этади. Бунга қўшимча равишда, ёзув жараёнидаги ижтимоий ва маданий муҳит жуда муҳимдир.

Таникли адиб ва таржимон, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуловнинг “Оқ қуш” (1981), “Чўли ироқ” (1983), “Ҳаётнинг бир парчаси” (1983), “Интизор” (1985), “Қуёш мен томонда” (1986), “Қўзичоқнинг кўз ёшлари“ (1987), “Журъат” (1988), “Эшиклар очиқ” (1995), “Кўккўл” (2005), “Дийдор” (2012), “Севги сози” (2015) каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари чоп этилган. Уларнинг ҳар бири адабиёт ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди. Унинг асарларида воқелик ва ҳаётнинг турли томонлари, инсон руҳиятининг эврилишлари ҳар хил манзара ва кўринишларда намоён бўлади. Баъзи ҳикоя ва қиссаларида қаҳрамоннинг ҳаёт йўли, тамойиллари жамиятдаги ижтимоий-маданий муҳитнинг таъсири ёки муаллифнинг ўз шахсий кечинмалари, кўнгил туғёнлари орқали кўрсатилади. Адибнинг бадиий маҳорати, фикр ифодаси ва муносабати турмушдаги энг мураккаб, зиддиятли ҳолатларни, қарама-қаршиликларни, мураккаб боғланишларни бадиий жиҳатдан ёрқин акс эттиради. Унинг “Меҳр кўп кўргуздим”, “Меҳмон”, “Қадрим”, “Афандининг янги саргузаштлари” каби пьесалари пойтахт ва вилоят театрларида муваффақият билан саҳнага қўйилди. Унинг қаламига мансуб “Сайёра“ опера либреттоси, “Нон”, “Ипаклари тиллодан” каби ҳужжатли фильмлар, “Лев Толстой ва ўзбек адабиёти” рисоласи Маматқул Ҳазратқуловнинг серқирра истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатади.

Муаллиф инсон руҳиятини давр воқеалари билан фалсафий жиҳатдан санъаткорона маҳорат билан боғлайди, қаҳрамонларининг мулоҳазалари жамият тараққиётига таъсир этишини, одамларнинг қалбини уйғотишини истайди. Унинг “Чўли ироқ” ҳикояси, “Меҳр кўп кўргуздим” драмаси бадииятнинг юксак намунаси сифатида миллат тарихи ва равнақининг контурларини белгиловчи ижтимоий ҳужжат вазифасини ҳам адо этади.

“Чўли ироқ” ҳикоясида адабиётнинг таъсирчан кучи характерларнинг тўқнашувида, ҳар хил манфаатларнинг кураши, конфликтларнинг ривожида атрофлича очилади. Ҳикоянинг қисқача мазмуни шундай: Икки севишган – Муҳаббат ва Бахтиёрнинг турмуш курганига энди бир ой бўлган. Радиодаги эрталабки концертда “Чўли ироқ” куйини тинглаб, кўзига ёш олган бир ойлик келинчакнинг изтироблари турмуш ўртоғининг кўнглида гумон уйғонишига сабаб бўлади. Санъат нафақат ҳаётни акс эттиради, балки уни шакллантиради, руҳиятига таъсир қилади. Шу таъсир ҳикоя қаҳрамони Бахтиёрни минг кўйга солади, шубҳалар, изтироблар дарёсига ғарқ қилади. Ниҳоят, бир куни йигитнинг алами отилиб чиқади: “Чўли ироқ”ни яхши кўрсанг нима бўпти,шунга йиғлайсанми? Ахир бир марта бўлмаса, икки марта бўлмаса... ҳар доим шу аҳвол. Турмуш курганимизга бир йил бўляптию, ҳамон шу куйни эшитсанг йиғлайсан. Бўлди-да, энди. Демак... куй замирида кимдир бор.Уни эшитганингда ўшани эслайсан...”, дейди тутоқиб. Муҳаббатнинг кўз ёшлари унинг баттар ғашини келтиради, норозилигини кучайтиради. Бахтиёр ва Муҳаббатдаги бу ички изтироблар китобхон қалбига ҳам кўчади. Фақат китобхон кимга хайрихоҳ бўлишни билмайди. Кўнгли эзилади.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, кечки пайт ишдан келган Бахтиёр шом аралаш ёлғиз ўзи радиодан таралаётган “Чўли ироқ”ни тинглайди. Аввалига жаҳл билан радиони ўчирмоқчи бўлади-ю, беихтиёр куйни тинглаётганини ҳатто сезмай қолади.”... бу оҳанг юрак пардаларини зириллатаётгандек бўлди. О, сеҳрли куй! Неча асрлардан буён қанча-қанча одамларнинг юрагини зирқиратасан? Не-не тошбағирларни мумдай эритмадинг! О, буюк халқ! Она халқим! Сенинг бетимсол даҳонгга таъзим! Минг бор тасанно! Шу куйларинг, шу сеҳркор мўъжизаларинг бўлмаганда, фарзандларинг ҳам шу қадар мулойим, одамохун, бағрикенг бўлармиди? Минг бор қуллуқ сенга, она халқим!”- адиб “тубсиз ўйга ғарқ бўлган” Бахтиёрнинг онгу шуурини, бутун дунёсини остин-устун қилиб юборган куйнинг жозибасини, афсунваш таъсирини ниҳоятда ишонарли тасвирлайди. Бахтиёрнинг қалбини ўртаётган азоб, дард ва гумоннинг ечимини панд-насиҳат орқали эмас, куй билан кўнгилнинг мантиқий боғлиқлигидан топади. Ҳикояда икки инсон тийнати, қисмати, маънавий-руҳий олами ҳаётий муаммоларнинг холисона теран тасвири, кучли лиризм китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уни нохуш ўйлардан, изтироблардан халос қилади. Ҳикояни қайта ўқигиси, “Чўли ироқ”ни тинглагиси келади. Бутун инсоният қалби ва шуурига дахлдор бўлган улуғвор мусиқа замирида ётган тарих тақдирлар ва руҳий кечинмаларга вобаста, қайта жонланади.

Ёзувчи мақсадини воқеалар силсиласига сингдириб юборади, куй орқали инсон қалбининг гўзаллигини, тилсимот тўла хазина эканлигини англатади. Воқеликни ёрқин, тиниқ бўёқларда тасвирлаш, қаҳрамоннинг ички оламини теран очиб бериш орқали китобхонни мушоҳадага ундайди. Шу ўринда “Чўли ироқ” куйининг тарихи билан қизиқдик. Мавжуд манбаларда унга шундай таъриф берилган: “*Ироқ* мақоми бош куй мавзуи асосида яратилган йирик шаклдаги мумтоз чолғу асар. У ғамгин,қайғули руҳий ҳолатни ифода этгани билан теран фалсафий маъно ва мазмунга эга”[301].

Таниқли адиб Маматқул Ҳазратқуловнинг бадиий умумлашмаси туфайли биз “Чўли ироқ” куйининг яна бир хусусиятини топдик. Яъни, бу сеҳрли куй нафақат инсонни чуқур ўйга толдиради, балки у қалб озорини даволайдиган даражада мўъжизакор таъсир қудратига эга экан. Бу кўринмас куч билан у оламга ва одамга, жамиятга муносабатни ҳам бемалол ўзгартира олади. Айнан шу муносабат ёзувчининг кашфиётидир. У Бахтиёрнинг куй тинглаётган пайтдаги ҳолатини, кайфиятини, зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ичра курашини ишонарли тасвирлайди. Ҳикоя тугаса-да, унинг китобхон қалбига ўтказган таъсири узоқ давом этади. Ўйлантиради, ҳаяжонга солади.

Буюк Лев Толстойнинг фикрича, “Агар санъат ўзи мавжуд бўлса ва унинг мақсади бор бўлса ва унинг мақсади бор бўлса, санъатнинг бош мақсади – инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни очиб бериш, айтишдир, унинг оддий сўзлар билан айтиб бўлмайдиган сирларини ифодалашдир. Санъат шуниси билан санъат”[302]. Адиб санъатнинг таъсир кучини ҳаёт билан ҳамнафасликда, инсон руҳияти, заковати ва фалсафий тамойиллари билан боғлиқликда ифодалайди. Қаҳрамонларининг қалбига қулоқ солиб, уларнинг дардини, қувончини, азобини

---

[301] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-ж.Т.2005.668-б.

[302] Толстой Л.Н. О литературе.”Наука”,М. 1955.-С.310.

ниҳоятда ҳаққоний тасвирлайди. Ҳикоя қуруқ баёнчиликдан холи, Бахтиёр ва Муҳаббатнинг изтироблари, маънавий олами табиий, самимий кўринишда тўлиқ очиб берилади.

Таниқли ижодкор Маматқул Ҳазратқулов ҳикояда оддий инсоний муносабатлар замирига катта ижтимоий-маънавий масалаларни сингдиради,зиддиятга тўла психологик конфликтнинг бадиий ечимини топади. Муҳаббатнинг садоқат ҳақидаги қасамларига ишонмаган Бахтиёр унинг сўзга кўчмаган қалб нидосини “Чўли ироқ” орқали англайди. Англаш жараёнида ўзининг ҳам кўнгли покланганини, унда ажиб ҳиссиётлар уйғонганлигини сезади, дунёга ва ҳаётга бошқача, тийрак нигоҳ билан қарай бошлайди. Мусиқа ва сўз бадиияти уйғунлашиб, ҳақиқий санъат асарига айланади. “Чўли ироқ” ҳикоясидаги шахс концепциясини ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдик: асарда руҳий конфликтга, ҳис-туйғулар тасвирига кенг ўрин берилган. Муҳаббати, демак келажак тақдири жар ёқасида турган ёш оила “Чўли ироқ”нинг таъсирида бир-бирларининг маънавий дунёларини, ички туғёнларини тушунадилар. Адиб инсон қалби таҳлили воситасида ҳаёт ҳақида мушоҳада юритади. Инсон катта таъсир кучига эга бўлган эзгулик туфайли маънавий юксалишига китобхонни ишонтиради. Демак, адабиёт жамият тараққиётида, инсон феъл-атвори шаклланиши ва камолотида, унинг маънавиятини бойитишда, миллий ўзлик туйғусини англашида катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-ж.Т. 2005. 668-б.
2.Толстой Л.Н. О литературе.”Наука”,М. 1955.-С.31

САЛИМ АШУРНИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

Нозима Пўлатова,
Соҳиба Исомиддинова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик йўналиши
3-курс талабалари
Илмий раҳбар – ф.ф.д.Ҳ.Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада таниқли шоир ва таржимон Салим Ашур шеъриятининг лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: Юрт, она, Ўзбекистон, нон, туфроқ, эна, яфроқ, тандир, қалб.

Аннотация. Бұл мақалада белгілі ақын, аудармашы Сәлім Ашур поэзиясының лингвопоэтикалық ерекшеліктері қарастырылған.

Негізгі сөздер: Ел, ана, Өзбекстан, нан, топырақ, ана, жапырақ, пеш, жүрек.

Аннотация. В данной статье рассматриваются лингвопоэтические особенности поэзии известного поэта и переводчика Салима Ашура.

Ключевые слова: Страна, мать, Узбекистан, хлеб, земля, мать, лист, печь, сердце.

Инсон қалби сирли, айни пайтда тушуниш мураккаб бўлган хилқатдир. «Шеърият – руҳ ва қалбнинг ифода имкони»[303] сифатида, "сирли хилқат"нинг тилсимларини очади, китобхон идрокини уйғотади. Салим Ашурнинг "Муҳаббат китоби" тўплами "Насиб бўлса, қайтиб бораман" деб бошланувчи шеъри билан очилади. Кўз олдимизда ўзбек Онасининг ёрқин ва мунис образи гавдаланади. Хокисор ва итоаткор ўзбек аёли, фарзандини орзиқиб кутган муштипар, унга табассум эмас, кўзда ёш билан пешвоз чиқади:

Насиб бўлса, қайтиб бораман,
Югуриб чиқасан, она, йўлимга.
Худо шоҳид, шу дақиқадан,
Ишонмай қўяман яна ўлимга.

Шеър шоир юрагидаги изтиробларнинг суратига ўхшайди. Руҳий драма воситасида китобхонни маънавий-маърифий-фалсафий манзил сари етаклайди. қувончини, бахтиёрлигини, дарду армонларини ҳам яиролмайди:

Биламан, мен йўқлигим пайтда,
Кўрган хўрликларинг тушиб эсингга,
Йиғлайсан, йиғлагим келади,
Қарамай қайтган Бахт – ўзингга.

Шоирнинг фавқулодда гўзал, рангин ва тиниқ ташбеҳлари, ингичка ишоралар, теран истеъдоди, маҳорати шунда кўринадики, Она образи Ватан билан бирлашиб кетади, она-Ватанга, Ватан-онага айланади. Шеърнинг ички жозибасини, лирик ҳароратини, таъсирчанлигини кучайтиради:

Шундай пайт бу ҳаёт кўргизган барча
Яхши ва ёмонни жойлайди жонга.
Аниқки, меҳрингга тўёлмайман ҳеч,
Ҳеч тўйиб бўлурми Ўзбекистонга?!

Салим Ашурнинг "Маним онам туфроқ эди" деб бошланувчи шеърида истиора санъатининг энг ноёб намуналарини кузатамиз:

Менинг онам туфроқ эди,
Лек оқлиги кўпроқ эди.
Зар зарраси – йор-йораси
Сўнгакимга қайроқ эди –

Олимларнинг фикрича, "Истиора – (ар. "ориятга олиш") – нозик маънавий санъатлардан бири бўлиб, ... ўз хусусиятларига кўра истиора иккига бўлинади: 1.Очиқ истиора (ёки истиораи бит-тасреҳ); Ёпиқ истиора – (ёки истиораи изофий).Агар истиора объекти (ўхшатилаётган нарса) тилга олинмай, фақат истиораланувчигина зикр қилинса, бундай очиқ усул истиора – истироаи бит-тасреҳ дейилади"[304].

Шеърда туфроқ, эна, сўнгак лирик қаҳрамонлааро ўта табиий алоқадорлик бор. Унда шоир қалбининг кўри, ҳарорати, жўшқинлиги акс этяпти. У бутун руҳи, борлиғи билан ёруғликка – Ватан ва туфроқ муҳаббати билан уйғунлашган

[303] Ҳаққулов И. Шеър - юрак тажрибаси. . "Ўзбекистон" НМИУ, Т.. 159-б.

[304] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. "Ўзбекистон" НМИУ, Т.2014. 50-б.

она меҳрига талпинади.Инсон она туфроқнинг ажралмас қисми эканлигини ҳис қилади:

Эна, кетай, мани қўйвор,
Икки кўзим икки Жўйбор.
Мозорим тор дема, ай-йор,
Боримизга е-тар жой бор.
Эна, кетай, қўйвор йоки,
Йоки олгил кучоғингга.
Нечук ўғил ўлдум токи
Ўтун ўлмай ўчоғингга.

Таниқли шоир Салим Ашур асарларидаги теран фалсафий тафаккур маҳсулига гўзал бадиий руҳ ва шакл берган жонли халқ тилидаги ҳар бир сўз, ибора ўзининг узуал ва окказионал қўлланишларида шоирнинг она тили хазинасидан, унинг ички имкониятларидан, жозибасидан нечоғлик истеъдод билан фойдаланганлигини кўрсатади ва бу имконият кенгайишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Шоирда туфроқ, дарахт, яфроқ, тандир, нон образлари, инсон қалбидаги изтироблар, замон руҳини, тараққиёт тамойилларини табиатга, борлиққа сингдириб юбориш салоҳияти, инсондаги руҳий-маънавий-идрокий кувватни ўқувчига юқтириш қобилияти бор. Салим Ашур инсониятни ўйга толдирадиган мангу муаммоларнинг замонавий ечимини излайди, қадимий сўзларнинг мазмун-моҳиятини, жарангини янгилайди, кўнгил дарахтининг сирли ҳолатини чизади:

Маним онам дарахт эрди,
Яфроқ каби кеттим ташлаб.
Санг-сахт онам келолмайдир,
Қўйвормайди тошлар, даштлар.

Инсон табиатидаги орзу-армонлар, дарду изтироблар, зиддиятлар гоҳ яфроқ, гоҳ дарахт кўринишида бўлсин, сўз шаклига кирганида китобхонга ҳайрат бахш этади. Қалбнинг руҳий шижоати, мардона юрак тажрибаларидан сабоқ беради:

Маним онам эсанг тандир,
Оғушингда қани йондир.
Ҳали-ҳамон узма, эна,
Ўғлинг ёпилган бир нондир.

Сатрдан-сатрга ҳиссий идрок ўткирлашиб, ҳаётни образли мушоҳада этиш тамойили кенгайиб боради. Шеър – Салим Ашурнинг кўнгилдоши, сирдоши. Сўз-шоир учун ҳам таскин, ҳам армон, ҳам қисмат, жонли руҳ, ҳароратли нафасдир. Шоирнинг умумлашмаларида сўзнинг ҳаёт ва жамият, кўнгил ва тафаккур билан алоқаси янгича тус олади:

Йонгинамда йонган ўлим,
Қонларимга қонган ўлим,
Чор-ла-ма-гил, ччор-лай – бер-ма,
Сен тарафга эмас йўлим.

Ўзбек тилшунослигида мумтоз ва замонавий адибларимиз индивидуал бадиий нутқи хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар индивидуал бадиий матнни илмий тадқиқи орқали она тилимизнинг муайян нозик қирраларини, ички

латофатини намоён этиш учун хизмат қилади. “...Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эхтиёжга айланиши керак”[305]. Муҳтарам Президентимизнинг бу пурмаъно сўзлари, албатта, ўзбек тилшунослигида амалга ошириладиган илмий тадқиқотларга ҳам тегишлидир.

Унинг “Арава ҳақида қўшиқ”, “Сергей Есенин”, “Баҳор”, “Пешона”, “Осмон яна тўлиб кетти”, “Айвазоский”, “Юрак”, “Кутиш”, “Қишлоқда”, “Қоқигул”, “Чори Аваз” каби шеърларидаги бадиий тасвир воситаларида табиат ва инсон руҳияти уйғунлигига илиқ меҳр сезилади. Шу маънода ўзбек шеъриятининг забардаст вакилларидан ҳисобланмиш Салим Ашурнинг серқирра ижоди ижтимоий-фалсафий, бадиий, лингвистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганилишга лойиқ лисоний табиати билан алоҳида ажралиб туради:

Тандирга беркитар осмонни онам,
Тандир оғзига ёпади эски тоғора
Ва осмон пуштида ойлар кўкарар...
Ойлар гуллайверар тобора.

Тандир – кут – барака, фаровонлик белгиси,шунинг баробарида, бирда осмонни, бирда эски тоғорани эслатгувчи дунё. “Тандирга беркитар осмонни онам” деб бошланувчи шеърнинг ички табиати, унинг туйғулар кўламидаги кўп маънолилик ўқувчини ўзига тортади.

Шоир Салим Ашурнинг қаламида она тилимиз хазинасидаги қадимий сўзлар янгидан-янги қирраларини намоён қилади, беқиёс фалсафий мазмун ва бадиий қиммат касб этади. Демак, шоир шеъриятини турли лингвистик аспектларда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил, 25 январь сони.
2.Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. “Ўзбекистон” НМИУ, Т.2014. 50-б.
3.С.Ашур Муҳаббат китоби. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи.Т.2018.

ҒАЙРАТ МАЖИД ПУБЛИЦИСТИКАСИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рамизхон Ҳожиев,
Шерзод Қодиров,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик йўналиши

[305] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил, 25 январь сони.

1-курс талабалари
Илмий раҳбар-ф.ф.д. Ҳ.Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада серқирра истеъдод соҳиби Ғайрат Мажиднинг публицистик маҳорати “Бунда булбул китоб ўқийди” китоби мисолида тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, тафаккур тарбияси, ижод мактаби, Ибрат, эркин фикр, ижодий қобилият.

Аннотация. Бұл мақалада дарынды Ғайрат Мәжидтің журналистік шеберлігі «Бұл жерде бұлбұл кітап оқыйды» кітабы мысалында зерттеледі.

Негізгі сөздер: Өзбекстан, ой тәрбиесі, шығармашылық мектебі, Ыбрат, еркін ой, шығармашылық қабілет.

Аннотация. В данной статье исследуется журналистское мастерство талантливого Гайрата Маджида на примере книги «Здесь соловей читает книгу».

Ключевые слова: Узбекистан, воспитание мышления, школа творчества, Ибрат, свободомыслие, творческие способности.

Маълумки, ҳар бир ижодкор тилга ўзининг янги ифода шакли ва жозибасини олиб киради, имкон даражасида унинг ички имкониятларини кашф қилади. Адабиёт - тилдан бошланади, унинг асл моҳияти инсоншунослик, у қайси даврда ва қайси жанрда бўлмасин, инсоннинг дунёқараши, интилиш ва кураш йўлларини, унинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини, шулар билан боғлиқ бўлган ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маърифий ҳодисаларни акс эттиради. Айнан шу хислатлари билан она тили ва адабиёт ўсиб келаётган ёш авлод тафаккури тараққиётида, унинг маънавий олами камолотида жуда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида “Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлашва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилаш”[306] алоҳида таъкидланган.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда ташкил қилинган ижод мактабларида асосий эътибор ўзбек тили ва адабиётини мукаммал ўргатиш назарда тутилган. Таниқли шоир,Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Ғайрат Мажиднинг “Бунда булбул китоб ўқийди” номли китобида республикамиз ижод мактабларининг мақсадлари, уларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳақида ҳикоя қилинади. Асарни замонавий ўзбек публицистикасининг энг яхши ютуғи дейиш

[306]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ЎзА, 2020й.20 октябрь

мумкин. Шу ўринда публицистика ва публицистик услуб ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Публицистика – лотинчадан олинган бўлиб, ижтимоий деган маънони билдиради. Публицистик услубда яратилган асарларда муаллифнинг борлиқдаги воқеаларга муносабати унинг фактик материал танлаши, уларни ўз дунёқараши асосида таҳлил қилиши ва тилнинг эмоционал-экспрессив воситаларидан фойдаланишида ифодаланади. Муаллиф ҳаётий масалалар ҳақида ёзар экан, мантиқий мулоҳаза, далилларга асосланиши ва ўқувчи ёки тингловчини бунга ишонтириши, унинг ҳис- туйғуларига таъсир қилиши зарур. Агар, “Публицистиканинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш”[307] бўлса, серқирра истеъдод соҳиби Ғайрат Мажиднинг “Бунда булбул китоб ўқийди” китоби бу вазифани тўла-тўкис адо этган.

“Наманган вилоятида Исҳоқхон Тўра Ибрат, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Андижонда Муҳаммад Юсуф мактаблари ўз фаолиятини бошлади. Президент ташаббуси билан ташкил этилган ушбу олтита мактабда бугунги кунда 1089 нафар ўғил қиз таҳсил олмоқда. Йиллар ўтган сари мазкур мактаблар ўқувчилари сони ортиб боради, янги-янги истеъдодлар уларнинг сафига келиб қўшилади.Ва улар келажакда чин маънода адабиётни теран тушунадиган, маънавияти юксак, Ватанга, миллатга, халққа садоқат билан ҳалол хизмат қиладиган баркамол инсонлар бўлиб вояга етишади,”[308] дейди муаллиф.

Ғайрат Мажид публицистикасининг тили ўз таъсирчанлиги, халқ иборалари, жонли ифодаларга бойлиги билан ажралиб туради.Маълумки, сарлавҳа ҳар бир асарнинг мағзини ташкил этади. Ғайрат Мажиднинг публицистик мақолаларида сарлавҳа ғояни ифодалаш йўли сифатида намоён бўлади. “Ибрат мактаби”, “Ҳамид Олимжон мўъжизаси”, “Саҳро булбули наволари”, “Боғинг ватан деган ном олсин, эй дўст”, “Муаллим десалар мени қанийди”, “Андижон томонларда...” – бу сарлавҳаларнинг ҳар бири чуқур ва теран маънони ифодаламоқда.

Муаллиф ижод мактаблари ҳақидаги мақолаларида воқеликни реал ифодалаш ва ўқувчига эстетик таъсир этиш вазифаларини моҳирона уйғунлаштиради. Салоҳиятли шоир сифатида элга танилган, кўплаб шеърлари дилбар қўшиқларга айланган Ғайрат Мажиддаги туғма истеъдод ва заковат унинг публицистикасида ҳам тўла бўй кўрсатган. Энг муҳими, китобдан Исҳоқхон тўра Ибрат номидаги, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларининг қобилиятли ўқувчилари қаламига мансуб назмий ва насрий асарлар ҳам ўрин олган. Ғайрат Мажиднинг ижод мактабларига атаб ёзган машҳур шеъри китобнинг хотима қисмида. У

шундай бошланади:

Дунё деганлари сержилва, башанг,
Унга учма, ҳақ йўл бордир, жумладан:

[307]Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-ж. Т., 2004. 194-б.
[308]Ғ.Мажид “Бунда булбул китоб ўқийди” Т., 2018. 7-8-б.

Диллару тилларни билмоқ истасанг,
Ибрат олиб яша, Ибрат домладан.
Иймон, илму урфон – нажот мактаби,
Бу азиз бир зотнинг ижод мактаби.

Очиғини айтиш керак, бу шеър нафақат ижод мактаблари, балки мамалакатимиздаги барча илм даргоҳларининг шиорига айланган. Шеърнинг давомини ўқиймиз:

Водийларни яёв кезмоқдан мурод,
Шодлик ва бахт недир, англаш матлаби.
Кўкдан келаётир бир нурли имдод,
Уйғоқ яшаб ўтгин дарёлар каби.
Шу Ватан, шу халқнинг обод мактаби.
Ҳамид Олимжоннинг ижод мактаби.

Ҳар йили баҳордан этгай хабардор,
Оппоқ ифор сочиб ўрик гуллари.
Устод башоратин айтаман такрор,
“Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали”.
Муҳаббат, садоқат – сабот мактаби,
Зулфияхонимнинг ижод мактаби.

Шу ўрнинда беихтиёр Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг мазкур фикрлари ёдга тушади: “Шоиранинг шеърлари ҳақида, уларнинг латофати, инсоний жозибаси, теранлиги тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин мен бугун бошқа бир саволга жавоб излаяпман – Зулфияни одамларга ардоқли қилган, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айлантирган, XX асрнинг буюк аёллари қаторига қўшган асосий омил нимадир? Менимча, бу унинг эътиқоди, жуда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва диёнат деган нарсаларга ўзи ҳаётда оғишмай амал қилганида.”[309]

Ижодкор қалбидаги адабиётга меҳр миллий ўзликни англаш туйғуси билан уйғунлашади, Китобни мутолаа қилган ҳар бир навқирон қалбни айнан шу туғёнлар сеҳрлайди. Ижод мактаблари берган сабоқлар ёш ижодкорларга қанот бўлади, уларнинг беғубор ҳиссиётларига ранг, ёруғлик беради. Ғайрат Мажид жамият ва ёш авлод муносабатларини бадиий кашф этар экан, шундай дейди:

Ўзбегим, э воҳ – сўз, кўк қадар юксак,
Қалбингга қутқу ва шон солсин, дейман.
Ҳувайдо, Муқимий Ватандир бешак,
Боғинг Ватан деган ном олсин, дейман.
Энг латиф, энг тоза баёт мактаби,
Устоз Эркин Воҳид ижод мактаби.

Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби ҳақида сўз юритиб, муаллиф шундай улуғ адибнинг қорақалпоқ халқи тақдиридаги ўрни ниҳоятда юксак ва беқиёс эканлигини таъкидлайди: “Қорақалпоғистон Республикаси Мадҳиясини ёзган шоирнинг номи шу халқ тарихида абадий муҳрланиб қолди.2017 йил

[309] О.Шарафиддинов Сизни соғиндим, Зулфия опа. Танланган асарлар. Т., 2019 68-б.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Нукус шрида Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби очилди. Бугун ушбу ижод ва билим даргоҳида ёшлар адабиёт ва бадиий ижод сирларини чуқур ўрганишмоқда”[310].Қуйидаги сатрлар бунинг исботидир:

Кунхўжа, бердақдан садолар берган,
Ажиниёз бирлан гулгун сўзларим.
Қорақалпоғимга мен ҳам бир фарзанд,
Ғозлар қанотида қолмиш кўзларим.
Қорақалпоқ элин шаън, ёд мактаби,
Ибройим оғанинг ижод мактаби.

Ғайрат Мажид ёш авлод қалбидаги адабиётга бўлган буюк муҳаббатнинг яралишида ва унинг беқиёс қудратга айланишида ёшларга дунёни танитаётган, уларнинг илк қадамларини қутлаб, нурли, порлоқ истиқбол тилаётган ижод мактабларининг, табаррук устозларнинг сабоқлари бениҳоя катта эканлигини таъкидлайди:

Қачон поён топгай йиллар армони,
Иймондек азизсан, жон Ўзбекистон.
Маним кўп асрлик дардим дармони,
Шеърият, шеърият, жоним онажон.
Асли адабиёт ҳаёт мактаби,
Абдулла Орифнинг ижод мактаби.

Болалик ва ўсмирлик йилларининг орзулар осмонига интилган пиллапоялари қанчалик мустаҳкам бўлса, ундан юксакликка кўтарилаётган навқирон юракнинг мақсадлари ҳам шунчалар буюк бўлади. Ижод мактаблари ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгу шуурига адабиёт ва ватанга меҳр, юртга садоқат, улуғ аждодларга эҳтиром туйғуларини сингдираётган маънавият, маърифат ва заковат ўчоқларидир. Бу заковат ва ифтихор, миллий ғурурнинг энг олий намуналарини эса ёшларимиз Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърлари орқали англайдилар:

Қизғалдоқзор дала дўстимдир, эркам,
Райҳон исларига тўлиқ бу хитоб.
Аллоҳ неъматидир қолса гар сендан,
“Икки мисра шеъру бир сандиқ китоб”.
Эл меҳри, юрт ишқи – мурод мактаби,
Муҳаммад Юсуфнинг ижод мактаби.

Табиатан ижодга рағбати бор, қонида истеъдод ва қобилият учқунлари порлаб турган ёш авлод қалбини нурлантирувчи ижод мактаблари янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётида янги саҳифа очганлиги ҳақиқат. Таниқли шоир ва моҳир публицист Ғайрат Мажид бу фикрни алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, ижод мактабларида ўқиётган ёшлар аввало ўзини ўзи кашф қила олиши керак. Ижод олами машаққатли ва масъулиятли синов, мудом ўз устингда изланиш, ишлаш деганидир. Ҳақиқий истеъдодни меҳнат ва изланишлар жараёни тарбиялайди. Муаллиф ўқувчиларга панд-насиҳат қилмайди, аксинча уларни давр билан ҳамқадам бўлишга, маънавий юксаклик ва комилликка интилишга,

[310] Мажид Ғ. “Бунда булбул китоб ўқийди” Т., 2018. 91-б.

ўзларига яратилаётган имкониятларнинг қадрига етишга ижод мактаблари мисолида даъват қилади:

Кўнглимни булбулдек куйлатар ҳаёт,
Ошиқ боболардан бу най навоси.
Муқаддас тупроқни сўйлатар ҳаёт,
Ҳар кимга ёр бўлсин элнинг дуоси.
Янги ғоя, янги авлод мактаби,
Ижод мактаблари, ижод мактаби.

Зеро, бадиий ижоднинг ҳар бир намунасини чинакам кашфиёт бўлишини хоҳлаймиз. Ҳар бир янги асарда инсон маънавиятининг, истеъдод ва заковатининг битта қирраси кашф этилиши зарур.Шундагина янгиланаётган адабиётимиз янада гўзаллашиб, сайқаллашиб, ўсиб келаётган ёш авлод учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлади.Ғайрат Мажиднинг “Бунда булбул китоб ўқийди” номли публицистик мақолалар тўплами шу нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «*Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»* ги Фармони ЎзА, 2020й.20 октябрь.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-ж. Т., 2004.
3.Шарафиддинов О. Сизни соғиндим, Зулфия опа. Танланган асарлар. Т., 2019.
4.Мажид Ғ. “Бунда булбул китоб ўқийди” Т., 2018.

БАҲОДИР ҚОБУЛ АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТАЛҚИНИ

Зоир Ўроқов,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик йўналиши
3-курс талабаси,
Мафтуна Исфандиёрова,
Хореография жамоалари раҳбари йўналиши 1-курс талабаси
Илмий раҳбар- ф.ф.д. Ҳ.Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада ёзувчи Баҳодир Қобул насрий асарларида миллий ўзлик туйғуси тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар. “Энашамол”, табаррук тупроқ, ота макон, фалсафий руҳ, миллий қиёфа.

Аннотация. Бұл мақалада жазушы Баһадыр Қабылдың прозалық шығармаларындағы ұлттық болмыс сезімі зерттеледі.

Негізгі сөздер. «Енешамал», берекелі топырағы, атамекен, философиялық рух, ұлттық бейне.

Аннотация. В данной статье исследуется чувство национального самосознания в прозаических произведениях писателя Бахадира Габула.

Ключевые слова. «Энашамол», благословенная земля, отечество, философский дух, народный образ.

Санъат турлари ичида бадиий асар инсон психологиясига тез таъсир этувчи воситалардан саналади. Шунинг учун китобхон шуурида қадим қадриятларга муҳаббат туйғусини юксалтиришда, мафкуравий таҳдидлар ва оммавий маданият таъсирига қарши тура оладиган етук инсонлар қилиб тарбиялашда миллий характерга эга қаҳрамонлар образини яратиш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, бугунга қадар яратилган бадиий асарларни миллий характер нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва бу борадаги ютуқларни ўз вақтида ўқувчиларга етказиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг фикрича, "Баҳодир Қобул кўп ўқийдиган, кузатадиган ва қаламга содиқ адиб. Дунё тарихи, юрт ўтмиши, уларни бир-бирига боғлайдиган нуқталари хусусида кўп ва хўп ўқиганлиги,ўйлаганлиги,элимизнинг кўз қарашидан нафас олишигача қайта-қайта ўрганганлиги қиссанинг бош оёғидан билиниб турибди. Тўғри, Баҳодирнинг ёзганларини етарли илмларга эга ўқувчигина мириқиб ўқийди. Бироқ бундай бўлмаган ҳолатдаям ўқиган ўқувчи ўзига ярашасини,албатта, олади. Бенасиб қолмайди, яна қайтадан ўқиш лозимлигиниям унутмайди"[311]. Дарҳақиқат, миллий характер халқнинг узоқ йиллик тараққиёти негизида юзага келадиган ижтимоий,маънавий, руҳий фазилатлар мажмуидир.

Ҳар қандай бадиий асарнинг ўзаги характер ҳисобланади.Тили ва услуби бетакрор, таниқли ёзувчи Баҳодир Қобулнинг "Энайўл", "Энашамол", "Энабулоқ", "Отачироқ", "Отамозор", "Ота ҳаёт" каби асарларнинг ўзаги Она ватан,тупроқ ва она тилдир. Улардаги эна ва бола, ота ва бола, ҳар бири алоҳида характер. Улар ўзларининг алоҳида шахсиятлари, ҳеч кимникига ўхшамайдиган феъл-атворлари,миллий хусусиятлари, юракка ниҳоятда яқин, жонли мулоқот тили билан китобхонни ўзига тортади. Образ яратиш, воқеаларни қизиқарли ҳикоя қилиш нисбатан осон бўлиши мумкин. Лекин уларни характер даражасига олиб чиқиш ниҳоятда қийин. Унинг ўзига яраша масъулияти ва юки бор. Баҳодир Қобул ана шу масъулият ва юкнинг ҳам фалсафий, ҳам маънавий, ҳам ижтимоий моҳиятини тўла англаган шижоатли адиб. Унинг тили ва услубида ҳам шу шижоат салобати ва қудрати билан бўй кўрсатиб турибди. Унинг бадиий тили жаҳон адабиётида бирор ёзувчи ва шоирнинг тилига ўхшамайди. Бу тил, бизнинг муқаддас ва мусиқий, муаззам ва рангдор, музаффар ва оҳангдор, она тилимиз шу қадар тароватга, ҳароратга бой эканлигини ҳис қилмоқчи бўлсак, отамиз ва онамизни, болалигимиз ўтган сертупроқ кўчаларнинг тафтини, онамиз тандирда ёпган иссиқ ноннинг таъмини соғинсак, албатта, истеъдодли ёзувчи Баҳодир Қобулнинг "Энайўл", "Энашамол", "Энабулоқ", "Отачироқ", "Отамозор", "Отаҳаёт" асарларини қайта-қайта мутолаа қилишимиз керак. Академик Бахтиёр Назаров тўғри таъкидлаганидек, "Баҳодир Қобул асарларининг қимматли жиҳатларидан бири, уларнинг барчасини бириктириб турадиган хусусият, математиклар тилида айтадиган бўлсак, махражи ўзликни англашга ундашдир. Ўзликни англашни идрок этишда келиб чиқадиган ҳис-туйғулар, ҳаяжонлар, идроклар барча қиссаларида ажралиб туради".[312]

[311] А.Орипов. Сирли, ҳарир парда орқасидаги ҳаёт. "Машҳур пресс" нашриёти.Т.,2018.350-б.
[312] Б.Назаров. Ўзликни англашнинг сўздаги наволари. "Машхур пресс" нашриёти.Т.,2018.5-б.

Баҳодир Қобул бадиий асар яратишда миллатга хос белгиларни эътиборга олади,уларни асар матнига сингдириб юборади. Бу ҳолат унинг асарларининг ишонарли, таъсирчан ва юксак савияда бўлишини таъминлайди. Шунингдек, миллий характерни ёритишда ижодкор маҳорати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги глобаллашув шароитида Баҳодир Қобулнинг миллий характерга эга образлари китобхонларда ўзикни англаш, миллий ғурур, миллий онг, миллий руҳни янада юксалтиришга хизмат қилади.

Адибнинг “Энайўл” китобини ўқигач, унинг ижод лабораторияси бизни жуда қизиқтириб қолди. Ҳамда академиямиздаги бобурхонлик кечасига Баҳодир Қобулни таклиф қилдик. Учрашув юксак савияда, қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозаралар руҳида ўтди, талабалар таниқли адиб Баҳодир Қобулга санъатга ўзини бахшида этган раққосалар ҳақида асар ёзиш таклифини билдиришди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Назаров. Ўзликни англашнинг сўздаги наволари. “Машҳур пресс” нашриёти.Т., 2018.5-б.
2. А.Орипов. Сирли, ҳарир парда орқасидаги ҳаёт. “Машҳур пресс” нашриёти.Т., 2018.350-б.

ФАРОҒАТ ХУДОЙҚУЛОВАНИНГ “ҚОЯТОШИМ” КИТОБИДА “СЎЗ” ЛЕКСЕМАСИ

Азиза Хосилова,
Наргиза Юнусхўжаева,
Диёра Абдурашидова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик йўналиши 3-курс талабалари
Илмий раҳбар- ф.ф.д. Ҳ.Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада таниқли шоира Фароғат Худойқулованинг “Қоятошим” шеърий тўпламида “сўз” лексемаси тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар. Сўз масъулияти, поэтик идрок.

Аннотация. Бұл мақалада белгілі ақын Фароғат Худойқұлованың «Қоятошим» жыр жинағындағы «сөз» лексемасы зерттеледі.

Негізгі сөздер. Сөз жауапкершілігі, поэтикалық қабылдау.

Аннотация. В данной статье исследуется лексема «слово» в поэтическом сборнике «Коятошим» известной поэтессы Фарогат Худойкуловой.

Ключевые слова. Ответственность за слово, поэтическое восприятие.

Замонавий ўзбек шеъриятида Фароғат Худойқулова асарлари ўзининг ўта жозибадорлиги, самимийлиги, халқона оҳангларга бойлиги билан ажралиб туради. У ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, ҳар бир мисра устида чуқур мулоҳаза юритади, ҳаққоний поэтик образлар, шеърий мажозлар топади, замондошларимизнинг руҳий оламини, ижтимоий фаолиятини кучли эҳтирос билан таъсирчан ва ишонарли ифодалайди. У шеърларида она тилимизнинг маънолар маҳзанини, туйғулар мавжини, тафаккур қирраларини очишга уринади. У танлаган сўзларнинг рангларида аллақандай сеҳрми, фусунми Қашқа

воҳасида ўсадиган ёвшанларнинг ифорими борга ўхшайди. Уларда хаёлнинг кўзга кўринмас жозиб жилваларини учратамиз.

Унинг дили ва тилида, шеърларида руҳий қийноқларни енгадиган, ҳаёт синовларида ғолибликни ўргатадиган ажиб шижоат ва шиддат бор. Шоиранинг адабий- эстетик нигоҳи асосан реал ҳаётий чизгиларда акс этади. У олам ва одам ҳақидаги ҳаммага маълум мулоҳазаларни шунчаки такрорламайди. Кундалик қувончу ташвишлардан кўпчиликка маънавий сабоқ бўладиган ҳикмат излайди. Шоира ҳаётнинг бир он ҳам тин олмайдиган курашдан иборат эканлигини яхши билади, улардан салмоқли маъно топишга, эсда қоларли поэтик образ яратишга уринади.

Муҳаббатга кўм дилни, ёлғон дунё чекинсин,
Шууррингга кун инсин, ашкларингдан гул унсин,
Оловга айлан, сачра, кафтда қуёш кўринсин,
Халқ ғамин чек, ғамингни кўтаргувчи шу халқдир.

Жамият ҳаётидаги ҳар бир воқеа, каттами ёки кичиклигидан қатъий назар инсон характери ва дунёқарашига ўз таъсирини ўтказади, унинг маънавий оламида ўзига хос из қолдиради, шахснинг шаклланиши учун шароит яратади. Дил муҳаббатга кўмилганидагина,ўткинчи дунёнинг ёлғонларидан ўзини асраши, шуурига ёруғлик иниб, кўз ёшларидан гул униб, кафтида қуёш кўриниши мумкин. Дил эса, фақат халқ ғамидек улкан оловга туташганида, мардона туриб халқ ғамини чекканида покланади, ёшаради, муҳаббатга тўлади. Кўнгил покланганi, юксалгани сари, унинг муҳаббатга интилиши кучаяди. Болалигида ҳавас, ёшлигида иштиёқ бўлган туйғу, йиллар ўтиши билан ихлос даражасига кўтарилади. Айнан шу ўринда унинг миллий ўзлиги намоён бўлади. Қалби муҳаббат ёғдуси билан покланган инсон, энди ҳамиша бедор, юрт ишқи, эл ғами билан яшайди. Ахир, шоира тўғри таъкидлаганидек, “Ишқда ғамсиз яшаб бўларми?”!

Албатта, ҳаёт ва инсон тўғрисидаги мулоҳазалар, улар орасидаги муносабатлар, зиддиятлар, хулосалар тадрижисиз адабиётни тасаввур қилиб бўлмайди. “Муҳаббатга кўм, дилни...”, “Ишқда ғамсиз яшаб бўларми?”, “Куч топдим”, “Ой чиқмаган кечалар”, “Кўз ёшингни артай ўзим”, “Ишқ қасрини ёқинглар” каби шеърларида шоиранинг туғёнлари ҳайқириб келаётган селга ўхшайди, йўлида ким учраса, нима дуч келса ўзига қўшиб суриб кетади.

Менам шоирман дейсан, бунчалар осон дейсан,
Ойбек тилга кирсаю, “ҳайф”деса, нима дейсан,
Моҳаройим, Увайсий йиғласа, нима дейсан,
Сўз учун ўзингдан кеч, сўз кечмай туриб сендан...

Бу ўтли сатрлар оддий умумлашмалар эмас, балки шоиранинг қалб амри, олий мақсади, унинг Сўзга ва адабиётга муносабатидир. У сўз учун ўзидан кечишга ҳамиша тайёр, у айнан шу мураккаб кечадиган жараёнда ўзлигини топишига ишонади, энг муҳими, китобхонни ҳам ишонтиради. “*Гарчи сўз жангига чанқоқ бу майдон, Гарчи мен шу жангда захирадаман. ...Ўтинчим, сўзларим кўзга бўлсин қош, Шоирни билмаслар олсинлар билиб. ... Ойнинг нафасидан тирилгайдирман, Сўзнинг гулханида кетсам ҳам ёниб”* (“Шеърият”), “*Не ажаб, кўнглимни сўзлар ёритар, Оҳанглар бошимни силайди,телбам*”(“Меҳр”), “*Келажакка ёруғ юз-ла боққан куним, Сўз айтмоққа*

мақсад, имкон берган ўзинг. ...Сўз ичиндан сўз ахтариб топган туним, Фароғатинг сенга бермиш фароғатин" ("Чорлов"),"*Бир илоҳий Сўз келажак кунлар яқиндир, Онажон, Мир Алишер туғилажак кунлар яқиндир, Онажон!"* ("Кўз ёшингни артай ўзим..."), "*Ҳали бир тирик сўз айтмадим элга, Ҳали бир ўксикнинг кўнглин топмадим"* ("Навқирон ёшимда..."), "Эрта шеърим тоғ кўксига Ёзгайдирман қасдма-қасд" ("Ой чиқмаган кечалар"), "*Юрагимдан ўлмайдиган шеър, Туғилмагунича қўймасман"* ("Куч топдим..."), "*Сўзга жон бахшида эт, жонга сўз бахшида эт. ...Ой нуридан сўз элаб чақмоқдек чақолмасанг ...Сўз учун ўзингдан кеч, сўз кечмай туриб сендан...*" ("Муҳаббатга кўм дилни..."), "*Сўз деб майдонга тушсанг бардош эрур Навоий, Ҳақ жамолин кўрсатган - кўз ёш эрур Навоий"* ("Навоийни билганлар"), "*Том бошида ўлтириб Осмонга отгандим сўз. Шамолларнинг лабида, Пора бўлди чанқовуз*" ("Қадимий оҳанг"), *"Фақат элни сўзга қилма зор, Топтамагин сўзнинг қадрини*" ("Фароғ, сен ҳам жиноятчисан...") - Фароғат қайси мавзуда ёзмасин, у ҳар лаҳза Сўзнинг масъулиятини бутун вужуди билан ҳис қилади, бу масъулиятдан қочишга уринмайди, аксинча, бошини қайта - қайта унинг пойига қўйишдан қўрқмайди.Ёки, назаримизда, ҳатто севгидек нафис, Ватандек улуғ туйғулар ҳақида ёзганида ҳам, у кўз қири билан ўша муқаддас пойгакка қараб туради. Унинг "Бир сўз" сарлавҳали шеъри Сўз ҳақида ва Ватан ҳақида.Бу шеърни минг қайта ўқиганингизда ҳам, уларни ажратолмайсиз, Ватан ва Сўзнинг томирлари шеърда ниҳоятда мустаҳкам туташиб кетганлигининг гувоҳи бўласиз:

Тангрим, мени уйғот, жоним ҳар ёна қил,
Суякларим қалам бўлсин, дилхона қил,
Гар нур истаб очсам дунё китобини,
Шу битта сўз теграсида парвона қил.

Инсоннинг нозик ҳиссиётларини уйғотадиган, тафаккур дунёсини ёритиб, оҳанрабо мисол ўзига чорлаётган "битта сўз" китобхонни қизиқтиради. Шоиранинг "суякларини қалам" қилишга ундаётган "битта сўз"нинг замирида қандай сир бор:

Ажаб, биров пулни, биров гулни суяр,
Биров бекни, яна биров қулни севар,
Лек, дилимнинг ҳар парчаси адл айтар,
Шу бир сўзга суянганлар элни суяр.

Бозорга ўхшаган дунёда одамларни муҳокама қилиш ўзини оқламайди. Лекин, дилни ўртаётган бир сўз борки, шоиранинг фикрича, "унга суянганлар элни суяр". Элни суймоқ учун, оғир дамларда элни суямоқ учун керак экан, ўша "бир сўз". Демак, уни топиш шарт.

Хаёл уммонидан сўзлар сизиб ўтгай,
Вақт карвони қўнғироқлар тизиб ўтгай,
Мен ўзимни шу бир сўздан тополмасам,
Тоғ кўксимни тахир қумлар эзиб ўтгай.

Бу дунёга гул бўлиб келган, асов дарё мисол тошиб, ўзини, ўзлигини излаётган кўнгилнинг жабри, сабри, ягона таскини ҳатто тириклиги шу "бир сўз" билан шунчалик мустаҳкам боғлиқки, истеъдодли шоира Фароғат Худойқулова ўтаётган ва келаётган кунларни, келажакни усиз тасаввур

қилаолмайди.Жарангдор иборалар, оташин таърифлар шеърнинг мазмунини кучайтиришга, оҳангни баланд пардаларга кўтаришга имкон берган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
2. Абдулла Қодирий. Танланган асарлар. Т. : " Шарқ ", 2019.
3.Фароғат Худойқулова.Қоятошим.Т.: "Камалак", 2020.
4. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси телеграм канали.
5.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1- жилд. - Т.:"Ўзбекистон нашриёти" - Давлат унитар корхонаси, 2020.- 680 бет.

«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ»

халқаро илмий-амалий конференция материаллари

III СЕКЦИЯ/ШЎЪБА

ТАРИХ, ПЕДАГОГИКА, РҰХАНИЯТТАНУ, МӘДЕНИЕТТАНУ ЖӘНЕ ӨНЕРТАНУ МӘСЕЛЕЛЕРІ

ТАРИХ, ПЕДАГОГИКА, МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК, МАДАНИЯТШУНОСЛИК ВА САНЪАТШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

ХОРАЗМ “НОРИ [illegible]” РАҚСИНИНГ БАДИИЙ - ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Гавҳар Матёқубова,
Ўзбекистон халқ артисти,
Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори

Аннотация. Ўзбек халқининг болалар фольклор рақслари энг қадим - замонларда шаклланган бўлиб, улар авлодлардан - авлодларга ўтиб, бугунги

кунга қадар етиб келган. Мазкур мақолада шундай қадимий рақс турларидан бири “Норим - норим”нинг илк кўринишлари ва унинг болалар фольклор рақслари билан муштарак жиҳатлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар. Хоразм, ўйин, меҳнат, товуш, “Лазги”, “Норим норим”.

Аннотация. Өзбек халқының балалар фольклорлық билері өте ерте заманда қалыптасып, ұрпақтан-ұрпаққа жалғасып, бүгінгі күнге жеткен. Бұл мақалада осы көне билердің бірі «Норим-норимнің» алғашқы көріністері және оның балалар халық билерімен ұқсастықтары қарастырылады.

Негізгі сөздер. Хорезм, ойын, шығарма, дыбыс, «Лазги», «Норим-норим».

Аннотация. Детские фольклорные танцы узбекского народа сформировались в древнейшие времена, они передавались из поколения в поколение и дошли до наших дней. В данной статье рассматриваются первые появления одного из таких старинных танцев «Норим-норим» и его сходство с детскими народными танцами.

Ключевые слова. Хорезм, игра, произведение, звук, «Лазги», «Норим-норим».

Миллат бадиий тафаккурининг ноёб ёдгорликлари сифатида давр синовларига бардош бериб, асрлар оша яшаб келаётган ўзбек болалар фольклор рақслари шаклланиш жараёнидан бошлаб то ҳозиргача халқимизнинг маънавий оламини бойитишда ўзига хос машъал вазифасини шараф билан бажармоқда. Дарҳақиқат, ёзма адабиёт ҳали пайдо бўлмаган, бошқа маданий манбалар шаклланиб улгурмаган қадим замонларда халқ ижодиётининг роли ниҳоятда катта бўлганлиги ҳақиқат.

Афсонавий Хоразм воҳасида яратилган “Чағаллоқ”, “Норим-норим”, “Алиқамбар”, “Оразибон”, “Мўри”, “Хўббимбой”, “Ширинновот” ўйинлари ўзбек фольклор санъатининг энг маҳсулдор таркибий қисми ҳисобланади. Улар асрлар давомида халқ орасидан чиққан ҳаваскор раққослар маҳорати билан такомиллашиб борган. “Ашшадарози”, “Мақом уфори” каби рақсларда эса аёл раққосалар устунлик қилган. “Лазги” рақс туркуми ижросида эркак ва аёл рақс усталари бирдай маҳорат билан ўйнайдилар.

Профессор Исо Жабборовнинг фикрича, “Археологик ва этнографик тадқиқотлар Ўзбекистонда рақс ва театр санъати илк иамуналари ибтидоий жамиятда пайдо бўлганлигини исботлайди. Академик С.П.Толстов кашф қилган неолит даврига оид Хоразмдаги калтаминорликлар маданияти манзилгоҳида жамоа майдонида ибтидоий рақслар ва театрлаштирилган маросимлар ўтказилган деб фараз қилинади”[313].

[313] Ўша манба, Б. –282.

Хоразм рақс санъати таркибига кирувчи яна бир қадимий рақс “Норим - норим” деб аталади. У аслида жуда кўҳна бўлиб, асосан сурнай чолғусида ижро этилган. Кейинчалик, бошқа ўзбек халқ чолғуларида ҳам ижро этиш урфга кирган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, “Норим - норим” куйи зардуштийлик даврларида яратилган бўлиб, замонлар силсиласидан ўтиб, бугунги кунга қадар етиб келган.

“Норим - норим” ижросида Хоразм мактабининг бошқа рақсларида бўлгани каби раққос танасининг белдан юқори қисми орқага бир оз ташланган, кураклар бир-бирига яқин, тиззалар бироз эгик, оёқ учлари ёнига бир оз очилган бўлади. Аслида бу рақс аввалига фақатгина эркак раққослар томонидан ижро этилган, аммо кейинчалик куйнинг шижоати ва ўйноқилиги, сурнай оҳанги раққосаларни ҳам ром этган. “Ниҳол” Давлат мукофоти соҳибаси Дилноза Ортиқованинг “Норим - норим” (Г.Матёқубова саҳналаштирган) рақси ижросини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, бу рақс бир эмас, балки бир нечта раққос ва раққосалар томонидан ҳам ижро этилиши мумкин.

Хоразм мактабида эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам ўзига хос рақс ҳаракатлар тизими мавжуд бўлиб, ҳар бир элементи ўзгача маъно ва жозиба касб этади, бир – бирини мутлақо такрорламайди. Раққосаларда қўл бармоқ учлари ёнига очилганроқ бўлиб, пастга қаратилади, тирсаклар бироз букилади, йигитларда эса қўллар чўзилган, тирсаклар тўғри бўлиб, бармоқлар юқорига, кафтлар ёнига қаратилади. “Норим - норим” рақсини ижро этаётганда эса қўлларида албатта қайроқ бўлади, бу эса рақсни маромига етказиб ижро этишда катта маҳорат ва изланишни талаб этади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай маълумотга дуч келамиз:

НОРИМ – НОРИМ {*ф.* - анор } Хоразмда кенг тарқалган куй ва анъанавий рақс номи[314].

Мазкур рақснинг куйи ниҳоятда икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисми ўзига хос мураккаб ритмда бўлиб, тантанавор тарзда тўрт чоракли (4/4) усулда ижро этилади ҳамда рақс тушаётган одам доира усулини қўлидаги қайроқлар ва оёқ ҳаракатлари ёрдамида синхрон такрорлайди.

[314] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 61.

Иккинчи қисми бир оз тезлашади, шўх ва илдам уфар (6/8) усулида ижро этилади. Раққос харакатлари ҳам куйга монанд қўл, оёқ ва бутун гавда ҳаракатлари ила янада шижоатга тўлади. Хоразм рақслари жозибали ҳаракатларга жуда бой эканлиги “Норим - норим” рақси ижроси жараёнида ҳам тўлиқ акс этади. Рақс давомида бармоқларни қарсиллатиб, ғоз туриб ўйнаш, гавда, қўл-дасталарини титратиш, “гардиш”, “титрама”, елка қоқиш, чўкка тушиш, сакрама, қайроқларда усул бериш аёллар ва эркаклар каби болалар рақсига ҳам тааллуқли.

Миллий образларда халқнинг ички кечинмалари, ҳаяжонга тўла жўшқин туғёнлари, оташин ҳиссиётлари рақснинг асосий қисмини ташкил қилади. Тўғри, рақснинг баъзи ифода услублари унутилган ёки илк ҳолатидан ўзгарган бўлиши мумкин. Муҳими, у халқнинг меҳрини қозониб, мустақил рақс сифатида ҳамон яшаб келмоқда.

Бу рақс қадимда жанглардан олдин аскарларнинг ҳарбий руҳини кўтариш, байрам ва тўйларда кайфиятни ошириш учун ижро этилган. “Норим норим” рақсини нафақат махсус раққослар, балки оддий жангчи ёки хоразмлик ҳам ижро этиб кетаверган.[315]

Асар ижроси давомида аёллар билакларига занг, яъни майда қўнғироқчалар тақиб ўйнайдилар. Бошларидаги тақятузи, пешоналарига боғланган манглай тузи, кўкракларига осилган шавкалалари, қулоқларидаги сирғалар, билакларидаги билакузуклар ҳам рақс усулларига мос тушиб, умумий рақс образини яратишга хизмат қилади. Йигитлар эса устига тўқ рангли камзул, бошларига чўгирма кийиб ўйнайдилар.

Энг қадимги даврлардан бошлаб халқлар маданий ва иқтисодий алоқалар натижасида бир - бирига яқинлашиб, шодлиги, қайғуси ҳамда фикр – ўйларини ўртоқлашган. Мана шу алоқа ва аралашувлар уларнинг фольклор асарларида ўзининг залворли изларини қолдирган. Аслида ўзбек халқининг “Норим - норим”га ўхшаш қадимий куйлари, рақслари сероб. Уларнинг бетакрор бадиий тасвир воситалари, ифода услублари рақс ғоясини мукаммал очиб бериш билан бирга ҳар бир ҳаракат ва ҳолатнинг жозибали, таъсирчан, ўйноқи бўлишини таъминлаган.

Худди “Норим - норим” каби қадим Хоразм мактабининг ҳар бир рақси ўзининг тарихига, бетакрор қадриятларига, ривожланиш йўлига, ўзига хос ижро услубига эга. Улар ибтидоий даврдан бошлаб, инсонларга кўтаринки руҳ, ҳаётсеварлик завқини бағишлаб, халқнинг бебаҳо маънавий мулкига айланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар:

[315] Ш.Матякубов “Хорезмское праздничное шествие”. Марказий Осиё халқларининг маданий ҳамкорлик истиқболлари. I халқаро илмий – амалий конференцияси материаллари. 252 - бет

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1994й.
2. Матякубов Ш. Хорезмское праздничное шествие. Марказий Осиё халқларининг маданий ҳамкорлик истиқболлари. Халқаро илмий – амалий конференция материаллари.Т.: 2020.
3. Л.Авдеева Ўзбек миллий рақси тарихидан. Биринчи китоб. Т. 2001.
4. Ўзбек хореографияси санъатида ворислик масалалари.Т.,2015.
5. Г.Матёқубова, Ш.Эшчонова “Лазги” Урганч, 2018.
6. Абрайқулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубияти. Т. 2003
7. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1976.
8. Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм “Лазги” рақси:тарихи ва тавсифи. Т.: 2022й.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲОФИЗИ ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТ ҲАҚИДА
(“Бола дунёни тебратар” асари мисолида)

Мирмухсин Ғапуров,
Ўзбекистон давлат хореография академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, профессор

Аннотация: Мазкур мақолада буюк ҳофиз Шерали Жўраевнинг мусиқий маданият хусусидаги қарашлари “Бола дунёни тебратар” асари мисолида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: миллий мерос, мусиқий маданият, маънавий қадрият, эстетик тарбия.

Аннотация: Бұл мақалада ұлы хафиз Шерәлі Жораевтың музыкалық тәрбие туралы ой-пікірлері «Бола дүниені тебратар» шығармасы мысалында зерделенген.

Негізгі сөздер: ұлттық мұра, музыкалық мәдениет, рухани құндылық, эстетикалық тәрбие.

Аннотация: В данной статье исследуются взгляды великого хафиза Шерали Джураева на музыкальное культура на примере произведения «Бола дунёни тебратар».

Ключевые слова: национальное наследие, музыкальная культура, духовная ценность, эстетическое воспитание.

Инсон ҳиссий дунёси ва руҳиятида кечаётган энг нозик туйғуларни шакллантириш, тарбиялаш ҳамда асраб - авайлашнинг энг кудратли воситаларидан бири мусиқадир. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий тўғри таъкидлаганидек, “Санъат ҳар қандай замонда ҳам инсон маънавиятини бойитишга, руҳиятини тарбиялашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли ва қадрлидир. Маънавий ҳаётимизда муносиб ўрин эгаллаган устоз санъаткорларнинг бетакрор санъатидан ёшларимизни янада тўларoқ баҳраманд этишда ҳикмат кўп”[316].

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари - ўсиб келаётган ёш авлодни киндик қони томган табаррук тупроққа садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда,

[316] Ражабий Ҳ. Ражабийнома. Т.: “Арт Пресс” нашриёти, 2016. -Б.54.

уларнинг навқирон онгу шуурида миллий ўзлик туйғусини шакллантиришда бетакрор истеъдод соҳиби, атоқли санъаткор Ш.Жўраевнинг ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлари беқиёс аҳамият касб этади.

Зеро, ватан тарихи ва тақдири ҳақидаги бебаҳо дурдоналар Ш.Жўраев ижодининг гултожи, миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг ноёб хазинаси ҳисобланади. Шунинг баробарида буюк ҳофизнинг мусиқий тарбия ва мусиқий маданият ҳақидаги фикрлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўпчилик мутахассисларни қизиқтиради.

“Бола дунёни тебратар” қиссасида Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти, халқимизнинг севимли ҳофизи Шерали Жўраев фавқулодда гўзал ва бетакрор истеъдодининг яна бир қирраси энг ёрқин рангларда намоён бўлган. Китобга буюк адиб Чингиз Айтматовнинг қуйидаги сўзлари эпиграф қилинган: “Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом – ҳаммасини мусиқа айтади, зотан биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз. Бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб бутун тарихимиз давомида курашганмиз. Лекин унга фақат мусиқадагина нойил бўлганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади... Шунинг учун ҳам биз айтолмаган нарсаларни у айтади, у шунга чорланган” [317].

Гўдак ҳали кўзини очар – очмас она сути ва алласида буюк меҳрни ҳис қилади. У ҳали улғаймасданоқ ўз Ватанини шу меҳр орқали қалбан ҳис қилади. Шу улуғ кучнинг таъсирида дунёни ҳам, ўзини ҳам англашга уринади. Миллий руҳни, миллий ўзлик туйғусини ҳам мусиқа ва қўшиқ шаклида шу улуғ куч таъсирида улғайтиради. Бетакрор Тамарахоним, “Шерали Жўраев қўшиқларини бефарқ тинглаш мумкин эмас. Унинг овози қорли чўққилардан тоғу-тошларга урилиб, тўлиб-тошиб оқаётган шарқироқ сойни эслатади” [318], деганида минг карра ҳақ эди.

Ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ёш авлоднинг эстетик тарбиясида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бадиий – эстетик тарбиянинг шаклланишида оиладаги муҳит асосий роль ўйнайди. “Шарқироқ сойни эслатувчи” ноёб овознинг илдизлари айнан насл билан боғлиқлиги ҳақида ҳофиз шундай дейди “Бобом ҳам, отам ҳам улоқчи ўтишган. Бобом кўпкари пайтида ҳалок бўлган. Акам Зокиржон ҳам кўпкарида қатнашади. Томиримда шу одамлар қони борлигини доимо ҳис этаман. Санъат ҳам мазмунан кўпкарига яқин туради. Улоқчидан қўрқмас, чапдаст ва довюраклик талаб қилинади. Энг аввало зўр отингиз бўлиши даркор. Санъаткорга эса билим, туғёнли қалб, овоз керак” [319].

Худди тафаккур каби, инсон тасаввур оламининг, хаёлот дунёсининг ҳам поёни йўқ. Бутун – бутун авлодлар ўз бешигида даҳоларни улғайтирди. Ҳамма замонларда ҳам халқ тарихини, миллатнинг маънавий истиқболини улкан салоҳият, туғма истеъдод эгалари белгилайдилар. Шерали Жўраев ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ва мусиқа санъатининг билимдони сифатида мусиқа инсон маънавиятида, ёшлар камолотида катта ўрин эгаллашини чуқур ҳис қилади.

---

[317] Жўраев Ш. Бола дунёни тебратар. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1988. -Б.5.
[318] Жўраев Ш. Бола дунёни тебратар. Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1988. –Б 20.
[319] Ўша манба. –Б 25.

Буюк ҳофиз салкам олтмиш йилдан бери мамлакатимизнинг зафарли кунларида ўзининг бетакрор ва музаффар қўшиқлари билан халқимини мамнун этиб, юртдошларимизнинг дуосини олиб келмоқда.

Ҳофиз "Ўзбегим" қўшиғининг яратилиш тарихи, қўшиқнинг босиб ўтган йўли хусусида тўлқинланиб ҳикоя қилади. Оиладаги мусиқий тарбиянинг асослари ва ота-онанинг масъулияти тўғрисида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради.

"Кейинги пайтларда овоз ёзиш студияларининг сони жуда кўпайиб кетди. Ҳозир ҳар бир туман маркази, айрим қишлоқларда ҳам ана шундай студиялар ишлаб турибди. Уларнинг ёнидан ўтиш, улардан тарқалаётган қўшиқларни эшитиш мен учун бениҳоя азоб. Куйлари бачкана, мазмуни саёз ва суюқ ашулалар тингловчи дидининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга ёшлар тарбиясига ҳам жиддий зарар етказади. Бундай муассасалар иши ҳар доим қаттиқ назорат қилиб борилиши лозим. У жойларга фақат техникадан эмас, шу билан бирга мусиқадан ҳам хабардор одамлар керак. Фақат менга эмас, бошқа ҳофизларга ҳам зўрма-зўраки тақлид қиладиган ҳаваскор ашулачилар айтган жумлалар бизнинг номимиз билан сотилиши мени ғазаблантиради " [320], дейди Шерали Жўраев.

Юртга муҳаббат билан йўғрилган қўшиқлар нафақат мусиқани чуқур англаш маданияти, балки ўқувчининг маънавий камолоти, ижодий қобилиятининг ўсишига ҳам хизмат қилади. Шерали Жўраев китобда ҳар бир қўшиғи устида ишлаш, изланиш, матн танлаш жараёнини, Россия, Украина, Америка, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига гастролларини, санъатсеварлар билан учрашувлари, Ўзбекистонни ва ўзбек халқини мадҳ этувчи қўшиқлари, уларнинг дунёга келиш тарихини холислик билан изчил таҳлил қилади. Ҳофиз ўсиб келаётган ёш авлодга фидойи, миллатпарвар санъаткор сифатида машаққатлардан чўчимаслик, улуғ аждодлар билан фахрланиш, комилликка интилиш, миллий ўзлик туйғуси, бағрикенглик, инсонпарварлик илмидан сабоқ беради.

Ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқларнинг одамлар дилига олам-олам завқу-шавқ бахш этиши фақат ҳофизнинг юракларни ларзага солувчи жўшқин ва бетакрор овози билангина эмас, балки унинг мунаввар юртсеварлик тамойиллари, устоз - шогирдлик анъаналарига садоқати билан боғлиқдир.

"Бола дунёни тебратар" китоби бундан 35 йил муқаддам ёзилган, лекин унда тилга олинган қўшиқчилик ва мусиқа маданияти, санъат тарихи, санъатнинг миллий қиёфаси ҳақидаги фикрлар, муаммолар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Эл суйган ҳофизнинг ёшларга қарата айтилган мазкур сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди: "Сиз фақат ота-онангизнинг фарзанди эмассиз, балки катта тарихга эга бўлган, неча замонлардан бери фақат тинимсиз ишлаш, тер тўкиш эвазига нон топиб ейдиган камтарин ва буюк халқнинг фарзандисиз. Сиз унинг тарихини ўрганишингиз, бугунига ярашингиз, келажагига эга бўлишингиз даркор. Халқимизнинг ноёб ва муқаддас адабий ёдгорликлари, ўлмас санъати бор. Уни ўрганиш, эгаллаш учун билимдон, ҳушёр ва тиришқоқ бўлмоқ лозим" [321].

---

[320] Ўша манба, –Б .43..

[321] Жўраев Ш. Бола дунёни тебратар. Т.: "Юлдузча" нашриёти, 1988. –Б 25.

Ҳар бир халқ аввало тарихий – маданий анъаналарининг бетакрорлиги билан ўзига хос миллий хусусиятларини сақлаб келган. Зеро, турли миллатларнинг бир –бирларини тушуниши, ҳис – туйғуларини изҳор этиши ва маданий алоқалар ўрнатишида санъат бош омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурига ватанга муҳаббат, ўзбек миллий санъатига ҳурмат, миллий қадриятларга, урф – одатларга, устоз-шогирдлик анъаналарига эҳтиром туйғусини сингдиришда Ўзбекистон халқ ҳофизи Ш.Жўраевнинг "Ўзбегим", "Ўзбекистон ватаним маним", "Бир ўлкаки", "Ватандин яхши ёр ўлмас", "Ўзбегим", "Қаддинг кўтар, она Туркистон", "Эгаси бор юртнинг, эртаси бордир", "Ўзбекистон дейдилар", "Ватан ўша", "Андижоним қолди менинг", "Соҳибқирон", "Юкинг ерда колмағай", "Яхшидир", "Санъатим", "Онагинам", "Отажоним" каби қўшиқлари тарбиявий – маърифий, маънавий қудратга эгалиги билан ажралиб туради. Уларнинг замирида улуғ аждодлардан мерос заковат, ақл – идрок, мардлик ва жасорат, келажакка ишонч руҳи мужассам.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ражабий Ҳ. Ражабийнома. Т.: "Арт Пресс" нашриёти, 2016.
2.Жўраев Ш. Бола дунёни тебратар. Т.: "Юлдузча", 1988.
3.Тешабаева Д. Эстетические особенности узбекского музыкально – песенного искусства.Автореф.дисс…канд.филос.наук. – Т.: 2009.
4.Саипова Д.Ю. Мусиқий – назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи шахсини шакллантириш (бошланғич 1 – 4 синфлар мисолида). Дисс...педагогика фан. номзоди. Т.: 2009.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИДА МУСИҚАНИНГ ЎРНИ

Фахриддин Икрамходжаев,
Ўзбекистон давлат хореография академияси махсус сиртқи бўлим бошлиғи
Пўлат Ташкенбаев,
Ўзбекистон давлат хореография академия "Санъат назарияси ва тарихи" кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди
Нодира Алимжанова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
"Санъат назарияси ва тарихи" кафедраси мудири, доцент в.б.

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек болалар фольклор рақс санъатида мусиқанинг ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ўйин, товуш, болалар рақси, мусиқа, куй, эстетик тарбия, қадрият, маданий анъана.

Аннотация. Бұл мақалада өзбек балалар фольклорлық би өнеріндегі музыканың орны мен маңызы зерттеледі.

Негізгі сөздер: ойын, дыбыс, балалар биі, музыка, әуен, эстетикалық тәрбие, құндылық, мәдени дәстүр.

Аннотация. В данной статье исследуется роль и значение музыки в узбекском детском фольклорном танцевальном искусстве.

Ключевые слова: игра, звук, детский танец, музыка, мелодия, эстетическое воспитание, ценность, культурная традиция.

Ижтимоий-сиёсий, тарихий жараёнлар оқимида, тамаддунлар тараққиётида санъат ва маданиятнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаш жараёни, қадимий анъаналар, урф-одат ва маросимларни ўрганиш, шу халққа мансуб фольклор асарларини, уларнинг бадиий-эстетик, этнографик хусусиятларини илмий таҳлил қилиш орқали халқнинг миллий-маданий даражасини белгилаш мумкин.

Миллий маданиятлар равнақи умумбашарий маданиятнинг тараққиётига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Энг қадим замонлардан бошлаб, афсоналар, мифлар, асотирлар, ривоятлар одамлар қалбига жойлашиб, уларнинг тафаккурини маълум даражада йўналтирган, маънавиятини бойитган. Шунинг учун ҳам, маънавий иммунитетни шакллантиришда фольклор рақслар ва ўйинлардаги миллий қадриятлар билан уйғунлашган умумбашарий ғоялар ва тушунчаларнинг қиммати бебаҳо. Зеро, борлиқни идрок этиш ва уни билишнинг миллий-маданий хусусиятлари фольклор санъатида янада яққолроқ намоён бўлади.

“Кашта”, “Таёқ ўйини”, “Доира”, “Чағоллоқ”, “Ашшадарози”, “Хуббимбой”, “Шохмойлар”, “Бойчечак”, “Қошиқ”, “Тандир”, “Бешқарсак”, “Сандиқча”, “Чанқовуз”, “Урчуқ йигириш”, “Гилам тўқиш”, “Савачўп”, “Куви”, “Сибизға”, “Бешик”, “Дўмбира”, “Кўза”, “Ёрғичоқ”, “Рўмолча”, “Бойчечак”, “Сумалак сайли”, “Жувоз” каби мусиқа жўрлигида ижро этиладиган болалар фольклор рақслари, рақс – композициялари ўзининг маънавий – маърифий моҳияти, ранг– баранг либослари билан бутун дунёни ром этмоқда.

Инсоният яратган кашфиётларнинг гултожи, тамаддунннинг буюк ҳодиса сифатида мусиқанинг маънавий баркамол инсонни шакллантиришдаги тарбиявий аҳамияти фақат санъатшунослик нуқтаи назаридан эмас, балки болалар психологияси фани томонидан ҳам чуқур ўрганилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида “ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш”[322]нинг замонавий, инновацион тамойилларини яратиш давр талаби эканлиги белгилаб берилган. Дарҳақиқат, асрлар оша сайқалланиб келаётган мусиқа санъатида халқнинг тийнати, ўтмиши, энг қадимги миллий қадриятлари, ички олами, орзу-армонлари акс этади.

Болалар фольклор санъати ҳамма замонларда ҳам инсон маънавиятини бойитишга, руҳиятига кўтаринкилик бахш этишга хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Қарорнинг ижроси доирасида энг аввало ўзбек болалар фольклор санъатининг мусиқий тамойилларини ўрганиш, вилоятлар кесимида илмий тадқиқ қилиш, энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида тўғри таъкидланганидек, “Ўйинлар ҳам, қўшиқлар ҳам болаларнинг ақлий ва жисмоний камолотга етишига ёрдам беради, уларда завқ уйғотади” [323]. Ўқувчи ва талабаларнинг маънавий-маърифий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаган фольклор санъатини, мусиқий маданиятни, устоз санъаткорларнинг, мусиқа илми алломаларининг бу борадаги кашфиётларини, фикрларини ўрганишлари катта тарбиявий – маърифий аҳамиятга эга. Шарқнинг буюк алломаларидан бири, Абдураҳмон Жомий тўғри таъкидлаганидек, “Мусиқадан лаззат топмаслик инсон руҳининг ҳузурбахш кайфиятга бурканмаслиги, унинг руҳий олами жисмоний нафсоният

[322]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25- сон.
[323]Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.2 –жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, 2001. –Б.130.

даражасида қолиб кетганидан, маънавий баркамоллик сари қадам ташламаганидан дарак беради”[324].

Халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган, давр синовларига бардош берган болалар фольклор санъати, куй – қўшиқлари тикланиб, анъанавий ва замонавий гуруҳлар репертуаридан муносиб жой эгалламоқда. Истиқлол йилларида халқимизнинг бой фольклор санъатини, мусиқий меросини асраш ҳамда мусиқа маданиятининг асрий анъаналар асосида тараққий этишига алоҳида эътибор берилди.

Санъат ҳамиша халқнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаёти билан боғлиқликда ривожланган. Миллий мусиқа ва рақс мактабининг шаклланиш ва юксалиш босқичлари халқ ижодиёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос ракс услуби бўлиб, уларда миллий руҳ, миллатнинг маданияти, қадрияти, ақида ва анъаналари акс этади. Ўлкамиз халқлари маданиятининг илдизи нақадар чуқур эканлигини болалар фольклор рақсларининг уч минг йиллик тарихи исботлаб турибди.

Ўзбек болалар фольклор рақслари, фольклор куй қўшиқларини бугунги ёшларимиз онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш санъатшунослар, хореограф педагоглар, маъанавиятшунослар ва маданиятшунослар олдида турган энг долзарб вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25- сон.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-ж. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2003.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2–жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, 2001.
4. Жомий А. Рисолаи мусиқий. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти, 1998.
5. Soipova Д. Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси. Ўқув-методик qo‘llanma.-Т.: 2009.

ХОРАЗМ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўмарис Аъзам Бутунбоева,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мақолада Хоразм вилоятида болалар фольклор рақсларининг энг оммалашган турлари, уларнинг лингводидактик ва бадиий-эстетик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: Хоразм, “Авесто”, болалар руҳияти, қўшиқ-ракс, фольклор, ҳаракатли ўйин, маданий мерос.

[324]Жомий А. Рисолаи мусиқий. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти, 1998. –Б.74.

Аннотация. Мақалада Хорезм өлкесіндегі балалар халық билерінің кең тараған түрлері, олардың тілдік-дидактикалық және көркемдік-эстетикалық ерекшеліктері қарастырылған.

Тірек сөздер: Хорезм, «Авеста», балалар психикасы, ән-би, фольклор, қимылды ойын, мәдени мұра.

Аннотация. В статье рассматриваются наиболее популярные виды детских народных танцев в Хорезмской области, их лингводидактические и художественно-эстетические особенности.

Ключевые слова: Хорезм, «Авеста», детская психика, песня-танец, фольклор, игра-действо, культурное наследие.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида тўғри таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс ғоясини фарзандларимиз онгига айнан болалик давридан, боғчадан ва мактабдан бошлаб сингдиришимиз зарур.Бунинг учун тарихни, аждодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли халқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш керак” [325].

Ўзбек болалар фольклор рақслари, рақс – композициялари миллат тарихининг, бетакрор қадриятларининг, маънавий хазинасининг, улуғ аждодлардан мерос маданий анъаналарининг ёрқин кўзгусидир. Уларда кичкинтойларнинг ўзига хос олами, борлиқни ўрганишга бўлган қизиқиш ва интилишлари уларнинг тўлиқ намоён бўлади. Хоразм вилояти болалар фольклор рақслари ва ўйинлари серзавқлиги, жўшқинлиги, жозибали ифода услубларига бойлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам катта шуҳрат қозонган. Уларда миллий қадриятлар билан уйғунлашган ўта халқона ифодалар, табиат манзараларини тасвирлаш, жониворларга тақлид, пантомимик рақслар, тақлидий товушлар етакчилик қилади. Бири – биридан ранг – баранг ва ёрқин ҳаракатлар тизимида миллий қадриятлар, боланинг кичик қалбида содир бўлаётган янгиланишлар, ўзгаришлар, анъаналарга муҳаббат, ҳаяжонлар, унинг оламга ва одамга муносабати, ҳайрати, гўзалликни ҳис қилишга интилиши акс этади. Кичик ёшдаги болалар фольклор ўйинларининг тарихи, ҳудудлар кесимидаги этнографик хусусиятлари, назарий асослари ва тарихий тараққиётини ўрганиш, бу жараён билан боғлиқ муаммоларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва ечимини топиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.Зеро, болалар фольклор қўшиқ-рақсларининг ўхшаш ва ўзига хос хусусиятлари,

[325]Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент.: “Ўзбекистон” нашриёти., 2021. -Б. 299.

фарқли томонлари вилоятлар кесимида яққолроқ кўзга ташланади.Тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақаладиган болалар ўйинлари аждодларимиз тафаккурининг энг кадимги элементларидан бири бўлиб, ибтидоий ритуаллар ва маросимларнинг таркибий кисми сифатида юзага келган. Филология фанлари доктори С.Матжоновнинг фикрича, “Кичкинтойларга бағишланган асарлар сюжетининг муҳим хусусиятларидан бири, бола диққатини тортиб турувчи қизиқтирувчанлигидадир.”[326]

Даврлар ўтиши, замон ўзгариши билан улар ҳам такомиллашиб, бундай маросимлар таркибидаги ўйинлар ўзининг ритуаллик хусусиятини йўқотиб, оддий томоша унсури ёки кўнгилочар воситага айланиб улгурди. Ҳар бир ҳududнинг, ҳар бир ўлканинг ўзига хос ўйинлари, миллий қадриятлари мавжуд.

Ибтидоий даврларда ёзма манбалар бўлмаганлиги сабабли одамлар мусиқани эшитиш ва ёдда сақлаш, рақсларни томоша қилиш ва эслаб қолиш, бир – бирларига кўрсатиб бериш қобилияти орқали унинг асл моҳиятини авлоддан-авлодга етказишган. Энг қадим замонлардан мусиқа илмининг, фольклор рақсларининг ахлоқий, маънавий-маърифий қиймати, тарбиявий аҳамияти беқиёс эканлиги эътироф этилган. Профессор Ҳ.Кароматов ўз тадқиқотларида “Хоразмнинг Қалъақир 2 ибодатхонасидаги кичик ўчоқларда топилган турли нав унлардан ёпилган маросим патирлари ва ҳайвон ҳайкалчалари, бола ушлаб ўтирган аёл ҳайкалчаси, кулча ёпиш учун ясалган қолип”[327] ҳақида тўхталган.Бу маълумотлар, хусусан “бола ушлаб ўтирган аёл” ҳайкалчаси барча маросимларда болалар ҳам иштирок этганлигини исботлайди. “Авесто” даври ракс санъатининг шаклланиш жараёнига ҳам мазкур маросимлар кучли таъсир кўрсатган. Эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши қадим аждодларимизни ҳаётсеварликка даъват этган. Оташпарастлик маросимлари театрлаштирилган услубда, мусиқани ракс билан ҳамоҳанг олиб борилган. Маросимлар оммавий бўлиб, болалар иштирокидаги ашула, ракс ва пантомимик ўйинлар диний театрнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган.

Мўъжизалар ўлкаси - Хоразм болалар фольклор санъати рақслари ва ракс - композициялари турларининг кўплиги, ранг - баранглиги, либос ва безакларининг ўта ёрқинлиги билан ажралиб туради. “Уч патир”, “Олти халфа”, “Чағоллоқ”, “Қовун сайли”, “Ашшадарози”, “Хўббимбой” сингари кўп йиллардан буён ўйналиб, турли ёшдаги болажонларга завқ улашиб келаётган ўйин турлари, ракс – композициялар муҳим маънавий – маърифий, тарбиявий – эстетик қимматга эга. Уларда беғубор ва содда болалик ҳайратлари, гўзалликдан завқланиш улуғ аждодлардан фахрланиш туйғулари уйғунлашиб кетган.

Ўзбекистон халқ артисти, мактаб яратган атоқли санъаткор, профессор Гавҳар Матёқубованинг фикрича, “Бошқа вилоятларга қараганда Хоразмда болалар фольклор рақслари ўзининг қадимийлиги ва табиийлигини, халқона оҳангларини, урф – одатлари ва расм – русумларини кўпроқ сақлаб қолган” [328]. Уларни жойлардаги фольклор анъаналарини кузатиш, кайвони нуронийлар

---

[326]Матжонов С. Тириклик суви. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти.,1986. -Б. 8.

[327] Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2008– Б.185.

[328]Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм “Лазги”си: тарихи ва тавсифи. Т.: “Тафаккур”нашриёти, 2022. -Б.58.

тилидан ёзиб олиш орқали тўплангани маълумотлар базасини яратишга имкон бераётир. Халк оғзаки ижодининг ёрқин намунаси ҳисобланган болалар ўйинлари ўз таркибида муайян ритмик изчилликка асосланган хатти-ҳаракатларни ифода этибгина қолмай, рамзий маъно касб этувчи этнографик деталлар, поэтик фольклор намуналари, оҳанг ва томошавийлик ҳамда ҳаракатли ўйинлар элементларини яхлит холда мужассамлаштирган синкретик ҳодисадир.

Кўриниб турибдики, Хоразм вилояти болалар фольклор қўшиқ-рақсларида образни гавдалантиришда табиат тасвирлари, жониворларга тақлид, тақлидий товушлар муҳим аҳамият касб этади. Яна бир энг оммалашган, ҳудуд ва фасл танламайдиган рақслар – “Лазги” туркумининг “Масхарабоз Лазгиси”, “Қайроқ Лазгиси” каби болаларбоп вариантларидир.Улар вилоятнинг барча туманларида болалар севиб ижро этадиган, хорижлик мутахассислар ва сайёҳларнинг эътиборини энг кўп тортадиган рақслар ҳисобланади.

Болалар фольклор рақслари, рақс - композициялари, предметли рақслари қадим Хоразмда ўзига хос бадиий – эстетик хусусиятлари билан даврдан – даврга миллий – маънавий қадриятларнинг кўзгуси, боқий маданий мерос сифатида ўтиб келмокда. Ахборот - коммуникациялар такомиллашиб бораётган йигирма биринчи асрда фольклор болалар ўйинлари, рақс – композицияларининг замонавий мобил иловаларини яратиш долзарб масала ҳисобланади. Олис қишлоқлар, чекка ҳудудларда сақланиб қолаётган ўйинлар ва рақсларнинг видео вариантлари ёзиб олиниши, вилоятлар кесимида картотека тузилиши зарур.

Ҳаётсеварлик туйғулари, завқ ва ҳайратга тўла Хоразм болалар фольклор рақслари халқ тилидан ва кузатишлар орқали ёзиб олиниб, тарихга муҳрланиб келинмокда, энди тадқиқотчилар, олимлар томонидан мазкур рақсларнинг илмий – этнографик жиҳатлари тизимли равишда ўрганилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти.,2021.
2.Раззоков Х. ва бош. “Ўзбек халк оғзаки поэтик ижоди.Т.: “Ўқитувчи” 1998.
3.Жаҳонгиров Ғ. “Ўзбек болалар фольклори”. Т.:1975.
4.Матжонов С. Тириклик суви. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти.,1986.
5.Ғафур Ҳ. Халқ ўйинлари, қўшиқлар ва анъаналарга бир назар.Т.: “Камалак”, 1992.
6.Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм “Лазги”си: тарихи ва тавсифи. Т.: “Тафаккур”нашриёти, 2022.

МЎҒУЛЛАР ТОМОНИДАН ТУРКИСТОНДАН АСИР ҚИЛИБ ОЛИБ КЕТИЛГАНЛАР ТАҚДИРИ ҲУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Абдиримов Бекзод Мурадбаевич,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Хоразм вилояти бўлими раҳбари,
Урганч давлат университети ўқитувчиси, ф.ф.б.ф.д. (PhD)
e-mail: prof.uz@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада Мўғулистон, Россия ҳудудларида истиқомат қиладиган сартуул номли этник гуруҳларнинг аслида кимлиги ҳақидаги гипотезалар муҳокама қилинади. Уларнинг Чингизхон томонидан Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларининг босиб олинганидан сўнг асир қилиб олиб кетилганларнинг авлодлари эканлиги хусусидаги фикрлар илгари сурилади. Шунингдек, сарт сўзининг этимологияси ҳақида маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: Чингизхон, Сартуул, Хой-хэ, Хоразмшоҳлар давлати, Жалолиддин Мангуберди, Гурганч, Бухоро, Самарқанд, Маҳмуд Ялавоч.

Аннотация. В данной статье рассматриваются гипотезы об идентичности сартуульских этносов, проживающих в Монголии и России. Предполагается, что они потомки тех, кто попал в плен к Чингисхану после завоевания городов и селений Средней Азии. Он также предоставляет информацию об этимологии слова сарт.

Ключевые слова: Чингисхан, Сартуул, Хой-Хе, Государство Хорезмшахов, Джалалуддин Мангуберди, Гурганч, Бухара, Самарканд, Махмуд Ялавоч.

Аннотация. Бұл мақалада Моңғолия мен Ресейде тұратын сартуу этникалық топтарының кім екендігі туралы гипотезалар талқыланады. Олар Орта Азияның қалалары мен ауылдарын жаулап алғаннан кейін Шыңғыс ханның қолына түскендердің ұрпақтары деген болжам бар. Сонымен қатар сарт сөзінің этимологиясы туралы мағлұмат береді.

Түйін сөздер: Шыңғыс хан, Сартуул, Хой-Хе, Хорезмшахтар мемлекеті, Жалалуддин Мангуберди, Гурганч, Бұхара, Самарқанд, Махмуд Ялавоч.

Маълумки, бугунги кунда Мўғулистон, Россия ҳудудларида сартуул номли этник гуруҳлар истиқомат қилади. Уларнинг аслида кимлиги, кимларнин гавлодлари эканлиги, нима учун бу уруғ номи мўғул ёки хитой манбаларида келтирилмаганлиги каби жавоби топилмаган саволлар бисёр. Шунингдек, уларнинг келиб чиқиши ҳақида икки хил назария мавжуд. Биринчиси, сартулларнинг азалдан мўғул қавми бўлганлиги, иккинчиси –сартууллар аслида Чингизхон томонидан Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларининг босиб олинганидан сўнг асир қилиб олиб кетилганларнинг авлодлари эканлиги ҳақидаги қарашлардир. Дастлаб Сартуул атамаси ҳақидаги мулоҳазаларни кўриб чиқамиз.

“Сартуул” атамаси тўғрисида. Сартларнинг кимлиги масаласи 1 асрдан ортиқ вақт давомида дунё олимлари томонидан кенг муҳокама қилиниб келаётган мавзудир. Биз бу масалага чуқур кирмасдан, мазкур масала билан шуғулланган Аҳмадали Асқаров, Шамсиддин Камолиддинларнинг хулосаларига таянамиз. Уларнинг фикрига кўра, сарт атамаси этник ном эмас. Бу ҳақда фанда

турли қарашлар мавжуд, аммо унинг муайян бир этносга тегишли эканлиги маълум эмас. Совет даври тарихшунослигида бу масалада В.В.Бартольд қарашлари эътиборда бўлиб келган. Унингча, сарт атамаси тожик маъносини беради. Аммо у келиб чиқиши жиҳатидан туркийлашган сурдийлар булиб, тожик ва ўзбекларга тегишли муқим яшовчи, савдо-сотиқ ва ҳунарманд аҳолининг йиғинди номи эканлиги тарихий ҳақиқатдир. Шамсиддин Камолиддин ўз тадқиқотларида Сартларнинг Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийсида уруғ-аймоққа бўлинмаган, қадимдан деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо –сотиқ билан шуғулланиб келган ҳалқларга нисбатан ишлатилиши тўғри бўлишини таъкидлайди[329].

Сарт этнонимининг келиб чиқиши бўйича ҳам турли хил фикрлар мавжуд. Жумладан бир гуруҳ олимлар – Остраумов[330], Шишов[331], Маллицкийларнинг[332] фикрига кўра Сирдарёнинг қадимги номи "*Яксарт*" гидроними билан боғлиқлигини таъкидлайдилар. "Сарт" этимологияси санскрит тилидаги *sārtha-vāha – "савдогар", "карвон етакловчи",* тоҳар тилида "*карвонбоши*", "таржимон", сўғд тилида *"карвон"*деган маънони билдирган. Жумладан XI арга оид туркий тилдаги муҳим мабаа бўлган Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғатит турк" асарида ҳам бу сўз савдогар маъносида келади[333].

Марказий Осиёда ташкил топган Сомонийлар, Қорахонийлар даврида Ипак йўлининг аҳамияти орта боради. Ўрта Осиёлик савдогарлар Хитой ва шимоли-шаркдаги даштларгача кириб боради ва улар маҳаллий кўчманчилар томонидан савдогарлар – Сартлар деб номланган. Ва улар томонидан Туронни Сартлар юрти – Сартауул деб номланган. Демак, сарт атамасини даштликлар Турондаги қайсидир бир этносга нисбатан эмас балки ҳалққа нисбатан ишлатмокда. Бу ҳақда А.Асқаров "сарт атамасини бир халққа тегишли деб деб айтиш хато хулосаларга олиб келади"[334] деган фикрларни билдиради. Шу билан бирга қозоқ ва қирғизлар учун ҳар қандай ўтроқ ҳаёт кечирувчи мусулмонлар сарт деб номланган. Расмий маҳкама тилида сарт сўзи тожиклар эмас, балки туркийлашган ўтроқ аҳоли тушунилган[335].

Мўғулларнинг Ўрта Осиё, жумладан, Хоразмшоҳлар мамлакатини сартууллар юрти деб номлаганлиги масаласи Сартауллар номи келтирилган муҳим манбалардан бири бу XIX асрда Байкал кўли атрофидан топилган "Чингизхон тоши" (мўғул тилида - *Чингисийн чулууны бичиг*) номи билан машҳур бўлган битиктошдир. Бу битиктош эски мўғул тилида 1224-1225 йилларда ёзилган бўлиб унда *"Сартуул халқи забт этилганидан сўнг Чингизхон*

[329] Шамсиддин Кмолиддин. Еще раз о термине сарт // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 4 / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: LAP, 2017. С. 17.

[330] Остроумов 1896 – Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Вып. 1. Изд. 2-е, дополненное. Ташкент, 1896. Сс. - 8 ,9.

[331] Шишов А. Сарты. Этнографическое и антропологическое изследование. Часть 1. Этнография. Ташкент, 1905. Сс.83-86.

[332] – Маллицкий Н.Г. О взаимоотношении названий «сарт» и «узбек» // Записные книжки с пометками для памяти Н.Г. Маллицкого за время службы Ташкентским городским головой (27 января 1907 – 5 ноября 1917 г.) / ЦГА РУз, фонд 2231, опись 1, дело 46. С. 183.

[333] Шамсиддин Кмолиддин. Еще раз о термине сарт // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 4 / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: LAP, 2017. С. 17.

[334] Асақаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. "Университет". 2007. – 258.

[335] Асақаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. "Университет". 2007. – 258.

бутун мўғул улуси нўёнларини Буха-Сужихайга тўплади ...” деган ёзувлар мавжуд[336]. Мазкур стелла 1936 йилдан буён Эрмитажда сақланади.

Чингизхон 1219 йилда Сартуул улусига юришидап олдин Тангут ҳукмдорига ўз элчиси орқали *“Сартуллар тарафидан олтин ҳалатим[337] узулгани учун улар устига юришга отландим, ўнг қўлим бўлиб мен билан юр”* деб мурожаат қилади[338].

Ўрта Осиё мусулмонларига нисбатан “Сарт” сўзи ишлатилган манбалардан бири бу Рашидиддиннинг Жоме ат-Таворих (XIII аср) асаридир. Унга кўра мўғулларга тобе бўлган қарлуқлар ҳукмдори Арслонхонни (мусулмон) Чингизхон "сартактой" деб атаган. Рашидиддиннинг бир ҳикоясида мусулмон давлатларидан бирининг вазири Абу Бакрни Хубилайхон (XIII аср) "сартаул одами" деб атайди[339].

Мўғулларнинг сирли тарихи асарида Сартауул атамаси 18 марта учрайди. Жумладан, “Сартаулларнинг юртида Чуй дарёси бўйидаги Қорахитой Гўрхони ҳузурига қочган Чингизхоннинг душманлари ҳақида маълумот берилади[340]. Шу билан бирга Чингизхон *“Сартаулликларнинг Чингизхоннинг элчиси Ухинонинг ўлдирилганлиги ва бунинг учун* ***Сартауул ҳалқига қарши урушга отланиши”*** ҳақида ёзилади. Бу айнан Ўтрор шаҳрида ўлдирилган мўғул карвонбошининг ўзгинаси эди. Бундан ташқари Чингизхон **1219 йилда (Қуён йилида) сартауллар юртига юриш қилганлиги эслатилади.** Ушбу асарда Чингизхон ва Хоразмшоҳ Алоувуддин Муҳаммад ўртасида элчилик қилган савдогар Маҳмуд Яловоч *“Хурумший Ялавач”* деган ном билан келтирилади. **Юқоридаги манбалардан келиб чиқиб Сартаул мамлакати деганда ўша пайтдаги давлат Ануштегин Хорамшоҳлар мамлакатини, сартаулликлар деганда эса мазкур мамлакат аҳолиси тушуниш керак бўлади.**

XVII асрга оид мўғул манбааси “Алтан Тобчи” асарида ҳам Хоразмшоҳлар давлатини Сартуул мамлакати деб келтиради[341].

Мўғул империясига ташриф буюрган Рим папаси Иннокентий IV нинг элчилари Жованни Плано Карпини ва Бенидикт Полякларлар кундаликларида ҳам мўғуллар томонидан эгалланган мамлакатлар қаторида сарт юрти эслатилади[342]. Шу билан бирга Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ҳам ўз асарларида сартлар ҳусусида тўхталганлар. Хоразм хони Абулғози Баҳодирхон (1603-1664 йй) ўзининг “Шажараи турк” номли асарида Хива, Урганч ва Хазорасп аҳолисини сартлар деб атайди. Бу эса сартлар деганда деҳқончилик ва ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ўтроқ туркий аҳолини назарда тутаётганлигини кўришимиз мумкин. Сартларнинг

---

336 Доржи Банзаров. Объяснение монгольской надписи на памятнике князя Исунке, племянника Чингис-хана //Записки Императорского археологического общества, т. III, СПб 1851 г., стр. 268-292; Бира.Ш. Монгольская историография (XIII-XVIIвв.) Москва. “Наука”. 1978. –С 34.

337 Кечки пайтда отларни ўтлатиш учун боғланадиган узун арқон.

338 Altansukh Ganbat. XII. Yüz yil Moğolistan coğrafyasindaki konar-göçerlerin içtimai yapisi**.** Doktora Tezi. Ankara, 2019. S- 136.

339 Асақаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. “Университет”. 2007. – 258.

340 https://altaica.ru/SECRET/tovchoo.php#I

341 Лубсан Зандан. Алтан тобчи. “Золотое сказание”. Перевод с монгольского, введение, комментарий и приложения Н.П.Шастиной. Москва. Наука. 1973. С -225.

342 Джиованни дель Плано Карпини. История монгалов // Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука / Редакция, вступительная статья и примечания Н.П.Шастиной. М.: Гос. издво геогр. лит-ры, 1957. С. 21.

миллат сифатида кимлиги масаласида XIX-XX асрда ва бугун ҳам мунозаралар давом этади. Биз учун энг муҳими бу XIII асрда мўғулларнинг сартауул деганда айнан кимларни назарда тутганлиги муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқий Осиё ва Олтойликлар миллат-ю, элати, тилидан қатъи назар Ўрта Осиёнинг мусулмон аҳолисини сартауллар деб атаганлар.

Мўғулистондаги сартуул қавми. Бугунги кунда сартуул номини фамилия, исм сифатида, ўз уруғи сифатида 50 мингдан ортиқ киши қўллаб келади. Уларнинг аксарияти Мўғулистонда истиқомат қилади. Уларнинг келиб чиқиши, аждодлари ҳусусида тадқиқотлар кўп эмас. Бор тадқиқотлар ва манбаларга суянсак уларнинг Чингизхоннинг Ўрта Осиёга юриши даврида Ўрта Осиёдан асир сифати олиб кетилганларнинг авлоди эканлигини кўрамиз. Бу ҳақда тадқиқотларни амалга оширган Банзаров[343], Бураев[344]лар сартуул этнонимини келиб чиқиши “Бухоролик”, “Хоразмлик”, “Ўрта Осиёлик” савдогарлар билан боғлиқлигини таъкидлайдилар. XIII асрда Ўрта Осиё мўғуллар томонидан Сартуул ери сифатида қаралганлиги, уларнинг Мўғулистон ва бошқа Шарқ мамлакатларига олиб кетилганлиги бир қанча мўғул, Хитой ва мусулмон манбалари томонидан келтирилади, Шунингдек бу борада қилинган илмий тадқиқотларда ҳам мазкур манбаларга суянган холда сартуулларнинг келиб чиқиши Ўрта Осиё эканлиги кўрсатилади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки айрим тадқиқотларда сартуул этнонимини келиб чиқишини мўғулча “*Сар уула*” яъни сар – ой, уул - тоғ”, яъни “ой тоғи” деган маънони бериши ва Ғарбий Мўғулистондаги айнан шу ном билан аталадиган тоғ номидан келиб чиққан деган фикрни ҳам билдирадилар. Бу янги пайдо бўлган иддао бўлиб, бу назарияни илгари сураётган айрим мўғул тарихчилари асос сифатида бирор бир манбаа кўрсата олмайдилар. Маълумки, бугунги кунда мўғуллар ўзларининг аждоди Чингизхонни улуғлаб, уни тарихда буюк империя барпо қилган миллий қаҳрамон сифатида санайдилар. Даштда 45 метрлик катта от устида ўтирган Чингизхоннинг ҳайкалини бунёд қилганлар. Айрим махсус ибодатхоналарда унинг руҳига тоат ибодат қиладилар. Айнан шу нуқтаи назардан барча мўғуллар ўзларининг аждоди сифатида уни кўришни истайдилар. Фикримизча, мўғуллар ўз уруғларини, жумладан сартуулларнинг келиб чиқиши тарихини ёзишда ўзларининг миллати нуқтаи назаридан, уларнинг бу ерларда азалдан яшаганлиги, ҳақиқий мўғул эканлиги, Чингизхоннинг ҳақиқий авлодлари эканлигига асоссиз даъводан ўзга нарса эмас.

Шуни ҳам қайд қилиш жойизки, одатда босиб олинган ерлардан олиб келтирилган асирлар қуллар сифатида кўрилиб уларга паст назар билан қаралади. Айнан шу жиҳатдан ҳам бугун айрим миллатчи мўғул тарихчилари сартулларни қулларни авлоди сифатида кўришни истамаганлигини тушунишимиз мумкин. Унинг устига, сартууллар қавми бошқа мўғуллардан ўзларининг интелекти ва ақл-заковати жиҳатидан ҳам бошқа қавмлардан ажралиб туриши каби хусусиятлари бўлганлиги учун ҳам уларни асл мўғул санаш учун тарихни соҳталаштиришдан ўзга нарса эмас. Яна шуни қайд қилиш

---

[343] Банзаров Д. Собрание сочинений. Москва. АН СССР, 1955. –С 188.
[344] Бураев И. Д. Сартульский говор // Исследование бурятских диалектов. Вып.1. Труды БКНИИ СО АН СССР, 1965, Вып.17. Серия языковедческая. Улан-Удэ: Бурятское книжное издательство, 1965. С. 109.

лозимки, этнологлар томонидан ҳалқларнинг келиб чиқиши ўрганилар экан одатда топоним[345]ни этнонимга кўчиши эмас, этноним[346]ни топонимга кўчиши ҳолати кўп бўлади. Айниқса бизнинг Марказий Осиёдаги туркийлар мўғулларда бу холатга мисоллар жуда кўп. “Дашти қипчоқ” – қипчоқлар яшайдиган дашт бўлганлиги учун, Даҳистон – Дах қабилаларининг ери, Сакистон (Сейистон)– сакларнин ери ва ҳаказо бунга мисоллар жуда кўп. Шу нуқтаи назардан айрим мўғул олимлари иддаолари- “Сар-улл” тоғи ой тоғи эмас, сартууллар бу ерда маълум муддат яшаганлиги сабабли шу ном тоғ номига яъни кўчган бўлиши эҳтимол. Сартуулларнинг келиб чиқиши ҳақида юқорида келтирилган икки хил гипотезани таҳлил қилган Баир Нанзатов ҳам сартууллар - Ўрта Осиёдан келганларнинг авлоди деган хулосага келади[347].

Агарда мўғуллар орасида сартуул қавми қадимдан бўлганда бу уруғ номи нима учун мўғул манбаларида ёки туркийларнинг қадимий уруғлари уруғлари ҳақидаги мухим манбаа – Қошғарийнинг “Девони Луғатити турк” асарида учрамайди? Ёки Чингизхоннинг аждоди ва авлоди, мўғулларнинг катта-ю-кичик уруғлари ҳақида ҳикоя қиладиган Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-Таворих” асарида ҳам бу ҳусусда биронта маълумот учрамайди. Мазкур омил ҳам сартуулларнинг қадимий мўғул қавми эмаслигини кўрсатади.

Шунингдек, Сартууллар бошқа мўғул қабила ва уруғларидан этник, иркий, овқатланиш одатлари каби жиҳатлари билан ҳам фарқланади. Бу эса сартуулларнинг қадимдан мўғул қавми бўлмаганлиги, уларнинг Чингизхоннинг Ғарбга – Ўрта Осиё ҳудудларига юришлари натижасида Шарққа олиб кетилган ўрта Осиёликларнинг авлодлари эканлиги тўғрисидаги қарашларимизни янада мустаҳкамлайди.

Асирларнинг Мўғулистонга олиб кетилиши

Мўғуллар томомнидан икки дарё оралиғи – Моворауннаҳр ва Хоразм шаҳарларининг аксарияти каттиқ жангу жадаллар билан эгалланади. Мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатган шаҳарлар аёвсиз жазоланади. Мўғулларга қаршилик кўрсатмаган шаҳар ва қалъалар аҳолисига ҳам тўлиқ омонлик берилгани йўқ. Эгалланган шаҳарларга доруғалар тайинланиб бу ҳудудларда мўғулларнинг ҳукмронлиги бошланди. Сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди отасининг ҳукмронлиги даврида бой берилган давлати озод қилиш йўлида 10 йил давомида Эрон, Жанубий Кавказ ҳудудларида туриб кураш олиб борди. Унинг жонига суиқасд қилинганидан сўнг ҳам Кайирҳон, Саруҳан, Беркахон, Кучлухон каби саркардалари бошчилигидаги ҳарбий қисмлари Яқин Шарқ ҳудудларига тарқаб кеталидар. Улар энди Ғарбдан бостириб келаётган бошқа босқинчилар – салибчиларга қарши мардонавор кураш олиб бориб уларнинг бу минтақадаги ҳукмронлигига чек қўймоқда эдилар. Во ажаб, давлатлари мўғуллар томонидан босиб олинган, валинеъмати Жалолиддин Мангуберди ҳалок бўлган хоразмликлар номи остидаги туркийлар 1244 йилда Қуддусни эгаллаб, Ла Форби жангида салибчиларнинг энг сўнгги ва энг катта қўшинини мағлуб қиладилар. Шундан сўнг салибчилар бу минтақадаги куч қудратини йўқотадилар.

[345] Жой номи.
[346] Уруғ, қабила ёки этник жамоа қайсидир тури.
[347] Нанзатов Б.З. Бурятско-Якутские этнические связи: Салджиут, Хангин, Сартул, Олёт. Исследование выполнено при финансовой поддержке гранта Правительства Российской Федерации № 075-15-2019-1879 «От палеогенетики до культурной антропологии: комплексное интердисциплинарное исследование традиций народов трансграничных регионов: миграции, межкультурное взаимодействие и картина мира». – С. 141.

Маълумотларга кўра қаттиқ вайронагарчиликлардан сўнг Мовороуннахр ва Хоразм шаҳарлари анча вақт ҳувиллаб ётади. Ҳаёт жуда секинлик билан қайта ривожланади. Айрим шаҳарларда, хусусан Гурганчда ҳаёт тез ривожланади. Бир неча ўн йиллардан сўнг бу ҳудудлардан ўтган Ғарб сайёҳлари Вилгелм Губрук, Карпинилар ҳам бу ерларда мўғуллар томомнидан ўлдирилганларнинг суяклари уюлиб ётганлиги ҳақида ёзади.

Самарқанд, Гурганч каби шаҳарлар эгалланганидан сўнг ҳунарманд, савдогар, боғбон ва бошқа касб эгалари бу ердан Шарқ ўлкаларига асир қилиб олиб кетилганлиги ҳақида юқорида эслатган эдик. Уларнинг кейинги тақдири ўқувчини қизиқтириши табиий. Бу ердан олиб кетилган асирларнинг кейинги тадқири ҳақида юртимизда ёки қўшни мамлакатларда илмий ишлар қилинмаганлиги, ва фақатгина ўрта аср манбаларида жуда қисқа –қисқа маълумотларнинг берилганлиги ўрганиш ишларида мураккабликлар туғдирди. Лекин ушбу маълумотларни ўрганиб таҳлил қилиш билан юртимиздан олиб кетилганларнинг кейинги тақдирини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Чингизхоннинг топшириғига кўра Хитойлик Даоцизм таълимоти роҳиби Чан Чун (1148-1227 йй) юртимизга келади ва ўзининг саёҳати ҳақида кўрган кечирганларини ёзган “*Чанчунь си-ю цзи*” асари бугунги кунгача етиб келган. Мазкур асарда “Хой хэ”[348] лар “мўғуллар орасида “сатуул” этник гуруҳи пайдо бўлганлигини уларнинг бир қисми Олтой тоғларида Чингай қалъасига яқин ерда деҳқончилик қилиш учун жойлашганлиги ҳақида ҳабар беради[349]. Олиб кетилган асирларнинг дастлабки тақдири ҳақида маълумотларни излар эканмиз “Алтан Тобчи” асарида Чингизхон Сартуул юртини эгаллаб Мўғулистонга қайтганидан сўнг Хара Зайр деган жойда ўғилларига сартауллардан олинган ўлжалар - сартуул шаҳзодалари ҳам чорваларни улашганлигини ҳамда бу ўлжалар кўпроқ Ҳубилайга текканлиги ҳақида маълумот берилади.[350].Шу билан бирга Чингизхон ўзга юртлардан олиб келтирган одамларга “Харанут-Харачинлар”деб ном беради[351], дейилади.Кейинги тадқиқотларимизда мавзуни давом эттирамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Шамсиддин Камолиддин. Еще раз о термине сарт // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 4 / Отв. ред.
2.Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: LAP, 2017.
3.Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Вып. 1. Изд. 2-е, дополненное. Ташкент, 1896.
4.Шишов А. Сарты. Этнографическое и антропологическое изследование. Часть 1. Этнография. Ташкент, 1905.
5.Маллицкий Н.Г. О взаимоотношении названий «сарт» и «узбек» // Записные книжки с пометками для памяти Н.Г. Маллицкого за время службы Ташкентским городским головой (27 января 1907 – 5 ноября 1917 г.) / ЦГА РУз, фонд 2231, опись 1, дело 46.
6.Аҳмадали Асақаров. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. “Университет”. 2007.

[348] Чан Чун Туркистонликлар ва уйғуларни шундай номлайди. **Қаранг:** Чань Чун. **Путешествие на запад.** https://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/China/XIII/1200-1220/Can_Cun/frametext1.htm .
[349] https://burunen.ru/news/society/57731-sartuly/
[350] Лубсан Зандан. Алтан тобчи. “Золотое сказание”. Перевод с монгольского, введение, комментарий и приложения Н.П.Шастиной. Москва. Наука. 1973. С -229.
[351] Лубсан Зандан. Алтан тобчи. “Золотое сказание”. Перевод с монгольского, введение, комментарий и приложения Н.П.Шастиной. Москва. Наука. 1973. С -296.

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИДА РАҚС ВА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Умаров Шавкат Вахобович
Ўзбекистон давлат хореография академияси
“Санъат назарияси ва тарихи”
кафедраси доценти в.б.

Аннотация. Мақолада ўзбек болалар фольклор рақс санъатининг мусиқа маданияти билан уйғунлиги масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: халқ ижодиёти, маданий анъана, рақс, куй, мерос, мусиқа, уйғунлик, қадрият.

Аннотация. Мақалада өзбек балаларының халық би өнерінің музыка мәдениетімен үйлесімділігі қарастырылған.

Түйін сөздер: халық шығармашылығы, мәдени дәстүр, би, күй, мұра, музыка, үндестік, құндылық.

Аннотация. В статье исследуется совместимость узбекского детского народного танцевального искусства с музыкальной культурой.

Ключевые слова: народное творчество, культурная традиция, танец, мелодия, наследие, музыка, гармония, ценность.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрсида” ги Қарорида “ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш”[352] масаласига алоҳида таъкидланган.

Энг қадим замонлардан бошлаб Шарқ фалсафий дунёқарашида миллий маданият ва қадрият муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсонни руҳан покланишга, қалбан улғайишга ундовчи, имон-эътиқодини бутун қиладиган куч-қудрат ҳам маънавиятдир. Маънавияти юксак одам эзгу мақсадлар билан яшайди, ўзини юрт тақдирига дахлдор деб билади, шахсий манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўймайди. Ўсиб келаётган ёш авлод камолотида кўплаб восита ва мезонлар қаторида мусиқий тарбия ҳам алоҳида ўрин тутади.

Мусиқа – фольклор рақс санъатининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Илк даврлардан бошлаб дастлаб ўйинлар асосида шаклланган рақс санъати инсоннинг меҳнат жараёни ва борлиқдан олган ҳиссий таассуротлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Аввалига оҳанг ва сўз билан уйғунликда, кейинчалик мустақил санъат тури сифатида ривожланган. Асрлар давомида турли муносабатларга дуч келган, босқичма босқич барқарор шаклларга эга бўла борган. Ҳар бир миллий рақсда ижрочининг либоси, безак ва тақинчоқлари рақс образларига аниқлик ва ёрқинлик берган.

[352]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25 сон.

Фольклор рақсларни саҳналаштириш мураккаб жараёнлардан бири. Ҳар бир хореограф рақсни саҳналаштиришдан унинг тарихини, миллий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини чуқур ўрганиши шарт. Шундан кейингина, болаларнинг ёшига мослаб танланган мусиқага хос ҳаракатларни жамлаб уйғунлаштириши керак. Ҳар бир образга қадим қадриятлар билан вобаста янгича

ёндашиш, миллий қиёфа ва либосларга хос бўлган энг умумий, типик хусусиятларни саралаб олиб, уларнинг ҳаммасининг моҳиятини англаб, болаларга тушунтириш ижобий самара беради. Болалар ҳам яхши тушунгач, образ қиёфасини тўлдиришга ҳаракат қилади. Албатта, ҳар қандай санъаткорнинг асари муаллифнинг шахсий ҳиссиётини, оламга ва одамга муносабатини ўз ичида сақлаб қолади.

“Ўзбек профессионал рақслари тузилиши жиҳатидан Марказий Осиё мақом туркумларига мос келади. Ўта аниқлик билан ишлаб чиқилган ракс туркумларини қадимги раққослар “Мақомлар” деб аташган. Фарғона водийсида улар элликта (афсоналарга кўра 250 та) усул, ўзига хос ритмик формулалар, шунга мувофиқ ракс жуслаларидан тузилган “Катта ўйин” номи билан юритилар эди. Ижронинг ўзиёқ доирачи ва раққосанинг бир – бирини тушунган ҳолда ҳар бир усулини индивидуал талқин этишларини тақозо этарди. Бухорода эса ракс туркумлари “Мақом рақси” деб аталиб, улар йирик бўлимларга бирлаштирилган куй-ашула-усул қисмлардан иборат бўлган. Хоразмнинг “мақом уфори”си ҳам худди шундай тузилган. Фарғона, Бухоро, Хоразм ракс мақомларининг ҳар бири усул-куй ва ҳаракатли ифодалар жиҳатидан ўзига хос, бетакрордир.”[353]

Азал - азалдан Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида топилган қоятош тасвирлари, турли кщринишдаги археологик топилмалар бу заминда мусиқа ва рақснинг жуда қадимийлигидан, кўҳна илдизларга эга эканлигидан гувоҳлик беради. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто» давридаёқ ракс санъати шаклланиб, халқ ва профессионал ракс – икки йўналишда ривожланишга киришгани ҳақида тарихий маълумотлар бор. Шунингдек, турли тараққиёт босқичларида юртимизда ракс ва ўйинлар бир-бирига таъсир кўрсатиши натижасида «Бешқарсак», «Катта ўйин», «Лазги», «Кема ўйин», «Ашшадароз» каби қадимий ўйинлар вужудга келган.

[353]Санъатшунослик масалалари. Илмий мақоллар тўплами. “Упак”, Тошкент, 1998. –Б. 160.

Бекиёс тарбиявий - маънавий кучга эга фольклор санъати асрлар давомида бир неча тарихий босқични босиб ўтиб, ўзининг бугунги мукаммал шаклу шамойили, таъсирчан мазмун – моҳиятига эга бўлди. XX асрга келиб фольклор рақс санъати маърифий - илмий жиҳатдан янада такомиллашиб, замонавий саҳна талаблари асосида қайта ишланди, сайқалланди. Ўзбек халқининг миллий қадриятларини тарғиб қилгувчи миллат ифтихорига айланди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида фольклор мусиқа ва рақс санъатининг ўзига хос миллий қиёфасини, миллий хусусиятларини билан сақлаб қолиш энг долзарб масалалардан биридир.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25 сон.
2. Авдеева Л. “Балет Узбекистана”. Издательство литературы и искусств имени Г.Гуляма, Ташкент, 1973.
3. Сайфуллаева Д., Казакбаева З. Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс саҳналаштириш сирлари. –Т.: «Ворис -Нашриёти» М.Ч.Ж. 2006. 87-б.
4. Кароматов Ф. Ўзбек халқ мусиқа мероси. 2 –китоб. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
5. Акбаров И. Музика луғати. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1986.
6. Санъатшунослик масалалари. Илмий мақоллар тўплами. “Упак”, Тошкент, 1998.

“ДУПАЛА - ДУП” ҚАШҚАДАРЁ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилшод Мадиев,
Қарши ихтисослашган санъат мактаби директори
Ҳулкар Ҳамроева,
Ўзбекистон давлат хореография
академияси доценти, филология фанлари доктори (DSc)
Соҳибжамол Ҳайдарова,
Қарши ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб –
интернати директори

Аннотация. Бұл мақалада Қашқадария балаларының «Дұпала – дуп» атты халық биінің тәрбиелік мәні мен әлеуметтік лингвистикалық ерекшеліктері зерттеледі.

Тірек сөздер: «Дұпала – дуп», мұра, мәдени дәстүр, дәстүр, үн, балалар, қимыл, қошемет.

Аннотация. В данной статье исследуется воспитательное значение и социолингвистические особенности кашкадарьинского детского народного танца под названием «Дупала – дуп».

Ключевые слова: «Дупала – дуп», наследие, культурная традиция, традиция, звук, дети, движение, аплодисменты.

Қашқа воҳасининг “Дупала - дуп”, “Қошиқ”, “Тандир”, “Бешқарсак”, “Сандиқча”, “Чанқовуз”, “Урчуқ йигириш”, “Гилам тўқиш”, “Савачўп”, “Куви”, “Сибизға”, “Бешик”, “Дўмбира”, “Кўза”, “Ёрғичоқ”, “Рўмолча”, “Бойчечак”, “Сумалак сайли”, “Жувоз” каби болалар фольклор рақслари, ракс – композициялари нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам ниҳоятда машҳур. Бу ранг– баранг рақслар замирида ўзбек халқининг асрлар оша авлоддан – авлодга ўтиб келаётган урф – одатлари, расм – русумлари, анъаналари мужассам. Уларда бола нигоҳи, бола тили билан, боланинг ниҳоятда самимий қалби, эркин ва озод ҳаракатлари билан Ватанни севиш, ўз халқи ва миллатини ҳурмат қилиш, ота – онани эъзозлаш, табиат ва ҳайвонот дунёсига қизиқиш, тинчлик ва тотувликни қадрлаш, меҳмондўстлик каби инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга фазилатлар тараннум этилади.

Ибтидоий даврлардан бошлаб болалар фольклор рақсларини мусиқадан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. “Дупала-дуп”, “Қошиқ”, “Доира”, “Бешқарсак”, “Чанқовуз”, “Сибизға”, “Дўмбира” сингари композицияларда рақс ва мусиқа уйғунлигининг бир қатор ифодавий шакллари вужудга келган. Ҳар бир шакл муайян мавзу ва йўналишга асосланади. Қашқадарё болалар фольклор рақсларининг этнографик, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик, лингвокультурологик, лингводидактик хусусиятларини тадқиқ қилиш, уларнинг хореографик харитаси ва картотекасини яратиш, кенг тарғиб қилиш воҳанинг ички ва ташқи туристик имкониятларини янада кенгайтиради. Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Қамаши тумани болалар фольклор рақсларида қадимий анъаналарга таянган ҳолда, замонавий дизайн орқали ўзига хос декорация, ранг ва тасвир ёрдамида тарихий манзараларга янгича безаклар уйғунлаштирилмоқда.

Халқнинг ўтмишини, миллий руҳини ифода этувчи фольклор рақслар болаларнинг мурғак онгу шуурига ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний

қадриятларни, маърифий-ахлоқий тамойилларни сингдириш вазифасини бажаради.

Мутахассисларнинг фикрича, Зеро, “Миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни ўзида жо қилган рақс санъатини маънавиятимиз ва маданиятимизнинг азалий сарчашмаси сифатида асраш, унинг йўқолиб бораётган шакллари ва ҳаракатларини, атамаларини тиклаш, рақслар табиатини, таркибий тузилиши, ижро хусусиятлари, предметлар, либос ва зебу-зийнатларнинг ижрони тўлдириш, мукаммаллаштириш ва сайқаллаштиришдаги аҳамиятини илмий жиҳатдан ўрганиш рақс санъати соҳасида фаолият олиб борувчи ижрочи балетмейстер, ташкилотчи ва илмий тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир»[354].

Қашқадарё вилояти болалар фольклор рақслари орасида қизиқмачоқ, чорлама, чеклашмачоқ, санама, гулдур–гуп, бошқотирма ўйинлар ҳам мавжуд. Шундай рақслардан бири “Дупала - дуп” бўлиб, у ўғил болаларнинг елка, қўл ва оёқ ҳаракатларига асосланган эркин рақси ҳисобланади. Бу рақс бизнинг назаримизда ўғил болаларнинг ҳаракатли ўйинлари асосида яратилиб, у 10, 12, 14 ёшли болаларга мўлжалланган.

Беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да айнан “дупала - дуп” бирикмасини учратмадик. “Дуп” сўзига шундай изоҳ берилган:

ДУП тақл. с. Бирор нарсанинг ерга ёки ичи пўк нарсага урилишидан чиқадиган товушга тақлид [3].

ДУП - ДУП Дуп с.такр [3] [355].

Бу рақсда 12 нафар ўғил болалар иштирок этишади. Унинг қоидаси қуйидагича:

1.Болалар икки томонга бўлиниб, қарсак чалиб, “сакрама” ҳаракати билан даврага чиқиб келишади.

2.Улар жўрнавозликда “дупала - дуп”, “дупала - дуп” сўзларини нақаротдек такрорлаб туришади.

3.Иккинчи айтимдаги “дуп” доирадаги тўхташ маъносида урилган зарбни ифодалайди.

4.Болалар давра бўйлаб юриб, доира ҳосил қиладилар.

5.Баъзи туманларда рақснинг ўртасида “дупала - дуп” айтилаётганда “дуп” сўзи икки марта такрорланади, яъни “дуп - дуп” қабилида.

6.Мазкур такрор рақс ҳаракатларининг тезлашишига ишорадир.

7.Болалар умумий маромга қўшилиб, бир текисда оёқларини ерга уришади.

8.Икки қўлларини аввал ўнг ёнига узатиб, сўнг юқорига кўтарадилар.

9.Сўнгра чап ёнга узатиб, яна юқорига кўтарадилар.

10.Бу ҳаракат 4 мартадан бажарилади.

11.Ҳаракатлар жараёнида болалар “дупа - дуп”, “дуп - дуп”, “дупала – дуп” ни такрорлаб туришади.

12.Болалар ҳар икки томонга “шох” ташлайдилар.

---

[354] Ғаниев С., Ҳамроева Ҳ. Қадриятлар уйғунлиги: Қозоғистон ўзбекларининг миллий рақс санъати. Марказий Осиё халқларининг маданий истиқбол ҳамкорликлари. – Т.: 2020. – Б. 92.

[355] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 338.

13.Бунда бир қўллари ёнда, иккинчи қўллари юқорида бўлиб, қарсак чалиб, “дупа - дуп”, “дуп - дуп”ни такрорлаб туришади.

14.Давра “зарб” ҳаракатини такрорлаб туради.

15.Доира ритмлари тезлашади, қарсакка жўр бўлади.

16.Кафтлар ва оёқлар зарби бир – бирига мослашади. Маромни бузмаслик ва қоидага қатъий риоя қилиш шарт.

17.Икки томондан икки бола қўлларини осмонга ҳаволатиб, “шох” ҳаракати билан ўртага чиқади.

18.Улар қарсак ритми ва “дупа - дуп”, “дуп - дуп”, “дупала – дуп” товуш оҳангида баҳслашадилар.

19.Биринчи бола “кураш” ҳаракатлари билан шеригини давранинг чеккасигача олиб боради.

20.Кейин ўрин алмашишади. Худди полвонлардек бел олишади.

21.Биринчи гуруҳ ўнг оёқда, иккинчи гуруҳ чап оёқда депсиниб юрадилар.

22.Товуш ва ҳаракатлар ритми алмашиб туради.

23.Ўртадаги болалар “дупа - дуп” деганда ўнг оёғини, “дуп - дуп” деганда чап оёғини ерга уриши, “дупала – дуп” деганда иккала оёғини ерга уриб, “тепки” ҳаракатини бажариши керак.

24.Оёқ ҳаракатида адашган боланинг гуруҳи енгилган ҳисобланади, у ўртани тарк этади.

25.Ўнг ва чап оёқда депсиниб, қўллар бир ритмда қарсак чалади.

26. Қўлларини ҳаволатиб, бир – бирларининг белбоғларидан ушлашади.

27. Охирида ҳамма иштирокчилар бир қатор бўлиб, “Қарсак” ва “тепки” ҳаракати, “дупа - дуп”, “дуп - дуп”, “дупала – дуп” товушлари билан рақсни якунлашади.

Ўртада ўйинга тушаётган болалар қўлларини осмонга ҳаволатиб, оёқларини қарсак оҳангига мослаб, асосан эркин ҳаракатлар орқали ўзларининг чаққонлигини, жасурлигини намойиш қилади.Тақлидий сўзларнинг оҳангга мослашиб, бундай бўғинланиши маҳаллий мусиқа услубида жуда қадимдан мавжуд эканлигининг белгисидир. Оёқларнинг умумий маромга қўшилиб, бир текисда ерга урилиши, ўша оҳангни бузмасдан қарсак чалиниши ижрочилар билан бирга томошабинларнинг ҳам кайфиятини кўтаради. Кафтлар ва оёқлар зарби бир – бирига мослашади. Маромни бузмаслик ва қоидага қатъий риоя қилиш шарт. Акс ҳолда, услубни бузган бола даврадан чиқариб юборилади. Мазкур рақс ўзига хос хотира ва мушаклар машқи ҳисобланади. Ритм оҳанглари нисбатан соддароқ усуллардан бошланиб, ижро давомида мураккаблашиб боради.

Энг қадимий рақслардан бири бўлмиш “Дупала – дуп” асосан барча туманларда ижро этилади. У болаларни аҳилликка, дўстликка, бирдамликка даъват қилади. Болалар ритмни, ҳаракатларни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Ҳамда ўртада ўйинга тушаётган ўртоғини имо – ишора ва ҳаракатлар билан қўллаб – қувватлаб туришни, жамоага қўшилишни, ҳозиржавоб бўлишни ўрганади. Деҳқонобод, Чироқчи туманларида рақсни ким бошлаб беришини аниқлаш учун болалардан биттаси бир қўлига тошча яширади. Агар шериги топа олса у, топа олмаса ўзи ўйинни бошлайди. Рақс ҳаракатлари ва товушлар тизими иштирокчилардан пухта ҳисоб – китоб билан ҳаракат қилмоқликни талаб этади.

Шу йўсинда болаларда аста – секин бир –бирлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш ва яқин муносабатда бўлишга зарурат туғилади. Бу жараёнда товуш ва ҳаракатлар ритми энг яхши восита ролини бажаради.

Болалар ёқаси ва енгига жияк тикилган қашқадарёча оқ яктак, қора ёки яшил шолвор кийишади, белларида белбоғ, оёқларида этик ва бошларида кштали калапўш бўлади. Маълумки, фольклор қўшиқ – рақсларда анъана ва қадриятлар тасвирий воситалар орқали ифодаланади. “Дупала – дуп” каби болалар фольклор рақсларининг унутилган анъаналарини тиклашга, уларни саҳнавий композицион талқинларда томошабинларга бевосита таъсир этувчи замонавий воситалардан кенг фойдаланишга эътибор кучаймоқда. Уларда миллий ва умумбашарий қадриятлар тараннум қилинади. Деҳқонобод туманининг тоғли қишлоқларида ўсмир ёшидаги ўғил болалар ижро этадиган “Дупала – дуп” рақсида “дупа – дуп”, “дуп – дуп” товушларига қўшимча равишда “оҳ–ҳо”, “ҳо–ҳо” товушлари ҳам жўровоз бўлади.

Тамаддунлар чорраҳаси – Буюк ипак йўлидаги кўҳна Насаф азалдан ўзининг бетакрор тарихий обидалари, урф – одат ва анъаналари билан бутун дунёдан саёҳатчиларни жалб қилиб келган. Улуғ аждодларимиздан мерос маданий – миллий бойликларимизни ёш авлодга ўргатиш, тарихий анъаналарни давом эттириш орқали Учинчи Ренессанс пойдевори мустаҳкамланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш.Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2021.
2.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-ж. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2002.
3.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006.
4.Раззоқов Х. “Ўзбек халк оғзаки поэтик ижоди.Т.: “Ўқитувчи” нашриёти,1998.
5.Жаҳонгиров Ғ. “Ўзбек болалар фольклори”. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти,1975.
6.Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти,1994.
7.Ғафур Ҳ. Халқ ўйинлари, қўшиқлар ва анъаналарига бир назар. Т.: “Камалак”, 1992.
8.Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1991.
9.Ғаниев С., Ҳамроева Ҳ. Қадриятлар уйғунлиги: Қозоғистон ўзбекларининг миллий рақс санъати. Марказий Осиё халқларининг маданий истиқбол ҳамкорликлари. – Т.: 2020.

САМАРҚАНД “БЕШ ҚАРСАК” БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ЖАМОАСИ РАҚСЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Зоирбек Ўроқов,
Фарангиз Давронова,
Нозима Пўлатова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Санъатшунослик таълим йўналиши 3-курс талабалари

Илмий раҳбар: Филология фанлари доктори (ДSc) Ҳ.Ҳамроева

Анотация. Мазкур мақолада рақс санъатининг болалар тарбияси ва руҳий ҳолатига таъсири, соғлом турмуш тарзи, ақлий фаолияти, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, жисмоний соғлом ва тананинг тўғри шаклланишидаги роли Самарқанд вилояти Ургут туманининг “Беш қарсак” фольклор этнографик жамоаси фаолияти мисолида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: рақс, болалар, психология, ансамбль, фольклор, этнография**,** беш қарсак, ҳолат, оқсатма, занг.

Аннотация. В данной статье на примере деятельности «Беш карсак» исследуется влияние танцевального искусства на воспитание и психическое состояние детей, здоровый образ жизни, умственную активность, завоевание места в обществе, физическое здоровье и правильное формирование тела. фольклорно-этнографический коллектив Ургутского района Самаркандской области.

Ключевые слова: танец, дети, психология, ансамбль, фольклор, этнография, пять хлопков, поза, прихрамывание, ржавчина.

Аннотация. Бұл мақалада би өнерінің бала тәрбиесі мен психикалық жай-күйіне, салауатты өмір салтына, ақыл-ой белсенділігіне, қоғамда өз орнын алуына, дене саулығы мен денесінің дұрыс қалыптасуына әсері «Беш қарсақ» іс-әрекеті мысалында зерттеледі. Самарқанд облысы Үргут ауданының фольклорлық этнографиялық тобы.

Тірек сөздер: би, балалар, психология, ансамбль, фольклор, этнография, бес шапалақ, тұрыс, ақсау, тат.

Нафосат тарбияси, рақс саънатига қизиқиш аввало оиладан бошланади. Агар оилада ўзаро соғлом муҳит, санъатга муҳаббат бўлса болада ўз-ўзидан мусиқа ва рақсга ҳавас пайдо бўлади. Маълумки, яхши оилавий муҳитда тарбияланган боланинг хулқ-атвори, бошқалар билан муносабати, ўзини тутиши яхши бўлади. Оилада биргаликда телевизор кўриш, рақс, театр томоша қилиш ва ўз таассуротларини ўртоқлашиш каби мулоқотлар болалар дунё қарашини ривожлантиради. Ота-оналар бўш вақтларида фарзанди билан бирга мусиқа тинглаб, рақсга тушса уларда жисмонан тетиклик, яхши кайфият, ўзаро меҳр-оқибат пайдо бўлади.

Рақснинг ана шундай ўткир тарбиявий кучидан фойдаланиш, санъат воситасида ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш бизнинг зиммамиздаги энг муҳим ва доим

долзарб бўлган вазифалардан биридир.[356] Хореография жисмоний ривожланишга ёрдам беради болаларда ҳаракатларни мувофиқлаштириш яхшиланади, ҳолат яхшиланади, ҳаётсеварлик кучаяди, бу болада қувноқ кайфиятни яратади ва умуман тананинг ҳолатига ижобий таъсир қилади. Рақс таъсирида ижобий шахсий хусусиятлар ривожланади болаларда фаоллик, ташаббускорлик, зукколик, қатъият кўрсатиши керак бўлган шароитларга кўникма тарбияланади. Бола мусиқанинг бой ва ранг – баранг оламига дуч келади, у мусиқий тасвирга бўлган муносабатини ҳолат орқали етказа олганидан қувонади яъни, унинг ижодий тасаввури шакилланиб боради.

Моҳирлик билан танланган машқлар, ўйинлар рақслар болаларда теварак-атрофга тўғри муносабатни шакиллантиради, катталар ҳаёти ва меҳнати, турли табиат ҳодисалари ҳақидаги тушунчаларни чуқурлаштиради. Шундай қилиб хореографик таълим болаларни эстетик, жисмоний, ахлоқий ва ақлий фазилатларни тарбиялашга қаратилган. Рақс машғулотлари нафақат гўзалликни тушуниш, уларнинг хаёлий таффакурини, фантазиясини (тасаввур), хотира ва меҳнатсеварликни ривожлантиради.

Инглиз тадқиқотчиси Грегорй Ҳарриснинг тадқиқотларига кўра “Рақс билан шуғулланган инсоннинг ақл-идроки, эслаб қолиш қобилияти юқорироқ бўлади”. Яъни рақсни ўрганаётган инсон диққатни жамлаши, ҳар бир рақс кетма-кетлигини эслаб қолиши, доимий эътиборни жалб қилиши, буларнинг барчаси эса ақлий чаққонликни талаб қилади.

Қадим-қадимдан Марказий Осиё минтақасида рақс санъати ҳам ривожланиб келган. Жумладан, тамаддунлар бешиги бўлмиш Самарқанд вилояти шулар қаторидан жой олади. Мисол тариқасида бугунги кунда ҳам ўз моҳияти ва рақсларининг анъаналарини йўқотмай сақланиб келаётган рақс турларидан бири бу “Беш қарсак” жамоасининг рақсларидир. Унинг тарихига тўхталадиган бўлсак: “Беш қарсак” Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар орасида кенг тарқалган давра ўйинидир. Бунда қарсак билан ўйин ритми ҳосил қиланади. Даврадагилар сўзсиз товуш чиқариб, унинг оҳангига жўр бўлади. Ўртага раққос ёки раққоса тушади. Беш ўн дақиқа рақсга тушиб қўлни ерга теккизмай давра ўртасида қўйилган нарсани тиши билан олиб санъатини намоён қилади.

Баъзи ҳолларда қарсак оҳангига ашула ҳам бошланади. Ашула матни халқ термалари асосида бўлиб, унда халқ қаҳрамонлиги, юрт озодлиги, хурнарманд ва косиблар меҳнати, орзу-армонлар куйланади, нуқсонлар танқид қилинади. “Беш қарсак” ўйини Самарқанд, Бухоро, ва Сурхондарё вилоятлари сайл ва байрамларида ижро қилинган. Айниқса Самарқанд вилояти Ургут туманида қадимдан “Беш қарсак” ўйинлари кенг тарқалган.

[356] Mimikar.ru

“Беш қарсак” ансамбли Самарқанд вилояти Ургут туманида 1952 йили Москвада ўтказиладиган VI Жаҳон ёшлари фестивалига тайёргарлик кўриш муносабати билан ташкил этилган. Ансамбль туман, вилоят, республика кўрик танловларида муваффақиятли қатнашиб келган, 1959 йили Москвада бўлган Ўзбекистон адабиёти санъати декадасида ҳам қатнашган. 1963 йили ансамбль деҳқонлар ҳаётидан олинган “Меҳнат ва тинчлик” деб номланган 12 қисмли сюитаси билан Республика бадиий хаваскорлик кўрик танловида ғолиб топилади.

Шу йили унга “Беш қарсак”га ашула ва рақс ансамбли номи берилди. Ансамбль ижодкорлари “Бир қарсак”, “Икки қарсак”, “Уч қарсак”, ва “Беш қарсак” усули орқали миллий урф-одатлар маросимлар, ҳунармандчиликни мадҳ этувчи қўшиқлар, ёр-ёрлар, меҳнат ва ватанпарварлик мавзусидаги термаларни моҳирлик билан ижро этиб халқ назарига тушдилар. “Беш қарсак” ансамбли Ургутнинг ўзига хос миллий либослари, оёқ кийимлари, ипакдан тикилган кашта нусхаси берилган яктак ва дўппилар, раққоса қизларнинг шоҳи матодан тикилган узун енгли бурмали кўйлак, зардўзи дўппилари билан томошабинни ўзига маҳлиё қилиб қўярди.

Ансамбль репертуари “Ёр-ёр”, “Латифа”, “Тегма-тегма”, “Устага қаранг”, каби халқ термалари билан бойитилди. Бадиий раҳбар М.Ҳакимов, мусиқа раҳбари Т.Тўйчиев, хонанда Б.Қодировлар жамоа репертуарини бойишига катта ҳисса қўшдилар. Ансамбль янги дастурлар билан АҚШ, Франция, Германия, Шри Ланка, Жанубий Корея каби бир неча чет давлатларда ижодий сафарларда бўлди. 1988 йилда унга “Халқ ҳаваскорлик жамоаси” унвони берилган.

Мустақиллик йилларида ансамбль жамоаси янги “Истиқлол муборак”, “Ургутим”, “Ҳунари бор”, “Ўзбек бозори” каби ижод намуналари билан бойитилди. Ансамбль ўз ижодий дастурлари билан 2004 йилда Сурхондарёда бўлиб ўтган “Бойсун баҳори”, 2007 йил Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан фольклор жамоалари Республика кўрик-танловида, 2009 йил Қўқон шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мирзоҳидова хотирасига ўтказилган кўрик танловда, шу йили Бухоро шаҳрида ўтказилган “Асрлар садоси” маданият фестивалларида қатнашиб қатор дипломлар билан тақдирландилар. Бугунги кунда ҳам “Беш қарсак” фольклор жамоаси ўз ижод намуналари билан Наврўз, Мустақиллик каби умуммиллий байрамларда фаол қатнашиб келишмоқда.

“Беш қарсак” рақсининг хореографик харитаси.

“Беш қарсак” рақсида 6 та иштирокчи қатнашади. Учта ўғил болалар, учта қиз болалар, учта хонанда, учта созанда, учта кайвони, учта жамоа иштирокчиси. Иштирокчилар ёрқин рангли либослар кийишади, улар асосан анор, гул, қуёш, қалампир ва накшинкор кашталар билан безатилган бўлади. Ўғил болалар

бошларига қалампир нусха дўппи, каштали дўппи киядилар, қизлар эса пешонага жиякбоши боғлаб, сочларига сочпопук тақадилар.

1.Иштирокчилар ярим доирада бўлишади, яккахон хонанда марказдан қўлларини икки ёнга кўтариб, иштирокчиларга қараб, баланд овозда шундай дейди:

Қани дўстлар жам бўлиб,
кўрсатайлик беш қарсак.
Кўнгиллар завқга тўлиб,
яйратайлик жўшқарсак,

2. Барча иштирокчилар қарсак чаладилар ва мусиқа бошланади. Асосан доира, рубоб ва қайроқ иштирок этади.

3. Қизлар ярим доирадан марказга учинчи ҳолатда, “қанот” ҳаракати билан келишади ва таъзим қилишади.

4. Оёқлар “оқсатма” ҳаракат билан, қўллар эса учинчи ҳолатда ўз жойларига қайтишади.

5. Ўғил болалар икки ёндан “оқсатма” ҳаракат билан биринчи ҳолатда чиқиб келишади.

6. Кайвонилар олтинчи ҳолат қарсак билан “шахмат” тартиби бўйича туриб олишади.

7. Композиция охиригача шу рақс чизмалари бўйича қолади.

8. Кайвонилар:

Охо охо беш қарсак дилкаш даво беш қарсак,
Охо охо беш қарсак дилкаш даво беш қарсак.

9. Хонандалар:

Санъат ичра юксалсак элга манзур бўлолсак,
Санъат ичра юксалсак элга манзур бўлолсак.

10. Кайвони ва хонандалар биргаликда:

Юртнинг байрамларида қарсирласа беш қарсак,
Юртнинг байрамларида қарсирласа беш қарсак.

Нақорат

11. Иштирокчи қизлар жамалак “рўмол ушлаш” ҳолатини ифодалайди.
12. Оёқлар текис ҳолатида тўғрига қараган.
13. Икки қўллари елка кенглигида бармоқлар ораси очиқ.
14. Қўлларида жамалак ушлаб ҳаракат бажаришади.
15. Оёқлар “оқсатма” ҳолатида.
16. Икки қўл ҳам тирсаккача биқинга тегиб туради.
17. Тирсакдан букилган ва кафти пастга қайтарилган ҳолда олдинга узатилади.
18. Гавда эса озгина орқага ташланган, бош ва тана ёнга эркин тебраниб, қўллар шу ҳолатда эпчил олдинга узатилади.
19. Оёқлари эса “оқсатма” ҳаракатида.
20. Хонандалар:

Ўйнаб оқар сойлар ҳам, ҳар ён жопар тойлар ҳам,
Ўйнаб оқар сойлар ҳам, ҳар ён жопар тойлар ҳам.

21. Ҳамма жўр бўлиб:

Кулиб боқар ойлар ҳам қарсирласа беш қарсак,

Кулиб боқар ойлар ҳам қарсирласа беш қарсак.

Нақорат:

Охо охо беш қарсак дилкаш даво беш қарсак,
Охо охо беш қарсак дилкаш даво беш қарсак.

22. Қизлар олтинчи ҳолат “гулбарг” ҳаракатидан иккинчи ҳолат “занг” рақс ҳаракатини бажаришади.

23. Оёқлар “оқсатма” ҳаракатида.

24. Ўғил болалар икки қўлини олдинга чўзганича эпчил ҳаракат қилади.

25. Эгилиб ниманидир чап томондан олиб, елкаси оша улоқтиргандек ҳаракат бажаради.

26. Оёқлар “оқсатма” ҳаракатида.

27. Қизлар: ўнг қўлида жамалак сочларини 45 градус юқориликда айлантирилади.

28. Барча ҳаракатлар такрорланади.

Хонандалар:

Мозийдан келган нидо оҳанги бўлмас адо,
Тоғлар қайтарар садо қарсирласа беш қарсак.
Овози бўй баралла, шоду ҳуррам бу палла,
Авжида байрам ялла, қарсирласа беш қарсак.

Ўғил ва қиз болалар биргаликда; беш қарсак ҳаракатини бажаради.

Қизлар “гардиш” ҳаракатида айланадилар.

Ўғил болалар биринчи ҳолатда бармоқ учи тепага қаратиб қалтиратади, оёқлар “оқсатма” ҳаракатида.

Барча иштирокчилар иккинчи ҳолат билан қўллар ва бош тепага кўтарилади.

Ҳамма таъзим қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, санъат ва маданиятдек кудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритилар экан, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлида янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар мавжуд. Улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки, ҳар қайси ижодкор ўз асарларида рақс тарбияси шахс сифатида шаклланаётган ёшларда соғлом, қадди-қомати чиройли, қалбида миллий руҳни камол топтириш, маънавий ва ахлоқий маданиятни шакллантириш, тасаввурларини янада бойитиш ҳамда уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини, ташаббускорлик қобилиятларини камол топтиришдек ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилади. Ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади. Болаларни айнан боғча ёшидан бошлаб рақс билан шуғулланиш учун шароит яратилиши даркор. Боланинг гавдасини тик тута олишига, ўзига бўлган ишончнинг ортишига, бошқалар билан мулоқот қилишда қийналмасликка олиб келади. Бугунги кунда юртимизда жуда ҳам кўп ансамбллар, рақс жамоалари, фольклор жамоалари фаолият олиб бормоқда. Буларнинг барчаси ватанимиз тарихи, маданияти ва санъатини кўз-кўз қилади. Узоқ-узоқ қишлоқ ва маҳаллаларда бундай жамоаларнинг фаолият олиб бориши ўсиб келаётган ёш авлоднинг қандай юртда яшаётгани, унинг тарихи, миллий

қадриятлари ҳақида маълум бир даражада билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Зайфферт Д. Педагогика и психология танца заметки хореографа: Санкт-Петербург. "Лань", 2015.
2.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 1-жилд., Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2000.
3.Караматов Ф. Ўзбек халқ мусиқа мероси. 2-китоб Т.: 1983.
4.Саитова Э. Қурбонова Ш. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти (Сурхон рақс макатаби) Т.: Фан зиёси нашриёти, 2022.
5.https://uz.warbletoncouncil.org/beneficios-psicologicos-bailar-7139.
Wikipedia.
6.https://arxiv.uz/uz/documents/slaydlar/pedagogik-psixologiya/muzyorar-metodi
7.https://uz.warbletoncouncil.org/libros-de-psicologia-infantil-7426
Mimikar.ru

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИДА РАҚС САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Шукрона Камолиддинова,
Собира Бобожонова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси санъатшунослик йўналиши 4-курс талабалари
Муқаддас Якубжонова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси санъатшунослик йўналиши 3-курс талабаси
Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, филология фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Мазкур мақолада ёш авлод камолотида миллий қадриятлар билан уйғунлашган миллий рақс санъатининг ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: рақс, болалар ўйинлари, маданий анъаналар, миллий қадрият, эстетик тарбия.

Аннотация. Бұл мақалада ұлттық құндылықтармен ұштасатын ұлттық би өнерінің жас ұрпақты дамытудағы рөлі мен маңызы қарастырылған.

Негізгі сөздер: би, балалар ойындары, мәдени дәстүрлер, ұлттық құндылық, эстетикалық тәрбие.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль и значение национального танцевального искусства в сочетании с национальными ценностями в развитии молодого поколения.

Ключевые слова: танец, детские игры, культурные традиции, национальная ценность, эстетическое воспитание.

Санъатнинг барча турлари орасида рақс санъати инсоният томонидан яратилган энг ноёб кашфиёт сифатида муҳим бадиий – эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Худди мусиқа санъати каби уч

минг йилдан зиёд тарихга эга болалар рақслари кичкинтойлар олами билан катталар дунёсининг уйғунлашуви оқибатида юзага келган ўйинлар, қўшиқлар ва мусиқали поэтик жанрларнинг бутун бир тизими тарзида шаклланган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ёзилишича, “Ўйинлар болалар фольклорининг мураккаб тури бўлиб, уларда драма ва мусиқа унсурлари чатишиб кетади”[357]. Улар миллий қадриятлар, урф – одатлар, расм – русумлар билан вобаста бетакрор жозибали ҳаракатлари, ўйноқи мусиқалари билан ёшидан қатъи назар барча томошабинларни ўзига сеҳрлаб олади. Маълумки, ўзбек болалар фольклор рақслари асосан лапарлар жўрлигида ижро этилган. Болалар рақслари кичкинтойларнинг ҳам нутқини ўстиришда, ҳам жисмоний жиҳатдан ривожланишига, соғлом бўлишига ёрдам беради, Уларда ҳаракатларни мувофиқлаштириш яхшиланади, кайфият кўтарилади, ҳаётга муҳаббат, эртанги кунга ишонч туйғулари шаклланади. Рақс ҳаракатлари тананинг ҳолатига ҳам ижобий таъсир қилади. Чиройли хислатлар, фазилатлар шаклланади. Босқичма – босқич болаларда фаоллик, ташаббускорлик, зукколик, қатъият кўрсатиш каби қобилиятлар тарбияланади.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубованинг фикрича, “Рақслар инсониятнинг илк давридаги маросимлар билан чамбарчас боғлиқ. Тупроққалъа ва Ёнбошқалъадан топилган терракотларда зардуштийларнинг диний маросимларида ота-оналарнинг ёнида болаларнинг ҳам борлиги акс этган. Шунданми, қадим илдизлари “Авесто” билан туташ “Лазги” рақс туркумининг халқ орасида болаларбоп вариантлари ҳам жуда машҳур бўлган. Айниқса, “Қайроқ Лазгиси” ва “Масхарабоз Лазгиси”ни болалар севиб ижро этишади. Албатта, рақсни саҳналаштириш жараёнида хореограф – педагог болаларнинг ёшига ва руҳиятига мос ҳаракатларни танлаши керак”[358].

Болаларнинг жисмоний ва маънавий камолотида рақснинг роли муҳимлигини бугун тажрибали руҳшунослар ҳам эътироф этишмоқда. Зеро, бола психологияси унинг дунёқараши каби узоқ вақт давом этувчи мураккаб жараён саналади. Уч ёшга тўлганида унинг умумий характери шаклланишни бошлайди. Улар камол топаётган оилавий муҳит турлича бўлганлиги сабабли, хореограф-педагог аввало барча болалар билан тил топишишга, уларда ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилади. Бунда дастлаб халқ орасида машҳур “Ҳаккалакам”, “Борди – борди”, “Лайлак келди, ёз бўлди” каби ўйинлардан фойдаланади.

Мазкур ўйинлар албатта мусиқа ва енгил рақс ҳаракатларидан иборат бўлади. Болалар мусиқани тинглаб, бир темпда рақс тушадилар, жамоа бўлиб ўйнашади. Яъни рақс болаларни бир жамоа бўлиб ҳаракат қилишга, бир-бирларини ўзаро тушунишга ўргатади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларида хореограф лавозими жорий этилган бўлиб, уларнинг асосий вазифалари ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида санъатга меҳр уйғотишдан, уларга ёш хусусиятлари ва қизиқишларига қараб, рақс ўргатишдан иборат. Рақс табиатан нозик ва чиройли ҳаракатларга

---

[357] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд., Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. -Б. 130.

[358] Матёқубова Г. Рақсларда Ватан тарихи. “Бедорлик” эшиттириши. ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали.2022 йил, 20 октябрь.

бой бўлганлиги, ҳар бир рақс турларида ўзининг услубидаги миллий либослардан фойдаланилгани сабабли, рақс билан шуғулланган болаларнинг руҳияти нисбатан таъсирчан ва ҳар бир нарсадан эстетик завқ олишга мойиллиги кучли бўлади. Улар ҳар жиҳатдан ҳавасманд, кўпчилик кўрганда унчалик ҳам аҳамият бермайдиган нарсаларга эътиборли ва зийрак бўлиб тарбияланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саитова Э. Й., Абрайкулова Н.Э. Хореография ва рақс санъати асослари. – Т.: Фан ва технология, 2015.

2. Гришин В.В.,Лушин П.В. Методики психодиагностики в учебно воспитательном процессе. М.: “Наука”, 1990.

3. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Ҳабибуллаев Ф.Ғ. Оилани ўрганиш психодиагностик методикалари. Т.:, 1998.

“АФРОСИЁБ ГУЛЛАРИ” РАҚСИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рамизхон Ҳожиев,
Замира Мирғиёсова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
санъатшунослик йўналиши 1-курс талабалари

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори (ДСс) Ҳ. Ҳамроева

Аннотация. Мазкур мақолада Самарқанд вилояти “Афросиёб гуллари” болалар рақсининг лингвокультурологик ва маърифий-тарбиявий хусусиятлари ҳамда ифода услублари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: Афросиёб, урф-одат, анъаналар, қадриятлар, алвон гули, рақс, чизма, ҳолат.

Аннотация. Бұл мақалада Самарқанд өлкесінің «Афросиёб гуллари» балалар биінің тіл-мәдени, тәрбиелік және тәрбиелік ерекшеліктері мен мәнерлі мәнерлері зерттеледі.

Түйін сөздер: Афросияб, дәстүр, дәстүр, құндылықтар, Алван гүлі, би, сурет, шарт.

Аннотация. В данной статье исследуются лингвокультурные, образовательно-воспитательные особенности и стили выражения детского танца «Афросиёб гуллари» Самаркандской области.

Ключевые слова: Афросияб, традиция, ценности, албанский цветок, танец, рисунок, состояние.

Рақс санъати ижоди – юксак камолотга эришилган ахлоқий, маънавий ҳаётни, яъни гўзаллик, эзгулик ва ҳақиқатни тараннум этади. Шу боис рақс санъати ва унинг меросий рақслар қаторига кирувчи намуналари орқали болаларни маънан етук қилиб тарбиялаш мумкин.

Самарқанд вилояти болалар рақслари орасида “Афросиёб гуллари” рақси ўзининг жозибаси ва қадимий илдизларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу рақсни ҳам мифология, ҳам Самарқанд шаҳри яқинидаги Афросиёб тепалиги билан боғлаш мумкин. Турли манбаларда у ҳақда турлича маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ёзилишича, “Афросиёб-мифологик образ. «Авесто»да Франгхрасян деб аталган. Афросиёб-Самарқанднинг қадимги харобаси. Бу ном тарихий манбаларда қадимги Самарқандга нисбатан фақат 17-асрдан бошлаб учрайди. Қадимги Самарқанд суғд манбаларида Смараканве деб аталган. Милоддан аввалги 4-асрда Самарқанд Александр Мақсуний қўшинлари томонидан истильо этилгач, юнон муаллифлари кундаликларида Мароқанда сифатида эслатилади. Мароқанда Смараканвенинг юнонча таржимаси. Мовароуннаҳрда сомонийлар ҳокимият тепасига келгач, қадимги Смараканве 9-асрдан бошлаб Самарқанд деб атала бошланди[359].

Буюк ипак йўли Самарқанд орқали ўтганлиги туфайли илк даврлардан бошлаб шаҳарда ҳунармандчилик, илм - фан ва санъат ривожланган. Афросиёб тепалигида узоқ йиллар археологик экспедиция иш олиб борган. Топилган сопол буюмларда турли мусиқа асбоблари билан бир қаторда алвон рангли гулнинг ҳам сурати учрайди.

*Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг шундай дейди: “Бир пайтлари қишлоғимиз мозори ёнидаги ариқдан хатлаб ўтсангиз, улкан тепаликка дуч келардингиз. Боланикда ҳамма нарса катта туюларди, мана шу ҳайбатли Афросиёб тепалигига чиқиб шу тепаликда ў*саётган гулларни териб, оналаримизга, бувиларимизга берардик. Гулларни териб бў*лгандан сў*нг, Самарқандни, Регистон минораларини, *Гўри Амир гумбазини кўрардик……”*[360].

Самарқанддаги Афросиёб тепалигида ўсувчи гул ҳозир ҳам жуда кўп хонадонларда мавжуд десак, муболаға бўлмайди. Қийгос очилган алвон рангли бу гул кўпчиликка илҳом беради.

“**Афросиёб**” ансамблининг хореографи Чарос Иброҳимова бастакор Абдуҳошим Исмоиловнинг «Шохистаиман» куйига рақс саҳналаштирди.

---

[359] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 1-жилд., Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. -Б. 517-518

[360] Хуршид Даврон. Хотира парчалари дафтаридан. kh-davron.uzv.

Саҳналаштирилган рақсни эса “Афросиёб гуллари” деб номлади. “Бу рақсни саҳналаштиришимдан мақсад, болалигимиздаги алвон рангли гулнинг хушбўй иси димоғимдан кетмаганлиги. Ота боболаримиз сўзлаб берган воқеалар ҳеч эсимдан чиқмайди. Уларнинг айтишича, алвон рангли гул кимнинг хонадонидан чиқса, ўша хонадон эгаларини улуғ аждодларимиз руҳи зиёрат қилишга келибди деган қарашлар мавжуд. Қадим замонларда уларнинг руҳларини шод қилиш маросимларини ўтказишганлиги, алвон гул ўсаётган хонадонга ҳадялар олиб боришган. Бу рақсни саҳналаштиришимга айнан ўша Афросиёб тепалигида ўсган алвон рангли гул ҳақидаги ривоятлар туртки бўлган” [361].

Истеъдодли хореограф Чарос Иброҳимова кейинчалик “Афросиёб гуллари” рақсининг болаларбоп вариантини яратди. Албатта, уни яратишда болаларнинг ёш хусусиятларини, руҳий ҳолати ва қизиқишларини ҳисобга олган. Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган урф-одатларимизнининг йўқолиб кетмаслиги учун жон куйдираётган, миллий қадриятлар билан уйғунлашган қадимий рақсларнинг сақланиб қолиши учун уларни рақс ҳолатлари, чизмалари орқали келажак авлодларга етказиб беришни ўз зиммасига олган хореографларимиз бир биридан қолишмайдиган рақслар саҳналаштириб келишаётгани таҳсинга сазовордир.

“Афросиёб гуллари” рақсида 12 нафар қиз болалар иштирок этади.

1. Саҳнанинг чап томонидан диоганал рақс чизмаси орқали, узум узиш, гул барги, учинчи рақс ҳолатини бажарган ҳолда саҳнанинг ўртасига 6 та қиз чиқиб келади.

2. Саҳнанинг ўнг томонидан диоганал рақс чизмаси орқали, узум узиш, гул барги, учунчи рақс ҳолатини бажарган ҳолда саҳна ўртасига яна 6 та қиз чиқиб келади.

3. “Қанот қоқиш” рақс чизмаси ҳолатида юз очиш (соч силаш) ҳаракати билан шоҳ рақс ҳаракатини бажариб, жойларида айланишади.

4. Учинчи ҳолатда айланиб олиб калидор рақс чизмасига келиб олишади, шу рақс чизмасида “Тўлқин” рақс ҳаракатини бажаришади.

5. Гулбарги, юз силаш рақс ҳаракатлари орқали калидорга, ўнг қўл бошни орқасида чап қўл иккинчи ҳолатда икки ёнга очилишади.

6. Чап ва ўнг қўл кўксига қўйилиб, чап ва ўнг қўл бирин кетин иккинчи ҳолатга очилган ҳолда, калидор рақс чизмасидан битта қаторга йигилишади.

7. Бир қаторда юқоридаги рақс ҳаракатларини такрорлаган ҳолда шахмат кўринишига чиқиб яна бир қаторга йиғилишади.

8. Пастдан ўнг қўл билаги айланган ҳолатда иккинчи ва биринчи қўл ҳолатига очилиб, саҳнанинг ўнг томонига спирал рақс чизмасига йигилишади.

9. “Қалдиргоч” қўл ҳолатида битта айланиб 6 та қиз ўтириб, 6 та қиз турган ҳолатда “илон изи” ва “қалдиргоч” қўл ҳаракатларини бажаришади.

10. “Чеҳраси ғунча” рақс ҳаракатини бажариб 6 та қиз ўрнидан туришади.

---

[361] Муаллифларнинг хореограф Ч.Иброҳимова билан суҳбатидан. 2022 йил, 15 октябрь.

11. Қизларнинг ҳаммаси “Узум узиш” рақс ҳолатини бажаришади.

12. Учинчи ҳолатда битта айланиш қилиб, саҳнанинг чап томонига 6 та қиз диагонал рақс чизмасига туриб олишади

13. “Узум узиш” рақс ҳаракатини бажаришади.

14. Қолган 6 та қиз ҳам учинчи ҳолатда айланиш қилиб, саҳнанинг чап томонига диагонал рақс чизмасига туришади.

15. Саҳнанинг чап томонидан диагонал рақс чизмаси орқали, “Қанот қоқиш” ҳолатлари билан ўтилади.

16. Бешинчи, иккинчи ва биринчи қўл ҳолатлари орқали айланиб, пастдан юқоригача уч марта чапак чалишади ва саҳнанинг ўртасига келишади.

17. Бу ҳаракатлар саҳнанинг ўртасига келгунларига қадар бажарилади.

18. Саҳнанинг ўртасига диагонал рақс чизмаси, “Илон изи” ҳаракати орқали келиб олишади.

19. Сўнг тўртинчи оёқ ҳолатида ва бешинчи қўл ҳолатида билакларни айлантиришади.

20. Чап қўл белда ўнг қўл биринчи ҳолатда, “Айланиш” ҳаракати билан шахмат кўринишига келиб олишади.

21. Шу рақс чизмасида турган ҳолда юқорида айтиб ўтилган қўл оёқ ҳаракатларини бажаришади.

22. Чап қўл белда ўнг қўл биринчи ҳолатда айланиб ярим айлана рақс кўринишига келишади.

23. Биринчи ҳолатга турган қўл “Чеҳраси гул” рақс кўринишига келади.

24. Шу рақс чизмасида турган ҳолда қизлар чап қўллари орқали шеригини белидан ушлашади, ўнг қўли билаги айланган ҳолатда пастдан иккинчи ҳолатга кўтарилади.

25. Мазкур ҳаракат икки-уч маротаба такрорланади.

26. Биринчи қиз турган ҳолда, иккинчи қиз эса ўтирган ҳолда (битта оралатиб) дутор чалиш ҳаракатини бажаришади.

27. Турган қизлар айланиш ҳаракати билан дутор чалиш ҳаракатини қайтаришади.

28. Шу ҳаракатлар икки-уч маротаба бажарилганидан сўнг қизлар ўрнини алмаштиришади (ўтирган қизлар ўрнидан турган ҳолда, турган қизлар ўтирган ҳолда).

29. “Гул отиш” рақс ҳаракати билан катта айланага очилишади, оёқларда бир, икки, уч ҳаракатини бажаришади.

30. Бир айланада тўлик айланганларидан сўнг, бирин кетин (битта оралатиб) кичик ва катта айланага очилишади.

31. Қўл ҳаракатида “Гул узиш” ҳолати давом этади.

32. Катта ва кичик айланага очилишганидан сўнг қўлларини “Қалдиргоч” рақс ҳаракатига келтиришиб жойларида эгилишади.

33. “Гул узиш” ва “Гул ҳидлаш” ҳаракатлари билан рақс ўз ниҳоясига етади.

Мазкур ҳаракатлар орқали қадимги урф-одатларимизга, миллий қадриятларимизга эътиқод, табиатга бўлган меҳру муҳаббат нақадар чексиз эканлигини томошабинларга намойиш қилинади. Бу рақснинг замирида ўсиб келаётган ёш авлод қалбида табиатга ва тарихга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, уларни ватан ўтмиши, Афросиёб тепалиги каби маданий меросимиз, алвон рангда товланиб ўсувчи гул билан боғлиқ ривоятлар, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз билан яқиндан таништириш ғояси мужассам.

Болалар ижодиёти эса уларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим роль ўйнайди. Болаларни бадиий жиҳатдан тарбиялаш амалиётида хореографиянинг ўрни бўлса ҳам, унинг асл имкониятлари бугунги кунга қадар тўлиқ ишлатилмай келинмокда. Сабаби, кўплаб таълим масканлари асосан билим беришга қаратилса-да, эмоционал ва ахлоқий томонлари иккинчи даражада туради. Айнан хореография санъати бошқаларга нисбатан визуал, эшитиш, ҳаракат қилиш, ҳиссиёт, эмоционал таъсирланиш ёрдамида оламни идрок этишга ёрдам беради, ақлий чарчоқликнинг олдини олиб, унинг фаолияти учун туртки ва куч беради.[362]

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 1-жилд., Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000.
2. Хуршид Даврон. Хотира парчалари дафтаридан. kh-davron.uzv.

[362] Ўзбекистонда рақс санъати ривожи ва истиқболлари: ижтимоий жараёнлар., Т.: “Наврўз” нашриёти, 2019. -Б. 163

3. З.К.Фазлиева. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти (Фарғона рақс мактаби) Т.:"Наврўз", 2020.
4. Ў.Мухамедова. Ўзбек рақсини саҳналаштириш амалиёти Т.: «Наврўз», 2020.
5. Ўзбекистонда рақс санъати ривожи ва истиқболлари: ижтимоий жараёнлар., II Республика илмий – амалий конференцяси материаллари. Т.: "Наврўз" нашриёти, 2019.

"ХОРАЗМ ЛАЗГИ РАҚСИ": ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Шаҳноза Умарова,
Жумабек Ташенев номли университет
тарих йўналиши магистри

Аннотация: Мазкур мақолада Хоразм "Лазги" туркумининг тарихи, шаклланиш босқичлари ва этнографик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: Хоразм, халқ, тарих, қадимшунослик, этнография, миллий қадрият, маданий мерос.

Аннотация: Бұл мақалада хорезмдік «Лазги» табының тарихы, қалыптасу кезеңдері және этнографиялық сипаттамалары қарастырылады.

Түйін сөздер: Хорезм, халық, тарих, көне жәдігерлер, этнография, ұлттық құндылық, мәдени мұра.

Аннотация: В данной статье рассматриваются история, этапы формирования и этнографическая характеристика хорезмской серии «лазги».

Ключевые слова: Хорезм, народ, история, древности, этнография, национальная ценность, культурное наследие.

Уч минг йиллик давлатчилик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи тарихида Хоразм давлатчилик тарихи алоҳида ўрин тутади. Академик А.Муҳаммаджонов тўғри таъкидлаганидек, "Қадимги Хоразм минтақалари ҳудудларининг ўзига хос табиати, шубҳасиз, фақатгина қадимий аҳолисининг турмуш тарзини белгилабгина қолмай, бу диёрда юзага келган қадимги маданиятларнинг шаклланиши, ривожи ва бир-бирига қоришувига ҳам кучли таъсир этган"[363]. Ҳозирги даврда дунё янгиланмоқда. Янги замон, янги фикр ва янгича дунёқараш даврида истиқлол нафақат халқимиз ҳаётида, балки тафаккурида ҳам жуда катта ўзгаришлар ясади.

Этнограф олим Исо Жабборовнинг фикрича, "Археологлар тадқиқ этган турли антик давр обидалардаги ўйма ва рангли расмларда сурнай, най, ноғора, ҳар хил торли асбоблар ва турли ниқоблар тасвирланган"[364]. Бизнинг назаримизда, ниқоблар ўз-ўзидан "Масхарабоз Лазгиси"нинг яратилиш ва шаклланиш босқичлари билан боғлиқ.

Академик С.П.Толстовнинг фикрича, ўрта асрларга келиб, эрлар меҳмонхоналар, чойхоналарда йиғилиб, ҳолдан тойгунча оловга қараб ўйин

[363] Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси - маънавият кўзгуси. Т.: «Ўзбекистон», 2015. - Б.141.
[364] Жабборов И. Жаҳон халқлари этнографияси. Т.: "Ўқитувчи" нашриёти, 1985. Б.-269.

тушган бўлсалар[365], XIX асрда эркаклар давра айланиб, оғзига иссиқ темирни қистириб, қўлида олов билан рақс тушганлар[366].

Геродотнинг “Тарих” китобида ёзилишича: “Амударё бўйида яшовчи массагетлар кечалари гулхан ёқиб, олов ўчгунича қўшиқ айтиб, оловни улуғлаб рақсга тушганлар”.[367] “Лазги” рақси ўз ўрнида инсонийлик ва бағрикенглик (толерантлик) руҳини ёйишга хизмат қилади.

Мазкур рақс инсон ҳуқуқ ва эркинликларига раҳна солмайди, аксинча, миллатлараро дўстлик ва биродарлик туйғуларини шакллантиради. Хоразм рақси – “Лазги”нинг Ўзбекистон номоддий маданий меросининг Миллий рўйхатига киритилиши, унинг муҳофазаси, давлат томонидан кафолатланишини таъминлаши билан бир қаторда маҳаллий ва миллий даражада аҳолининг эстетик дидини ва ҳаётга муҳаббатини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзининг бой ўтмиши ва маданияти билан машҳур бўлган Хоразм ўлкасида жуда қадимдан юзлаб миллат ва халқлар аҳил-инoқ яшаб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги бошқа ўлкалардан турли йўллар билан келиб, ўтроқлашиб, эл бўлиб кетганлар.

“Лазги” туркумига кирувчи энг машҳур рақслардан бири “Чангак Лазгиси”дир. Унинг ниҳоятда қизиқарли тарихи бор. Ўтмишдан маълумки, асрлар давомида давлатлар ташкил топиши билан катта-кичик урушлар бўлиб, қудратлилар ожизларни босиб олиб ўзига бўйсундирганлар. Бу жараён элатларни аста-секин объектив ва субъектив омиллар орқали бирининг - бирига сингиб кетишига сабаб бўлган.

Қўшкўпир туманидаги ҳозирги Оқдарбанд қишлоғида Хоразмнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган манзарага дуч келиш мумкин. Бу қишлоқнинг одамлари ўзининг ташқи кўриниши, одоби, тили ва удумлари билан ажралиб туришади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки бу қишлоқда қадимдан шу масканни ватан тутиб, эл бўлиб қолган форсийлар яшайдилар. Оқдарбанд қишлоғининг халқ орасида “Оҳтарвант” шаклини ҳам учратиш мумкин.

Хилма - хил фожиаларни бошдан кечирган, турли истилочилар томонидан босиб олинган халқ, мутлақо бегона давлатларнинг таъсирига ўтган бўлса ҳам ерлик аҳоли ўзининг кўп йиллик тарихи давомида миллий хусусиятларини ҳозирги давргача сақлаб келмоқдалар. Маълумки, жаҳонда ўзини мутлақо соф, бошқа халқ (давлат) билан чатишиб кетмаганлигини даъво қиладиган бирорта элат, халқ йўқ. Чунки ҳар бир этнос узоқ тарихий давр давомида, турли элатлар билан алоқада бўлиши табиий ҳолдир. Баъзан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб кетиб бошқа этнослар билан аралашиб, уларни ўзига сингдириб ёки таркибий қисми қилиб олиниши натижасида шаклланиб келганлигини тарихий фактлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Бу ҳақдаги энг аниқ маълумотлар Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг “Риёз -уд-давла” номли асарида ёзиб қолдирилган. Асарнинг дастлабки қисмида хон Раҳмонқули Тўранинг 1826 йили Эронга қилган юриши батафсил баён қилиниб, Оқдарбанд қалъасининг истило этилиши ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар берилган. Оқдарбандлик форсийларнинг Хоразмга

[365] С.П.Толстов. Древний Хорезм.М.: изд. МГУ, 1948. С. -75.

[366]Вамбери Ҳ.Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990.Б. – 17.

[367] Геродот. История, 1 том.М.: “Наука”, 1972. С.-75.

кўчирилиб келтирилиши ҳақида ҳанузгача халқ оғзаки ижодида сақланиб келаётган бир неча ривоятлар ҳам мавжуд. Бу ҳақда оқдарбандликлар бизга суҳбатимиз давомида қуйидаги ривоятларни айтиб беришди:

Ривоятда айтилишича, Хива хони Мадаминхоннинг Эрон давлати устига юриши Хива лашкарларига Дарбанд қалъаси атрофида жанг қилишига тўғри келган. Шиддатли жангларнинг бирида Хива хони Мадаминхон эронликлар томонидан ўлдирилади. Бундан ғазабланган хиваликлар ўз хони жасадини Эрон шоҳи олдига олиб бориб, унинг учун хун талаб қилганлар. Ўша замондаги қонун-қоидага кўра жангларда хонларни қатл этиш ман этилган. Шу боисдан ҳам Эрон шоҳи Хива хони хуни учун хиваликлар ундан ниманики талаб қилсалар шуни беришга рози бўлган. Хиваликлар пайтдан фойдаланиб, Эрон шоҳидан жанг майдонида жасорат кўрсатган Дарбанд қалъасида истиқомат қилувчи аҳолининг ҳаммасини оиласи билан беришни ва уларни Хоразм диёрига кўчириб кетишни талаб қилганлар. Шу тариқа Дарбанд аҳолисининг барчаси ўз оиласи билан кўчирилиб келтирилиб, бир томони қум, иккинчи томони кўл, учинчи томони Хива хонлигига хавф солиб турган туркманлар билан чегарадош Зей канали бўйидаги (ҳозирги Оқдарбанд) қишлоққа жойлаштирилган. Шундан кейин бу жой Оқдарбанд қишлоғи номи билан атала бошлаган.

Зеро, қишлоқ аҳлининг ўзига хос урф-одат ва маросимлари борки, улардан айримларининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Миллатлар бир-бирининг урф-одатлари ва анъаналаридан андоза олиб, бир-бирига сингишиб кетади. Масалан, тўйдан олдин “Эшик очар”, “Патир ташлаш”, “Кўрпа бичар” каби маросимлар ўтказиларди.

Шунингдек, оқдарбандликларнинг ҳозиргача сақланиб келаётган урф-одатларидан бири “чилла” деб аталади. Бинобарин, келин ва куёвнинг никоҳдан кейинги дастлабки даври, гўдакнинг дунёга келиши, аёлнинг жисмоний ва руҳий оғриқлардан бўшалгандан кейинги 40 кунлик ва киши вафот этганидан кейинги 40 кунлик даври ҳам “чилла” номи билан юритилган. Бу даврда кўплаб урф-одатлар, расм-русумлар бажарилиб, маълум чекловлар ва таъқиқларга риоя этиши шарт ҳисобланган. “Чилла” билан боғлиқ урф-одатлар ичида бизнинг кунларимизгача сақланиб келаётгани она ва чақалоқни “чилла сақлаш” даври ҳам у билан боғлиқ. Бу давр мобайнида чақалоққа исм қўйиш, уни “чилла суви” билан чўмилтириш, унга “чилла кўйлак” кийгизиш, бешикка белаш каби урф-одатлар бажарилган. Шунингдек, чилла даврида чақалоқ ва она турган уйда чироқ ўчмаслигини ва мунтазам исириқ тутатиб турилишини айтиб ўтиш мумкин. Аслида бу удумлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, она ва чақалоқнинг соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳаракатлардир. Тўйлар ва маросимларда оқдарбандлик эронийларнинг миллий рақсларидан “Тўй-бай”,

“Қўш қарсак”, “Тандир-кесак”, “Чангак лазгиси” каби рақслар иштиёқ билан ижро этилади.

Оқдарбандда эронийларнинг миллий “Қўш қарсак” ансамбли фаолият кўрсатяпти. Ансамбль дастуридан эронийларга хос фольклор томошалари, анъанавий қўшиқ ва тароналар билан бирга, халфачилик, бахшичилик каби миллий ўйинлар ҳам кенг ўрин олган. Улар халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз байрамлари ва бошқа тантаналарида, турли кўрик-танловларда иштирок этадилар.

Хоразм достонлари, ашулалари, рақслари орасида “Чангак лазгиси” ҳам кенг ўрин олган. Мусиқа тезлашган сайин ҳаракатлар бирин-кетин мураккаблашиб боради. Буни чуқур кузатиб қарасангиз ўзингизга маълум бир маънони англайсиз. Олдин беўлчов, беқарор бўлган, қолипсиз шаклдаги бу рақс ҳаракатлари, мусиқа оҳангига мос тартиблашиб чиройли элементлар билан кўзни қувонтиради. Чунки “Лазги” куйи рақсини ҳаракатларини томоша қилиб турган мухлисга бу рақс худди ўзи ўйнаб тургандай туюлади. Томоша қилаётган инсон қалбида туғён уйғонади.

Икки халқнинг маданияти ва санъати аралашуви натижасида хоразмлик эронийларнинг “Чангак лазгиси” ҳозирги даврда Хиванинг Оқдарбанд қишлоғида яшовчи эронийларнинг байрам, тўй-томошаларида ўйналиб келинмоқда. Бошқа лазгилардан “Чангак Лазгиси” нинг фарқи, ижрочи қотма ҳолатига кириши керак. Қўллар, оёқлар қотган лекин ўйнаётганида эгилувчан бўлиб, инсон танаси бўшашиб сеҳрли бир рақсни ифодалайди, инсон руҳиятига завқ беради.

Бу рақс йиллар ўтиши билан “Чангак лазгиси” деб ўз услуби билан санъатга кириб келган. Бу “Лазги” халқларнинг яқинлашуви, урф-одатлари, санъати ва маданиятидан пайдо бўлган. Ҳозирги вақтда “Чангак Лазгиси” хоразмликларнинг турмуш шароитига мослашиб, санъатига қоришиб кетди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: изд. МГУ, 1948.
2.Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. “Хоразм Лазгиси” : тарихи ва тавсифи.Т.: 2022.
3. Қобилниёзов Ж.Хоразм халқ қўшиқлари ва ўйинлари. Т., 1975. 17-б.
4.Итина М.А. Хорезмская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований. Культура и искусство древного Хорезма.М., “Наука”, 1981
5. Садоков Л.Р. Музыкальная археология древней и средневековой Средней Азии: ударные инструменты. М.1996.с.35.

“ДИЛХИРОЖ” РАҚСИ

Шерзод Қодиров,
Жамшид Мирсолиев,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
санъатшунослик бўлими 1-курс талабалари
Илмий раҳбар: Ҳ.Ҳамраева, филология фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Мазкур мақолада “Дилхирож” рақсининг тарихи, аҳамияти ва ва унинг болалар рақси сифатидаги бадиий-эстетик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: “Дилхирож”, рақс, моҳият, ижро, маданий мерос, маънавий анъаналар.

Аннотация. Бұл мақалада «Дилхирож» биінің тарихы, маңызы және оның балалар биі ретіндегі көркемдік-эстетикалық ерекшеліктері туралы айтылады.

Түйін сөздер: «Дилхирож», би, болмыс, спектакль, мәдени мұра, рухани дәстүрлер.

Аннотация. В данной статье рассказывается об истории, значении танца «Дилхирож» и его художественно-эстетических особенностях как детского танца.

Ключевые слова: «Дилхирож», танец, сущность, спектакль, культурное наследие, духовные традиции.

Ўзбекистон диёрида яшаган халқлар орасида рақс санъати турмуш шароитлари, диний маросимлар, байрамлар билан боғлиқ холда қадимдан тараққий этган ва ҳар бир рақс ўз маъно ва моҳиятига эга бўлган.[368] «Дилхирож» рақси ҳам илк даврлардан ижро этиб келинаётган қадимий рақслардан ҳисобланади. **ДИЛХИРОЖ** — (форс.) — дилни тирновчи, юракни эзувчи деган маънони англатади. Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи[369].

Баъзи рақс усталарининг айтишларича «дилхирож» сўзининг маъноси “юрак қули” деган маънони ҳам англатади. Яъни, юракдаги дардни сўз билан билдириш қийин, фақатгина куй ёки рақс билан англатиш мумкин, деган хулосага боришади. Бизнинг назаримизда бу ёнган юракнинг кулини фақатгина ҳис қилиш мумкин, аммо кўриб бўлмайди.

“Дилхирож” ўзбек, уйғур ва тожик халқларининг мумтоз рақс куйи ҳисобланади. Бош оҳанги ривожланиши жараёнида пешрав услуби етакчи ўрин тутади. “Дилхирож”нинг оммабоп яллаларга яқин ашула йўли ҳам мавжуд бўлиб, Тожикистонда "Сийнахуруш" деб юритилади. Лад ва куй-оҳанг асослари Бузрук мақоми йўлларига яқин. “Дилхирож” ривожининг юқори қисмида "Зебо пари" авжи ишлатилган.[370] Мазкур рақс Фарғона рақс йўлига мансуб ҳисобланади. Фарғона мактаби анъанавий рақслари асосан айлана бўйлаб қурилади, уларда гавда табиий тутилади, елкалар эркин ҳолатда бўлиши билан

[368] Қодиров М. Ўзбек анъанавий театри. Т.: 2010. –Б. 297
[369] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.619
[370] Uz.wikipedia.org

ажралиб туради. Бу мактабга мансуб бўлган ўзбек рақсларини ижро этишда оёқ, қўл, тана ва бўйин ҳаракатларининг ҳар бир жиҳати муҳим аҳамиятга эга.[371]

“Дилхирож” куйининг муаллифи Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов ҳисобланади[372]. Кўпчилик “Дилхирож” ни асосан Назриддин Шерматовнинг рақси деб ўйлашади, лекин бу рақснинг биринчи марта Ўзбекистонда хизмат кўрсаткан артист Абдуғаффор Қодиров томонидан ижро этилган ва кўп ҳаракатлар халқ рақсларидан олинган.

Кейинчалик бу рақсни Абдуғаффор Қодиров шогирди Н.Шерматов учун қайта саҳналаштирган. Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори Тамарахоним раққосалар учун варианти ҳам борлиги ҳақида манбаларда айтилган.[373] “Дилхирож” куй шаклида оммалашгани унинг мусиқаси жуда узоқ вақтдан халқимиз орасида севиб ижро этилиб келинаётгани билан боғлиқ

“Дилхирож” рақсига келадиган бўлсак, бу рақс ўзига ҳос тарихга эга. У яқин орада пайдо бўлган рақс эмас. Бу рақс жуда қадимдан халқ орасида машҳур. Ундаги қўл, елка ва оёқ ҳаракатлари ўзбек йигитларининг бақувват, забардаст ва чаққон эканлигини билдиради.

Шу билан бир қаторда либослар ҳам ўзига ҳос маъноларни англатади. Рақс ўйнаётган инсон бошига Фарғона дўпписи, пешонасига эса оқ (баъзи ҳудудларда рангли) қийиқчани ингичка кўринишда боғлайди, эгнига оқ яктак ва унинг устидан беқасам тўн кияди. Тўннинг бир енги кийилмайди ва шимарилиб белдаги белбоғга қистириб қўйилади. Бу холни турли маънолар билан ифодалашади. Халқ орасида бу ҳолатни севган ёридан ёки яқин инсонидан айрилганлиги, суянчиғи йўқлиги сабабли, деган қарашлар ҳам бор. Яна баъзилар эса меҳнаткашлик билан боғлашади, далада кўп меҳнат қилганидан қуёш остида қизиб, бироз шамоллаш ниятида тўннинг енгини киймайди деб айтишади.[374]

“Дилхирож” рақси ўзбек халқининг маданий мероси бўлиб унда меҳнат жараёнлари акс эттирилганини кўришимиз мумкин. Ушбу рақсда йигит яхши кайфият билан кенг далага кириб келади ва уни кўздан кечириб, ерга ишлов беришни бошлайди. Меҳр билан ерга уруғ қадайди. Кун бўйи ишлаб чарчаган йигит бироз дам олади ва яна тиришқоқлик билан меҳнат қилишда давом этади. Сўнгра ҳосил етишади ва ҳосилни йиғишга чоғланади.

1. “Дилхирож” рақси – йигит доира садоси остида қўлларни юқорига кўтарганча “қанот” ҳаракати билан шахдам қадамлар билан даврага чиқиб келиши билан бошланади.

---

[371] Усманова Г. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти. Т.: “Наврўз”. 2020. –Б. 30
[372] Қосимов О. 1909 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 2001.19.02да Тошкент шаҳрида вафот этган.
[373] Маҳмудова М. Ўзбек рақсини ўқитиш услубиёти. Т.: “Наврўз”. 2020. –В. 11
[374] Шерматов Н.“Дилхирож” рақси - ёнган юрак алангаси. //www.kultura.uz/view_2r15535.html.

2. Дастлаб ўнг қўл олдида чап қўл эса белнинг орқа қисмида туради ва “гардиш” ҳаракати билан бир айланади.

3. Кейин эса чап қўл олдида ўнг қўл эса белнинг орқа қисмида бўлади.

4. Бу холатдан сўнг қўлларни мушт қилган ҳолда юқоридан пастга қаратиб олиб тушади ва қўлларни ёйиб айлана бошлайди.

5. Аста ўтиради ва уруғ эккандай қилиб айланади.

6. Сўнг ўрнидан туради ва чап қўл орқада ўнг қўл мушт ҳолатда пастга юқорига кўтариб тушириб ортга юради.

7. Ярим ўтирган ҳолда қўлларни ёзиб пастдан юқорига қилиб бир –бирига уради.

8. Турган ҳолатда қўлларини ёзиб, елкаларни ўйнатиб келади ва ўтириб айланади гўёки ҳосилларни ўраётган деҳқондай.

9. Қўлларни пастдан эркин бўш ҳолатда олдига ташлаб айланади бу эса чарчаган деҳқон дам олаётганга ўхшайди.

10. Кейин эса кўзларда учқун билан шаҳдамлик ила атрофдагиларни чақираётгандай қилиб ҳаракат қилади.

“Дилхирож” шундай жозибали рақски, бунда бизнинг миллий қадриятларимиз акс этган. Бизнингча, ҳар бир инсон ушбу рақсни ижро этганда қалбдаги, юракдаги дардлардан халос бўлса керак.

Кейинги йилларда ушбу рақснинг болаларбоп варианти ҳам жуда кенг ёйилган. Боғча ва мактаб ёшидаги ўғил болалар бу рақсни севиб ижро этиб келмоқда. “Дилхирож” рақсини ўргатишдан олдин хореограф – педагог болаларга рақснинг тарихи, унинг миллий қадриятлар билан уйғунлашган меҳнат рақси эканлиги ҳақида гапириб беради. Миллий либослар, уларнинг ранги, номлари тўғрисида тушунтиради. Зеро, “Дилхирож” болалар учун фақат серзавқ рақс бўлибгина қолмай, тарбиявий аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади.

Бу рақсни ким ижро этишидан қатъи назар, ҳавас ва ҳаяжон билан ўйнаганда ичидаги ғуборлари тўкилади. Ҳаётга, меҳнатга, она ерга меҳру муҳаббати юксалади. Мазкур рақсни ҳар сафар завқ билан томоша қилганимизда меҳнатсевар бобо деҳқон авлодидан эканлигимизни ич-ичимиздан ҳис этамиз ҳамда миллий қадриятларимиз, урф – одатларимиз билан фахрланамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қодиров М. Ўзбек анъанавий театри. Т.: 2010.
2. Uz.wikipedia.org
3. Усманова Г. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти. Т.: “Наврўз”, 2020.
4. Маҳмудова М. Ўзбек рақсини ўқитиш услубиёти. Т.: “Наврўз”, 2020.
5. Шерматов Н. “Дилхирож” рақси - ёнган юрак алангаси. //www.kultura.uz/view_2r15535.html.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

“КАШТА” БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚС КОМПОЗИЦИЯСИ: ҚАДРИЯТ ВА БАДИИЯТ

Сурайё Исматова,
Ўзбекистон давлат хореография
академияси санъатшунослик йўналиши 3-курс талабаси
Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, филология фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Мазкур мақолада “Кашта” Фарғона болалар фольклор рақс – композициясининг бадиий хусусиятлари миллий қадриятлар билан уйғунликда тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: нафосат тарбияси, анъана, миллий қадрият, болалар ўйинлари, кашта, лапар.

Аннотация. Бұл мақалада ферғаналық балалар фольклорлық «Қашта» би композициясының көркемдік ерекшеліктері ұлттық құндылықтармен үндестікте зерттеледі.

Тірек сөздер. пысықтау, дәстүр, ұлттық құндылық, балалар ойындары, кесте, лапар.

Аннотация: В данной статье исследуются художественные особенности ферганской детской фольклорной танцевальной композиции «Кашта» в гармонии с национальными ценностями.

Ключевые слова: утонченное воспитание, традиция, национальная ценность, детские игры, вышивка, лапарь.

Асрлар давомида яратилиб, авлоддан - авлодга ўтиб, бизгача етиб келган болалар фольклор рақсларида халқимизнинг ўтмиши, дунёқараши, ҳаётга бўлган эстетик муносабати, орзу - умидлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Фарғона болалар фольклор рақслари ўзига хос миллий колорит ва характерга эга эканлиги билан ажралиб туради. Энг қадим замонлардан бошлаб водийда халқ ижодиётининг тараққий этиши рақс – композициялардаги лапар матнларининг мусиқага мос тушишини тақозо этган. Композициялар таркибидаги шеърий парчалар рақс ҳаракатларига мос ритмик жиҳатдан уйғунлашган, бадиий жиҳатдан мукаммал бўлган шаклга кирган.

"Кашта" рақс – композицияси Фарғона болалар рақс мактабининг гултожи ҳисобланади. Унда ҳунарманд ва ҳавасманд ўзбек халқининг нафис санъатга муҳаббати, меҳри акс этган. Композициянинг бадиий яхлитлигини таъминлашда раққоса қизларнинг ҳаракатлари, имо – ишоралари, либослари, бош ва оёқ кийимлари, ҳатто тақинчоқлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фаргона шаҳар 4 – болалар мусика ва санъат мактаби рақс ўқитувчиси Гулбаҳор Шаропова қайта саҳналаштирган "Кашта" рақс–композициясида қиз болаларни нафосат ва меҳнат тарбиясига ўргатиш ғояси етакчилик қилади. Хореограф – педагог рақс – композицияни болаларга ўргатишдан олдин уларга кашта ҳақида маълумот беради. Мавжуд луғатларда кашта терминига шундай изоҳ берилган:

Кашта – ф. [экилган, уруғ қадалган, ишлов берилган] **1** Игна билан тикиб туширилган гул, расм, чизиқ ва ш. к.

2 Гул, расм, чизиқ ва ш. к. тикилган мато.[375]

Бизнинг давримизгача етиб келган, асосан 19 асрга мансуб кашталарда турли рангдаги гуллар, расмлар, чизиқлар акс этган. Кашта асосан қўлда игна, илмоқли игна, илмоқли бигиз билан тикилади. Даврлар ўтиши билан, кашта ҳунармандчилиги ривожланиб, сайқалланиб, тасвир услублари бойиб борди.и Уларда ўсимлик ва гулларнинг расмлари билан бир қаторда, фантазий шакллар, баъзан муҳаббат ёки панд насиҳат мавзусидаги байтлар ҳам ифодалана бошлади. Ўтмишда кашта тикиш момоларимизнинг энг севимли ҳунарларидан бўлган. Фарғона вилоятининг Қувасой, Ахсикент, Мунчоқтепа каби археологик обидаларидан топилган топилмалар каштанинг ниҳоятда қадимий бўлганлигини билдиради. Кашта маҳсулотларини энг кадимги нусхалари бизнинг давргача етиб келмаган. XIV-XV асрларга оид миниатюраларни кўздан кечирганда, кашта амалий санъат сифатида ҳозирги Марказий Осиё худудида кенг ривожланганлиги маълум бўлади. Кашта турлари, чоклари ва услубларининг турли-туманлиги ўзбек каштадўзларининг юксак санъатини, маҳоратини англатади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ёзилишича, "Ўзбек каштадўзлари буюм безакларида амалий безак санъатининг бошқа турларидаги нақшлардан андоза олганлар, кашталарда ўсимликсимон тасвирлар, шох, гулбанд, гулдасталар кўп учрайди."[376] Фарғона водийсида Буюк Ипак Йўли давридан бошлаб ҳунармандчиликнинг барча соҳалари қаторида дўппидўзлик, каштадўзлик ҳам равнақ топган. Водий халқининг бу нафис санъатга муҳаббати унинг рақсларида, ялла ва лапарларида ҳам ёрқин намоён бўлади.

---

[375] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 338.
[376] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002. –Б. 524.

“Кашта” рақс – композициясида 12 нафар қиз иштирок этади.

1. Мусиқа садоси остида қизлар қўллари юқорида, “шамол” ҳаракати билан икки қатор бўлиб икки томондан чиқишади.

2. Икки томондан чиқишиб, доира ҳосил қиладилар.

3. Биринчи гуруҳдаги учта қиз ўтириб, учтаси уларнинг атрофида айлнади.

4. Навбати билан иккинчи гуруҳдаги учта қиз ўтириб, учтаси уларнинг

атрофида айлнади.

5. Қўшиқ сўзи бошланганда шахмат ҳолатига тарқалишади ва бир айланиб ўтиришади.

6. 1 – гуруҳ: Эрта билан тураман
Наҳори наштаё,
Наҳори нашта.

7. Қизлар бир тиззасида ярим ўтириб, иккинчи тиззасини букади.

8. 2 – гуруҳ: Ўнг қўлимда игнаю
Тиззамда кашта –ё,
Тиззамда кашта.

9. Қизлар бир қўлини гўё тиззасидаги каштага қўйиб, иккинчи қўлида игна бордек, ўнг қўлини тепада ҳаволатиб, кашта тиккан бўлади.

10. Қизлар тик туриб, “тўлқин” ҳаракати билан давра айланиб, гуруҳлар ўрин алмашади. Иккинчи гуруҳдаги қизалоқлар ўрниларидан туришади.

11. Ярим ой шаклида ўтиришади.

12. 2 – гуруҳ. Кашта тиккан қизларнинг дўпписи бошдаё,
Дўпписи бошда,
Қўявериб чизавериб ўсмани қошгаё
ўсмани қошга.

13. Иккала гуруҳ ҳам бир вақтда қўлларини бошларига олиб бориб, дўппи кийиш ҳаракатаини бажаради.

14. Чап кафтларини ойна қилиб, ўнг қўллари билан қошга ўсма қўйиш ҳаракатини ифодалайди.

15. Сўнгра ўрниларидан туриб думалоқ шаклга келишади.

16. 1 гуруҳ: Чинор чинориё, бўйим чинори

17. 2 гуруҳ: Ўнгга қаранг, чапга қаранг,

Қўлимда торимо, қўлимда торим.

18. Сўнгра қизлар ярим ой шаклига боришади бир айланиб ўтиришади ўртага 2 та қиз чиқади.

19. Қизлар қарсак чалиб,қўшиқнинг давомини айтишади.

20. 1 гуруҳ: Рақсга тушган қизчанинг нози чиройлик о,
Нози чиройлик.

21. Қолганлар ҳам туриб шахмат жойларига келишади “нози чиройлик” ҳаракатини қилишади

22. 2 гуруҳ. Ўнг юзига ярашган холи чиройлик о,
Холи чиройлик

23. Қизлар кўрсаткич бармоқларини ўнг ёноқларига қўйиб, “холи чиройли” ҳаракатларини кўрсатишади.

24. Қизлар яна икки гуруҳга бўлинишади.

25. Кейин яна нақорат қайтарилади.

26. 1 – гуруҳ: Эрта билан тураман
Наҳори наштаё,
Наҳори нашта.

27. Қизлар бир тиззасида ярим ўтириб, иккинчи тиззасини букади.

28. 2 – гуруҳ: Ўнг қўлимда игнаю
Тиззамда кашта –ё,
Тиззамда кашта.

29. Ўнгга, чапга ўтиб шох айланишиб рақсни таъзим билан тугатишади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кейинги йилларда инсон камолоти ва жамият тараққиётида маънавиятнинг, миллий қадриятларнинг устувор эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Учинчи Ренессанс пойдеворини ятатаётган ёшлар миллий қадриятлар ва маданий анъаналарни янада мукаммалроқ ўрганишларида миллий рақс санъати, хусусан, болалар фольклор рақслари беқиёс тарбиявий – маънавий –маърифий кучга эга эканлиги ўз исботини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002.
3. Ўзбекистонда рақс санъати ривожи ва истиқболлари: ижтимоий жараёнлар., II Республика илмий – амалий конференцяси материаллари. Т.: “Наврўз” нашриёти, 2019.
4. Маҳмудова М. Ўзбек рақсини ўқитиш услубиёти. Т.: “Наврўз”, 2020.
5. Усманова Г. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти. Т.: “Наврўз”, 2020.
6. Саитова Э. Қурбонова Ш. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти (Сурхон рақс макатаби) Т.: Фан зиёси наширётйи, 2022.
7. Саитова Э. Й., Абрайкулова Н.Э. Хореография ва рақс санъати асослари. – Т.: Фан ва технология, 2015.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ГАВҲАРХОНИМ МАТЁҚУБОВА САҲНАЛАШТИРГАН ТАРИХИЙ РАҚСЛАР

Дилноза Мавлонова, Дилноза Ортиқова,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
сиртқи бўлим 4 – курс талабалари
Рисолат Сапаева,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
Урганч филиали 1 – курс талабаси
Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, филология фанлари доктори (DSc)

Аннотация: Бұл мақалада Өзбекстанның халық әртісі Г.Матёкубова жасаған тарихи билердің рухани-ағартушылық, этнографиялық, көркемдік-эстетикалық ерекшеліктері зерттеледі.

Негізгі сөздер: көне дәстүр, ұлттық рух, «Лазги», Анахита, құндылық, «Авеста», би.

Аннотация: В данной статье исследуются духовно-просветительские, этнографические, художественно-эстетические особенности исторических танцев, созданных народной артисткой Узбекистана Г.Матёкубовой.

Ключевые слова: древняя традиция, народный дух, «Лазги», Анахита, ценность, «Авеста», танец.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “ушбу санъатни бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодларга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда”[377], дейилган.

Ўзбекистон халқ артисти Г.Матёқубова “Лазги афсонаси”, “Анахита”, “Қайроқ сўзлаганда”, “Тошлар тилга кирганда”, “Лаган ўйини”, “Олти халфа”, “Зикр” каби рақсларида аввало йўқолиб бораётган фольклор элементларини қайта тиклади. Муаллифнинг Хоразм рақс санъати тарихини яхши ўрганганлиги, унга тааллуқли назарий-илмий манбалар билан танишгани “Лазги” монографиясининг яратилишига асос бўлди. Унда “Лазги” тарихи, шаклланиш босқичлари ва тараққиётининг эстетик-маънавий манзараси, миллий қиёфаси гавдалантирилган. Мутахассисларнинг фикрича, “Маънавий тараққиёт ва ахлоқий тамойиллар шундай асосларга таянган ҳолда, асрлар чегарасидан ҳатлаб ўтиб, кейинги ривожланишни юзага келтирди”.[378] Ўзбекистон халқ артисти, Хоразм рақсларининг тадқиқотчиси ва тарғиботчиси Г.Матёқубова “Лазги” рақсининг тарихий илдизлари “Авесто” билан боғлиқлигини шундай шарҳлайди: “Лазги” рақси ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг ритми “Авесто” “гоҳ”лари ритми билан чамбарчас боғлиқ. Ритмик жиҳатдан шаклланган “гоҳ”ларни ёдда

[377] ЎзР Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ЎзА, 2020, 4 февраль

[378] Конрад Н.И. Запад и Восток. М., изд.Главная редакция восточной литературы. 1972., с.81.

сақлаб қолиш осон, улар шу йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб келган. “Лазги” рақси ҳам айнан ўзига хос ритми туфайли бугунги кунгача етиб келган”[379]. Иккита рақсдан иборат “Анахита” (“Уйқудаги гўзал”) туркуми Гавҳар Матёқубова ижодини янада юксакликка кўтарди. Уларда қуёш нурларини эрк деб билувчи, эзгуликка интилувчи халқ руҳи, жасорати, орзу-армонлари ўз аксини топган.

Қадимда рақс орқали инсонлар атрофда бўлаётган воқеалар ва табиат ҳодисаларига муносабатини билдирган. Ҳис-туйғуларини, қалб изҳорларини, қувонч ва аламларини ифодалаган. Г.Матёқубова саҳналаштираётган тарихий мавзудаги рақсларда аввало бугун ва келажакнинг илдизлари ўтмиш билан туташади. Раққосанинг ҳаракатлари ва нозик ишораларида оний воқеа ва ҳолатлар инсон қалб туғёни билан қайта уйғонади, юрагининг энг тубидаги эҳтиросли кечинмалар қайта тирилади, гоҳ алам, гоҳ шодликда кечган ҳиссиётлар томошабин кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Севги оташи, армонлари, садоқат туйғулари тилга киради. Гавҳархоним Ватан тарихи ва миллий қадриятларга муҳаббатини, ўтмиш ҳақида ўқиганлари,билганлари ва эшитганларини, тасаввурлари ҳамда ички кечинмаларини рақсларда ифодалаш орқали томошабинни тафаккурга, ҳаёт зиддиятлари моҳиятини англашга ундайди.

Хоразм рақслари азалдан сержило ва мафтункор, унинг тилсим тўла фалсафаси мураккаб, бир-бирини такрорламайдиган жўшқин ҳаракатлари томошабинни ўзига сеҳрлайди. Либос ҳамда безакларидаги ёрқин ранглар ва рангин нақшларнинг ўзи ҳам гўёки рақс тушаётганга ўхшайди: ниҳоятда жозибали. Рақслар ўзида ижодкор қалбидаги яширин интилишни,романтик ҳиссиётлар ва ҳаётсеварликни мужассам этгани туфайли инсон қалбини ром қилади. Ҳақиқий рақсда абадий нафосат суратлари жо бўлади. Унинг ҳаракатларида ўзига хос яширин тимсоллар, ишоралар ва рамзлар мавжуд. Г.Матёқубованинг тарихий мавзудаги рақслари кучли маъно ва моҳиятга эга бўлиб, уларда яшаш ва яратиш ишқи, дунёни орзуларда кўраётган ҳаётсевар инсон қиёфаси бўй кўрсатади. “Уйқудаги гўзал” (“Анахита”) туркумини кўрган томошабин, рақс-ҳиссиётлар ва кечинмалар, нозик ишоралар санъати эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

[379] Матёқубова Г., Эшжонова Ш. Лазги Урганч., 2017., 24-б.

Чунки, илдизлари “Авесто”га бориб туташувчи миллий рақс ҳам маданий-маънавий меросимизнинг ажралмас қисмидир. Миллий рақсларнинг тараққиётида улар мансуб халқнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва жуғрофий шароитлари муҳим роль ўйнайди. Асарда энг ёрқин бўёқларда “Авесто” даврининг тарихий-эстетик манзараси чизилганлиги, Анахита тимсолида аёл қалбининг нозик кечинмалари, олам ва одам муносабатларидаги сирлар, тилсимлар, руҳиятидаги изтироблар мужассам бўлганлиги учун ҳам Гавҳархонимнинг “Анахита” туркуми халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг кўплаб тадбирларида ижро этилди, хорижлик санъатшунос-мутахассисларнинг



эътиборига тушди, ҳамиша энг совринли ўринларни эгаллади, истеъдодли, гўзал раққоса Дилноза Мавлонова ижодининг гултожига айланди.

Тарихий мавзудаги рақслар муайян шароитда юзага келган ва инсон руҳиятинининг, ҳаётининг турли ҳолатларини ўзида акс эттиради ва санъат асарларининг энг таъсирчан воситаси ҳисобланади. Айнан шу хусусиятлари билан одамларни ўзига тортади. Ўзбекистон халқ артисти, этнограф ва санъатшунос, бетакрор истеъдод соҳибаси, моҳир балетмейстер Гавҳархоним Матёқубова яратган ҳар бир рақс узоқ изланишлар ва машаққатли меҳнат маҳсули бўлганлиги учун чинакам кашфиёт даражасига кўтарилади, уларда ўзига хос образлилик, ўтмиш воқелиги, драматизм, рақс техникаси, мафтункор гўзаллик ва сеҳр бор. Зеро, одамларни ҳайратга солиш ҳам улкан санъат.

Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори Гавҳархоним Матёқубованинг тарихий мавзудаги рақслари – узоқ ўтмишимиз, бебаҳо маданиятимизнинг бой қадимий анъаналари ҳақидаги қимматли маълумотлар хазинаси бўлиб, ёшларнинг маънавий савиясини ва бадиий дидини ўткирлаштиради, улар онгу шуурида миллий ғурур ва ижодкорликни шакллантиради ҳамда хорижлик санъатшунос-тадқиқотчиларнинг миллий рақс санъатимизга қизиқишларини кучайтиради.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган Янги Ўзбекистонда бой халқимизнинг тарихий анъаналарини, миллий - маънавий қадриятларини мукаммал ўрганиш ва тадқиқ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги Ўзбекистон бунёдкорларини улғайтиришда маданият, санъат ва адабиётнинг, хусусан,

Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори Гавҳархоним Матёқубова каби устоз санъаткорлар яратаётган тарихий мавзудаги рангин ва жозибали, соф миллий рақсларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзР Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Карори**.** ЎзА, 2020, 4 февраль.
2. Конрад Н.И. Запад и Восток. М., изд.Главная редакция восточной литературы. 1972.
3. Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм “Лазги” рақси: тарихи ва тавсифи. Т.: 2022.
4. Воробьева М.Г. «Хорезмские терракоты” М.,1981.
5. Рапопорт Ю. “Некоторые итоги изучения дворца на городище”. М.,1972.
6. История Хорезма. Сборник. Т.: “Фан”, 1976.

МАЗМҰНЫ/МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ
1-ТОМ

1.	М.Әзілханов	ҚАЗАҚСТАН ХАЛҚЫ АССАМБЛЕЯСЫ ТӨРАҒАСЫНЫҢ ОРЫНБАСАРЫ	4
2.	С. П.Ниязходжаев	ӨЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДАҒЫ ТӨТЕНШЕ ЖӘНЕ ӨКІЛЕТТІ ЕЛШІСІ	8
3.	И.Ҳошимжонов	ҚР ЎЭМБ «ДЎСТЛИК» ҲАМЖАМИЯТ РАИСИ	10
4.	М. М. Ҳожиматов	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МИРЗОНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ	12
5.	Б.Есенғалиев	ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНЫҢ ЕҢБЕК СІҢІРГЕН ҚАЙРАТКЕРІ	15
6.	Мухаммад Али	ӨЗБЕКСТАН ХАЛЫҚ АҚЫНЫ	17
7.	Л.У.Абенова	АТ ЖАЛЫНДАҒЫ ӨРКЕНИЕТ» ЖӘНЕ БАБЫР ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ	23
8.	Шуҳрат Тохтасимов	“БОБУРНОМА”ДА ЛЎЛИЛАР РАҚСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ	29
9.	Ҳ. Ҳамроева	“БОБУРНОМА”ДА РАҚС САНЪАТИ ТАЛҚИНИ	32
10.	Н.Ш.Алметов	ПЕДАГОГИК БОБУРШУНОСЛИК: МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР	36
11.	Ҳ. Ҳамроева, Ш. Наралиева,	АДАБИЁТ ДАРСИДА “БОБУРНОМА” ВА “ЮЗ ОҲ, ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР...” ДОСТОНИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (ҚОЗОҒИСТОНДА ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9 - СИНФ “ЎЗБЕК АДАБИЁТИ” ДАРСЛИГИ МИСОЛИДА)	40
12.	Ҳ. Ҳамроева, Ш. Наралиева, С.Ганиев	ТВОРЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ ВЕЛИКОГО ПОЭТА И ИЗВЕСТНОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ДЕЯТЕЛЯ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА	48
13.	Б.Б.Файзуллоев	АДАБИЙ ТАЪЛИМДА З.М. БОБУРНИНГ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ	52
14.	Ж.Ғаниев	БУЮК ШОҲ ВА ШОИР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК СИЁСАТИДА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ	57
15.	М.Гапуров	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДА МУСИҚИЙ ТЕРМИНЛАР	60
16.	Саидов Ё. С.	БОБУРНИНГ ЁЗУВ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ	63
17.	Улуқов Н. М.	БОБУРНИНГ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТИ	68
18.	Ҳ. Дадабоев	БОБУР ҲАРБИЙ МАҲОРАТИНИНГ ҚАНДАҲОР ЖАНГИДА НАМОЁН БЎЛИШИ	72
19.	У.Журакулов	“БОБУРНОМА”ДА МУАЛЛИФ ПСИХОБИОГРАФИЯСИ	75
20.	M. Abjalova	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MUALLIFLIK KORPUSINI YARATISH – DAVR TALABI	80
21.	М.М. Сулаймонов, М. Исмоналиева, Г.Холдорова	“БОБУРНОМА”ДА КУРАШ ВА ЖИСМОНИЙ ЕТУКЛИК ҲАҚИДА	83
22.	Doç. Dr. Mehmet	BÂBÜR DÎVÂNI’NDAKI SOYUT ADLAR ÖZEREN	88

23.	А.Насиров	ШАРҚ ВА ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОБУР ИЖОДИНИНГ ЎРНИ	93
24.	V. Cho'liyeva	"BOBURNOMA" ASARINING IJTIMOIY-MA'RIFIY AHAMIYATI	96
25.	Д. Юлдашева Ш. Наралиева	БОБУР ҒАЗАЛЛАРИДА МЕТАФОРАЛАР	100
26.	Б. Жамилова С.Бердиерова	«БОБУРНОМА» – САЁҲАТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИДА НОЁБ ЁДГОРЛИК	104
27.	М. Тожибоева	"БОБУРНОМА"ДАГИ ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАСВИРИ ЖАДИД АДИБЛАР ТАЛҚИНИДА	109
28.	Исакова З. Р.	ЗАХИРИДДИН МҰХАММЕД БАБЫР МЕН ИСМАЙЫЛ САФАУИ ҚАТЫНАСТАРЫН ФИЛОСОФИЯЛЫҚ ТҮСІНДІРУ	118
29.	М. Мамажонов	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЛМИЙ - АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ	121
30.	Аслонов И.	"БОБУРНОМА" ДА ҲУКМДОР ЭТИКЕТИ ВА СИЁСИЙ ИЕРАРХИЯ ТАСВИРИ	126
31.	К.Абдуллаев	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИ ЎРГАТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ	132
32.	Ш.Наралиева	ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАДИИЙ МАТННИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийлари мисолида)	135
33.	Убайдуллаев А. А.	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ	139
34.	С.Ганиев. М. Қосимова	МИНҲОЖИДДИН МИРЗО ИЖОДИДА БОБУР ВА АНДИЖОН КУЛЬТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ	142
35.	С.Ганиев	"БОБУРНОМА"ДА ҲИНДИСТОН ТАЛҚИНИ	144
36.	N. Quldashev S.Ahmadjonova	BOBUR ASARLARI TILI	148
37.	М.Саидхонов	БОБУРНИНГ БУЮКЛИГИДА ВОЛИДАСИ ВА КАТТА ОНАСИНИНГ ЎРНИ	151
38.	М. Амонов	ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИСТЕЪМОЛДАН ЧИҚҚАН "БОБУРНОМА"ДАГИ ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАР	155
39.	Ф. И. Каримова	"БОБУРНОМА" ИЖОДИЙ-БИОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА	158
40.	M.Y. Sulaymonov G. H.Xoldorova	BOBURNOMA – DIDAKTIK ASAR	163
41.	М.Р.Суюнов	З.М. БОБУР АДАБИЙ МЕРОСИ ПРОФЕССОР ЭРГАШАЛИ ШОДИЕВ ТАЛҚИНИДА	166
42.	Г.Сайидова	НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ЎХШАТИШЛАР ТАСНИФИ	169
43.	Э.П.Эшмуродов Д.А.Эшмуродова	XVI АСР ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА З.М.БОБУР АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ	173
44.	М.М.Мирзоаҳмедов	«БОБУРНОМА» ДА ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАР	178
45.	С.Ж.Рысбаева М. М.Жақсылықова	ТАРИХИ ТҰЛҒАЛАРДЫ ЗЕРТТЕУ: ТҰЛҒА ФЕНОМЕНІ БАБЫР БЕЙНЕСІНДЕ	183

46.	В.Сабирова Г.Эрназарова Т.Торошов С. Шарипова	ДВЕ ВЕЧНЫЕ ЦЕННОСТИ З. М. БАБУРА В ДРЕВНЕМ ГОРОДЕ ОШ: МАНЯЩАЯ К СЕБЕ ГОРА СУЛЕЙМАН-ТОО И БОЖЕСТВЕННАЯ РЕКА АК-БУУРА	187
47.	B. Bisenova A. Sharipov Sh. Cho'tboyeva	TA'LIM TIZIMIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ASARLARINI O'QITISH MUAMMOLARI	191
48.	М.М. Махмадшоев	ТАҶАССУМИ ШАХСИЯТҲОИ АДАБӢ, ИЛМӢ ВА ҲУНАРӢ ДАР “БОБУРНОМА”-И ЗАҲИРУДДИН МУҲАММАД БОБУР (ВОПЛОЩЕНИЕ ЛИТЕРАТУРНЫХ, НАУЧНЫХ И ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ЛИЧНОСТЕЙ В «БАБУРНАМЕ» ЗАХИРУДДИНА МУХАММАДА БАБУРА)	201
49.	Sh. Ochilov S. Kanatbayev Y. Po'latova	Z.M. BOBURNING “BOBURNOMA” ASARINI O‘QITISHDA O‘QUVCHILARNING EKOLOGIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH	204
50.	А.Раҳмонқулов М.Раҳмонқулов	“БОБУРНОМА”ДА ЎЗБЕКЧА ВА ФОРС-ТОЖИКЧА ОНОМАСТИК НОМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ	208
51.	Б.Бисенова Ю.Мавлонова Д.Холов	ЗАХИРИДДИН МҰХАММЕД БАБУР ШЫҒАРМАЛАРЫНЫҢ ТӘРБИЕЛІК МАҢЫЗЫ	210
52.	М.И.Очилова М.А.Окилова	УПОМИНАНИЕ ГОРОДА ХУДЖАНДА В «БАБУР-НАМЕ» ЗАХИР АД-ДИН МУХАММЕД БАБУРА	214
53.	Бекимметов У. Абдалов У	БОБУР ВА АБУЛҒОЗИ: ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР	218
54.	Tadjiyeva F. Erkayeva S.	BOBUR – HARBIY SARKARDA	220
55.	M.Madaminova	“BOBURNOMA” VA “TARIXI FARG'ONA” ASARLARI TAVSIFIDAGI AN'ANAVIYLIK (ETIMOLOGIK MA'LUMOTLAR MISOLIDA)	226
56.	Д.А.Ражаматов	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ “БОБУРНОМА” АСАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР	229
57.	М. Х. Қорабоев	ФАРЗОНА МУН ИЖОДИДА БОБУРИЙЛАР	232
58.	М. Х. Қорабоев	БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ИНГЛИЗ АДИБЛАРИ АСАРЛАРИДА	235
59.	M. Amonov	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ASARLARINING XORIJIY TILLARGA TARJIMASI VA CHET ELLARDA O‘RGANILISHI	238
60.	Р.О.Норжигитов, М.Равшанова	ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ В ТВОРЧЕСТВЕ БАБУРА И СВОЕОБРАЗИЕ ЕГО ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ	242
61.	D. Salayev	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR DAVRIDA DINIY BAG‘RIKENGLIK VA MILLATLARARO TOTUVLIK MASALASI	245
62.	Райимбердиева З.	“БОБУРНОМА” – ЭТНОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА	249
63.	A.Omanboyeva	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR IJODIDA TASAVVUFIY QARASHLARNING BADIIY TALQINI	252
64.	M. Matchanov	BOBUR IJODIDA MUMTOZ ADABIYOTDAGI AN'ANAVIY MAVZULARNING O‘ZIGA XOS TALQINI	257
65.	Н. Камолова М. Исмаилова	«БОБУРНОМА» — БАДИИЙ МАҚОЛАНАВИСЛИКНИНГ ГЎЗАЛ НАМУНАСИ	259

66.	D. Bekchanov R. O'razmetova	HISTORY OF WRITING "BABURNAMA"	262
67.	Д. Авазязова	БОБУР АСАРЛАРИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	265
68.	D. Abduraxmonova	MANGULIKKA DAXLDOR	270
69.	Sh. Ismoilov S. Matniyozov	BOBUR FAOLIYATINING TANGALARDAGI AKSI	273
70.	S.Fozilova	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING PSIXOLOGIK QIYOFASI	277
71.	I. Jabborov	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY-ADABIY MEROSIGA FALSAFIY NAZAR	280
72.	G. Arabova	SHOH VA SHOIR ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING ADABIYOTIMIZGA QO`SHGAN ULKAN HISSASI	284
73.	N. Matchanova	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ASARLARINING TA'LIMIY-TARBIYAVIY AHAMIYATI	288
74.	U. Karimov	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING HINDISTONDAGI SALTANATI	292
75.	N. Matchanova E. Sa'dullayeva	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING "BOBURNOMA" ASARIDA FARZAND TARBIYASI MASALALARI	295
76.	A.Rohatalaiyev B. Ashurov	ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA HAZRAT BOBUR AN'ANALARI	299
77.	A. Rohatalaiyev F. Turg'unboyeva	KEL, EY BOBUR, VATANGA….	300
78.	Sh. Rahmonova	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING SHARQ XALQLARI VA JAHON TARIXIDA TUTGAN O'RNI	302
79.	Н. Дауылбаева	КЛАССИКАЛЫҚ ТҮРКІ ПОЭЗИЯСЫНДАҒЫ «БАБЫР-НАМЕ» ЕҢБЕГІ ЖӘНЕ АБАЙ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ	305
80.	Z.E.Abdug'apporova	"BOBURNOMA"DA FARG'ONA VODIYSI IJODKORLARI TAVSIFI	307
81.	M. Otaxanova	BOBUR VA CHUSTIY: AN'ANA VA VORISLIK	309
82.	A.Rohatalaiyev. Ashurov B.	ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA HAZRAT BOBUR AN'ANALARI	312
83.	Babajanov M. Shomurotova Z.	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR HAYOTI VA ASARLARIDA FARZAND TARBIYASI MASALALARI	315
84.	P. Kaxramonova	BOBUR SHAXSI VA TILSHUNOSLIKKA DOIR QARASHLARI	317
85.	Р.Фатоева	БОБУР ЛИРИКАСИДАГИ НОАНЪАНАВИЙ ЎХШАТИШЛАР ТАЛҚИНИ	320
86.	G.Mahammadjonova	"BOBURNOMA" ASARIDAGI SHE'RIY PARCHALARDA MUALLIF RUHIYATI IFODASI	324

II ШЎЪБА

87.	М. М. Ҳожиматов	XX АСР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА ОНА ТИЛИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ	329
88.	R. Sayfullaeva	ILLUMINATION OF NATION'S SPIRITUALITY ISSUES IN THE WORKS OF MAHMUDKHOJA BEHBUDI AND ABDULLAH AVLONI	335
89.	Ш.М.Искандарова, Д.Ш.Рахмат	ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ "ИЛМ-МАЪРИФАТ" СЕМАЛИ ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	338

90.	Prof. Dr. Ercan ALKAYA, Г. Ы.Серкебаева	«КОДЕКУС КУМАНИКУС» ЖАЗБА ЕСКЕРТКІШІНДЕГІ НАНЫМ-СЕНІМДЕРІҢ ЭТНОМӘДЕНИ КӨРІНІСІ	341
91.	Р. Сайфуллаева М. Шукурова	"АЁЛ" КОНЦЕПТИНИНГ БАДИИЙ НУТҚДА ВОҚЕЛАНИШИ	347
92.	А. Алимбеков	АМЕРИКАЛИК ШОИР ИЖОДИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ	351
93.	Ш. Юсупова	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИК ТАВСИФИ	356
94.	Arş. Gör. Dr. Veysel İbrahim KARACA	KIPÇAK GRUBU TÜRK LEHÇELERİNDE DİŞ ARASI ÜNSÜZLERİ*	360
95.	M. Saparniyazova[1], D.Lutfullayeva[2], Sh. Naraliyeva	ЭРГОНИМЛАРНИНГ СТРУКТУР- СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	365
96.	S.K.YALÇIN R. ÇALIŞIR	ÖTÜMSÜZ KARŞILIĞI BULUNMAYAN ÖTÜMLÜ YAPIM EKLERİNİN ÜNSÜZ UYUMU BAKIMINDAN KAZAK TÜRKÇESİNDEKİ DURUMU	372
97.	Ҳ.Ҳамроева Ш. Наралиева	СИРОЖИДДИН РАУФНИНГ "НИЛИЙ НАҚШЛАР"И	385
98.	Қ. Пардаев Ш. Наралиева	МУҲАММАД АМИНХЎЖА МУҚИМИЙ "САЁҲАТНОМА" АСАРИ МАТН ТАРИХИ	389
99.	Д.А.Ганиева	СИНКРЕТИЗМ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ	395
100.	Ш. Наралиева К. Мавлонова	ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ	398
101.	K. Hamrayev	HIKOYANING JANRIY TADRIJI	401
102.	Ҳ. Сулаймонова	АБУ БАКР ХОРАЗМИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	407
103.	M.Xamidov	"QAYG'U GULI"NING BADIIY XUSUSIYATLARI	410
104.	Д.Тошниёзова	АНВАР ОБИДЖОН ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТУЙҒУСИ	414
105.	Z. Teshaboeva	ANALYSIS OF IMAGERY IN "GULBADAN" WRITTEN BY RUMER GODEN	416
106.	Р. Шарипов	МАДАНИЯТЛАРАРО ИНТЕРАЦИЯ: ТАРЖИМА САНЪАТИ ВА ТАЖРИБА	421
107.	К.Абдуллаев О.Каримов	АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ	424
108.	Д.Юсупова	СИЁВУШ КАСРОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СИМУРҒ ҚУШИ ТАЛҚИНИ	430
109.	Р. Мамбетова Ш. Тошмирзаева	ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚНИ ЎСТИРИШ ОМИЛЛАРИ	436
110.	Г. Муҳамеджонова	ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ ОМИЛЛАРИ	438
111.	Parpiyeva M	"TEMIR YO'L" ROMANIDA IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR TASVIRINING O'ZIGA XOSLIGI	440
112.	Ю.Ҳамроева Ҳ.Ҳамроева	ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ	444
113.	A. Allayarov	THE SIMILARITY OF POETRY OF AZAM UKTAM AND SEAMUS HEANEY	447

* Bu çalışma yazarın "Çağdaş Türk Lehçelerinde Ünsüzler" adlı doktora tezinden üretilmiştir.

114.	M. Xamidova	FRAZEOLOGIZMLARNING PSIXOLINGVISTIK XUSUSIYATLARI	450
115.	U. Yokubbayeva	DAVR MAZMUNINI AKS ETTIRUVCHI AYRIM LEKSIK BIRLIKLAR XUSUSIDA	453
116.	Н. Саидова	СЮЖЕТНО – КОМПОЗИЦИОННАЯ ЛИНИЯ В РАССКАЗЕ СОВРЕМЕННОГО САУДОВСКОГО ПИСАТЕЛЯ ХАЛИДА АЛ-ЮСУФА «МОЙ ОБРАЗ ДЛЯ ТЕБЯ»	456
117.	А.Бўронов	ТУРКИЙ ТИЛЛАРГА ХОС “КЕ” ЎЗАКЛИ СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ	460
118.	Ш.Комилова	XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ ХИТОЙ ДРАМАЛАРИНИНГ МАВЗУЛАР КЎЛАМИ	465
119.	Н.Кабирова	РАЗВИТИЕ АФГАНСКОЙ НОВЕЛЛИСТИКИ 60-80-Х ГОДОВ XX ВЕКА НА ЯЗЫКЕ ДАРИ И ТВОРЧЕСТВО РАХНАВАРДА ЗАРЬЯБА	469
120.	К. Мамадиёрова	ПОЭТОНИМНИНГ БАДИИЙ МАТНДАГИ ТАЛҚИНИ	475
121.	S. Arziqulova	ZULFIYA MO`MINOVA IJODIDA MILLIY RUHNING LIRIK TALQINI	479
122.	Ш.Ганиева	ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ШАРТЛИЛИК МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА	484
123.	Д. Мухиддинова	АРАБ АДИБАЛАРИ ИЖОДИДА “ЖУДА ҚИСҚА ҲИКОЯ” ТУРИ	487
124.	N. Mirzametova	UYUSHIQ BO‘LAKLI GAPLARNING PROPOZITIV XUSUSIYATLARI	491
125.	С.С. Ибрагимова	ТАХАЛЛУС - КАК АНТРОПОНИМИЧЕСКАЯ ЕДИНИЦА В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОМ АСПЕКТЕ	496
126.	N.Saydaxmedova	IKKI KO‘ZIM ELIMDADUR	501
127.	H. Abduraimova	SHUKUR XOLMIRZAYEV IJODIDA REALISTIK TASVIR USTUVORLIGI	504
128.	Ш. Умарова	ШАҲОДАТ ИСАХОНОВАНИНГ “НОДИРАИ ДАВРОН” РОМАНИДА ТАРИХИЙЛИК ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН	510
129.	С. Исматова	НОДИР ЖОНУЗОҚ ШЕЪРИЯТИДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ РУҲ ТАЛҚИНИ	513
130.	С. Исомиддинова, Р. Карамова	ТИМСОЛЛАРДА ОРИФОНА СЎЗНИНГ СУРАТИ ВА СИЙРАТИ	516
131.	Т. Аъзам Бутунбоева С. Исматова	АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЙ ЖОЗИБАСИ	518
132.	С. Исматова, Ф. Давронова	БОТИР ЭРГАШЕВ ШЕЪРИЯТИДА ЮРТ ТАСВИРИНИНГ ИНЪИКОСИ	514
133.	З. Мирғиёсова, Д. Файзуллаева, Д. Эрджанова	ТАНИҚЛИ АДИБ МАМАТҚУЛ ҲАЗРАТҚУЛОВНИНГ “ЧЎЛИ ИРОҚ” ҲИКОЯСИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ	517
134.	Н. Пўлатова, С. Исомиддинова	САЛИМ АШУРНИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ	520
135.	Р. Ҳожиев, Ш. Қодиров	ҒАЙРАТ МАЖИД ПУБЛИЦИСТИКАСИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	524
136.	З. Ўроқов М. Исфандиёрова	БАҲОДИР ҚОБУЛ АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТАЛҚИНИ	529
137.	А. Хосилова, Н. Юнусхўжаева, Д. Абдурашидова	ФАРОҒАТ ХУДОЙҚУЛОВАНИНГ “ҚОЯТОШИМ” КИТОБИДА “СЎЗ” ЛЕКСЕМАСИ	531

138. III ШЎЪБА

139.	Г. Матёқубова	ХОРАЗМ “НОРИМ - НОРИМ” РАҚСИНИНГ БАДИИЙ - ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	535
140.	М. Ғапуров	ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲОФИЗИ ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТ ҲАҚИДА (“Бола дунёни тебратар” асари мисолида)	538
141.	Ф. Икрамходжаев П.Ташкенбаев Н. Алимжанова	ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИДА МУСИҚАНИНГ ЎРНИ	541
142.	Т. Аъзам Бутунбоева	ХОРАЗМ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	544
143.	Б. Абдиримов	МЎҒУЛЛАР ТОМОНИДАН ТУРКИСТОНДАН АСИР ҚИЛИБ ОЛИБ КЕТИЛГАНЛАР ТАҚДИРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	548
144.	Ш. Умаров	БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИДА РАҚС ВА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ УЙҒУНЛИГИ	554
145.	Д. Мадиев Ҳ. Ҳамроева С. Ҳайдарова	“ДУПАЛА - ДУП” ҚАШҚАДАРЁ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	557
146.	З. Ўроқов, Ф.Давронова, Н. Пўлатова	САМАРҚАНД “БЕШ ҚАРСАК” БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ЖАМОАСИ РАҚСЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ	561
147.	Ш. Камолиддинова, С. Бобожонова М. Якубжонова	ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИДА РАҚС САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	566
148.	Р. Ҳожиев, З. Мирғиёсова	“АФРОСИЁБ ГУЛЛАРИ” РАҚСИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	568
149.	Ш. Умарова	“ХОРАЗМ ЛАЗГИ РАҚСИ”: ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ	573
150.	Ш. Қодиров, Ж. Мирсолиев	“ДИЛХИРОЖ” РАҚСИ	577
151.	С. Исматова	“КАШТА” БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚС КОМПОЗИЦИЯСИ: ҚАДРИЯТ ВА БАДИИЯТ	580
152.	Дилноза Мавлонова, Дилноза Ортиқова Рисолат Сапаева	ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ГАВҲАРХОНИМ МАТЁҚУБОВА САҲНАЛАШТИРГАН ТАРИХИЙ РАҚСЛАР	584